

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
«БАНКРОТЛИК
ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚОНУНИГА ШАРҲЛАР**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007**

**Китоб муаллифлари молиявий ва услубий кўмак берганлиги учун
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА)га
ўз миннатдорчилигини билдиради**

Муаллифлар жамоаси:

- Азимов М.К.** — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси юридик бошқармаси бошлиғи, муаллифлар жамоаси раҳбари — кириш;
Лопатова Н.В. — Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди — I боб;
Умаров З.С. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари — II боб;
Отахонов Ф.Х. — Юридик фанлари номзоди — III боб;
Саидов Ш.З. — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси — IV боб;
Солиев И.К. — Фарғона вилоят хўжалик суди раиси — V боб;
Пўлатов Б.У. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг банкрот бўлган корхоналарни тугатиш ва суд бошқаруви фаолияти устидан назорат қилиш ишлари бўйича бошқарма бошлиғи — VI—VII боблар;
Тожиєв И.И. — Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси — VIII боб;
Умаров З.С. — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари — IX боб;
Нам Г.С. — Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси — X боб;
Хосилов Э.Д. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими — XI—XII боблар.



Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига шарҳ Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳамкорлигидаги «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига шарҳ тузиш» лойиҳаси доирасида нашр этилган.

Нашр бепул тарқатиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига шарҳлар // Муаллифлар жамоаси: М. К. Азимов ва бошқ. — Тошкент: 2007 — 640 б.

© Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди, 2007.

© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА), 2007.

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА), 2007

МУНДАРИЖА

Ўзбек тилидаги нашрга сўз боши **15**

Муҳаррирлар изоҳлари **17**

Кириш **18**

I БОБ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 21

- 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади **22**
- 2-модда. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари **24**
- 3-модда. Асосий тушунчалар **27**
- 4-модда. Банкротлик аломатлари **45**
- 5-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш **47**
- 6-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи **49**
- 7-модда. Қарздорнинг хўжалик судига мурожаат этиши асослари **52**
- 8-модда. Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг хўжалик судига ариза бериш мажбурияти **53**
- 9-модда. Қарздорнинг аризасини хўжалик судига бериш мажбуриятини бажармаганлик учун қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг жавобгарлиги **57**
- 10-модда. Кредиторлар йиғилиши **59**
- 11-модда. Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш **65**
- 12-модда. Кредиторлар йиғилишини чақариш тартиби **67**
- 13-модда. Кредиторлар йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби **69**
- 14-модда. Кредиторларнинг талаблари реестри **72**
- 15-модда. Кредиторлар қўмитаси **77**
- 16-модда. Кредиторлар қўмитасини сайлаш **80**
- 17-модда. Манфаатдор шахслар **82**
- 18-модда. Суд бошқарувчилари **83**
- 19-модда. Суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари **87**

- 20-модда. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлаш-малари **91**
- 21-модда. Суд бошқарувчисининг жавобгарлиги **93**
- 22-модда. Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш **94**
- 23-модда. Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш **96**
- 24-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари **98**
- 25-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари **99**
- 26-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ваколатлари **102**
- 27-модда. Корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти **105**
- 28-модда. Банкротлик таомиллари **106**
- 29-модда. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар **112**

II БОБ.

СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ 114

- 30-модда. Судгача санация қилиш асоси **115**
- 31-модда. Судгача санация қилишнинг объекти ва субъектлари **116**
- 32-модда. Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари **117**
- 33-модда. Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддати **120**
- 34-модда. Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш **121**

III БОБ.

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ 122

- 35-модда. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари **123**
- 36-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар **127**
- 37-модда. Қарздорнинг аризаси **131**

- 38-модда. Қарздорнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар **135**
- 39-модда. Кредитор аризаси **138**
- 40-модда. Кредиторлар талабларини бирлаштириш **140**
- 41-модда. Кредитор аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар **140**
- 42-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси **142**
- 43-модда. Давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли органнинг аризаси **144**
- 44-модда. Прокурор аризаси **146**
- 45-модда. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш **148**
- 46-модда. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар **152**
- 47-модда. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри **154**
- 48-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш **156**
- 49-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддати **160**
- 50-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари **161**
- 51-модда. Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор **165**
- 52-модда. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш **168**
- 53-модда. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш **171**
- 54-модда. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори **173**
- 55-модда. Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатлари **174**
- 56-модда. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асослари **175**
- 57-модда. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш **179**
- 58-модда. Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш **180**
- 59-модда. Аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш **182**
- 60-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик

суди чиқарган ажримларни қайта кўриш юзасидан иш юритиш **185**

61-модда. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари **192**

IV БОБ.

КУЗАТУВ 194

- 62-модда. Кузатувни жорий этиш **195**
- 63-модда. Кузатувни жорий этиш оқибатлари **196**
- 64-модда. Кузатув жараёнида қарздор ваколатларининг чекланиши **200**
- 65-модда. Муваққат бошқарувчини тайинлаш **204**
- 66-модда. Муваққат бошқарувчининг ҳуқуқлари **207**
- 67-модда. Муваққат бошқарувчининг мажбуриятлари **210**
- 68-модда. Кузатувни жорий этиш ҳақида хабар қилиш **212**
- 69-модда. Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш **216**
- 70-модда. Кредиторлар талабларининг миқдорини белгилаш **225**
- 71-модда. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш **231**
- 72-модда. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида кўриладиган масалалар **233**
- 73-модда. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори **235**
- 74-модда. Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори **237**
- 75-модда. Кузатувни тугатиш **238**

V БОБ.

СУД САНАЦИЯСИ 241

- 76-модда. Суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома **242**
- 77-модда. Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажаришини таъминлаш **247**

- 78-модда. Суд санациясини жорий этиш тартиби **251**
- 79-модда. Суд санациясини жорий этиш оқибатлари **254**
- 80-модда. Санация қилувчи бошқарувчи **261**
- 81-модда. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқлари **264**
- 82-модда. Санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятлари **267**
- 83-модда. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали **270**
- 84-модда. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш **274**
- 85-модда. Суд санациясининг муддатидан илгари тамомланиши **276**
- 86-модда. Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш **280**
- 87-модда. Суд санациясининг тамомланиши **285**
- 88-модда. Мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши **289**
- 89-модда. Таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш яқунлари тўғрисидаги ҳисобот **292**
- 90-модда. Таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги оқибатлари **296**

VI БОБ.

ТАШҚИ БОШҚАРУВ 298

- 91-модда. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби **299**
- 92-модда. Ташқи бошқарувни жорий этиш оқибатлари **302**
- 93-модда. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий **305**
- 94-модда. Ташқи бошқарувчиликка номзод тақдим этиш тартиби **309**
- 95-модда. Ташқи бошқарувчини тайинлаш **310**
- 96-модда. Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш **312**
- 97-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари **315**
- 98-модда. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари **317**
- 99-модда. Кредиторларнинг талаблари **319**
- 100-модда. Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш **321**
- 101-модда. Қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш **323**
- 102-модда. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш **326**

- 103-модда. Қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги **328**
- 104-модда. Қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари **331**
- 105-модда. Қарздор харажатларининг тартибга солиниши **333**
- 106-модда. Ташқи бошқарув режаси **334**
- 107-модда. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш **338**
- 108-модда. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш **342**
- 109-модда. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари **344**
- 110-модда. Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) сотиш **346**
- 111-модда. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш **353**
- 112-модда. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш **356**
- 113-модда. Қарздор мажбуриятларининг қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши **358**
- 114-модда. Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш **360**
- 115-модда. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш **363**
- 116-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи **369**
- 117-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш **373**
- 118-модда. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши **376**
- 119-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари **381**
- 120-модда. Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари **383**
- 121-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар **386**
- 122-модда. Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши **388**
- 123-модда. Ташқи бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тартиби **389**

VII БОБ.

ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ 392

- 124-модда. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш **393**

- 125-модда. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатлари **395**
- 126-модда. Тугатиш бошқарувчиси **399**
- 127-модда. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш **401**
- 128-модда. Тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари **402**
- 129-модда. Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси **407**
- 130-модда. Тугатиш массаси **409**
- 131-модда. Қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш **411**
- 132-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг ҳисобварақлари **412**
- 133-модда. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш **414**
- 134-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш навбати **416**
- 135-модда. Қарздорнинг мол-мулкани сотиш **421**
- 136-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш **425**
- 137-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш **426**
- 138-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар **427**
- 139-модда. Тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини назорат қилиш **429**
- 140-модда. Тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш **431**
- 141-модда. Ташқи бошқарувга ўтиш имконияти **434**
- 142-модда. Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботи **435**
- 143-модда. Қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки **437**
- 144-модда. Тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш **440**

VIII БОБ.

КЕЛИШУВ БИТИМИ 442

- 145-модда. Келишув битими тузиш тартиби **443**

- 146-модда. Банкротлик таомилларида келишув битимини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари **447**
- 147-модда. Келишув битимининг шакли **451**
- 148-модда. Келишув битимининг мазмуни **452**
- 149-модда. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш шартлари **455**
- 150-модда. Келишув битимини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш оқибатлари **457**
- 151-модда. Келишув битимини тасдиқлашнинг хўжалик суди томонидан рад этилиши **458**
- 152-модда. Келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши оқибатлари **460**
- 153-модда. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги **461**
- 154-модда. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари **463**
- 155-модда. Келишув битимини бажармаслик оқибатлари **466**

IX БОБ.

ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОИФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 468

- 156-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари **468**
- 157-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви **471**
- 158-модда. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш **473**
- 159-модда. Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонани ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонани сотиш шартлари **474**
- 160-модда. Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулкани сотиш **479**
- 161-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари **481**
- 162-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари **483**

- 163-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкини ва мулкый ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятлари **484**
- 164-модда. Банкни банкрот деб топиш асоси **486**
- 165-модда. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари **487**
- 166-модда. Суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш **488**
- 167-модда. Суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиш **489**
- 168-модда. Суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаб қилиш ҳуқуқи **490**
- 169-модда. Суғурталовчининг кредиторлари талабларини қондириш **491**
- 170-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари **492**
- 171-модда. Суд бошқарувчиларига қўйиладиган талаблар **493**
- 172-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар **494**
- 173-модда. Кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари **494**

Х БОБ.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ **497**

- 174-модда. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг тартибга солиниши **498**
- 175-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза **500**
- 76-модда. Қарзларни узиш режаси **502**
- 177-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки **506**
- 178-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркор битимларининг ҳақиқий эмаслиги **508**
- 179-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни хўжалик судида кўриш **510**

- 180-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топишнинг оқибатлари **512**
- 181-модда. Хўжалик судининг қарорини бажариш **516**
- 182-модда. Кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш **518**
- 183-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби **519**
- 184-модда. Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни мажбуриятлардан озод қилиш **521**

XI БОБ.

БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ 524

- 185-модда. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги **524**
- 186-модда. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари **527**
- 187-модда. Юридик шахсни банкротлик тартибида тугатишни рад этиш оқибатлари **530**
- 188-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришнинг ўзига хос хусусиятлари **531**
- 189-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш **533**

XII БОБ.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР 536

- 190-модда. Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар **536**
- 191-модда. Низоларни ҳал қилиш **537**
- 192-модда. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик **537**

ЧИЗМА СХЕМАЛАР 540

ЎЗРнинг «Банкротлик тўғрисидаги қонуни»га кўра банкротлик тўғрисида иш юритишнинг умумий схемаси **540**

Кузатув **541**

Суд санацияси **542**

Ташқи бошқарув **543**

Тугатишга доир иш юритиш **544**

Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги **545**

Банкротликнинг содалаштирилган таомиллари (тугатилаётган юридик шахслар) **546**

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигининг содалаштирилган таомили **547**

МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР 548

Олий ҳўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарори **548**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.11.1996 йил 387-сонли «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори **564**

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сон қарори билан тасдиқланган «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида»ги Низом **565**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.07.1999 йил 362-сонли «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарори **567**

ЎЗР ВМ 26.07.1999 йил 362-сон Қарорига 2-илова. «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом» **570**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.04.2003 йил 188-сонли «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори **576**

ЎЗР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига 1-илова. «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик таомили қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкани баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида Низом» **580**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.03.2004 йил 138-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори **589**

© ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА), 2007

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига 1-илова. «Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом» **590**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига 2-илова. «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» Низом **607**

Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомга 1-илова. Суд бошқарувчиси аттестатига талабгорнинг Анкетаси **619**

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 августдаги 196-сон Қарори таҳриридаги 2-илова **620**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.08.2005 йил 185-сонли «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Қарори **621**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4 августдаги 185-сон қарорига 1-илова. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом **623**

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 12.06.2006 йил 1581-сонли Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 15.05.2006 йил 1-сонли «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори **629**

ЎЗР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 15 майдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги Низом» **630**

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШРИГА СЎЗ БОШИ

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларни назарий таҳлил қилмасдан, назарий асосини яратмасдан, қолаверса, ҳуқуқни тартибга солувчи функциясини кундалик турмуш-тарзимиз мезонига айлантормасдан туриб жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ этиш йўлидаги муаммоларни ҳал қилиш қийин албатта. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳаётни ислоҳ этиш жараёнида янги даврнинг талаб ва эҳтиёжларига монанд ҳолда янгича қараш ва ёндашувларни ўзида ифода этадиган тадқиқотларни амалга ошириш амалиётчи ва назарийчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Банкротлик институти — хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар амалиёти ва ҳуқуқий тартибга солиш тизимида нисбатан янги институт бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида унинг ўрни ва ривожини алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, банкротлик институтини ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган давр мобайнида юртимизда банкротлик институтини чуқурроқ ўрганиш мақсадида чет эллик мутахассислар ва олимлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг бу борадаги тажрибаси ва амалиёти ўрганилди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, қисқа давр ичида банкротлик институти бўйича ўзимизга хос тажриба мактабини яратдик десак, муболаға бўлмайди.

Қўлингиздаги Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига шарҳнинг ўзбек тилидаги нашри ҳам ана шундай ҳамкорлик ва тажриба самараси дейиш мумкин.

Авалло шуни айтиш керакки, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мазкур шарҳ мамлакатимизда амалга оширилган илк изланишлардан биридир.

Бу эса ушбу китобнинг долзарблигидан ва келгусида бу йўналишдаги илмий изланишларни янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳнинг рус тилидаги нашри каби мазкур нашр ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда тайёрланди.

Ҳар иккала тилдаги нашр ҳам бепул тарқатишга мўлжалланган бўлиб, улардан электрон кўринишда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий Интернет саҳифаси (www.economical-court.uz) ҳамда иқтисодиёт ва ҳуқуқ мутахассисликлари мавжуд олий ўқув юртлари ахборот ресурс марказларида ҳам фойдаланиш мумкин¹.

Шарҳнинг ўзбек тилидаги нашрини тайёрлаш жараёнида рус тилидаги нашрида йўл қўйилган баъзи камчилик ва хато-лар тузатилди. Хусусан, шарҳнинг рус тилидаги нашрида техник сабабларга кўра китобнинг ўзига киритилмай қолган, лекин китобга алоҳида илова қилинган Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарори ҳам илова қилинган.

Ўйлаймизки, ушбу нашр иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик йўналишларида таълим олаётган ва меҳнат қилаётган талабалар, мутахассислар, олимлар ва амалиётчиларда яхши таассурот қолдиради ва уларнинг билим доирасини яна ҳам кенгайтиради деган умиддамиз.

**Н. Ахманов,
Олий хўжалик суди раисининг
биринчи ўринбосари**

¹ Муаллифлик ҳуқуқи эгалари (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг рухсатисиз мазкур шарҳни ҳар қандай тарзда нашр этиш, тарқатиш, қайта ишлаш, таржима қилиш ва ундан бошқа усулда фойдаланиш тақиқланади. Шарҳдан нотижорат мақсадларида фойдаланиш бундан мустасно.

Муҳаррирлар изоҳлари

Хурматли китобхонлар,

Этиборингизга тақдим этилаётган Шарҳнинг ўзбек тилидаги нашридан самарали фойдаланишингиз учун қуйидагиларга этиборингизни қаратмоқчимиз.

Шарҳнинг ички тузилиши ўқувчиларга иложи борича қулайлик яратишни кўзлаб ишлаб чиқилган. Аввалом бор, Қонуннинг ҳар бир ўн икки боби учун алоҳида кириш шарҳлари берилган бўлиб, уларда мазкур бобда тартибга солинган масалалар ёритилиб ўтилган. Ундан ташқари нафақат ҳар бир моддага, балки ҳар бир модданинг алоҳида қисмларига ҳам шарҳлар бериб ўтилган. Бунда ўқувчиларга қулай бўлиши учун модда қисмларига шарҳлар мазкур қисмларнинг моддада жойлашиш тартибига қараб рақамлаб чиқилган. Шарҳнинг энг мураккаб ва муҳим қисмларини визуал тушунтириш мақсадида Шарҳда бир неча чизма схемалар илова қилинган (Шарҳнинг 540-бетига қаранг). Шарҳнинг сўнгида (548-бетдан бошлаб) банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосини ташкил этувчи энг муҳим қонун ҳужжатларининг тўлиқ матни илова қилинган, шу жумладан, Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарори ҳам илова қилинган.

Шу ўринда ўзбек тилидаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларида тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлаймиз. Мисол учун, рус тилидаги «процедура банкротства» иборасидаги «процедура» атамаси «Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунида «таомил» деб берилган бўлса, ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига 1-сонли илова — «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомда «тартибот» деб юритилади.

Ва ниҳоят, Шарҳ матнида фойдаланилган қисқартмалар рўйхати:

ЎЗР ВМ — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ЎЗР МБ — Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки

ЎЗР ФК — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси

ЎЗР ХПК — Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси

ЎЗР ЖПК — Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси

ЎЗР ЖК — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси

ЯТТ — Якка тартибдаги тадбиркор

Кириш

Тўловга қодир бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик механизмини шакллантириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу механизм ёрдамида самарасиз бўлган мулкдорларни алмаштириш, корхоналарни тугатиш, ижтимоий муҳим аҳамият касб этадиган ва даромад келтирадиган корхоналарни сақлаб қолиш, мулкчилик муносабатларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иш билан бандликни кафолатлаш мақсади назарда тутилган.

Банкротлик институти қуйидаги усуллар билан иқтисодиётга таъсир қилиши ва соғломлаштириши мумкин:

1) Тўловга қодир бўлмаган қарздорларни тижорат фаолиятини тугатиш;

2) Иқтисодий начор аҳволга тушиб қолган хўжалик юритувчи субъектларга ўз фаолиятини қайта ташкил қилиш ва тўлов қобилиятини тиклашга имконият бериш орқали;

Банкротлик институти Ўзбекистон қонунчилик тизимида ўзининг ҳуқуқий асосига 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун орқали эга бўлди. Бу қонун катта ҳажмга эга бўлмай 35 моддадан иборат бўлиб, банкротлик ҳолатида вужудга келадиган барча муаммоларни тартибга солмас эди. Қонун қабул қилингандан сўнг биринчи йили амалда деярли ишламади, ўша йили хўжалик судларига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида фақатгина иккита иш келиб тушди.

Республикамиз Ҳукумати томонидан 1995 йил 17 июлда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди ва шунга мувофиқ зарар билан ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилди. Бунинг самараси ўлароқ 1996 йил 1 январгача хўжалик суди томонидан 47 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб тан олинди.

Банкротлик масалалари юзасидан давлат назорати ва контролини таъминлаш мақсадида 1996 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалда қўллаш чора-тадбирлари ҳақида» Фармони эълон қилинди ва махсус орган — иқтисодий начор корхоналар ишлари бўйича Қўмита тузилди. 1997 йил хўжалик суди томонидан 137 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб топилди.

1998 йил 28 августга келиб «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун эълон қилинди. Эски таҳрирдан фарқли равишда янгиси кўплаб моддалар билан бойитилди (эски таҳрир 35-модда, янги таҳрир 133-модда), айрим турдаги қарздорларнинг банкротлик тўғрисидаги ишларни кўришни тўлиқ тартибга солди, янги таомил — ташқи бошқарув қўшилди ва бу ўз ўрнида кредиторларнинг ҳуқуқларини кенгайтди. Энг муҳими, янги таҳрирдаги қонунда банкротлик аломатлари ўзгартирилди: тўловсизлик аломатидан тўловга қодир бўлмаган аломатига ўтилди. Қонун янги таҳрирда қабул қилингандан сўнг банкротлик тўғрисидаги ишлар динамикаси қуйидаги кўринишда бўлди: 1998 йил 439 та, 2002 йил эса 1250 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб топилди.

Банкротликка оид ишларнинг кўпайиши, доимий суд амалиёти таҳлилига кўра, тажрибани оширади ва шу билан бир қаторда банкротлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ҳамда қонундаги бўшлиқлар аниқланди. Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш мақсадида иккинчи таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжини келтириб чиқарди. 2003 йил 24 апрелда ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги (учинчи) таҳрирда эълон қилинди. Эндиликдаги Қонун 192 моддадан иборат бўлиб, банкротлик белгилари ва таомилларига тегишли бўлган, тўловга қодир бўлмаган қарздорларнинг тўлов қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўйган кўплаб янги қоидаларни ўзида мужассамлаштирди. Қонунга иккита янги боб киритилди ва улар янги банкротлик таомилларини ўзида ифода этди: кузатув ва суд санацияси. Барча банкротлик таомиллари суд бошқарувчилари томонидан амалга оширилади. Суд бошқарувчилари хўжалик суди томонидан тайинланади ва назорат қилинади. Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда қўлланишини оширди. Бу турдаги ишлар тобора кўпаймоқда: 2004 йил 1742 та; 2005 йил 3677 та хўжалик юритувчи субъектлари банкрот деб топилди.

Банкротлик тўғрисидаги ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, корхона раҳбарлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари ҳамда суд бошқарувчилари банкротликнинг муҳим белгилари ва тушунчалари ҳақидаги, суд бошқарувчилари ҳуқуқий мақоми, таомиллар ва айрим турдаги қарздорларнинг банкротлиги тўғрисидаги билим даражалари ва тажриба- © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ларининг ўсиб бориши ижобий натижадир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, банкротлик масалаларига бағишланган адабиётлар кам ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ мавжуд эмас.

Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) билан Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга шарҳ тузиш» деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун ўзбек олимларидан махсус ишчи гуруҳ тузилди ва улар япон экспертлари ҳамда Япония Адлия вазирлиги ҳузуридаги Илмий тадқиқот ва малака ошириш институти Халқаро ҳамкорлик Департаменти (ICD, Research and training Institute, Ministry of Justice Japan) маслаҳатлари билан иш олиб боришди. Шарҳ икки йил давомида ишлаб чиқилди. Шу йил оралигида юртимиз вакиллари Японияга, япон олимлари эса бизнинг мамлакатимизга келиб, семинар тренинглар ўтказиб, ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига шарҳ берган Олий хўжалик суди ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ходимлари умид қиладикки, ушбу шарҳ банкротликка оид масалаларни амалиётда тўғри ҳал қилинишига, вужудга келадиган мураккаб муаммоларни бартараф этишга ва энг муҳими қонуннинг тўғри қўлланишига ёрдам беради.

Муаллифлар жамоаси Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA)га ва Япония Адлия вазирлигига услубий ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдиради.

**М. Азимов,
Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси
юридик бошқармаси бошлиғи**

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Шарҳланаётган боб кейинги боблар бағишланган банкротлик таомилларининг умумий қоидаларини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг мақсади иқтисодий ночор юридик шахслар, ЯТТлар ва кредиторларнинг қарз мажбуриятларини бажаришлари ҳамда тўлов қобилиятини тиклашлари бўйича муносабатларни мажбурий тартибга солишдан иборат. Ушбу мақсадга тўлов қобилиятини тиклашга ёки тугатишга қаратилган таомиллар орқали эришилиши кўзланган. Шарҳланаётган боб:

— банкротлик тўғрисидаги ишларнинг хўжалик суди судловига тегишлилигини;

— қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ваколатига эга шахслар доирасини;

— хўжалик судлари томонидан банкротлик тўғрисидаги ишларини кўзғатиш учун асосларни;

— ишни кўриб чиқиш натижасида хўжалик судлари томонидан киритиладиган банкротлик таомили турларини;

— банкротлик таомилларини амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

Мазкур бобда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича умум ишлатиладиган тушунчалар белгиланган. Булар, биринчидан — банкротлик, мажбурий тўловлар, мораторий, пул мажбуриятлари ва ҳ.к., иккинчидан — банкротлик таомиллари: келишув битими, кузатув, суд санацияси, судгача санация, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, учинчидан — банкротликка оид ишларда иштирок этадиган шахслар: кредитор, суд бошқарувчилари, қарздор, кредиторлар йиғилиши вакили, қарздор, муассислар (иштирокчилар)нинг ёки қарздор мол-мулкнинг эгасининг вакили, қарздор ходимлари вакили.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиляётганда кредиторлар йиғилишининг эрки албатта инобатга олиниши шартлиги сабабли, шарҳланаётган боб кредиторлар йиғилишининг ташкил этилиши, чақирилиш тартиби, ваколоти, қарор қабул қилиши сингари бир қатор қоидаларни қамраб олган. Банкротликнинг ҳар бир таомилларида суд бошқарувчилари фаолиятининг муҳимлигини ҳисобга олиб, ушбу бобда суд бошқарувчиларига тегишли бўлган қоидалар: танлаш ва тайинлаш тартиби, вазифаларини бажариш, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳ.к.ларни ҳам қамраб олган. Банкротлик тўғрисидаги ишларда кредиторлар талабининг таркиби ва миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, суд бошқарувчиларига кредиторлар талаблари реестрини олиб бориш мажбурияти юкланган.

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу моддада «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг умумий мақсади ўз ифодасини топган. 2003 йил 24 апрелдаги 474-П сонли Қонун амалдаги ҳуқуқий нормага сезиларли ўзгартириш киритди. Қонун кредиторларнинг мулкий талабларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда банкротлик ва корхоналарни тугатишни олдини олишнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга қаратилган, яъни Қонуннинг асосий мақсади — кредиторларнинг мулкий талабларини ҳимоя қилиш, ундан ташқари, қарздорга ўзини тиклаб олишга имконият беришдан иборатдир.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкрот деб топиш ва ночор хўжалик субъектларини тугатиш билан боғлиқ кўп томонлама муносабатларни тартибга солади. Ушбу модда банкрот деб фақатгина юридик шахслар (қаранг: юридик шахс тушунчаси, ЎЗР ФКнинг 39-моддаси) ёки ЯТТлар (қаранг: якка тартибдаги тадбиркор тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси биринчи қисми ва 6-моддаси биринчи қисми) топилиши мумкинлигини узил-кесил белгилайди. ЯТТ деб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил қилмай юритаётган фуқаролар тушунилади.

Юридик шахслар банкротлиги бўйича мустасно ҳолат тўлиқ давлат ҳисобидан таъминланадиган давлат унитар корхоналари ва бюджет муассасалари, шунингдек нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланмиш сиёсий партиялар ҳамда диний ташкилотлардир (қаранг: Қонуннинг 2-моддаси иккинчи қисми*), чунки улар жамоат бирлашмалари ҳисобланади. Жисмоний шахслар, агар ЯТТ мақомига эга бўлмасалар, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича банкрот деб топилиши мумкин эмас.

Ҳар қандай юридик шахс ва фуқаро кўплаб мулкий муносабатларга ҳамда турли хил мажбуриятларга киришади, аксарият ҳолларда улар пул маблағ шаклига эга бўлади. Мазкур мажбуриятларни бажармаслик фуқаролик муомаласи барқарорлигига озми-кўпми салбий таъсир кўрсатади ва қарздор банкрот деб топилиши мумкин.

* Рус тилидаги нашрида хато кетиб, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ҳавола қилинган эди.

Шунга асосланиб, банкротлик тўғрисидаги қонунчилик мулккий муносабатларда ишончсиз иштирокчиларни чиқариб ташлаш гоёсини илгари суради. Шу билан бир қаторда шуниси ҳам аниққи, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз тадбиркорлик фаолиятини таваккалчилик асосида олиб боради ва мана шу таваккалчиликнинг максимал даражаси сифатида банкротликка учраш эҳтимоли тан олиниши керак. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлигидан жамият манфаатдор деган хулосани келтириб чиқармаслиги лозим. Айнан мана шунинг учун ҳам қонунчилик ўзини қайта тиклаш имкониятини берувчи таомилларни назарда тутди. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг барча таҳрирларида қарздорларнинг молиявий соғломлаштиришнинг чора-тадбирлари назарда тутилган эди. Мисол учун, 1994 йил биринчи таҳрирдаги Қонун санация кўринишидаги таомилни назарда тутиб, унинг мақсади қарздор юридик шахсни хўжалик субъекти сифатида сақлаб қолишдан иборат эди. 1998 йилги иккинчи таҳрирдаги Қонунда хўжалик юритувчи субъектларни банкротликдан сақлаб қолишнинг қўшимча таомили — ташқи бошқарув жорий қилинди. Ҳозирда амалда бўлган янги таҳрирдаги Қонунда (2003 й.) хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий тикланишини мақсад қилиб қўйган янги таомил — суд санацияси қўшилди. Бундан ташқари, барча таҳрирларда қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришини кафолатлайдиган таомил — қарздор ва кредитор ўртасида келишув битимининг тузилиши тартиби ҳамда асослари мустаҳкамланган.

Банкротлик хавфи давлат бошқарув органларини ҳам тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятини яхшилаш ва молиявий соғломлаштириш, тиклаш чора-тадбирларини кўришга ундаши керак. Аввал, бу ишлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658 сонли «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалда қўллаш чора-тадбирлари ҳақида» Фармони бўйича тузилган махсус орган — иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Қўмита шуғулланар эди. Ушбу Қўмита давлат корхоналарига нисбатан банкротлик ҳужжатларини амалга оширилиши учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш масалаларини ҳал қилар эди. Кейинчалик мазкур Қўмита Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига айлантирилди. 2003 йил янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда эса суд бошқарувчиларига муҳим мақом белгиланган, чунки уларга кредитор ёки қарздор манфаатларидан келиб чиқиб, банкротлик таомилига ноҳолис таъсир ўтказиши тақиқланди. Қонунда ушбу масалага бағишланган «Суд бошқарувчиси қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар бўлиши тақиқланади» деган норма белгиланган бўлиб, бу охиروқибатда Қонунни ҳаётда амалга оширишга хизмат қилади.

2-модда. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ушбу Қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик нормалари нафақат «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда ифодаланган бир қатор нормаларни, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам қамраб олади. Ушбу модда, қонуннинг давлат бюджетидан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ қилинмаслигини ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини ҳам белгилаб беради.

1. Модданинг биринчи қисми банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат эканлигини белгилаб беришини ҳисобга олган ҳолда, банкротлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу — «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун деб ҳисобланади.

Банкротлик муносабатларининг тартибга солиниш тизимининг асосини ЎЗР ФК ҳам белгилаб беради: ЯТТлар учун — 26-модда, юридик шахслар учун — 57-модда. Қонун чиқарувчи орган ЎЗР ФКни қабул қилаётганда банкротлик муносабатларини тартибга солиш учун алоҳида қонун ҳужжати зарурлигини ҳисобга олган. Айнан шунинг учун ЎЗР ФКда алоҳида қонунга ҳавола қилинган умумий норма мавжуд (ЎЗР ФКнинг 57-моддаси тўртинчи қисми).

1995 йилда ЎЗР ФК (биринчи қисми) қабул қилинганидан сўнгра юз берган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар ҳамда 2003 йилда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан ЎЗР ФКнинг банкротликка оид муносабатларни тартибга солувчи баъзи нормалари амалдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун нормаларига мос келмай қолди. Бу икки қонун ҳужжати ўртасида зиддият вужудга келганда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қўлланилиб, ЎЗР ФК қоидалари қўлланилмайди. Мисол учун, ЎЗР ФКнинг юридик шахслар банкротлиги тўғрисидаги 57-моддасига мувофиқ юридик шахслар ўзларини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишлари мумкинлиги белгиланган, лекин шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2003 йилги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бўйича ўзини ихтиёрий равишда банкрот © ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

деб эълон қилиш институти бекор қилинган ва шу сабабли ЎзР ФКнинг тегишли қоидалари татбиқ этилмайди.

Банкротлик институтининг асосий моддий-ҳуқуқий жиҳатлари ЎзР ФК, «Гаров тўғрисида»ги Қонун ва бошқа моддий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шундай ҳоллар бўлиши мумкинки, фуқаролик ҳуқуқи билан умумий тартибга солинган моддий-ҳуқуқий жиҳатлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ келмаганда, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қўлланади. Мисол учун, гаров билан таъминланган талаблар, гаров ҳисобига тўла қаноатлантирилмаган ҳолларда, гаров орқали таъминланмаган бошқа талабларга нисбатан олдинги навбатда қаноатлантирилади (134-модданинг бешинчи қисми) ва агар гаров нарчасини қарздорнинг барча мулки ташкил қилса ва гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарчасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, суд харажатлари ҳамда ойлик иш ҳақини тўлаш ҳақидаги талаблар бажарилгандан сўнг кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади (133-модданинг учинчи қисми).

Ундан ташқари, ЎзР ФКнинг кўплаб моддалари бевосита банкротлик муносабатларига оид бўлмаса-да, лекин юридик шахсларнинг банкротлигида вужудга келадиган кўплаб саволларга жавоб беради. Масалан, юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли; мулкӣ ҳуқуқлари; ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келадиган мажбуриятлари; мажбуриятлардан келиб чиқадиган жавобгарлик; шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби шулар жумласидандир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ЎзР ХПК қўлланилади (Қонуннинг 35-моддаси иккинчи қисми шарҳига қаранг).

Шу билан биргаликда бир қанча гуруҳдаги ҳуқуқий муносабатлар хусусиятларидан келиб чиқиб, батафсил тартибга солишни талаб қилган ҳолларда бошқа қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилиши мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур барча ҳоллар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилади. Чунончи, «Қишлоқ хўжалиги қорхоналари санацияси тўғрисида» алоҳида Қонун қабул қилинган. ЎзР ВМ томонидан иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлашиши ҳамда суд бошқарувчиларининг тайинланиши, аттестациядан ўтиши ва фаолият юритишига оид бўлган махсус қоидаларни ўзида ифода этган қарор қабул қилинган. Ундан ташқари, агар амалиётда қонунчиликни қўллашда тушунмовчилик ва муаммолар вужудга келадиган бўлса, Олий хўжалик суди Пленуми қарор чиқариш билан масалага ойдинлик киритади. Бу шарҳни тайёрлашда Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли «Банкротлик © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Пленум қарори ҳам муҳим аҳамият касб этди.

2. Модданинг иккинчи қисмида, ушбу Қонун бюджетдан таъминланадиган ташкилотларга татбиқ этилмаслиги белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ўз фаолиятини олиб боришда тўлиқ давлат бюджетига асосланадиган корхона, ташкилотлар банкрот деб топилиши мумкин эмас. Буларга оператив бошқарувга асосланган давлат унитар корхоналари ва бюджетдан таъминланадиган муассасалар киради. Мисол учун, давлат таълим ва мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва адлия органлари шу жумласидандир. Бу ҳақда 2006 йил 27 январдаги Олий хўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарорида ҳам белгиланган.

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу қонун фақатгина юридик шахслар, юқорида қайд этилганлардан ташқари, ва ЯТТларга нисбатан қўлланади (1-модда). «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг амалиётда қўлланиши ЎЗР ФКнинг 57-моддасига ўзгартириш киритиш кераклигини кўрсатмоқда.

3. Халқаро муносабатларнинг, хусусан, савдонинг ривожланиши юридик ва жисмоний шахсларининг ҳар хил давлатларда ўз активларига эга бўлиш имкониятини яратади. Маълумки, банкротликка оид муносабатлар кўпчилик давлатларда турлича тартибга солинади. Агар тўловга қодир бўлмаган қарздорнинг бошқа давлатларда ўз активи ёки кредиторлари мавжуд бўлса, трансчегаравий тўловга қодирсизлик ҳолати вужудга келади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми трансчегаравий тўловга қодирсизлик ҳолати вужудга келганда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган коллизияни олдини олади, яъни бу ҳолатларда халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги тан олинган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг банкротликка оид халқаро шартномалари йўқ.

Чет эл давлати суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорини тан олиш агар халқаро шартнома мавжуд бўлса унинг нормалари қўлланган ҳолда, агар шартнома мавжуд бўлмаса, суд қарорини тан олиш масаласи муносабатга киришилаётганда ўзаро келишиб олиниши мумкин. Масалан, чет эл давлатида банкротликка оид ишни қўзғатиш ва қарздор мол-мулки хорижий

давлатда бўлганда чет эл давлати суди томонидан чиқарилган қарорни тан олиш ва аксинча. Амалиётда, одатда, бундай масалалар юзасидан халқаро шартномалар мавжуд эмаслиги сабабли ўзаро келишувга асосланади.

Банкротликка оид ишлар бўйича чет эл кредиторларига миллий режим татбиқ этилиши керак деб ҳисобланади, ва у чет эл кредиторларига миллий кредиторларга қараганда қулайсизроқ бўлиши мумкин эмас, яъни барча кредиторлар учун тенг шароитлар бўлиши лозим (ЎзР ХПК-23 модда).

Халқаро банкротлик билан боғлиқ БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан трансчегаравий тўловга қодирсизлик ҳақида Намунавий қонун ишлаб чиқилган эди. Мазкур қонун давлатларга ўз миллий қонунчилигини тизимига инкорпорация қилиш учун тавсия қилинган (1997 йил 15 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси 52/158 резолюцияси) шу муносабат билан амалдаги Қонунга тегишли тартибда қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

банкротлик (иқтисодий ночорлик) — хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги;

келишув битими — тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими;

кредиторлар — қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айти шу юридик ёки жисмоний шахслар (қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса, айти шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бундан мустасно);

кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили — банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этишига кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ваколат берилган шахс;

кузатув — хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили;

мажбурий тўловлар — давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

мораторий — қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш;

пул мажбурияти — қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти;

суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) — банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс;

судгача санация қилиш — қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар;

суд санацияси — хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

ташқи бошқарув — хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили;

тугатишга доир иш юритиш — хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздори қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили;

шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона — ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудоффа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс;

қарздор — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили — банкротлик таомили ўтказилаётганда қарз-

дорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ваколат берган шахс;

қарздор ходимларининг вакили — банкротлик таомили ўтказилаётганда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун қарздорнинг ходимлари ваколат берган шахс;

қишлоқ хўжалиги корхонаси — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги ва юридик шахс ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжалиги, шунингдек фаолиятининг асосий тури товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат бўлган бошқа юридик шахслар.

Ушбу модданинг мақсади «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда учрайдиган асосий тушунчаларга шарҳ бериш имконияти ҳисобланди. 1998 йилдаги қонунга қиёслайдиган бўлсак, шарҳланаётган моддада мазкур қонунда ишлатиладиган тушунчалар доираси сезиларли даражада кенгайтирилди ва қўшимча равишда тушунтириш беришга эҳтиёж сезадиган бир қатор ҳуқуқий категорияларга аниқлик киритилди.

Мазкур қонунчиликда «банкротлик» ва «иқтисодий ночорлик» атамалари синоним сифатида қўлланилган. Яъни, хўжалик суди томонидан қарздорларнинг кредиторлар пул мажбуриятлари ва (ёки) тўлов мажбуриятлари бўйича талабларини тўлиқ қондира олмаслигининг тан олиншидир. 1998 йилги қонундан фарқли равишда, қарздорнинг ўзини банкрот деб топиши имконияти бекор қилинди (1998 йилги Қонуннинг III боби).

Шуни айтиб ўтиш жоизки, банкротлик тушунчаси ушбу моддада унга нисбатан берилган таърифда тўлиқ қамраб олинмаган. Чунки, қарздорнинг банкрот деб топиш учун, нафақат хўжалик суди томонидан қарздорнинг кредиторлар талабларини тўлиқ қондира олмаслиги, балки бир қатор шарт-шароитлар асос бўлиб ҳисобланади. Бунда қарздорнинг барча кредиторлар талабларини тўлиқ қондира олмаслиги эмас, балки фақат пул мажбуриятлари ва тўлов мажбуриятлари бўйича муайян кредиторларнинг талабини қондира олмаслиги ҳисобланади ва ундан ташқари, қарзларнинг ҳамма миқдори эмас, балки Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талаблар ҳисобга олинади.

«Банкротлик» тушунчасининг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиш мумкин: биринчидан, қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбурияти бўйича қарзларини, шу жумладан, мажбурий тўловларини тўлашга қодир эмаслиги; иккинчидан, бундай мажбуриятни бажара олмаслик тўловга қобилиятсизлик шаклида бўлиб, фақатгина хўжалик суди томонидан банкротлик аломатларини аниқлангандан кейингина иқтисодий ночорликка айланади.

Келишув битими — бу қарздор деб топилган ЯТТ ёки юридик шахс раҳбари ёхуд суд бошқарувчилари ва кредиторлар йиғилиши вакили ўртасида тузилган битимдир. Мазкур битим кредиторларнинг умумий сонининг кўпчилик овози, шу жумладан талаблари гаров билан таъминланган барча кредиторларнинг розилиги билан қабул қилинган қарор асосида тузилиб, талаблар ҳажми ва муддати ва ҳ.к. юзасидан ўзаро ён босишлар орқали банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишни мақсад қилиб қўяди. Келишув битими фақат ёзма шаклда тузилиши керак бўлиб, хўжалик суди томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Ҳатто келишув битими тасдиқланганидан сўнг ҳам муайян кредиторлар учун имтиёзли ёки ноқулай шартларнинг мавжуд бўлиши сингари асосларнинг мавжудлигида битим тегишли ариза асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, бунда банкротлик тўғрисидаги иш тикланади. Келишув битими тузилгандан кейин ҳам қарздорнинг аввалги мажбуриятлари сақланиб қолинади ва келишув битимида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда кредиторлар ўз талабларининг бажарилишини талаб қилиб хўжалик судига тегишли даъво аризаси беришга ҳақли бўлиб, суд қарорини ижроси йўли билан ўз талабларини қаноатлантиришга эришиши мумкин.

Кредиторлар тушунчаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда алоҳида белгилаб берилган. Банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш кредиторлар талабларининг муайян тартибда ва навбатда қаноатлантирилиш жараёнини англатади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бўйича кредитор деб эътироф этилган шахслар кредиторлар талаблари реестрига киритилади ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади. Бошқа томондан улар учун ўз талабларини яқка тартибда қаноатлантириш имконияти назарда тутилмаган, яъни улар фақат «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда ўз талабларини қаноатлантиришлари мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда иштиладиган «кредиторлар» тушунчаси умум истеъмолдаги «кредитор» атамасидан фарқ қилади.

Биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларда кредитор қарздордан муайян ҳаракатларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга, ушбу Қонунда эса кредиторлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга оид бўлмаган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Мисол учун, ваколатли органлар сифатида кредиторларнинг мажбурий тўловларини бажаришни талаб қилиши — оммавий-ҳуқуқий муносабатлардир; қарздорнинг ходимлари сифатида кредиторларнинг меҳнат ҳақини ва ишдан бўшатиш нафақасини талаб қилиши — меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардир.

Иккинчидан, мазкур Қонунда кредитор деганда қарздордан муайян пул суммасини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар тушунилади. Нопуллик тусдаги (номулкий тусда бўлган) мажбурият-

ларни бажаришни талаб қилувчи кредиторлар банкротлик муносабатларида иштирок этувчи кредитор тоифасига кирмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кредитор сифатида нафақат Ўзбекистон, балки чет эл юридик ва жисмоний шахслари қатнашиши мумкин.

Учинчидан, ҳаёт ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплашни талаб қилувчи кредиторлар ёки қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ҳам борки, улар қонун чиқарувчи орган томонидан умумий «кредиторлар» тушунчасидан чиқарилган. Ҳаёт ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича кредиторлар бўлиб қарздор-ташкilotга нисбатан ташкилот ходимлари (бундай ҳолларда ЎЗР ВМнинг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқача хил шикастланиш туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қоидаларини қўллаш мумкин) ёки ходим бўлмаганлар ҳам (бунда ЎЗР ФКнинг умумий қоидалари қўлланади, мисол учун 1005-модда). Тегишлича, мазкур кредиторлар ўз талабларининг қаноатлантиришини «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган умумий тартибда ва навбатда амалга оширмайди (уларнинг талаблари кредиторлар талаблари реестрига киритилмайди). Шундай қилиб, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган кредиторларнинг зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари ҳар қайси банкротлик таомилларида навбатсиз ва якка тартибда қаноатлантирилади. Чунки бу умуминсоний қадрият ҳимоясига тегишли бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Юқорида келтирилган қоидаларни етказилган маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги талаблар бўйича мурожаат қиладиган кредиторларга ҳам қўллаш мумкин деб тушунилади (ЎЗР ФКнинг 1021, 1022-моддалари). Бу кредиторлар банкротлик муносабатларида иштирок этувчи умумий кредиторлар тушунчасига киритилмаслиги Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам, Қонуннинг айрим моддалари (63, 125-моддалари) маъносидан бу кредиторлар банкротлик муносабатларида иштирок этувчи кредиторлар умумий тушунчасига кирмаслигини аниқлаш мумкин. Етказилган маънавий зарарни қоплаш ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга киради ва ҳар қайси банкротлик таомилларида якка тартибда қопланади. Шу ўринда бу кредиторлар умумий кредиторлар талаблари реестрига кирмайдилар ва уларнинг талаблари навбатсиз қаноатлантириши керак. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун айнан шундай йўл билан «кредиторлар» тушунчасини белгилайди. Ушбу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, амалиётда кредиторлар сифатида тан олинадиган ва кредиторлар талаблари реестрига киритиладиган шахслар доираси янада торроқдир.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ҳамда тугатилаётган қарздор мол-мулкининг эгаси масаласига келадиган бўлсак, (гарчи у Қонуннинг тегишли моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам) улар ўзларининг улушларини фақатгина бошқа кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин мол-мулк қолган тақдирдагина олиш ҳуқуқига эга бўладилар (134-модданинг ўн биринчи қисми). Айнан шунинг учун бу кредиторлар Қонун бўйича умумий кредиторлар тушунчасидан чиқарилган, кредиторлар талаблари реестрига киритилмаган, банкротлик тўғрисидаги иш юритишда фаол иштирок этмаслиги керак ва кредиторлар йиғилишида қатнашиб, ўзларининг ҳуқуқларини исботлашлари шарт эмас.

Қонун билан белгиланган тартибда ва навбатда ўз талабларини қондира оладиган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар доираси ҳамда кредиторлар талаблари реестрига киритилмаган ва ўз талабларини Қонунда белгиланган тартиб ва навбатдан ташқари қаноатлантиришлари мумкин бўлган шахслар доираси ҳақида қуйида тушунтириш берилган.

Кредитор талаблари реестрига қуйидаги кредиторлар киритилмади: суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингунга қадар вужудга келган ва тегишли банкротлик таомилини жорий этилгунга қадар бажариш муддати етиб келган мажбуриятларга эга бўлган қарздорнинг кредиторлари.

Кредитор талаблари реестрига қуйидаги талаблар киритилмайди: 1) Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида аризани қабул қилгандан кейин вужудга келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича; 2) тегишли банкротлик таомиллари жорий этилгандан сўнг вужудга келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича. Улар жорий тўловлар ҳисобланади ва навбатсиз қаноатлантирилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, банкротлик таомили жараёнида муддати етиб келган жорий талаблар (2) шу таомилда қондирилмаса, кейинги таомилда улар жорий талаб деб ҳисобланмайди, кредиторлар талаблари реестрига киритилмади ва Қонунда белгиланган тартибда қондирилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг ўн тўққизинчи бандида бу ҳақда тушунтириш берилган.

Пулсиз талаблар (мулкий тусда бўлмаган), яъни ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар суд томонидан қарздорни банкрот деб топгунга ва бажариш муддати банкротлик таомили жорий этилгунга қадар вужудга келган бўлса ҳам кредиторлар талаблари реестрига киритилмайди. Бундай талаблар навбатсиз ҳисобланади. Ўз улуши тўланишини талаб қилаётган кредиторлар ҳам кредиторлар талаблари реестрига ки-

© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ритилмайди, аммо бундай талаблар навбатсиз эмас, балки барча навбатдан сўнг қаноатлантириши мумкин.

Талабларининг бажарилиши гаров билан таъминланган кредиторларни алоҳида ажратиб кўрсатиш жоиз. Агар уларнинг талаблари суд томонидан қарздорни банкрот деб топгунга ва бажариш муддати банкротлик таомили жорий этилгунга қадар вужудга келган бўлса кредиторлар талаблари реестрига киритилади. Банкротлик тўғрисидаги ишда гаровга олувчи шахс талабларнинг якка тартибда қондиришни талаб қилишга ва гаров нарчасини мустақил реализация қилишга ҳақли эмас. Шунга қарамасдан, улар Қонуннинг 133-моддасида назарда тутилган нормаларига риоя қилган ҳолда ўз талабларини навбатсиз қаноатлантиришда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин.

Қонун моҳиятидан келиб чиқиб, у ёки бу банкротлик таомилларига боғлиқ ҳолда жорий ва бошқа навбатсиз тўловларни суд таомиллари бўйича тақсимлаш мумкин (одатда амалиётда суд бошқарувчиси улар бўйича алоҳида рўйхат юритади):

1) кузатув таомилида.

Кузатув таомилида жорий тўловлар бўйича талаблар сифатида қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгандан сўнг муддати етиб келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар ҳамда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани суд иш юритувиغا қабул қилган кундан пайдо бўлган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар ҳисобланади. Бунга Қонуннинг 63-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисида ва 134-модда биринчи қисмида назарда тутилган барча навбатсиз тўловларни, яъни иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича (Оила кодексининг 137-моддаси бўйича иш берувчи мажбуриятлари) қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги талабларни киритиш мумкин. Кўрсатилган навбатдан ташқари тўловларга ижро хати берилмаса, бу тўловларни кузатув таомилида амалга ошириш мумкин эмаслигини билдирмайди, аксинча қайд этилган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг талаблари кузатув таомилида таъминланади;

2) суд санацияси таомилида.

Суд санацияси таомилида жорий тўловлар бўйича талабларга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 19-бандига кўра банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингунга қадар ва қабул қилингандан сўнг вужудга келган, лекин ижро этиш муддати суд санацияси жорий қилингандан сўнг вужудга келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар ҳамда Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган барча навбатдан ташқари тўловлар ҳисобланади. Назарда тутилган

римизда фуқароларнинг меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган талаблари, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни ундириш ва маънавий зиённи қоплаш ҳақидаги талаблар навбатсиз амалга оширилади ва талаблар реестрига киритилмайди;

3) ташқи бошқарув таомилида.

Ташқи бошқарув таомилида жорий тўловлар бўйича талаблар бўлиб, кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича талабларини ижро этиш муддати қарздорга нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий қилингандан кейин, шунингдек суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиниши ва унга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санациясини жорий этишдан сўнг вужудга келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича талаблари ҳисобланади. Қонуннинг 93-моддасида ифода этилганидек, мораторий бўлишига қарамасдан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар, алиментларини ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақни ундириш талаблари, шунингдек ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган фуқароларнинг талаблари қондирилишига йўл қўйилади. Назаримизда маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар ҳам шу гуруҳга киритилиши лозим. Барча навбатдан ташқари талабларга шунингдек, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида белгиланган талабларни ҳам киритиш керак. Ушбу ўринда санаб ўтилган талабларни кредиторлар талаблари реестрига киритиш зарурати йўқ;

4) тугатишга доир иш юритиш таомилида.

Тугатишга доир иш юритиш таомилида жорий тўловларига оид талабларга суд харажатлари, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, коммунал хизматлар ва фойдаланиш жорий тўловлари, қарздорнинг мол-мулкни суғурта қилиш харажатлари, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларига доир талаблар (ижро қилиш муддати бошлангандан қатъи назар, тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин вужудга келган мажбурий тўловлар бундан мустасно) ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талаблари ҳам киради. (Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисми). Юқорида санаб ўтилган харажатлар кредиторлар талаблари реестрига киритилади, лекин навбатдан ташқари қондирилиши шарт.

Назаримизда маънавий зарарни қоплаш бўйича талаблар Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилмаган бўлса ҳам биринчи навбатда қондирилиши шарт, чунки корхона тугатилапти,

демак, дастлаб қондирилиши зарур бўлган навбатдан ташқари тўловлар ҳам мавжуд.

ЯТТ банкрот деб топиш ҳолларида кредиторлар тушунчаси бир оз фарқ қилади (Қонуннинг 174, 180-моддалари), шунга мувофиқ кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг ҳам ўзгача навбати белгиланган (Қонуннинг 183-моддаси шарҳига қаранг).

Мазкур Қонунда «кредиторлар» тушунчаси остида қарздорга нисбатан пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги талаблар бўйича кредиторлар тушунилади. Бундан келиб чиқадики, кредиторларнинг пулсиз мажбуриятлари (номулкий тусдаги талаблар) якка тартибда ижро этилиши мумкин. Шу билан бирга, Қонуннинг 125-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбоши асосан, тугатишга доир иш юритиш бошланганда мулк ҳуқуқини тан олиш, мулкни қонуний эгаси бўлмаган шахсдан талаб қилиб олиш, шунингдек битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашдан ташқари барча пулсиз талаблар фақатгина тугатишга доир иш юритиш таомилидагина қўйилиши мумкин. Бу ҳолатда тугатувчи бошқарувчи пулсиз талабларни пулли кўринишга ўтказди ва уларни кредиторлар талаблари реестрига киритади, уларни қаноатлантириш эса Қонуннинг 134-моддасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Бунда шунга эътиборни қаратиш лозимки, судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан юридик шахс бўлган кредитор ёки ЯТТ мақомига эга бўлган жисмоний шахс мурожаат қилиши мумкин. Агарда кредитор — ЯТТнинг қарздорга нисбатан талаблари шахсий тусда бўлса, бундай шахс хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қила олмайди. Кредитор — жисмоний шахс судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмасда, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг унинг талаблари кредиторлар талабларининг реестрига киритилади.

Кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) нинг вакили бўлиб тегишлича кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчиси сифатида хўжалик суди мажлисларида иштирок этишга ваколат берилган жисмоний шахс ҳисобланади. Мазкур вакилнинг киритилишига кредиторлар ва суд бошқарувчиси ўртасида кўпинча юзага келадиган келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлган. Банкротлик тўғрисидаги ишда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) барча кредиторларнинг манфаатларини ифода этади ва кредиторлар номидан қарздорга нисбатан барча ҳаракатларни амалга оширади (Қонуннинг 10-моддаси биринчи ва иккинчи қисми), кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) шунга қарамай у жамоани ифода этади, шунинг учун суд мажлиси ёки бошқа ҳолатларда барча кредиторларнинг манфаатла-

рини ҳимоя қиладиган алоҳида шахсга эҳтиёж туғилади. Кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) нинг вакили кредиторлар йиғилиши томонидан сайланади ва кредиторлар йиғилишининг қарори асосида кредиторлар манфаатлари юзасидан фаолият олиб боради.

Кредиторлар йиғилишининг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш ҳуқуқига эга, масалан, 36-модданинг иккинчи қисмида, 77-модданинг учинчи қисмида, 79-модданинг бешинчи қисмида, 88-модданинг биринчи қисмида, 147-модда ва ҳоказоларда назарда тутилган ҳолатларда ва бу ҳолатларда у кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) иродасини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади.

Мазкур ҳолатда кредиторлар йиғилишининг вакили ва кредиторлар қўмитасининг вакили ажратилмаган ҳолда кўрсатилган. Кредиторлар қўмитаси кредиторлар йиғилиши томонидан танланган аъзолардан ташкил топади ва унинг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиши, кредиторлар йиғилишининг ўрнига барча кредиторлар манфаатлари йўлида кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатидаги ҳаракатлар (Қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисми) дан ташқари барча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Кузатув — бу банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилиши билан хўжалик суди томонидан ўрнатиладиган банкротлик таомилларидан биридир. Кузатув суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризининг қабул қилиниши пайтидан банкротликнинг кейинги таомили киритилгунга қадар бўлган вақтгача киритилиб, қарздор мол-мулкининг сақланишини таъминлаш, шунингдек унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида жорий этилади. Кузатувнинг жорий этилиш пайтидан эътиборан қарздорнинг мол-мулкига қаратилган ижро ҳужжатларининг ижро этиш тўхтатиб турилади (махсус талаблардан ташқари, масалан, иш ҳақини тўлаш ва шунга ўхшаш талаблар), кредиторларнинг талаблари эса фақатгина кузатувдан сўнг жорий этиладиган таомиллар доирасида билдирилиши ва қаноатлантирилиши мумкин. Бундан ташқари, кузатув давомида кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш учун қарздорнинг бошқарувчиси ва бошқарув органларининг ҳаракатлари устидан назорат олиб бориш мақсадида муваққат бошқарувчининг розилиги талаб этилади. Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин бўлган кредиторларни аниқлаш мақсадида кредиторлар талабларининг реестрини тузиши лозим. Умумий қоида бўйича, кузатув уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади ва қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни, ташқи бошқарув ёки суд санациясини белгилаш ёхуд келишув битими тузилиши билан тугатилади. Банкротликнинг бошқа таомиллари (ташқи бош-

қарув ва тугатишга доир иш юритиш) дан фарқли ўлароқ кузатувда қарздорнинг раҳбари ўз лавозимидан озод қилинмайди. Умуман олганда, кузатув ўз моҳиятига кўра банкротликнинг кейинги таомилини жорий этиш учун тайёрлов тусидаги таомилни ифодалайди.

Мажбурий тўловлар тушунчаси қарздорнинг оммавий-ҳуқуқий тусдаги барча мажбуриятларини ўз ичига олади. У солиқларни, йиғимларни, сугурта ва бошқа бадалларни, бюджетга, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармаларга киритилиши керак бўлган бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бу тоифадаги кредиторнинг ажратилиши шу билан изоҳланадики, оммавий-ҳуқуқий тусдаги мажбуриятларнинг ижро этилиши алоҳида тартибда амалга оширилади. Масалан, ваколатли органлар келишув битимини имзолай олмайдилар, чунки уни имзолаш учун имзолаш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида ишончномани тақдим этиш зарур бўлади, лекин амалиётда ҳеч ким солиқ органининг вакилига бюджет ва давлат олдидаги қарзлардан «кечиш» ҳуқуқини бермайди.

«Солиқ» деганда — ташкилот ва жисмоний шахсларнинг уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, хўжалик юритуви ёки оператив бошқарувида бўлган пул маблағларидан давлат ва (ёки) ҳудудий давлат тузилмалари фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида мажбурий, индивидуал-қайтариб берилмайдиган тўлов маъносини англашилади.

«Йиғимлар» сифатида хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслардан олинмайдиган мажбурий бадаллар тушунилади, уларни тўлаш бадал тўловчиларга муайян ҳуқуқ ёки рухсатномалар бериш каби юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни давлат органлари, ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ваколатли органлар ва мансбдор шахслар томонидан бажарилиши шартларидан биридир.

Мораторий том маънода «тўхтатиб туриш» деб таржима қилинади ва банкротлик тўғрисидаги ишда ташқи бошқарув таомили жорий этилгунга қадар ижро қилиш муддати етган кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг вақтинча тўхтатиб турилишини англатади. У ташқи бошқарувнинг бутун даврида, ташқи бошқарув жорий этилгандан тамомланган санасига қадар (ташқи бошқарувчи ҳисоботини кўриб чиқиш натижаларига боғлиқ ҳолда хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим, кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисидаги ажрим, ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор чиқарилгунга қадар) амалда бўлади. Мораторий давомида қарздор мавжуд қарзларини тўлаши шарт бўлмайди, истисно сифатидаги қуйидаги ҳолатлардан ташқари: қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингунга қадар вужудга келган ва ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин ижро муддати етган талаблар; суд томонидан қарздорни банкрот деб то-

пиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан сўнг вужудга келган талаблар; меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар, алимент тўлаш бўйича талаблар, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар. Ундан ташқари, ижро ҳужжатлари асосида ундирувга йўл қўйилмайди, неустойка ва бошқа молиявий санкциялар тўланмайди.

Мораторий ташқи бошқарувда муҳим роль ўйнайди, у ташқи бошқарув даврида қарздорнинг тўловга қодирлигини тиклаб олиш имкониятини беради, чунки, кредиторлар талаблари реестрига киритилган талаблар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш шарт бўлмайди, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган маблағлар эса ташқи бошқарувчи томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва молиявий аҳволини яхшилаш йўлидаги чоралар учун сарф қилиниши мумкин. Мораторий ҳақида батафсилроқ Қонуннинг 93-моддаси шарҳида берилган.

Пул мажбурияти — бу фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга кўра маълум пул суммасини тўлаш мажбуриятидир. Пул мажбурияти тушунчасини аниқлашда мажбуриятнинг айнан пуллик тусига урғу берилади.

Пул мажбуриятининг вужудга келиши учун асосан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асос бўлади. Амалда барча шартномалар ҳақ эвазига кўринишига эга, чунки мулкый муомалада ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартномасининг ҳақ эвазигалиги презумпцияси амал қилади. Шу билан бир қаторда пул мажбуриятларига фақатгина шундай ҳақ эвазига шартномалар киритиладики, уларда товарлар, ишлар, хизматлар учун қарши талаб сифатида пул суммаларини тўловлари кўзда тутилган.

Пул мажбурияти шартнома тузишдан бошқа асосда ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, пул мажбуриятининг шартномавий бўлмаган турига зарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбурият ҳам киради. Асоссиз бойлик орттириш оқибатидаги мажбурият ҳам пуллик тусга кириши мумкин.

Суд бошқарувчиси — бу умумий тушунча бўлиб, у банкротлик таомилларида хўжалик суди томонидан ишда тараф ҳисобланмаган шахслардан тайинланадиган бошқарувчини англатади. У банкротлик тўғрисидаги ишнинг бош иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Суд бошқарувчиси тушунчаси банкротликнинг ҳар бир таомили учун алоҳида таърифланган: кузатув даврида у муваққат бошқарувчи, суд санацияси пайтида у санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувда — ташқи бошқарувчи, тугатишга доир иш юритиш даврида эса — тугатувчи бошқарувчи. Унинг мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари банкротликнинг ҳар бир таомили учун алоҳида белгиланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 2003 йил таҳририга асосан суд бошқарувчиси — бу Қонуннинг аввалги таҳрирларида мавжуд бўлмаган янги институт ҳисобланади. Қонуннинг олдинги таҳрирларида фақатгина ташқи бошқарувчи ва ишончли шахс тушунчаларигина мавжуд эди. Авваллари ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан тайинланар, ишончли шахс эса фақат тасдиқланарди (асосан ишончли шахс бошчилигидаги тугатиш комиссияси банкротлик иши бўйича орган томонидан ташкил этилар эди). Қонуннинг янги таҳририга асосан барча суд бошқарувчилари суд томонидан тайинланадилар.

Суд бошқарувчиси фаолиятининг асосий ваколатлари алоҳида олинган ҳар бир суд таомилига боғлиқ, лекин асосий функциялар банкротликнинг барча амалиётларини ўтказишда адолат ва қонунийликни таъминлаш, кредиторлар талабларини мувофиқ ҳажмда қаноатлантириш, кредиторлар талабларининг реестрини юритиш ва қарздорнинг мол-мулкни бошқаришдир, шу билан бирга суд бошқарувчиси нафақат кредиторларнинг, балки қарздорнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиши зарур. Суд бошқарувчисини тайинлашда ҳамда унинг ўз вазифаларини бажаришда бир қатор малакавий шартлар белгиланган ҳамда мажбурий ўз жавобгарлигини суғурта қилиш кўзда тутилган (Қонуннинг 18-моддаси шарҳига қаранг). Суд бошқарувчиси ҳақида умумий қоида, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонуннинг 19—22-моддаларида белгиланган, унинг ҳар бир таомилдаги муайян ваколатлари эса Қонуннинг тегишли бобларида берилган.

Тиклаш типига *судгача санация қилишни* ҳам киритиш мумкин, шунинг учун Қонунга банкротлик тўғрисидаги иш кўзғатилгунга қадар зарар кўриб ишлаётган қарздорга эътибор қаратиш мақсадида судгача санация қилиш тўғрисидаги нормалар киритилган (санация — соғломлаштириш). Судгача санация қилишнинг мақсади — қарздорни банкротлик ҳолатига тушишини олдини олиш ва унинг тўловга қобилиятини тиклашдир. Судгача санация қилишнинг тиклаш таомиллари бўлмиш суд санацияси ва ташқи бошқарувдан фарқи ҳам ана шундадир — кейинги таомилларда қарздор-ташкilotни тиклаш ҳаракатлари суд таомиллари доирасида, яъни кўзғатилган банкротлик тўғрисидаги иш доирасида амалга оширилади.

Судгача санация пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторлар талабларини ўзлари қаноатлантира олмайдиган қарздорларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Суд санацияси бу амалдаги Қонун билан киритилган банкротликнинг янги таомили бўлиб, у суд томонидан қарздор-юрдик шахснинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида жорий этиладиган таомил ҳисобланади.

Суд санациясининг мақсади — мазкур таомил жорий этилган муддат чегарасида тасдиқланган жадвал асосида кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш орқали қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашдир. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ташқи бошқарувнинг ҳам мақсади ҳисобланади, лекин фарқли томони бунга эришиш усулларидадир. Суд санацияси давомида қарздорнинг ишларини бошқариш суд бошқарувчисига ўтмайди, қарздорнинг бошқарув органлари эса ўз ваколатларини маълум чекловлар билан амалга оширишни давом эттирадилар. Суд санациясида қарздор раҳбари, унинг муассислари ёки бошқа шахслар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаб олиш ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш имкониятини берадиган суд санацияси режасини тузадилар. Мазкур режа кредиторлар йиғилиши ва хўжалик суди томонидан тасдиқланади, ва унинг бажарилиши натижасида эса қарздорнинг тўлов қобилияти тикланади. Суд санациясининг умумий муддати йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак.

Ташқи бошқарув қарздор фаолиятини бошқариш ва унинг мулкани тасарруф этиш бўйича ваколатларини ташқи бошқарувчига топшириш орқали қарздор-юримдик шахснинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида суд томонидан тайинланадиган таомилдир. Худди шу мақсадда ўтказиладиган суд санациясидан фарқли ўлароқ, ташқи бошқарувнинг муҳим хусусияти қарздорнинг бошқарув органлари, шу жумладан унинг раҳбари ҳам қарздор-юримдик шахс фаолиятини бошқариш ва унинг мол-мулкани тасарруф этиш бўйича барча ваколатлардан маҳрум бўладилар. Ташқи бошқарув суд томонидан кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида тайинланади, бу ўз навбатида кредиторлар талабларини қаноатлантиришга мораторий жорий этишга асос бўлади. Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув режасини тузади, бу режа кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланади ва унинг асосий мақсади — тўлов қобилиятини тиклашни назарда тутаяди, бунда кредиторлар талабларини қондириш Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ташқи бошқарув умумий қоида бўйича йигирма тўрт ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жорий этилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш қарздор мол-мулкани реализация қилиш орқали мажбуриятларни тугатиш ва кейинчалик реализациядан тушган маблағларни кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўналтиришдан иборат бўлиб, бунинг натижасида қарздор тугатилади.

Қарздор — юримдик шахс ва ЯТТни тугатишга доир иш юритиш мавжуд. Қарздор-юримдик шахсни тугатишга доир иш юритишдан фарқли ўлароқ, ЯТТни тугатишга доир иш юритишда суд бошқарувчиси тайинланмайди, шунингдек судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан фақатгина қарздорнинг хўжалик фаолияти-

га асосан вужудга келган талаблар бўйича кредиторлар мурожаат қилишлари мумкин. Қарздор-юримдик шахсни тугатиш тугатувчи бошқарувчи томонидан амалга оширилади. Тугатувчи бошқарувчи қарздор мол-мулкини инвентаризация қилади ва баҳолайди ҳамда тугатиш режасини ишлаб чиқади. ЯТТни тугатишга доир иш юритишда қарздор мол-мулкининг реализациясини суд ижрочиси амалга оширади ва бу жараёндан сўнг қарздор қолган қондирилмаган талабларни бажаришдан озод этилади. Тугатишга доир иш юритишнинг умумий муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

Шаҳарни ташкил қилувчи ва унга тенглаштирилган корхона тушунчаси қонун чиқарувчи томонидан мазкур моддада аниқланган. Таъкидлаш жоизки, Қонуннинг аввалги таҳририга таққослаганда мазкур тушунча кенгайтирилди, яъни шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар қаторига ишловчилар сони уч минг кишидан кам бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ёки мазкур корхона давлатнинг хавфсизлиги ва мудофаа қобилятини таъминлайдиган бўлса ёхуд табиий монополиялар субъектларига тегишли бўлган корхоналар киритилади. Мазкур ҳолатлар қандай ҳужжатлар билан тасдиқланиши кераклиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 34-бандида тушунтириш берилган.

Мазкур Қонун бўйича «қарздор» тушунчаси фуқаролик ҳуқуқидаги тушунчадан тубдан фарқ қилади. Одатда, фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятда бундай атаманинг остида кредиторлар талаблари асосида маълум ҳаракатларни: товарни бериш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш, пул суммасини тўлаш ва ҳоказоларни амалга оширишга мажбур бўлган тараф тушунилади. Амалдаги Қонун бўйича қарздор маъносида фақатгина пул мажбуриятида мажбур бўлган, яъни кредитор пул суммасини тўлайдиган тараф тушунилади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Қонун қарздор тушунчасига нафақат фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлган шахсларни, балки солиқлар, йиғимлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларга эга, яъни оммавий-ҳуқуқий мажбуриятларга эга бўлган шахсларни ҳам киритади.

Бошқа тарафдан, хўжалик судига қарздор томонидан номулкий тусдаги талабларнинг ижро этилмаганлиги юзасидан кредитор мурожаат этганида суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилмайди. Қарздорга нисбатан номулкий тусдаги талабларга эга бўлган кредиторлар ўз талабларини банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари киритиш ҳуқуқига эгалар. Кредитор рози бўлганида, унинг пулсиз тусдаги талаблари пулда ифодаланиши ва қарздорга ариза орқали «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда йўналтирилиши мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда «қарздор» деганда маъно жиҳатдан ҳам юридик шахс, ҳам ЯТТ англашилади. Қарздор банкротлик таомилларида бош фигура бўлиб, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади (Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошиси).

Амалиётда одатда қарздор номидан унинг раҳбари фаолият кўрсатади. Қарздорнинг раҳбари — бу юридик шахс ҳисобланган корхона-қарздорнинг якка бошчиликдаги ижро органидир. У ишончномасиз мазкур қарздорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Қонунда қарздор раҳбари мазкур қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши шарт бўлган аниқ ҳолат кўрсатилган (Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисми). Бундай ариза ёзма равишда берилади ва қарздор раҳбари томонидан имзоланади (Қонуннинг 37-моддаси биринчи қисми), бунда муассисларнинг (иштирокчиларнинг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарори бўлиши шарт (Қонуннинг 38-моддаси иккинчи қисми олтинчи хатбошиси), Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Суд санациясида қарздорнинг раҳбари қарздорнинг фаолиятини бошқариш ва унинг мол-мулкини тасарруф этиш бўйича ваколатларидан маҳрум қилинмайди, у ўз хизмат мажбуриятларини санация қилувчи бошқарувчининг назорати остида бажаришни давом эттиради, суд санацияси режасини ва қарздорликни узиш жадвалини ижро этади. Шу билан бирга, кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан озод қилишга ҳақли (Қонуннинг 79-моддаси тўртинчи қисми). Ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритишда қарздор фаолиятини бошқариш бўйича ваколатлар ва унинг мол-мулкини тасарруф этиш тегишли равишда ташқи бошқарувчи ва тугатувчи бошқарувчига ўтади, қарздор раҳбари эса бундай ваколатлардан озод этилади.

Қарздорнинг муассислари ёки иштирокчилари бўлиб устав фондига ҳисса қўшган мазкур қарздор устав фондида ўз улушига эга бўлган юридик шахс ёки жисмоний шахслар ҳисобландилар. Қонунга асосан, ушбу шахслар ишда бевосита иштирок эта олмайдилар, ишда уларнинг номидан уларнинг вакиллари иштирок этади-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

лар. Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) вакили сифатида банкротлик таомилини қўллашда қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) йиғилиши томонидан танланадиган жисмоний шахс тан олинади. Бундай вакилнинг процессуал мақоми шундан иборатки, у банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади (Қонуннинг 36-моддаси 2-қисми) ва Қонунда назарда тутилган ҳолларда қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуққа эга бўлади. Қоида бўйича муассисларнинг (иштирокчиларининг) вакили қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани берганидан сўнг сайланади, лекин у аввалроқ ҳам сайланиши мумкин (Қонуннинг 37-моддаси 5-қисми). Мазкур вакил юридик шахснинг муассислари (иштирокчиларининг) йиғилишининг умумий сонидан кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади. Қонунда вакилларнинг сони тўғрисида норма белгиланмаган бўлсада, одатда бир вакил сайланади. Вакил банкротлик таомиллари жараёнида муассислар (иштирокчиларининг) йиғилишининг қарорига асосан алмаштирилиши мумкин.

Қарздор мол-мулки эгасининг вакили мол-мулк эгасининг ўзи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ҳамда хусусий корхона мол-мулки эгаси томонидан ваколат берилган орган томонидан тайинланади. Қарздор мол-мулки эгасининг вакили Қонунда кўрсатилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс деб тан олинади.

Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқига эга; (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми, 71-моддаси учинчи қисми) суддан суд бошқарувчисининг четлаштиришни илтимос қилиш (Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисми), қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризининг нусхасини олиш (Қонуннинг 37-моддаси бешинчи қисми) ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

Қарздорнинг ходимлари вакили Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланади (Қонуннинг 36-моддаси иккинчи қисми) ва тегишлича бундай шахслар учун белгиланган процессуал ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланадилар, яъни у суд мажлисларида иштирок этиш, иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари устидан шикоят келтириш, шунингдек кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок эта олади (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми, 71-моддаси учинчи қисми). Алоҳида олинган ходим суд жараёнларида ёки йиғилишларида иштирок эта олмайди ва унинг устига овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Қарздорнинг ходимлари қарздор билан меҳнат шартномаси тузган шахслар бўлганлиги туфайли уларнинг вакили ҳам мазкур меҳнат жамоасининг аъзоси бўлиши англашилади. Қарздорнинг ходимлари вакили қарздорлар умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан сайланади, банкротлик таомилларида қарздорнинг ходимлари меҳнат ҳаққи ва ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш бўйича талаблари билан суд бошқарувчисига ҳар бир ходим эмас, балки қарздорнинг ходимлари вакили барча ходимлар талаблари суммаси билан мурожаат қилади. Агар алоҳида ходим арз қилинган талаблар миқдоридан рози бўлмаса, у умумий юрисдикция судига ариза билан мустақил тартибда мурожаат қилишга ҳақли ва суд қарорини олгач, тегишли тўловни амалга ошириш учун суд ижросисига эмас, балки суд бошқарувчисига (кузатув ва суд санацияси пайтида эса-қарздорга) мурожаат қилиши мумкин.

Қарздор ходимлари вакили суд бошқарувчиси ва қарздорнинг ходимлари ўртасидаги меҳнат ҳуқуқий муносабатларга асосланган тўловларнинг миқдори ва таркиби бўйича келишмовчиликлар устидан хўжалик судига шикоят қилиш (Қонуннинг 59-моддаси иккинчи қисми иккинчи хатбошиси) ҳамда ўз эътирозларини билдириш (Қонуннинг 100-моддасида тўртинчи қисми) ҳуқуқига эга. Алоҳида ходимлар бундай эътироз ва шикоятларни бериш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг тушунчаси ҳам бир оз кенгайтирилди — энди унга юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари, шунингдек асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлган юридик шахслар ҳам киради.

Қишлоқ хўжалик корхонаси — асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобланган юридик шахс: қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат), фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги. Қарздорларнинг бу тоифасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (ишлаб чиқаришсиз) фақат қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар кирмайди. Бу гўшт комбинатлари, сут заводлари, ликёр-ароқ ишлаб чиқарувчи корхоналар, шакар заводлари ва ҳоказолардир. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари жумласига кирадиган қарздорларни банкротлик таомилдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, масалан, тўлов қобилиятига эга бўлмаган қишлоқ хўжалиги ташкилотларига нисбатан уларнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган муайян судгача бўлган таомиллар: кузатув, судгача ва суд санацияси, ташқи бошқарув қарздор мол-мулкани сотиш (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) муддатларини узайтириш кабилар қўлланилиши мумкин (Қонуннинг 161, 162, 163-моддалари).

4-модда. Банкротлик аломатлари

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Мазкур моддада «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилгандек, банкротлик аломатлари тушунчаси берилган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 1994 йил таҳририда хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик аломатлари сифатида товарлар (иш, хизматлар)ни тўлаш бўйича кредиторлар талабларини қондира олмаслик ва мажбуриятлар суммасининг қарздор мол-мулки қийматидан ошиб кетиши туфайли бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодирсизлик тушуниланган, яъни банкротлик аломатлари сифатида тўловга қобилиятсизлик ва қарздор мажбуриятлари суммаси унинг мол-мулки қийматидан ошиб кетиши тушуниланган. Шу билан бирга, қонун алоҳида жисмоний шахснинг банкротлигини назарда тутмаган, бутунлай хўжалик юритувчи субъектларгина кўрсатилган эди.

Қонуннинг 1998 йилги таҳририда юридик ва жисмоний шахс банкротлигининг аломатлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Юридик шахс банкротлигининг аломатлари сифатида кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларнинг тўлаш бўйича талабларни уларнинг ижро муддати келган пайтдан олти ой мобайнида қаноатлантиришга қодир эмаслиги тушуниланган. Юридик шахс ташкил этмай якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахснинг банкротлиги аломатлари сифатида кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш бўйича талабларини уларни ижро этиш вақти келганидан эътиборан уч ойлик муддатда қаноатлантиришга қодир эмаслиги, ва унинг мажбуриятлари суммаси унга тегишли мол-мулк қийматидан ошиб кетиши тушуниланган. Шундай қилиб, банкротликнинг аввалги аломатлари ЯТТдагина сақланиб қолинган эди. Юридик шахсга эса, олти ой давомида тўловга қодир эмаслигигина аҳамиятга эга эди.

Қонуннинг 2003 йил 24 апрелдаги янги таҳририда ҳам юридик ҳамда жисмоний шахснинг банкротлиги аломатлари сифатида қарздорлик суммасини тўлашга қодир эмаслиги, яъни «тўловга қодир эмаслик» тушунилади. Шундай қилиб, банкротликнинг асосий принципи ўзгаришсиз қолди, қарздор қарз суммасини қоплашни амалга ошириши лозим бўлган муддатигина ўзгарди. Тўловга қобилиятсизлик қуйидаги презумцияда белгиланади: агар қарздор узоқ вақт мо-

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

байнида (уч ойдан ортиқ) мажбуриятлари бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилмаса ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни киритмаса, у буни қилишга қодир эмас деб тахмин қилинади яъни тўловга қобилиятсиз ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, тўлов суммаси тўламаслик муддатини уч ой (илгари ўрнатилган олти ой ўрнига) деб белгиланиши ушбу Қонунни амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлаштириш билан боғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154-сон Фармони нормасида муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи сифатида товарларни амалда жўнатилган кундан бошлаб 90 кун (уч ой) ўтгандан кейин келиб тушмаган маблағлар ҳисобланади деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бунга жарима ҳам назарда тутилган. Айтиш мумкинки, бундай ҳолда қарздорлик миқдори аҳамиятга эга эмас, чунки қарзнинг муайян сумманининг мавжудлиги фақатгина қарздорни банкротлиги тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш шarti сифатида аҳамиятлидир.

Мазкур тушунча ҳозирги замон мулкӣ муомала талабларини адекват тарзда тушунишга асосланади, унинг иштирокчилари уларга сотилган товарлар ҳақини, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматлар ҳақини, олинган қарзларни ўз вақтида тўлашга мажбурдилар, яъни ўз мажбуриятлари ва оммавий-ҳуқуқӣ мажбуриятларини инсофли бажаришлари лозим, шунинг учун модданинг нормасидан мажбурий шарт бўлган қарздорлик суммасининг қарздор мол-мулки суммасидан ошиб кетишлиги шarti олиб ташланди. Иқтисодий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги даврида қарздор корхона баланс-активларининг умумий суммаси аҳамиятга эга эмас, фақатгина қарз суммасини тўлашга қодир эмаслиги аҳамиятга эга бўлади, яъни қарздор-корхона бозор муносабатларининг бугунги даврда қарз суммасини қоплаш усул ва имкониятларини топиши зарур, акс ҳолда у тугатилади ва хўжалик муомаласидан чиқарилади.

Кўпчилик ҳолларда қарздорликни тўлов муддати келганидан эътиборан уч ой муддатда қопламаган корхоналарни аниқлаш билан банклар, солиқ хизматлари, рўйхатга олувчи органлар, яъни жойлардаги ҳокимликлар ва бошқалар шуғулланади. ЎзР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги 327-сон қарорини ижро қилиш мақсадида Низом тасдиқланган. Низомга кўра, савдо ва савдо-воситачи корхоналар томонидан уч ой мобайнида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар — юридик

шахслар томонидан эса олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолияти амалга оширмаган ҳолларда тижорат банклари уч кун муддатда у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати органига ахборот тақдим этади, ахборотда қўйидагилар кўрсатилади: банкда ҳисоб рақами очилган ва охириги операция ўтказилган сана; банк ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мавжудлиги; мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг, кредиторлар рўйхати кўрсатилган ҳолда 2-картотеканинг мавжудлиги; корхонанинг мансабдор шахслари. Банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида суднинг тегишли қарори тақдим этилган тақдирда банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларини ёпадилар. Қайд этилган Низом солиқ ва рўйхатга олувчи органларнинг бундай хўжалик субъектлари билан иш юритиш тартибини батафсил тартибга солади.

Шарҳланаётган моддада банкротлик аломатларини аниқлашнинг умумий қоидалари белгиланган. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун алоҳида тоифадаги қарздорларга нисбатан махсус қоидаларни белгилаган ҳолларда улар устувор тартибда татбиқ этилиши керак. Бундай махсус қоидалар жумласига хусусан, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарни банкрот деб топиш асослари тўғрисидаги қоидалар киради (Қонуннинг 156-моддаси шарҳига қаранг).

5-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур модданинг мақсади банкротлик тўғрисидаги ишнинг хўжалик судига тааллуқчилигини аниқлаш, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш шартларини белгилаш ҳисобланади.

1. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмига асосан банкротлик тўғрисидаги ишлар фақат хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади. Яъни мазкур модданинг биринчи қисми банкротлик тўғрисидаги ишларнинг судга тааллуқчилигини белгилаб беради. Бу норма ЎЗР ХПКнинг 23-моддаси биринчи қисмига мос

келади, унга кўра бундай ишларни кўриб чиқиш хўжалик судларининг ваколатига тегишли, шундай экан, умумий юрисдикция судлари ўз иш юритувида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаларни қабул қила олмайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишнинг судловлиги қоидалари ҳақидаги масала мазкур Қонуннинг 35-моддаси шарҳида кўриб чиқилади.

Алоҳида ва шартнома бўйича судловлилик тўғрисидаги ЎзР ХПКнинг 31 ва 32-моддалари нормалари банкротлик тўғрисидаги ишларга нисбатан қўлланилмайди. Банкротлик тўғрисидаги ишларга, шунингдек низоларни ҳакамлик судларига топшириш ҳақидаги ЎзР ХПКнинг 25-моддаси нормалари қўлланилмайди.

2. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни кўзғатишнинг шарти талаблар суммасига амал қилиш ҳисобланади: Қонунда белгиланган қарздор-юримдик шахсга нисбатан — жами талаблар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини, қарздор ЯТТларга нисбатан — энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, ва уни уч ой ичида тўлашга қобилияти бўлмаса. Демак, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни кўзғатишнинг шарти юқорида айтилган миқдорларни уч ойдан ортиқ муддатда тўлай олмасликдир.

Маълумки, энг кам ойлик ҳақининг миқдори, пенсия, нафақаниннг минимал ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан белгиланади. Масалан, 2007 йил 10 июлдаги Фармонга асосан 2007 йил 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 15525 сўм қилиб белгиланган.

Судлар энг кам иш ҳақи миқдорининг беш юз ва ўттиз карра миқдорини аниқлашда энг кам иш ҳақи миқдорининг сўнгги белгиланган миқдоридан келиб чиқишлари керак.

Амалиётдан келиб чиқадиган бўлса, банкротлик таомили кўп меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Банкротлик таомилларини амалга оширишга қарздор маблағларининг каттагина қисми сарфланади (бож, баҳолаш, аудит, нашр қилиш ва ҳоказолар). Банкротлик таомили учун катта харажатлар талаб этилади, шунинг учун талаблар миқдори харажатларга нисбатан кам бўлган ишни кўзғатиш мақсадга мувофиқ эмас, бундай миқдордаги қарздорликни суднинг қарорига асосан банкротлик таомилини кўзғатмасдан қарздорнинг мулкидан ундириб олиш мумкин бўлади. Кам қарзлар бўйича кўп сонли банкротликларни олдини олиш мақсадида уч ойдан кўп бўлган муддатга кечиктирилган сумма йиғиндиси ҳисобида қарзнинг юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари, ЯТТ учун эса ўттиз баравари миқдоридан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим ма-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

салалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 7-бандига асосан, Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда судья қарздор-юримдик шахснинг энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан, қарздор-ЯТТнинг эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кам бўлмаган миқдорда жами қарзи мавжудлигини ва бу мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш зарур. Агар бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, ариза «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддаси 6-қисми ва ЎзР ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтарилади. Шу билан бирга, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қайтариш тўғрисидаги ажримнинг асослантириш қисмида судья ЎзР ХПКнинг 112-моддаси иккинчи қисми 5-бандига ҳавола қилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун белгилангандан умумий қоидадан истиснони белгилайди. Хусусан, бу қоидага мустасно сифатида ишнинг қарздор ташаббуси билан қўзғатилиши ҳисобланиб, бу ҳолда қарзнинг миқдори ҳам, қарзнинг қоплаш муддати ҳам аҳамиятга эга эмас (Қонуннинг 8, 7-моддалари). Бундан ташқари истисно сифатида шахарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигини (156-модда, IX боб) келтириш мумкин, бу ҳолда қарз миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлмаслиги, қарзни тўлай олмаслик муддати эса олти ой бўлиши керак. Шундан сўнг тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган қарздорни банкротлигини келтириш мумкин, бунда тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган қарздор-юримдик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириши учун етарли бўлмаса, талаб суммаси миқдори (Қонуннинг 185-моддаси) ва қарзни узиш муддатидан қатъи назар банкротлик тартибида тугатилади, худди шу қоида Қонуннинг 188-моддаси бўйича ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигига ҳам татбиқ этилиши мумкин (қарз суммаси ва тўланмаганлик муддатидан қатъи назар).

6-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Пул мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор ва прокурор эга.

Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Мазкур модданинг мақсади ким хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкинлигини аниқлашдир.

1. Ижро этилмаган пул мажбуриятлари мавжуд бўлса, хўжалик судига ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи, кредитор, шунингдек прокурор эга бўлади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бу ҳолатда фақатгина юридик шахс ёки ЯТТ мақомига эга жисмоний шахсгина қарздор ва кредитор бўлиши мумкин (ЎЗР ХПКнинг 23-моддаси).

Энг аввало, қарздорнинг ҳолатини кўриб чиқиш лозим. Қарздор ўз қарзларини уч ойлик муддат ичида қоплай олмаслигидан далolat берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, яъни банкротлик арафасида ўзининг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 7-моддаси). Қарздорнинг бундай ариза билан мурожаат қилиш тартиби Қонуннинг 37 ва 38-моддаларида белгиланган. Агар қарздор ўз кредиторлик қарзларини ижро муддати келганидан сўнг уч ой муддат ичида қопламаган бўлса (Қонуннинг 4-моддаси.) ва бундай қарздорлик миқдори қонунда кўрсатилганидан кам бўлмаса (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми) қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, қонун билан қарздорнинг нафақат уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи, балки муайян ҳолатларда мажбурияти ҳам белгиланган (Қонуннинг 8-моддаси).

Кредитор ҳам қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Кредиторнинг қарздорга бўлган талаблари муддати келганидан сўнг уч ойлик муддатда қаноатлантирилмаса (Қонуннинг 4-моддаси) ва бу талабларнинг миқдори қонунда назарда тутилган суммадан кам бўлмаса (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми) қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиниши мумкин. Бу талаблар шахсий тусда бўлмаслиги зарур. Кредиторларнинг ариза бериш батафсил тартиби Қонуннинг 39-моддаси «Кредиторнинг аризаси», 40-моддаси «Кредиторлар талабларини бирлаштириш» ва 41-моддаси «Кредиторнинг аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар»да белгиланган. Бунда пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар сифатида ҳам Ўзбекистон, ҳам чет эл юридик шахслари ҳамда ЯТТ мақомига эга бўлган жисмоний шахслар қатнашиши мумкин (ЎЗР ХПКнинг 23-моддаси).

Таъкидлаш жоизки, прокурор мазкур модданинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи қисмлари бўйича ариза бериш ҳуқуқига эга. Прокурорнинг ариза бериш тартиби «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси шарҳида батафсил ифодасини топган. Мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бўлсада, пул мажбуриятларининг бажарилмаганлиги бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган

шахс мавжуд. Бу шахс — банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидир. Шундай қилиб, агар хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида давлат улуши бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи мавжуд бўлса, банкротлик ишлари бўйича давлат органи уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиши мумкин (Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми учинчи хатбоши).

2. Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажармаганлиги натижа-сида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан Қарздор, прокурор, солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қарздор ва прокурорнинг судга ариза билан мурожаат қилиш тартиби ҳам шарҳланаётган модда биринчи қисмида назарда тутилган.

Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар деганда Ўзбекистон Республикаси бюджети ва давлатнинг мақсадли фондларига солиқ, йигим ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан назоратни амалга оширадиган органлар тушунилади. Мазкур органларда судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ» (ЎЗР ВМ 8.11.1996 йилдаги 387-сонли Қарори билан тасдиқланган. ЎЗР ВМнинг 12.03.2003 йилдаги 133-сонли ва 10.11.2006 йилдаги 235-сонли Қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)га мувофиқ улар томонидан қарздордан мажбурий тўловларни ундириш бўйича чоралар кўрилгандан сўнг вужудга келади.

Агар қарздорни банкротлик деб топиш тўғрисидаги иш мажбурий тўловларни тўлаш тўғрисидаги талаб билан ваколатли орган томонидан кўзғатилса, ариза берувчи учун тегишли (солиқ) органларининг қуйидаги кетма-кетликдаги «судгача» ҳаракатлари мажбурий ҳисобланади: низосиз тартибда боқиманда суммасини тўлашга қарздорни мажбурлайдиган ҳужжатни қабул қилиш (тақдимнома; талабнома); қарздорнинг хизмат кўрсатиш банкидаги ҳисоб рақамига тегишли тўлов ҳужжатларини тақдим этиш йўли билан қарздордан боқиманда суммасини ундиришга ҳаракат қилиш; мажбурий тўловлар бўйича боқимандани узиш учун қарздор мол-мулкини ундирувга қаратиш тўғрисида қарор қабул қилиш (Низомнинг 1—3-бандлари). Боқиманда суммасини ундиришнинг имкони бўлмаган тақдирда солиқ хизмати қарздорни мол-мулкини ундирувга қаратиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва қарздор мол-мулки ҳисобидан боқиманда суммасини ундиришни амалга оширади (Низомнинг 4 ва 5-бандлари). Фақат шундан кейингина ундиришнинг имкони бўлма-

ган ҳолда давлат солиқ хизмати ва бошқа ваколатли органларда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи вужудга келади (Қонуннинг 43-моддаси, иккинчи қисми шарҳига қаранг).

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қарздорнинг давлат олдида қарзлари, шу жумладан, мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлари бўлса қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин (Қонуннинг 25-модда, биринчи қисми, учинчи хатбоши).

Солиқ ва бошқа органларга «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар тўғрисидаги нормалар қўлланилади.

7-модда. Қарздорнинг хўжалик судига мурожаат этиш асослари

Қарздор, агар унинг ушбу Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатда пул мажбуриятларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қарздор юридик шахс қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарори ёхуд қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан вакил қилинган органнинг қарори асосида ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хўжалик судига мурожаат этади.

Ушбу модда қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқининг асосларини кўрсатиб беради. Қарздорда бундай ҳуқуқ унинг тўловга қобилиятсизлигини кўра билган вақтдан эътиборан юзага келади. Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишида, асосан, муассис (иштирокчи)ларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг тегишли қарор қабул қилиши талаб этилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида судга мурожаат қилиш асоси сифатида тўловга қобилиятсизлигининг маълум бўлиши, яъни келажакда пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги кўрсатилган.

Бу моддада банкротлик иши бўйича иш юритишни қўзғатиш асоси сифатида қонун билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қарздор юридик шахсга 500 бараваридан кам бўлмаган, қарздор ЯТТга 30 бараваридан кам бўлмаган миқдордаги талаб суммасига ва

қарзни узиш муддатига рия элмаганлик эмас, балки қарздор томонидан кредиторлар олдидаги қарзини тўлай олмаслигининг тахмин этилиши назарда тутилмоқда. Шунинг учун мазкур модда банкротлик тўғрисидаги аризаларни тақдим этиш ҳамда иш қўзғатиш шартлари ҳақидаги умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Айнан шу масала Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарорининг 3-бандида ҳам таъкидланган. Бу ҳолатда тўловни амалга ошириш қобилиятсизлиги фақат тахмин қилинаётганлиги учун фикримизча Қонун билан белгиланган талаб суммаси ва тўловни амалга оширмастик муддатига рия этиш талаб этилмайди.

2. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг шарҳланаётган моддаси иккинчи қисмида юридик шахс-қарздорнинг хўжалик судига мурожаат қилишида рия этилиши мажбурий бўлган шартларни тартибга солувчи махсус қоида назарда тутилган. Бундай мажбурий шарт бўлиб, тегишли орган қарори мавжудлиги ҳисобланади. Демак, юридик шахс-қарздорнинг хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиши учун юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига кўра уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган тегишли органнинг қарори бирламчи асос бўлиб хизмат қилади (Қонуннинг 38-моддаси иккинчи қисмига биноан аризага шундай қарорнинг қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмоғи лозим). Бундай ариза юридик шахс раҳбари томонидан имзоланган бўлмоғи керак (Қонуннинг 37-моддаси). Аммо юридик шахсни тугатиш ёки фаолиятини ўзга ҳолда тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш юридик шахс раҳбари ваколат доирасига кирмайди.

Умумий қоидадан истисно ҳолатлар мавжуд бўлиб, бунда қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш юридик шахс раҳбарининг мажбурияти ҳисобланади («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисми иккинчи ва бешинчи хатбоши) бундай пайтда қарздор юқорида қайд этиб ўтилган шахсларнинг қарорисиз судга мурожаат қилади, чунки вазият кечиктирилмасликни талаб этади ва ва ушбу шахсларнинг қарорини қабул қилинишини кутиб бўлмайди. Бунга муассисларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг тугатиш қарорини олишга ҳожат бўлмаган вазиятдаги тугатиш комиссияси ёки тугатувчининг Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмидаги мажбурий тартибда ариза билан мурожаат қилишларини ҳам киритиш мумкин.

8-модда. Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг хўжалик судига ариза бериш мажбурияти

Қарздорнинг аризаси билан қуйидаги ҳолларда қарздорнинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тадбиркор хўжалик судига мурожаат этиши шарт:

бир ёки бир нечта кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришни имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган бўлса;

қарздорнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган қарздор юридик шахс органи томонидан қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса;

қарздор унитар корхона мол-мулкнинг эгаси ваколат берган орган томонидан қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлса.

Тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт.

Қарздорнинг, тугатиш комиссиясининг ёки тугатувчининг аризаси ушбу модданинг қисмларида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай хўжалик судига юборилиши керак.

Банкротлик тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш қарздорнинг ҳуқуқи сифатида белгиланган эски таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонундан фарқли ўлароқ янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси бундай ариза мажбурий тартибда қарздор юридик шахс раҳбари, қарздор ЯТТ ҳамда қарздор юридик шахснинг тугатиш комиссияси томонидан берилиш ҳолатларини назарда тутади.

1. Шундай қилиб, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор-юридик шахс раҳбарининг ҳамда қарздор ЯТТнинг қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилиш мажбуриятини келтириб чиқарадиган ҳолатларни акс эттиради (бу ерда белгиланган миқдордаги қарз суммасининг мавжудлиги ва уч ой ичида қарзни тўлай олишга қобилиятсизлиги каби банкротлик аломатларига амал қилиш мажбурий шарт эмас деб англашилади):

1) Бир ёки бир нечта кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришни мумкин эмаслигига олиб келадиган ҳолларда.

Қайд этиш лозимки, битта кредиторга қарзни узиш, айниқса энг кўп сумма қарзга эга бўлган кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга тўғри келганда, бошқа кредиторлар олдидаги мажбу-

риятни бажаришни имконсиз қилиб қўйишга олиб келиши мумкин. Албатта, бундай ҳолларда навбатда «кейинги турган» кредиторларнинг манфаатларига путур етиши мумкин. Бундай вазиятлар айти бир қарздорга нисбатан бир неча суд қарорлари чиқарилганда юз бериши мумкин. Аксарият ҳолларда биринчи чиқарилган суд қарорларининг ижро этилиши кейинги чиқарилган суд қарорларини ижро этишни имконсиз қилиб қўяди.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқ қилинаётган модданинг ушбу банди қарздорнинг барча кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга, суд тартибида кўриб чиқилиши орқали барча кредиторлар талабларини имкон қадар тўлиқ ва мутаносиб қаноатлантириш имкониятини яратишга, бошқа кредиторлар зарарига қарздорнинг муайян кредиторлар билан тил бириктиришининг олдини олишга қаратилган;

2) Қарздорнинг таъсис ҳужжатларига биноан қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган қарздор-юрidik шахс органи томонидан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолатда.

Қоидага кўра, таъсис ҳужжатларига биноан қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга қарздор-юрidik шахснинг органи бўлиб, унинг иштирокчилари (муассислари)нинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Таъсис ҳужжатларига кўра, ваколат бериладиган орган томонидан юрidik шахснинг банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори фақат банкротлик аломатлари ёки банкротликни олдиндан тахмин қила олиш ҳолатлари мавжуд бўлгандагина қабул қилиниши мумкин. Агар қарздорда банкротлик ҳолатидан хавфсираш мавжуд бўлса, унга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш лозим. Шу муносабат билан, қарздор раҳбарига тегишли аризани судга тақдим этиш мажбурияти юклатилади;

3) Қарздор унитар корхона мол-мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса.

Судга мурожаат қилиш бўйича раҳбарда пайдо бўладиган мажбуриятнинг ушбу кўриниши келиб чиқишига кўра олдингисига айнан ўхшаш бўлиб — мулкдорнинг эркига боғлиқ бўлади. Улар ўртасидаги фарқ, биринчидан шундаки, мулкдор бир, иккинчидан, албатта, корхона унитар шаклда бўлиши керак. Бундай ҳолатлар унитар корхоналар учун, шу жумладан бюджет маблағлари ҳисобига бутунлай фаолият юритмайдиган давлат ёки хусусий мулкчиликка асосланган унитар корхоналарда вужудга келиши мумкин.

4) Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолияти юритишнинг имконсиз қилиб қўйишини фараз қилишга асослар бор.

Қонун ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганидан кейин «корхонанинг хўжалик фаолияти давом этиришнинг мумкин эмаслиги» тушунчасини аниқ, очиқ кўрсатиб бермайди, ҳар бир аниқ вазиятда бу масала (тушунча) қарздор раҳбари ёки қарздор тадбиркор томонидан мустақил ҳал қилинади.

Бундай шартни банкротликни олдиндан кўра билишнинг бир ҳолати сифатида кўриш мумкин. Моҳиятан қарздор кредитор олдидаги бирон-бир мажбуриятни бажариши мумкин, лекин бу қарздор корхонанинг келгуси хўжалик фаолиятини амалга оширишга имкон бермай, қарздорнинг шерикларига, бошқа кредиторларга катта миқдорда зарар етказиши мумкин ва айнан мана шу келгуси ҳолатни қарздор раҳбари томонидан аниқлаши лозим. Шундай фикрлардан келиб чиқиб, мазкур вазият (ҳолат) қарздор раҳбаридан банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш мажбуриятини вужудга келтиради.

2. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун мазкур моддасининг иккинчи қисмида хўжалик судига мурожаат қилиш бўйича кейинги мажбурият тугатиш комиссияси (тугатувчи) учун назарда тутилган:

тугатиш комиссияси (тугатувчи), агар юридик шахс тугатилаётганда кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш имконсизлиги аниқланган бўлса, қарздорнинг аризаси билан хўжалик судига мурожаат этиши шарт. Бундай ҳолда Қонуннинг XI бобида кўрсатилган (185-модда) тартибга биноан содалаштирилган таомиллар қўлланилади.

Қайд этиш лозимки, бундай қоида (норма) банкротлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги илғор қадамдир, чунки шу орқали аксарият ҳолларда кузатувсиз ёки инсофсиз мансабдор шахслар билан тил бириктириш орқали ўзини-ўзи тугатиш йўли билан кредиторлик қарзларни узишдан бўйин товлаш ҳолатларига тўсиқ қўйилади.

Шу билан бирга шунини таъкидлаш жоизки, юқориди қайд этилган ҳолатларда аризани хўжалик судига топшириш мажбурияти нафақат тугатиш комиссияси раисига, балки, унинг бошқа аъзоларига ҳам тегишлидир, чунки мазкур Қонуннинг 9-моддасида фақат тугатиш комиссияси раисининг эмас, балки ушбу комиссия аъзоларининг ҳам жавобгарлиги назарда тутилган.

3. Модданинг учинчи қисмида қарздорнинг шундай аризасини юборишнинг муддатини аниқлаштириб берган. Унга кўра:

қарздор раҳбари, тугатиш комиссияси ёки тугатувчининг аризаси мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолатларнинг вужудга келган вақтидан эътиборан бир ойдан кечиктирмасдан хўжалик судига юборилиши керак.

Қайд этиш керакки, таъсис ҳужжатларига биноан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли орган ёки хусусий корхона

раҳбари ёхуд ваколатли давлат органи томонидан юридик шахсларни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда, ариза беришнинг бир ойлик муддати бундай қарор қабул қилинган кундан ҳисобланиши лозим.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан судга мажбурий мурожаат қилишнинг асослари бўлиб ҳисобланган бошқа ҳолатлар маълум бўлганда фақатгина кўрсатилган ҳолатларнинг амалдаги маълум бўлган санаси эмас, балки тегишли қарздор раҳбари ёки тугатиш комиссияси (тугатувчи) оқилона ва виждонан ҳаракат қилганларида қарздорнинг тўлов қобилиятсизлигидан далолат берувчи ҳолатларни аниқлашлари лозим бўлган вақт ҳам эътиборга олинishi лозим.

9-модда. Қарздорнинг аризасини хўжалик судига бериш мажбуриятини бажармаганлик учун қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг жавобгарлиги

Қарздор раҳбари, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи томонидан хўжалик судига қарздорнинг аризаси тақдим этилмаганлиги ушбу Қонун 8-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Мазкур моддада қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш мажбуриятини бузганлик учун қарздор раҳбарининг (ёки ЯТТнинг), шунингдек тугатиш комиссиясининг (раис ва унинг аъзоларининг) ёки мустақил тугатувчининг жавобгарлиги назарда тутилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси банкротлик «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда янгилик ҳисобланади. Модданинг маъно ва мазмунидан маълумки, қонун чиқарувчи инсофсиз раҳбар ёки тугатиш комиссияси аъзоларини олдинги модда нормасининг бажарилмаслиги олдини олишга ва шу билан тўлов қобилиятига эга бўлмаган юридик шахсларнинг банкротлиги тўғрисидаги ҳолатларни аниқлаш ҳамда банкротлик суд таомилларига жалб қилиш механизмини мукамаллаштиришга қаратилган.

Ушбу модда битта қисмдан иборат бўлиб, қуйидаги нормани ўзида акс эттиради:

Қарздор раҳбари, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи томонидан хўжалик судига қарздор аризасининг тақдим этилмаганлиги
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

лиги Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган муддат тугагандан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдига пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича қарздор раҳбарининг тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи субсидиар жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Қайд этиш керакки, мазкур моддада назарда тутилган қарздор юридик шахс раҳбарлари ва тугатиш комиссияси (тугатувчилар)нинг субсидиар жавобгарлиги билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларига, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг махсус қоидалари (Қонуннинг 97-моддаси учинчи қисм ва 128-моддасининг иккинчи қисми олтинчи хатбоши) қўлланилмайди. Мазкур махсус қоидалар қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйиш тартибини белгилайди. Бунда талабларнинг миқдори кредиторлар талабларининг суммаси билан тугатиш массаси ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади.

Қарздорнинг раҳбари ва тугатиш комиссияси (тугатувчи) аъзоларининг айби эса қарздорни банкротлик даражасига олиб борганликда эмас, балки хўжалик судига мурожаат қилиш мажбурий шартлари мавжудлигига қарамасдан мурожаат қилмаганликларидир.

Бундай талабларни қўйиш ҳуқуқига кредиторларнинг ўзлари эгадирлар ва тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу шахсларга бирон-бир талабни қўйиш ва кейинчалик ундирилган суммани қарздорни мулклари тугатиш массаси ҳисобига ўтказиш учун қўйиши бу ҳолатда истисно этилади.

Қарздорнинг раҳбари ёки тугатиш комиссияси аъзоларига даъво айтиб ўтилган кредиторларнинг ҳар бири томонидан алоҳида фақат тугатиш иши доирасидан ташқарида тақдим этилиши мумкин. Бундай кредиторларнинг талаблари миқдори қарздорнинг тегишли кредитор олдигаги мажбурияти умумий ҳажми ва банкротлик тўғрисидаги иш таомилида унинг тўланган қисмининг (миқдори) ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланмоғи лозим, буни эса фақат тугатиш ишлари якунига етганидан кейингина аниқлаш мумкин бўлади.

Субсидиар жавобгарлик тушунчаси ва у билан боғлиқ талаб қўйиш тартиби ЎЗР ФК, хусусан, ЎЗР ФКнинг 329-моддаси билан тартибга солинади.

Бинобарин, ЎЗР ФКнинг 329-моддаси биринчи қисмига кўра, қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига кўра, асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишидан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра эса, агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қаноатлантиришдан бош тортса ёки кредитор унга қўйилган

талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб судсида жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

10-модда. Кредиторлар йиғилиши

Банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида яқка тартибда муурожаат этишга ҳақли эмас.

Қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси амалга оширади.

Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларидир. Кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили иштирок этади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига қўйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг миқдорий таркибини белгилаш ва бундай қўмита аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига муурожаат қилиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига муурожаат этиш ҳақидаги қарор;

суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан

икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкин. Кредиторлар йиғилишида кворум бўлмаса, ўн кунлик муддат ичида кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, ҳозир бўлган кредиторлар сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Агар кредитор қарздорга нисбатан эътироф этилган талабларга эга бўлса, бундай кредитор кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга.

Кредиторлар йиғилишида баённома юритилади.

Кредиторлар йиғилиши баённомасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри;

кредиторларнинг вакиллари ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредиторлар йиғилиши иштирокчиларининг қайд варақалари;

кредиторлар йиғилиши иштирокчиларига танишиб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар;

кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида кредиторлар ва ваколатли органлар тегишли равишда хабардор этилганлиги далиллари;

овоз бериш бюллетенлари;

суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан бошқа ҳужжатлар.

Кредиторлар йиғилиши баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай хўжалик судига топширилиши керак.

Мазкур модданинг мақсади кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказишдаги муносабатларни тартибга солиш, кредиторлар манфаатларини ифода этиш, кредиторлар йиғилиши эга бўлган ваколатлар, уни ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларини тушунтириш, кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатларига кирувчи ҳолатларни, йиғилиш баённомасини юритиш ва уни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятларини қайд этиш ҳисобланади.

1. Кредитор банкротлик таомилларининг энг муҳим иштирокчиларидан бири ҳисобланади, чунки кредитор бўлмаса банкротлик аломатлари ҳам бўлмайди. Ўрнатилган банкротлик таомиллари кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, уларнинг талабларини адолатли тартибда қондириш учун зарурдир. Шунинг учун «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун кредиторларга тааллуқли махсус қоидаларни акс эттиради.

Мазкур моддага биноан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси Қонун билан белгиланган тартибда қарздорга ўз талабларини қўйган барча кредиторларнинг манфаатларини ёқлаб чиқади. Бу энг аввало хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувига қабул қилган вақтидан то банкротлик тўғрисидаги иш юритуви тугатилмагунга қадар кредиторлар ўз талабларини қаноатлантириш мақсадида қарздорга алоҳида тартибда мурожаат қилишга ҳақли эмасликлари (Қонунда қарздорга талабларни алоҳида (якка тартибда) билдириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) билан боғлиқ. Бу ўз навбатида, кредиторлар талабларини адолатли қаноатлантириш принциpidан келиб чиқади.

Агар кредитор қарздорни банкрот деб топиши ҳақидаги ариза топширилгунга қадар юзага келган қарзни қарздордан ундириш ҳақидаги даъвони якка тартибда тақдим этса, суд ЎзР ХПК нинг 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан бундай даъвони қабул қилишни рад этиши лозим. Агар суднинг иш юритувида қарздорнинг қарз суммасини ундириш ҳақидаги иш мавжуд бўлиб, айнаи вақтда ушбу қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишнинг мавжудлиги аниқланса, суд айнаи шу асосларга кўра ЎзР ХПКнинг 86-моддаси биринчи банди ҳавола қилган ҳолда қарзни ундириш тўғрисидаги иш юритувдан тўхтатиш ҳақида ажрим чиқаради (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 6-банди). Қарздор ташкилотга нисбатан мавжуд бўлган барча ижро ишлари тўхтатилмоғи лозим, янги ижро варақалари эса суд ижрочилари томонидан қабул қилинмаслиги лозим.

Барча кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси суд бошқарувчиси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ёки уни алмаштириш ва вазифасидан озод қилиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин (Қонуннинг 13, 15-моддалари).

2. Мазкур модданинг иккинчи қисми қарздорга нисбатан ҳар бир кредитор ўз муносабатини мустақил билдира олмаслигини, кредиторлар эрки эса фақат кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси орқали ифода этилиши лозимлиги ҳолатини мустаҳкамлайди.

3. Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилишида иштирок этиб, талаблар реестрига киритилган барча кредиторлар овоз бериш ҳуқуқига эга, шу жумладан мажбурий тўловларга доир талаблар бўйича ҳам. Бундай овоз ҳуқуқига давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар (масалан бюджетдан ташқари пенсия фонди ёки Республика йўл фонди вакиллари) эга.

Агар бирор-бир кредитор у ёки бу таомилда ўз талабларини билдиришга улгурмаган бўлса, у кейинроқ ҳам (кейинги таомилда) ўз талаби билан мурожаат қилишга ҳақли, лекин табиийки, реестрга кейинроқ тушади ва фақат кейинги таомиллардан эътиборан овоз бериш ҳуқуқи билан кредиторлар йиғилишида иштирок этади. Агар кредитор ўз талабларини билдирган бўлсада, лекин кредиторлар талаблари реестрга киритилмаган бўлса (масалан, эъгирозларнинг мавжудлиги ва уларнинг суд томонидан кўриб чиқилиши оқибатида), бу кредитор кредиторлар йиғилишида қатнашишга ҳақли бўлади, лекин овоз бериш ҳуқуқисиз (Қонуннинг 70-моддаси тўртинчи қисми шарҳига қаранг).

Қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки мулкдорнинг вакили кредитор эмаслигига қарамай кредиторлар йиғилишида маслаҳат овоз бериш ҳуқуқи билангина қатнаша оладилар, бу эса уларда кредиторлар йиғилишида қарор қабул қилинишида қатнашиш ваколати йўқлигини англатади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун юқоридаги шахслар учун кредиторлар йиғилишида қатнашиш имкониятини назарда тутаяди, чунки йиғилишда қарздорга тааллуқли муҳим масалалар кўриб чиқилиши мумкин.

Ундан ташқари, шунинг назарда тутиш лозимки, кредиторлар йиғилишида айниқса агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қарздорнинг ўзи томонидан берилган бўлса ва қарздор устав фондида давлат мулкнинг ҳиссаси мавжуд бўлса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи вакиллари қатнашиши мумкин, қолаверса, қонунлар ижросини назорат қилиш мақсадида, кредиторлар йиғилишида прокуратура вакили ҳам иштирок этиш мумкин (овоз бериш ҳуқуқисиз).

Кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига фақат кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар эга бўлганлиги сабабли, шунинг ҳам назарда тутиш лозимки, тугатиш ишида реестрга иш ҳақини тўлаш, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, алимент ва бошқа талаблар ҳам киритилсада, бу талаблар бўйича кредиторлар кредиторлар йиғилишида иштирок этишмайди ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Лекин уларнинг кредиторлар йиғилишида шахсан иштирок этишлари ман этилмайди.

4. Қарздорнинг кредитори фақат битта бўлган вазиятлар ҳам учраши мумкин. Бу ҳолатда яқка кредитор кредиторлар йиғилишида мутлақ ваколатига кирувчи қарорни мустақил қабул қилади.

5. Қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисми кредиторлар йиғилиши мутлақ ваколатига кирувчи масалаларни тартибга солади. Ушбу қисмга кўра, келишув битими тузилиши ҳақидаги қарор (VIII бобга биноан), кредиторлар кўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг таркибининг сони ва ваколатларининг муддатидан олдин тугатилишини аниқ-

лаш билан бирга кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир ишни бошлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш киради. Лекин шунини қайд этиш лозимки, Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисмига асосан агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига, шунингдек суд санацияси режасини тасдиқлаш ва қарздорликни узиш жадвалини маъқуллаш ҳамда ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш киради. Қонуннинг 83-моддаси учинчи қисмига асосан, қарздорликни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

6. Мазкур Қонунга асосан кредиторлар йиғилишини ўтказиш ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълонлар чоп этиришдан эътиборан то кредиторлар йиғилишининг ўзини ўтказишгача бўлган ташкиллаштириш ишлари билан боғлиқ барча тадбирлар суд бошқарувчиси томонидан ўтказилади. Бунда ушбу йиғилишни қачон ва қаерда ўтказишни у мустақил ҳал қилади.

7. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми кредиторлар йиғилиши мажлисининг қарорини қонуний деб топиш учун лозим бўлган кворумга нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Йиғилиш қарздорни мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларининг кредиторлар талаб реестрига киритилган умумий суммасининг 2/3 қисмидан кам бўлмаган миқдордаги талабни қўяётган овоз бериш ҳуқуқига эга кредиторларга унда иштирок этишган ҳолда ваколатли бўлади (яъни, унинг қарори юридик кучга эга бўлади). Агар кворум бўлмаса, йиғилиш ўтказилмаслиги лозим.

Кворум бўлмаган вазиятда 10 кунлик муддат ичида кредиторлар йиғилиши қайта чақирилади ва кўрсатилган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, агар улар кредиторлар йиғилиши ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлсалар, бу йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бошқарувчининг фаолиятини ва йиғилиш қарорларини қонунийлигини текширишда

овозларнинг умумий сонини ҳамда йиғилишда иштирок этган иштирокчиларнинг сонини диққат билан ҳисоблаб чиқиш жуда долзарбдир. Бу ерда кредиторларнинг йиғилишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкинлигини қайд этиш керак. Амалиётда, қоидага кўра, овоз бериш сўров қоғози асосида ўтказилади, яъни кредиторлар ёки вакиллари ушбу қоғозга овозга қўйилган у ёки бу масалага «рози» ёки «қарши» эканликлари ҳақида имзо чекадилар. Почта орқали овоз бериш бизнинг амалиётда учрамайди.

8. Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисмига асосан кредиторлар, агар у кредиторлар талаб реестрига киритилган қарздорга нисбатан тан олинган (кўрсатилган, қайд этилган) талаблар эгаси бўлса, кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади (овозлар сонини аниқлаш масаласи буйича Қонуннинг 13-моддаси иккинчи қисмига қаранг). Мазкур қарздорга нисбатан шахснинг талаблари буйича тан олинмаган қисмининг қонунийлиги масаласи суд тартибида ҳал қилинмоғи лозим (гап эътирозлар билдирилган талаблар ҳақида кетаяпти). Низо келиб чиққан тақдирда кредиторларнинг талаблари миқдорини аниқлаш «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 59, 70, 84, 100, 128-моддалари нормаларига биноан хўжалик суди томонидан ҳал этилиши лозим. Агар кредиторлардан келиб тушган эътирозни қаноатлантириш суд томонидан тўлиқ рад этилган бўлса, бу талаблар реестрга тушмайди ва ўз навбатида, бундай кредитор овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар кредиторлар томонидан кўрсатилган сумма миқдорига қарши суд бошқарувчиси эътироз билдирса ва суд томонидан суд бошқарувчисининг эътирозлари қондирилмаса, реестрга кредитор кўрсатган талаб суммаси киритилади.

9. Кредиторлар йиғилишида баённома юритилади. Қоидага кўра, баённомани суд бошқарувчисининг шахсан ўзи ёки кузатув қилиш шарти билан йиғилишда иштирок этувчи шахсларнинг бирига баённома юритиш топширилади. Баённома муҳим ҳужжат бўлиб, у орқали суд кредиторлар йиғилишининг қонунийлигини кредиторларнинг ҳақиқатан қатнашганлигини, маълумотларни ҳаққонийлигини текшириш мумкин, шунинг учун ҳам баённома юритиш масъулиятли вазифа ҳисобланади.

10. Кредиторлар йиғилиши баённомасига ушбу модда ўнинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилиниши керак, жумладан; кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри; кредиторларнинг вакиллари ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар; кредиторлар йиғилиши иштирокчиларининг қайд варақалари; кредиторлар йиғилиши иштирокчиларига танишиб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар; кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида кредиторлар ва ваколатли органлар тегишли равишда хабардор этил-

ганлиги далиллари (бундай далилларга қабул қилинганлиги ҳақида белги қўйилган почта билдиришномалари ёки билдиришномани олганлиги ҳақида кредиторнинг шахсий имзо хати киради); овоз бериш бюллетенлари; суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки кредиторлар йиғилиши қарорига биноан бошқа ҳужжатлар.

11. Йиғилиш баённомаси ва юқорида кўрсатилган унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан беш кун ичида хўжалик судига юборилиши шарт — бу суд бошқарувчисининг мажбурияти ҳисобланади.

11-модда. Кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш

Лозим даражада хабардор этиш деганда кредиторга, ваколатли органга, шунингдек ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсга кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинини таъминловчи бошқа усул билан юбориш тушунилади.

Кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарнинг расмий нашрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда эълон қилиниши ана шундай шахсларни тегишли равишда хабардор этиш деб эътироф этилади.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- қарздор юридик шахснинг номи ва жойлашган ери;
- кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- кредиторлар йиғилишининг кун тартиби;
- кредиторлар йиғилиши кўриб чиқадиган материаллар билан танишиш тартиби;
- кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш тартиби;
- қарздор яқка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи.

Мазкур модда кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақида иштирокчиларни хабардор этишнинг аниқ тартибларини белгилайди.

Бу модданинг мақсади кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу эса кредиторлар йиғилиш ўтказиши ҳақидаги

маълумотни ҳар бир кредиторга шахсан юбориш орқали огоҳлантириш ва хабарда санаб ўтилган маълумотларнинг киритилиши лозимлиги билан белгиланади.

1. Қайд этиш лозимки, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёки эга бўлмаса-да ушбу Қонуннинг 10-моддасига (учинчи қисмига) кўра кредиторлар йиғилишида қатнашишга ҳақли бўлган ҳар бир иштирокчи хабардор этилиши лозим.

Шарҳланаётган модда билан юқорида кўрсатилган шахсларни хабардор этишнинг учта усули назарда тутилади.

Биринчидан, кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта муддат олдин почта орқали хабар жўнатилиши лозим ва хабар берилганлигини тасдиқловчи далил мавжуд бўлиши лозим. Бундай хабарнинг тасдиғи сифатида почта паттаси ёки топширганлик тўғрисидаги маълумотнома ҳисобланади. Мазкур ҳолатда хабар кеч бориши хавфи, шу жумладан алоқа бўлими айби билан бўлса ҳам, кредитор зиммасида бўлади.

Иккинчидан, кредиторлар йиғилиши ўтадиган кундан беш кундан кам бўлмаган муддат олдин хабарнинг қабул қилинишини таъминловчи усул билан хабар жўнатиш. Бу ҳолатда хабарни телефон, факс, электрон почта, курьер ва х.к. лар орқали юбориш назарда тутилади, лекин бунда энг асосий шарт ушбу хабарнинг қабул қилинишини таъминлашдир.

Шундай қилиб, тегишли тартибда хабардор қилиш деганда, икки ҳафта олдин почта орқали жўнатиш ва шахсан қабул қилишни таъминловчи беш кун олдин юбориладиган бошқа усул назарда тутилади. Амалиётда битта аҳоли пунктида жойлашган кредиторларга суд бошқарувчиси шахсан ўзи хабарномаларни етказди. Агар шахсан хабардор қилишнинг имконияти бўлмаса, мазкур модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар қўлланилади, яъни хабар оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Агар йиғилиш кредитор хабарномани олмаганлиги сабабли унинг иштирокисиз ўтказилган ва оқибатда йиғилиш ваколатлилиги бузилган бўлса, ушбу кредитор кредиторлар йиғилишининг қарори устидан шикоят беришга ҳақли, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно (Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисми).

2. Хабар етказишнинг учинчи усули мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган:

Кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарнинг расмий нашрда ЎЗР ВМ томонидан белгиланадиган тартибда эълон қилиниши ана

шундай шахсларни тегишли равишда хабардор этиш деб эътироф этилади. Бундай тартиб бугунга қадар белгиланмаган.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.06 йилги 142-сонли қарорида (18-банди) махсус тушунтириш мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида кўрсатилган тартибда зарур маълумотлар ЎЗР ВМ томонидан расмий нашр белгилангунига қадар, республика ва вилоятларнинг расмий нашрларида чоп этилади.

3. Кредиторлар йиғилишини ўтказиш мақсади ва моҳияти барча кредиторларга тушунарли бўлиши учун йиғилиш ўтказилиши ҳақидаги хабарнинг ўзида ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар акс этмоғи лозим.

Одатда рўйхатдан ўтиш тартибини кўрсатишда кредиторлар йиғилишида иштирок этиш учун келган кредиторлар (ёки уларнинг вакиллари)ни рўйхатга олиш қаерда, қайси соатда ва ким томонидан амалга оширилганлиги аниқлаб берилади.

12-модда. Кредиторлар йиғилишини чақириш тартиби

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ташаббуси билан, кредиторлар қўмитасининг, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилади.

Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда кредиторлар йиғилиши кун тартибига киритилиши лозим кўрилаётган масалалар таърифланган бўлиши керак.

Суд бошқарувчиси кредиторлар қўмитасининг ёки ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган кредиторларнинг талабига биноан чақирилаётган кредиторлар йиғилиши кун тартибининг масалалари таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

Кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитасининг ёки ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган кредиторларнинг талабига биноан тегишли ариза билан суд бошқарувчисига мурожаат этилган пайдан эътиборан кечи билан ўттиз кунлик муддат ичида суд бошқарувчиси томонидан чақирилади.

Кредиторлар йиғилиши, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказишнинг иложи бўлмаса, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган жой суд бошқарувчиси томонидан белгиланади.

1. Кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни мазкур модданинг биринчи қисмида қайд этилган субъектлар, айнан суд бошқарувчиси, кредиторлар қўмитаси, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторлар ёхуд реестрга киритилган кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторлар бўлиши мумкин. Шундай қилиб 10-моддага асосан, кредиторлар йиғилишида иштирок этишга ҳақли бўлган барча шахслар ҳам уни чақиртиришни талаб қила олмайди.

Юқорида кўрсатилган барча шахслар (суд бошқарувчисидан ташқари) кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ўзининг ташаббусини суд бошқарувчисига мурожаат қилиш орқали амалга оширадilar. Процессуал жиҳатдан «ташаббускорлик» ва «талаб қилиш» бир-биридан фарқланмайди ва ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида юқорида кўрсатилган барча шахслар ўз талабларини йиғилишда кўрилиши керак бўлган масалalarda таърифлашлари, яъни кун тартибига киритишлари лозимлиги белгиланган. Бундан шу маъно келиб чиқадики, агар юқоридаги шахслар кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни таърифлаб бера олмаса, яъни кредиторлар йиғилишини чақиртирилиш сабабларини кўрсатишмаса, суд бошқарувчиси уларнинг талабларини рад этиши мумкин.

3. Ушбу ўринда алоҳида айтиш жоизки, мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ, кредиторлар йиғилиши кредиторлар қўмитаси ёки мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторлар талабига биноан чақиртирилган бўлса, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг кун тартибига киритилган масалалар таърифига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас. Бу дегани, юқорида кўрсатилган шахслар томонидан тақдим қилинадиган масалалар таърифини суд бошқарувчиси ўзгартиришга ҳақли эмас, бироқ кредиторлар йиғилишининг кун тартибига, кредиторлар йиғилиши билан муҳокама қилиниши ёки келишиши лозим бўлган бирор-бир масалани киритишга ҳақли.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, йиғилиш чақиртирилиши тўғрисида суд бошқарувчисига талабнома билан мурожаат қилишгандан сўнг, мурожаат (ариза) тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичида суд бошқарувчиси йиғилишни чақиртириши шарт. Ушбу модда мазмунига кўра, гап йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор этиш (Қонуннинг 11-модда) ва ҳ.к. ҳақида эмас, балки айнан йиғилиш чақиртирилиши ҳақидалигини тушуниш лозим.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг жойлашган ерида (ЯТТларга нисбатан — яшаш жойида) ўтказилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказишнинг иложи бўлмаса, кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиладиган жой суд бошқарувчиси томонидан белгиланади. Демак, умумий қоида бўйича, кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорнинг жойлашган ерида (яшаш жойида) ўтказилиши шарт. Амалиётда кўпинча, суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилишини ўзига қулай, яъни одатда, ўзи (иш жойи, офиси) жойлашган ерда ўтказди.

13-модда. Кредиторлар йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби

Овозга қўйилган масалалар юзасидан кредиторлар йиғилиши қарори йиғилишда ҳозир бўлган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳар бир кредитор кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорларни барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилади:

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритиш-ни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор.

Агар кредиторларнинг йиғилишида ушбу модданинг назарда тутилган қарорларни қабул қилиш учун кредиторларнинг овозлари зарур миқдорга етмайдиган бўлса, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, бундай қарорларни йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят бериш-га ҳақли.

Мазкур модда кредиторлар йиғилиши ўз қарорларининг қабул қилишнинг икки хил тартибини белгилайди, шу билан бирга ҳар бир кредиторнинг овози миқдорини санаш тартибини, кредиторлар йиғилишида кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган турли қарорлар рўйхатини, кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилиши ҳамда норози бўлганларида қарор устидан шикоят бериш имкониятларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар йиғилишида овоз беришнинг умумий тартибини ўрнатади ва қарор йиғилишда иштирок этадиган кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинишини тушунтиради.

Кредиторлар йиғилишининг кворуми, юқорида баён этилганидек, мазкур Қонуннинг 10-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган. Умумий тартибда овоз бериш орқали, Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган айрим муҳим аҳамиятга эга бўлганларидан ташқари барча қарорлар қабул қилинади. Умумий овоз бериш тартибидан истисно (малакали) тартиб мазкур модданинг учинчи қисмида белгиланган.

Шуни назарда тутиш керакки, айрим масалаларни ҳал қилиш учун Қонунда муайян овоз бериш тартиби ўрнатилган. Масалан, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш учун (Қонуннинг 115-моддаси иккинчи қисми ва 137-моддаси биринчи қисми) кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар овоз бериши талаб қилинади. Банкрот-корхонани тугатиш режасини тасдиқлаш учун талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар розилиги талаб қилинади (Қонуннинг 129-моддаси иккинчи қисми).

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, йиғилиш иштирокчилари (кредиторлар, мажбурий тўловлар бўйича — давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар) эга бўлган овозлар миқдорини (сонини) Қонун одатдагидек — кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра умумий кредиторлик қарзи (асосий қарзи билан бирга неустойкалар ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар билан жами)даги ўз улушига муносабат белгилайди. Ушбу сабабларга кўра, кўп миқдордаги талабларга эга бўлган кредиторлар қабул қилинадиган қарорларга кўпроқ таъсир ўтказишади, бу албатта табиий, аммо кичик кредиторларнинг манфаатлари ҳам маълум бир ҳимояни талаб қилади. Айниқса, бу муаммо битта кредитор мутлақ кўпчилик (51 % ва ундан кўп) овозга эга бўлган, қолган овозларга эса кўпчиликни ташкил этувчи кредиторлар эга бўлган тақдирда йирик кредитор бошқа кредиторлар ҳам, қарздор ҳам манфаатдор бўлмаган сиёсатни амалга оширишида яққол намоён бўлади. Шуни назарда тутиш лозимки, ҳар қандай кредитор, агар кредиторлар йиғилиши ноқонуний ҳамда кредиторнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарор қабул

қилган ҳолда, ушбу қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга (ушбу модданинг бешинчи қисми).

3. Учинчи қисм кредиторлар йиғилиши томонидан кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган қарорларнинг малакали тартибини белгилайди. Малакали тартибда: келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор; суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор; қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор; суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарорлар қабул қилинади.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кўрсатилган рўйхат мукамал бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан, биз қуйидаги масалалар, яъни кредиторлар кўмитасини тузиш, унинг таркиби ва ваколатларини белгилаш, кредиторлар кўмитаси ваколатини муддатдан олдин тугатиш ва кредиторлар кўмитасининг янги таркибини ташкил этиш, суд санацияси режасини тасдиқлаш ва қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш ҳамда ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш бўйича қарорларни ушбу рўйхатга киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, чунки бундай масалалар банкрот-ташкilotнинг кейинги тақдирини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми агар кредиторларнинг йиғилишида малакали тартибда қарорларни қабул қилиш учун кредиторларнинг овозлари зарур миқдорга етмайдиган бўлса, унда кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, бундай қарорларни йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилишга ваколатли ҳисобланади. Шундай қилиб, кредиторларнинг такрорий йиғилишини ўтказганда, йиғилишда ҳозир бўлган кредиторлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар ваколатли ҳисобланади.

5. Шарҳланаётган модданинг сўнги қисмига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган («Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган) шахслар, шу жумладан, талабларининг миқдоридан қатъи назар бошқа кредиторлар ҳам кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли. Суд шикоятни асосли деб топганда қарорни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Шунга айтиш жоизки, бу ерда Қонун банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар кредиторлар йиғилишининг қарори устидан хўжалик судига шикоят беришга

ҳақли эканлигининг муддатини кўрсатмаган. Лекин назаримизда, бундай муддат таомилга кўра чекланган бўлиши керак. Масалан, тугатишга доир иш юритиш якунига етиб қолган бўлса, мол-мулки реализация қилинган ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинган бўлса, унда кредиторлар йиғилишининг амалга ошган дастлабки қарорини қолган барча кредиторларнинг умумий манфаатларини инобатга олиб, қайта кўриб чиқишга ҳожат йўқ. Лекин ушбу ҳолатда, кредиторлар йиғилишининг қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги шикоятни рад этишга асослар йўқдир, шунинг учун бизнинг фикримизча, бундай шикоятни қабул қилиш керак, кўриб чиқиб, бундай шикоятни рад этиш тўғрисида суд ҳужжатини қабул қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (21 банди) тушунтиришига кўра, кредиторлар йиғилишининг қарори устидан шикоятни кўриб чиқиш тўғрисидаги суд ажрими устидан Қонуннинг 60-моддасига асосан, қисқартирилган муддатларда шикоят бериш мумкин.

14-модда. Кредиторларнинг талаблари реестри

Кредиторларнинг талаблари реестрини суд бошқарувчиси юритади.

Кредиторларнинг талаблари ҳисоби реестрда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида юритилади. Кредиторларнинг чет эл валютасида ифодаланган талаблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторларнинг талаблари реестрида ҳисобга олинади. Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор ҳақидаги, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг аниқланган миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Кредитор талаблар баён этилган аризада ўзи ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан фирманинг тўлиқ номини, жойлашган ерини (почта манзилини), паспортга оид маълумотларини (жисмоний шахслар учун), шунингдек банк реквизитларини (агар улар бўлса) кўрсатиши шарт.

Талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган шахс ўзи хусусидаги маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек қарздорга нисбатан ўз талабларининг миқдори ва таркиби ўзгарганлиги, шу жумладан талабларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечганлиги ҳақида суд бошқарувчисига бир ҳафталик муддат ичида хабар бериши шарт. Бундай маълумотлар тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда шу муносабат билан етказилган зарарлар учун суд бошқарувчиси ва қарздор жавобгар бўлмайди.

Кредиторларга талаблар реестри билан танишиш имконияти таъминланиши лозим. Суд бошқарувчиси кредитор ёки унинг вакили талаби билан мазкур кредиторга ёки унинг вакилига талаблари қондирилишининг миқдори, таркиби ва навбати тўғрисида бундай талаб олинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида кредиторларнинг талаблари реестридан кўчирма юбориши шарт. Бундай кўчирмани тайёрлаш ва юбориш харажатлари кредитор зиммасига юкланади.

Кредиторларнинг талаблари реестрини тузишда юзага келадиган келишмовчиликлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган ушбу модда кредиторларнинг талаблари реестрини тузиш ва юритиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

1. Реестр — банкротлик жараёнига хос муҳим ҳужжатлардан биридир. Реестрга киритилган кредиторлар, ишда иштирок этувчи шахслар мақомига эга бўлади (Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисми) ва ўз талабларини фақат «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бўйича қаноатлантиришлари мумкин. Реестрга тушмаган кредиторлар жорий тўловлар ҳамда қарздорнинг фуқароларни ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, меҳнат ҳақини тўлаш, алиментлар ва муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси ҳамда маънавий зарарни ўрнини қоплаш (ижро варақаси бор йўқлигидан қатъи назар) билан боғлиқ бўлмаган бошқа талабларини қондира олмайди. Истисно сифатида кўрсатилган фуқаролар кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмаган бўлсада, уларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларидан устун ҳолда ҳар бир суд таомили давомида қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг талаблари реестри фақат суд бошқарувчиси томонидан юритилади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир кейинги суд бошқарувчиси ундан олдинги банкротлик таомилида тузилган реестрни қабул қилади ва келиб чиқадиган ҳолатларга кўра тегишли ўзгартиришлар киритади, яъни таомиллар давомида реестрдаги маълумотлар таркиби ҳар бир таомилда ўзгаради ва қарздор олдига қўйилган талабларнинг қолдиқ суммаси ҳисобга олинади. Агар бирор бир кредитор мазкур жараёнда ўз талабларини билдиришга улгурмаган бўлса, у кейинчалик ҳам ўз талаблари билан мурожаат қилишга ҳақли, лекин кредиторларнинг талаблари реестрига ҳам кейинроқ (кейинги таомилда) киритилади. Кейинчалик суд бошқарувчиси реестрдаги хато ёки ноаниқликларни топганда, тегишли ўзгартиришларни киритади, бу ҳақда талаблари юзасидан ўзгартиришлар киритилган кредиторга хабар қилинади (Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисми). Бундай ҳолларда мазкур кредитор Қонуннинг 59-моддасига асосан, у билан суд бошқарувчиси ўртасида келиб чиққан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми реестр юритиш тартиби ва унинг мазмунини белгилайди.

Энг аввалло шуни айтиб ўтиш жоизки, реестр Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида, яъни сўмда юритилади.

Ушбу моддада назарда тутилгандек, реестрни чет эл валютасида юритиш Қонунга зид. Агар қарздорнинг чет эл валютадаги қарзлари бўлса, кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган кредиторлар талабларининг ҳажми биринчи йиғилиш ўтказилиши учун қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кундаги расмий курс бўйича белгиланади, кейинги таомилларда эса, башарти кредитор ва қарздор ўртасидаги шартномада бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса, тегишли банкротлик таомили ўтказиладиган санадаги расмий курс бўйича белгиланади. Ушбу тушунтириш ЎЗР Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (19 банди)да аниқ белгиланган.

Реестрда ҳар бир кредитор ҳақида маълумотлар, қарздор олдиға кўйилган талабларининг аниқланган ҳажми, уларни Қонуннинг 133-моддаси, 134-моддаси иккинчи-еттинчи қисмлари бўйича қаноатлантириш тартиби кўрсатилади.

Кредиторларнинг талаблари реестрига ЎЗР Олий ҳўжалик суди Пленуми ўзининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори (19 банди)да кўрсатганидек, ҳўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилғунига қадар қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятлари келиб чиққан ҳамда тегишли банкротлик таомили бошланишидан олдин уларни тўлаш муддати келган кредиторлар киритилади. Ҳўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилганидан кейинги қарздорнинг кредитор олдидаги келиб чиққан мажбуриятлари ҳамда тегишли банкротлик таомили бошлангандан кейин ижро муддати келган мажбуриятлар жорий деб топилади ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмайди. Шуни айтиш жоизки, қарздорнинг фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, меҳнат ҳақини тўлаш, алиментлар ва муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси ҳамда маънавий зарарни ўрнини қоплаш (ижро ҳужжатлари бор йўқлигидан қатъи назар) билан боғлиқ бўлган бошқа талаблар навбатдан ташқари ҳисобланлиги учун ҳам реестрга киритилмайди. Эътиборға молик ҳолатлардан яна бири шуки, тугатишға доир иш юритувда, қоида бўйича, реестрга барча кредиторлар, уларнинг талаблари қаноатлантириши навбатидан қатъи назар (навбатдан ташқари, тугатишға доир иш юритув бошланишидан олдин вужудға келганлари назарда тутилмоқда) киритилади. Бунинг зарурати ҳам суд бошқарувчиси, ҳам кредиторлар қарздорнинг мажбуриятларини умумий ҳажмини билишларига имконият бериши билан белгиланади. 134-модданинг

биринчи қисмида санаб ўтилган талаблардан тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ харажатлар, коммунал ва эксплуатациявий тўловлар ҳажми реестр тузиш чоғида маълум эмаслиги туфайли тўлалигича реестрга киритиш имкони бўлмайди.

Амалиётда кузатув, суд санациясини, ташқи бошқарув каби таомиллар учун суд бошқарувчилари алоҳида кредиторларнинг талаблари умумий реестри ҳамда навбатдан ташқари тўловларнинг алоҳида рўйхатини юритади, тугатишга доир иш юритишда эса, одатда, тугатиш бошқарувчиси тўланиши керак бўлган барча талабларни (шу жумладан, навбатдан ташқаридагилари ҳам) киритилган ягона реестр тузади, чунки қарздор ташкилот бутунлай тугатилаётганлиги сабабли қопланиши керак бўлган тўловлар ва харажатларнинг тўла ҳажми ҳақида тассавурга эга бўлиши лозим. Лекин шу муносабат билан реестрга тушган барча шахслар, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи ҳамда кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар деб ҳисобланмайди. Қоида бўйича, ўз талабларини навбатдан ташқари қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, умуман на суд мажлисида, на кредиторлар йиғилишларига қатнашишмайди, чунки улар ўз ҳуқуқлари қонун ҳимоясидалигига ва ўз талабларини албатта қаноатлантирилишига ишончи комил. Одатда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар, қарздорнинг ходимлари вакили томонидан тақдим этилади ва улар реестрга алоҳида-алоҳида ходим бўйича эмас, балки жами суммасини ҳисоблаб киритилади.

Айтиш жоизки, талаблари гаров билан кафолатланган кредиторлар албатта кредиторларнинг талаблари реестрига киритилади. Умумий қоида бўйича, талаблари гаров билан кафолатланган кредиторлар кредиторларнинг талаблари реестрига учинчи навбатда киритилади. Гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишганда, қўлга киритилган маблағлар Қонуннинг 133-моддасига асосан, гаров билан кафолатланган кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қаратади. Маблағлар етмаган ҳолда, кредиторларнинг гаров билан кафолатланган талабларининг қопланмаган қисми Қонуннинг 134-модда тўртинчи қисмига асосан, учинчи навбатда қаноатлантирилади.

Умумий қарздан ташқари, кредиторларнинг талаблари реестрига неустойка (жарима, пеня) ларни ундириш тўғрисидаги ҳамда юқорида назарда тутилган ҳужжатлар билан асослантилган бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар (фоизлар) билан боғлиқ талаблари киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги Пленум қарорининг 19-бандида, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар вужудга келган, аммо қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза ҳўжалик суд томонидан қабул қилинган-

дан кейин бажариш муддати келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг миқдори тегишли банкротлик таомили (суд санацияси ёки ташқи бошқарув) жорий этилган санага белгиланади.

Қарздор банкрот деб топилганда ҳамда тугатишга доир иш юритув бошланганда, кредиторларнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари бўйича талабларининг ҳажми барча ҳолларда, пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларини тўлаш муддати келгандан қатъий назар, тугатишга доир иш юритув бошланган санага кўра белгиланади. Ушбу ҳолат қуйидагича тушунтирилади, яъни Қонуннинг 125-модда биринчи қисмига мувофиқ — қарздорнинг бу пайтга келиб вужудга келган мажбуриятларини бажариш муддати келган деб ҳисобланади.

Истисно ҳолатларга Қонуннинг 134-модда биринчи қисмида кўрсатилган талаблар киради, чунки тугатишга доир иш юритуви узоқ муддатга чўзилиши мумкин ва суд харажатлари, жорий харажатлар (агарда корхона фаолиятини давом эттираётган бўлса) ошиши мумкин, демак, мос равишда тўланиши керак бўлган сумма ҳам ошиб бораверади.

Умумий қоида бўйича қонун билан ўрнатилган тартибга биноан талабларни реестрга киритиш, ушбу талабларни қарздор ва(ёки) суд бошқарувчиси ёхуд уларнинг таркибини ва ҳажмини белгиловчи суд ҳужжатлари ва бошқа қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари (қарорлар, ҳукм, ажрим, суд бўйруғи) асосида тан олинади ёки ушбу талаблар бошқа давлат органлари ҳужжатлари билан аниқланиши мумкин, ёки бу юк хатлари, шартномалар, тўлов ҳужжатлари ва бошқалар бўлиб, реестрда ўз аксини топади.

3. Кредитор ҳақида маълумотларни реестрга киритиш учун, кредитор ўз талабларини баён этганда аризада ўзи ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан фирманинг тўлиқ номини, жойлашган ерини (почта манзилени), паспортга оид маълумотларини (жисмоний шахслар учун), шунингдек банк реквизитларини (агар улар бўлса) кўрсатиши шарт.

4. Учинчи қисмда назарда тутилган маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек қарздорга нисбатан ўз талабларининг миқдори ва таркиби ўзгарганлиги, шу жумладан талабларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечганлиги ҳақида талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредитор суд бошқарувчисига хабар бериши шарт. Бундай маълумотлар тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда (мазкур маълумотларнинг ўзгаришига ҳам тегишли) шу муносабат билан етказилган зарарлар хавфи кредиторнинг ўз зиммасига тушади, суд бошқарувчиси ва қарздор жавобгар бўлмайди.

Реестрга киритилган маълумотлар ўз моҳиятига кўра махфий эмас деб ҳисобланади, шунинг учун унинг ошкоралиги ва барча

учун танишиш имконияти борлиги айтилган пайтда кредиторлар учун фақат ижобий аҳамиятни касб этади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра, реестрдаги маълумотлар билан исталган вақтда танишиш имконияти фақат кредиторга (ёки унинг вакилига) реестрда акс этирилган кредиторлик қарзнинг умумий суммасидаги унинг талабларининг ҳажмидан қатъи назар берилган, бундай субъектга суд бошқарувчиси бундай талаб олинган кундан эътиборан беш иш кунни мобайнида кредиторларнинг талаблари реестридан хўжалик суди томонидан тасдиқланган кўчирмани юбориши шарт. Бундай кўчирмани тайёрлаш ва юбориш харажатлари кредитор зиммасига юкланади (рад этилган тақдирда кредитор суд бошқарувчиси ҳаракатлари устидан Қонуннинг 59-модда иккинчи қисмига биноан шикоят бериши мумкин).

Реестрнинг ошкоралиги ҳақида масаланинг яна бир жиҳати бор — Қонун таомилнинг исталган босқичида хоҳлаган шахсга кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга имкон беради ва бу банкротлик тўғрисидаги ишнинг тугатилишига олиб келади. Бундай қаноатлантириш реестрга мувофиқ амалга оширилади (буни кузатув ва суд санацияси жараёнида, ташқи бошқарувда эса — Қонуннинг 113-моддасига биноан амалга ошириш мумкин). Умуман олганда реестр билан танишиш имкониятига барча кредиторлар ва бизнинг назаримизча ўзининг кредиторлар талабларини қаноатлантириш истагини билдирган ҳар қандай субъектлар эга бўлиши керак. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, реестр махфий маълумотга эга эмас, Қонунда эса, ҳар бир қизиққан шахсга унинг талабига кўра реестрдан кўчирма берилишини белгилаб қўйилиши лозим (бу эса қарздорнинг контрагентлари учун жуда долзарб бўлиши мумкин).

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмига кўра, кредиторларнинг талаблари реестрини тузишда пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг навбати, таркиби ва миқдори билан боғлиқ ҳолда кредитор, қарздор ва суд бошқарувчиси ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар (масалан, Қонуннинг 70, 100-моддаларида назарда тутилган келишмовчиликлар) Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

15-модда. Кредиторлар қўмитаси

Кредиторлар қўмитаси кредиторларнинг манфаатларини ифода этади ҳамда суд бошқарувчиларининг ҳаракатлари устидан назорат олиб боради.

Кредиторлар қўмитаси таркибига кредиторлар йиғилиши томонидан белгиладиган миқдорда кредиторлар вакиллари киритилади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони йигирматадан кам бўлса, кредиторлар қўмитасининг вазифаларини кредиторлар йиғилишининг

қарори билан кредиторлар йиғилиши зиммасига юклаш назарда тутилиши мумкин.

Ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда кредиторлар кўмитаси қўйидагиларга ҳақли:

суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомилининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни талаб қилиш;

суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят бериш;

банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш учун ўз вакилини сайлаш;

ушбу Қонунда ва суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Кредиторлар кўмитаси қўйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли: кредиторлар йиғилишини чақиритиш тўғрисидаги қарор;

суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишни кредиторлар йиғилишига тавсия қилиш ҳақидаги қарор;

қарздорнинг йирик битимларини ҳамда амалга оширилишидан қарздор манфаатдор бўлган битимларини тасдиқлаш ёки уларни тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар кўмитасининг йиғилишида масалаларни ҳал этишда кредиторлар кўмитасининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кредиторлар кўмитасининг аъзоси овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди.

Кредиторлар кўмитасининг қарори кредиторлар кўмитаси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кредиторлар кўмитаси йиғилишларида қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

Шарҳланаётган модда кредиторлар кўмитасининг мақоми ва ваколатларини белгилайди.

1. Кўмита — бу кредиторларнинг махсус органи бўлиб, банкротлик тўғрисида ҳуқуқ субъекти деб аталиши мумкин (ваҳоланки, у фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланмайди). Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар кўмитасининг иккита муҳим функциясини белгилайди: биринчидан, у кредиторларнинг манфаатини ёқлаб чиқади, иккинчидан эса, суд бошқарувчиларининг хатти-ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширади. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий маънодаги вакиллик вужудга келмайди (кўмита фуқаролик ҳуқуқи субъекти эмас. Бундан ташқари, унга ваколатни алоҳида кредитор-
© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

лар эмас, балки ўзи ҳам фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлмаган йиғилиш тақдим этади).

2. Қўмитани ташкил этиш ҳақидаги қарор Қонуннинг 10-модда бешинчи қисмига биноан, кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади (бу йиғилишнинг мутлақ ваколатидир). 15-модданинг иккинчи қисмига биноан, кредиторлар қўмитаси таркибига кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланадиган миқдорда кредиторлар вакиллари киради. Бунда қўмита аъзоларини кредиторлар йиғилиши танлайди (Қонуннинг 10-модда бешинчи қисми, 16-модда ва 72-модда) кредиторлар қўмитаси вакилини эса кредиторлар қўмитаси танлайди (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми.). Қўмита ўзи қабул қиладиган ва ички фаолият масалаларини белгилайдиган регламент асосида йиғилади ва фаолият юритади. Шу жумладан, регламент ким томонидан йиғилиш олиб борилишини ҳам белгилайди.

3. Ушбу модданинг учинчи қисмига биноан, кредиторлар қўмитасини ташкил этиш учун кредиторларнинг сони йиғирмата ва ундан ошиқ бўлиши керак, шунга кўра, шунча миқдордаги кредиторлар сони бўлганида албатта кредиторлар қўмитасини ташкил этиш лозим деган фикр туғилади. Агар қарздорнинг кредиторлари сони йиғирматадан кам бўлса, кредиторлар қўмитасининг вазифаларини кредиторлар йиғилишининг қарори билан кредиторлар йиғилиши зиммасига юклатилади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига кўра, қўмитанинг муҳим функцияларидан бири бу суд бошқарувчилари фаолияти устидан назорат қилишдир. Бунга кўра:

— суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомилининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни мунтазам равишда талаб қилишга;

— суд бошқарувчисининг гайриқонуний ҳаракатлари (агар шундайлар мавжуд бўлса) устидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақли.

Қўмита банкротлик тўғрисидаги ишда кредиторларнинг манфатини ҳимоя қилиш мақсадида ўз аъзолари ичидан суд жараёнларида иштирок этиш учун (Қонуннинг 36-модда иккинчи қисми) ўз вакилини сайлаши мумкин ҳамда суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳам ҳақли.

5. Ушбу модданинг бешинчи қисми қўмитанинг ўз функцияларини амалга оширишида эга бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқларининг намунавий рўйхатини белгилаган:

— қўмита зарурат туғилганида, суд бошқарувчисидан умумий кредиторлар йиғилишини чақиритишни талаб қилишга (Қонуннинг 12-модда биринчи қисми);

— умумий кредиторлар йиғилиши чақириб ўтказилганида қўмита суд бошқарувчисини алмаштириш, вазифасидан озод этиш ва

янгисини тайинлаш илтимоснома билан хўжалик судига муурожаат этиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилиш (ва кредиторлар йиғилишига тавсия қилиши) мумкин. Кредиторлар қўмитаси ўзи суд бошқарувчисининг гайрихуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ус-тидан хўжалик судига шикоят беришга ҳақлилигини инобатга олган ҳолда фикримизча қўмита суд бошқарувчисини вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга муурожаат этиши ҳам мум-кин;

— қўмита қарздорнинг йирик битимларини ҳамда амалга оши-рилишида қарздор манфаатдор бўлган битимларни тасдиқлаш ёки аксига уларни тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ҳақли. Масалан, 79-модда бешинчи қисмида (суд санация-сида) ёки 101-модда учинчи қисмида (ташқи бошқарувда) назарда тутилган келишув битимларини тузиш.

6. Ушбу модданинг олтинчи қисмида овоз бериш масалалари ўз аксини топган: масалан кредиторлар қўмитасининг ҳар бир аъзоси бир овозга эгаллиги; кредиторлар қўмитасининг аъзоси овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишига йўл қўйилмаслиги шулар жум-ласидандир.

7. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмига биноан, креди-торлар қўмитасининг қарори кредиторлар қўмитаси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қўмита йиғи-лишларида кворумга нисбатан Қонун ҳеч қандай талабларни бил-дирмайди, шунга қарамасдан, модданинг мазмунига кўра, йиғи-лишда иштирок этаётганларнинг эмас балки қўмитаси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози сўралади.

Шарҳланаётган модда овоз бериш усуллари тўғрисидаги масала-ларга, масалан овоз бериш сўровнома шаклида ўтказилиши мум-кинми деган саволга аниқлик киритмайди. Махсус тартибга ўрна-тилмаганлиги боис биз бу саволга тасдиқ жавобини берамиз, шунга қарамасдан, барча масалалар фақат қўмита йиғилишида ҳал этили-ши (овоз берилиши) мақсадга мувофиқдир.

8. Мазкур модданинг саккизинчи қисми кредиторлар қўмитаси йиғилишларида қарздор ходимларининг, муассисларининг (ишти-рокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари ҳамда суд бошқарувчиси, иштирок этиш ҳуқуқига эга, лекин ушбу шахс-лар қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар ва фақат маслаҳат овози ҳуқуқига эгадирлар.

16-модда. Кредиторлар қўмитасини сайлаш

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари кредиторлар йиғилиши то-монидан суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юри-тиш амалга ошириладиган даврга сайланади. Кредиторлар йиғилиши-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

нинг қарорига биноан кредиторлар қўмитаси барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Бундай қарор бир пайтнинг ўзида фақат кредиторлар қўмитасининг барча аъзоларига нисбатан қабул қилиниши мумкин.

Энг кўп овоз олган номзодлар кредиторлар қўмитаси таркибига сайланган ҳисобланади.

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари ўз таркибидан кредиторлар қўмитасининг раисини сайлаши мумкин.

Агар кредиторлар қўмитасида аъзолар беш кишидан ортиқ бўлса, кредиторлар қўмитаси раиси сайланиши шарт.

Ушбу модда кредиторлар қўмитасини сайлаш, қўмита ваколатларини муддатдан олдин тугатиш ҳамда кредиторлар қўмитасининг раисини сайлаши мумкинлиги ва шартлиги масалаларига ойдинлик киритади.

1. Кредиторлар қўмитаси суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган даврда фаолият юритади, чунончи шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан, кредиторлар қўмитасининг аъзолари кредиторлар йиғилиши томонидан суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган даврга сайланади. Кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан кредиторлар қўмитаси барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Бундай қарор бир пайтнинг ўзида фақат кредиторлар қўмитасининг барча аъзоларига нисбатан қабул қилиниши мумкин. Қонуннинг 72-моддасида кредиторлар қўмитасини сайлаш кузатув даврида амалга оширилиши мумкин дейилишига қарамай, қўмита томонидан амалда фаолият юритиши, ўз ваколатларини амалда бажариши кейинги банкротлик таомилларида амалга оширилади, чунки кузатув таомилининг асосий мақсади молиявий таҳлилни амалга ошириш ва қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлашдан иборатдир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига биноан, энг кўп овоз олган номзодлар кредиторлар қўмитаси таркибига сайланган ҳисобланади.

Сайлашнинг икки усули мавжуд бўлиб — битта номзодлик ёки умумий рўйхат бўйича бўлса, шунга кўра сайлаш усулини танлагандан кейин, ҳар бир кредитор овоз бериш орқали ўз фикрини билдиради.

3. Шарҳланаётган моддага кўра, қўмита раисини сайлаш мажбурий эмас, чунончи учинчи қисм қуйидагича — «кредиторлар қўмитасининг аъзолари ўз таркибидан кредиторлар қўмитасининг раисини сайлаши мумкин» деб таърифланган. Лекин агар у сайланмайдиган бўлса, қўмита иши регламенти қўмита йиғилишининг баённомаларига имзо чекувчи шахсни белгилаб бериши лозим, яъни кре-

диторлар қўмитаси йиғилишининг раисини сайлашга тўғри келади. Бундай раис бўлган ҳолларда баённомаларга унинг ўзи имзо чекади.

4. Лекин шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига кўра, агар кредиторлар қўмитасида аъзолар сони беш кишидан ортиқ бўлса, кредиторлар қўмитаси раиси сайланиши шартдир.

17-модда. Манфаатдор шахслар

Қарздор юридик шахсга нисбатан қуйидагилар манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорга нисбатан бош ёки тобе ҳисобланувчи юридик шахс;

қарздорнинг раҳбари, шунингдек кузатув кенгаши, коллегиял иж-роия органи таркибига кирувчи шахслар, бош бухгалтер (бухгалтер), шу жумладан улар билан тузилган меҳнат шартномаси банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдинги бир йил давомида бекор қилинган ҳолларда ҳам;

юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари).

Ушбу Қонунда қарздор яқка тартибдаги тадбиркорга нисбатан манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), ота-онаси, бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳамда болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, ака-ука ва опа-сингилларининг болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, хотинининг (эрининг) ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари тушунилади.

Суд бошқарувчиларига, кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар ушбу модданинг қисмларига мувофиқ белгиланади.

Шарҳланаётган модда манфаатдор шахслар деб эътироф этилувчи субъектларни аниқлайди, бундай субъектлар билан битимлар тузиш махсус талабларга риоя этилишини талаб қилади (масалан, Қонуннинг 15-моддаси бешинчи қисми, 79-моддаси бешинчи қисми, 101-моддаси иккинчи, тўртинчи қисмлари, 103-моддаси иккинчи қисми, 146-моддаси учинчи қисмлари). Шуни ҳам айтиш жоизки, қарздор ва кредиторга нисбатан манфаатдор шахслар суд бошқарувчиси қилиб тайинланиши мумкин эмас (Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисми) ҳамда қарздор ва суд бошқарувчисига нисбатан манфаатдор шахслар савдо ташкилотчиси бўлишлари мумкин эмас (Қонуннинг 101-моддаси ўнинчи қисми, 135-моддаси олтинчи қисми). Бундай чекловлар суд жараёнлари ўтказилишининг адолатлилигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган.

1. Қарздор юридик шахсга нисбатан қуйидагилар манфаатдор шахслар деб эътироф этилиши мумкин:

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорга нисбатан бош ёки тобе ҳисобланувчи юридик шахс. ЎЗР ФКнинг 68-моддасига муво-

фиқ, хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади;

2) қарздорнинг раҳбари, шунингдек кузатув кенгаши, коллегиал ижроия органи таркибига кирувчи шахслар, бош бухгалтер (бухгалтер), шу жумладан улар билан тузилган меҳнат шартномаси банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдин, яъни суд томонидан тегишли аризани қабул қилгунга қадар бир йил давомида бекор қилинган ҳолларда ҳам;

3) юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари).

2. Ушбу Қонунда қарздорга — ЯТТга нисбатан манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган юқори ва қуйи қариндошлар (ота-онаси ва фарзандлари, опа-сингиллари, ака-укалари ва уларнинг қуйи қариндошлари, хотинининг (эрининг) ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари) тушунилади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми суд бошқарувчиларига, кредиторларга нисбатан кимлар манфаатдор шахслар ҳисобланади деган масалаларни ҳал қилишда ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ белгилаш лозимлигини аниқлаштиради. Шунга кўра суд бошқарувчиларига нисбатан манфаатдор шахслар модданинг иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади, кредиторларга нисбатан эса, агар кредитор юридик шахс бўлса, биринчи қисмга мувофиқ, агар кредитор жисмоний шахс бўлса, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

18-модда. Суд бошқарувчилари

Олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин.

Суд бошқарувчилари этиб қуйидагилар тайинланиши мумкин эмас: қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар; судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

якка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар;

бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахс-

лар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолойиқ деб топилган шахслар).

Хўжалик суди ушбу модданинг кўрсатилган асосларга биноан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим этган далиллар бўлган тақдирда, суд бошқарувчилигига тавсия этилган номзодни бу вазифага тайинлашни рад этишга ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этишга ҳақли.

Суд бошқарувчиси хўжалик суди томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда суғурталамоғи керак.

Ушбу модданинг кўрсатилган талаблар банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга ошираётган суд бошқарувчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисидан қарздорнинг мол-мулкани суғурта қилиш шартномасини тузишни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суд бошқарувчиларини тайинлаш ва тайинлашни рад этиш асосларини, ўз жавобгарлигини суғурталаниши, қарздорнинг мол-мулкани суғурта қилиш шартномасини тузиш зарурлигини тартибга солади.

1. Суд бошқарувчилари барча банкротлик таомилларида, муваққат, санация қилувчи, ташқи ва тугатиш бошқарувчиси сифатида қатнашади. Ҳар қандай суд бошқарувчиси қилиб тайинланадиган номзод шартли равишда иккига, яъни ижобий (мавжуд бўлиш керак) ва салбий (мавжуд бўлмаслиги керак)га таснифланадиган муайян талабларга жавоб бериши керак.

Ижобий талаблар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида (шунингдек, ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 11-банди ва ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низомнинг» 7-банди) белгиланган. Ижобий талабларга қуйидагилар киради:

1) олий маълумотга эга бўлиши. Қонунда суд бошқарувчиларининг айнан қандай маълумотга эга бўлиши кўрсатиб ўтилмаган (юридик, иқтисодий, техник ва ҳ.к.);

2) камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш (банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари учун тайинланадиган суд бошқарувчилари бундан мустасно);

3) банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган бўлиши. Суд бошқарувчиларининг тўрт хил даражадаги аттестатлари назарда тутилади. Биринчи даражали аттестат барча банкротлик таомиллари учун ҳақиқий ҳисобланади, иккинчи

даражали аттестат — ташқи бошқарувдан ташқари барча таомиллар учун, учинчи даражали аттестат — кузатув ва тугатишга доир ишлар учун ва тўртинчи даражали аттестат банкротликнинг соддалаштирилган таомилини ўтказиш учун. Аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш ва аттестат бериш тартиби суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш қоидаларида белгиланган (ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига № 2 илова).

Бундан ташқари, суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказишни тартибга солиш, уларнинг стажини тўғри ҳисоблаш мақсадида «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандида тайинланадиган суд бошқарувчиларининг стажи бўйича қуйидаги талаблар ўрнатилган:

а) кузатиш ва тугатиш тартиботларини амалга оширувчиларга — ўрта бўғин раҳбари сифатида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш;

б) суд санациясини амалга оширувчиларга — раҳбарлик лавозида камида икки йиллик иш стажига ёхуд учинчи тоифали суд бошқарувчиси сифатида камида бир йиллик иш стажига эга бўлиш;

в) ташқи бошқарувни амалга оширувчиларга — ўрта бўғин раҳбари сифатида ва раҳбарлик лавозимида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан раҳбарлик лавозимида камида уч йиллик иш стажига ёхуд иккинчи тоифали аттестатга эга бўлган даврда камида икки марта суд санациясини ва (ёки) тугатиш жараёнини амалга оширишда суд бошқарувчиси сифатида иш стажига эга бўлиш;

г) банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини амалга оширувчиларга — ушбу ҳолда тўртинчи тоифали аттестатга эга бўлган солиқ инспекцияси ёки банкротлик ишлари бўйича орган ходимлари тайинланади.

Бундан ташқари, шуни назарда тутиш лозимки, суд бошқарувчилари этиб фақатгина жисмоний шахслар тайинланадилар. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидан маълумки, суд бошқарувчиси этиб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тайинланишлари мумкин, чунки Қонунда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати чекланмаган.

Олдинги таомилда суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган шахс навбатдаги таомилда ҳам бошқарувчи сифатида тайинланиши мумкин (тегишли даражадаги аттестат мавжуд бўлгани ҳолда). Лекин ҳар сафар сайлаш ва тайинлаш жараёнларидан ўтиши зарур бўлади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида салбий (суд бошқарувчиси номзодида мавжуд бўлмаслиги керак бўлган ва ЎзР Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 12-бандида ҳам белгиланган) белгилар санаб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган қарздор ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахслар. Бундай чекловларнинг киритилиши шу билан боғлиқки, агар суд бошқарувчиси қарздор ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлса, у қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, адолатли ва бетараф иш олиб бормади (Қонуннинг 19-моддаси бешинчи қисми);

2) судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланиши ЎзР ЖКнинг 78 ва 79-моддаларида белгиланган;

3) ЯТТлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса. Ушбу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда қарздор — ЯТТга келишув битими ва тугатишга доир иш юритиш таомиллари қўлланилади;

4) қарздорга, кредиторларга етказилган ва қопланмаган зарарларнинг мавжудлиги. Қонуннинг 21-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, қарздор, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли. Шундай қилиб, етказилган зарарни қопланмаган шахслар қайта суд бошқарувчиси этиб тайинланишлари мумкин эмас;

5) бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкани бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чекловларнинг мавжудлиги. Шарҳланаётган моддада айнан қандай чеклов ва қандай мансабларни эгаллаш чекланганлиги ва қандай тартибдалиги аниқ белгиланмаган. Лекин фикримизча, бу чекловлар суд ҳужжатлари асосида шахсларга муайян лавозимни ёки яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, хўжалик субъектларини бошқариш тақиқланган ҳолларда аҳамиятга эга.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида хўжалик суди ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асосларга биноан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим этган далиллар бўлган тақдирда, суд бошқарувчилигига тавсия этилган номзодни бу вазифага тайинлашни рад этишга ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этишга оид ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Суд бошқарувчиси номзодини тақлиф қилиб, хўжалик судига мурожаат қилган шахслар номзод ҳақида судга тўлиқ маълумот тақдим қилишлари шарт. Суд муҳокамаси жараёнида ишда иштирок этувчи шахслар тавсия этилаётган суд бошқарувчисининг номзодини тайинлаш мумкин эмаслиги ҳақида фикр билдиришлари мумкин, лекин бу ҳолатда улар судга ўз важдларини тасдиқловчи далилларни тақдим қилишлари керак. Хўжалик суди ишларини юритиш принципларидан келиб чиқиб, фикримизча судья ўз ташаббуси

билан мустақил тарзда суд бошқарувчисини ўзгартириши ёки вазифасидан озод этиш масаласини ҳал қилиши мумкин эмас.

4. Қонун чиқарувчи суд бошқарувчиси томонидан етказилган зарарни қоплаш муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қилган. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида суд бошқарувчиси хўжалик суди томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда суғурталамоғи кераклиги мустаҳкамланган.

5. Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган талаблар банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга ошираётган суд бошқарувчиларига нисбатан, яъни тугатилаётган ёки ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги ҳолатида татбиқ этилмайди.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми кредиторлар йиғилишига суд бошқарувчисидан қарздорнинг мол-мулкини амалдаги суғурта тўғрисидаги қонунчиликка асосланиб, суғурта қилиш шартномасини тузишни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Лекин ушбу ўринда бундай суғурта кимнинг ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилмаган. Мазкур суғурта суд бошқарувчиси ўзининг ҳисобидан ҳам, қарздор мол-мулки ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Кредиторлар бундай шартномани тузиш муддати ва тахминий суғурта суммасини ҳам белгилашлари мумкин. Амалиётда суғурталанаётган мулкнинг қийматини ва шунга мувофиқ суғурта тўловини суғурталовчининг ўзи белгилайди.

19-модда. Суд бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Суд бошқарувчиси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

кредиторлар йиғилишини чақириш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда кредиторлар қўмитаси чақирилишини талаб қилиш;

олдидан давлат божи тўламай туриб, даъво аризалари ва бошқа аризалар билан хўжалик судига мурожаат этиш;

ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жалб этиш;

ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш.

Суд бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси:

қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриши;

кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;

хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариши;

зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Суд бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказётганда қардор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шарт.

Шарҳланаётган моддада суд бошқарувчисининг умумий ваколатлари, яъни умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу билан бирга одоб-ахлоқ қоидалари ҳам мустаҳкамланган, чунки унинг инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши кераклиги акс эттирилган.

1. Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан суд бошқарувчисининг мақомини аниқлаш мумкин эмас: у тўлиқ маънода қарздор-юримдик шахс органи ҳам, қарздорнинг вакили ҳам, ишончли бошқарувчиси ҳам бўлмаган ҳолда уларнинг барчасининг элементларини ўзида мужассам этади ҳамда фуқаролик ҳуқуқи бирорта субъектида мавжуд бўлмаган махсус ваколатларга эга. Ушбу ваколатлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

Шунинг билан бирга, суд бошқарувчиси раҳбар билан бир қаторда ўз номидан ҳам, қарздор номидан ҳам мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда суд бошқарувчиси ўз номидан ҳаракат қилсада, ҳуқуқ ва мажбуриятлар барибир қарздорда юзага келади: ундан ташқари, бошқарувчи қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб иш олиб боради (шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми). Суд бошқарувчиси барча суд таомилларида муваққат, санация қилувчи, ташқи ёки тугатиш бошқарувчиси сифатида қатнашади. Суд бошқарувчиси ҳар бир таомилда аввалги таомилнинг ҳуқуқий вориси сифатида намоён бўлади.

Шундан келиб чиқиб, суд бошқарувчиси банкротлик таомилларида белгиланган тадбирларни ўтказиш зарурати билан белгиланган махсус мақомга эга махсус ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Бу билан суд бошқарувчисининг комплекс ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказишда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1) кредиторлар йиғилишини чақирриш, шунингдек кредиторлар қўмитасини чақирришни талаб қилиш. Шу ўринда суд бошқарувчиси кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси кун тартибига ўзи зарур деб топган масалаларни киритиш ҳуқуқига эга (Масалан, Қонуннинг 97-моддаси иккинчи қисми, 128-моддаси тўртинчи қисми);

2) олдиндан давлат божини тўламай туриб, даъво ва бошқа аризалар билан хўжалик судига мурожаат этиш. ЎЗР ХПКнинг 91-моддасига мувофиқ, ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаларидан давлат божи ундирилади. Шу билан бирга мазкур модданинг учинчи қисмида давлат божидан озод қилиш асослари белгиланган. ЎЗР Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарориди (16-банди) белгиланишича, Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисмига ва ЎЗР ХПК 91-моддасининг тўртинчи қисмига асосан банкротлик таомилини амалга оширишда суд бошқарувчиси томонидан хўжалик судига берилаётган даъво аризалари ва аризалар олдиндан давлат божи ҳамда почта харажатлари тўламасдан қабул қилинади;

3) «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, ҳақ олиш (Қонуннинг 22-моддасида суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш тартиби белгиланган);

4) ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда жалб этиш, агар кредиторлар билан тузилган шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса. Шу ўринда суд бошқарувчиси мазкур қарздор-ташкилот раҳбарининг ваколатига эга бўлар экан, контрактлар, шартномалар ва буйруқларга имзо чекишга ҳақли бўлади. Қонуннинг 92-моддасига мувофиқ, ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан, қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Бу ўринда, қарздор раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органларининг ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, Қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатда ташқи бошқарувчи қарздор раҳбари мақомини эгаллайди. Бу ҳолат қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашда ҳам қўлланилади.

Лекин шунга қарамасдан банкротликнинг кузатув, суд санацияси каби таомиллари борки, уларда қарздор раҳбари ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилмайди ёки суд санациясида қарздорнинг бошқарув органи ўз ваколатларини белгиланган чекловлар билан амалга оширади. Шу ўринда, раҳбарда меҳнат шартномасини тузиш ваколати қолади. Мазкур ҳолатда суд бошқарувчиси ЎЗР ФК нормаларига асосланган ҳолда бошқа шартномалар тузиш ҳуқуқига эга

бўлади. Суд бошқарувчиси томонидан жалб қилинган шахсларга ҳақ тўлаш қарздорнинг ҳисобидан амалга оширилади;

5) ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш. Банкротлик таомилини самарали давом эттиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар вужудга келганда (соғлигининг ёмонлашуви, манфаатдорлик, етарли билим ва малакага эга бўлмаслиги ва бошқ.) суд бошқарувчиси хўжалик судига ўз вазифасини бажаришни муддатдан илгари тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Юқорида кўрсатилганидан ташқари, суд бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Хусусан, ҳар бир суд таомилида суд бошқарувчиси фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар ҳажми мавжуд (Қонуннинг 66, 81, 97, 128-моддаларида суд бошқарувчисининг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомиллардаги кўшимча ҳуқуқлари ҳажми кўрсатилган).

3. Суд бошқарувчиси қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

1) қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриш (юримдик ва фактик чоралар);

2) кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш. Кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш тартиби Қонуннинг 14-моддасида белгиланган;

3) қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш. Бу таҳлил муайян таомилни ва мазкур таомил доирасида аниқ тадбирларни қўлланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги саволга жавоб беради;

4) Хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариши. Мадомики, қонунчиликка мувофиқ у ёки бу суд ҳужжатини қабул қилишга ҳақли бўлган хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишни кўзғатар экан, суд бошқарувчилари уларни ижро этишга мажбурдирлар;

5) зиммасига юкланган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга зарарнинг ўрнини қоплаш.

ЎзР ФКнинг 11-моддасига мувофиқ, зарарни қоплаш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Шу ўринда қардор, кредиторлар ва учинчи шахслар етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар (шунингдек, Қонуннинг 21-моддаси иккинчи қисмига қаранг).

4. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган мажбуриятлардан ташқари, суд бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Қонуннинг 52-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда у банкротлик бўйича эълон қилиниши лозим бўлган маълум-

мотларни махсус белгиланган расмий нашр органига юбориши керак. Шунингдек:

— кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, баённомалар юритилишини таъминлаш (Қонуннинг 10-модда олтинчи қисми);

— Қонуннинг 67, 82, 128-моддаларида кўрсатилган суд бошқарувчилари мажбуриятларини бажариш;

— «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомда белгиланган суд бошқарувчиларининг банкротлик таомилларини ўтказиш билан боғлиқ фаолиятини олиб бориш (ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига 1-илова).

5. Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказаятганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб, инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шарт, чунки хўжалик суди томонидан суд бошқарувчилари кредиторлар ва қарздорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тайинланади.

20-модда. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларини ихтиёрий асосда бирлаштириб турувчи нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларининг касб-кор даражаси юксалтирилиши ҳамда сақлаб турилишига, уларнинг манфаатлари ҳимоя этилишига кўмаклашмоғи лозим.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари:

суд бошқарувчиларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади ва бу дастурларни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига тасдиқлаш учун киритади;

ўз аъзоларининг таълимини ва касб-кор даражаси оширилишини ташкил этади;

профессионал бирлашмага аъзо суд бошқарувчиларининг фаолиятини таҳлил қилиб боради.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Шарҳланаётган модда суд бошқарувчиларининг бирлашмалари ўзида нимани акс эттириши, қандай мақсадда тузилиши ҳамда уларнинг ваколатлари тўғрисида тушунтириш беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмаларининг мақомини нодавлат нотижорат

жорат ташкилотлар сифатида белгилаб, мазкур бирлашмалар ўз фаолиятида даромад (фойда) олишни кўзламаслигини ва олинган даромад (фойда)ни ўз аъзолари ўртасида тақсимламаслигини белгилайди. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунлар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади.

2. Суд бошқарувчилари бизнинг давлатимиз амалиётида 2003 йилдаги Қонунга асосан янги киритилган ва нисбатан ёш институт ҳисобланади. Суд бошқарувчиларининг фаолиятидаги муваффақиятлар авваламбор уларнинг профессионал даражасига боғлиқдир. Шу билан бирга суд бошқарувчилари ҳам ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилинишига муҳтождирлар. Шу каби муаммоларни ҳал қилиш учун Қонунда суд бошқарувчиларининг касб-кор даражасини юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш, манфаатлари ҳимоя этилишига кўмаклашиш мақсадида шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмаларини тузиш белгиланган. Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалиётда суд бошқарувчилари институтини такомиллаштиришда суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмаларининг аҳамияти юқорилигини уларнинг ўзлари исботлаши, яъни улар обрў-эътибор қозонишлари лозим ва бу эса уларнинг аъзолари сонини ортиб боришига таъсир кўрсади.

3. Суд бошқарувчилари профессионал бирлашмаларининг функциялари уларнинг фаолияти мақсадларидан келиб чиқади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

суд бошқарувчиларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади ва бу дастурларни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига тасдиқлаш учун киритади, ўз аъзоларининг ўқитиш ва малакасини оширилишини ташкил этади, зеро суд бошқарувчиларининг касб-кор малакаси қанчалик юқори бўлса, у ёки бу банкротлик таомилини юритиш шунчалик самарали бўлади. Ушбу ўринда банкротлик таомилини юритишда ва бирлашма аъзолари фаолиятида маълумотлар ошкоралиги таъминланиши керак;

профессионал бирлашмага аъзо суд бошқарувчиларининг фаолиятини таҳлил қилиб боради. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчилари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари юз берганлигини аниқлаган тақдирда унга нисбатан кечиктирмасдан чора кўриши, ҳатто жавобгарликка тортишгача бўлган тегишли таклифларни киритишлари мумкин. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари ваколатига шунингдек, суд бошқарувчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш ҳам киратади.

4. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари юридик шахс ҳисобланиб, ўз Устави ва тегишли қонунларга асосан фаолият юритади. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, Уставида кўзланган мақсадлари доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларга эга бўлишлари мумкин.

21-модда. Суд бошқарувчисининг жавобгарлиги

Суд бошқарувчиси зиммасига ушбу Қонунга мувофиқ юкланган вазифаларнинг қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги суд бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қарздор, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Моддада суд бошқарувчиларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликлари учун икки хил тоифадаги оқибат келиб чиқиши: ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши ва етказилган зарарнинг ўрнини қопланиши тушунилади.

1. Шарҳланаётган модданинг қисмида суд бошқарувчилари Қонуннинг 19-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган мажбуриятлар ва бошқа мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари натижасида қарздор ва кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса, ўз вазифасидан озод этиш учун асос бўлиши кўрсатилган. Бундай ҳолда озод этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторлар, қарздор ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар муурожаат этишлари мумкин (Қонуннинг 36-моддаси).

Бундан ташқари, бошқа қонун ҳужжатларига асосан суд бошқарувчисининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганликлари учун вазифасидан озод этиш тўғрисидаги илтимосномани кредиторлар йиғилиши ҳам бериши мумкин, бунда зарар етказганлик фактининг мавжуд бўлиш-бўлмаглиги шарт эмас (Қонуннинг 73-моддаси — муваққат бошқарувчи учун, Қонуннинг 80-моддаси — санация қилувчи бошқарувчи учун, 96-моддаси ташқи бошқарувчи учун, 140-моддаси тугатиш бошқарувчиси учун).

Суд бошқарувчисининг қонун ҳужжатларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги ҳам зарар етказиш-етказмасликдан қатъи назар вазифасидан озод этиш учун асос бўлиши мумкин. Бу ҳолатда бошқарувчи вазифасидан озод этиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи алоҳида шахс томонидан берилади. Бунга Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли (13-банди) қарорида ҳам тушунтириш бериб ўтилган. Шу ўринда суд бошқарувчисининг вазифасидан озод этиш тўғрисидаги ариза суд мажлисида ҳал этилади. Ушбу суд мажлисида бир вақтнинг ўзиде янги суд бошқарувчисини тайинлаш, шу билан бирга ўз вазифасидан озод этилган собиқ суд бошқарувчиси устидан жиноий иш қўзғаш, уни маъмурий ва (ёки) моддий жавобгарликка тортиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар шундай ариза келиб тушган тақдирда, хўжалик суди озод этиш масаласини кўриб чиқади ва ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан Қонуннинг 60-моддаси тартибида шикоят берилиши мумкин. Лекин шунга эътибор бериш керакки, муваққат бошқарувчинини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят берилиши мумкин эмас (Қонуннинг 60-моддаси шарҳига қаранг).

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қарздор, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Агар суд бошқарувчиси қарздор ва кредиторларга етказган зарарни ўз ихтиёри билан тўлашдан бўйин товласа, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш орқали даъво тартибида ундирилади (ЎЗР Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 14-банди).

Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд бошқарувчисининг жавобгарлиги унинг айб даражасига қараб белгиланади ҳамда унинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан зарар етказилишига олиб келган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши шартлигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Бундан ташқари, Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланмайди.

22-модда. Суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш

Суд бошқарувчисига вазифасини бажарганлиги учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, хўжалик суди томонидан тасдиқланади ҳамда, агар кредиторлар

билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарувчисига унинг фаолияти натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада суд бошқарувчисига ўз вазифаларини бажарганлик учун унга ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби белгиланган. Суд бошқарувчисининг ўз вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми (умумий қоидалар), 65-модда (муваққат бошқарувчи бўйича), 97-модда (ташқи бошқарувчи бўйича)га мувофиқ белгиланган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми умумий қоидаларига мувофиқ суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади. Шу ўринда, суд бошқарувчисига ўз вазифасини бажарганлик учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартибини белгилаш кредиторлар йиғилиши ваколатига, уни тасдиқлаш эса хўжалик суди ваколатига берилган. Фақат муваққат бошқарувчисини дастлабки тайинланишида ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши эмас (чунки у ҳали ўтказилган эмас), балки хўжалик суди томонидан белгиланади. Ҳақ тўлашнинг миқдори кредиторлар йиғилиши томонидан ўзгартирилиши мумкин, лекин бу ҳам хўжалик суди томонидан тасдиқланади.

Ҳақ ва унинг миқдори суд бошқарувчисининг фаолиятидаги муваффақияти ҳамда қарздор мол-мулкининг миқдорига боғлиқдир. ЎЗР Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарорида (15-банди) суд бошқарувчиси ҳақининг миқдорини белгилашда қарздор мол-мулкининг қиймати, суд бошқарувчиси амалга оширадиган ишлари ҳажми ҳисобга олиниши лозим. Шу билан бирга, суд бошқарувчиси ҳақининг миқдори қарздор собиқ раҳбарининг иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Бу қоидага истисно тариқасида, агар кредиторлар йиғилиши билан келишув асосида бошқа молиявий манба назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган қоида қўлланилмайди. Қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан худди шундай тартибда ҳал қилинади. Агар кредиторлар йиғилиши томонидан ушбу масала тўғрисида аниқ бир келишувга эришилмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўланиш ҳаражатлари ўхшашлик асосида Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кредиторга юкланади.

Банкротликнинг содалаштирилган таомилида, қоида тариқасида суд бошқарувчиси этиб, суд бошқарувчисининг 4-даражали © ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

аттестатига эга бўлган давлат солиқ органларининг хизматчиларидан бири тайинланади, шунга кўра, уларга ҳақ тўланиши белгиланмаган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарувчисига унинг фаолият натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белгиланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган (ЎзР Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 15-банди). Шу билан бирга, суд бошқарувчисига қарздорнинг мол-мулкидан қўшимча ҳақ тўланиши Қонунда инкор этилмайди ва асосий ҳақ тўланишидан фарқли равишда ҳўжалик суди томонидан тасдиқланмайди (мазкур модданинг биринчи қисми).

Қўшимча ҳақ ҳам кредиторлар билан бошқача келишув белгиланмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

23-модда. Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи амалга оширади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат бошқаруви бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Шарҳланаётган моддада банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши ЎзР ВМ ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан амалга оширилиши, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича орган чиқарган қарорлар ижроси мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

1. ЎзР ВМ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида тартибга солишни амалга оширади. ЎзР ВМнинг ваколатлари Қонуннинг 24-моддасида санаб ўтилган.

Банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши ЎзР ВМ билан бир қаторда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси тўғрисида Низомига мувофиқ (ЎзР ВМнинг 18.02.2004 й. 77-сонли қарорига 1-Илова), Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳисобланар эди. Бироқ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2005 йил «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3602 сонли фармонига мувофиқ, банкротлик органининг барча функциялари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига ўтказилди.¹

Мазкур органнинг банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи сифатида асосий вазифалари қилиб, корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини бартараф қилишда давлат сиёсати олиб бориш, давлат корхонасининг мулкдори манфаатларини ҳўжалик судида ёқлаш, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг татбиқ этилиши муносабати билан норматив ва методик базани яратиш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш, қайта ташкил этиш жараёнини молиялаштиришда инвесторларни жалб қилинишини ташкиллаштириш белгилаб берилган.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ночор корхоналар масаласини ҳал этишда давлат манфаатларини кўзлаш, корхоналар банкротлиги ва қайта тузиш соҳасида давлат бошқаруви функцияларини амалга оширишдир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат бошқаруви бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги кўрсатилган.

Янгитдан ташкил этилган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Агар ушбу орган томонидан қабул қилинган қарор унинг ваколатлари доирасидан четга чиқадиган бўлса, юқорида кўрсатилган субъектлар ушбу қарор устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Хусусан, давлат органининг қарорлари устидан даъво аризаларини бериш ЎЗР ХПКнинг 24-моддаси биринчи қисми 9-банди билан тартибга солинади.

¹ Рус тилидаги нашрда тушиб қолган жумла ўзбек тилидаги нашрда киритилди.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича банкротлик таомилларида Ўзбекистон Республикасининг кредитор тариқасидаги талабларини тақдим этишнинг ягона тартибини тасдиқлайди;

суд бошқарувчилари сифатида фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг аттестациядан ўтиш тартибини, уларга нисбатан малака ва касбга оид талабларни ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартибини тасдиқлайди;

санация фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

устав фондида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарнинг мол-мулкни реализация қилиш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шарҳланаётган моддада Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг банкротлик соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

1. Ушбу моддада ЎзР ВМнинг қуйидаги ваколатлари мустақкамланган:

пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича банкротлик таомилларида Ўзбекистон Республикасининг кредитор тариқасидаги талабларини тақдим этишнинг ягона тартибини тасдиқлаш. Шундан келиб чиқиб, ЎзР ВМ банкротлик соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини ёқлаб чиқади;

суд бошқарувчилари сифатида фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг аттестациядан ўтиш тартибини, уларга нисбатан малака ва касбга оид талабларни ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартибини тасдиқлайди. 23.03.2004 йилда ЎзР ВМнинг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 138-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга кўра, суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаб берувчи «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган;

суд бошқарувчилари фаолияти тартибини тасдиқлайди. ЎзР ВМнинг юқорида кўрсатилган қароридан, шунингдек суд бошқарувчилари фаолияти тартибини белгилаб берувчи «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низом тасдиқланган;

санация фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилаш. Ушбу тартиб ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлдаги қарори (ўз кучини йўқотган) билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Қўмита қошидаги корхоналарнинг санация фонди тўғрисидаги Низом билан белгиланган. Айни

вақтда ЎзР ВМнинг 2005 йил 4 августдаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом амал қилади;

устав фондида давлат улуши бўлган банкрот корхоналарнинг мол-мулкани реализация қилиш тартибини белгилаш. Бу масалани ҳал этишда ЎзР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори билан тасдиқланган «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкани баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомга эътибор қаралади.

Шарҳланаётган моддада санаб ўтилган ваколатлар тугал ҳисобланмайди. ЎзР ВМ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

25-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи:

тўлов қобилиятига эга бўлмайд қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини юритади;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат этади;

суд бошқарувчилари аттестациясини ўтказади ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни судгача санация қилиш, уларнинг суд санацияси ва ташқи бошқаруви режаларини келишиб олади;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда уни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат этади;

молиявий аҳволи мониторинги юритилаётган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналар молия-

хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳақидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари санаб ўтилган.

1. Ушбу моддага мувофиқ банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг (ҳозирда, ушбу орган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳисобланади) ваколатлари қуйидагилардан иборат:

тўлов қобилиятига эга бўлмаган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини юритади. Ушбу мониторинг устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар тўғрисидаги молиявий ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади. Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, иқтисодий ночор ва зарар келтириб ишлаётган корхоналарнинг (банкротлик аломатлари мавжуд бўлган корхоналар назарда тутилган) рўйхати тузилади;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза билан хўжалик судига мурожаат этади (Қонуннинг 42-моддаси биринчи қисми). Бунда қарздорлик фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ҳамда мажбурий тўловлар бўйича ҳам тушунилади, лекин одатда амалиётда мажбурий тўловлар бўйича қарз юзасидан солиқ органлари мурожаат қиладилар;

суд бошқарувчилари аттестациясини ўтказиши ҳамда суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тартиби «Суд бошқарувчиларининг аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низом (ЎЗР ВМнинг 23.03.2004 йил 138-сонли қарори №2 илова) билан тартибга солинади. Малака аттестацияларига қўйилган талаблар ва унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш асослари ушбу Низомда белгиланган;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни судгача санация қилиш, уларнинг суд санацияси ва ташқи бошқаруви режаларини келишиб олади;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораёт-

ганлиги, шунингдек бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини назорат қилиш мақсадида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мазкур корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлилини олиб боради;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисининг фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда (зарар келтирганлигидан қатъи назар) уни вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида хўжалик судига ариза билан муурожаат этади (Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 12 июнда 1581-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 35-банди). Қонунда қўмита, фақатгина устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарда фаолият юритаётган суд бошқарувчиларининг фаолиятини назорат қилиши ҳақида тушунтириш бермайди. Шундай экан, мазкур қўмита барча суд бошқарувчиларининг фаолиятини назорат қилади деган хулоса чиқади;

молиявий аҳволи мониторинги юритилаётган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналар молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади.

Жарима солиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215¹-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Раҳбар ёки мансабдор шахс жарима солиш субъекти ҳисобланиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг санаб ўтилган ваколатлари тугал ҳисобланмайди. Қонунчиликда бошқа ваколатлар ҳам белгиланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасида куйидаги ҳуқуқларни, яъни банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш (ариза берган тақдирда ҳамда устав фондида давлат мулки бўлган ҳолларда,); маслаҳат овози билан кредиторлар йиғилишида иштирок этиш (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми); муваққат, санация қилувчи, ташқи ва тугатишга доир иш юритишда бошқарувчиликка номзод кўйиш (Қонуннинг 65-модда биринчи қисми, 73-модда иккинчи қисмига шарҳ, 94-модда иккинчи қисм ва 126-моддаси, давлат мулки бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар); устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга нисбатан суд санациясини (Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисми) ва ташқи бошқарув (Қонуннинг 91-моддаси биринчи қис-

ми) юритиш тўғрисида ариза бериш кабиларни назарда тутати. Ундан ташқари «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандига мувофиқ қонун ҳужжатларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатидан ташқари ҳолларда ҳам, суд бошқарувчиларини вазифасидан озод этиш тўғрисидаги ариза бериш ҳуқуқи назарда тутилган. Бунга мисол қилиб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш қарорлари (кўрсатмалари)ни белгиланган муддатларда бажармаслик ҳамда банкротлик қонун ҳужжатлари асосида суд бошқарувчисига юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги қарздор ва кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлиш ҳолатини кўрсатишимиз мумкин.

2. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи Низомини тасдиқлаш ЎзР ВМнинг ваколатига киради. Шунга ўхшаш Низом ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин. Мисол учун, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган (2005 йил 2 майдаги № ПК-66.).

26-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ваколатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари:

тўлов қобилиятига эга бўлмайд қолган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволига оид маълумотлар электрон базасини шакллантиришни амалга оширади;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг кўрсатмасига биноан хўжалик судига мурожаат этади;

тегишли ҳудудда жойлашган, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади;

тегишли ҳудуддаги корхоналарнинг банкротлиги жараёнлари мониторингини юритади;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади, суд бошқарувчисини белгиланган тартибда вазифасини бажаришдан озод қилиш зарурлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига илтимоснома билан муурожаат этади;

банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари амалга оширилаётганда, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатишга доир иш юритиш амалга оширилаётганда хўжалик суди муҳокамасига суд бошқарувчилигига номзодлар тақдим этиш ҳуқуқига эга;

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларига мазкур корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ҳудудий бошқармалари ваколатлари белгиланган.

1. Ҳозирги вақтда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ҳудудий бошқармалари бўлиб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари (ЎЗР Президентининг 30.04.2005 йил ПФ 3602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони 3-банди) ҳисобланади ва ушбу ҳудудий бошқармалар мазкур моддада мустаҳкамлаб қўйилган барча ваколатларни амалга оширадilar.

Шарҳланаётган модда ҳудудий бошқармаларнинг қуйидаги асосий ваколатларини белгилаб беради:

тўлов қобилиятига қодир бўлмаган, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволига оид маълумотлар электрон базасини шакллантиришни амалга оширади. Ҳудудий бошқармалар хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган маълумотлар асосида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар орасида зарар келтириб ишлаётган ва банкротлик аломатлари бўлганларни аниқлаш мақсадида уларнинг молиявий аҳволи ҳақида электрон базани шакллантиради. Ушбу электрон база юқори турувчи органга юборилади;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхона-

ларнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этади. Мавжуд маълумотлар базасига асосан ҳудудий бошқармалар устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Ҳайъати (Коллегия)¹ қарори ёки юқори турувчи органнинг кўрсатмасига мувофиқ хўжалик судига мурожаат этади;

тегишли ҳудудда жойлашган, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш қандай бораётганлиги, шунингдек бундай корхоналарнинг банкротлиги таомиллари жараёни устидан назоратни амалга оширади. Ҳудудий бошқармалар тегишли ҳудуддаги устав фондида давлат улуши бўлган қарздор корхоналарни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш ва банкротлик таомиллари жараёни устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу эса, ҳудудий бошқармалар давлат ёрдами билан санация қилинаётган корхоналар ҳамда устав фондида давлат улуши бўлган, банкротлик таомили қўлланилган корхоналар фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади;

тегишли ҳудуддаги корхоналарнинг банкротлиги таомиллари мониторингини юритади, яъни ўрганиш, кузатиш, зарар келтириб ишлайдиган корхоналар тўғрисида ахборотлар ва статистик маълумотлар тўплаш, хулоса бериш;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади. Ҳудудий бошқармалар суд бошқарувчиларининг аттестациясини ўтказувчи органнинг ҳудудий бўлинмалари бўлганлиги туфайли, суд бошқарувчилари томонидан қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилиш ваколатига эгалар. Агар суд бошқарувчилари томонидан банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланадиган бўлса, ҳудудий органлар суд бошқарувчисини вазифасидан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишлари ёки юқори турувчи органнинг суд бошқарувчисига нисбатан берилган аттестатни бекор қилишгача бўлган чораларни кўриш ҳақида мурожаат қилишлари мумкин;

банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари амалга ошириляётганда, шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни тугатишга доир иш юритиш амалга ошириляётганда хўжалик суди муҳокамасига суд бошқарувчилигига номзодлар тақдим этиш

¹ Рус тилидаги нашрда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳуқумат комиссияси ҳавола қилинган — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳайъати (Коллегия) деб тузатилди.

хуқуқига эга. Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга тугатиш бошқарувчиси номзодларни кўрсатиш хуқуқи кредиторлар йиғилишидан ташқари ҳудудий бошқармаларга ҳам берилган. Давлат органининг ушбу хуқуқи Қонуннинг 126-моддасида ҳам кўрсатилган. Ушбу модданинг матнида «Устав фондида давлат улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин» деб, таъкидланган бўлсада, ҳудудий органлар давлат улуши бор йўқлигидан қатъи назар банкротликнинг соддалаштирилган таомили ва тугатишга доир иш юритишда суд бошқарувчиларини номзодларини кўрсатиш хуқуқига эгадирлар (Қонуннинг 126, 188-моддалари шарҳига қаранг);

устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахсларга мазкур корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жарима солади. Жарима солиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215¹-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Раҳбар ёки масъул шахс жарима солиш субъекти ҳисобланиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада санаб ўтилган ваколатлар тугал ҳисобланмайди. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадilar.

Ҳудудий органлар низомини тасдиқлаш аввал иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Қўмита ваколатига кирар эди, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ваколатига кирарди.

27-модда. Корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти

Банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармаларига устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар ҳақида маълумотлар тақдим этишлари, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг сўровига биноан корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Шарҳланаётган моддада банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ва уларнинг ҳудудий бошқармаларига (ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари деб номланади) ахборот бериш мажбуриятига эга давлат органлари доираси белгилаб берилган.

1. Мазкур мажбурият Устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъект фаолиятида банкротлик аломатлари аниқланган ҳоллар учун, ҳамда банкротлик ишлари бўйича давлат органининг корхонанинг иқтисодий қодирлигига тегишли бошқа маълумотларни сўраган ҳоллари учун назарда тутилган. Ушбу ҳаракатларнинг зарурлиги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 25—26-моддалари талабларини, шунингдек хўжалик судида банкротлик тўғрисида иш қўзғатадиган давлат органининг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ҳужжатларни тақдим этмаганлик (215¹-моддаси «Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш») учун маъмурий жавобгарлик миқдори белгиланган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 25—26-моддалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари» деб номланган 268¹-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига оид маълумотларни тақдим этмаслик билан ва бундай ишлар бўйича айбдор шахсларга нисбатан жарима жазосини қўллаш билан боғлиқ бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид тегишли ишларни кўриб чиқади. Бундай ҳолатда маъмурий жавобгарлик нафақат корхона раҳбарига, балки давлат органи сўровига биноан маълумотларни ўз вақтида бермаган давлат солиқ хизмати, давлат статистика органлари раҳбарларига нисбатан ҳам қўлланилади.

28-модда. Банкротлик таомиллари

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

кузатув;

суд санацияси;

келишув битими;

ташқи бошқарув;

тугатишга доир иш юритиш.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

келишув битими;

тугатишга доир иш юритиш.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишлар судда кўриш жараёнида қўлланиладиган банкротлик таомиллари ва уларнинг субъектларини белгилаб беради.

1. Кўрилаётган модданинг биринчи қисмида қарздор-юримдик шахсга нисбатан қўлланиладиган таомиллар: кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, келишув битими кўрсатиб ўтилган. Ушбу таомилларнинг ҳар бири ўз мақсадида қўлланилиб, ҳар бирига алоҳида боб бағишланган (Қонуннинг IV—VIII боблари).

Кузатув — суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган кундан бошлаб қўлланиладиган биринчи суд таомилдир. Кузатув мол-мулкни сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида қўлланилиб, шу билан бирга қарздорнинг мулкий аҳволи ёмонлашувини олдини олиш таомили ҳисобланади. Қарздорнинг катта ҳажмдаги мулки ва кредиторларнинг мавжудлиги кузатув жорий этилишига эҳтиёж туғдиради. Кузатув мобайнида муваққат бошқарувчи кредиторларнинг талаблари реестрини юритади (Қонуннинг 67-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбоши), қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этади, қарздорнинг мажбуриятлари бўйича масалаларни ҳал қилади, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ўрганади (Қонуннинг 69-моддаси биринчи қисми). Айнан у кредиторларнинг биринчи йиғилишига қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида хабар бериши ва корхонанинг кейинги тақдирини танлаш учун ҳужжатларни тақдим этиши шарт (Қонуннинг 67-моддаси учинчи қисми). Кузатув биринчи суд мажлиси ўтказилгунга ва банкрот корхонанинг кейинги тақдири ҳал қилингунга қадар амалда бўлади. Кейинги таомилни танлаш кредиторлар йиғилиши фикрига боғлиқ бўлади. Ушбу суд таомилидан сўнг қуйидаги таомиллар жорий қилиниши мумкин: суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш ёки келишув битими. Умумий қоида бўйича кузатув уч ойдан ортиқ бўлмаган муддат чўзилиши мумкин (Қонуннинг 49-моддаси), лекин алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатгача узайтирилиши мумкин. Бироқ, ишни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида муваққат бошқарувчи томонидан барча тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда кузатув қисқа муддатларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кузатув таомили шахснинг соддалаштирилган банкротлик таомилларида қўлланилмайди (Қонуннинг 186-моддаси иккинчи қисми, 189-моддаси иккинчи қисми), чунки кузатиш таомилини ўтказиш учун қонунда белгиланган тадбирларни амалга ошириш зарурияти мавжуд бўлмайди ва тугатишга доир иш юритишдан ўзга таомилни танлаш имконияти бўлмайди. Кузатув шунингдек, ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда ҳам қўлланилмайди (Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисми).

Суд санацияси — тиклаш тусидаги таомил ҳисобланиб, қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахсларнинг қарздор-корхонани тўловга қобилиятлилигини тиклаш ва қарздор фаолиятини бошқаришни қарздор раҳбарининг ўзида қолдириш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилиш натижасида кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади. Ушбу таомил қарздорнинг тўловга қобилиятлилик ҳолатини тегишли чоралар қўллаш ёрдамида тиклашнинг иложи бўлса ҳамда банкротликнинг сабаби қарздор раҳбарининг бошқарувчанлик қобилияти билан боғлиқ бўлмаган бўлса, ўз мақсадига етишиши мумкин. Бошқарувчининг бошқарувчанлик қобилиятига нисбатан гумон мавжуд бўлган тақдирда ушбу чорани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Суд санацияси жорий этилган вақтдан эътиборан муассислар (иштирокчилар), қарздор мол-мулкининг эгаси ўзларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритишга оид бўлмаган фаолият билан шуғулланишга ёки мулкнинг бошқа шахсга ўтказилишига йўл қўймаслик мақсадида қарздор фаолияти устидан назоратни амалга оширишлари керак. Суд санацияси хўжалик суди кузатуви ва санация қилувчи бошқарувчи ҳаракатлари устидан назорат остида амалга оширилади. Хўжалик суди қарзларни тўлаш бўйича жадвални тасдиқлайди ва унга ўзгартиришлар киритади, санация таомилида юзага келган келишмовчиликларни (шикоятларни), санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботини кўриб чиқади. Суд санацияси йигирма тўрт ойгача бўлган муддатда қўлланади. Суд санациясини жорий этиш ҳақида қарздор бўлмаган бошқа шахслар мурожаат қилса уни жорий этишнинг шарти сифатида ушбу шахслар ҳисобига қарздор мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш ва қарзларни тўлаш бўйича режа ва жадвал тасдиқлаш ҳисобланади. Мажбуриятларни бажариш бўйича асосий мажбурият қарздорга юклатилади, таъминот берган бошқа шахсларнинг мажбуриятлари суд томонидан судгача санация қилишни тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг вужудга келади (Қонуннинг 88-моддаси биринчи қисми).

Келишув битим — миқдор, ижро этиш тартиби ва бошқалар бўйича ўзаро муросалар асосида кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш бўйича кредиторлар ва қарздорлар ўртасида келишувга эришилганда хўжалик суди томонидан қўлланиладиган таомилдир. Келишув битими банкротлик тўғрисидаги ишларнинг ҳар қандай босқичида кредиторлар йиғилишининг барча кредиторлар умумий овозининг кўпчилиги овоз бериши орқали қабул қилинган қарори асосида тузилиши мумкин. Хўжалик суди келишув битимини Қонуннинг VIII бобида белгилаб қўйилган шартларнинг тарафлар томонидан бажарилиши, гаров билан таъминланган мажбуриятлар бўйича барча кредиторларнинг розилиги, Қонуннинг 134-моддаси би-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ринчи қисмида назарда тутилган барча талабларнинг қондирилиши ҳамда иш ҳақи бўйича барча қарздорликни тўланишидан сўнг тасдиқлаши мумкин. Келишув битимининг аксарият кредиторлар ва гаровга олувчилар рози бўладиган шартларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш жуда муҳим, чунки бу келишув натижасида банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади ҳамда кейинчалик шу орқали анча мураккаб бўлган банкротлик таомилининг олдини олиш мумкин. Агар қарздорнинг кредиторлари сони кўп бўлса, у ҳолда келишув битимини тузишда йирик кредиторларнинг фикри муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳатто келишув битими қабул қилингандан сўнг ҳам, уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар бўлганда, яъни келишув битими айрим кредиторлар учун афзаллик берилишини ёки айрим кредиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартларга эга бўлса, у тегишли ариза асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (Қонуннинг 153-моддаси), бундай ҳолда иш қайта тикланиши мумкин. Келишув битимини — тиклаш кўринишидаги таомил деб ҳам ҳисобланади, чунки иш юритиш тугатилади, қарздор ташкилот эса ўз фаолиятини давом эттириши ва тикланиши мумкин. Лекин, суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомилларидан фарқли равишда келишув битимини тузиш учун қандайдир режа ёки жадвал тузиш талаб этилмайди. Шунингдек, келишув битимининг қабул қилиниши ва ишнинг тугатилиши билан суд бошқарувчисининг ваколатлари ҳам тугатилади ва келишув битими талабларининг бажарилиши суд томонидан назорат қилинмайди. Шунинг учун қарздор томонидан келишувнинг бирор-бир шarti бажарилмаслиги хавфи мавжуд бўлганда, кредиторлар қарздорни ўзига олган мажбуриятларни бажариш юзасидан фаолияти устидан назоратни ўз қўлларига олишлари лозим. Аммо шу ўринда кредиторлар шуни англашлари керакки, келишув битимининг шартлари бажарилмаса, улар ўз талабларини қониқтира олмайдилар, шунинг учун уни тузишга розилик беришнинг фойдаси йўқ.

Ташқи бошқарув — кредиторлар йиғилишининг қарорига ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан киритиладиган тиклаш тусидаги таомил. Ташқи бошқарув йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади (91-модда учинчи қисм). Ташқи бошқарувнинг мақсади ҳам қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш, кредиторлар талабларини қаноатлантиришдир. Бунда юридик шахсни бошқариш ва унинг мулкани тасарруф этиш бўйича қарздор раҳбари ваколатларини мажбурий равишда ташқи бошқарувчига берилади. Ташқи бошқарув мақсадларига ташқи бошқарувчи томонидан ўтказиладиган қатор тиклашга қаратилган тадбирлар натижасида эришилиши мумкин. Раҳбарни четлатишга ва қарздор фаолиятини бошқариш бўйича ваколатларни суд бошқарувчисига бериш учун зарурат бўлган тақдирда, масалан, қарздор раҳбари томонидан қарздор мол-мулкани мақсад-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

га номувофиқ бошқарилиши оқибатида қарздор-корхонанинг молиявий аҳволи ночор бўлиб қолганда, ташқи бошқарувни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчи томондан, қарздорнинг раҳбари эга бўлган ишларни бошқариш бўйича «ноу-хау»ни корхона учун жорий қилиш зарур бўлганда ташқи бошқарувни жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ташқи бошқарув жараёнида мавжуд инсоний муносабатлар ва уларнинг изчиллиги билан боғлиқ афзалликлардан фойдаланиш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин жорий тўловлар бўйича ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ва бошқа талаблардан ташқари (93-модданинг биринчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари) кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга мораторий ўрнатилади, шу сабабдан бундай талаблари кўп миқдорда бўлганда ташқи бошқарувни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади. Талабларни қаноатлантиришнинг иккита асосий усули мавжуд: ташқи бошқарув режасининг бажарилиши натижасида тўлов қобилияти тикланган сари муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисобкитобларни бошлаш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими асосида кредиторлар талабини қаноатлантириш (Қонуннинг 120-моддаси); суднинг ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисобкитобларга ўтиш тўғрисидаги ажримига асосан, барча кредиторлар билан ҳисоб-китоблар олиб бориши (Қонуннинг 119-моддаси). Қайси усул самарадорлигини аниқлаш учун барча ҳолатларни кўриб чиқиш керак. Бу ўз навбатида ташқи бошқарув режасига ҳам боғлиқ. Ташқи бошқарув суд санация сингари хўжалик суди кузатуви остида ҳамда ташқи бошқарувчининг ҳаракатини назорат қилиш орқали ҳам амалга оширилади.

Тугатишга доир иш юритиш — суднинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарори эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдан бошланадиган таомилдир (Қонуннинг 124-моддаси биринчи қисм). Бундай ҳолда қарздор мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади (Қонуннинг 125-моддаси учинчи қисм). Ушбу таомилни тугатиш бошқарувчиси олиб боради, тугатишга доир иш юритишнинг умумий муддати бир йил қилиб белгиланган (Қонуннинг 124-моддаси иккинчи қисм). Мазкур таомилнинг мақсади қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш ҳамда ташкилотни тугатиш йўли билан кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қаноатлантиришдан иборатдир. Қарздор томонидан мол-мулкни яшириш ёки ўзга шахсга тақдим этиш йўли билан келтирилиши мумкин бўлган тўсиқларни олдини олиш мақсадида тугатувчи бошқарувчи барча бухгалтерия ҳужжатларини, муҳрларни, штампларни қарздорнинг олдинги бошқарувчиси қўлидан ўз юритувига олади, кредитор талаблари реестрини юритади (Қонуннинг 128-моддаси тўртинчи қисм еттинчи хатбошиси), кечиктирмаган ҳолда мулкни инвентаризация қилади ва баҳолайди ҳамда туга-

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

тиш режасини қабул қилади (Қонуннинг 131-моддаси биринчи қисми), тугатиш режасини тузиб чиқади (Қонуннинг 129-моддаси). Тугатиш режасида банкротнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, талабларни қаноатлантириш шартлари, мол-мулкни сотиш тартиби акс эттирилган бўлиши зарур. Режа умумий талаблар йиғиндисининг 3/2 қисмини ташкил қилувчи кредиторлар томонидан тасдиқланиши шартлиги сабабли, режани ишлаб чиқишда кредиторларнинг фикрлари ҳисобга олинishi зарур. Мол-мулк реализациясини адолатли ва қонунийлигини таъминлаш мақсадида реализация очиқ кимошди савдоси орқали ўтказилади (Қонуннинг 135—137-моддалари). Тугатишга доир иш юритиш тамомланганда мол-мулк сотилгандан кейин кредиторлар ўз талабларининг тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилишидан қатъи назар кредиторларнинг барча талаблари қондирилган деб ҳисобланади (Қонуннинг 138-моддаси бешинчи қисми). Шу билан бир қаторда тугатишга доир иш юритиш хўжалик фаолиятини давом эттириш имконияти бўлган тақдирда келишув битимини тузиш ёки кредиторлар талабини тўлиқ қаноатлантириш орқали тугатилиши мумкин, шунингдек қарздорнинг қарзини тўлаш имконияти тикланган тақдирда ташқи бошқарувга ўтиш имконияти ҳам мавжуд бўлади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида якка тартибдаги қарздорга нисбатан қўлланиладиган таомиллар санаб ўтилади: бу фақат келишув битими ёки тугатишга доир иш юритишдир.

Келишув битими ЯТТга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишни мазкур тадбиркор ҳамда кредитор ўртасида ўзаро муросага келиш асосида тугатиш мақсадида тузилади.

Келишув битимини тузиш учун кредиторлар томонидан кредиторлар йиғилишида барча кредиторлар умумий сонининг кўпчилигини ташкил этувчи кредиторлар, шунингдек талаби гаров билан кафолатланган барча кредиторлар розилиги олинishi лозим (Қонуннинг 145-моддасининг иккинчи қисми). Келишув битими ўзида тиклаш кўринишидаги таомилни акс эттириб, албатта ёзма шаклда тузилиши лозим (Қонуннинг 147-моддасининг биринчи қисми) ва хўжалик суди томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради (Қонуннинг 145-моддасининг олтинчи қисми). ЯТТга нисбатан кузатув таомили қўлланилмаслиги туфайли, кредиторларни белгилашда маълум бир қийинчиликлар мавжуд. Хусусан, Қонуннинг 182-моддасида белгиланишича, кредиторлар ва уларнинг талаблари миқдори суд томонидан белгиланади. ЯТТга нисбатан судгача санация қилиш ёки ташқи бошқарув таомиллари ҳам қўлланилмаслиги туфайли уни тиклашга фақат келишув битими туфайли эришиш мумкин. Келишув битими банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг исталган босқичида тузилиши мумкин бўлсада (Қонуннинг 145-моддасининг биринчи қисми), лекин уни тузиш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Шу-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

нинг учун ўз ишини тикламоқчи бўлган ЯТТ келишув битимини тузишда ва улар билан музокараларга тайёрланишда кредиторларнинг фикри ва позициясини синчковлик билан ўрганиб чиқиши зарур.

ЯТТга нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомилини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Кредиторларнинг эътирозлари бўлмаган тақдирда суд томонидан тадбиркорнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган қарзни узиш режаси тасдиқланиши мумкин (Қонуннинг 176-моддаси иккинчи қисм). Бу ҳолда кредиторлар талабини қаноатлантириш мақсадида иш юритиш икки ойгача бўлган муддатга тўхтатилиши мумкин. Агар мазкур режани бажариш асосида кредиторларнинг барча талаблари қондирилса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (Қонуннинг 176-моддаси бешинчи қисми). Шу йўл орқали қарздор ўзини банкрот деб топиш ҳолатидан қутилиши ва тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши мумкин. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тикланиши фақатгина ҳақиқий амалга ошириш имконияти бўлган қарзларни узиш режаси мавжудлигига боғлиқ бўлганлиги учун ЯТТ-қарздор мазкур режани амалга ошириш мумкин-мумкин эмаслигини эътиборга олиши керак. Қарзларни тўлай олмаслик ҳолатида у банкрот деб топилади ва қолган мажбуриятларни бажаришдан озод этилади, кредиторнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва шу каби алоҳида тоифадаги мажбуриятлар бундан мустасно (184-модда биринчи қисм).

29-модда. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган суддан ташқари бажариладиган таомиллар турини аниқлайди. Мазкур моддада белгиланишича, судгача санация қилиш ҳамда ихтиёрий тугатиш ҳоллари банкротлик таомиллари қаторига кирмайди, шундай бўлсада, улар банкротлик тўғрисидаги иш билан узвий боғлиқ бўлиб, тўлдирувчи аҳамиятга эга бўлади.

Судгача санация қилиш Қонуннинг 30—34-моддалари билан тартибга солинади. Судгача санация қилиш қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар қўлланилади (Қонуннинг 30-моддаси биринчи қисми) ва унинг тўлов қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўяди (Қонуннинг 3-моддаси ўн биринчи хатбошиси), яъни тиклаш тусидаги таомиллар сингари мақсадга эга. Лекин судгача санация қилишда суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларидан фарқли ўлароқ ушбу таомилда суд иштирок этмайди. Қонунда судгача санация қилиш таомили жараёнида қарздор ҳамда кредитор ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар мав-

© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

жуд эмас, шунинг учун айтиш мумкинки, судгача санация қилишнинг қўлланилиши Қонунда қатъий тартибга солинган бошқа суд таомилларига нисбатан унча қатъий тартибга солинмаган. Шу нуқтаи назардан, маълум қийинчиликлар юзага келиши мумкин, лекин уларнинг ечими ҳам қонунда назарда тутилмаган.

Судгача санация қилиш суддан ташқари таомил бўлганлиги туфайли мазкур таомилда хўжалик суди иштирок этмайди. Шундай бўлсада агар давлат ёрдами билан иш олиб бориладиган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича ваколатли давлат органлари ҳисобланган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига катта роль белгиланган.

Ихтиёрий равишда тугатиш қоидаларини ЎЗР ФКнинг 53—56-моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва турли хил юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи бошқа қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар белгилаб беради.

Шунингдек, таъкидлаб ўтиш керакки, Қонун бўйича тугатишга доир иш юритиш ҳамда ихтиёрий равишда тугатишларнинг иккиси ҳам бир мақсадни — юридик шахснинг мол-мулкани кредиторлар орасида тақсимлаш ҳамда кредиторлар билан ўтказиладиган ҳисобкитобдан сўнг уни тугатишни кўзлайди. Бироқ, агар Қонун бўйича тугатишга доир иш юритиш банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда очилса, қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш бошқа белгилари билан, масалан, муддатнинг тугаши, устав фондини шаклланмаганлиги ва ҳ.к.лар билан ҳам амалга оширилавради. Қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш асослари ФКнинг 53-моддаси иккинчи қисми билан белгиланиб, унинг иккинчи хатбошисида тугатиш муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, учинчи хатбошисида эса — тугатиш суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Таъкидлаш мумкинки, ихтиёрий равишда тугатиш ва тугатишга доир иш юритиш ўзаро чамбарчас боғлиқдир, чунки ихтиёрий равишда тугатиш кўп ҳолларда тугатишга доир иш юритишдан олдин содир бўлади.

Шуни ҳам, таъкидлаш жоизки, агар тугатиш комиссиясининг аризасига биноан ФКнинг 53-моддасида назарда тутилган асосларга кўра молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва белгиланган муддатда устав фондини шаклланмаганлиги туфайли тугатиш тўғрисида қарор қилинган юридик шахснинг мол-мулки кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, банкротлик тўғрисидаги иш соддалаштирилган тартибда кўрилади ва юридик шахс тугатилади (Қонуннинг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги №142 сонли қарори 36-банди).

II БОБ. СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ

Шарҳланилаётган боб судгача санация қилишга бағишланади.

Судгача санация қилиш суддан ташқари таомил бўлиб, қарздорга нисбатан тўлов қобилиятини тиклаш ва банкротликни олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Қарздор билан тузилган келишув асосида унинг тўлов қобилиятини тиклаш чораларини кўраётган қарздор-юримдик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар судгача санация қилишнинг субъектлари бўла оладилар.

Судгача санация қилишда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклайдиган чора-тадбирлар, яъни қарзларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, қарздорга моддий ёрдам кўрсатиш, тўлов муддатини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб тўлашни узайтириш, қарзлардан сийлов бериш, қарздорни қайта ташкил этиш каби қаралган.

Судгача санация қилишни қўйидаги турларга ажратиш мумкин: давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ва давлат томонидан ёрдам кўрсатмаган ҳолда. Давлат қўмагидан фойдаланган ҳолда судгача санация қилиш устав фондида давлат улуши бор бўлган корхоналарга нисбатан қўлланилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда судгача санация қилишни ўтказиш тартиби «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади (ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарорига 2-илова).

Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда судгача санация қилишни ўтказиш тўғрисидаги илтимосномалар Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тақдим этилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда судгача санация қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга белгиланади ва муддат тугаши билан Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ҳайъатининг қарори билан судгача санация қилишни самарасиз деб топилганда тугатилади.

Ушбу боб беш моддадан иборат. Таъкидлаш жоизки, судгача санация қилишнинг механизми юқорида кўрсатилган Низомда баътафсил ёритилган.

Судгача санация қилишни қишлоқ хўжалиги ташкилотларига қўллаш ва унинг тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ

© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Бунинг ўзига хос хусусиятлари «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг IX боби 2 параграфида кўрсатилган.

30-модда. Судгача санация қилиш асоси

Судгача санация қилиш банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари юзага келган тақдирда, қарздорнинг раҳбари бу ҳақда қарздорнинг муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари (иштирокчилари), бошқарув органи ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган битимга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздорга нисбатан судгача санация қилиш асосларини аниқлаштириб беради. Қонуннинг 29-моддасига биноан, судгача санация қилиш суддан ташқари қўлланиладиган таомилдир.

1. Судгача санация қилиш хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдин амалга оширилади. Банкротлик тўғрисидаги иш қарздорни хўжалик суди томонидан банкрот деб топиш ҳақида ажрим чиқарилгандан сўнг қўзғатилган деб ҳисобланади.

Қонуннинг 61-моддасида истисно қилувчи норма мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, устав фондида давлат улуши бўлган корхонага нисбатан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгандан кейин судгача санация қилишни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш мумкин. Ушбу ҳолатда судгача санация қилиш ўтказилиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қарздор раҳбарининг Қонунни 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари пайдо бўлса, бу ҳақда қарздор муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига ёзма шаклда хабар қилиши шартлигини белгилайди.

Банкротлик аломатларининг пайдо бўлганлиги тўғрисидаги қарздор раҳбарининг хабари албатта ёзма равишда (хат юбориш орқали, хабарнома ва бошқа хил равишда ёзма хабар бериш) бўлиши лозим.

Қарздор муассислари (иштирокчилари), бошқарув органлари ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси сифатида юридик шахс ҳам жисмоний шахс ҳам бўлиши мумкин.

Ушбу қисм амалдаги Қонун таҳририга қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини), бошқарув органлари ёки қарздорнинг мол-мулки эгасини вақтида хабардор қилиш ҳамда улар томонидан банкротликни олдини олиш учун махсус чора-тадбирлар кўрилиши мақсадида киритилган.

3. Судгача санация қилиш таомили банкротлик тўғрисидаги иш кўзгатиладиган олдин қарздорни банкротлигини олдини олиш мақсадида киритилади. Шу туфайли, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза беришдан олдин қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини), бошқарув органлари ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси қарздорнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари мумкин. Қоида бўйича, қарздорни молиявий соғломлаштириш мақсадида режалаштирилаётган ишлар ва қутилаётган натижалар акс эттирилган махсус бизнес режа ишлаб чиқилади. Мазкур бизнес-режа устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар учун Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи билан келишиб олинishi керак (Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси).

31-модда. Судгача санация қилишнинг объекти ва субъектлари

Судгача санация қилишнинг объекти қарздор шахсдир.

Судгача санация қилишнинг субъектлари қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздорнинг мол-мулки эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда судгача санация қилишнинг объектлари ва субъектларини аниқлайди.

1. Судгача санация қилишнинг объекти қарздор ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига биноан **қарздор** — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки ЯТТ.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига келадиган бўлсак, уларга нисбатан судгача санация қилишни ўтказишда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам қўлланилади.

2. Қонун судгача санация қилишда субъект сифатида иштирок этадиган шахслар сонини чегараламайди. Субъект сифатида қарздор — юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздор-

нинг мол-мулки эгаси, давлат органлари, шунингдек бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

32-модда. Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари

Судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;

ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида аҳдлашувга эришишга қаратилган битим;

мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;

қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилиш таомилида бошқа чора-тадбирлар ҳам бўлиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органнинг қарори асосида амалга оширилади.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Судгача санация қилиш қарздорга давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказилаётганда қарздорга унинг хизмат кўрсатиб келаётган банкдаги ишлаб турган ҳисобварақлари тўхтатиб қўйилиб, сўмларда ва (ёки) валютада иш юритадиган санация ҳисобварағи очилади. Санация ҳисобварағини ишлатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шарҳланаётган модда мазкур моддага, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларига кўра, қарздорнинг судгача санация қилиш бўйича асосий чора-тадбирларни белгилаб беради.

1. Судгача санация қилиш чораларини шартли равишда қуйидагича бўлиш мумкин, иқтисодий: муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш, рақобатбардош маҳсулот чиқа-

ришга мослаб ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиш; ҳуқуқий: қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида келишувга эришишга қаратилган битим, мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш; шунингдек, ташкилий: четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

2. Судгача санация қилиш таомили ўзида бошқа чора-тадбирларни ҳам мужассамлаштирган бўлиши мумкин, хусусан давлат томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини ошириш ҳамда уни ресурслар билан таъминлаш учун кўрсатиладиган ёрдам ҳам шулар жумласидандир. Булар орқали қарздорни банкрот деб эълон қилинишини олди олиниши мумкин бўлади.

3. ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлда қабул қилган 362-сонли қарори билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига биноан, санация қилиш давлат органларининг иштироки билан ёки аксинча унинг иштирокисиз, қайтариш ёки қайтармаслик асосида, шу жумладан танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат ёрдамида судгача санация қилиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш бўйича ЎзР ВМ томонидан ваколат берилган орган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган Низомнинг 12-бандига кўра, устав фондида давлат улуши бўлган объектларни санациялаш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Ҳайъати қабул қилади.

Давлат маблағларини жалб этган ҳолда (давлат қўмагида) санациялаш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин (Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 10-банди):

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати қарорига кўра, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасидан таркибий ўзгартириш дастурларини амалга ошириш учун тасдиқланган лимитлар ва сметалар доирасида маблағларни мақсадли ажратиш.

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси қарорига биноан судгача бўлган санациялаш муддатида мажбурий тўловларни тўлаш, илгари ажратилган давлат кредитларини қайтаришни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек ҳисобланган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқариш шаклида давлат маблағларини жалб этиш.

Давлат воситаларини жалб қилиш билан санация қилиш Ҳукумат қарори билан бошқа чораларни ҳам ўз ичига киритиши мумкин. Масалан, давлат томонидан кредит ажратилиши, беғараз ёрдам кўрсатилиши, мажбурий тўловлар бўйича қарзни ёки давлат кредити бўйича асосий қарзни олиб ташлаш ва ҳ.к.

4. Давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилиш тартиби юқорида кўрсатилган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомда мустаҳкамланган.

Қайд этилган Низомнинг 13-бандига асосан, устав фондида давлат улуши бўлган ёки давлат маблағларини жалб қилишга мурожаат қилаётган хўжалик субъектига нисбатан судгача санация қилиш тўғрисида ариза, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига берилиб, у хўжалик субъекти молиявий аҳволининг таҳлили асосида унинг тўлов қобилиятини тиклашнинг реал имконияти бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Хулосани тайёрлаш учун қарздор корхона қўмитага қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ҳисобот йилининг жорий даври учун ҳамда олдинги йил учун бухгалтерия баланслари;

таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

ички захиралардан фойдаланиш имкониятлари пухта таҳлил қилинган, шу жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ҳақ тўлашга қодир эҳтиёж мавжудлигини тасдиқловчи тегишли шартномалар кўрсатилган, мулкдор томонидан тасдиқланган молиявий соғломлаштириш режаси;

корхонанинг қарзлари бўйича маҳаллий солиқ органи билан солиштириш далолатномаси;

ҳисоб рақамларининг ҳолати тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси.

Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти ҳамда корхонани молиявий соғломлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган бизнес-режасини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати санациялаш тўғрисида қарор қабул қилади («Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида» ги Низомнинг 14-банди).

Мажбурий тўловларни тўлаш муддатни узайтириш учун судгача санация қилиш зарурияти туғилса ва қарздор давлат томонидан ажратилган кредитларни муддатидан аввал тўламоқчи, шунингдек чиқарилган жарималарни ўчиртирмоқчи бўлса Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўз қарорини муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясига қарор қабул қилиш учун юборади.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарни давлат маблағларини жалб этган ҳолда санациялашни мониторинги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади («Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 15-банди).

5. Давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилиш таомили ўтказилаётганида, қарздорга хизмат кўрсатаётган банкда олдинги ҳисоб рақамлари тўхтатилиб, сўм ва (ёки) валюта санация ҳисоб рақами очилади. Санация ҳисоб рақами иш тартиби «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда ЎЗР МБ томонидан белгиланади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва ЎЗР МБ бошқарувининг қўшма қарори билан «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 ноябрда № 1636 сон билан рўйхатга олинган) тасдиқланган. Мазкур Низом санация қилинаётган корхонанинг махсус санация ҳисобварағининг ишлаш механизмини аниқлаб беради.

33-модда. Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддати

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Шарҳланаётган модда судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддатини белгилайди.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ра-

қобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати қарорига асосан устав фондида давлат улуши бор бўлган юридик шахс-қарздорга нисбатан ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Шу ўринда, Қонун давлат томонидан ёрдам кўрсатилган ҳолда судгача санация қилишни минимал ёки максимал муддатини белгиламайди. Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари бундан мустасно, чунки, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунида бу муддат 13-модда билан чегараланган. Шунингдек, Қонуннинг 161-моддасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг судгача санация қилиш муддатини узайтириш имкони назарда тутилган.

34-модда. Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш уни ўтказишнинг белгиланган муддати тугаганлиги ёки унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Шарҳланаётган модда давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш асосларини белгилаб беради.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилишни бекор қилиш учун уни ўтказишнинг белгиланган муддати тугаганлиги ёки унинг самарасизлиги аниқланганлиги, ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлидаги 362-сонли «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларини бажарилмаганлиги, шунингдек қонунчилик билан белгиланган бошқа сабаблар асос бўлиши мумкин.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда санация қилишни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати қабул қилади.

III БОБ. БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ХЎЖАЛИК СУДИДА КЎРИШ

Шарҳланаётган боб банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва суднинг ишни кўриб чиқилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларини белгилайди.

Банкротлик тўғрисидаги иш судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан очиқ суд мажлисида кўрилади. Мазкур боб банкротлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш учун қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг мавжуд бўлишини, унда иш кўзгатиш учун асосларнинг кўрсатилишини, шунингдек аризачи тоифасидан келиб чиқиб, қарздор ҳақидаги маълумотлар ҳамда аризага илова қилинадиган бошқа маълумотларнинг зарурлигини белгилайди. Мазкур ҳолатларни кўриб чиқиш натижасига кўра, хўжалик суди аризани қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Умумий қоидага кўра, аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажримни қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилади: қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор; қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор; суд санациясини жорий этиш ҳақидаги ажрим; ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги ажрим; банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ва бошқалар. Ошкораликни таъминлаш мақсадида ушбу суд ҳужжатлари очиқ суд мажлисида ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинади, ушбу ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар расмий нашрларда чоп этилади.

Банкротлик тиклаш ёки тугатиш турига мансуб бўлган таомилини бошлашдан аввал қарздорнинг мол-мулкани бутунлигини таъминлаш ҳамда унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида кузатув жорий қилинади. Судья қарздорнинг эътирозларини ёки муваққат бошқарувчининг кредитор талаблари бўйича эътирозларининг асослилигини, агар шундай талаб илгари сурилган бўлса, кўриб чиқади ва банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўриб чиқиш учун тайёрлайди.

Талабларни белгилаш бўйича, шунингдек суд бошқарувчисининг банкротликнинг у ёки бу таомиллари жараёнида ўз мажбуриятларини бузиши муносабати билан вужудга келган келишмовчиликларни хўжалик суди кўриб чиқади ва унинг натижаси бўйича ажрим қабул қилади. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс-

лар суднинг ажримдан норози бўлсалар, қонунда белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шундай қилиб, шарҳланаётган боб банкротлик тўғрисидаги ишнинг барча таомиллари жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини, суд томонидан ишни кўриб чиқиш муддати ва тартибини, ишни лозим даражада ва ўз вақтида кўриш ҳамда унинг бўйича тегишли қарор қабул қилиш мақсадида бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мумкинлигини белгилаб беради.

35-модда. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш асослари

Банкротлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органинг) аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар бўйича, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу модда қуйидагиларни аниқлайди:

— банкротлик тўғрисидаги иш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг аризасига биноан қўзғатилади;

— банкротлик тўғрисидаги иш қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик судининг судловига тегишли;

— банкротлик тўғрисидаги иш мазкур Қонунда белгиланган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, ЎЗР ХПКда кўрсатилган қоидалар асосида кўрилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми банкротлик тўғрисидаги иш ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органинг) аризаси асосида хўжалик суди томонидан қўзғатилишини белгилайди. Лекин Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилмаган бошқа органлар ҳам қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладиган ҳолатлар мавжуд. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ҳар қандай шахс томонидан берилавермайди, у фақат қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан берилиши мумкин. Кимлар бундай ҳуқуққа эга эканлигини билиш учун шарҳланаётган Қонуннинг 6-моддасига қаранг.

Ундан ташқари, шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишларни қарздор юридик шахснинг жойлашган еридаги, қарздор

ЯТТнинг яшаш жойидаги суднинг судловига тегишли эканлигини белгилайди. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ким (қарздорнинг ўзи, кредитор, ваколатли давлат органи ёки прокурор) мурожаат қилишидан қатъи назар, иш қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан кўрилиши шарт. Мазкур қоида ЎЗР ХПКнинг 30-моддаси қоидаларига мувофиқ келади. Мазкур қоида алоҳида судловга тегишлилик сифатида шакллантирилган ва ишни имкон даражасида тўғри кўриш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш учун қарздорнинг ночор эканлиги тўғрисидаги далилларни тўплаш, худди шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича турли таомил масалаларини ҳал қилишга қаратилган. ЎЗР ХПКнинг 31 ва 32-моддаларидаги алоҳида судловга тегишлилик ва шартнома бўйича судловга тегишлиликка доир қоидалар банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича қўлланилмайди. Банкротлик тўғрисидаги иш унга нисбатан ЎЗР ХПКнинг 25-моддаси (низоларни ҳал этишни ҳакамлар судига топшириш) қўлланилмаслиги боис даъво тартибида ишларни кўришга тааллуқли бўлмайди,

2. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида процессуал қонунчиликни қўллаш жараёнида Қонуннинг процессуал нормалари устувор деб топилади. Банкротлик тўғрисида иш бўйича Қонуннинг ЎЗР ХПК олдидаги устуворлиги шу билан тушунтириладики, Қонуннинг процессуал нормалари банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мобайнида вужудга келадиган процессуал ҳуқуқ муносабатлар Қонун нормалари билан тартибга солинмаса, ушбу ҳолатда ЎЗР ХПК нормалари билан белгиланади.

ЎЗР ХПКда назарда тутилган ҳолатлардан фарқ қиладиган ва банкротлик тўғрисидаги Қонун билан белгиланган алоҳида қоидалар мавжудки, улар қуйидагилардан иборат:

— банкротлик тўғрисидаги ишлар одатдаги даъво тартибидаги ишлардан фарқли равишда, даъвогар ва жавобгар тараф иштирокида тортишувчилик асосида кўриб чиқилмайди. Хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилаётган шахс даъво аризаси эмас, балки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладди (Қонуннинг 37—44-моддалари). Шунингдек, таъкидлаш жоизки, банкротлик тўғрисидаги ишларни юритишда жавобгар томонидан қарши даъво қўзғатилиши назарда тутилган;

— банкротлик таомиллари банкротлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, кредитор ва қарздор ўртасидаги манфаатларни ҳисобга олган ҳолда кредиторнинг талабларини қарздор мол-мулки қийматидан адолатли қондириш, шунингдек, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун қўлланилади ва қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни суднинг иштирокида бирга-

ликда тартибга солишни назарда тутати. Қонун билан шундай жараёнларнинг қатор босқичлари бўйича қоидалар белгиланган бўлиб, булар қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомилини аниқлаш учун кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш, кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органининг тақдимига кўра муваққат бошқарувчини тайинлаш, қарздорнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича текшириш ўтказиш, кредиторларнинг талаблари реестрини тузиш мақсадида кредиторларнинг талабларини аниқлаш ва ҳ.к. Бундай таомилларни амалга ошириш учун муайян муддат талаб қилинади.

Шунинг учун ҳам «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг оддий даъво тартибида юритиладиган ишларни кўриш учун белгиланган муддатига нисбатан узайтирилган муддатни белгилайди. Шу ўринда, ЎзР ХПК оддий хўжалик низоларини кўриб чиқиш учун ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан иш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилишини, алоҳида ҳолларда ишни кўриш муддати бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкинлигини белгилайди (ЎзР ХПКнинг 125-моддаси). «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун эса банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ой муддатда кўриб чиқилишини, алоҳида ҳолларда, икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкинлигини кўрсатади (Қонуннинг 49-моддаси).

Ундан ташқари, Қонун қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни биргаликда ҳал этиш мақсадини назарда тутиши муносабати билан қўйидаги хусусиятларни белгилайди:

— Банкротлик таомили қўлланилиши билан қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатлар ва муносабатларнинг ҳаммаси барча кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси томонидан амалга оширилади (10-модданинг иккинчи қисми). Шу муносабат билан қарздорга нисбатан кредиторларнинг хоҳиши кредиторлар йиғилиши (кўмита мажлиси)да тегишли қарорни қабул қилиш кўринишида ифодаланadi. Масалан, банкротлик тўғрисидаги ишда қарздор ва кредитор ўртасида келишув битими тузиш жараёнида ушбу келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади (145-модданинг иккинчи қисми). Ушбу ҳолатда қарздор ва айрим кредиторлар кредиторлар йиғилишининг розилигисиз якка тартибда келишув битимини тузишга киришишларига йўл қўйилмайди. Яъни, банкротлик тўғрисидаги ишларда ЎзР ХПКнинг 132-моддасидаги қоидалар (тарофларнинг келишув битими) татбиқ этилмайди;

— Қонун банкротлик таомилининг бориши ва хўжалик суди томонидан қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрларда чоп этиш қоидаларини белгилайди (52, 53-моддалар), ушбу қоидалар ЎЗР ХПКда назарда тутилмаган. Мазкур қоидалар ҳам қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни биргаликда ҳал этиш мақсадини назарда тутати;

— «Банкротлик тўғрисидаги» Қонун қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) вакили (3-модданинг ўн еттинчи хатбошиси) ва қарздор ходимларининг вакили (3-модданинг ўн саккизинчи хатбошиси) ва ҳ.к. банкротлик тўғрисидаги ишларда Қонунда кўрсатилган ҳолларда (36-модданинг иккинчи қисми) ишда иштирок этувчи шахс бўлишлари мумкинлигини белгилайди. Мазкур шахслар ишда иштирок этувчи шахслар сифатида ЎЗР ХПКда белгиланмаган (ЎЗР ХПКнинг 34-моддаси), лекин «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун эса ушбу шахсларни банкротлик тўғрисидаги ишларда иштирок этувчи шахслар сифатида ҳуқуқий ҳолатини белгилайди ва уларга муайян асослар мавжуд ҳолларда хўжалик судига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқини назарда тутати (59-модданинг иккинчи қисми ва ҳ.к.).

ЎЗР ХПКга қиёслаганда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ишни кўриб чиқишни тезлаштиришга қаратилган қатор қоидаларни белгилайди. Булар банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган ҳолларда суднинг зудлик билан тегишли ҳужжатини чиқариш орқали қарздор мулкани камайишининг олдини олиш, шунингдек, банкротлик таомилларини бир текисда амалга ошириш орқали кредиторларнинг талабларини тез муддатларда қаноатлантиришни шарт қилиб кўяди. Аниқ мисоллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин бўлади:

— ЎЗР ХПК бўйича судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қарор қабул қилиши лозимлиги белгиланган (ЎЗР ХПКнинг 116-моддаси), «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун эса судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши лозимлигини белгилайди (45-модда биринчи қисм);

— ЎЗР ХПКга кўра, хўжалик судининг қарори устидан апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади (ЎЗР ХПК 158-модда) ва судга келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади (ЎЗР ХПК 167-моддаси). «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда эса хўжалик судининг ажрими юзасидан апелляция шикояти келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижаларига кўра хўжалик суди ажрим чиқарган пайт-

дан эътиборан ўн кун ичида берилади ва у хўжалик судига келиб тушган пайдан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилиши лозим. Хўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган ажрими кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилмайди (60-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисми), ЎзР ХПКда назарда тутилган қоидалар асосида шикоят бериладиган Қонуннинг 50-моддаси, 91-модданинг иккинчи қисми, 124-модданинг тўртинчи қисмида қайд қилинган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди).

— ЎзР ХПКда белгиланишича, давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади (146-модда бешинчи қисми). Яъни махсус суд ҳужжатларигина дарҳол ижрога қаратилади. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун эса, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари, одатда, дарҳол ижро этилиши лозимлигини белгилайди (Қонуннинг 50-моддаси иккинчи қисми).

36-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидагилар иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади:

қарздор;

суд бошқарувчиси;

кредиторлар, улар томонидан қарздорга ушбу Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайдан эътиборан;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи;

банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилатган ҳолларда, прокурор.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда қарздорнинг ходимлари вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Мазкур моддада банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар санаб ўтилади:

1. Банкротликда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар субъектининг банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар тоифасига киритилиши, кўрсатилган субъектларда, ЎзР ХПКнинг 35-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни

келтириб чиқаради. Мазкур шахслар, суд томонидан банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилиши ва қонунда назарда тутилган, банкротлик таомилларининг амалга оширилиши доирасида процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектлари бўладилар. Банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисми, 18-моддаси учинчи қисми, 36-моддаси иккинчи қисми, 37-моддаси бешинчи қисми, 46-моддаси биринчи ва бешинчи қисмлари, 47-моддаси биринчи қисми, 57-моддаси тўртинчи қисми, 124-моддаси учинчи қисми, 176-моддаси учинчи қисми ва 177-моддаси иккинчи қисми билан аниқлаштирилган.

1.1. Қарздор — пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки ЯТТ;

Ишда иштирок этувчи шахс сифатидаги қарздор, ўзини банкрот деб топиши тўғрисида ариза берганда шунингдек кредитор (кредиторлар), ваколатли органларнинг талаблари уни банкрот деб топиш мақсадида унга қарши қаратилган ҳолда ҳам арз қилувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

1.2. Суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан эътиборан банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчиси бўлиб ҳисобланади.

1.3. Кредитор қонунда белгиланган тартибда қарздорга нисбатан ўз талабларини тақдим этган вақтдан эътиборан ишда иштирок этувчи шахс бўлиб ҳисобланади. Кредитор қарздорга ўз талабларини икки кўринишда тақдим этиши мумкин. Биринчи ҳолда, кредитор судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида мурожаат этади ва шу билан қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни қўзғатишда ташаббус кўрсатади. Иккинчи ҳолда, қўзғатиб бўлинган ишда кредитор кредиторлар кенгашида иштирок этиш, уни кредиторлар талаблари рўйхатига киритиш ва талабларини қондириш мақсадида қарздорга талаблар қўяди. Бу тусдаги талабларни тақдим этиш тартибини белгиловчи қоидалар, Қонуннинг 70-моддаси биринчи қисми, 99-моддаси биринчи қисми билан белгиланади.

1.4. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, хўжалик субъектларининг банкрот (иқтисодий ночор) бўлганида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ихтисослашган органи бўлиб ҳисобланади. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг ваколатлари Қонуннинг 25-моддасида кўрсатилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ўз ташаббуси билан банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатган ҳолларда, шунингдек қарздорга нисбатан устав фон-

дида давлат улуши бўлган ҳолларда, бу иш унинг ташаббуси билан қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида тан олинади.

1.5. Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахс бўлади. ЎЗР ХПКнинг 43-моддасига биноан, прокурор ҳамма ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли, бироқ ушбу ўринда шуни айтиб ўтиш керак, мазкур модда нормасига кўра, прокурор банкротлик тўғрисидаги иш бўйича фақат унинг аризаси бўйича қўзғатилганидагина иштирокчи бўлиши мумкин.

2. Иккинчи қисмда, қонуннинг биринчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, қонунда белгиланган тартибда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиши мумкин бўлган бошқа шахслар назарда тутилган.

Қарздор ходимларининг вакили қарздорнинг ходимлари мажлис ўтказиб уни сайлаган ҳолдагина, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ходимлар вакили ходимлар манфаатлари юзасидан амал қилади ва бу манфаатларни банкротлик бўйича иш юритишда тақдим қилади. Қарздор ходимларининг вакили қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасининг нусхасини, фақат у қарздор бундай аризани беришдан олдин сайланган бўлсагина, талаб этиш ҳуқуқига эга (37-модданинг бешинчи қисми). У шунингдек, меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси билан низолар келиб чиққанда хўжалик судига шикоят қилиши мумкин (59-модда иккинчи қисм иккинчи хатбошиси). Бунда ходимларнинг ўзлари бундай эътирозларни бериш ҳуқуқига эга эмасликларини ҳисобга олиш керак.

Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгаси банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчилари бўлмайдилар, чунки улар банкротлик тўғрисидаги Қонунга биноан, кредиторлар каби улушни ажратиб бериш тўғрисида қарздорга талаб қўйиш ҳуқуқига эга эмас (гарчи тугатишга доир иш юритишда улар учун Қонуннинг 125-моддаси тўртинчи қисмига биноан, ишда иштирок этувчи шахс ҳуқуқи назарда тутилган). Шундай бўлсада, мазкур қисм қарздор муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздор мол-мулки эгаси вакилига, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиш имконини беради. Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси нусхасини, фақат у қарздор бундай аризани беришдан олдин сайланган бўлсагина, олиш ҳуқуқига

эга бўлади (37-модданинг бешинчи қисми). Қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили шунингдек, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўладилар (59-модда иккинчи қисм учинчи хатбошиси). Шунингдек, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили хўжалик судига, суд санациясининг режаси, қарзни узиш графиги, суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан кредиторлар мажлисига мурожаат этиш учун овоз берган муассислар рўйхати келтирилган, қарздор муассисларининг умумий мажлиси баённомаси ва қарздор қарзни узиш графигини бажаришини таъминловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда суд санациясини жорий этиш тўғрисида мурожаат этган вақтдан эътиборан (75-модда учинчи қисм, 76-модда биринчи қисм) ишда иштирок этувчи шахс бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Шунингдек, кредиторларнинг йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакилининг ҳам банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш ҳуқуқи назарда тутилган. Кредиторлар йиғилишининг (кредиторлар қўмитасининг) вакили бўлиб, қарздор билан келишув битимини имзолаш ваколоти бериладиган шахс сифатида мажлис томонидан сайланган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланиши мумкин (Қонуннинг 147-моддаси иккинчи қисми).

Бошқа шахслар сифатида суд томонидан қўлланган банкротлик таомиллари жараёнида қарздорнинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлашни ўз зиммасига олган учинчи шахслар (Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисми, 76-моддаси биринчи қисми, 113-моддаси иккинчи қисми), шунингдек қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) иштирок этиши мумкин (Қонуннинг 125-моддаси тўртинчи қисми). Шаҳарни ташкил этувчи ва шунга тенглаштирилган корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахс сифатида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва (ёки) тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бошқаруви органи иштирок этиши мумкин (156-модданинг иккинчи қисми). Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қишлоқ хўжалик корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда ҳам иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиши мумкин (161-модда учинчи қисм). Бундан ташқари, банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этувчилар тўғрисида алоҳида хусусиятлар назарда тутилган (165, 166-моддаларнинг учинчи қисмлари, 170-модданинг биринчи қисми).

Юқорида санаб ўтилган процессуал ҳуқуқлардан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича ишда иштирок этувчи шахслар сифатида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, прокурор, қарздор ходимларининг вакили, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) ёки қарздор мол-мулкининг эгасининг вакили, қарздор ЯТТнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) вакили ва бошқалар (масалан, учинчи шахслар) кредиторлар мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисми шарҳига қаранг).

37-модда. Қарздорнинг аризаси

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва тегишинча қарздор юридик шахснинг раҳбари ёки қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёхуд уларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берилётган хўжалик судининг номи;

пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси;

қарздорнинг ходимлар ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, уларга меҳнат ҳақини ва тўланиши керак бўлган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш борасидаги қарз суммаси;

муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси;

мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси;

кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмасликнинг асоси;

қарздорга тааллуқли, судларнинг иш юритишига қабул қилинган даъво аризалари тўғрисидаги, шунингдек сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш учун тақдим этилган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари, дебиторлик қарзи тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг банкдаги ҳисобварақлари рақамлари, банкнинг почта манзили;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек қарздорда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғ-

лиқ бўлмаган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади.

Кредиторларга ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга қарздор ўз аризасидан нусха юбориши шарт. Агар қарздор ариза бергунга қадар қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили, қарздорнинг ходимлари вакили сайланган (тайинланган) бўлса, мазкур шахсларга ҳам қарздор аризасининг нусхаси юборилади.

Мазкур модда қарздорнинг аризаси мазмунига тегишли бўлган ҳолатларни белгилайди.

1. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган тартибларга кўра, қарздор томонидан хўжалик судига ариза ёзма шаклда тақдим этилади. Ариза қарздорнинг — юридик шахснинг раҳбари томонидан (юридик шахс тугатилаётган ҳолда — тугатиш комиссияси унинг раиси шахсида, ёки тугатувчи томонидан) ёки қарздор-ЯТТ томонидан имзоланади. Қонун чиқарувчи шунингдек, аризанинг қарздор вакили томонидан ишончнома асосида имзоланиш имконини ҳам назарда тутди. Вакилнинг аризанинг имзолаш ҳуқуқи ишончномада айтиб ўтилган бўлиши керак. Яна шунга эътиборни қаратиш лозимки, қарздорнинг аризаси ишончнома (ёки тегишли тартибда тасдиқланган унинг нусхаси) асосида вакил томонидан имзоланаётганда, ишончнома аризага илова қилинган бўлиши керак.

2. Қонун қарздор аризасининг мазмун қисмига талабларни белгилайди. Кредитор аризасидан фарқли равишда қарздорнинг аризасига қўйиладиган талаблар батафсил тартибга солинади. Қонуннинг 37-моддаси иккинчи қисми нормаси қарздор аризасида бўлиши шарт бўлган бир қатор мажбурий маълумотлар рўйхатини белгилайди.

Шарҳланаётган қисм қарздорнинг аризасида у эътироз билдирмайдиган миқдордаги талаблар суммаси кўрсатилишини талаб қилади. Бу ҳол аризани қабул қилишда суд Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган суммадан ортиқ миқдорда қарзнинг мавжудлигини белгилаши кераклиги билан боғлиқ. Қарздор ҳатто 5-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган миқдорда қарзнинг мавжудлигини талаб этмайдиган 8-модда асосида мурожаат этган тақдирда ҳам, хўжалик суди барибир қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда унинг қарздорлик ҳолатини билиши керак.

Қарздорнинг аризасида шунингдек, қуйидаги талаблар суммаси кўрсатилган бўлиши лозим: ҳаёт ва соғлиққа етказилган зиённи қоплаш; қарздорнинг ходимларига тўланиши шарт бўлган иш ҳақи ва ишдан бўшатиш вақтида тўланадиган нафақа пули; муаллифлик шартномалари бўйича ҳақлар; қарздорнинг мажбурий тўловлари ва

кредиторлар олдидаги бошқа пул мажбуриятлари. Мазкур талаблар аризада суд, суд бошқарувчиси, кредиторлар ва ҳ.к. қарздорда қандай миқдорда ва қандай талаблар мавжудлигини билишлари учун кўрсатилади. Мазкур қисмда кўрсатилган талаблар турлари қарздорни ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилиши шарт бўлган мажбурий маълумотлар сифатида келтирилган. Бироқ қарздор ўз аризасида унда мавжуд бўлган бошқа қарзларни ҳам, миқдорини кўрсатган ҳолда, келтириши мумкин (шарҳланаётган модданинг учинчи қисми).

Қарздорнинг аризасида, шунингдек, кредиторлар талабларини қондиришга қодир эмаслиги асослари ҳам кўрсатилган бўлиши лозим. Бу хўжалик суди, суд бошқарувчиси ва кредиторларга талабларни қондиришга қодир эмаслик сабабларини маълум қилиш йўли билан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгандан сўнг қарздорга нисбатан киритилаётган банкротлик таомилларини танлашда зарур бўлган муҳим ахборотни тақдим этиш мақсадида бажарилади. Бундай ахборот, шунингдек, Қонуннинг 7-моддаси биринчи қисмига биноан, яъни мажбуриятлар кучга кирган кундан эътиборан уч ой ичида мажбуриятларни қондира олмаслигидан далолат берувчи вазият мавжуд бўлиб, қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этган ҳолларда мазкур асосни белгилаш учун муҳим ҳисобланади. Бу ерда шунини таъкидлаш жоизки, 8-модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошисида назарда тутилган «бир ёки бир нечта кредиторларнинг талабларини қондириш қарздорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келган» ҳолда, қарздорнинг раҳбари ёки қарздор-ЯТТ ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиши лозим ва ушбу ахборот мурожаат этиш учун бундай асоснинг мавжудлигини текшириш учун керак.

Судлар томонидан иш юритишга қабул қилинган қарздорга нисбатан даъво аризалари ва сўзсиз (акцептсиз) равишда ҳисобдан чиқариш учун тақдим этилган ижро ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам қарздорнинг аризасида кўрсатилиши шарт.

Даъво тартибида ишни кўриб чиқиш жараёнида жавобгарга нисбатан қўзғатилган банкротлик тўғрисидаги ишнинг мавжудлиги аниқланган ҳолда, хўжалик низоси бўйича иш юритиш ЎзР ХПКнинг 86-моддаси 1-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 6-банди) тугатилиши керак. Шунинг учун қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қабул қилган хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримни жавобгар сифатида мазкур қарздор иштирок этаётган даъво тартибида

ишни кўриб чиқаётган судга юбориши керак. Шу муносабат билан, мазкур қисмдаги қоидалар қарздорнинг аризасида судлар томонидан унга нисбатан даъво аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши кераклигини талаб қилади.

Сўзсиз (акцептсиз) ҳисобдан чиқариш учун тақдим этиладиган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлигини кўрсатиш, аризани иш юритувига қабул қилган хўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримни, ижро ишини тўхтатиш учун ижро органларига юбориши учун зарур. Бундан ташқари, «ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг хўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди деб ҳисоблашга асослар бўлса» (Қонуннинг 8-моддаси биринчи қисм бешинчи хатбошиси), қарздор ариза билан мурожаат этиши мумкин, шунинг учун ижро ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар суд бундай асосларни мавжудлигини текшириб кўриши учун зарур.

Ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ижро ҳужжатлар деганда, давлат солиқ хизмати органлари, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги Низомга (ЎЗР МБ бошқаруви қарори билан тасдиқланган, ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган) асосан, қарздорнинг банк ҳисоб рақамидан маблағларни сўзсиз (акцептсиз) равишда ҳисобдан чиқариш учун инкасса топшириқларини бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ваколатли давлат органларининг инкасса топшириқлари тушунилади.

Шуни инобатга олиш керакки, аризада кўрсатилган мулк, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотлар, аризага илова қилинаётган, сўнгги ҳисобот кундаги ҳолатга кўра қарздорнинг бухгалтерия балансида кўрсатилган худди шундай маълумотларга мос келиши керак (Қонуннинг 38-моддаси иккинчи қисм). Дебиторлик қарз тушунчаси «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1995 йил 12 май ПФ-1154 сонли ЎЗР Президенти Фармонининг 2-банди билан белгиланган. Қарздор фойдасига тўланиши лозим бўлган неустойка бошқа жарима санкциялари, зарарлар суммалари, шу жумладан суд қонуний кучга кирган ҳужжатлари асосидаги суммалар дебиторлик қарз тушунчасига кирмайди. Пул маблағлари борасида қарздорнинг барча банк ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган пул маблағлари, шунингдек, қарздорнинг банк жамғармаларини, корхона кассасидаги нақд пул маблағлари кўрсатилиши лозим.

3. Қарздорнинг аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши

мумкин. Бундай маълумотлар сифатида ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 40-моддасига мувофиқ ижро этилмаган ва қайтарилган, ундириш қарздор фойдасига амалга оширилиши керак бўлган ижро ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

4. Юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда қарздор-ЯТТ-нинг уни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган қарздорнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатилиши керак. Масалан, оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари борлиги, алиментлар тўлаш бўйича мажбуриятлар ва ҳ.к.

5. Ариза нусхалари қарздор томонидан кредиторлар ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг бошқа иштирокчиларига, шарҳланаётган моддада кўрсатилган ҳолларда эса муассисларнинг (иштирокчиларнинг) сайланган (тайинланган) вакилига ёки қарздор мол-мулки эгасининг) вакилига, қарздор ходимларининг вакилига юборилади.

38-модда. Қарздорнинг аризасига илова этиладиган ҳужжатлар

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарз борлигини, шунингдек кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигини, қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар ҳам илова қилинади:

қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек юридик шахснинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати, унинг кредиторлик ва дебиторлик қарзини изоҳлаган ҳамда кредиторлари ва қарздорларининг почта манзилларини кўрсатган ҳолда;

сўнгги ҳисобот кундаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар;

қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки таркиби ва қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар;

қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзини банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши ҳақидаги қарори;

агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар қарздор ходимлари йиғилиши ўтказилиб, унда банкротлик тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этиш учун қарздорнинг ходимлари вакили сайланган бўлса, ана шу йиғилиш баённомаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки талаб даражасида тасдиқланган нусхалари илова қилинади.

1. ЎзР ХПКда назарда тутилган ҳужжатлар деганда ЎзР ХПКнинг 114-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни тушуниш керак. Улар қаторига:

— белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;

— ариза нусхасини кредиторларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради.

Агар ариза қарздор вакили томонидан имзоланган бўлса, унга аризани имзолаган шахснинг ариза бериш ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Қарздорнинг қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар деганда, кредиторлар талабларининг тан олинишини тасдиқловчи далиллар, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, солиқ органларининг инкасса топшириқлари, қарздордан қарз суммасини ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини тушуниш керак.

Қарздорнинг кредиторлар талабларини тўлиқ ҳажмда қондира олмаслигини асословчи ҳужжат сифатида қарздор мол-мулкининг инвентаризацияси, аудитор хулосаси ва ҳ.к.лар хизмат қилиши мумкин ва уларда қарздорда активлар, мулк, пул маблағларининг йўқлиги кўрсатилади.

Қарздорнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларга мисол тариқасида қарздорни шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар қаторига киришини тасдиқловчи ҳужжатни (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми 2006 йил 27 январдаги 142-сон қарорининг 34-банди) келтириш мумкин.

Қонуннинг 45-моддаси олтинчи хатбошисининг биринчи жумласига биноан, агар шарҳланаётган моддада келтирилган ҳужжатлар аризага илова қилинмаган бўлса, Қонуннинг 45-моддаси олтинчи хатбошисининг иккинчи жумласида назарда тутилган ҳолдан ташқари ҳолатларда, ариза қайтарилади.

2. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ҳўжалик судига ариза келиб тушган тақдирда, судья мазкур қарздорга нисбатан «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни қўллаш мумкинлиги масаласини кўриб чиқиши керак. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун фақат юридик шахсларга (давлат бюджети ҳисобидан фаолият юритувчи юридик шахслар, сиёсий партиялар ва диний ташкилотлар бундан мустасно) ва

ЯТТларга нисбатан қўлланилади (2-модданинг иккинчи қисми шарҳига қаранг). Шу муносабат билан шарҳланаётган мазкур қисм аризага юридик шахснинг таъсис ҳужжатларини, шунингдек юридик шахс ёки ЯТТнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилишни талаб қилади.

Қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари сифатида устав ва (ёки) таъсис шартномаси тақдим этилиши мумкин.

Юридик шахс ёки ЯТТнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида рўйхатга олувчи орган томонидан белгиланган тартибда ва белгиланган шаклда бериладиган давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаси хизмат қилади.

Қарздорнинг хўжалик судига ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан муурожаат этиши тўғрисидаги қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) қарори бу субъектлар томонидан хўжалик судига муурожаат қилиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинганлигига далил сифатида илова қилинади, чунки Қонуннинг 7-моддаси иккинчи қисми бундай талабни назарда тутати. Бундай қарорнинг кўриниши қарздор юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ. Агар қарздор акциядорлик жамияти бўлса, у ҳолда акциядорлар умумий мажлисининг қарори талаб этилади. Мулк эгасининг қарори қарор ёки буйруқ деб аталадиган алоҳида ҳужжат кўринишида расмийлаштирилади.

Шарҳланаётган қисм шунингдек, банкротлик ишларида қатнашиш учун вакил сайланган қарздор ходимлари мажлисининг баённомасини илова қилишни назарда тутати, агар бундай мажлис қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунига қадар ўтказилган бўлса. Қарздор ходимларининг вакили сайланган ҳолда, муваққат бошқарувчи кредиторларнинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги хабар нусхасини унга ҳам юбориши керак (71-модда биринчи қисм). Банкротлик таомилларида қарздор ходимларининг меҳнат ҳақини ва ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш тўғрисидаги талаблар алоҳида ходимлар томонидан эмас, балки барча ходимларнинг умумий талаблари суммаси кўринишида вакил томонидан тақдим этилади. Ходимлар вакили шунингдек, суд бошқарувчиси билан қарздор ходимлари ўртасида меҳнат шартномаси асосида меҳнат ҳақини ва тўланиши керак бўлган ишдан бўшатиш нафақасининг таркиби ва миқдори борасида низолар келиб чиққанда, хўжалик судига шикоят қилиши мумкин (59-модда иккинчи қисмининг хатбошиси). Шундай қилиб, қарздор ходимларининг вакили банкротлик таомилида муҳим роль ўйнайди ва мазкур қисмнинг нормаси хўжалик суди ва суд бошқарувчиси учун ходимлар вакили этиб ким сайланганлиги тўғрисидаги маълумотнинг муҳимлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланган.

3. Қарздорнинг аризасига илова қилиниши керак бўлган барча ҳужжатлар, асл нусхада ёки белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалар шаклида бўлиши шарт. Шу боис, ҳужжатлар юридик шахс ёки ЯТТ муҳри билан ёки нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

39-модда. Кредитор аризаси

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ҳужжалик судига ёзма шаклда берилади. Кредитор юридик шахснинг аризаси унинг раҳбари ёки вакили томонидан, кредитор яқка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси эса шу жисмоний шахснинг ўзи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берилаётган ҳужжалик судининг номи;

аризачининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

қарздорнинг кредитор олдидаги талаб келиб чиқишига сабаб бўлган пул мажбурияти миқдори, шунингдек уни бажариш муддати;

кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида банкротлик тўғрисидаги ишни тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар, шунингдек, кредиторда илтимосномалар бўлса, улар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Кредитор қарздорга ўз аризасидан нусха юбориши шарт.

Мазкур модда кредитор аризасининг шакли ва мазмунини белгилайди.

1. Кредитор аризаси судга ёзма шаклда берилади. Ариза кредитор юридик шахс томонидан берилган ҳолда у мазкур юридик шахс раҳбари ёки унинг ваколатли вакили томонидан имзоланади, кредитор ЯТТ бўлган ҳолда у ушбу ЯТТ ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Юқорида кўрсатилганлардан келиб чиқиб, айтиш керакки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга юридик шахс ёки ЯТТ мақомига эга бўлган жисмоний шахс агар унинг қарздорга бўлган талаблари бундай кредитор-жисмоний

шахснинг тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса ҳақли бўлади (ЎЗР ХПК 23-модда).

2. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги кредиторнинг ариза-сида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- ариза берувчи юридик ёки жисмоний шахснинг номи (ЯТТ-нинг фамилияси, исми ва отасининг исми) ва почта манзили;
- қарздор юридик шахснинг номи (ЯТТнинг фамилияси, исми ва отасининг исми) ва унинг почта манзили;
- қарздорнинг аризачи кредитор олдидаги қарзининг миқдори ва мажбуриятларини бажариш муддати. Қарздорнинг кредитор олдидаги қарзининг миқдори унинг Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган кредиторнинг минимал талаблари миқдорига мос келишини аниқлаш учун кўрсатилиши керак. Мажбуриятни бажариш муддатини кўрсатиш 4-моддада кўрсатилган талабларга мос келишини аниқлаш, уч ойдан кам бўлмаган муддатга кечиктирилган даврни аниқлаш учун муҳим ҳисобланади. Ушбу маълумотларни кўрсатиш зарурати шу билан боғлиқки, улар Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми ва 45-моддасига мувофиқ аризани кўриб чиқиш учун қабул қилишга асос бўлади;

— кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарори, кўрсатилган талабларнинг қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати. Ушбу далиллар кредитор аризасининг асослилигини тасдиқлайди ва қарздорни унинг банкротлиги тўғрисидаги асоссиз аризалардан ҳимоялаш учун талаб этилади. Қарздор мазкур далиллардан норози бўлган тақдирда, 47-моддага асосан хўжалик судига ёзма фикрини беришга ҳақли.

3. Кредитор аризасидаги бошқа маълумотлар сифатида кредитор ва қарздор ўртасида тузилган ва пул мажбуриятини келтириб чиқарган шартномалар ва ҳ.к.лар тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин.

Аризанинг умумий матнида кредиторнинг экспертиза тайинлаш, кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ва ҳ.к.лар тўғрисидаги илтимосномалари кўрсатилиши мумкин.

4. Қарздор банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан судга ўзининг ёзма фикрини тақдим этиш имконига эга (Қонуннинг 47-моддаси). Кредиторнинг аризаси иш юритувга қабул қилинган ҳолда эса, 46-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ қарздорнинг ҳуқуқларига маълум чекловлар қўйилади. Агар ушбу қоида инобатга олинадиган бўлса, у ҳолда қарздор зудлик билан уни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилганлигидан хабардор қилиниши керак, шу муносабат билан қонун чиқарувчи ариза нусхасини қарздорга юборишни кўзда тутати.

40-модда. Кредиторлар талабларини бирлаштириш

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси турли мажбуриятлар бўйича бирлаштирилган қарздорликка асосланган бўлиши мумкин.

Кредиторлар қарздорга бўлган ўз талабларини бирлаштиришга ҳамда хўжалик судига битта ариза билан мурожаат этишга ҳақли. Бундай ариза ўз талабларини бирлаштирган кредиторлар томонидан имзоланади.

Мазкур модда кредиторлар талабларини бирлаштириш шартларини белгилайди.

1. Кредитор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш жараёнида талаблар суммасига қарздорга бўлган турли талаблар йиғиндисини киритиши мумкин. Бунда шу нарсага эътибор қаратиш лозимки, қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқадиган, аммо ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш, шунингдек алиментлар ва ҳ.к.лар каби шахсий тусдаги талаблар билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича талаблар бирлаштирилиши мумкин. Шунингдек, муассислар(иштирокчилар) улушини ажратиш тўғрисидаги талаблар ҳам бирлаштирилиши мумкин эмас, чунки улар кредитор бўлиб ҳисобланмайдилар ва қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ариза бир нечта кредиторлар томонидан бериладиган, кредиторларнинг процессуал иштирокчилигига йўл қўяди. Бунда, Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор ЯТТга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этса (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисм), кредиторлар томонидан бирлаштирилган талаблар билан ариза бериш имкони назарда тутилган. Мазкур ариза ўз талабларини бирлаштирган юридик шахсларнинг раҳбарлари ёки ЯТТлар томонидан имзоланади.

41-модда. Кредитор аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини, кредиторнинг аризасига асос бўлган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Кредиторнинг унинг вакили томонидан имзоланган аризасига аризани имзолаган шахснинг ариза беришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома ҳам илова қилинади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига, агар бор бўлса, қуйидагилар ҳам илова қилинади:

кредиторнинг қарздорга бўлган талабларини кўриб чиққан суд қарори;

ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар) ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини тасдиқловчи далиллар.

Мазкур модда кредитор аризасига илова қилинадиган ҳужжатларни белгилайди.

1. ЎзР ХПК да назарда тутилган ҳужжатлар деганда, ЎзР ХПК-нинг 114-моддасида назарада тутилган ҳужжатларни тушуниш керак. Улар қаторига:

— белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божининг тўланганлиги;

— ариза нусхасининг қарздорга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар киради.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлардан ташқари, мазкур қисм нормаси кредитор аризасига яна қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларининг мавжудлигини, бу мажбуриятлар суммасини ва кредитор аризаси асосланган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг илова қилинишини талаб этади. Қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзларнинг мавжудлиги ва уларнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб ҳисоб варақалар, товар-транспорт юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар ҳисобланади.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 7-бандига кўра, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда судья, қарздор юридик шахс қарзининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, қарздор-ЯТТ қарзининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кам эмаслигини ҳамда уларни узиш бўйича мажбуриятларни улар кучга кирган кундан эътиборан уч ой ичида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириши керак. Кредитор аризаси асосланган бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатларга мисол тариқасида банкротликнинг соддалаштирилган таомили бўйича қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилаётганда, қарздор ЯТТ ёки юридик шахс раҳбарининг йўқлиги ва уларнинг манзилини аниқлаб бўлмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни

келтириш мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сон қарори 35-банди).

2. Ариза кредитор вакили томонидан имзоланган ҳолда, аризага имзолаган шахснинг тегишли ваколатларини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади. Кредитор вакилининг ваколатлари ЎЗР ФК нинг 138-моддасида назарда тутилган тартибда, вакилга ваколат берилган ҳаракатлар кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланади.

3. Учинчи қисм қуйидагилар мавжуд бўлган тақдирда илова қилинишини белгилайди:

— кредиторнинг қарздорга нисбатан талабини кўриб чиққан суднинг ҳал қилув қарори;

— қарздор томонидан кредитор талабини тан олинганлигини тасдиқловчи ижро ҳужжати (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари ва ҳ.к.) ёки далиллар — улар ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномалари, молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботлари бўлиб, уларда қарздорнинг ўзи томонидан солиқ ва тўланиши шарт бўлган бошқа мажбурий тўловлар ва ҳ.к.лар суммалари кўрсатилади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасининг асосли эканлигини тасдиқлайдиган ушбу ҳужжатларнинг тақдим этилиши, ўз навбатида қарздорни асоссиз аризадан ҳимоялаш учун ҳам зарур ҳисобланади. Шунингдек, кредиторнинг ҳўжалик судига мурожаат қилганида мазкур ҳужжатларнинг тақдим этиши банкротлик тўғрисидаги ишни тез муддатларда кўриб чиқилишига ёрдам беради.

42-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ҳўжалик судига ёзма шаклда, қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова этилган ҳолда берилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси ҳўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

Шарҳланаётган модда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1. Қонун банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини, устав фондида давлат улуши бўлган ёки Ўзбекистон Республи-

каси олдида пул мажбуриятлари бўйича қарзи бўлган корхоналарни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига қўшади (Қонуннинг 6-моддаси ва 25-модданинг биринчи қисми учинчи хатбоши).

Хўжалик судига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси ёзма равишда берилиб, унга қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова қилинади. Мазкур қисмда «қарздорнинг иқтисодий ночорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар» деганда Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми ва 4-моддасида назарда тутилган талабларга риоя қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тушуниш керак.

Иқтисодий ночорликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб, Қонуннинг 41-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган «қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи борлигини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар» ҳисобланиб, уларга ўзаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномалари, солиқ органларининг инкасса топшириқлари, ҳисоб варақалар, юк хатлари ва ҳ.к.лар кирилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда, хўжалик судига берилишини белгилайди. Бунда мурожаат этилаётган ЎзР ХПКнинг 114-моддаси аризага давлат божининг белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг илова қилинишини белгилайди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, молия, солиқ органлари ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси хўжалик судларида кўриладиган барча ишлар бўйича давлат божларини тўлашдан озод этиладилар. Бу ҳол шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 2-бандида ҳам белгиланган. Бинобарин, шарҳланаётган моддада назарда тутилган банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг банкротлик тўғрисидаги аризасига давлат божининг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилиш талаб қилинмайди.

Судга устав фондида Ўзбекистон Республикаси улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилинганда, аризада корхона устав фондидаги давлат улуши тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, аризага корхонанинг устав фондида давлат улуши борлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

43-модда. Давлат солиқ органи ва бошқа ваколатли органнинг аризаси

Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни мажбурий тўловлар бўйича банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига берадиган аризаси ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак.

Давлат солиқ хизмати органининг ва бошқа ваколатли органнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Мазкур модда давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли орган аризасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

1. Қонун давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли органларни қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторига киритади (Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисм). Бунда шуни таъкидлаш керакки, давлат солиқ хизмати органи ва бошқа ваколатли органлар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига фақат мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги муносабати билан мурожаат қилиши мумкин ва қарздорнинг кредитор олдидаги пул мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Мазкур моддада ҳавола қилувчи норма мавжуд, яъни Қонуннинг 39, 41-моддаларига ҳавола қилади. Қонуннинг 39-моддасида аризани беришнинг умумий қоидалари белгиланган, яъни, нусхаси қарздорга юборилиши керак бўлган ариза ёзма равишда тақдим этилиб, олти та мажбурий белгиларга эга:

- ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- ариза берувчи юридик шахснинг номи (ЯТТнинг фамилияси, исми, отасининг исми) ва почта манзили;
- қарздор юридик шахснинг номи (ЯТТнинг фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;
- қарздорнинг кредитор олдидаги қарзининг миқдори, унинг Қонуннинг 5-моддасида белгиланган кредитор талабининг минимал миқдорига мос келишини аниқлаш учун кўрсатилиши керак, шунингдек унинг бажарилиш муддати ҳам кўрсатилиши керак;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, қарздор томонидан мажбурий тўловларни тан олганлигини ҳамда мажбурий тўловларнинг асосланганлигини тасдиқловчи далиллар;
- илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати.

ЎзР ХПКнинг 114-моддаси ҳамда Қонуннинг 41-моддасидаги умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда, аризага қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак:

— қарздорга аризанинг нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг юборилганлиги;

— солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органларнинг аризалари асосланадиган қарздорнинг кредитор олдидаги мажбурий тўловларнинг мавжудлигини, уларнинг қиймати ва бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар;

— агар ариза вакил томонидан имзоланган бўлса, солиқ ва бошқа орган вакилининг ишончномаси.

Аризага шунингдек, мавжуд бўлса, қуйидагилар илова қилинади:

— кредиторнинг қарздорга нисбатан билдирган талабларини кўриб чиққан суднинг ҳал қилув қарори;

— қарздор кредитор талабларини тан олганлигини тасдиқловчи ижро ҳужжатлари (ижро варақаси, қарздор томонидан акцептланган тўлов талаблари ва ҳ.к.) ёки далиллар — улар ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномалари, молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботлари бўлиб, уларда қарздорнинг ўзи томонидан солиқ ва тўланиши шарт бўлган бошқа мажбурий тўловлар ва ҳ.к.лар суммалари кўрсатилади.

ЎзР ХПКнинг 114-моддаси аризага давлат божининг белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг илова қилинишини белгилашига қарамай, молия, солиқ органлари ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси органлари, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, хўжалик судларида кўриладиган барча ишлар бўйича давлат божларини тўлашдан озод этилганлигига эътибор қаратиш керак. Бу ҳол шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 2-бандида ҳам кўрсатилган. Бинобарин, солиқ хизмати органи томонидан ариза берилганда давлат божининг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилиш талаб этилмайди (шунингдек, 6-модданинг иккинчи қисми шарҳига қаранг).

2. Бошқа субъектлардан фарқли равишда, солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан ариза берилаётганда Қонуннинг мазкур моддасида назарда тутилган фарқ — бу ЎзР ВМнинг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириб олиш учун чораларни кўрганлиги бўйича далиллар аризага илова қилиниш зарурати билан изоҳланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 4-бандида ҳам кўрсатилган.

Бундай ҳужжат сифатида аризага, ҳисобида маблағ йўқлиги туфайли бажарилмаганлик ҳақида белги билан банк идорасига тақдим этилган, юридик шахсдан боқиманда қарзларни сўзсиз равишда ҳисобдан чиқарувчи тўлов талабномаси (инкасса топшириғи) илова қилинади. Қарздорнинг мулки бўлган ҳолда, аризага боқимандани ундириш учун, ундиришни қарздор мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарори илова қилинади. Ундириш қарздорнинг мулкига қаратилиб, аммо боқимандани ундириш имконияти бўлмаган ҳолда, аризага мулкнинг йўқлиги туфайли бажарилмаганлиги тўғрисида суд ижрочисининг белгиси қўйилган ижро варақаси илова қилинади.

44-модда Прокурор аризаси

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига қуйидаги ҳолларда мурожаат этишга ҳақли:
банкротликнинг яширилган аломатларини аниқлаганида;
кредитор манфаатларини кўзлаб.

Прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси хўжалик судига ушбу Қонуннинг 39 ва 41-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда берилади.

Мазкур модда прокурор томонидан ариза беришнинг шарти ва тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модда бундай ариза беришнинг икки шартини белгилайди:

а) умумий назорат тартибида ёки жиноий ишларни текшириш жараёнида ёхуд бошқа дастлабки суриштирув органларидаги текширувларни назорат қилишда, ёки судда прокурор ваколатини амалга оширишда прокурор томонидан банкротликни яшириш аломатлари аниқланганда (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисм ва 4-моддаси талаблари мавжуд бўлганда).

Банкротликни яшириш тушунчасига таъриф амалдаги ЖК нинг 181-моддасида келтирилган бўлиб, унга биноан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

б) кредиторлар манфаатини кўзлаб.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-
нинг 41-моддасига мувофиқ, фуқаролар, юридик шахслар ва дав-

латнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун прокурор судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилувчи бундай ариза билан прокурорнинг мурожаат қилиши учун асос бўлиб, ўз навбатида, ушбу шахсларнинг прокуратура органларига бирламчи мурожаатлари ҳисобланади. Шундай қилиб, прокурорнинг судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишидаги бундан олдинги асосдан фарқли равишда, прокурор томонидан ариза бериш орқали жараёни қўзғатишнинг бирламчи ташаббуси кредиторнинг ўзига тегишли бўлади.

Кредиторларнинг ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга эмас, балки прокурорга мурожаат қилишларининг сабаблари турлича бўлиши мумкин: давлат божини тўлаш учун ҳисоб рақамида маблағнинг йўқлиги; ташкилотда юридик хизматнинг мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида кимга мурожаат қилишни билмаслик; қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги асослар билан бир қаторда, прокуратура органлари ваколатига кирадиган қарздорнинг раҳбарияти ва бошқа мансабдор шахсларининг жиноий ҳаракатлари каби асослар ва ҳ.к. Аммо банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан прокурорга ҳамма кредиторлар ҳам мурожаат қила олмайдилар, фақат қарздорга бўлган талаблари Қонуннинг 4-моддаси (ижро этилмаслик муддати бўйича) ва 5-модданинг иккинчи қисми (талаблар суммаси бўйича) шартларига мос келган кредиторларгина прокурорга мурожаат қилиши мумкин.

Кредиторнинг мурожаати асосида прокурор томонидан мурожаат қилиш сабаблари юзасидан текширув ўтказилади, зарур ҳужжатлар талаб қилиб олинади, тушунтиришлар олинади ва бошқа текширув ҳаракатлари амалга оширилади. Мурожаат сабаблари тегишли ҳужжатли далиллар билан тасдиқланган ва мустақамлангандан сўнг прокурор томонидан — одатда, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши учун шарҳланаётган моддада таърифланган асосларнинг мавжудлиги прокурорнинг хўжалик судига бундай аризани бериш мажбуриятини келтириб чиқармайди. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасидаги каби прокурорнинг бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаати учун судга ариза билан мурожаат қилиши — унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

2. Мазкур модда, олдинги модда каби уларда ариза беришнинг умумий қоидалари ифодаланган Қонуннинг 39, 41-моддалари- © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

га ҳавола қилиб унга кўра, олтита мажбурий белгидан иборат бўлган ариза ёзма шаклда тақдим этилади ва унинг нусхаси қарздорга юборилиши керак. Қолган барча ҳолларда, прокурор аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати олдинги моддадаги каби ва ЎзР ХПКнинг 114-моддаси умумий қоидалари ва Қонуннинг 41-моддасидаги махсус қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Бироқ бунда шуни назарда тутиш керакки, давлат божининг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 2-бандига асосан талаб этилмайди. Бу борада, «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси 2-банди прокурор юридик шахслар манфаатини кўзлаб, ҳўжалик судига тақдим этиладиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этилишини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 2-банди эса, давлат божини тўлашдан озод этиш тақдим этилаётган аризалар бўйича бундай чекловларсиз белгиланганлигига эътибор қаратиши керак.

45-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ва ушбу Қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани ўз иш юритишига қабул қилади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилар экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўзгатиш ҳақидаги ажрими хўжалик суди томонидан давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш кўзгатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

Агар ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 37—44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан муурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага ушбу Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, этишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Мазкур модда банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ва аризани қабул қилиш, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани рад этиш ёхуд қайтариш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилганидек, судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай, аризани қабул қилиш, рад этиш ёки қайтариш масаласини яқка тартибда ҳал этиши керак, яъни бу муддат ичида судья судга тақдим этилаётган ариза ва унга илова қилинган далилларга ўзига хос ҳуқуқий «баҳо» бериши лозим.

Бу ҳолда суд томонидан ЎЗР ХПКнинг 116-моддаси учинчи қисмида белгиланган даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида у келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ажрим чиқаради, деб кўрсатилган қоида қўлланмаслиги керак.

2. Агар ариза ЎЗР ХПКнинг 112, 113, 114-моддалари ва Қонуннинг 37—44 моддалари, 5-модданинг иккинчи қисми талабларига риоя қилинган ҳолда берилган бўлса, судья аризани иш юритишига қабул қилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Мазкур ажрим, ЎЗР ХПКнинг 153-моддаси биринчи қисмига биноан, чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади. Банкротлик тўғрисидаги иш, албатта, қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризанинг қабул қилиниши билан бир вақтда қўзғатилади. Судья аризани иш юритиш учун қабул қилинганлиги ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажримни бир вақтда чиқаради.

Шарҳланаётган қисм ЎЗР ХПКнинг 116-моддасида назарда тутилган аризани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги махсус қонидани акс эттиради, бунда аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш тартиби на Қонун, на ЎЗР ХПК томонидан назарда тутилмаган. Бинобарин, мазкур ажрим устидан шикоят қилиб бўлмайди (60-модданинг шарҳига қаранг). Бунда, мазкур ажримга рози бўлмаган қарздор Қонуннинг 47-моддасига биноан ариза юзасидан ёзма фикр бериши мумкин.

Аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажримда хўжалик суди қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатил-
© ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ганлигини ҳамда биринчи суд мажлисининг кунини кўрсатади. (Қонуннинг 71-моддаси биринчи қисм).

3. Шарҳланаётган қисмнинг қондасига биноан, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда кузатувни жорий қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримни аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажрим билан бир вақтда қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кузатув таомилини жорий қилиш ва муваққат бошқарувчининг тайинланиши кўрсатилиши мумкин. Бунда Қонуннинг 62-моддасини тушунчаси ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда кузатув таомилини жорий қилиш тўғрисида алоҳида ажрим чиқарилиши талаб этилмайди. Аммо агар бирор бир сабабларга кўра ёки вазият туфайли аризани иш юритувига қабул қилиш тўғрисидаги ажрим кузатув таомилини жорий қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримни бир вақтда чиқаришнинг имкони бўлмаса, масалан, аризани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримни чиқариш вақтида муваққат бошқарувчиликка номзод бўлмаган тақдирда, суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги алоҳида ажрим чиқариши мумкин (48-модданинг иккинчи қисми). Бундай ҳолда шуни назарда тутиш керакки, кузатув муддати аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилган вақтидан эътиборан эмас, балки кузатувни жорий қилиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиш вақтидан эътиборан ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган қисм хўжалик суди томонидан аризининг иш юритувга қабул қилиш ва қарздорни банкротлиги тўғрисидаги ишни кўзғатиш ҳақидаги ажрим юбориладиган шахсларнинг мажбурий рўйхатини белгилайди. Улар қаторига қонун чиқарувчи солиқ хизмати органларини, суд ижрочисини ва қарздорнинг жойлашган жойи (яшаш жойи)даги бошқа ваколатли органларни киритади. Ўз навбатида, қарздор юридик шахс мазкур ажримнинг нусхасини солиқ хизмати органларига ва ўз ваколатхоналари жойлашган ердаги бошқа ваколатли органларга юборади.

Ажримнинг суд ижрочисига юборилиши шунинг билан асосланадики, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси биринчи қисми 2-бандига ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига биноан, қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш кўзғатилган тақдирда, суд ижрочисиддаги ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундирув амалга ошириладиган ишлар бўйича ижро ҳаракатлари мажбурий тўхта-тилади. Шу орқали суд қарздор мол-мулкнинг сотилишини олдини

олади, бу банкротлик иш юритуви таомилида муҳим ҳолат бўлиб ҳисобланади. Қарздорнинг мулкани сотиш банкротлик таомили доирасида амалга оширилади (суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш).

Шуни таъкидлаш лозимки, агар қарздорнинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини (61-модда биринчи қисм) ХПКнинг 153-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ажрим чиқарилгандан кейин беш кун ичида хабардор қилиши керак.

5. Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талабларга жавоб бермаса, шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига биноан, судья уни қабул қилишни рад этади. Бироқ, бу суд томонидан аризани қабул қилишни рад этишнинг ягона асоси эмас. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми нормаси ЎзР ХПКнинг 117-моддаси қодаларига нисбатан алоҳида тартибларни акс эттиради, яъни у банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун алоҳида асосни белгилайди. Шунингдек, судья фақат мазкур модданинг бешинчи қисмига асосан эмас, балки ЎзР ХПКнинг 117-моддасида кўрсатилган асосларга мувофиқ ҳам аризани қабул қилишни рад этади. Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ЎзР ХПКнинг 117-моддаси учинчи қисмига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар унинг устидан шикоят қилишлари мумкин.

6. Банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қайтариш учун умумий асослар ЎзР ХПКнинг 118-моддаси билан тартибга солинади. Чунончи, ЎзР ХПКнинг 118-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, қайтарилиши керак.

Шарҳланаётган моддада белгиланган аризани қайтариш учун қўшимча асослар сифатида, аризанинг мазмуни ва шакли Қонуннинг 37—44 моддаларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги келтирилади. Бундай ҳолларда суд аризани қайтаради.

Ягона истисно аризага илова қилинадиган зарур ҳужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасидаги талаблар учун белгиланади. Мазкур қисмда белгиланишича, қарздорнинг раҳбари учун ариза бериш мажбурий бўлган ҳолда, Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар илова этилмаган тақдирда ҳам, мазкур ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади. Этишмаётган ҳужжатлар суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш доирасида талаб қилиб олинishi керак. Шунга эътиборни қаратиш керакки, мазкур қисм фақат қарздорнинг раҳбари судга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги

ариза билан муурожаат қилиши шарт бўлган ҳолдагина қўлланади (8-модда, биринчи қисм) ва бундай мажбурият тугатиш комиссияси (тугатувчи) зиммасига юклатилган ҳолларда қўлланилмайди (185-модда иккинчи қисм ва 8-модда иккинчи қисм). Бу ҳол, юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан эътиборан бундай қарорни қабул қилиш вақтида тузилган тугатиш комиссияси (тугатувчи) кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш мумкин эмаслиги аниқлангунига қадар маълум ишларни амалга оширади (кредиторларни ва уларнинг талабларини аниқлаш, мулкни инвентаризация қилиш ва баҳолаш, кредиторларга, ходимларга тўланиши лозим бўлган суммани аниқлаш ва ҳ.к.) ва шунга мувофиқ, судга ариза билан муурожаат қилиш жараёнида тугатиш комиссияси (тугатувчи) қарздорнинг аризасига Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган барча ҳужжатларни илова қилиш имконига эга бўлади.

Судья аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни келиб тушган кундан эътиборан беш кун ичида ишда иштирок этаётган шахсларга юборади. Бунда аризага илова қилинган ҳужжатлар қайтарилади. Мазкур ажрим устидан, ЎзР ХПКнинг 118-моддаси учинчи қисмида белгиланган умумий тартибда шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин. Мазкур шикоятни кўриб чиқиш жараёнида аризани қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган ҳолда, ариза хўжалик судига биринчи бор берилган санадан топширилган деб ҳисобланади. Аризани қабул қилишда рад этиш ва қайтаришнинг процессуал оқибатлардаги асосий фарқ шундан иборатки, аризанинг қайтарилиши аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига қайта ариза билан муурожаат этишга монеълик қилмайди.

46-модда. Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахснинг аризасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари хўжалик суди битимларни суд бошқарувчиси розилигисиз тузишни тақиқлаб қўйишга, қарздорга қимматли қоғозларни, валюта қимматликларини ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топширишни юклашга ҳамда қарздорнинг мол-мулкни сақланишини таъминлашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўришга ҳақли.

Кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар тегишинча хўжалик суди томонидан банкротлик таомилларидан бирини жорий этиш тўғрисида ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ёхуд хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлангунга қадар амал қилади.

Хўжалик суди ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар юзага келгунга қадар кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларни бекор қилишга ҳақли.

Хўжалик судининг кредиторларнинг талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги ажрими устидан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар томонидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Мазкур модда қарздорга нисбатан талабларни таъминлаш чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

1. Кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари — бу қарздорнинг кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишдаги муҳим бошланғич босқичдир. Бу чоралар қарздорнинг барча мулкини ёки бир қисмининг яхлитлигини ва сақланишини таъминлайди.

Қонун банкротлик таомилида кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича хўжалик судлари томонидан чоралар кўрилиши имкони назарда тутати. Банкротлик таомилида кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари учун ЎЗР ХПКнинг 7-моддаси қоидалари қўлланади, шарҳланаётган модда эса банкротлик тўғрисидаги иш бўйича кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чораларнинг айрим хусусиятларини белгилайди.

Шарҳланаётган қисм ЎЗР ХПКнинг 76-моддаси биринчи қисмига биноан, хўжалик суди томонидан ишда иштирок этаётган шахснинг аризаси бўйича кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши мумкинлигини белгилайди.

2. Талабларни таъминлаш бўйича чоралар рўйхати ЎЗР ХПКнинг 77-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган. Шарҳланаётган қисм ЎЗР ХПКнинг 77-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чоралар билан бир қаторда, хўжалик суди ўз ташаббуси билан қарздорнинг фуқаролик муомала лаёқати билан боғлиқ бўлган чекловларни белгилаши, суд бошқарувчисининг рухсатсиз қарздорнинг битимлар тузишини тақиқлаши, қарздорни қимматли қоғозлар, валюта бойликлари ва бошқа мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга топширишга мажбурлаши ва қарздорнинг мулкини сақлашга қаратилган бошқа чораларни қўллашга ҳақли эканлигини белгилайди. Кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича мазкур чоралар борасида яна шуни таъкидлаш керакки, муваққат бошқарувчи Қонуннинг 66-моддаси биринчи қис-

ми бешинчи хатбошисига мувофиқ, хўжалик судига мазкур қисмда назарда тутилган қўшимча чораларни кўриш тўғрисида илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкин.

3. Хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини таъминлаш бўйича кўрилган чора кейинги банкротлик таомили киритилгунига қадар (79-модда иккинчи қисм иккинчи хатбошиси — суд санацияси бўйича, 92-модда биринчи қисм тўртинчи хатбошиси ташқи бошқарув бўйича, 125-модда, биринчи қисм олтинчи хатбошиси тугатишга доир иш юритиш бўйича) ёки суд томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар ёки хўжалик суди томонидан келишув битими тасдиқлангунига қадар ёки иш юритиш тугатилгунга қадар амал қилади. Кўрсатилган ҳолатларда кредиторлар талабларини таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг чиқарилиши талаб этилмайди.

4. Шу билан бирга, суд ишда иштирок этаётган шахснинг илтимосномасига кўра, Қонуннинг 46-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келгунига қадар ҳам таъминлашни бекор қилиши мумкин. Бундай илтимоснома, қарздорнинг мулки кредиторлар зарарига фойдаланиши мумкин, деган асос бўлмаганда, ва аксинча, мулкни тасаруф этиш ҳуқуқи қарздорнинг тўловга қодирлигини тиклашга қаратилган ҳолда қондирилиши мумкин.

Кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома ишда иштирок этувчиларни хабардор қилган ҳолда, суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ уларнинг тегишли тартибда хабардор этилганда келмаслиги, таъминлаш бўйича чораларни бекор қилиш тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилиши учун тўсқинлик қилмайди.

5. Кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари ва қарздор мол-мулкининг сақланишини таъминлаш бўйича чораларни кўриб чиқиш натижалари бўйича судья ажрим чиқаради, у чиққан (эълон қилинган) вақтдан эътиборан ижро этилиши керак ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ЎЗР ХПКда белгиланган умумий тартибда, унинг устидан шикоят қилишлари ёки протест келтирилиши мумкин.

47-модда. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри

Хўжалик судининг кредитор, прокурор, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли органдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримини олган кундан эътиборан қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига, ариза-чига ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахс-

ларга мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга, шунингдек аризада кўрсатилмаган барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлигидан хабардор қилишга ҳақли. Қарздорнинг хўжалик судига юбораётган ёзма фикрига мазкур ёзма фикрнинг нухаси аризачига ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши керак.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексидан назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади. Қарздорнинг ёзма фикри йўқлиги банкротлик тўғрисидаги иш кўрилишига монелик қилмайди

Мазкур модда қарздорни хўжалик судига, аризачига ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан ёзма фикрини юбориш, шунингдек барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқини белгилайди.

1. Банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза юзасидан қарздорнинг ёзма фикри банкротлик тўғрисидаги ишда унга арз қилинган талабларга нисбатан процессуал ҳимоя воситаси ҳисобланади. Ушбу ёзма фикр даъво тартибидан иш юритишдаги ЎЗР ХПКнинг 119-моддасидан назарда тутилган ёзма фикр билан бир хил функцияларга эга.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди томонидан кредитор, прокурор, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли органининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида аризаси қабул қилинган ҳолда, қарздор хўжалик судига, аризачига ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга аризада кўрсатилган талабларнинг таркиби ва миқдоридан норози бўлса, мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга ҳақлидир. Ёзма фикр тақдим этиш қарздорнинг мажбурияти эмас, аксинча, унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган талабларга нисбатан қарздорнинг эътирозлари Қонуннинг 70-моддасига кўра эмас, балки шарҳланаётган моддада белгиланган ёзма фикрни юбориш тартибига асосан юборилади.

Кўриб чиқилаётган қисмда суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан эътиборан қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига ёзма аризани юбориш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Беш кунлик муддат ўтганидан сўнг судга ёзма аризани тақдим этиш қарздорнинг важларини суд томонидан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди. Қарздор судга ёзма фикрни қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш кўриладиган кунга қадар

бериши мумкин. Ёзма фикрни кўриб чиқиш натижаларига кўра, хўжалик суди алоҳида суд ҳужжатини чиқармайди, балки ёзма фикрда баён этилган қарздорнинг вазларига ишни мазмунан кўриб чиқиш жараёнида баҳо беради.

Шунингдек, қарздор аризада кўрсатилмаган кредиторларни ҳам унга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги тўғрисида хабардор қилиш ҳуқуқига эга. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кўрсатилмаган кредиторларни хабардор қилиш ёзма фикрни тақдим қилиш каби қарздорнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Қарздор судга ёзма фикрни тақдим этган ҳолда, унга аризага ҳамда ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга ёзма фикр нусхасини юборилганлигини тасдиқловчи далилларни илова қилиниши шарт.

2. ЎЗР ХПКнинг 119-моддасига асосан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризага ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилади: ёзма фикр юбориладиган хўжалик судининг номи; қарздорнинг номи ва ишнинг рақами; даъвогарнинг талабларини тўлиқ ёки қисман рад этишнинг қонун ҳужжатларига асосланган сабаблари, шунингдек эътирозларни асословчи далиллар; ёзма фикрга илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати; жавобгарда мавжуд бўлган илтимосномалари ва бошқа маълумотлар. Мажбурий маълумотлардан ташқари ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилиши мумкин: ҳамма кредиторларнинг олдидаги қарзнинг умумий суммаси, шунингдек иш ҳақи ва мажбурий тўловлар юзасидан бўлган қарзлар; қарздорнинг банк ва кредит ташкилотлардаги ҳисобларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар; агар мавжуд бўлса, аризагининг талаблари асосиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Қарздор томонидан бошқа зарур маълумотлар тақдим этилиши мумкин, хусусан, унда дебитор қарзни қоплайдиган мол-мулкнинг мавжудлиги, қарздорнинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, пул мажбуриятларини бажаришни ва мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимосномалар, қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклашга қаратилган чоралар рўйхати ва ҳ.к.

Қарздорнинг ёзма фикрига банкротликнинг аниқ таомилини қўллаш, таъминловчи чоралардан воз кечиш тўғрисидаги илтимосномалар илова қилиши мумкин.

Ёзма фикрнинг мавжуд эмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

48-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш

**Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш судья томонидан, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал ко-
© ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007**

дексида назарда тутилган тартибда, ушбу Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза тушган кундан эътиборан судья ўн кундан кечиктирмай қузатувни жорий этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорда эътирозлар бўлса, судья қарздорнинг эътирозлари асослилигини текширади.

Судьянинг қарздор эътирозлари (муваққат бошқарувчи илтимосномалари) асослилигини текшириши банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатига камида бир ой муҳлат қолганда ўтказилади.

Хўжалик суди қарздорнинг эътирозлари асослилигини кўриб чиқиш натижалари асосида мазкур талабларни кредиторларнинг талаблари реестрига киритиш ёки мазкур реестрга киритишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ажримда кредиторларнинг, агар уларга нисбатан қарздорнинг эътирозлари асоссиз деб топилган бўлса, талаблари миқдори ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

Кредиторларнинг талаблари юзасидан қарздорнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг амал қилишини тўхтатиб қўймайди.

Банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш пайтида, шунингдек банкротлик тўғрисидаги иш кўрилаётганда хўжалик суди қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун экспертиза тайинлашга ҳақли.

Мазкур модда банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибини белгилайди.

1. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш хўжалик судининг судьяси томонидан ЎЗР ХПКнинг 16-бобида назарда тутилган тартибда, Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларин ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ЎЗР ХПКнинг 123-моддасига асосан, аризани қайтариш ва уни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, судья қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Амалиётда судья, қоида бўйича, битта ажрим чиқаради, қонунда кўрсатилган ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, унда ишни тайёрлашга доир ҳаракатлар, бу ҳаракатларни бажариш муддатлари, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Хусусан, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади (Олий

хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 9-банди):

— ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан кредиторлар талабларини таъминлаш чораларини кўради (Қонуннинг 46-моддаси);

— экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этади (Қонуннинг 48-моддаси);

— банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади (Қонуннинг 59-моддаси);

— қарздорнинг эътирозлари (муваққат бошқарувчининг илтимосномаси)мавжуд бўлган ҳолда, кредиторларнинг қарздорга бўлган талабларини асослилигини текшириш бўйича суд мажлиси ўтказилади (Қонуннинг 70-моддаси).

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми бўйича, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушгандан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан кузатувни жорий этиш тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Бошқа тарафдан, Қонуннинг 45-моддасининг биринчи қисми ва 62-моддасидан бошқача таҳлил келиб чиқади, яъни судья томонидан кузатув ариза келиб тушгандан эътиборан беш кундан кечиктирилмасдан жорий этилиши лозим. Умумий қоида бўйича, Қонуннинг 45-моддаси биринчи қисмига асосан суднинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш учун тайёрлаш тўғрисидаги ажрими ариза келиб тушгандан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан чиқарилиши лозим. Қонуннинг 62-моддаси бўйича эса банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда, кузатув қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритувига қабул қилинган кундан жорий этилади. Хўжалик процессуал қонунчилик нуқтаи назаридан, кузатув таомили — бу ишларни мазмунан судда кўриш учун тайёрлаш бўйича хўжалик процесси босқичидир.

Буларнинг барчасини қуйидаги тарзда ҳам тушуниш мумкин.

Хўжалик судига қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза тақдим қилинганида аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилиши лозим. Бу ҳолда судья аризани иш юритувига қабул қила туриб, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим (45-модда учинчи қисм) чиқаради ва кузатув хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритувига қабул қилинган вақтдан эътиборан жорий этилади (62-модда).

Агар аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, хўжалик суди арз қилувчи ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан тегишли номзодни кўрсатишни талаб қилади (Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли

қарори 8-банди). Шундай қилиб, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаса, суд ушбу масалани шарҳланаётган моддага асосан ариза келиб тушган кундан эътиборан, ўн кунлик муддат ичида ҳал этиш имкониятига эга. Бу ҳолда кузатув таомилини жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни кўриб чиқишга тайёрлаш тўғрисидаги ажримдан сўнг алоҳида чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, шарҳланаётган модданинг нормалари ва Қонуннинг 62-моддаси қоидалари ўртасида ариза иш юритишга қабул қилинганидан эътиборан кузатувни жорий қилиш масаласида баъзи номутаносибликлар мавжуд. Шунинг учун, Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 8-бандида кўрсатилганидек, судья банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш билан бир вақтда кузатувни жорий қилиш масаласини ҳам ҳал этса тўғри бўларди.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланишича, кредиторлар талаблари бўйича қарздорни эътирозлари бўлса, судья эътирозларнинг асосланганлигини текширади. Гап қарздор ёки муваққат бошқарувчининг Қонуннинг 70-моддаси биринчи қисмида белгиланган тартибда судга берилган талабларга нисбатан билдирилган эътирозлари ҳақида кетмоқда (70-модданинг биринчи, учинчи қисмлари). Таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу моддада судья қарздор эътирозларининг асосланганлигини текширади деган маъно келиб чиққани билан, судья муваққат бошқарувчининг ҳам эътирозларининг асосланганлигини текширади деб тушуниш керак. 70-модданинг тўртинчи қисмига кўра, қарздор ёки муваққат бошқарувчи кредиторлар талабларини қабул қилган вақтдан эътиборан бир ҳафта ичида хўжалик судига, тегишли талабларга бўлган ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга.

4. Ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг муҳим босқичи кредиторлар талабларини аниқлаш ҳисобланади. Қарздордан (ёки муваққат бошқарувчидан) кредитор талабларига нисбатан келиб тушган эътирозларнинг асосланганлиги судья томонидан текширилади ва бу ҳаракатлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичига киради. Судьянинг қарздор (ёки муваққат бошқарувчи) эътирозлари асослилигини текшириши банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатига камида бир ой муҳлат қолганда ўтказилади. Ушбу ҳолатда қарздорнинг (муваққат бошқарувчининг) Қонуннинг 70-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига асосан тақдим этган эътирозларини тушуниш лозим.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида белгиланишича, қарздор эътирозларининг асосланганлигини кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди мазкур талабларни кредиторларнинг реест-

рига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Мазкур моддага асосан чиқарилган хўжалик судининг ажрими бу 70-модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ажрим ҳисобланади.

Қонуннинг 70-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган хўжалик суди ажрими фақат қарздорнинг эътирозлари бўйича эмас (70-модданинг иккинчи қисми), балки муваққат бошқарувчининг эътирозлари бўйича (70-модданинг учинчи қисми) ҳам чиқарилади. Шундай экан, судья томонидан қарздор эътирозларини кўриб чиқиш натижасига кўра, талабларни кредиторлар талаблари реестрига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида чиқариладиган ажрим тўғрисидаги шарҳланаётган қисм қоидалари қарздор ёки муваққат бошқарувчи эътирозларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Талабларни кредиторлар талабларининг реестрига киритиш тўғрисидаги ажримда қарздор эътирозлари асосиз деб топилган кредиторлар талабларини қондиришнинг миқдори ва навбати кўрсатилади.

Шундай қилиб, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида арз қилинган талабларнинг ҳажмини аниқлаш бўйича кичик жараёнлар ўтказилиши мумкин.

6. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган ажрим устидан кредитор, қарздор ёки муваққат бошқарувчи ЎЗР ХПКнинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят бериши мумкин. Ажрим устидан шикоят келтириш унинг ҳаракатини тўхтатмайди.

7. Бундан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ҳамда ишни кейинчалик кўриб чиқиш чоғида, қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш мақсадида ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномалари бор ёки йўқлигидан қатъий назар, суд томонидан экспертиза тайинланиши мумкин. Бу ЎЗР ХПКнинг 9-моддаси «Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги» нормасига зид келмайди, чунки ушбу ҳолат Қонуннинг 48-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

49-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддати

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатларини белгилайди.

Янги таҳрирдаги Қонунда ЎзР ХПК (125-модда) ва Қонуннинг эски таҳриридан фарқли равишда ишни кўриб чиқишнинг анча узунроқ муддатлари белгиланган. Бизнинг фикримизча, суд учун вақт талаб қиладиган ушбу ҳолат қуйидагилар билан асосланади: кредитор ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи номзодини тақдим этадиган муваққат бошқарувчини тайинлаш учун кетадиган вақт, қарздорга нисбатан муайян банкротлик таомилини қўллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказилишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, кредитор талабларининг ҳажмини белгилаш, кредиторлар талабларининг реестрини тузиш учун керак бўладиган вақт.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бўйича суднинг биринчи муҳокамаси вақти банкрот деб топиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда белгиланади (71-модданинг биринчи қисми). Муваққат бошқарувчи кузатув жорий этилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинган вақтдан эътиборан ўн кун ичида аниқланган барча кредиторларга хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисидаги ажрим чиқарилганлиги ҳақида хабар бериши лозим, бундай хабарда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш бўйича ўтказиладиган суд мажлисининг вақти, санаси ва жойи кўрсатилади (68-модданинг иккинчи қисми, еттинчи қисмининг бешинчи хатбошида). Истисно ҳолатларда ишни кўриб чиқишнинг уч ойлик муддати икки ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Муайян ҳолат ажрим учун истисно ҳолат эканлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун Қонунда ҳуқуқий мезон ўрнатилмаган. Шунингдек, муддатни узайтиришни ким амалга ошириши ҳам белгиланмаган. Бу ҳолда ЎзР ХПКнинг 125-моддаси қўлланилади, унга кўра ишни кўриб чиқиш муддатларини узайтириш хўжалик суди раисининг руҳсатига асосан амалга оширилади. Ушбу ҳолат истисно эканлиги ёки эмаслиги ҳақидаги масала хўжалик судининг раиси томонидан ишга алоқадор бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди Қонуннинг 50-моддасида санаб ўтилган банкротлик тўғрисидаги иш тўғрисидаги суд ҳужжатларидан бирини чиқаради.

50-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор;
суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим;

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим;

келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозим.

Мазкур модда суд санацияси ва ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажримлардан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд томонидан чиқариладиган суд ҳужжатлари рўйхатини ўз ичига олади.

1. Ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан ЎЗР ХПКда назарда тутилган қоидалар бўйича, банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади (ЎЗР ХПКнинг 154-моддаси). Хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади (ЎЗР ХПКнинг 15-моддасининг биринчи қисми), лекин суд раисининг қарори билан ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин (ЎЗР ХПКнинг 15-моддасининг иккинчи қисми).

Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш агар Банкротлик тўғрисидаги Қонунга зид бўлмаса, ЎЗР ХПКнинг 17-бобида ўрнатилган тартибда амалга оширилади. ЎЗР ХПКнинг қоидалари қўлланилмайдиган ҳолатларга мисоллар сифатида Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари бўйича ЎЗР ХПКнинг 125-моддаси эмас, балки банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддаси қўлланилишини, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда ЎЗР ХПКнинг «Тарафларнинг келишув битими» деб номланган 132-моддаси ҳам қўлланилмаслигини кўрсатиш мумкин.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишларни кредиторлар йиғилиши баённомаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, муваққат бошқарувчининг ҳисоботи, ишда иштирок этувчи шахслар тақдим этган далил ва шикоятлар асосида кўриб чиқади.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида хўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор (шарҳланаётган модданинг биринчи қис-

мининг иккинчи хатбоши) — қарздорда банкротлик аломатлари мавжуд бўлса ва суд санацияси, ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишга асослар бўлмаса (Қонуннинг 51-моддаси шарҳига қаранг);

қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмининг учинчи хатбошиси) банкротлик аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолда, шунингдек хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишнинг мазмуни бўйича суд ҳужжати чиқарилгунга қадар кредиторлар талаблари қондирилса ёки сохта банкротлик аниқланган бўлса (Қонуннинг 54-моддаси шарҳига қаранг);

суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси) — агар хўжалик судига кредиторлар йиғилиши қарори бўйича суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома берилган бўлса ёки 75-модданинг учинчи қисмига асосан ва мазкур таомилни қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашининг реал имконияти сифатида топиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (Қонуннинг 78-моддаси шарҳига қаранг). Шу борада шуни таъкидлаш керакки, мазкур хатбошида суд санацияси муддатининг узайтириш тўғрисидаги ажрим ҳақида айтилган бўлса ҳам, бу ажрим банкрот деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари юзасидан эмас, балки хўжалик суди томонидан суд санацияси муддати мобайнида чиқарилади;

ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмининг бешинчи хатбоши) — агар хўжалик судига кредиторлар йиғилиши қарори бўйича ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисидаги илтимоснома берилган бўлса мазкур таомилни қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашининг реал имконияти сифатида топиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (91-модда шарҳига қаранг). Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур бандда суд санацияси муддатининг узайтириш тўғрисидаги ажрим ҳақида айтилган бўлса ҳам, бу ажрим банкрот деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари юзасидан эмас, балки хўжалик суди томонидан суд ташқи бошқарув жараёни мобайнида чиқарилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмининг олтинчи хатбоши) — мазкур ажрим, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан устав фондида давлатнинг улуши бўлган корхонага нисбатан судгача санация қўлланишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ва бу таомил қўлланилишига кредиторлар рози бўлса (Қонуннинг 61-модда-

сининг учинчи қисми, Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01. 2006 йил 142-сонли қарори 24-банди), ёхуд ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги ишда қарздорнинг барча қарзлари қарзларни қоплаш режаси ижро этилиши натижасида қопланган бўлса (176-модданинг бешинчи қисми), ёки ишда иштирок этувчи барча кредиторларнинг арз қилган талабларидан воз кечганлари ҳолатида (56-модданинг биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси), хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқиш жараёнида чиқарилади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан ташқари, ЎзР ХПКнинг 86-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида хўжалик суди томонидан иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим мазкур қисмда тўғридан-тўғри айтилмаса ҳам чиқарилиши мумкин. Масалан, хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса, шунингдек, тугатилиш муносабати билан қарздор давлат реестридан чиқарилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш ХПКнинг 86-моддаси 2 ва 4-бандларига мувофиқ тугатилади (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 24-банди). Лекин шуни таъкидлаш керакки, банкротлик тўғрисидаги ишлар учун мазкур моддада кўрсатилган барча асослар қўлланилмайди, яъни уларнинг баъзилари банкротлик тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос хусусиятлари муносабати билан қўлланилмайди;

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми еттинчи хатбошиси) — мазкур ажрим ЎзР ХПКнинг 88-моддасида назарда тутилган асослар аниқланганда чиқарилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида мазкур бандда кўрсатилган ажримни чиқариш учун асос бўладиган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

— хўжалик судининг иш юритувида айнан шу қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги иш мавжуд бўлса (ЎзР ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг биринчи банди);

— ариза имзоланмаган ёки имзоланган ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан имзоланган, ёхуд мансаб даражаси кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса (ЎзР ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг учинчи банди);

— ариза берувчи прокурор ўз аризасидан воз кечган ҳолда (кредиторлар аризаси (эътирозлари) мавжуд бўлмаган ҳолда) (ЎзР ХПКнинг 88-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи банди);

Шуни таъкидлаш лозимки, банкротлик тўғрисидаги ишга нисбатан мазкур моддада назарда тутилган барча асослар ҳам қўлланилмайди, яъни баъзи асослар банкротлик тўғрисидаги ишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги муносабати билан қўлланилмайди. Ма-

салан, ЎЗР ХПКнинг 88-моддаси 6-банди (даъвогарнинг суд мажлисига келмаслиги) банкротлик тўғрисидаги ишга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас, чунки банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кредиторлар йиғилишига ўтади ва қарздорнинг келажақдаги тақдири кредиторлар йиғилишининг иродасига боғлиқ бўлади, яъни, хусусий тусга эга бўлган ариза бошқа шахсларнинг манфаатларига таъсир қиладиган оммавий муносабатларга айланади;

келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми саккизинчи хатбошиси) — мазкур ажрим банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида қарздор ва кредиторлар ўртасида келишув битими тузилган тақдирда, хўжалик суди томонидан чиқарилади.

Юқорида санаб ўтилган суд ҳужжатлари ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошиси) ва қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси) ЎЗР ХПКнинг 18-боби қоидаларига мувофиқ қабул қилинадиган суд ҳужжатлари (қарори) ҳисобланади. Қолган ажримлар ишнинг мазмуни бўйича эмас, ЎЗР ХПКнинг 19-боби қоидаларига мувофиқ чиқариладиган ажримлардир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари агар банкротлик тўғрисидаги қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, дарҳол ижро этилади. Мазкур норма хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилиши тўғрисидаги умумий қоидадан истисно ҳисобланади (ЎЗР ХПКнинг 146-моддасининг тўртинчи қисми).

Лекин, бу ҳол суд ҳужжатлари улар қабул қилинганидан сўнг қонуний кучга кириши билдирмайди. Уларнинг устидан ЎЗР ХПКда назарда тутилган тартибда шикоятлар берилиши (протест келтирилиши) мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 22-банди). Лекин суд ҳужжатиغا нисбатан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатмайди.

51-модда. Қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор

Суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар бўлмаганда, хўжалик судининг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш

тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг назарда тутилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Хўжалик судининг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарориди қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ва унга ҳақ тўлаш ҳақидаги кўрсатма акс эттирилиши лозим.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Хўжалик судининг қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарориди қарздорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотганлиги кўрсатилади.

Мазкур модда хўжалик суди томонидан чиқарилган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорнинг мазмуни ва чиқариш тартибини белгилайди.

1. Мазкур қарор хўжалик суди томонидан Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банкротлик аломатлари аниқланган ҳолларда, суд санацаяси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда қабул қилинади.

Биринчи қисм юридик шахсга нисбатан уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш шартларини белгилайди. Ушбу ўринда шуни эътиборга олиш керакки, мазкур қисм қоидалари қарздор ЯТТга нисбатан ҳам уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш шарти сифатида қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, Қонуннинг мазкур қисми қўлланилмайдиган истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза мазкур Қонун 7-моддаси биринчи қисми ёки 8-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан берилган ҳолларда, мазкур қисм нормалари қўлланилмайди. Яъни, бу ҳолатда 7-модда биринчи қисми, 8-модда биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса ҳамда суд санацаяси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёхуд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишга асослар мавжуд бўлмаса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналарга нисбатан уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилганда, банкротлик аломати сифатида олти ой мобайнида ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳисобланади. Тугатилаётган юридик шахс-

нинг банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза тақдим этилганда (185-модданинг иккинчи қисми), мазкур юридик шахс мол-мулки қиймати кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлмаса, хўжалик суди уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисида ариза келиб тушган ҳолда (188-модда, Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 35-банди), қарздор-ЯТТ ёки юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаса ва уларнинг турар жойини(яшаш жойини) аниқлашнинг имконияти бўлмаса ёки қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаса, хўжалик суди уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур ҳолатда қабул қилинаётган қарор фақат қарздорни банкрот деб топиш билан боғлиқ бўлмайди, яъни бир вақтнинг ўзиде бу қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақидаги қарор деб ҳам ҳисобланади. Яъни, тугатишга доир иш юритиш фақат қарздорни банкрот деб топиш билан бир вақтда бошланиши мумкин.

2. Мазкур модда хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор мазмунини белгилайди: унда қарздорни банкрот деб топиллиши тўғрисидаги ҳамда унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги кўрсатилиши керак. Бундан ташқари, ушбу қарорда тугатиш бошқарувчиси деб тайинланган шахс кўрсатилади (агар ушбу вақтда қонунчилик талабларига жавоб берадиган номзод тақдим этилган бўлса) ва унга тўланадиган ҳақ миқдори белгиланади.

3. Модданинг учинчи қисми қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги хўжалик суди қарори юзасидан шикоят (протест) келтириш мумкинлигини белгилайди. Бу қарор суд томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари юзасидан чиқарилади ва шунинг учун Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарорининг 21-бандига биноан шикоят берилиши (протест келтирилиши) ЎзР ХПКда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Агар тугатиш бошқарувчисини тайинлаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиниши билан бир пайтда амалга оширилган бўлса, тайинланган суд бошқарувчисининг номзоди билан келишмаган тақдирда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар қонуннинг 60-моддасида кўрсатилган тартибда суд ҳужжатининг суд бошқарувчисини тайинлашга доир қисми устидан шикоят беришлари, прокурор эса протест келтириши мумкин (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21-банди).

4. Қонуннинг 180-моддасининг учинчи қисмига кўра ЯТТнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги суд томонидан уни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан ўз кучини йўқотади.

Шу боис, кўриб чиқиладиган модданинг тўртинчи қисми хўжалик судининг қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарориди қарздорнинг ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотганлигини кўрсатилиши лозимлигини белгилайди.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорининг нусхасини уни ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтказган органга ва лицензия берган органга юбориши лозим (180-модданинг тўртинчи қисми).

52-модда. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Хўжалик суди томонидан кузатуви, суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш ҳақида чиқарилган ажримлар ҳақидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарорлар, мазкур ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилинади. Расмий нашрнинг тиражи, даврийлиги ва шундай маълумотларни эълон қилиш муддати, кўрсатиладиган хизматларни молиялаштириш тартиби ҳамда бундай хизматларнинг нархлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва исталган манфаатдор шахснинг мазкур маълумотлардан эркин фойдалана олиши учун монелик қилмаслиги лозим.

Ушбу Қонунга мувофиқ эълон қилиниши лозим бўлган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда электрон оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Суд бошқарувчиси эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни тегишли суд ҳужжати олинган санадан эътиборан уч кун ичида ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган расмий нашр манзилига юбориши.

Эълон қилиш учун юборилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш бу маълумотлар олинган пайдан эътиборан ўн кун ичида амалга оширилади.

Ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар кўмитасининг қарориди бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қарздорда пул маблағлари бўлмаса,

бундай маълумотларни эълон қилиш ҳақини тўлашни суд бошқарувчиси амалга оширади, бу маблағлар кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қопланади.

Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга етарли мол-мулк бўлмаса, харажатларни қоплаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган кредитор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Мазкур модда хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини белгилайди.

1. Қонуннинг 52-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги иш доирасида чиқарилган қуйидаги суд ҳужжатлари мажбурий эълон қилиниши лозим: хўжалик суди томонидан кузатувни, суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, суд бошқарувчисини тайинлаш, алмаштириш ёки вазифасидан озод қилиш ҳақидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилингани тўғрисидаги маълумотлар. Мазкур ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги апелляция, кассация ва назорат инстанция судларининг қарорлари қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши лозим.

Ушбу Қонун императив нормадан иборат бўлиб, унга кўра эълон қилиш ЎЗР ВМ томонидан белгиланган расмий нашрда амалга оширилиши лозим. Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 18-бандига биноан, ЎЗР ВМ томонидан расмий нашр белгилангунга қадар, матбуотда эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар республика ва вилоят расмий нашрларида чоп этилади.

2. Ушбу Қонунга мувофиқ, эълон қилиниши лозим бўлган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар ЎЗР ВМ томонидан белгиланган тартибда электрон оммавий ахборот воситаларида (Интернетда) ҳам эълон қилиниши мумкин. Лекин ушбу ҳолатда суд бошқарувчиси шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги талабларни амалга оширмайди дегани эмас, чунки Қонун расмий нашрлардан ташқари суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни электрон ОАВда чоп этилиши имкониятини назарда тутган.

3. Қонуннинг 52-моддасининг учинчи қисми субъектни, яъни нашр учун масъул бўлган шахсни, нашр учун маълумотлар жўнатиш ҳамда нашр этиш муддатларини белгилайди. Хабарларни эълон қилиш учун жўнатиш мажбурияти суд бошқарувчиси (муваққат бошқарув-

чи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи)га юкланади, у эса тайинланганидан эътиборан уч кун ичида Қонуннинг ушбу талабини бажариши шарт. Ушбу қоидадан истисно сифатида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш бўйича маълумотни 127-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси тайинланган кунидан эътиборан ўн кун ичида расмий нашрга эълон қилиш учун жўнатиши лозим. Нашриётнинг ўзи ўн кун ичида маълумотларни нашрдан чиқаришни амалга ошириши лозим. Модданинг шарҳланаётган қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, ЯТТ банкротлик ҳолатида унга суд бошқарувчиси тайинланмаслиги туфайли, ЯТТнинг ўзи уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ҳақидаги хабарларни эълон қилиши лозим бўлади.

4. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш бу маълумотлар олинган пайтдан эътиборан ўн кун ичида амалга оширилади, бундан ташқари улар бошқа ОАВ оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

5. Умумий қоида бўйича эълон қилиш қарздорнинг пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Кредиторлар йиғилишининг (қўмитанинг) қарори билан суд ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни нашри амалга ошириладиган манбалар кўрсатилиши мумкин. Масалан, кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) нашр этишни кредиторлардан бири ҳисобидан амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Агар қарздорда пул маблағлари бўлмаса, бундай маълумотларни эълон қилиш ҳақини тўлашни суд бошқарувчиси амалга оширади, бу маблағлар кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қопланади.

6. Агар суд бошқарувчиси ўз ҳисобидан Қонунда кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш учун харажат қилган бўлса, у қарздордан бу харажатларни қоплашни талаб қилиши мумкин. Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга мол-мулки бўлмаса ёки етарли бўлмаса, суд бошқарувчиси харажатларни қоплашни қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган кредитор ҳисобидан амалга оширилишини талаб қилиши мумкин. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризаси бўйича иш қўзғатилган бўлса ва қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга мол-мулки бўлмаса ёки етарли бўлмаса, суд бошқарувчисининг харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларидан амалга оширилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш давлат солиқ органи аризасига биноан кўзғатилган бўлса, суд бошқарувчиси солиқ органлари ходимларидан тайинланади ва маълумотлар Давлат солиқ кўмитасининг нашр органида бепул эълон қилади.

7. Хўжалик суди томонидан чиқарилган суд ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган нашрлар билан бирга бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

53-модда. Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш

Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги маълумотлар расмий нашрда эълон қилиниши шарт.

Мазкур модданинг кўрсатилган маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ёки кредиторлар йиғилиши ёхуд кредиторлар кўмитаси томонидан амалга оширилади. Қарздорда эълон қилиш харажатларини қоплашга етарли мол-мулк бўлмаса, харажатларни қоплаш кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони эллик кишидан ортиқ бўлса ёки уларнинг сонини аниқлаш мумкин бўлмаса, қарздорга нисбатан қўлланиладиган ҳар бир банкротлик таомили бошланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам расмий нашрда эълон қилиниши шарт.

Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасининг қарори асосида эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиниши мумкин.

Банкротлик таомиллари жараёни ҳақидаги эълон қилинган маълумотларда қуйидагилар бўлиши лозим:

қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

суд ҳужжатини қабул қилган хўжалик судининг номи, шу суд ҳужжати қабул қилинган сана ва жорий қилинган банкротлик таомили номи, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;

тайинланган суд бошқарувчисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;

банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш бўйича кейинги суд мажлисининг хўжалик суди томонидан белгиланган санаси;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа ахборот.

Шарҳланаётган модда банкротлик таомили жараёни тўғрисидаги маълумотларни нашр этиш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан банкротлик таомили жараёни ҳақидаги маълумотлар нашр этилиши лозим. Бу тартиб шуни англатади, суд бошқарувчиси суд томонидан қўлланадиган банкротлик таомили доирасидаги у томонидан амалга оширилаётган юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни эълон қилиши керак. Бундай хабарлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: қарздор мол-мулкани сотиш тўғрисидаги хабарлар, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш, муайян банкрот таомилини қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш кредиторлар йиғилишини ўтказиш, суд бошқарувчиси тайинланиши ва бошқалар. Мазкур нашрлар муайян банкротлик таомилни ўтказилиши бўйича режаларнинг амалга оширилиши жараёнини ўзида акс эттириши керак (суд санацияси режаси, ташқи бошқарув режаси, тугатиш режаси) ва бошқалар.

Қонунда маълумотлар расмий нашрда эълон қилиниши лозимлигини белгиловчи императив норма мавжуд. Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 18-бандига биноан, ЎзР ВМ томонидан расмий нашр белгилангунига қадар, Қонуннинг шарҳланаётган моддасида назарда тутилган маълумотлар республика ва вилоят расмий нашрларида чоп этилади.

2. Нашр этиш бўйича харажатлар қарздорнинг мулки ҳисобидан қопланади. Қарздорнинг мулки ёки бошқа пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, нашр билан боғлиқ харажатлар кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) қарорига асосан амалга оширилади.

3. Агар кредиторлар сони эллик ёки ундан кўп бўлса, шунингдек кредиторларнинг сонини аниқлашга имкон бўлмаса, қарздорга нисбатан қўлланилаётган ҳар бир банкротлик таомили жараёни бошланиши тўғрисидаги маълумотлар нашр этилиши шарт. Мазкур модданинг учинчи қисмида эслатиб ўтилган ҳар бир таомилнинг бошланиши тўғрисидаги маълумотлар, Қонуннинг 52-моддасида белгиланган эълон қилиниши лозим деб белгиланган суд ҳужжати ҳақидаги маълумотлардан алоҳида ҳисобланмайди. Яъни, Қонуннинг 52-моддаси биринчи қисмига биноан, ҳар бир банкротлик таомили жараёнининг бошланиши ҳақидаги маълумотлар кредиторлар сонидан қатъий назар нашр этилиши лозим.

4. Маълумотларнинг расмий нашрларда чоп этилиши маълумотларни бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш имконини чекламайди. Масалан, маълумот Интернетда анча тезроқ ва минимал харажатлар билан жойлантирилиши мумкин, лекин манфаатдор шахсларнинг ҳаммасида ҳам халқаро интернет тармоқларидан фойдаланишга имконият йўқ. Баъзи ҳолларда маълумотларни эълон қилишнинг энг самарали усули уларни радио ёки телевизион кўрсатув ва эшиттиришларида эълон қилиш ҳисобланади.

5. Банкротлик таомили жараёнини ошкоралигини таъминлаш мақсадида, шунингдек манфаатдор шахсларнинг тўлиқ хабардорлигини таъминлаш мақсадида Қонунда маълумотларнинг қатъий мазмуни эълон қилиш мажбурияти белгиланган.

54-модда. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

банкротлик аломатлари аниқланмаганда;

хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунга қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қондирилганда;

сохта банкротлик аниқланганда.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк борлигидан шохидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Мазкур модда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш асосларини белгилайди.

1. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

— банкротлик аломатлари аниқланмаганда, яъни агар қарздор томонидан мажбуриятларни бажаришни кечиктирилиши Қонуннинг 4-моддасида белгиланган муддатдан кам бўлса ва қарздорга нисбатан жаъми талаблар Қонунда белгиланган миқдордан кам миқдорни ташкил этган ҳолларда (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 23-банди);

— хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар кредиторлар талаблари қаноатлантирилган бўлса.

Кузатув давомида, яъни банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида ҳамма кредиторлар талабларини бир вақтда қондириш шарти билан талабларни қондиришга рухсат этилади. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, барча кредиторлар талабларини қондирилиши ниҳоясига етганида хўжалик суди, мазкур моддага биноан,

қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради. Бундан ташқари, қарздор ЯТТ барча талабларни банкротлик тўғрисидаги ишни қарздор аризасига мувофиқ кечиктирилган муддатгача қаноатлантирган тақдирда ҳам, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади;

— сохта банкротлик аниқланса. Сохта банкротлик аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш қарздорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси судга унинг кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш имконияти мавжуд бўлган ҳолда берилгани ёки қарздор аризачининг асосиз талаблари бўйича тортишиш чораларини кўрмаганлигининг натижаси бўлади.

2. Қонуннинг 54-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам чиқарилиши мумкин. Қонуннинг 156-моддасида мажбуриятлар қарздор шаҳарни ташкил этувчи корхона томонидан олти ой ичида бажарилмаганлиги бунга мисол бўла олади. Бу ҳолда, агар суд томонидан шаҳарни ташкил этувчи корхонани банкрот деб топиш тўғрисида нотўғри иш қўзғатилган бўлса ва ишни кўриб чиқиш жараёнида мажбуриятлар олти ойдан камроқ муддатда бажарилмаганлиги аниқланса, суд қарздорни банкрот деб топишни рад этади.

3. Қарздорда тугатишга доир етарли миқдорда мол-мулк борлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдиришга, қарздорга кредиторларнинг талабларини хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли, мазкур муддат ўттиз кундан ошмаслиги керак. Бу ҳолда суд Қонуннинг 49-моддасида белгиланган муддат доирасида ишни кўриб чиқишни кечиктириш ҳақида ажрим чиқаради. Мазкур ажрим юзасидан ЎзР ХПКнинг 131-моддасига биноан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин эмас.

Қарздор кредиторнинг талабларини мазкур қисмга биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кейинга қолдириш муддати давомида бир вақтда барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш шарти билан барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш ниҳоясига етганида хўжалик суди қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

55-модда. Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши қарздорни банкрот деб топиш

тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ва (ёки) кузатув жорий этилганлиги оқибати бўлган барча чекловларнинг амал қилиши тугатилиши учун асос бўлади.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш оқибатларини белгилайди.

Қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги ва (ёки) кузатув жорий этилганлиги оқибати бўлган барча чекловларни амал қилишининг тугатилиши учун асос бўлади. Мазкур модданинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, бу ерда гап Қонуннинг 63, 64-моддаларида назарда тутилган кузатувни жорий этиш оқибатлари, шунингдек суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган кредиторлар талабларини қондириш бўйича ЎЗР ХПКнинг 77-моддаси, Қонуннинг 46-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган чоралар ҳақида кетмоқда. Шу билан бирга банкротлик тўғрисидаги ишда суд томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган кредиторлар талабларини таъминлаш чоралари, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилганидан эътиборан ўз кучини йўқотади, ЎЗР ХПК нормалари эса аксинча даъво-ни таъминлаш бўйича чоралар қарор қонуний кучга киргунига қадар ўз кучини сақлаб қолишини белгилайди.

56-модда. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асослари

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қуйидаги ҳолларда тугатади:

суд санацияси жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганда;

ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганда;

келишув битими тузилганда;

банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча кредиторлар билдирилган талабларидан воз кечганда;

кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари ҳар қандай банкротлик таомили жараёнида қондирилганда.

Хўжалик суди қонунга мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиши мумкин.

Ушбу модда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асосларини белгилайди.

1. Мазкур модда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатишнинг махсус асосларини белгилаб беради. ЎЗР ХПКнинг 86-моддаси банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш бўйича бошқа асосларни назарда тутаяди, процессуал нормаларни қўллашда устуворлик Қонунга берилади.

Суд санацияси жараёнидада қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши бир хил тушунча ҳисобланади. Яъни, 106-модданинг учинчи қисмидан келиб чиқиб, тўлов қобилияти тикланиши деганда ижроси муддатидан эътиборан уч ойдан кўп вақтга кечиктирилган барча талабларнинг қаноатлантирилиши тушунилади. Суд санацияси ва ташқи бошқарув ҳолатида кредиторлар талаблари реестрига (қарзни узиш жадвали) киритилган барча талаблар уларни ижро этиш муддатидан эътиборан уч ойдан кам бўлмаган пайтда ижро этилмаган бўлади. Шунинг учун суд санацияси ёки ташқи бошқарув пайтида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши бу кредиторлар талаблари реестри (қарз тўлаш жадвали)га киритилган барча талаблар қаноатлантирилиши билан айнан бир нарса ҳисобланади. Агарда бу масалага аниқлик киритилмаган бўлса, суд санациясида бу ҳолатга суд санациясининг муддатидан олдин тугатиши (87-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбошиси), суд санациясини тугатилиши (87-модда учинчи қисми 2-хатбоши) ҳамда ижро этишни таъминлаган шахслар томонидан мажбуриятларни ижро этиши (89-модданинг иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси) киради. Ташқи бошқарувида эса — бу қўйидаги ҳолатларда кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча талаблар қаноатлантирилиши: қарздор корхонаси (бизнеси) сотилганда (110-модданинг ўн олтинчи қисми); муассислар, қарздор мол-мулкнинг эгаси ёки учинчи шахс томонидан қарздор мажбурияти бажарилганда (113-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари); кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ёки кредиторлар билан муайян навбатда ҳисоб-китоблар бошланиши тўғрисидаги хўжалик суди ажрими асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилганда (121-модданинг биринчи қисми). Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, ташқи бошқарувда реестрга киритилган барча талаблар қаноатлантирилишига етарли бўлган маблағлар жамғарилган ҳолда, хўжалик суди ташқи бошқарувчи ҳисоботини қўриб чиқиши натижасида қарздорнинг тўлаш қобилияти тикланиши муносабати билан ташқи бошқарув тугатилиши сабабли кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақидаги ажримни чиқаради (118-модданинг олтинчи қисмининг учинчи хатбошиси), ушбу ажрим чиқарилиш пайтида, гарчи, ташқи бошқарув тўхтатилса ҳам банкротлик тўғрисидаги иш юритиш ҳали тугатилмайди.

Шунингдек, суд санацияси ҳамда ташқи бошқарув таомилида банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги масала-
© ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ни кўриб чиқишда хўжалик суди жорий тўловлар бўйича талабларни, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва ҳ.к. каби навбатдан ташқари талабларни қаноатлантиришларни инobatга олмайди, чунки бу талаблар банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари якка тартибда қондиришга тақдим этилади ва кредиторлар талаблари реестрига киритилмайди.

Шарҳланаётган қисмда белгиланганидек, банкротлик тўғрисидаги ишни юритиш *келишув битими* тузилиши билан ҳам тугатилади, келишув битими кучга кириши учун хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим (145-модданинг бешинчи қисми). Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши билан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (150-модданинг биринчи қисми). Келишув битими тасдиқланганлиги ҳақида ажрим чиқарилади, унда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши кўрсатилади (145-модданинг бешинчи қисми).

Банкротлик тўғрисидаги ишда *иштирок этувчи кредиторларнинг барча қўйилган талаблардан воз кечиши* банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асоси сифатида белгиланиши қарздорга талаб қўйиш кредиторнинг бурчи эмас, балки ҳуқуқи бўлгани билан ифодаланади ҳамда у тегишлича истаган пайтда (ҳар қандай банкротлик таомилида) мазкур ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши мумкин. Ушбу вазиятда гап қарзни кечиш (ёки қарздор мажбуриятларини бошқача йўл билан бекор қилиниши) ҳақида эмас, балки айнан кредиторнинг қўйилган талаблардан воз кечиши тўғрисида бормоқда. Ушбу ўринда, шуни таъкидлаш керакки, кредиторларнинг бир қисми (шу жумладан, аризачи-кредитор) томонидан қўйилган талабларнинг воз кечилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишга таъсир қилмайди.

Банкротликни ҳар қандай таомилида кредиторлар талаблари реестрига киритилган *кредиторларнинг барча талабларини қаноатлантирилиши* ҳам Қонунда кўрсатилган банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш асосларидан бири сифатида белгиланган. Шунини таъкидлаш жоизки, гарчи ушбу хатбошида банкротлик таомили пайтида кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қондирилганда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши белгиланган бўлсада, мазкур қоида тугатишга доир иш юритиш пайтидагина амал қилади, чунки суд санацияси натижасида кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилганда банкротлик тўғрисидаги иш юритиш шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ, ташқи бошқарув ҳолатида эса модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисига мувофиқ тугатилади. Кузатув мобайнида барча кредиторларнинг талаблари бир вақтда қаноатлантириш шар-

ти билан қарздорга кредиторларни талабларини қаноатлантиришга йўл қўйилади ва бундай қаноатлантиришнинг тугаши билан хўжалик суди иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим эмас, балки 54-модданинг биринчи қисми бўйича қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишига эътибор бериш керак.

Тугатишга доир иш юритиш пайтида кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча талаблар қаноатлантирилганда хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариш ва шунингдек, тугатишга доир иш юритиш тамомланиши тўғрисида ажрим чиқариш каби ҳолатлар мавжуд бўлади. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариш учун асос сифатида Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 25-бандида белгиланган қуйидаги ҳолатлар назарда тутилади: тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган барча талаблар қондирилганда ва қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини давом эттиришга имконияти мавжуд бўлганда, тугатиш бошқарувчиси тақдим этган ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни чиқаради. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, агар тугатишга доир иш юритиш пайтида кредиторларнинг реестр бўйича барча талаблари қаноатлантирилган бўлсада, лекин қарздорнинг хўжалик фаолиятини олиб боришга имконияти бўлмаса, суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни эмас, балки тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги ажримни қабул қилади. Реестрга киритилган барча талаблар қарздор юридик шахсга нисбатан тугатишга доир иш юритиш пайтида қондирилмаса, суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим эмас, балки тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги ажримни қабул қилади (144-модданинг биринчи қисми). Бундан ташқари, қарздор-ЯТТга нисбатан уни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, хўжалик суди қарздор барча қарзларини тўлагани ёки тўламаганига қарамай, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим эмас, балки тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажримни қабул қилади (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 37-банди).

2. Қонунга мувофиқ, хўжалик суди бошқа ҳолларда ҳам банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатиши мумкин.

Кредиторлар судгача санация қилишга рози бўлган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилади (Қонуннинг 61-моддаси учинчи қисми).

Шунини таъкидлаш жоизки, қарздор ЯТТ банкротлигида қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг та-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

лаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (176-модданинг бешинчи қисми), қарздор барча қарзларни ўзининг аризасига кўра иш кўриб чиқилиши кечиктирилган муддатда тўласа (179-модда), хўжалик суди 54-модданинг биринчи қисмига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

57-модда. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал назарда тутилган асослар бўйича тўхтатиб турилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза ва шикоятларни, шунингдек кредиторларнинг талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбатига доир келишмовчиликларни кўриб чиқишга монелик қилмайди.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилган тақдирда хўжалик суди ушбу Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини қабул қилишга ҳақли эмас.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан ушбу Қонунда назарда тутилган ажримларни чиқариш учун, шунингдек суд бошқарувчиси ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириши учун монелик қилмайди.

Ушбу модда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш тартибини белгилайди.

1. Қонун банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туришга нисбатан иш юритишни тугатиш асосларидан фарқли бўлган, алоҳида, махсус, фақат банкротлик институти учун хос бўлган асосларни белгиламайди. Суд банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни қабул қилишда ЎЗР ХПКнинг 82—83 моддаларини қўллайди.

ЎЗР ХПКнинг 82-моддасига мувофиқ, хўжалик суди қуйидаги ҳолатларда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатишга мажбур:

ишни конституциявий, фуқаровий, жиноят ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўриляётган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунга қадар кўриш мумкин бўлмаганда;

жавобгар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси Қу-

ролли Кучларининг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар фуқаро тегишли илтимоснома билан муурожаат қилганда;

фуқаро вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса;

фуқаро муомала лаёқатини йўқотганда.

ЎзР ХПКнинг 83-моддасида белгиланган ҳолатларда эса, яъни:

хўжалик суди томонидан экспертиза тайинланганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот қайта ташкил қилинганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш фуқаро бирор-бир давлат мажбуриятини бажариш учун жалб қилинганда суд ўз ташаббусига ёки ишда қатнашаётган шахснинг илтимосномасига кўра банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

2. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан боғлиқ ариза ва шикоятлар, шунингдек Қонуннинг 59-моддасида кўрсатилган кредиторлар талабини қаноатлантириш миқдори, таркиби ва навбати билан боғлиқ келишмовчиликларни кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди.

3. Қонун чиқарувчи кўрсатиб ўтганидек, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилганда суд Қонуннинг 50-моддасида қайд этилган рўйхатдаги суд ҳужжатларини қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб турилганда хўжалик суди томонидан мазкур Қонунда назарда тутилган ажримларни чиқариш учун монелик қилмайди. Қонуннинг 50-моддасида санаб ўтилган ажримлар бундан мустасно. Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатиб туриш суд бошқарувчиси томонидан ўз бурчларини ижро этишни тугатиш дегани эмас, чунки шарҳланаётган нормага асосан, бу (банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатилиши) суд бошқарувчиси ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қонунда кўрсатилган ҳаракатларни бажаришга тўсқинлик бўлмаслиги лозим.

58-модда. Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш

Суд харажатлари, шу жумладан тўлов кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар, маълумотларни ушбу Қонуннинг ва моддаларида назарда тутилган тартибда расмий нашрда эълон қилиш харажатлари, шунингдек суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатлари қарздорнинг мол-мулкига тегишли бўлиб, ана шу мол-мулк ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади.

Келишув битимида ушбу модданинг кўрсатилган харажатларни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилиши мумкин.

Хўжалик суди қарздорнинг банкротлиги аломатлари йўқлиги муносабати билан қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу модданинг назарда тутилган харажатлар хўжалик судига кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси билан муурожаат этган кредиторларга тегишли бўлади ва кредиторлар ўртасида уларнинг талабларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш тартиби хўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорида ёки ажримда белгиланади.

Ушбу модда суд харажатларини ва суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини тақсимлаш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қайд этилганидек, тўлов кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган давлат божи бўйича харажатлар (ЎЗР ХПКнинг 91-моддасининг тўртинчи қисми), қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа чоп этилиши шарт бўлган маълумотларни нашриётларда чоп этиш билан боғлиқ харажатлар, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатлари қарздор мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади. Улар навбатдан ташқари қопланиши мумкин, чунки бу харажатлар бўйича талаблар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингандан кейин вужудга келади ёки уларни ижро этиш муддати тегишли банкротлик таомилининг жорий этилиши билан бошланади. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик судига тақдим этиш жараёнида тўланадиган давлат божига келганда, таъкидлаш жоизки, у одатда хўжалик суди аризани қабул қилишидан олдин вужудга келади ва ижро этиш муддати ҳам суд аризани қабул қилгунига қадар бошланади. Шундай бўлса ҳам, айрим ҳолларда аризачи аризасига кўра унинг мулкӣ аҳволидан келиб чиқиб, хўжалик суди давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли бўлади (ЎЗР ХПКнинг 91-моддаси тўртинчи қисми). Бундай ҳолда давлат божи жорий тўловларга киритилиши ва кредитор у бўйича қаноатлантиришни навбатдан ташқари олиши мумкин. Бундан ташқари, гарчи ушбу қисмда тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмасада, бошқарувчи томонидан унинг фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган шахслар хизмати учун тўлов билан боғлиқ харажатлар мазкур қисмда назарда тутилган суд харажатларига киритилиши ҳамда навбатдан ташқари қаноатлантирилиши мумкин деб тушуниш лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган суд харажатларини тақсимлаш тартибидан фарқли ўлароқ, келишув битимида суд харажатларини тақсимлашнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкин.

3. Суд қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган ҳолда, суд харажатлари қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган кредитор зиммасига юкланади. Ариза прокурор, солиқ органи, бошқа ваколатли орган, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан берилган ҳоллар бундан мустасно. «Давлат божи тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 4-моддаси ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 2-бандига мувофиқ, кўрсатилган органлар судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади ҳамда улар зиммасига банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд харажатлари юкланмайди.

4. Суд Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини қабул қилганида суд харажатлари ва суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақни тақсимлаш тартибини кўрсатиб бериши шарт, яъни суд ҳужжатида ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар (давлат божи, маълумотларни расмий нашрларда чоп этиш харажатлари), шунингдек, суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ кимга ва қандай миқдорда юклантилиши кўрсатилади.

59-модда. Аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш

Кузатов, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида суд бошқарувчиси ушбу Қонунга мувофиқ берган аризалар, шу жумладан ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида берган аризалар, шунингдек кредиторларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусидаги шикоятлари бу ариза ва шикоятлар олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Суд бошқарувчисининг аризасига, кредиторнинг шикоятига мазкур аризани ёки шикоятни кўриб чиқишда ишгирок этаётган бошқа шахсларга уларнинг нухалари юборилганлигига оид далиллар илова қилинмоғи лозим. Мазкур аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ҳўжалик суди ажрим чиқаради. Бу ажрим устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Қўшимча маълумот учун мазкур Қонуннинг 60-моддасига қаранг.

Қуйидагилар:

меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва

таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар;

кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар ушбу модданинг белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Хўжалик судининг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилган, шунингдек ушбу модданинг ва қисмларида назарда тутилган тартибни бузган ҳолда ёки тегишли ариза ёхуд шикоятни тасдиқловчи далиллар илова қилинмасдан берилган ариза ва шикоятлар қайтарилиши керак.

Мазкур моддада банкротлик таомили жараёнида суд бошқарувчиси ва кредитор ҳамда қарздор ўртасида, шунингдек суд бошқарувчиси, қарздор ходимлари вакили ёки муассислар (мулкдор) вакили ўртасида вужудга келадиган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш давомида хўжалик судига бериладиган суд бошқарувчиси аризалари ва кредиторлар шикоятларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Агар аниқ кўриб чиқиладиган бўлса, мазкур модданинг биринчи қисмига мувофиқ, хўжалик судига қуйидаги ариза ва шикоятлар берилиши мумкин:

— суд бошқарувчисининг кредиторлар томонидан қўйилган талабларга нисбатан эътирози, шунингдек кредиторларнинг суд бошқарувчиси томонидан белгиланган талабларининг қондирилиш миқдори, таркиби ва навбати бўйича эътирозлари. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кредиторлар талабларининг миқдорини белгилашнинг аниқ тартиби, шунингдек, кредиторларнинг талабларини белгилаш таомили муносабати билан эътирозлар билдириш тартиби Қонуннинг 70, 99 ва 100-моддаларида белгиланган. Кредиторларнинг талабларини белгилаш тартиби ва шу билан боғлиқ ҳар бир банкротлик таомилидаги эътирозлар ҳақида қуйидагиларда батафсилроқ кўрсатилган: 70-модда шарҳи(кузатув) 84-модданинг шарҳи (суд санацияси); 99 ва 100-моддаларнинг шарҳи (ташқи бошқарув); 128-модданинг шарҳи (тугатишга доир иш юритиш);

— суд бошқарувчисининг кредиторлар талаблари реестрига киритилган талабларга нисбатан эътирозлари. Бироқ, бу каби эътирозлар суд бошқарувчиси мазкур ҳуқуққа эга бўлганидагина берилиши мумкин;

— суд бошқарувчиси ва кредитор ёки қарздор ўртасида вужудга келган бошқа келишмовчиликлар, мисол учун, суд бошқарувчиси-

ни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги ариза ёки қарздорнинг раҳбарини четлатиш тўғрисидаги ариза билан боғлиқ бошқа келишмовчиликлар ва ҳ.к.

Шарҳланаётган моддага мувофиқ берилган ариза ва шикоятлар хўжалик суди мажлисида уларни қабул қилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Кўриб чиқилиш натижалари бўйича 60-моддада белгиланган тартиб ва муддатларда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин бўлган ажрим қабул қилинади.

Суд бошқарувчиси аризасига ва кредитор шикоятига уларнинг нусхалари ушбу ариза ёки шикоятни кўриб чиқишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далил илова қилиниши керак. Ушбу далил мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ хўжалик суди аризани (шикоятни) қайтаради.

2. Шуни инобатга олиш керакки, меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи тўлаш ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори, таркиби ва навбати хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг вакили ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар мазкур моддада белгиланган тартибда (меҳнат шартномасини бекор қилиш бундан мустасно), бу ҳақда Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 27-бандида ҳам кўрсатилган..

Шарҳланаётган қисм қарздор ходимларининг вакилига ишдан бўшатиш нафақалари ҳамда иш ҳақини тўлаш бўйича талаблар бўйича суд бошқарувчиси ва қарздорнинг ходимлари ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар юзасидан хўжалик судига шикоят бериш ҳуқуқини беради. Шу сабабли таъкидлаш жоизки, ишдан бўшатиш нафақалари ҳамда иш ҳақини тўлаш бўйича талаблар бўйича суд бошқарувчиси ва қарздорнинг ходимлари ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар юзасидан қарздор ходимларининг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга (36-модданинг иккинчи қисми), бунда ходимлар учун шикоят бериш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар шарҳланаётган моддада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган қисм қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси вакилига кўрсатилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ҳуқуқини беради. Шу сабабли таъкидлаш жоизки, қарздор муассис-

лари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят беришда, кўрсатиб ўтилган шахсларнинг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга (36-модданинг иккинчи қисми). Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг шикоят бериш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ариза ва шикоятлар қуйидаги ҳолларда, қайтарилади, агар:

— шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан берилган бўлса. Хўжалик судининг ажримлари устидан шикоят бериш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида белгиланган банкротлик тўғрисидаги ишларда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган келишмовчиликларни кўриб чиқиш юзасидан чиқарилган хўжалик судининг ажрими устидан қарздор ходимларининг вакиллари, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ҳамда қарздор мол-мулкининг эгаси вакиллари ҳам шикоят бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

— шарҳланаётган модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги тартиб бузилганда;

— тегишли ариза ва шикоятни тасдиқловчи далиллар илова этилмаганда.

Бу кўрсатилган ариза ва шикоятларни қайтариш ҳақида шарҳланаётган модда ҳамда ЎзР ХПК 118-моддасининг иккинчи қисмига ҳавола этган ҳолда ажрим қабул қилади.

60-модда. Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажримларни қайта кўриш юзасидан иш юриштириш

Банкротлик тўғрисидаги ишда аризалар, шикоятлар (илтимосномалар) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал белгиланган тартибда ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда қайта кўрилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш юзасидан хўжалик судининг ажримлари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кун ўтгандан кейин қонуний кучга киради.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқишда иштирок этган шахслар апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Хўжалик судининг ушбу модданинг кўрсатилган ажримига апелляция шикояти келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юза-

сидан хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ўн кун ичида берилади ва у хўжалик судига келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган ажримлар кассация ва назорат тартибида қайта кўриб чиқилмайди.

Шарҳланаётган модда келишмовчиликлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди томонидан қабул қилинган ажримларни қайта кўришнинг хусусиятларини белгилаб беради.

1. Шарҳланаётган моддага кўра, банкротлик тўғрисидаги ишдаги аризалар, шикоятлар (илтимосномалар) ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ажримлари ЎЗР ХПК томонидан белгиланган тартибда, мазкур моддада назарда тутилган хусусиятларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Хўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги иш доирасида чиқарган, ЎЗР ХПКда назарда тутилмаган ажримлари устидан фақат Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда шикоятлар берилиши (протестлар келтирилиши) мумкин, Қонуннинг 50-моддаси, 91-моддаси иккинчи қисми ва 124-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ажримлар бундан мустасно, ушбу ажримлар устидан ЎЗР ХПКда назарда тутилган тартибда шикоят қилинади (протест келтирилади) (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 21-бандининг биринчи ва иккинчи қисмлари).

Хусусан, суд бошқарувчиларини тайинлаш(муваққат бошқарувчи мустасно) (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажримлар устидан Қонунда назарда тутилган тартибда шикоят қилинади (протест келтирилади). Агар санация қилувчи бошқарувчи ёки ташқи бошқарувчи суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий қилиш билан, тугатиш бошқарувчиси эса қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш билан бир пайтда тайинланган бўлиб, уларни тайинлаш тўғрисида суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги хўжалик судининг ажримида ёхуд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган бўлса, тайинланган суд бошқарувчисининг номзоди билан келишилмаган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар Қонунда назарда тутилган тартибда суд ҳужжатининг суд бошқарувчисини тайинлашга доир қисми устидан шикоят бериши, прокурор эса протест келтириши мумкин (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 21-бандининг бешинчи қисми).

Кузатувни жорий этиш (Қонуннинг 62-моддаси) ва муваққат бошқарувчини тайинлаш (Қонуннинг 65-моддаси) таомилини жорий этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиниши назарда тутилмаганлиги сабабли, муваққат бошқарувчини тайинлаш, озод қилиш, алмаштириш ҳақидаги ажримга нисбатан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин эмас.

Шунингдек, кредиторлар йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажримга нисбатан (Қонуннинг 13-моддаси бешинчи қисми) банкротлик тўғрисидаги Қонунда кўрсатилган тартибда шикоят бериш мумкин (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й. 142-сонли қарори 21-бандининг бешинчи қисми).

Ажримларнинг тўлиқ рўйхати ва улар устидан шикоят қилиш тартиби шарҳланаётган модданинг охирида келтирилган.

2. Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ажримлар уларнинг чиқарилганидан сўнг ўн кун ичида кучга киради, ЎзР ХПКда назарда тутилган суд ҳужжатлари қабул қилинганидан кейин бир ойлик муддат ўтгач, қонуний кучга эга киради (ЎзР ХПК 146-моддасининг биринчи қисми). Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш ҳамда кредиторлар учун қўйилган талабларни ўз вақтида қаноатлантириш имкониятини яратиш мақсадида Қонун ЎзР ХПКда кўрсатилган суд ҳужжатларига қараганда банкротлик тўғрисидаги ишда вужудга келадиган келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжатларининг кучга киришини қисқартирилган муддатини белгилайди.

3. Ушбу модданинг учинчи қисмида таъкидланганидек, банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ажрими юзасидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига фақат банкротлик тўғрисидаги ишда ушбу келишмовчилик кўриб чиқилишида иштирок этган шахсларгина эга бўлади. Масалан, кредиторлар томонидан арз қилинган талаблар юзасидан суд бошқарувчиси эътирозини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ажримга кўра бундай шахслар суд бошқарувчиси ва кредитор ҳисобланади, суд бошқарувчиси ва қарздор муассислари вакили ўртасида вужудга келган келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ажримга асосан тегишлича суд бошқарувчиси ва муассислар вакили ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи ЎзР ХПК нормаларидан фарқли ўлароқ (ЎзР ХПК 156-моддаси), «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бундай ҳуқуқни фақат келишмовчиликларни кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларга беради, чунки, биринчидан, банкротлик тўғрисидаги

ишда келишмовчилик билан боғлиқликда кўриб чиқиладиган масала ҳар доим ҳам банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча шахслар манфаатларига дахл қилмайди, ва суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқини банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи барча шахсларга эмас, балки фақат банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликни кўриб чиқаётган иштирокчиларга бериш етарли ҳисобланади. Иккинчидан, бу қуйидаги билан боғлиқ: агар шикоят қилиш ҳуқуқи фақат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга берилган бўлса, бошқа иштирокчилар келишмовчиликни кўриб чиқишда уни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжати устидан шикоят қила олмайди, бу эса уларнинг ҳуқуқини чеклайди.

Айтиш жоизки, банкротлик тўғрисидаги ишдаги ушбу келишмовчиликни кўриб чиқишда иштирок этган шахслар бундай шикоятни бевосита кассация инстанциясига бериш ҳуқуқига эга бўлмасдан, балки апелляция инстанциясига беришга ҳақлидир.

Шуни назарда тутиш керакки, ажрим устидан шикоят қилиш банкротлик тўғрисидаги иш юритишга тўсқинлик қилмайди ва иш юритишни тўхтатиш учун асос бўлмайди. Ажрим устидан шикоят қилиш кредиторлар йиғилишини ўтказиш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чораларни амалга ошириш учун ҳам тўсқинлик қилмайди.

4. Апелляция инстанциясида иш юритиш ЎзР ХПК 21 бобида кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Бироқ, шарҳланаётган моддада белгиланганидек, Қонуннинг 60-моддасида кўрсатилган ажримлар устидан апелляция шикояти ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кун ичида берилиши мумкин ва у хўжалик судига тушган кундан эътиборан ўн кун давомида кўриб чиқилиши лозим. ХПК қоидаларига мувофиқ, қарор қабул қилингандан эътиборан бир ойлик муддат ўтгач кучга киради (ЎзР ХПК 146-моддасининг биринчи қисми). Апелляция шикояти (протести) хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади (ЎзР ХПК 158-моддаси) ҳамда у хўжалик судига келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади (ЎзР ХПК 167-моддаси). Қонун банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ажрим устидан апелляция шикояти бериш учун қисқартирилган муддатни белгилайди, шунингдек, ЎзР ХПК да белгилан суд ҳужжатларига қараганда, бундай шикоятни кўриб чиқишнинг қисқа муддатини белгилайди. Бу эса ўз навбатида иш юритиш муддатини қисқартириш ва кредиторлар талаблари ўз вақтида қаноатлантириш мақсадини назарда тутди.

5. Бешинчи қисмда белгиланганидек, банкротлик тўғрисидаги ишдаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди апелляция инстанцияси томондан қабул қилинган ажримлар кассация ва назорат тартибида қайта кўрилмайди. Бундай қоида © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

шунингдек, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш муддатини қисқартириш ва кредиторлар талаблари ўз вақтида қаноатлантирилиши мақсадида амалга оширилган.

Хўжалик суди томонидан қабул қилинадиган ажримлар рўйхати ва улар устидан шикоят қилиш тартиби.

I. Шикоят қилиниши назарда тутилмаган ва шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажримлар:

— суд бошқарувчисига ҳақ тўлашни тасдиқлаш тўғрисида — Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисми;

— қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қўзғатиш тўғрисида — Қонуннинг 45-моддаси тўртинчи қисми, ЎзР ХПК 116-моддаси;

— кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида — Қонуннинг 45-моддаси учинчи қисми;

— экспертиза тайинлаш тўғрисида — Қонуннинг 48-моддаси еттинчи қисми;

— муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида, ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби тўғрисида — Қонуннинг 65-моддаси;

— муваққат бошқарувчига ҳақ тўлашни ўзгартириш тўғрисида — Қонуннинг 65-моддаси;

— муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида — Қонуннинг 65-моддаси;

— кузатув даврида қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида — Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошиси;

— кредитор талабини қарзларни тўлаш режасига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 84-моддаси иккинчи қисми;

— суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида — Қонуннинг 88-моддаси биринчи қисми;

— ташқи бошқарув муддатини қисқартириш ёки узайтириш тўғрисида — Қонуннинг 91-моддаси тўртинчи қисми;

— банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида — Қонуннинг 109-моддаси учинчи қисми;

— кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида — Қонуннинг 118-моддаси олтинчи қисмининг учинчи хатбошиси;

— муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида — Қонуннинг 118-моддасининг олтинчи қисми тўртинчи хатбошиси;

— ташқи бошқарувчи ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 118-моддасининг олтинчи қисми олтинчи хатбошиси;

— кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ўзгартириш ҳақида — Қонуннинг 120-моддаси учинчи қисми;

— тугатишга доир иш юритишда қарздор мол-мулкани сотиш тартиби ва муддатларини (жадвалини) тасдиқлаш ҳақида — Қонуннинг 135-моддаси учинчи қисми;

— тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида — Қонуннинг 143-моддаси иккинчи қисми, Қонуннинг 144-моддаси биринчи қисми;

— ЯТТ қарзларини узиш режасини тасдиқлаш ҳақида — Қонуннинг 176-моддаси иккинчи қисми;

— ЯТТ қарзларини узиш режасини ўзгартириш ҳақида — Қонуннинг 176-моддаси тўртинчи қисми;

— кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида — Қонуннинг 182-моддаси;

— банкротликнинг содалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида — Қонуннинг 189-моддаси бешинчи қисми.

II. ЎЗР ХПК да шикоят қилиш имконияти кўрсатилган ажримлар, шунингдек Қонуннинг 50-моддаси, 91-модданинг иккинчи қисми ва 124-модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ЎЗР ХПК да белгиланган умумий тартибда қайта кўрилиши мумкин бўлган суд ҳужжатлари:

— аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 45-моддаси бешинчи қисми, ЎЗР ХПК 117-моддаси;

— аризани қайтариш тўғрисида — Қонуннинг 45-моддаси олтинчи қисми, ЎЗР ХПК 118-моддаси;

— кредиторлар талабларини таъминлаш ва кредиторлар талабларини таъминлашни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 46-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари, 66-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси, 81-моддаси биринчи қисми тўққизинчи хатбошиси, 179-моддаси биринчи қисми, ЎЗР ХПК 76-моддаси;

— кредиторлар талабини таъминлашга доир чора-тадбирларни бекор қилиш тўғрисида — Қонуннинг 46-моддаси тўртинчи қисми, ЎЗР ХПК 80-моддаси;

— суд санациясини жорий этиш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошиси, 75-моддаси биринчи қисми, 75-моддаси учинчи қисми, 78-моддаси биринчи қисми, 157-моддаси учинчи қисми;

— суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошиси, 78-моддаси тўртинчи қисми;

— ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси, 75-моддаси биринчи қисми, 91-моддаси биринчи қисми, 141-моддаси тўртинчи қисми, 157-моддаси биринчи қисми;

— ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси, 91-моддаси тўртинчи қисми, 108-модда, 118-моддаси олтинчи қисми бешинчи хатбошиси, 158-моддаси ;

— банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми бешинчи хатбошиси, 56-модда, 75-моддаси биринчи қисми, 85-моддаси учинчи қисми иккинчи хатбошиси, 87-моддаси учинчи қисми иккинчи хатбошиси, 89-моддаси иккинчи қисми иккинчи хатбошиси, 118-моддаси олтинчи қисми иккинчи хатбошиси, 176-моддаси бешинчи қисми;

— қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошиси, ЎЗР ХПК 89-моддаси;

— келишув битимини тасдиқланиши ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида — Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми саккизинчи хатбошиси, 75-моддаси биринчи қисми, 145-моддаси бешинчи қисми;

банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида — Қонуннинг 57-моддаси биринчи қисми, 176-моддаси иккинчи қисми, 179-моддаси, ХПК 85-моддаси;

— тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги — Қонуннинг 124-моддаси учинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди.

III. Шикоят қилиш имконияти фақат қонунда кўрсатилган ва Қонуннинг 60-моддасида белгиланган тартибда қайта кўрилиши мумкин бўлган ажримлар:

— кредиторлар йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди;

— талабларни кредиторларнинг талаблари реестрига киритиш ёки мазкур реестрга киритишни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 48-моддаси бешинчи қисми, 70-моддаси тўртинчи қисми;

— суд бошқарувчиси аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган, шу жумладан ўзи билан кредиторлар ўртасида, ўзи билан қарздор ўртасида келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида;

— кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жараёнида мазкур Қонунга мувофиқ берилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги хусусида кредиторлар шикоятларини кўриб чиқиш натижалари бўйича;

— меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахсларга меҳнат ҳақи ва ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича талабларнинг миқдори ва таркиби хусусида суд бошқарувчиси ва қарздор ходимларининг

вакили ўртасида келиб чиққан келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича;

— кредиторлар, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакиллари томонидан уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузаётган суд бошқарувчиси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятларнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича — Қонуннинг 59-моддаси, 100-моддаси;

— суд санацияси даврида қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида — Қонуннинг 79-моддаси тўртинчи қисми;

— санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва ўз вазифасидан озод этиш тўғрисида — Қонуннинг 80-моддаси учинчи қисми;

— қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида — Қонуннинг 85-моддаси учинчи қисми;

— ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида — Қонуннинг 95-моддаси учинчи қисми;

— ташқи бошқарувчини ўз вазифасини озод этиш тўғрисида — Қонуннинг 96-моддаси биринчи қисми;

— кредиторлар эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича — Қонуннинг 100-моддаси иккинчи қисми;

— тугатиш бошқарувчисини тайинлаш тўғрисида (тугатиш бошқарувчисининг хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши билан тайинланган ҳолларда, қарорнинг тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ҳақидаги қисми) — Қонуннинг 126-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди;

— тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисида — Қонуннинг 135-моддаси учинчи қисми, 140-моддаси биринчи қисми;

— келишув битимини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисида — Қонуннинг 151-моддаси учинчи қисми;

— банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида — Қонуннинг 154-моддаси биринчи қисми;

— тугатиш массасидан чиқариладиган қарздор мол-мулкининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

61-модда. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини хабардор қилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади.

Кредиторлар судгача санация қилиш ўтказилишига рози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади.

Кредиторлар судгача санация қилиш ўтказилишига рози бўлмаган тақдирда банкротлик тўғрисидаги иш муҳокамаси ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда устав фондида давлат улуши бор бўлган қарздорни банкротлиги тўғрисидаги иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

1. Корхона устав фондида давлат улуши бўлса, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органини банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. ЎЗР ХПК 153-моддасига кўра, иш қўзғатилиши ҳақидаги суд ажри-ми беш кун мобайнида томонларга ва давлат органига бир пайтда юборилиши керак.

2. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида хўжалик судига судгача санация қилиш ўтказилиши мақсадга мувофиқлиги ёки эмаслиги хусусидаги ўз қарорини маълум қилади. Шу билан бирга банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори банкротлик тўғрисидаги иш юритишни ўз-ўзидан тугатилишини англамайди.

3. Кўриб чиқиладиган модданинг учинчи қисми маъносига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг судгача санация қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарори муваққат бошқарувчи томонидан қақриладиган кредиторлар йиғилишида кўрилиши лозим. Амалиётда бу шунинг англатадики, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи судгача санациясини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолда, кузатув пайтида бу масалани биринчи кредиторлар йиғилиши эътиборига тақдим этиши лозим. Биринчи кредиторлар йиғилиши судгача санация қилишга розилик берса, ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик суди томонидан тугатилади.

4. Кредиторлар йиғилиши судгача санация қилишга розилик бермаган ҳолларда, банкротлик тўғрисидаги иш суд томонидан Қонунда белгиланган умумий тартибда муҳокама этилади.

IV БОБ. КУЗАТУВ

Шарҳланаётган боб кузатув таомилини белгилайди.

Кузатув қарздор мол-мулки сақланишини таъминлаши, шунингдек унинг молиявий аҳволини таҳлил этиш мақсадида жорий этилади. Кузатувнинг маъноси: қарздорга уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингандан эътиборан банкротликнинг кейинги таомили жорий этилгунга қадар ўз мол-мулкани бошқаришни тақиқлаш ва шунингдек кредиторлар томонидан мустақил талаблар қўйишини чеклаш ва бундай имкониятни фақат банкротлик тўғрисидаги иш доирасида яратишдан иборат. Ушбу янги институт 2003 йилги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши билан киритилган. Кузатувни жорий этиш ҳақидаги ажрим қабул қилинганда муваққат бошқарувчи тайинланади. Кузатувни жорий этиш ҳақидаги ажрим қабул қилиниши билан ундиришни қарздор мол-мулкига қаратиш бўйича ижро ҳужжатларининг ижроси вақтинчалик тўхтатилади, иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар ва ҳ.к. каби махсус талаблар бундан мустасно, йирик келишувлар, кўчмас мулк билан боғлиқ келишувлар эса фақат муваққат бошқарувчи розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Қоидага кўра, кредиторлар ўз талабларини фақат кузатувдан кейин келувчи банкротлик таомиллари доирасида ариза бериш орқали қаноатлантирилишига эришишлари мумкин. Муваққат бошқарувчи мол-мулк сақланишини таъминлаш мақсадида кузатув мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳаракатларни олдини олиш учун қўшимча чоралар қабул қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Муваққат бошқарувчи кредиторларни аниқлайди, кредиторлар талаблари реестрини тузади, уларга кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар беради, кредиторларнинг биринчи йиғилишида ўтказилган инвентаризация, молиявий таҳлил ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти ҳақидаги ўз хулосасини тақдим этади.

Умумий қоидага кўра, кузатув уч ойлик муддатга жорий этилади ва хўжалик суди томонидан одатда кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида суд ҳужжати қабул қилиниши билан тугатилади, яъни: қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни ёки қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида; суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим; келишув битими тасдиқланиши ва ҳ.к.

62-модда. Кузатувни жорий этиш

Кузатув банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади, ушбу Қонунга мувофиқ банкротликнинг бошқа таомили қўлланилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно. Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган тақдирда хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримида кузатув жорий этилганлиги кўрсатилади.

Мазкур моддада қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани суд томонидан иш юритишга қабул қилиниши билан бир вақтда мажбурий кузатувни банкротлик таомили сифатида жорий этиш тушунчаси берилади.

Шарҳланаётган модда, кузатув хўжалик суди банкротлик таомилини бошлаш тўғрисидаги аризани қабул қилиши билан жорий этилишини белгилаб беради.

Кузатувни жорий этиш масаласи алоҳида процессуал ҳужжат — ажрим чиқарилиши билан ҳал этилиши мумкин. Ажримдан алоҳида тарзда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш тўғрисида ва ишни судда кўришга тайёрлаш ёки кузатувни жорий этиш ҳақида аризани иш юритувига қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Муваққат бошқарувчини тайинлаш ҳақидаги ажрим у ёки бу ҳолат сабабли масалан, муваққат бошқарувчи ўрнига номзод йўқлиги сабабли аризани иш юритишга қабул қилганлиги тўғрисидаги ажрим билан бир вақтда қабул қилинишининг иложи бўлмаган ҳолда, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай муваққат бошқарувчини тайинлаш ҳақида алоҳида ажрим чиқариши мумкин (Қонуннинг 48-моддаси иккинчи қисми). Шунинг назарда тутиш керакки, кузатув муддати қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажрим қабул қилиниш санасидан эмас, балки кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан ҳисобланади.

Кузатув қарздор-ЯТТга нисбатан Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ва юридик шахсларга нисбатан соддалаштирилган банкротлик таомиллари қўлланилганда (Қонуннинг 186-моддаси иккинчи қисми, 189-моддаси иккинчи қисми) амалга оширилмайди.

Кузатув муддати Қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари билан аниқланади, яъни ушбу таомилнинг муддати уч ойдан кўп бўлмаган муддатни ташкил этади. Агарда ишни кўриб чиқиш муддати Қонуннинг 49-моддасига кўра узайтирилган бўлса, тегишлича кузатув муддати ҳам узайтирилади.

63-модда. Кузатувни жорий этиш оқибатлари

Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан:

мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тўхта-тиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш бундан мустасно. Хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажрими ижро ҳужжатларини ижро этишни тўхтатиб туриш учун асос бўлади;

қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади;

муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда ушбу Қонуннинг 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилса, йўл қўйилмайди.

Қарздордан пул маблағларини олиш тўғрисидаги талаблар қарздорга талаблар қўйишнинг фақат ушбу белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда қўйилиши мумкин.

1. Мазкур модда қарздорга нисбатан кузатув таомилини жорий этишнинг ҳуқуқий оқибатларини белгилайди. Бу оқибатлар хўжалик суди томонидан кузатувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилиши билан вужудга келади.

Шарҳланаётган модданинг талабларига мувофиқ қуйидаги оқибатлар кучга киради:

1. Мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатлари бажарилиши тўхтатилади. Ушбу ҳолатда ижро тўхтатилади деганда қўзғатилган ва бошланган ижро ишини юритиш ва шунингдек, қўшимча (янги) ижро ишини қўзғатишни тақиқлаш назарда тутилади. Ушбу норма «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасининг 2-бандига мувофиқлаштирилган. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ва кузатувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими ижро ҳужжатлари бажарилиши тўхтатиш учун асос ҳисобланади.

Хўжалик суди кўриб чиқиши натижасида қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинса, ушбу қисм қоидаларига кўра тўхтатилган ижро ҳужжатларининг бажарилиши қайта бошланади.

Таъкидлаш жоизки, кредиторларнинг маълум тоифалари ижро ҳужжатлари бажарилишини тўхтатадиган умумий қоидага бўйсунмайди. Суд қарори хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишидан олдин кучга кирган деган шарт бажарилган ҳолда, бундай суд қарорлари асосида берилган ижро ҳужжатлари куйидаги талабларга нисбатан бажарилиши мумкин:

иш ҳақини тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги талаблар;

муаллифлик шартномалари бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги талаблар;

алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги талаблар;

ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар;

маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги талаблар.

Ушбу рўйхатни пул билан боғлиқ бўлмаган (номулкий) талабларни қаноатлантиришни назарда тутувчи ҳужжатлар бўйича бажариш талаблари билан тўлдириш мантиқий ва асосланган бўлар эди, чунки пул билан боғлиқ бўлмаган (номулкий) талаблар бўйича кредиторлар банкротлик тўғрисидаги Қонун таърифига мувофиқ «кредиторлар» деб ҳисобланмайди ва улар қарздордан бу талаблар бўйича мажбуриятлар бажарилишини банкротлик таомили доирасидан ташқари талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш керакки, ижро ҳужжати бажарилишини тўхтатилиши бўйича шарҳланаётган қисмнинг қоидалари амал қилинишига кирмайдиган талаблар бўйича ҳам тугатишга доир иш юртишда барибир уларни ундириш бўйича ижро этиш 125-модданинг биринчи қисмига кўра тўхтатилади, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги, маънавий зиённи қоплаш, мулкни ўзгаришнинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш талаблари бундан мустасно.

II. Қарздор-юримдик шахс муассислари (иштирокчилари)нинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улуш (пай)ни ажратиш ҳақидаги талабларини қаноатлантиришни таъқиқлаш. Қарздор — юримдик шахс муассислари (иштирокчилари) қаноатлантиришни фақат Қонуннинг 134-моддаси ўн биринчи қисмида кўрсатилган ҳолдагина олиши мумкин. Шунингдек таъкидлаш жоизки, 64-модданинг учинчи қисми еттинчи хатбошисига мувофиқ, қарздор бошқарув органи акциядор-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ларидан олдин чиқарилган ҳиссаларни сотиб олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Қарздор—юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) уларнинг мақомини учинчи шахсларга бериб юборишлари ҳамда шу йўл билан ушбу мақомдан чиқишлари мумкин.

III. Эмиссия қимматбаҳо қоғозлар бўйича дивиденд ва бошқа тўловлар амалга оширишни тақиқлаш. Ушбу қоида шарҳ талаб этмайди, чунки императив равишда қарздор активларини қарздор ҳиссалари ва бошқа эмиссия қимматбаҳо қоғозлари бўйича дивидендлар тўлаш орқали камайтиришни тақиқлайди. Шарҳланаётган қисм қоидасига асосан, шуни таъкидлаш керакки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси қабул қилинишидан аввал вужудга келган чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш ҳақидаги талаблар бешинчи навбатда уларни билдириш орқали қонунда кўрсатилган тартибда (134-модданинг олтинчи қисми) қаноатлантирилиши мумкин ҳамда 64-модданинг учинчи қисмига кўра кузатув жорий этилганда қарздор бошқарув органи чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар бўйича дивиденд ва бошқа тўловлар амалга ошириш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

IV. Муқобил бир хилдаги талабларни ҳисобга олишни қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатиш усули сифатида ушбу Қонуннинг 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилган тақдирда тақиқлаш. Шарҳланаётган қисм Қонуннинг 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилишига олиб келувчи муқобил бир хилдаги талабларни ҳисобга олишни тақиқлайди. Мазкур тақиқ кредиторлар орасида тенгликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Кредиторлар орасида тенгликни таъминлаш нуқтаи назаридан, фикримизча, талабни қаноатлантиришга фақат билдирилган талабларни қондиришнинг навбати ва нисбати принципига риоя этилган тақдирда йўл қўйилишини белгиловчи Қонуннинг 138-моддаси бешинчи қисми нормаси нафақат тугатишга доир иш юритишда, балки банкротликнинг бошқа таомилларида ҳам қўлланилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, банкротлик таомилларида ҳисобга олиш нафақат 134 ва 169-моддалар томонидан қаноатлантириш навбати бузилиши сабабли, балки шу қаноатлантириш навбатида бошқа кредиторлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳам тақиқланади. Тақиқланишига қарамай бундай ҳисобга олиш амалга оширилса, контрагент қарздорга тегишли барчасини қайтариб бериши керак ва талаблар реестрига киритилган кредитор бўлиши лозим, ёки жорий кредитор (қарздорнинг талабни ижро этиши муддатига қараб) бўлиши шарт. Бу қоида Қонуннинг қарздорга тегишли элементини кучайтиради, яъни ҳисобга олишни ман қилиш қарздор

манфаатига жавоб беради ҳамда кредиторлар манфаатига мос келмайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги қоидалар бузилган ҳолларда, қарздор тўланган маблағларнинг қайтарилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, мазкур модданинг биринчи қисми бешинчи хатбоши талаблари бузилган тақдирда эса, мазкур битимни ҳақиқий эмас деб топиш зарурияти пайдо бўлади, чунки у низоли ҳисобланади. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан қарздорнинг ўзи ёки муваққат бошқарувчи мустақил даъво билан банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарига чиқиши мумкин. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 26-бандида қайд этилган.

Ушбу қисмда кўрсатилган оқибатлар кузатув тамомланганидан кейин ҳам ҳамда суд санацияси ёки ташқи бошқарув жорий этилганда ҳам давом этади деб тушуниш керак.

2. Шунингдек, мазкур модда қарздордан пул маблағларини олиш бўйича талаблар фақат қарздорга нисбатан талаблар қўйиш бўйича Қонунда кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди. Қонуннинг мазкур қоидаси қарздорнинг пул мажбуриятларига ҳам, шунингдек мажбурий тўловларга ҳам тегишли ҳисобланади. Агарда талабни ижро этиш муддати кузатув таомилини жорий этиш санасидан олдин бошланган бўлса, у фақат Қонуннинг 70-моддасида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда қўйилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур қоида Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ фақат пул талаблари ва мажбурий тўловларга тегишли бўлади.

Ушбу ўринда шуни назарда тутиш керакки, талаблари гаров билан таъминланган кредиторлар ҳам, ижро варақаларига эга барча қолган кредиторлар ҳам (мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган шахслар бундан истисно) ўз талабларини Қонуннинг 70-моддасида назарда тугилган тартибда билдиришлари шарт.

Кузатув жорий этилганда кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида яқка тартибда мурожаат этишга ҳақли бўлмайдилар. Кредиторлардан ҳўжалик судига даъво аризаси келиб тушган бўлса, ЎЗР ХПК 117-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қабул қилиш рад этилади, даъво тартибида қўрилаётганда жавобгарга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганда, ЎЗР ХПК 86-моддасининг биринчи бандига асосан ҳўжалик низоси бўйича иш юритиш тугататилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 6-бандида қайд этилган.

Шундай қилиб, Қонун уларни келгусидаги банкротлик ишида эгаллаши лозим бўлган ҳолатга тушишга мажбур қилади, яъни ин-
© ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

дивидуал ҳуқуқлар жамоавий ҳуқуқлар билан алмаштирилади. Кузатувни жорий қилиш ўз олдида қарздорнинг мол-мулкни банкротликнинг кейинги таомилларигача сақлашни мақсад қилиб қўйиши муносабати билан, кузатув пайтида талабларнинг қаноатлантириши ҳатто 134-моддада кўрсатилган навбатга риоя қилинганда ва қарздор қисман қаноатлантиришга розилик билдирганда ҳам йўл қўйилмайди. Кузатув таомилида қарздор томонидан кредиторлар талабини ўз ихтиёри билан қаноатлантириш фақат барча кредиторлар олдидаги қарздорлик бир пайтда тўланадиган ҳоллардагина мумкин бўлади.

64-модда. Кузатув жараёнида қарздор ваколатларининг чекланиши

Кузатувнинг жорий этилиши қарздорнинг раҳбарини ҳамда қарздорнинг ушбу модданинг ва қисмларида белгиланган чекловлар билан ўз ваколатларини амалга оширишни давом эттираётган бошқа бошқарув органларини четлаштириш учун асос ҳисобланмайди.

Қарздорнинг бошқарув органлари:

кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш билан ёки шу мол-мулкни бошқа усулда тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас:

Қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарор; юридик шахсларни тузиш ҳақидаги ёки бошқа юридик шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қарор;

ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

дивидендлар тўлаш ёки қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги қарор; қарздор томонидан облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги қарор, акциялар чиқариш ҳақидаги қарор бундан мустасно;

илгари чиқарилган акцияларни акциядорлардан сотиб олиш тўғрисидаги қарор.

Шарҳланаётган модда кузатув доирасида қарздор учун чекловлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни белгилайди. Чекловлар бошқарув органи ва қарздорнинг раҳбари учун белгиланади.

1. Кузатув таомили жараёнида бошқарув органи ва қарздорнинг раҳбари одатда четлатилмайди, балки ўз вазифасини амалга оширишни давом эттираверади.

Иккинчи тарафдан, шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида қарздорнинг бошқарув органи томонидан муайян бир битимларни тузишида чекловлар белгиланган. Кузатувдан назарда тутилган мақсад қарздорнинг мол-мулкани сақланишини таъминлаш ва шу мақсадда шарҳланаётган модданинг иккинчи ва учинчи қисми қарздорни ўз мол-мулкани мустақил тасарруф этишни чеклайди.

Модда чекловнинг икки тоифасини ажратади:

— фақат муваққат бошқарувчининг розилиги билан бошқарув органи ёки қарздорнинг раҳбари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатлар (иккинчи қисм);

— қонун билан белгиланган тақиқлар туфайли бошқарув органи ёки қарздорнинг раҳбари амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳаракатлар (учинчи қисм).

Таъкидлаш жоизки, агар қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлатилса ва унинг мажбуриятлари хўжалик суди томонидан муваққат бошқарувчи зиммасига юклатилган тақдирда, мазкур модданинг учинчи қисмида кўрсатилган чекловлар унга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида муваққат бошқарувчининг розилиги олиниши лозим бўлган битимлар санаб ўтилади. Шу ўринда мазкур модда императив талабни, яъни мазкур розилик ёзма шаклда берилиши кераклигини белгилайди. Муваққат бошқарувчи қарздор томонидан «Банкротлик тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 64-моддасига мувофиқ, қарорлар қабул қилишга ёзма равишда розилик (рад жавоби) беради (Суд бошқарувчилари тўғрисида Низомнинг 6-банди (ЎзР ВМ нинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарорига №1 илова). Бундай розиликнинг мавжуд бўлмаслиги битимнинг суд томонидан битим тузиш учун ваколатининг чекланганлиги асосида ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади (ФКнинг 126-моддаси). Шундай қилиб, ҳуқуқ лаёқати чекланган юридик шахснинг ҳуқуқлари муваққат бошқарувчининг ҳаракатлари билан тўлдирилади деб хулоса қилиш мумкин. Кўрсатилган битимлар юзасидан низолашиш ҳуқуқига муваққат бошқарувчи (66-модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошиси) ва шунингдек, қарздорнинг ўзи ҳам эга бўлади.

Бундай битимларга:

— кўчмас мулкни ижарага, гаровга бериш ёки шу мол-мулкни бошқа усулда (ушбу ўринда кўчмас мол-мулкни ҳар қандай бегона-

лаштириш назарда тутилади) тасарруф этиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ битимлар киради. Кўчмас мол-мулк бўйича битим тузиш учун ушбу мулкнинг қийматидан қатъий назар муваққат бошқарувчининг розилиги талаб қилинади. Чунки ушбу мол-мулк муҳим мулклар қаторига киради;

— қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар. Шарҳланаётган қисмнинг учинчи хатбошиси қоидаси ҳам қарздор мол-мулкни сақлашни назарда тутди ва қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкни қарздор томонидан тасарруф этилиши учун муваққат бошқарувчининг розилик бериш мажбуриятини белгилайди. Мазкур қоида шунинг учун муҳимки, муваққат бошқарувчининг қарздори ҳар қандай мол-мулкни тасарруф этишга, хусусан кичик қийматга эга бўлган мол-мулкларни тасарруф этишга розилик билдириши кузатув жараёнида қарздорнинг ҳўжалик фаолиятини бир маромда ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу ўринда «қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроқ» мезонига тўхталадиган бўлсак, мол-мулк қиймати қайси вақт учун ҳисобга олиниши ҳақидаги масала аниқлаштирилмай қолган. Зеро, амалиётда бу бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Фикримизча, мазкур мезонни битим тузиш вақтида мавжуд бўлган қарздор активларидан келиб чиқиб белгилаш лозим. Қонуннинг мазкур талаби, мазкур қисмнинг иккинчи хатбоши билан назарда тутилган кўчмас мол-мулклар билан боғлиқ битимлар учун қўлланилмайди, чунки кўчмас мол-мулклар билан боғлиқ битимлар учун, унинг қийматидан қатъи назар муваққат бошқарувчининг розилиги битимларни тузишга тақиқ белгилаган;

— заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

Шарҳланаётган қисм юқорида қайд қилинган битимларни тузиш учун, бу битимлар қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этишини англамасда, муваққат бошқарувчининг розилигини талаб қилади, чунки мазкур битимларни кузатув таомилида тузилиши кейинчалик қарздор мол-мулкнинг камайишига олиб келиши мумкин.

3. 64-модданинг учинчи қисмида кузатув таомили вақтида қарздорнинг бошқарув органлари қабул қилишга ҳақли бўлмаган қуйидаги қарорлар санаб ўтилади:

Қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарор; юридик шахсларни тузиш ҳақидаги ёки бошқа юридик шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қарор;

ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

дивидендлар тўлаш ёки қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги қарор. Мазкур норма бошқа эмиссия қоғозлари бўйича тўловларни амалга оширишни тақиқловчи 63-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбоши билан мувофиқлаштирилган ва бундан шуни англаш мумкинки, кузатув жараёнида ҳам, шунингдек олдин ёзилган дивидендлар бўйича ҳам дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлмайди;

қарздор томонидан облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги қарор, акциялар чиқариш ҳақидаги қарор бундан мустасно. Мазкур норма қарздорга ўзининг молия ишларини соғломлаштириш мақсадида акцияларнинг қўшимча эмиссияларини ўтказиш имконини беради. Шубҳасиз, Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, агар Қонуннинг 134-моддасидаги навбат бузиладиган бўлса, муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга йўл қўйилмайди. Бироқ, акцияларнинг қўшимча эмиссияларини ўтказиш жараёнида қўшимча акцияларни кредиторлик қарзларига айирбошлашга йўл қўйилади. Эмиссия шундай тарзда ўтказилиши керакки, кузатув жараёнининг тамомланишига қадар қўшимча акцияларни чиқариш ва акциядорлик жамиятларининг таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилиши лозим. Ўз навбатида, мазкур жараёнларни бажариш кузатувни беш ойлик муддатгача узайтиришга асос бўлиб хизмат қилади;

илгари чиқарилган акцияларни акциядорлардан сотиб олиш тўғрисидаги қарор. Ўз моҳиятига кўра, мазкур норма қарздор-юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларни қаноатлантиришни тақиқловчи 63-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошидаги талабларнинг давоми ҳисобланади. Бироқ, қарздор-юридик шахс муассислари (иштирокчилари) мазкур ҳуқуқий мақомни ушбу юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ҳисобланмайдиган учинчи шахсларга ўтказиши ва бунинг учун ҳақ олиб, шу орқали мазкур ҳуқуқий мақомдан чиқиши мумкин.

65-модда. Муваққат бошқарувчини тайинлаш

Муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланади.

Хўжалик судининг муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримида унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилган бўлиши керак.

Муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Муваққат бошқарувчининг уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлангандан тақдирда хўжалик суди кредиторлар таклиф этган номзодлар орасидан янги муваққат бошқарувчини тайинлайди. Муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, хўжалик суди муваққат бошқарувчини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклиф этган номзодлар орасидан тайинлайди. Муваққат бошқарувчи янги муваққат бошқарувчи тайинлангунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттиради.

Шарҳланаётган моддадан назарда тутилган мақсад кузатув таомили жараёнида қарздорнинг раҳбари ва бошқарув органининг фаолияти устидан назоратни ҳамда қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширадиган муваққат бошқарувчисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашдир.

1. Шарҳланаётган модда, муваққат бошқарувчи кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан хўжалик суди томонидан тайинланишини белгилайди. Ушбу ўринда шуни ҳам назарда тутиш керакки, агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредиторлар томонидан эмас, балки, масалан, 8-модданинг биринчи қисми ва иккинчи қисмига мувофиқ, қарздор ёки тугатиш комиссияси томонидан берилган бўлса, ушбу аризачилар ҳам муваққат бошқарувчи номзодини таклиф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мол-мулки мавжуд бўлган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилинганда, аризачи унда муваққат бошқарувчининг номзодини кўрсатади. Аризада муваққат бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда хўжалик суди аризачидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органидан тегишли номзодни тақдим этишни талаб қилади (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг

27.01.2006 йилги 142-сонли қарори 8-банди). Мазкур ҳолатда Қонун бу борада аризачига ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига бир хил ҳуқуқ берган бўлсада, лекин шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми аналогиясига кўра, аризачининг бу ҳақдаги таклифига устиворлик бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради ва ажримда унга тўланадиган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби кўрсатилади. Мазкур норма Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмидаги қоидалардан истисно бўлган ягона норма ҳисобланиб, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш ва унинг тартиби кредиторлар йиғилиши қарори билан белгиланади ва хўжалик суди томонидан тасдиқланади. Бу эса ўз навбатида, кузатув таомилининг бошланишида Қонун билан бу хилдаги қарорлар қабул қилишга ваколатли бўлган кредиторларнинг жамоа органи мавжуд бўлмаслиги билан изоҳланади.

Ушбу ўринда шунини таъкидлаш жоизки, мазкур қисмга мувофиқ, хўжалик суди томонидан белгиланган муваққат бошқарувчига тўланадиган дастлабки ҳақнинг миқдори шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра кредиторлар мажлисининг қарорига асосан хўжалик суди томонидан ўзгариши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкинлигини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, кузатув жараёнида хўжалик суди муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг вақтинчалик ҳисобланган миқдорини белгилайди. Шарҳланаётган қисмнинг нормаси хўжалик суди томонидан белгиланган муваққат бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг дастлабки миқдори кредиторлар йиғилишининг қарори асосида қарздорнинг молиявий ҳолати ва муваққат бошқарувчи бажарадиган иш кўламига номуаносиб ўрнатилган деб топган ҳолда тўланадиган ҳақ қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини белгилайди. Бу шунингдек, суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 59-бандида ҳам назарда тутилади (ЎЗР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига №1 илова).

4. Модданинг тўртинчи қисми муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини белгилайди. Ундан ташқари, муваққат бошқарувчи томонидан ўз мажбуриятини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида қарздор ёки кредиторларнинг зарар кўришига олиб келса, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар, Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли бўладилар.

Шунингдек, Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган ҳолларда, муваққат бошқарувчи тайинланганидан кейин банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Муваққат бошқарувчини ўз вазифани бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд (Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисми шарҳига қаранг).

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми муваққат бошқарувчи вазифасидан озод этилган тақдирда янги муваққат бошқарувчини тайинлаш тартибини белгилайди. Унга кура кредиторлар янги муваққат бошқарувчи номзодини тавсия этадилар, агар тавсия этмасалар, бундай ҳуқуқ банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига берилади. Кўриб турганимиздек, муваққат бошқарувчини тайинлаш бўйича номзодларни таклиф этишда дастлабки ташаббус кредиторлар тарафида бўлади. Агар кредиторлар йиғилиши шаклланмаган бўлса, янги муваққат бошқарувчининг номзодини аризачи ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи таклиф этиши мумкин.

Мазкур қисм муваққат бошқарувчини уни ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлангирилган тақдирда оқоридаги тартиб қўлланилишини белгилайди. Ушбу ўринда шуни тушуниш керак бўладики, мазкур қисм нормаси хўжалик суди муваққат бошқарувчини бошқа асослар билан, масалан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар муваққат бошқарувчини 18-модданинг учинчи қисми ва 21-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидага илтимоснома билан озод қилганида ҳам қўлланиши мумкин.

Муваққат бошқарувчини тайинлаш, ўз вазифасини бажаришдан озод этиш ва алмаштириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин эмас, зеро Банкротлик тўғрисидаги қонунда ҳам ва ЎзР ХПКда ҳам бу назарда тутилмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-банди бешинчи қисмига эътибор берадиган бўлсак, санация қилувчи, ташқи ва тугатиш бошқарувчисини тайинлаш (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажримлар устидан шикоят қилинади (протест келтирилади). Лекин унда муваққат бошқарувчини тайинлаш (озод қилиш, алмаштириш) тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш кўрсатилмаган. Хўжалик суди томонидан озод қилинган муваққат бошқарувчи ўз мажбуриятларини то янги муваққат бошқарувчи тайинлангунга қадар давом эттиради.

66-модда. Муваққат бошқарувчининг ҳуқуқлари

Муваққат бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек қарздор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйиш;

ушбу Қонуннинг 63-моддасида назарда тутилган ҳолларда кузатув даврида кредиторларнинг талабларини бажаришга эътироз билдириш; кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг тақдим этилган эътирозлари асослилиги судья томонидан текширилишида иштирок этиш;

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилмаган битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш;

қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва ҳужжатларни олиш.

Муваққат бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органи муваққат бошқарувчининг талабига биноан унга қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда муваққат бошқарувчининг ҳуқуқларини белгилаб беради. Мазкур моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми қоидаларига мувофиқлаштирилган.

1. Муваққат бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек қарздор томонидан мазкур қонуннинг 63, 64-моддаларида, шунингдек фуқаролик ва бошқа қонунчиликда белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаб қўйиш. Шунинг билан бирга, мазкур модда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ талабларни банкротлик тўғрисидаги иш доирасидаги ёки оддий низоли тартибда қўйиш мумкинми деган саволга жавоб бермайди. Мазкур муаммо Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори билан ҳал этилган. Қарорнинг 26-бандида суд бошқарувчисининг қарздор томонидан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек унинг © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги талаблар ЎзР ХПКда белгиланган умумий тартибда банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида кўриб чиқилади;

— ушбу Қонуннинг 63-моддасида назарда тутилган ҳолларда кузатув даврида кредиторларнинг мажбуриятларни бажариш талаблари бўйича эътироз билдириш. Бу ерда гап Қонуннинг 63-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган чекловларнинг бузилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун кредитор талабларини кўриб чиқиш ҳақида кетмоқда;

— кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг тақдим этилган эътирозлари асослилиги судья томонидан текширилишида иш тирок этиш. Мазкур ваколат кредиторлар талабларини белгилаш, шунингдек кредиторлар томонидан асосиз талаблар қўйилган тақдирда қарздор манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берилган;

— қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилмаган битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш. Мазкур норма 46-модданинг иккинчи қисмига мувофиқлаштирилган. Модданинг мазкур қисмида сўз, муваққат бошқарувчининг ташаббуси билан қарздорнинг мол мулкни бут сақланишини таъминлаш масаласи хўжалик суди томонидан қабул қилинган қарздорнинг ҳаракатларидаги турли хил чекловлар ҳақида кетмоқда. Мазкур ҳолатда қарздор суд томонидан қабул қилинган чекловларни бузадиган бўлса ва битимлар тузадиган бўлса, улар ҳам низоли ҳисобланади ва суд томонидан муваққат бошқарувчининг аризасига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин;

— қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш. Қарздорнинг раҳбари ўз мажбуриятларини бажаришдан фақат суд томонидан муваққат бошқарувчининг илтимосномаси асосида (суд ташаббуси билан эмас) фақат суд бошқарувчиси илтимосномасида асос қилиб кўрсатиладиган қарздорнинг раҳбари томонидан Қонун талабларини бузилиши оқибатидагина четлатилиши мумкин. Қонуннинг талабларини бузиш деганда, мазкур қарздорнинг раҳбари томонидан 63-модданинг биринчи қисми учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиси ва 64-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари бажарилмаслиги, қарздорнинг молиявий аҳолини таҳлил этиш учун бухгалтерлик ҳужжатларини бермаслик йўли билан муваққат бошқарувчининг ўз зиммасидаги мажбуриятлари бажаришга тўсқинлик қилиши (шарҳланаётган модданинг учинчи қисми) ва бошқалар тушунилади. Шарҳланаётган модда қарздорнинг раҳбарини озод қилиш

тўғрисидаги муваққат бошқарувчининг илтимосномаси қаноатлан-тирилган ҳолларда қарздор раҳбарининг мажбуриятлари юклатила-диган шахслар доирасини белгилаб бермаган. Мазкур ҳолатда, фик-римизча суд қарздорнинг бошқарув органига қарздорнинг янги раҳ-барини тайинлаш ёки раҳбар мажбуриятларини бажаришни мувақ-қат бошқарувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга. (Қонунда бу ҳақда тўғридан-тўғри гапирилмасада, лекин бундай қонидани Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январ-даги 142-сонли қарорининг 32-бандида англашимиз мумкин. Унга кўра, агар кузатиш таомилида қарздор раҳбарининг ваколатлари суд ажрими билан тугатилган ва муваққат бошқарувчининг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда қарздор номидан келишув битими амалда қарздорнинг раҳбари ҳисобланган муваққат бошқарувчи томонидан имзоланади;

— қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва ҳужжатларни олиш. Муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш учун муҳим бўлган қарздор фаоли-яти тўғрисидаги барча маълумотларни олиш билан боғлиқ бўлган муҳим қоида. Мазкур норма қарздорнинг бошқарув органи муваққат бошқарувчининг талабларига мувофиқ қарздорнинг фаолиятига та-аллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этишга мажбур эканлиги ҳақидаги шарҳланаётган модданинг учинчи қисми мувофиқ келади. Бу шунингдек қарздорнинг фаолияти билан боғлиқ махфий ахбо-ротларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади, шу ўринда муваққат бошқа-рувчига қарздор манфаатларига зиён етказмаслик мақсадида ахбо-ротларни сир сақлаш бўйича жавобгарлик юклатилади. Акс ҳолда қарздор, Қонуннинг 21-моддасида унга берилган ҳуқуқларга кўра, муваққат бошқарувчи ўз мажбуриятини бажаришдан четлатишни та-лаб қилишга ҳамда махфий ахборотларни ошкор қилганлиги оқиба-ти етказилган зарарни ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

2. Муваққат бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Муваққат бошқарувчининг нис-батан кенг доирадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎзР ВМ томонидан 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган (1-илова).

3. Қарздорнинг бошқарув органи муваққат бошқарувчининг талабларига биноан унга қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиши шарт. Қарздорнинг бошқарув органи-ларининг қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот тақдим этиш мажбурияти муваққат бошқарувчи мазкур ахборотлар-ни олиш ва ўз фаолияти давомида фойдаланиш ҳуқуқи билан бево-сита боғлиқдир. Қарздорнинг бошқарув органи томонидан муваққат бошқарувчининг талабларини бажаришни рад этилган тақдирда му-

ваққат бошқарувчи судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, агар қарздорнинг раҳбари Қонуннинг 63-моддаси билан тақиқланган ноқонуний битим тузиб, бу ҳақда сўралган ахборотни тақдим этмаса, муваққат бошқарувчи шарҳланаётган модданинг биринчи қисми олтинчи хатбошисига мувофиқ қарздорнинг раҳбарини ўз вазифасини бажаришдан четлатиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Агар муваққат бошқарувчининг ўз ваколатларини бажариш учун бошқа давлат органларидан ахборотларни олиш талаб этилса, зарур ахборотга эга бўлиш мумкин бўлган бошқа ваколатли органларга сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (юқорида кўрсатилган суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 9-банди).

67-модда. Муваққат бошқарувчининг мажбуриятлари

Муваққат бошқарувчи:

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши;

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши;

қарздорнинг кредиторларини аниқлаши, кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши, қарздорга нисбатан қузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши;

кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши шарт.

Муваққат бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Муваққат бошқарувчи қузатув тугагандан кейин, лекин хўжалик суди мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда хўжалик судига ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда муваққат бошқарувчининг мажбуриятларини белгилаб беради. Мазкур моддада назарда тутилган нормалар Қонуннинг 19-моддаси учинчи қисмидаги қоидаларга мувофиқлаштирилган.

1. Шундай қилиб, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ, муваққат бошқарувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

— қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши. Муваққат бошқарувчи қарздорнинг мол-мулкани бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (шу жумладан Қонуннинг 64-моддаси иккинчи қисмидаги унинг розилигисиз бошқа шахсга ўтказилган мол-мулкни);

— мол-мулкни камайиши (ўзлаштирилиши)га йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида қарздорнинг битимларини назорат қилиш, шунингдек қарздорнинг бошқарув органлари томонидан Қонуннинг 64-моддаси учинчи қисми билан тақиқланган қарорлар қабул қилинишини назорат қилиш, қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида арз билдириш ва бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ва ҳ.к.;

— қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлилдан ўтказиши. Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш муваққат бошқарувчи ёки муваққат бошқарувчи томонидан қарздор ҳисобидан жалб этилган аудитор (аудиторлик компанияси) томонидан олиб борилиши мумкин (Қонуннинг 19-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбоши-си, ЎЗР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига 1-илова «Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом»нинг 7-банди) Ушбу ўринда аудитор (аудиторлик компанияси)ни жалб этишдан кўзланган асосий мақсад кузатув таомилининг мақсади бўлмиш — қарздорнинг келгусидаги ривожланиш истиқболи, яъни қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ёки банкротликнинг тугатиш таомилини мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги саволларга жавоб олишдан иборат бўлади. Ундан ташқари, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун мутахассисларни жалб қилар экан, муваққат бошқарувчи қарздорнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча маълумотларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади (Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисми еттинчи хатбошига мувофиқ). Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тартиби ва мақсади қонуннинг 69-моддаси нормалари ва ЎЗР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига 1-илова «Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом»и билан белгиладинади);

— қарздорнинг кредиторларини аниқлаш. Муваққат бошқарувчининг мазкур мажбурияти қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мажбурияти билан, шунингдек қарздорнинг кредиторлари биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек, муваққат бошқарувчи қарздорнинг кредиторлари талабларини белгилаш буйича иш ҳам олиб бориши лозим, яъни уларнинг асосли ёки асоссиз эканлигини ўрганиши ва Қонуннинг 70-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда судга уларнинг асоссизлиги ҳақида эътирознома тақдим этиши лозим;

— кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш. Мазкур норма Қонуннинг 14-моддаси биринчи қисми ва 19-модданинг учинчи қисми учинчи хатбошидаги қоидалар билан боғлиқ. Кузатув таомилида тузиладиган кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш кредиторларнинг биринчи мажлисида иштирок этадиган кредиторларнинг рўйхатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади;

— қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши. Қонуннинг 68-моддаси иккинчи қисми талабларига мувофиқ, муваққат бошқарувчи иш ҳақи бўйича қарзни узиш талабини кўядиган кредиторлардан ташқари қарздорнинг аниқланган барча кредиторларини қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт;

— кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш ва ўтказиш. Мазкур норма Қонуннинг 71-моддаси биринчи қисмидаги қоидалари билан мувофиқлаштирилган. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш бўйича маълумотлар ва муваққат бошқарувчининг таклифи асосида қарздорга банкротликнинг қайси таомилини қўллаш мақсадга мувофиқлиги юзасидан қарор қабул қилади.

2. Муваққат бошқарувчи қонунда белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин. Муваққат бошқарувчининг нисбатан кенг мажбуриятлари Қонуннинг 19-моддаси учинчи қисмида ва шунингдек, ЎзР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига 1-илова «Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом» билан белгиланади.

3. Муваққат бошқарувчи кузатув тугагандан кейин, лекин хўжалик суди мажлисининг белгиланган санасига камида беш кун қолганда хўжалик судига ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботни, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги таклифларни, кредиторларнинг биринчи йиғилиши баённомасини ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Муваққат бошқарувчининг қарздорнинг тўловга қобилиятлилиги ёки қобилиятсизлиги бўйича таклифлари айниқса муҳим аҳамият касб этади. Кредиторлар йиғилиши ўз мажлиси қарорида ўзларининг тор манфаатларини кўзлашларини, масалан, ўз талабларини тез муддатларда қаноатлантирилишидан манфаатдор эканлиги муносабати билан муваққат бошқарувчининг таклифларига қаршилик билдиришлари мумкинлигини эътиборга олган ҳолда суд ишни мустақил равишда ўрганиб чиқиб, банкротликнинг энг қулай ва мақсадга мувофиқ таомилини қўллаш имкониятига эга бўлади.

68-модда. Кузатувни жорий этиш ҳақида хабар қилиш

Қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги ҳақидаги хабарни муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайтдан эътиборан уч кун ичида расмий нашрда ушбу Қонуннинг назарда тутилган тартибда эълон қилиш учун юбориши шарт.

Муваққат бошқарувчи иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабини кўядиган кредиторлардан ташқари қарздорнинг аниқланган барча кре-

диторларини қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқарганлиги ҳақида кузатув жорий этилганлигига оид хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўн кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

Қарздорнинг раҳбари қарздорнинг ходимларини, муассисларини (иштирокчиларини) ёки қарздор мол-мулкнинг эгасини қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабини қўядиган кредиторлардан ташқари кредиторларга кузатув жорий этилганлигини хабар қилиш кредитор томонидан шундай хабар олинган санани белгилаш имкониятини берадиган усулда кредиторга хабар юбориш орқали амалга оширилади.

Иш ҳақи бўйича қарзни тўлаш талабномалари юзасидан кредиторларни хабардор қилиш қарздор ходимларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини) хабардор қилиш муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилишини чақириш ёки юридик шахснинг қонун ҳужжатларига ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органига қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хабар юбориш орқали амалга оширилади.

Қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақидаги хабарда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

қарздорга нисбатан кузатув жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган хўжалик судининг номи, бундай ажрим чиқарилган сана ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг тартиб рақами;

тайинланган муваққат бошқарувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг почта манзили;

хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи; хабарни жўнатувчининг (муваққат бошқарувчининг ёки қарздор раҳбарининг) хоҳишига кўра бошқа ахборот.

Ушбу модданинг мақсади кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишдан иборат ва у ҳар бир кредиторни қарздорга нисбатан банкротлик ишини қўзғатиш ва кузатувни жорий қилиш ҳақидаги маълумот бериш орқали шахсан хабардор этиш зарурати билан белгиланади. Мазкур модда муваққат бошқарувчи томонидан кредитор ва бошқа субъектларни қарздорга нисбатан кузатув таомилини киритиш ҳақида хабардор қилиш бўйича мажбуриятларни бажариш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида муваққат бошқарувчи Қонуннинг 52-моддасида назарда тутилган тартибда расмий нашрларда кузатув жорий этилганлиги ҳақидаги хабарни чоп этиш учун барча зарурий чора-тадбирларни амалга оширишга мажбурлиги белгиланган. Шу билан бирга, 2006 йил 27 январдаги Олий ҳўжалик суд Пленумининг 142-сонли Қарори 18-бандига мувофиқ Қонуннинг 52-моддасида назарда тутилган маълумотларни чоп этиш ЎЗР ВМ томонидан расмий нашр аниқланганига қадар республика ва вилоятлар расмий нашрларида амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, бу каби расмий нашр чоп этилиш даврийлиги қонунда кўрсатилган, маълумотларни чоп этиш муддатларини бажа-ришни таъминлаши лозим.

Тайинланганидан кейин уч кун ичида муваққат бошқарувчи қарздорга нисбатан кузатув жорий қилинганлиги ҳақидаги маълумотни чоп этиш учун босма нашрга юбориши лозим. Қонуннинг 52-моддаси 4-бандидаги нормаларга мувофиқ кузатувни жорий этиш ҳақидаги маълумотни олган нашр қабул қилиб олганидан кейин ўн кун ичида чоп этиши зарур.

2. Модданинг 2-бандига мувофиқ муваққат бошқарувчи маълумотларни расмий босма нашрда чоп этилганидан кейин ўн кун ичида, иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлаш талаблари бўйича кредиторлардан ташқари, барча кредиторларни қарздорларга нисбатан ҳўжалик суди томонидан кузатувни жорий этиш белгиланганлиги ҳақида хабардор қилиши лозим. Қарздорни банкрот деб эълон қилиш аризаси қабул қилингандан сўнг ва кузатув жорий этилгандан сўнг кредиторлар ўзларининг талабларини фақат уларни қонунда белгиланган тартибда қарздорга билдириб (Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисм, 63-моддаси иккинчи қисм) қондириш имкониятига эга бўладилар ва фақат ўзларининг талабларини билдирган ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторларгина, кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи (71-модда иккинчи қисм) билан иштирок этишлари мумкин. Шундай қилиб, кузатувни жорий қилиш кредиторларнинг ҳуқуқларига катта таъсир кўрсатади ва мазкур норма муваққат бошқарувчи барча кредиторларни Қонунда кўрсатилган тартибда ўз талабларини билдириш зарурияти ҳақида алоҳида ва шахсан огоҳ этишни талаб қилади.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ мазкур огоҳ этишга юборилаётган хабарни адресат томонидан қабул қилиб олган санани белгилаш имконини берувчи усулда, (топширилганлиги ҳақида хабар берувчи буюртма хат орқали, (топширилганлиги ҳақида хабар бериладиган) телеграмма факсограмма, куръерлик хизмати орқали хабар бериш) амалга оширилади.

Чоп этиш ва кредиторларни хабардор қилишнинг барча сарф-харажатлар қарздор ҳисобидан қопланади (Суд бошқарувчилари © ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ҳақидаги Низомнинг 6-банди. ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарори, №1 илова).

3. Қарздорнинг раҳбари хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув жорий қилиши ҳақида ажрим қабул қилинганлигини қарздорнинг ходимларни, муассислари, (иштирокчилари) ёки мулк эгасини хабардор қилишга мажбурдир.

Мазкур қисм қарздор раҳбарига қарздорга нисбатан хўжалик суди томонидан кузатувни жорий қилиш ҳақида ажрим чиқарганлигини қарздорларнинг ходимларини хабардор қилиш мажбуриятини юклайди. Бундан кўзланган мақсад ходимлар хўжалик суди томонидан якуни ҳар қандай тугаши мумкин бўлган банкротлик иши кўрилаётганлигидан хабардор бўлишлари лозим. Мазкур хабар бериш усулига келсак, шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми қарздорнинг раҳбари томонидан ўз ходимлари мажлисини чақиришни белгилайди.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилар) ёки мол-мулки эгаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ кредитор ҳисобланмайдилар, шунга қарамасдан уларга ҳам кузатув таомили оқибатлари таъсир курсатади. Яъни, қарздорга улушни ажратиб бериш ҳақида даъво қилиш мумкин эмас. (Қонуннинг 63-моддаси, биринчи қисм, учинчи хатбоши) дивидендлар олишга тақиқ (Қонуннинг 63-моддаси, биринчи қисм, тўртинчи хатбоши) ва ҳоказо. Шундан келиб чиқиб шарҳланаётган қисм қарздор раҳбарининг муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мулк эгасига хўжалик суди томонидан қарздорга нисбатан кузатув жорий этиш ажрими ҳақида хабардор қилиш зарурлигини белгилайди. Мазкур хабар қилиш тартибига келсак, шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмига мувофиқ, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари)ни хабардор қилиш муассислар (иштирокчилар) мажлисини чақириш ёки қонунчиликка ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсга, қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақидаги маълумотларни юбориш орқали амалга оширилади. Муваққат бошқарувчи қарздор корхона раҳбарининг қарздор корхона ходимларини, муассисни (қатнашувчини) ёки қарздор корхона мол-мулки эгасини қарздор корхонага нисбатан кузатиш тартиботи жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилиш бўйича хатти-ҳаракатлари ус-тидан назоратни таъминлайди. (ЎзР ВМнинг 23.05.2004 йилдаги 139-сонли қарори №1 илова).

4. Кредиторларни, иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлаш бўйича кредиторлардан ташқари, қарздорга нисбатан кузатувни жорий ҳақида огоҳлантириш улар томонидан қабул қилиб олган санани белгилаш имконини берувчи усулларда амалга оширилади. Амалиётда бу каби хабарларни етказилганлигини билдирувчи буюртма хатлари орқали амалга ошириш мумкин, бу эса кредитор томонидан бу ҳақидаги

хабарни олган кунини аниқлаш имконини беради. Агар кредиторлар қарздор билан битта аҳоли пунктида жойлашган бўлса, бу каби хабарлар курьерлар орқали етказилиши мумкин.

5. Қарздорга нисбатан кузатувни жорий қилиш ҳақида қарздор ходимлари — меҳнат ҳақи қарздорлиги бўйича кредиторларни хабардор қилиш мажбурияти бўлган қарздорнинг раҳбари бу ҳақида ходимларининг умумий мажлисини чақириш ва ўтказиш орқали хабар беради, яъни корхона раҳбари умумий йиғилиш бўлиши ҳақида эълон қилади ва унда кузатув таомилини жорий этиш ҳақида хабар беради.

6. Қарздорнинг муассисларини (иштирокчиларини) хабардор қилиш қарздорнинг раҳбари томонидан муассислар (иштирокчилар) умумий йиғилишини чақириш ёки юридик шахснинг қонун ҳужжатларига ёхуд таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органига қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақида хабар юбориш орқали амалга оширилади. Қоидага кўра, муассислар (иштирокчилар)нинг мазкур йиғилишида банкротлик ишида унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган вакил сайланади.

7. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмида, қарздорга нисбатан кузатувни жорий этиш ҳақидаги хабарда қандай маълумотлар бўлиши кераклиги ўз ифодасини топган. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми иккинчи-бешинчи хатбошларида санаб ўтилган мажбурий маълумотлардан ташқари олтинчи хатбоши бошқа ахборотлар бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутди.

Булар хусусан, қуйидагича бўлиши мумкин:

— кредиторлар талабларини қарздорга нисбатан кузатувни жорий қилиш ҳақидаги маълумотни расмий нашрда чоп этилгандан кейин ўттиз кун ошмасдан тақдим этишга ҳақли (Қонуннинг 70-моддаси, биринчи қисм).

— кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказиш санаси, вақти ва жойи (71-модда, биринчи қисм).

69-модда. Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш

Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш қарздорга тегишли мол-мулк суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш учун етарлилигини, шунингдек қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини, шу жумладан қарздорнинг мол-мулки бўлса, шу мол-мулкни инвентаризация қилиш натижаларини молиявий таҳлил қилиш, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни таҳлил қилиш

асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифларни, банкротликнинг кейинги таомилларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосларини тайёрлайди.

Агар қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижасида қарздорга тегишли мол-мулк суд харажатларини қоплаш учун етарли эмаслиги аниқланса, кредиторлар фақат суд харажатларини қоплаш манбалари аниқланган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлили билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

1) Қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш кузатув даврида муваққат бошқарувчи томонидан қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- қарздорга қарашли мол-мулк суд харажатларини қоплаш, суд бошқарувчиларини рағбатлантиришга етарли эканлигини аниқлаш;
- қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклай олиш ёки олмаслигини аниқлаш.

Бундан ташқари, Қонуннинг 54-моддаси учинчи қисмига мувофиқ қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этишнинг мақсадларидан яна бири қарздорга тегишли бўлган мулк хўжалик суди томонидан белгиланиши мумкин бўлган, ўттиз кундан ошмайдиган муддатда кредиторлар талабларини қондириш ёки қондирмаслигига аниқ исбот топиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот базасини шакллантириш. Даставвал муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун етарли ва зарур ахборот базасини аниқлаши ва шакллантириши лозим. Кенг қамровли таҳлилни амалга ошириш даврида, одатда, қуйидаги ҳужжат ва материаллардан фойдаланилади:

- қарздорнинг таъсис ҳужжатлари;
- қарздорнинг бухгалтерия баланси ва унга илова қилинадиган олдинги давр ҳақидаги (одатда бир ярим-икки йил) маълумотлар;
- қарздорнинг ҳисоб-китоб сиёсати ҳақидаги маълумотлар;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қайдномалари ҳамда (зарур бўлганда) баланс ва илова қилинадиган ҳужжатлар алоҳида сатрлари бўйича изоҳ;
- охириги ўтказилган инвентаризация маълумотлари;
- қарздорнинг ҳисоб рақамида қолган пул маблағлари ҳақида ахборот;
- қарздорга қарашли бўлган ликвид мол-мулкларнинг рўйхати, номланиши, балансидаги қиймати, (экспертлар томонидан аниқланадиган) сотиш мумкин бўлган нарх;

— қарздорнинг барча мулклари (активлар, ижарадаги ва гаровдагилар билан бирга) маълумотлари;

— учинчи шахснинг қарздор мол-мулкига (активига)даъвоси борлиги ҳақидаги ҳужжатлари (суд низолари, суд қарорлари, суд ижроси хатти-ҳаракатлари);

— давлат солиқ инспекцияси томонидан қарздорни ўтмишда текширишлари, аудиторлик текширишлари бўйича актлар ва хулосалар, ҳамда қарздорга қарашли мол-мулк баҳолаш хулосаси;

— устав капиталида қарздорнинг улуши бўлган ташкилотлар ҳақида маълумотлар;

— шуъба ташкилотлар билан алоқаларни тартибга солувчи ҳужжатлар (шартномалар тизими; жамғарма баланси борлиги ёки йўқлиги қарздорнинг жамғарма бюджети борлиги ёки йўқлиги);

— чиқарилган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар кўлами;

— қарздорнинг ташкилий тузилмаси ҳақида маълумот;

— қарздорнинг асосий фаолият йўналишлари ҳақида (иш, хизмат, маҳсулотларнинг асосий турлари ҳақида) маълумот;

— қарздорнинг ички технологик ишлаб чиқариш алоқалари ҳақида маълумот;

— тегишли товар (республика ва (ёки) маҳаллий) бозорида қарздорнинг улуши борасида маълумотлар;

— қарздорга маҳсулот(иш, хизмат)ларнинг асосий етказиб берувчилари (уларнинг етказиб беришдаги улуши) ҳамда етказиб берувчилар билан пуллик амалга ошириладиган ҳисоб-китобдаги улуши ҳақида маълумот;

— қарздорнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларининг асосий истеъмолчилари (умумий реализация ҳажмидаги улуш) ҳақида маълумот;

— ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги қарздорнинг режа ва дастурлари;

— қарздорнинг ходимлари рўйхати бўйича сони ҳақида маълумот;

— жамоа меҳнат шартномаси (келишуви);

— қарздорнинг асосий (шу жумладан келажакда бўлиши мумкин бўлган) инвесторлари ва унинг мол-мулкнинг потенциал харидорлари ҳақида маълумот;

— бошқа материаллар ва маълумотлар;

Муваққат бошқарувчи томонидан тузилган, кредиторларнинг талаблари реестри ҳам таҳлил қилишда фойдаланиши мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини ифодаловчи маълумотларни тўлиқ тўплаш ва таҳлил этиш имкониятига эга бўлмайди. Амалда кўп ҳолларда қарздор ташкилотларда тегишли маҳсулот бозорлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (товар, иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштириш бўйича ишлар олиб борилмайди. Баъзи ҳолларда корхоналарда ўтказилган инвентаризациялар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот каби ҳужжатлар мавжуд бўлмайди.

Муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун етарли ва зарур бўлган маълумотлар базасини аниқлаш ва шакллантириши лозим. Муваққат бошқарувчи қарздор раҳбаридан зарурий маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга (66-модда, биринчи қисм, еттинчи хатбошиси). Қарздор раҳбар томонидан зарурий ахборотни беришдан бош тортилганда, муваққат бошқарувчи раҳбарни ўз хизмат вазифасидан четлатиш масаласини суд кун тартибига қўйишга ҳақлидир (66-модда, биринчи қисм, олтинчи хатбошиси).

Молиявий таҳлили учун зарур маълумотлар бўлмаганида ёхуд бундай маълумотлар қарздор томонидан тақдим этилмаганда, муваққат бошқарувчи сўровнома билан керакли маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган тегишли солиқ хизматининг ҳудудий органларига ёки бошқа ваколатли органларига мурожаат қилиши керак (Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низом, ЎзР ВМ 23.03.2004 йилги 138-сонли Қарорига 1-илова). Солиқ идораларидан маълумотларни олгач, муваққат бошқарувчи қарздор ҳисоб-рақамига эга бўлган тижорат банкларига сўровнома юбориши керак.

Шундай қилиб, муваққат бошқарувчи қарздор ҳақидаги маълумотларни йиғиш учун барча зарурий ҳаракатларни қилиши лозим. Шаклланган (жамланган) маълумотлар базасига асосланган ҳолда муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий ҳолатини қуйидаги тартибда амалга оширади. Ўтказилган таҳлиллар натижаси билан кредиторларни танишувига имконият яратиш учун, шунингдек хўжалик судига тақдим этиш учун мазкур таҳлил натижаларини қарздорнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги хулоса кўринишини тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулосанинг шакли таҳлил ўтказишнинг асосий босқичлари билан мос келиши мумкин.

Қарздорга тегишли мулкнинг суд харажатларини ва суд бошқарувчиларга тўланадиган харажатларини қоплаш учун етарлилиги (етарли эмаслиги)ни аниқлаш.

Қарздорни молиявий ҳолатини таҳлил этиш мақсадидан келиб чиқиб, биринчи босқичда қарздорга тегишли мулкнинг суд харажатларини қоплашга ва суд бошқарувчиларига тўланадиган харажатларни тўлаш етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида масалани ўрганиш зарур. Мазкур тадқиқотнинг натижаси қарздорнинг банкротлигини кейинги таомиллари танловида қарор қабул қилишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Қарздорга тегишли мол-мулкнинг суд харажатлари ва суд бошқарувчиларига тўланадиган харажатларни қоплаш учун етарли (ёки етарли эмаслигини)лигини аниқлаш мақсадида, муваққат бошқарувчи қарздорга тегишли мол-мулкни уни ликвидлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Дастлаб, пул воситалари аниқланади (яъни, қарздорнинг ликвидлиги энг юқори бўлган активлари) шунингдек қарздорга тегишли бўлган мол-мулк аниқланиб, унинг баланс қиймати ва

сотиш мумкин бўлган тахминий қиймати кўрсатилади. Мазкур мулкнинг сотилишидан тушган маблағлар суд харажатлари ва суд бошқарувчиларини рағбатлантириши учун тўланадиган харажатларни қоплаш учун фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 90-моддасига кўра, Суд харажатлари давлат божидан ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан: суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, хўжалик суди тайинлаган экспертзани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни ўз жойида кўздан кечириш учун тўланиши керак бўлган сумма, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан ташкил топади. Кузатишлар таомилида молиявий таҳлилни амалга оширгани ҳолда муваққат бошқарувчи қарздорнинг банкротлиги ҳақидаги ишни кўриб чиқиш даврида тўлиқ чиқимлар суммасини зарур даражада аниқ белгилаб олиши қийин. Шунинг учун суд харажатларини минимал давлат божларига тенг бўлган қийматда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни олдиндан ҳисоб-китоб қилишда муваққат бошқарувчига хўжалик суди томонидан белгилаб қўйилган кузатишлар муддатини ҳисобга олишни ҳамда жорий этилиш эҳтимоли энг юқори бўлган кейинги таомилнинг муддатини ҳисобга олиш тавсия қилиши мумкин. Бунда муваққат бошқарувчи ўзининг ҳисоб-китобида ўзининг ойлик мукофот суммаси миқдорига ёки мазкур вилоят, ва (ёки) республикада ўхшаш объектларга белгиланган ойлик мукофот пулининг ўртача даражасига таяниши мумкин. Бундан ташқари, тўлов пулини ҳисоблашда суд бошқарувчиси қарздорнинг мулкнинг қийматини ва бошқарувчи томонидан бажариладиган ишнинг ҳажмини ҳисобга олиши керак, шунингдек шуни ҳам инobatга олиш керакки, суд бошқарувчисига тўланадиган мукофот пулининг миқдори қарздорнинг собиқ раҳбарининг ойлик маоши миқдоридан кам бўлмаслиги керак (27.01.2006 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарори, 15-банди).

Ликвид мулкнинг кредиторлари талаблари учун тўлов сифатида етарлилигини (ёки етарли эмаслигини) аниқлаш.

Қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг кейинги босқичи ликвид мулкнинг кредиторлар талаблари учун тўлов сифатида етарли эканлигини (ёки етарли эмаслигини) аниқлаш билан боғлиқ.

Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлик сабабларини, унинг тўлов лаёқатини тиклаш учун ички ва ташқи ресурсларни аниқлаш. Маълумотлар базасига кирувчи ҳужжатларни ўрганиш асосида муваққат бошқарувчи қўйидагиларни амалга оширади:

- қарздорнинг хўжалик фаолиятини молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиш (ўзининг ва қарз кўринишида);
- кредиторлар олдида қарздорликни унинг тузилиш нуқтаи на-

заридан, вужудга келиш вақти ва таҳлил қилинаётган муддатда ўзгариб бориш динамикасини ўрганиб чиқиш;

— қарздорнинг ушбу иш кўрилаётган пайтда хўжалик фаолияти натижаларини, яъни унинг асосий ва бошқа фаолият турлари бўйича тушуми (фойдаси), ва харажатларини таҳлил қилиш;

— қарздорнинг нақд пул ҳаракатларини таҳлил қилиш, яъни текширув олиб борилаётган даврда кирим бўлган ва харажат қилинган пул воситаларини таҳлил қилиш. Ишончли ва асосли хулосаларга эга бўлиш мақсадида қарздорнинг охириги бир-икки йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш объекти сифатида олиш мақсадга мувофиқ.

Қонуннинг 93-моддаси 6-қисмига мувофиқ, мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг иш ҳақи, алиментлар, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга, ҳаёт ва соғлиққа етказилган ва маънавий зарарни қоплаш тўловлари бўйича талабларига нисбатан татбиқ этилмайди. Шу туфайли муваққат бошқарувчи таҳлил ўтказиш даврида ташқи бошқарувни киритишни ва қарздорнинг тўлов лаёқатини Қонунда белгилаб қўйилган муддатда тиклаш имкониятини асослаш учун мазкур талабларни ҳисобга олиши ва аниқлаши керак. Фикри-мизча, айнан шунини ҳисобга олган ҳолда Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 10 бандида (ЎЗР ВМ нинг 23.03.2004 йилги №138 қарорига 4-сонли илова) «Қарздор корхонанинг молиявий аҳволини ўрганиш жараёнида муваққат бошқарувчи қарздор корхона томонидан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун мажбурият бўйича уларга тўланадиган сумма, шунингдек қарздор корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлари суммаси аниқлайди» деб белгилаб қўйилган. Гарчи мақсад шундай экан, бундай ҳолатда шунини тушуниш керакки, муваққат бошқарувчи ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш талаблари миқдори ва меҳнат тўловларидан ташқари алиментларни тўлаш, муаллифлик шартномалари бўйича тўловлар ва маънавий зарар учун харажатлар қоплаш миқдорини ҳам аниқлаши керак.

Бундан ташқари, қарздорнинг тўловга лаёқатсизлик сабабларини таҳлил қилиш ҳам зарур. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида муваққат бошқарувчи қарздорнинг ўрганилаётган даврда молиявий ҳолати ва тўлов лаёқати ўзгаришини тенденцияларининг ҳам аниқлаштириши керак. Бундай ҳолатда агар қарздорнинг хўжалик фаолияти ёки унинг алоҳида фаолият турлари зарар келтирувчи бўлса, унда қарздорнинг самарасиз хўжалик фаолияти юритиши ёки ташқи омиллари билан боғлиқ зарар келтириш сабаблари ўрганилади. Шунга ҳам эътибор бериш лозимки кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини ўз вақтида қондирмаслик ёки мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни амалга оширмасликнинг сабабларидан бири сифатида қарздорнинг пул кўринишидаги ҳисоб-китоблари улуши пул

кўринишида бўлмаган (ўзаро ҳисобга олиш, схемалар ва ҳ.к) ҳисоб-китоб шаклларига нисбатан қисқарганлигида ҳам бўлиши мумкин.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун зарур пул воситаларининг миқдорини аниқлаш, қарздорга қузатув якуни бўйича қўлланадиган таомил билан боғлиқдир. Ташқи бошқарув ёки суд санациясини жорий қилишга асослар мавжудлигида кредитор томонидан суд санацияси мобайнида ёки ташқи бошқарув тугаши билан тўланиши керак бўлган сумма миқдори кредиторлар талаблари реестри ва кредиторлар пул мажбуриятлари талаблари ва мажбурий тўловлар суммалари бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилган даврда амалда бўлган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкалари асосида ҳисобланган фоизларни қўшиб ҳисобланади (ЎЗР ФК 327-моддаси, иккинчи қисми).

Келишув битими доирасида кредиторларга тўланиши лозим сумма келишув битими шартларини ҳисобга олган ҳолда, кредиторлар талаблари рўйхати асосида белгиланади.

2. Қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловга қобилиятсизлиги сабабларини таҳлилидан келиб чиқиб муваққат бошқарувчи томонидан қарздорнинг ташқи бошқарув ёки суд санацияси даврида тўлов қобилиятини қайта тиклаш, қарздор томонидан келишув битими бажарилишини таъминланиши учун ички имкониятлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса чиқарилади. Келишув битими, ташқи бошқарув ёки суд санациясини амалга ошириш учун ички имкониятлар мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу жараёнларни амалга оширишнинг ташқи манбаалари, масалан, учинчи шахсни мазкур мажбуриятларни бажаришга жалб қилиш имкониятлари кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади (ЎЗР ВМ нинг 23.03.2004 йилги № 138 қарорига 1-сонли илова Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низом 12-банди).

Қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини асослаш. Суд санацияси, ташқи бошқарув доирасида қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имконияти мавжудлиги асослаш қарздорнинг пул оқимларини (кирим ва чиқим) вариантли прогноз асосида баҳолаш амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу муваққат бошқарувчи томонидан олдинги даврдаги хўжалик фаолиятини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Суд санацияси ёки ташқи бошқарув ҳолларида қарздорнинг пул оқимларини олдиндан баҳолашнинг асосий мақсади қарздор томонидан қонунда кўрсатилган тартибда кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарлича маблағ тўплай олиш имкониятини аниқлашдир.

Асослаш келишув битимини қабул қилиш ҳақида қарор тайёргарлик даврида олиб борилса, асосий эътибор келишув битими шартларини тайёрлаш ва унинг муддатини белгилашга қаратилиши лозим. Шунга асосланиб кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш графигини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Муваққат бошқарувчи томонидан кузатувдан кейин киритиладиган банкротлик таомили таклифлари. Муваққат бошқарувчи молиявий таҳлиллар асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имкониятлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, банкротликнинг кейинги тамойилларини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш таклифларини ишлаб чиқади. (Суд бошқарувчилари ҳақида Низом, 14 банди, ЎзР ВМ нинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига № 1 илова). Яъни муваққат бошқарувчи қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилига асосланиб, кузатувдан кейин жорий қилиниши мақсадга мувофиқ топган банкротлик таомилини (суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритишни келишув битимини) танлайди ва муваққат бошқарувчи сифатида кредиторларнинг биринчи йиғилишида тегишли асослар билан ўз фикрини билдиради. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида қуйидаги масалалар ҳал қилиниши лозим (73, 74-моддалар):

— суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида — суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали;

— ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида — ташқи бошқарувнинг таклиф этилаётган муддати;

— тугатишга доир ишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида — таклиф этилаётган тугатишга доир иш юритиш муддати;

Муваққат бошқарувчи кредиторлар йиғилишида юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар бўйича тегишли асослар билан ўз таклифларини тақдим этади.

Қарздорларни тўлов қобилиятини тиклаш бўйича муваққат бошқарувнинг таклифи. Муваққат бошқарувчи қарздорнинг тўловга қобилиятсизлик сабабларининг таҳлилига асосланган ҳолда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга йўналтирилган комплекс чоратadbирлар ишлаб чиқиши ва уни таклиф қилиши мумкин (Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом, 13-банди, ЎзР ВМ нинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига № 1 илова). Агарда муваққат бошқарувчи кредиторнинг биринчи йиғилишида кузатувдан кейин суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида таклиф қилса, у ҳолда қарздорнинг тўлов лаёқатини тиклашга доир бир қаторadbирлар ишлаб чиқишга ва ўзининг таклифларига киритишга ҳақлидир.

Қарздорнинг ўз тўлов қобилиятини тиклашга ички ресурслари бўлса, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга доир асосийadbирлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- норентабел ишлаб чиқаришни ёпиш;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархини рақобатчи ишлаб чиқарувчилар нархлари даражасигача тушириш ва асоссиз харажатларни йўқотиш мақсадида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан қаттиқ назоратни олиб бо-риш;

— маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг самарали бошқарув схемасига ўтиш;

— ишлаб чиқариш ҳажмини ва сотувини кўпайтиришни таъмин-лайдиган бозор сиёсатини ўтказиш;

— пул шаклидаги ҳисоб-китобларнинг ҳиссасини ошириш;

— асосий фаолият турларининг даромадлилигини таъминлаш;

— қарздорнинг бошқа турдаги фаолияти самарадорлигини оши-риш;

— активларнинг қисмини сотиш;

— дебитор қарздорликни йўқ қилиш;

— қарздор корхона талаблари ҳуқуқини ўзгаларга бериш.

бир катор бошқа тадбирлар, шу жумладан қарздор корхона (биз-нес) сотиш.

Қарздорларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мобайнида келишув битими доирасида қарздорнинг мажбуриятларини таркибий ўзгартириш имконияти ҳам тадқиқ этилади. Мажбуриятларни тарки-бий ўзгартириш қарздор корхона мажбуриятларининг бажарилиши-ни кечиктириш ёки уларни бўлиб-бўлиб бажариш¹, унинг мажбури-ятлари учинчи шахслар томонидан бажарилиши, қарздан чегириш, талабларни акцияларга алмаштириш, кредиторлар талабларини Ўзбе-кистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усул-лар билан қондириш тушунилади (Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом, 13-банди, ЎЗР ВМ нинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига № 1 илова).

Кредиторларнинг таҳлил натижалари билан танишишга имкон яратиб бериш ва таҳлил натижаларини хўжалик судига тақдим этили-ши мақсадида муваққат бошқарувчи ўтказилган таҳлил натижаларини қарздорларнинг молиявий аҳволи ҳақидаги хулоса сифатида расмий-лаштирилади.

3. Агарда қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижа-сида унинг суд харажатларини қоплашга мулки етмаслиги аниқланса, бундай ҳолатда ташқи бошқарув каби таомилларнинг киритилиши фақатгина суд харажатларини қоплаш манбаларининг аниқланган ҳолда белгиланади, буни кредиторлар ўзларининг йиғилишларида аниқлашлари лозим (Суд бошқарувчилари тўғрисида Низом, 15-банди, ЎЗР ВМ нинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорига 1-илова).

¹ Рус тилидаги нашрда хато киритилган «қарздор корхона талаблари ҳуқуқини ўзгаларга бериш» жумласи олиб ташланди.

Бундан ташқари, кузатув тамойилида муваққат бошқарувчи томонидан ўтказилган қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлили натижасида қарздор юридик шахс банкротлик тўғрисидаги ишини кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга қодир эмаслиги аниқланса, муваққат бошқарувчи бу тўғрида хўжалик судини хабардор қилади.

70-модда. Кредиторлар талабларининг миқдорини белгилаш

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун қарздорга нисбатан кузатув жорий этилганлиги тўғрисидаги маълумот расмий нашрда эълон қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида кредиторлар ўз талабларини қарздорга тақдим этишга ҳақли. Кредиторларнинг талаблари кредиторлар томонидан суд ҳужжатини ёки шу талабларнинг асослигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда хўжалик судига, қарздорга ва муваққат бошқарувчига юборилади.

Кредиторларнинг аниқланган деб топиш учун асосга эга бўлган талабларига қарздор ўз эътирозларини хўжалик судига қуйидаги ҳолларда юборишга ҳақли:

кредиторлар томонидан талабни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган суд ҳужжатини бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи, худди шунингдек унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ёхуд ижроси усулини ва тартибини ўзгартирувчи қонуний кучга кирган суд ҳужжати бўлса;

кредитор томонидан талабларни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган ҳужжатни бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи (қарзни тан олиш, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар), худди шунингдек унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ҳужжат бўлса;

кредитор томонидан талабни аниқланган талаблар жумласига киритиш далили тариқасида тақдим этилган ҳужжат бўйича қарзни узиш муддатларини, тартибини ва шартларини ўзгартириш тўғрисида қарздор ва кредитор ўртасида битим тузилган бўлса;

қарздор қарзни тўлиқ ёки қисман узган бўлса;

талаб билдирилган мажбуриятдаги шахснинг ўзгарганлигига далиллар бўлса.

Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг ушбу Қонунга мувофиқ аниқланган деб топиладиган талабларига ўз эътирозларини, агар кредиторнинг талабларини аниқланганлар жумласига киритиш далили тариқасида ўз қарзининг қарздор томонидан тан олинганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилган бўлса ва муваққат бошқарувчида қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузади ва (ёки) асоссиздир деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик судига юборишга ҳақли.

Қарздорнинг, муваққат бошқарувчининг кредиторлар талабларига эътирозлари тегишли талаблар олинган пайтдан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида хўжалик судига тақдим этилиши мумкин. Кредиторларнинг талаблари, агар улар устидан эътирозлар тушган бўлса, хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари асосида мазкур талабларни кредиторларнинг талаблари реестрига киритиш ёки бундай реестрга киритишни рад этиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради. Кредиторнинг қарздор ёки муваққат бошқарувчи томонидан кўрсатилган муддатда эътирозлар тақдим этилмаган талаби кредиторларнинг талаблари реестрига кредитор томонидан билдирилган миқдорда киритилади.

Кредиторларнинг талаблари асоссиз ёки лозим даражадаги далиллар билан тасдиқланмаган деб топилса, кредиторларнинг тегишли аризалари қайтарилиши керак. Мазкур талаблар банкротликнинг кейинги таомилларини амалга ошириш жараёнида тақдим этилиши мумкин.

Ушбу модданинг мақсади кузатув босқичида кредиторлар талабларини белгилаш тартибини белгилашдан иборат.

1. Талабларини белгилаш — банкротлик таомилида кредиторлар иштирокини, хусусан, кредиторларнинг жамоа органи — йиғилишда иштирокини таъминлаш учун ҳамда Қонунда белгиланган тартибда ўз талабларини қондиришини мумкин бўлган кредиторларни аниқлашни таъминлаш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Қонун ўз талабларини Қонунда белгиланган тартибда тақдим этган кредиторларни банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олади (Қонуннинг 36-моддаси биринчи қисми). Талаблари тан олинган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига (10-модда саккизинчи қисм) ҳамда ўз талабларини Қонунда белгиланган тартибда қондириш ҳуқуқига (Қонуннинг 83-моддаси учинчи қисм, 121-моддаси биринчи қисм, 138-моддаси биринчи қисм, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли Пленуми қарорининг 31-банди) эгалар.

Кузатув таомилида талабларни белгилаш жараёнининг асосий вазифаси кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадиган кредиторларни белгилашдан иборат, бу ҳақда шарҳланган модданинг биринчи қисмида ҳам таъкидланган. Реестрга киритилган талабларнинг Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари, улар реестрдан талабларга нисбатан берилган шикоятларини асосли деб тан олиш билан чиқариб ташлагунча ёки қаноатлантирилгунча сақланиб қолади.

Банкротлик процессига кириш вақтини кредиторнинг ўзи ҳал қилади, яъни ўз талабларини эълон қилиш ёки қилмаслик унинг ўз иродасига боғлиқ.

Шуни ҳам айтиш жоизки, кредиторларнинг ушбу моддада кўрсатилганидек, банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари ҳам қондирилиши мумкин бўлган кредиторлар талаблари мавжуд.

Жорий тўловлар бўйича талаблар, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар, меҳнатга ҳақ тўлаш, алиментлар тўлаш, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар ушбу моддада белгиланган тартибга биноан уларнинг тақдим қилинишисиз (тугатишга доир иш юритишда тақдим қилиниши лозим) ҳам қондирилади, лекин кредиторлар йиғилишида ушбу талаблар бўйича кредиторлар овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қарздор ходимларининг меҳнат ҳақини тўлаш тўғрисидаги талаблари, юқорида айтилганидек, ушбу моддада белгиланган тартибда тақдим қилиш шарт эмас, лекин шунга қарамадан, амалиётда ушбу талабларни суд бошқарувчисига қарздор ходимлари вакили уларни жамлаган ҳолда тақдим қилади.

Қарздор муассислари (иштирокчилари)нинг улушини ажратиш ҳақидаги талаблари кредиторлар талаби ҳисобланмайди ҳамда ушбу модда тартибида тақдим қилинмайди. Нопуллик (номулкий хусусиятга эга бўлган) талаблар ҳам кредиторлар талаби ҳисобланмайди ва банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари ҳам қондирилиши мумкинлиги учун ушбу модда тартибида эълон қилинмайди.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган талабларни, реестрга киритиш учун алоҳида билдириш шарт эмас, чунки улар кредиторларнинг биринчи йиғилишига қадар муваққат бошқарувчи томонидан реестрга киритилади. (Қонуннинг 47-модда биринчи қисми шарҳга қаранг.)

Қонунда кредиторларнинг ўз талабларини билдиришнинг қатъий муддати — кузатувни жорий этиш ҳақидаги маълумотни расмий нашрда эълон қилингандан эътиборан ўттиз кун белгиланган бўлиб, суд бошқарувчиси ушбу моддада белгиланган муддатдан камини белгилашга ҳақли эмас. Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ, муваққат бошқарувчи кузатувни жорий этиш ҳақида маълумотни расмий нашрда эълон қилинганлигидан эътиборан ўн кун ичида ушбу ҳақда барча маълум бўлган кредиторларни хабардор қилиши лозим. Бунга кўра, кредитор ўз талабларини эълон қилинишининг муддатини ҳисоблаш учун кредитор қачон муваққат бошқарувчи томонидан кузатувни жорий қилинганлиги ҳақида хабар олганлиги аҳамиятга эга эмас.

Кредиторларнинг талаблари хўжалик судига, қарздорга ҳамда муваққат бошқарувчига юборилиши керак. Бунда ушбу учта субъектнинг барчасига талаблар юборилмай қолса, нима бўлади деган му-
© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

аммо туғилади. Ушбу моддани тўғридан-тўғри талқин қиладиган бўлсак, бундай ҳолда талаблар юборилмаган ҳисобланади ва уларни ҳисобга олмас ҳам бўлади деган хулоса келиб чиқади. Аммо амалиётда ушбу учта адресатнинг ҳаммасига ҳам юборилмаган ёки улардан бирига кечиктириб юборилган талаблар ҳам инobatга олинади.

Кредитор ўз талабларини тақдим қилганида унга суд ҳужжатлари ва ўзининг талабларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми, биринчи қисмига биноан тақдим қилинган талабларга эътироз билдириш учун хўжалик судига мурожаат қилишнинг асосларини белгилайди.

Кредитор талабларига қарздор ўз эътирозларини қуйидаги ҳолларда юборишга ҳақли:

— кредиторлар томонидан талабни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган суд ҳужжатини бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи, худди шунингдек унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ёхуд ижроси усулини ва тартибини ўзгартирувчи қонуний кучга кирган суд ҳужжати бўлса;

— кредитор томонидан талабларни аниқланган деб топиш учун асос тариқасида тақдим этилган ҳужжатни бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи (қарзни тан олиш, нотариуснинг ижро хати ва бошқалар), худди шунингдек унинг амал қилишини тўхтатиб турувчи ҳужжат бўлса;

— кредитор томонидан талабни аниқланган талаблар жумласига киритиш далили тариқасида тақдим этилган ҳужжат бўйича қарзни узиш муддатларини, тартибини ва шартларини ўзгартириш тўғрисида қарздор ва кредитор ўртасида битим тузилган бўлса;

— қарздор қарзни тўлиқ ёки қисман узган бўлса. Бунда «қарзни тўлиқ ёки қисман узиш» деганда қарздорни банкрот деб топиш аризани иш юритувига қабул қилинишидан олдин тўлиқ ёки қисман қарзларини қоплаганлиги тушунилади, чунки аризани қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредитор қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас (Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисм);

— талаб билдирилган мажбуриятдаги шахснинг ўзгарганлигига далиллар бўлса.

Қарздор ушбу моддада назарда тутилган асослар мавжудлигида, талабларнинг маълумотлари келиб тушгандан эътиборан бир ҳафта ичида хўжалик судига эътироз билдиришга ҳақли (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми). Бунда кредитор ўз талабларини билдирилганда илова қилган суд ҳужжатлари ва унинг талабларини асослигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга биноан ушбу қисмда назарда тутилган ҳолат мавжуд бўлганлиги, яъни кредитор ўз талабларини билдиришидан олдин ушбу қисмдаги ҳолат рўй берганлиги ҳақида гап кетмоқда.

Лекин кредитор талабларини билдирилгандан кейин ҳам ушбу қисмда назарда тутилган ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Мисол учун, кредитор ўз талабларини билдиргандан сўнг, талабларини тасдиқловчи суд ҳужжати тақдим этилгандан кейин мазкур ҳужжат кассация ёки назорат тартибида бекор қилиниши мумкин.

Ушбу ҳолда ҳам, яъни суд ҳужжатлари ва унинг талабларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга биноан ушбу қисмда назарда тутилган ҳолатлар келиб чиққанда, қарздор билдирилган талабларга эътироз билдириш учун ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Қонунда ушбу эътироз билдириш учун муддат кўрсатилмаган.

3. Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ аниқланган деб топиладиган талабларига ўз эътирозларини, агар кредиторнинг талабларини аниқланганлар жумласига киритиш далили тариқасида ўз қарзининг қарздор томонидан тан олинганлигидан далолат берувчи ҳужжат тақдим этилган бўлса ва муваққат бошқарувчида қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузади ва (ёки) асоссиздир деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, ҳўжалик судига юборишга ҳақли.

Шундай қилиб, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан талабларга билдирилган эътирозларни юбориш билан боғлиқ асосий ҳуқуқлар қарздорнинг зиммасига юклатилган, муваққат бошқарувчи эса ўз эътирозларини ҳўжалик судига юбориш учун ушбу қисмга биноан муайян ҳолатдагина, яъни — қарздорнинг қарзни тан олиш бўйича ҳаракатлари бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузадиган бўлса ёки қонуний асосга эга бўлмаса, ҳақли бўлади.

Агар қарздор томонидан эътироз билдиришга асос бўлса ва қарздорнинг раҳбари уларни судга тақдим этмаса, муваққат бошқарувчи Қонуннинг 59-моддасига биноан қарздорнинг хатти-ҳаракатларини устидан судга шикоят беришга ҳақли. Қарздор раҳбарининг ушбу ҳаракатсизлиги муваққат бошқарувчининг судга қарздорнинг раҳбарини четлаштириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши учун асос бўлиши мумкин чунки, унинг ҳаракатсизлиги нафақат кредиторларнинг балки қарздорнинг ўзини ҳам ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузади (Қонуннинг 66-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошиси).

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига биноан қарздор ёки муваққат бошқарувчи шарҳланаётган модданинг иккинчи ёки учинчи қисмларига мувофиқ тегишли талаблар олинган пайтдан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида ҳўжалик судига эътирозларини тақдим этилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларига берилган эътирозларни ҳўжалик судида кўриб чиқиш Қонуннинг 59-моддасида белгиланган тартиб ва муддатда амалга оширилади.

Хўжалик суди эътирозларни кўриб чиқиш натижасига кўра, кредиторлар реестрига уларнинг талабларини киритиш ёки киритмаслик ҳақида ажрим чиқаради. Ушбу ажрим қарздорга, муваққат бошқарувчига ва кредиторга юборилади. Ушбу масала кредитор учун ўзининг ижобий якунини топганда суд ажримида талаблар миқдори ва уларни қондириш навбати кўрсатилиши керак.

Ушбу масалалар бўйича ажрим Қонуннинг 60-моддасига биноан шикоят қилиниши мумкин. Башарти ушбу ажрим устидан шикоят тушган бўлса ҳам, барибир кредиторларнинг талаблари кредиторлар талаблари реестрига киритилади, чунончи Қонуннинг 48-моддаси олтинчи қисмига биноан ажрим устидан шикоят берилиши унинг ҳаракатини тўхтатиб қўймайди (табиийки у суд томонидан тан олинган бўлса).

Қарздор ёки муваққат бошқарувчи томонидан бир ҳафталик муддат ичида кредиторлар талаблари устидан судга эътирозлар билдирилмаса, ушбу талаблар кредитор билдирган миқдорда кредиторлар талаблари реестрига киритилади. Кузатув жараёнида кредиторлар талабларига қарздор ёки муваққат бошқарувчи томонидан эътирозлар билдирилган бўлса ҳамда улар натижасига кўра хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилган бўлса, 100-модда учинчи қисмига ўхшаб айнан ўша талабларга қайтадан эътирозлар билдириши мумкин эмас.

Кредиторлар эътирозларини кўриб чиқиш кузатув муддатидан ошиб кетса, суд кузатув муддатини узайтириши мумкин. Агар кузатув жараёнининг муддати узайтирилмаган бўлса, ҳамда кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти келган бўлса, муваққат бошқарувчи ушбу талабларни реестрга киритмайди, ушбу тоифадаги (талаблари бўйича суд муҳокамаси кетаётган) кредиторлар биринчи йиғилишда иштирок этишига қарамай овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Агарда кредиторлар талаблари асосли деб топилса, улар кейинги банкротлик таомиллар давомида кредиторлар талаблари реестрига киритилиши мумкин. Амалиётда, агар кредиторнинг талаблари охириги 30-кунда тақдим этилган бўлса, қарздор томонидан билдирилган эътироз биринчи суд мажлисида кўриб чиқилади ва унга баҳо берилади, шу жумладан кредиторни банкрот деб топиш тўғрисида берилган аризасига нисбатан қарздорнинг эътирозини қайтарилишига ҳам баҳо берилади.

5. Агар хўжалик суди кредиторлар талабларини асоссиз ёки тегишли далиллар билан тасдиқланмаган деб топса, кредиторларнинг бундай аризалари қайтарилади. Шунга қарамасдан, қонун кредиторларга ушбу талабларини кейинги банкротлик таомилларида тақдим қилиш ҳуқуқини беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми билан белгиланган муддатнинг тугаши билан юборилган кредиторларнинг талаблари муваққат бошқарувчи ва қарздор томони-

дан кўриб чиқилмайди, шу боис улар кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ушбу тоифадаги кредиторлар талаблари суд бошқарувчиси томонидан кейинги кейинги банкротлик таомилларида кўриб чиқилади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши кредиторлар талабларини белгилаш тамомланмаган бўлса ҳам ўтказилиши мумкин, чунки улар кейинги таомилларда ҳам ўз талабларини тақдим этишлари мумкин

71-модда. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақириш

Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилган санани белгилайди ва бу ҳақда барча аниқланган кредиторларни, қарздор ходимларининг вакилини, шунингдек кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларни (органларни) хабардор қилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш муваққат бошқарувчи томонидан ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги тўғрисида хўжалик суди чиқарган ажримда хўжалик суди мажлисини ўтказишнинг белгиланган санасига камида ўн кун муддат қолганида ўтказилиши лозим.

Кредиторлар биринчи йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилари талаблари ушбу Қонун 70-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда тақдим этилган ва кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган кредиторлардир.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ва қарздорнинг ходимлари вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Кредиторлар йиғилишида мазкур шахсларнинг йўқлиги йиғилишни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

Мазкур модданинг мақсади кредиторларнинг биринчи йиғилиши қайси тартибда ўтказилишини тушунтириб беришдир, яъни кимнинг ташаббуси ёки талабига биноан ўтказилиши мумкин; талабларнинг мазмуни нимадан иборат, суд бошқарувчисининг ваколатларини чеклаш, йиғилишни чақириш муддати ва уни ўтказиш жойи ҳақида маълумот беради.

1. Ушбу модданинг биринчи қисми биринчи йиғилишни чақириш ва ўтказиш тартибини белгилайди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши кузатув таомилининг охириги даврида ўтказилади ва банкротлик таомилининг муҳим тадбири ҳисобланади, чунки унда банкротлик таомилининг кейинги йўналиши аниқланади.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказиш вақти кейинги йиғилишлардан фарқли ўлароқ муваққат бошқарувчи томонидан мус-

тақил белгиланади, лекин шунга қарамасдан, Қонун уни ўтказиш чегараси (муддати)ни ўрнатган. Яъни, биринчи йиғилиш иш хўжалик суди томонидан кўриб чиқиш санасидан (яъни кузатув тугаган санадан) ўн кун олдин ўтказилиши керак, лекин кредиторлар талабларини тақдим этиш муддати ўтканидан сўнг, яъни кузатув жорий этиш ҳақида эълон чоп этилганидан ўттиз кун ўтгач.

Муваққат бошқарувчининг мажбурияти — бу қуйидаги банкротлик таомилида иштирок этувчи субъектларга хабарнома юборишдир (шунини айтиш лозимки, хабарнома нафақат овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар йиғилишида иштирок этувчиларга балки овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган иштирокчиларга ҳам юборилади):

— талаблари аниқланган аниқланмаганлигидан қатъий назар барча аниқланган олинган кредиторларга (ваколатли давлат органлари ҳам шулар жумласидан). Қонунда кўрсатилган тартибга биноан талаблари аризасиз қондириладиган (ҳаёт ва соғлиқ учун етказилган зарар, маънавий зарарни қоплаш, жорий тўловлар ҳақидаги талаблар бўйича ва ҳ.к.) кредиторларни хабардор қилиш шарт эмас;

— ваколатли органларга;

— қарздор ходимлари вакилига;

— кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этишга ҳақли бошқа шахсларга (муассис (иштирокчи)ларга ёки қарздор мол-мулкнинг эгасига).

Кўрсатилган субъектлар кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказилиши ҳақида Қонуннинг 11-моддаси нормалари билан ўрнатилган тартиб ва муддатлар ичида хабардор қилинишлари керак. Ушбу талабларга биноан кредиторларнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали жўнатилади ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олиншини таъминловчи бошқа усул билан юборилади. Кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарнинг расмий нашрда Қонуннинг 53-моддасида белгиланган тартибда эълон қилиниши кифоя.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этувчиларни аниқлайди.

Кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи ёки йиғилиш томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир ўтказиш имконига эга бўлган кредиторлар қаторига талаблари аниқланган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар (шу жум-

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ладан ваколатли давлат органлари ҳам) киради. Мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар кредиторлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади (Қонуннинг 10-моддаси учинчи қисм). Талаблари аниқланмаган ҳамда улар бўйича суд муҳокамаси олиб борилаётган кредиторлар биринчи йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар, лекин биринчи йиғилишда иштирок этишга ҳақли ҳисобланадилар. Кредиторлар йиғилиши кворумига қўйилган талаблар ҳамда қарорлар қабул қилиш тартиби Қонуннинг 10—13-моддалари билан белгиланган.

3. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили, қарздор ходимларининг вакили иштирок этади. Мазкур шахслар биринчи йиғилишдан ташқари кейинги йиғилишларда ҳам овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этишлари мумкин, шарҳланаётган қисмнинг нормаси улар кредиторларнинг биринчи йиғилишида иштирок этиши мумкинлиги тасдиқлайди. Бундан ташқари ушбу қисмга биноан, кўрсатилган шахсларнинг иштирок этмаслиги (ҳозир бўлмаслиги) кредиторлар йиғилишини ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди.

Бундан ташқари овоз бериш ҳуқуқисиз биринчи йиғилишда иш ким томонидан қўзғатилишидан қатъий назар, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органлари вакиллари иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга кредиторларнинг биринчи йиғилишида овоз бериш ҳуқуқисиз прокурор ҳам иштирок этиши мумкин, башарти иш унинг аризаси бўйича қўзғатилган бўлса.

72-модда. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида кўриладиган масалалар

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор;
қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

кредиторлар қўмитасининг миқдорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор;

санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;

ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларга доир қарор.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилишининг ваколатларини белгилайди.

1. Биринчи йиғилишнинг қарори — қарздорнинг кейинги тақдирини белгиловчи қарорлардан биридир. Мазкур модда қарздорнинг кейинги тақдирини белгиловчи йиғилишнинг ваколатларини белгилайди. Бунда Қонун 10-моддасининг айрим масалаларни фақат кредиторлар йиғилиши ваколатига тегишлилигини аниқлайдиган бешинчи қисмидаги ҳолатлар эътиборга олинishi керак.

Моддада кредиторларнинг биринчи йиғилишида кўриб чиқилиши мумкин масалалар санаб ўтилган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

— суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор (иккинчи хатбоши). Бундай қарор шундай имкониятлар бўлганида қабул қилиниши мумкин;

— ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарор (иккинчи хатбошиси);

— қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юриштишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор (учинчи хатбошиси);

— кредиторлар кўмитасининг миқдорий таркиби, унинг аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор (тўртинчи хатбоши);

— кузатувдан кейин амалга ошириладиган банкротлик таомилининг суд бошқарувчиси (санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг) номзодларини танлаш тўғрисидаги қарор (бешинчи хатбоши). Бунда бир пайтда ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар биринчи йиғилиши томонидан белгиланади (22-модда биринчи қисм.). Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин (94-модда иккинчи қисми);

— ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларга доир қарор (олтинчи хатбоши).

Демак, кредиторлар биринчи йиғилишида суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бирга 73-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган предметлар юзасидан; ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома киритишда 74-модда биринчи қисмида назарда тутилган предметлар юзасидан; қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юриштишни бошлаш ҳақида илтимоснома киритишда 74-модда иккинчи қисмида назарда тутилган предметлар юзасидан ҳам қарор қабул қилиниши лозим. Кредиторлар биринчи йиғилиши келишув битимини тузиш ҳақида масалаларни ҳам муҳока-

ма қилиши ҳамда шундай таклиф билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ушбу моддада қайд этилган қарорлардан иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошларда назарда тутилган қарорлар учун анча қаттиқ шартлар қўйилган, яъни уларни қабул қилиш учун барча кредиторларнинг кўпчилик овози талаб қилинади (Қонуннинг 13-модда учинчи қисм).

Шарҳланаётган моддада санаб ўтилган хатбошиларнинг барчаси фақат кредиторларнинг биринчи йиғилишининг мутлоқ ваколатига тегишли. Лекин улардан мустасно ҳолатлар борлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим:

— агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулк эгаси, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, шунингдек учинчи шахс (шахслар) қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг таъминлаш шarti билан суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли (75-модда учинчи қисм);

— кредиторлар йиғилишининг у ёки бу банкротлик таомилини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилган қилмаганлигидан қатъий назар банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

73-модда. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори

Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қароридан суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши керак.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг биринчи йиғилиши муваққат бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига бериладиган мазкур илтимосномасида санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзод таклиф қилиниши мумкин.

Шарҳланётган модда кредиторларнинг қарздорни молиявий соғломлаштириш таомили — суд санациясини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилишининг хусусиятларини белгилайди.

1. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарориди суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши **шарт**. Ушбу масалалар бўйича, одатда муваққат бошқарувчи ўзининг таклифини кредиторларнинг биринчи йиғилишида қарздорни молиявий таҳлили асосида тақдим этади (69-модда.). Аммо муваққат бошқарувчисининг таклифи кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарор чиқариши учун мажбурий эмас.

Қарздор, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки эгаси кредиторларнинг биринчи йиғилишига суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилганида, ушбу аризачилар суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвалини кўрсатган ҳолда, суд санацияси режасини тузади. Кредиторларнинг биринчи йиғилишига шундай илтимоснома билан учинчи шахс мурожаат қилганида, ушбу учинчи шахс қарзни узишнинг жадвалини тузади (76-модда иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари).

2. Кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарориди муваққат бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод қилиш ҳақида илтимоснома ҳам акс эттирилиши мумкин. Кредиторлар йиғилиши хўжалик судига тақдим этилган илтимосномасида санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзод таклиф қилиниши мумкин, бунда кредиторлар номзод сифатида муваққат бошқарувчи номзодини таклиф этишга ҳақлидирлар (Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 3-банди. ВМ 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли Қарорига 1-сонли илова). Қонунда санация қилувчи бошқарувчиликка тайинлаш учун номзодни кредиторлар йиғилишига тақдим қилиш тартиби белгиланмаганлиги учун, Қонуннинг 94-моддасига ўхшаш, кредиторлар йиғилишига санация қилувчи бошқарувчининг номзодини ҳар қандай кредитор ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тақдим этиши мумкин. Кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига қарздорга нисбатан суд санацияси таомилини жорий этиш ҳақида қарорисиз суд санацияси таомилини жорий этганида суд ўз ажримиди кредиторлар йиғилиши ёки қарздорнинг мажбуриятларини бажариши учун таъминот берган шахсларга санация қилувчи бошқарувчининг номзодини таклиф этилиши учун муддат белгилаши мумкин. Башарти, кредиторлар йиғилиши ёхуд қарздорнинг мажбуриятларини бажарилишини таъминлашни тақдим этган шахслар томонидан санация қилувчи бошқарувчининг номзоди кўрсатилмаса, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган номзодлар ичидан санация қилувчи бошқарувчини тайинлашга ҳақли.

74-модда. Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори

Кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Кредиторлар биринчи йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати ва тугатувчи бошқарувчиликка номзод, шунингдек у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Шарҳланаётган ушбу модда кредиторларнинг ташқи бошқарувни жорий этиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги қарорларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан кредиторлар биринчи йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддатини, одатда, кредиторларнинг биринчи йиғилишига қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлили натижаларини ҳисобга олган ҳолда муваққат бошқарувчи томонидан таклиф этилади (69-модда), лекин кредиторларнинг биринчи йиғилишининг қарори ушбу таклифга боғлиқ бўлиши шарт эмас.

Ташқи бошқарувчининг номзодини таклиф этиш тартиби Қонуннинг 94-моддаси билан тартибга солинган. Қоидага кўра, у ёки бу шахсни ташқи бошқарувчи деб тайинлаш ҳақидаги таклифда унинг касбий маҳоратини тавсифловчи меҳнат фаолияти, шу жумладан, суд бошқарувчиси тариқасида илгариги касбий фаолияти кўрсатилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига биноан кредиторлар биринчи йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорида тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати ва тугатиш бошқарувчиликка номзод, шунингдек у ҳақдаги маълумотлар бўлиши керак.

Тугатишга доир иш юритишнинг таклиф қилинаётган муддати, одатда, кредиторларнинг биринчи йиғилишига қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлили натижаларини ҳисобга олган ҳолда муваққат бошқарувчи томонидан таклиф этилади (69-модда), лекин кредиторларнинг биринчи йиғилишининг қарори ушбу таклифга боғлиқ бўлиши шарт эмас.

Тугатиш бошқарувчиликка номзодликни таклиф қилганда Қонуннинг 94-моддасидаги ҳолатлар қўлланилади, чунки 126-моддага биноан, тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинланади. 94-модданинг иккинчи қисмига биноан, тугатувчи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига кредиторлар ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин. Одатда у ёки бу шахсни тугатувчи бошқарувчи деб тайинлаш ҳақидаги таклифда унинг касбий маҳоратини тавсифловчи меҳнат фаолияти, шу жумладан, суд бошқарувчиси тариқасида илгариги касбий фаолияти кўрсатилади.

75-модда. Кузатувни тугатиш

Хўжалик суди кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим чиқаради ёки келишув битимини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Агар кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири ушбу Қонуннинг белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди банкротлик аломатлари бўлган тақдирда, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Санация қилувчи бошқарувчи ёки ташқи бошқарувчи ёхуд тугатувчи бошқарувчи тайинлангунга қадар унинг вазифасини бажариши илгари муваққат бошқарувчи вазифасини бажариб турган шахс зиммасига тўла ҳажмда юклатилади.

Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси ёхуд ташқи бошқарув жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайдан эътиборан кузатув тугатилади.

Ушбу модда кузатувни тугатиш тартибини тартибга солади ҳамда қарздор банкротлигининг кейинги таомилига ўтиш тартибини белгилайди, яъни хўжалик суди томонидан тегишли қарорларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмининг мазмунига кўра, хўжалик суди томонидан қарорларни қабул қилишда кредиторларнинг иродаси муҳим ўрин эгаллайди. Хўжалик суди кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида, агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим чиқаради ёки келишув битимини тасдиқлайди. Бироқ, хўжалик суди ўз хоҳишига кўра, кредиторларнинг биринчи йиғилиши қароридан қатъий назар, агарда суд мажлисида иш кўрилатган пайтида билдирилган банкротлик таомилини жорий этишга асослар мавжуд эмаслигини ёки уни тасдиқлашга қаратилган шартлар қондирилмаганлигини аниқласа 50-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган суд ҳужжатларидан бирини қабул қилиши мумкин. Масалан, ишни суд мажлисида кўриб чиқишда хўжалик суди қарздорнинг тўлов қобилиятини реал қайта тиклаш имконини аниқлолмаса, у ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқармайди, башарти кредиторларнинг биринчи йиғилиши ушбу таомилни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган бўлса ҳам. Шу билан бирга Қонуннинг 149- ва 150-моддаларига кўра мажбурий деб эътироф этилган шартларга риоя этилмаганда ҳам суд келишув битимини тасдиқлашни рад этади ва кредиторларнинг умумий йиғилишининг қарори бу ҳолатда суд учун мажбурий тусга эга эмас.

2. Кредиторларнинг биринчи йиғилишида бирор-бир қарор қабул қилинмаганлигида, ёки унинг қарори Қонуннинг 10-моддасида белгиланган беш кунлик муддатда тақдим этилмаган бўлса, суд (банкротлик аломатлари бўлган тақдирда) агар шарҳланаётган модданинг учинчи қисми нормаларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу қисмда назарда тутилганидек, қарздорни банкрот деб топганда ва тугатишга доир иш юритишни бошлаганда кредиторларнинг биринчи йиғилишида тугатиш бошқарувчисининг номзоди таклиф этилмайди. Бундай ҳолатда 126-моддага мувофиқ, тугатиш бошқарувчисини тайинлаш учун 94-модда тўртинчи қисмидаги ташқи бошқарувчини тайинлашга оид ҳолат қўлланилади, яъни кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан уч ҳафталик муддат ичида кўриб чиқиш, маъқуллаш ва хўжалик судига тақдим этишга ҳақли. Тугатувчи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, 94-модда бешинчи қисмига биноан хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

3. Агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Кўрсатилган шахсларнинг бевосита хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш тартиби ҳақида 76-модда шарҳига қаранг.

4. Банкротлик таомилларининг узлуксиз ташкил этиш ва ўтказиш учун, шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига биноан кейинги суд бошқарувчиси (санация қилувчи бошқарувчи ёки ташқи бошқарувчи ёхуд тугатиш бошқарувчи) тайинлангунга қадар унинг вазифасини бажариш илгари муваққат бошқарувчи вазифасини бажариб турган шахс зиммасига тўла ҳажмда юклатилади. Бу ҳолда муваққат бошқарувчи ташқи бошқарувчининг барча мажбуриятлари ва барча ҳуқуқларини амалга оширади, ташқи бошқарув режасини тузиш бундан мустасно.

5. Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси (ташқи бошқарув) жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади.

Бунда 63-моддада назарда тутилганидек, кузатувни жорий этиш оқибатларининг амал қилиши суд санациясига ёхуд ташқи бошқарувга ўтгандан кейин ҳам давом этади.

У БОБ. СУД САНАЦИЯСИ

Мазкур шарҳланаётган боб суд санациясига бағишланган.

Суд санацияси таомил тариқасида хўжалик суди томонидан қарздорнинг тўлаш имкониятларини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини қоплаш мақсадида жорий этилади. Суд санациясини амалга ошириш орқали қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлашнинг олдини олиш мумкин, бу эса ўз ўрнида қарздорни хўжалик юритувчи субъект сифатида тугатилишига олиб келади. Қарздорнинг бошқарув органи, шу жумладан унинг раҳбари қарздорнинг фаолиятини юритиш ҳамда унинг мол-мулкини тасарруф қилиш ваколатидан озод қилмайди ва санация қилувчи бошқарувчи раҳбарлигида ўз функцияларини бажаришини давом этади. Суд санацияси — бу «Банкротлик тўғрисидаги» Қонуннинг 2003 йилги таҳририга киритилган янгиликдир.

Суд санацияси қарздорнинг, муассислар (иштирокчилар)нинг ёки қарздор мол-мулки эгаси, ёхуд учинчи шахслар илтимоснома-сига биноан ёки кредиторлар йиғилишининг қарори асосида тақдим этиладиган илтимосномага биноан хўжалик суди томонидан жорий этилади. Суд санацияси қоида бўйича кредиторлар йиғилишининг барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади. Хўжалик суди суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда санация қилувчи бошқарувчини тайинлайди ҳамда суд санациясининг муддатини белгилайди. Суд санациясининг муддати суд санацияси режасига ва қарзни узиш жадвалига биноан белгиланади ва умумий қоидага биноан йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак. Суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимосномага суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали илова қилиши лозим. Муассислар (иштирокчилар)нинг ёки қарздор мол-мулки эгаси, ёхуд учинчи шахслар илтимосномаларига қарзни узиш жадвалини қарздор томонидан бажарилишини улар томонидан тасдиқловчи қафолатлар ҳам илова қилиниши керак, бунда тақдим этиладиган қафолатларнинг миқдори қарздорнинг мажбуриятлари миқдорининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Суд санацияси давомида кредиторлар ёки қарздорлар томонидан битимлар тузиб, кредиторларнинг тенглигини бузмаслиги учун кредиторлар йиғилишининг ёки санация қилувчи бошқарувчининг розилиги сўралади. Санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талаблари реестрини олиб боради (муваққат бошқарувчи тузган реестрни қабул қилиб олади), суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилганлиги ҳақида қарздорнинг ҳисоботини кўриб чиқади, кредиторлар йиғилишида қарздорнинг ҳисоботлари ҳақида

ўз хулосаларини тақдим этади. Қарздорнинг бошқарув органи кредитормлар йиғилиши томонидан тасдиқланган суд санацияси режасини бажаради ҳамда кредиторлар йиғилиши ва хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвалига мувофиқ барча кредиторлар билан ҳисоб-китобни амалга оширади. Хўжалик суди қарздор раҳбарининг суд санацияси амалга оширилганлик натижалари ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаган ҳолда, иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, тасдиқлашни рад этганида — суд санациясини тугатиш тўғрисида, ёки ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида, ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд санацияси жараёнида қарздор томонидан қарзни узиш жадвалини бажарилмаганида санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини чақиртиради ва қарздорни қарзни узиш жадвалини бажарганлиги ҳамда суд санацияси режаси тўғрисида ҳисоботларини ҳамда санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси эшитилади. Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг қарори асосида ё суд санациясини тугатиш тўғрисида ёки ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

76-модда. Суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат қилган шахслар мазкур илтимосномани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни кредиторларга бу ҳужжатлар билан танишиш имкониятини бериш мақсадида кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага камида икки ҳафта қолганида муваққат бошқарувчига тақдим этишлари шарт.

Қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг режаси, қарзни узиш жадвали, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси унинг

суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат этиш учун овоз берган муассислари (иштирокчилари) ҳамда бу шахслар томонидан қарзни узиш жадвали қарздор томонидан ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда илова қилинмоғи лозим.

Учинчи шахснинг (шахсларнинг) суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қарзни узиш жадвали ва қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши учинчи шахс (шахслар) томонидан таъминланишига оид далиллар илова қилинмоғи лозим.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кредиторларнинг йиғилишига бир неча шахс илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши бу шахсларнинг ҳар бири томонидан таъминланиши улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

Шарҳланаётган модда суд санациясини жорий этиш таомили, суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида илтимоснома мурожаат қилувчи шахслар доирасини, суд санациясини жорий этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилувчи шахслар доирасини, ҳамда ушбу шахсларнинг кузатув давомида суд санациясини жорий этиш ҳуқуқини белгилайди. Улар қаторига қарздорнинг ўзи, унинг муассислари (иштирокчилари), қарздор-унитар корхонанинг мол-мулки эгаси номидан иштирок этувчи орган, шунингдек учинчи шахслар киради.

Шарҳланаётган модданинг ушбу қисми юқоридаги шахслар томонидан суд санациясини жорий этилишининг икки усулини белгилайди.

Биринчидан, юқоридаги шахслар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига мурожаат қилишлари мумкин. Шу билан бирга Қонуннинг 78-моддаси биринчи қисмига биноан суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади, Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Юқоридаги шахсларни кредиторларнинг биринчи йиғилишига мурожаат қилишининг аниқ тартиби шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган.

Иккинчидан, ушбу қисмга биноан, Қонуннинг 72-моддада суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш фақат кредиторларнинг биринчи йиғилиши-

га тегишли бўлиши белгиланганлигига қарамай юқоридаги субъектлар суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан бевосита ўзлари хўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин.

Қонуннинг 75-моддаси учинчи қисмига биноан, агар кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд хўжалик судига унинг қарорларидан ҳеч бири тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг, шунингдек учинчи шахснинг (шахсларнинг) илтимосномасига биноан, аризачилар томонидан қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилган тақдирда суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли. Шарҳланаётган қисмининг қоидасига кўра, 75-модданинг учинчи қисмидан, кўрсатилган шахслар кредиторлар йиғилишининг тегишли қарорисиз ҳам хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкинлиги англашилади.

75-модданинг учинчи қисми қоидаларига биноан, гарчи шарҳланаётган қисмда у ушбу ҳуқуққа эга деб эътироф этилмаган бўлса ҳам банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Бунда қуйидаги ҳолатга эътибор қаратиш лозим, яъни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи мурожаат қилганида у бевосита хўжалик судига мурожаат қилиши лозим, бундан ташқари қарздорнинг мажбуриятлари ижросининг қарзни узиш жадвалига мувофиқ таъминоти тақдим этилиши лозим. Шунини ҳам айтиш жоизки, Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига биноан, ушбу орган фақатгина устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарга нисбатан суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин, бунда суд санацияси режасини тузиш зарурияти мавжуд. Ушбу ҳолатда қарзни узиш жадвалини тузишга зарурият бор-йўқлиги ҳақида Қонун сўз юритмайди, лекин Қонуннинг 78-моддаси иккинчи қисмига кўра, хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали кўрсатилиши керак, демак қарзни узиш жадвалини тузиш ҳам лозим.

Шунини ҳам айтиш жоизки, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи унинг аризасига биноан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилган ёки қўзғатилмаганлигидан қатъий назар хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳуқуқига эгадир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига биноан, қарздор суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилганида, ушбу илтимосномага суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим. Қонуннинг 73-модданинг биринчи қисмига биноан, кредиторлар биринчи йиғилишининг суд санациясини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қароридан суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узишнинг маъқулланган жадвали бўлиши керак. Кредиторлар биринчи йиғилиши томонидан суд санациясини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилишининг дастлабки шартлари тариқасида, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозимлигини белгилайди.

Қарздор томонидан тузилган қарзни узиш жадвали, қарздор раҳбари томонидан имзоланади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг йиғилишига мурожаат қилган ҳолда илтимосноманинг кимга юборилиши, унга қандай ҳужжатлар илова қилиниши ҳамда муддати белгиланган.

Суд санациясини жорий этиш юзасидан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлар муваққат бошқарувчига кредиторларнинг йиғилиши ўтказилишидан камида икки ҳафта олдин тақдим этилиши керак, бу орқали кредиторларга илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқишга имконият берилади. Шунга қарамадан илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўрсатилган икки ҳафталик муддатдан кечиктирилиши кредиторларни ушбу илтимосномани кредиторлар йиғилишида муҳокама қилишдан маҳрум қилмайди. Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун қўшимча вақт зарур бўлса, кредиторлар йиғилишини ўтказиш кейинга қолдирилади.

Ушбу қисмга биноан ушбу ҳужжатлар муваққат бошқарувчига тақдим этилиши керак, чунки муваққат бошқарувчининг зиммасига кредиторларнинг биринчи йиғилишини чақиртириш ва ўтказиш мажбурияти юклатилган (67-модда биринчи қисми бешинчи хатбошиси). Муваққат бошқарувчи кредиторларнинг биринчи йиғилишини ўтказишнинг санасини белгилайди ва йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган барча иштирокчиларга ушбу йиғилишнинг санаси, вақти, кун тартиби ҳақида ҳамда йиғилиш томонидан кўрилиб чиқиладиган материаллар билан танишиб чиқиш тартиби ҳақидаги хабарномани

кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи бошқа усул билан юбориши шарт (71-модда биринчи қисми ва 11-модда биринчи ва учинчи қисми). Бундан ташқари, суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома унга илова қилинадиган ҳужжатларни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санага камида икки ҳафта қолганида муваққат бошқарувчига тақдим этилиши унга йиғилиш чақирилиши ҳақидаги хабарномада суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилганлигини ҳамда илтимоснома унга илова қилинадиган ҳужжатлар билан танишиш тартибини белгилаш имконини беради.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгасининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги белгиланган:

Суд санациясининг режаси: Қонун нормасининг ушбу қисмида «Суд санациясининг режаси» кўрсатилган, лекин 73-модданинг биринчи қисми кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарорида тақдим этиладиган суд санацияси муддати кўрсатилиши керак деган талабларидан келиб чиқиб, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганидек, илтимосномага тақдим этиладиган муддати кўрсатилган суд санациясининг режаси илова қилиниши керак деган хулосага келади.

Қарзни узиш жадвали: қарзни узиш жадвалини қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулки эгаси томонидан имзолаш ваколати берилган шахс имзолайди.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг баённомаси унинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат этиш учун овоз берган муассислари (иштирокчилари) тўғрисидаги ҳужжатлар: қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) умумий йиғилиши томонидан қанча овоз олганида қарор қабул қилиниши қарздор-юримдик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ.

Қарзни узиш жадвали қарздор томонидан ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар: 77-модда учинчи қисми мазмунига кўра, ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатларга мажбуриятларни бажариш таъминотини тақдим этган шахс ҳамда кредиторлар йиғилиши вакили томонидан имзоланган битим ҳамда банк кафолати кўринишидаги ҳужжатлар киради.

5. Бешинчи қисмга биноан, **учинчи шахснинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоғи лозим.**

Қарзни узиш жадвали: қарзни узиш жадвалини учинчи шахс имзолаш ваколати берган шахс томонидан имзоланади.

Қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши учинчи шахс (шахслар) томонидан таъминланишига оид далиллар деганда, 77-модда учинчи қисмида назарда тутилган битим тушунилади.

Суд санациясини жорий этиш ҳақида учинчи шахс мурожаат қилганида суд санацияси режасини тақдим этиши шарт эмас, чунки учинчи шахс илтимосномасига қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажарилиши таъминланишига оид далиллар тақдим этилган. Қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаганида, кредиторларнинг талаблари учинчи шахс томонидан тақдим этилган таъминлов орқали қондирилади.

6. Олтинчи қисмга биноан, суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисида кредиторларнинг йиғилишига бир неча шахс илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши бу шахсларнинг ҳар бири томонидан таъминланиши улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

ЎзР ФКнинг 293-моддаси учинчи қисмига кўра, «Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилмаган бўлса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан барабар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар». Демак, биргаликда кафилликни берган шахслар, қоида бўйича, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганда биргаликда жавоб беришади. Лекин шунга қарамасдан, қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажаришини таъминловчи шахслар ўртасида тузилган битимда, уларнинг ҳар бирига юклатилган мажбуриятларнинг аниқ миқдори (ҳажми) белгиланган бўлиши мумкин.

77-модда. Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажаришини таъминлаш

Қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажариши қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда таъминланиши мумкин.

Қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариш юзасидан мажбуриятлари суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан таъминланган деб ҳисобланади.

Мажбуриятларни бажариш таъминоти берилганлиги тўғрисидаги битим, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ёзма шаклда тузилади. Кредиторлар тарафидан мазкур битимни кредиторлар йиғилишининг (кредиторлар қўмитасининг) вакили, хўжалик судининг ташаббуси билан суд санацияси жорий этилганда эса муваққат бошқарувчи, бошқа тарафдан қарздорнинг мажбуриятларни қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажариши таъминотини берган шахслар (бундан буён матнда мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар деб юритилади) имзолайди.

Мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминоти миқдори қарздор мажбуриятларининг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги масала юзасидан кредиторлар йиғилиши ўтказилиши олдидан охириги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра балансда акс эттирилган миқдоридан камида йигирма фоиз ортиқ бўлиши керак.

Қарздорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши таъминотининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритилганлиги, шунингдек қарздорга нисбатан банкротликнинг янги таомили жорий этилганлиги мажбуриятларни бажаришнинг берилган таъминотини тугатиш учун асос бўлмайди.

Модда қарздорнинг мажбуриятларини қарзни узиш жадвалига мувофиқ бажарилишини таъминлашга бағишланган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздорнинг мажбуриятларини бажариш учун қарзни узиш жадвали қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар билан таъминланади. Қонунда қайд этилган усуллар изчил тартибга солинмаган, чунки улар батафсил ЎЗР ФКнинг 22-бобида тартибга солинган.

ЎЗР ФКнинг 259-моддаси биринчи қисмида мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздор мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ва қонун ҳужжатлари ҳамда шартномада назарда тутилган бошқа усулларда таъминланиши белгиланган.

Шунга қарамай неустойка ва закатни таъминлаш, шунингдек ушлаб қолишга йўл қўйилмайди, модомики бу усуллар шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми қонунда бузади, чунки неустойка, закат ва қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган ҳолда қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан бажариш назарда тутилади, ушлаб қолиш бўлса қарздорнинг мол-мулкидан ушлаб қолиш йўли билан мажбуриятни бажарилишини таъминлашини қамраб олади.

Шунингдек, гаров, кафиллик, кафолат ва қонун ҳужжатлари ва шартномада кўрсатилган бошқа усуллар қарзларни узиш жадвалига мувофиқ мажбуриятни бажарилишини таъминлаш усули сифатида

йўл қўйилади. Аммо бу усуллар қонун талабларига ва қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар табиатига зид бўлмаслиги лозим.

Суд санацияси жорий этилишини аниқлашда хўжалик суди таклиф қилинаётган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш бўйича битимнинг қонуний эканлигини кўриб чиқади. Агар таклиф қилинаётган таъминлаш учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса ёки қонун ҳужжатларига мос келмаса, суд суд санациясини жорий этишга ҳақли эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ шахснинг ҳуқуқ ва мажбурияти таъминлашга, келишув тузилгандан эмас, балки хўжалик суди томонидан суд санацияси жорий этилгандан эътиборан, вужудга келади. Бу ўзини оқлаган, сабаби таъминлаш суд санациясини жорий этиш мақсадини назарда тутаяди.

3. Учинчи қисм, агар қонунда бошқача кўрсатилмаган бўлса, кредиторлар¹ ва таъминот берувчи шахс ўртасида келишувни назарда тутувчи таъминлаш ёзма тузилишини белгилайди. «Ночорлик тўғрисида»ги Федерал қонуннинг 79-моддаси учинчи қисми кўйидаги маънога эга, бунда шундай ёзма келишув суд санацияси жорий этилгандан кейин тузилиши мумкин ва ушбу қонуннинг 87-моддаси биринчи қисми бу ҳужжатда кўрсатилмаганлиги белгиланган, 79-модда учинчи қисми молиявий соғломлаштиришнинг муддатдан олдин тугатиш учун асос бўлади. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўйича бундай қоиданинг мавжуд эмаслигини, ёзма келишувни суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримдан сўнг тузиб бўлмайди деб шарҳлаш мумкин.

Модомики, 75-модданинг учинчи қисми ва 76-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари бўйича суд санацияларини жорий этиш тўғрисида ажрим қабул қилишнинг асосларидан бири учинчи шахслар (ёки шахс)нинг илтимоси, яъни мажбуриятларини қарзни узиш жадвали бўйича бажарилишини таъминлашдаги илтимоси, далил бўлиб ёзма келишув ҳисобланади, бундан хулосага келиш мумкинки, келишув фақатгина суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги хўжалик суди ажрими қабул қилингунга қадар имзоланиши керак.

Бундай келишув кредиторлар томонидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) вакили томонидан имзоланади. Қачонки, суд санацияси хўжалик суди ташаббуси билан жорий этилса, 75-модданинг учинчи қисми асосида, бундай келишув муваққат бошқарувчи томонидан имзоланади.

Бошқа томондан келишув таъминотни берилган томонидан имзоланади. Келишувни қарздорнинг ўзи томонидан имзоланиши талаб этилмайди.

¹ Рус тилидаги нашрда хато кетиб, «қарздор» деб ёзилган, ўзбек тилида тугатилиб, «кредиторлар» деб кетилди.

Шунинг учун хўжалик суди суд санациясини жорий этишда учинчи шахс ёки шахснинг илтимосини текшириши ва қарздорнинг мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш берилганлиги тўғрисидаги келишув имзоланганини текшириши, агар у бўлмаса учинчи шахснинг илтимосини қоноатлантиришни рад этади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми таъминотнинг миқдори қарздорнинг мажбурият миқдорини оширишлигини кўрсатади, суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги масала кредиторлар йиғилиши томонидан кўрилгунга қадар охириги ҳисобот соҳаси ҳолатига кўра балансида фарқлар камида 20%га, шунингдек, таъминот миқдори қарздорнинг мажбурияти миқдоридан 120 %га кам бўлмаслиги керак.

Қонуншунос қарздорнинг мажбуриятини бажарилишини таъминлаш миқдорини аниқлашда банк кредитини қайтаришни таъминлашда шакланган амалиётдан келиб чиқди. Бир қарз олувчига ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир гуруҳ қарз олувчиларга оид хатарнинг энг юқори миқдори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998 йил 2 декабрда 557-сон билан рўйхатдан ўтган Низом бўйича кредитни таъминлаш миқдори, шунингдек кафолат суммаси ёки гаровдаги мол-мулкнинг қиймати, кредит суммасидан 125%дан кам бўлмаслиги белгиланган (бу Низомнинг қабул қилинишида кредитнинг таъминлаш миқдори 115% кредит суммасидан кам бўлмаслиги белгиланганди, кейин ЎзР МБнинг Адлия Вазирлигидан 2003 йил 10 декабрда № 557-3-сон билан рўйхатдан ўтган Қарори низомга ўзгартириш киритди ва таъминот миқдори кредитнинг 125%ини ташкил этилиши белгиланди).

Модомики таъминот берган шахс ўзининг ҳаракатларини кафолат билан таъминламайди, балки бошқа шахс — қарздорнинг мажбуриятларини бажарилишини кафолат билан таъминлайди ва улар ўзларининг барча мол-мулклари билан эмас, балки ўзлари олган мажбурият доирасида, таъминот сифатида тақдим этилган, шунингдек мол-мулк қиймати ёки мулк ҳуқуқи доирасида жавоб беради.

Таъминот берган шахс суд санацияси муносабати билан қарздор тўлов қобилияти тикланиши ва кредиторларнинг барча талаблари қарзни узиш жадвали бўйича қаноатлантирилишини кафолатлайди. Бундай натижага эришилмаса ташқи бошқарувчи шахс ушбу қонуннинг 90-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

5. Қарздорга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар кредиторларнинг талаблари бўйича мажбуриятлар юклатилади ва бу мол-мулклар уларни тўла қондиришга етмайди. Бу модданинг бешинчи қисми бўйича бу мол-мулкни қарзларни узиш жадвалини бажарилишини таъминлашнинг предмети сифатида ишлатишни тақиқлайди.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми қарзни узиш жадвалига тузатиш киритиш мажбуриятларни бажариш таъминотини © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

тўхтатиш учун асос бўлмаслиги назарда тутилган. ФКнинг 298-моддаси кафилик у томондан таъминланган мажбурият тугаши билан, шунингдек мажбуриятга унинг розилигисиз жавобгарликни оширувчи ёки ноқулай оқибатлар келтириб чиқарганда бекор бўлиши назарда тутилган. Шарҳланаётган қисмнинг қондаси бундан истисно бўлиб, мажбуриятни бажарилишини таъминлаш қарзни узиш жадвалига таъминотни бажарувчи шахснинг розилигисиз ўзгартирилиши киритилганда бекор бўлмайди.

Суд санацияси даврида кредиторлар ўзларининг талабларини ҳар қандай вақтда эълон қилишлари мумкин (84-модда шарҳига қаранг). Бу билан суд санациясидан сўнг кредиторлар талаблари реестрига кредиторлар талаблари миқдорини купайтиришга имкониёт бор. Аммо бундай ҳолда таъминот берган шахсларнинг берган таъминотининг миқдорини кўпайтириш керак эмас ва бу суд санациясидан кейин киритилган кўшимча талабларини бажариш мажбуриятини юклаш керак эмас.

Қарздорга банкротликнинг бошқа таомили жорий этилганда, масалан, ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритишни бошлаш жорий этишда бу шахсларни мажбуриятни бажарилишини таъминлашдаги мажбуриятлари тугамайди. Бундай ҳолларда, агар суд санациясида мажбурият бажарилишини таъминловчи (учинчи шахс) шахс билан келишув битимига эришилса, бунда бу шахсларнинг таъминот бериш бўйича мажбуриятлари тугамайди. Агар келишув кредитор ва қарздор ўртасида тузилса, хўжалик суди келишувни тасдиқлаши билан мажбуриятни бажаришни таъминловчи шахснинг мажбуриятлари тугайди, келишувни шартларига кўра қарзни узиш мажбурияти қарздорга ўтади.

78-модда. Суд санациясини жорий этиш тартиби

Суд санацияси хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида жорий этилади, ушбу Қонун 75-моддасининг назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда суд санациясининг муддати кўрсатилиши, унда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

Ушбу модда суд санациясини жорий этиш, суд санацияси жорий этиш тўғрисида судга талаблар киритиш, шунингдек бу таомилга кирувчи суд ажрими устидан шикоят қилиш тартиби ва бундай таомилни киритиш муддатини белгилайди.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми истисно ҳолларда 75-модда учинчи қисмида кўрсатилган тартибда суд санацияси кредиторлар йиғилиши қарори асосида жорий этилиши назарда тутилган. Кредиторлар йиғилишининг суд санациясини жорий этиш тўғрисида қарори хўжалик судлари учун мажбурий эмас. Хўжалик судлари бу таомилни жорий этиш бўйича шартларни текширади, булар: 77-модда тўртинчи қисмида белгиланган тартибда қарздорнинг берилган таъминот миқдорига мос равишда тўловга қобилиятини тиклашдаги имкониятини текширади ва суд санациясини тегишли чиқарилган ажримга мувофиқ жорий этади.

Хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимос билан мурожаат этиш тўғрисидаги қарори кредиторлар кенгашининг мутлақ ваколатига киради (10-модда бешинчи қисми хатбошиси). Бу қарорни қабул қилиш учун қатъий талаблар қўйилган ва бу қарор барча кредиторларни кўпчилик овози билан қабул қилинади (13-модда учинчи қисм учинчи хатбошиси).

Бошқа томондан хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг қарорисиз ҳам суд санациясини ҳам жорий этиши мумкин, бу қонуннинг 75-модда учинчи қисмида назарда тутилган. Аммо бу ҳолат зарур, чунки қарздорнинг муассиси (иштирокчи)лари ёки қарздорнинг мулканинг эгаси, банкротлик бўйича давлат органи ёки учинчи шахслар илтимоси билан суд санациясини жорий этиш бўйича мурожаат қиладилар. Хўжалик суди кўрсатилган субъектлардан илтимоснома олиб, таомилни жорий этиш учун шартларини кўриб чиқади. Биринчи навбатда суд қарздорни тўлов қобилиятини тиклаш имкониятини текширади, сўнг суд қуйидаги маълумотларни текширади: қарздорнинг учинчи шахслардаги мулки ҳақида, дебиторлик қарзларини қайсисини тезда кредиторлар фойдасига кўрсатилган тартиб бўйича ўтиши мумкинлиги, 77-модда тўртинчи қисм шартлари бўйича таъминот миқдорига мувофиқ ва бошқалар, кейин суд суд санациясини жорий этишга аниқликлар киритади.

Кредиторлар кенгашининг хўжалик судига суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасида суд санациясининг муддати ва қарзни узиш жадвали тасдиқланган бўлиши керак (73-модда биринчи қисм). Бу илтимосномада кредиторлар йиғилишининг санация қилувчи бошқарувчининг номзоди ҳам кўрсатилиши мумкин (73-модда иккинчи қисм). Шу боис биринчи кредиторлар йиғилишида санация қилувчи бошқарувчининг ҳақ миқдори ва уни тўлаш тарти-

би тўғрисида қарор қабул қилинади. Кредиторнинг муассис (иштирокчи)лари ёки кредиторнинг мол-мулкининг эгалари суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимосномани беришда арз қилувчилар қарзни узиш тартибига мувофиқ қарздорнинг мажбуриятни бажаришни таъминлаш тўғрисида далил ёки ҳужжат тақдим этишлари керак.

Оқорида кўрсатилган ҳолатлар бўйича шарҳланаётган модда иккинчи қисми хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда суд санацияси муддати, хўжалик судлари томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, қарздорнинг мажбуриятларини бажарилишини таъминловчи шахс, таъминот усули ва миқдори, шунингдек санация қилувчи бошқарувчини тайинлаши ва унинг ҳақ миқдорини белгилайди.

Хўжалик суди суд санацияси муддатини белгилашда суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвалидаги муддатларни ҳисобга олиши зарур. Аммо режада кўрсатилган муддат мажбурий эмас ва хўжалик суди ўзининг ажримида ўзи ўринли деб топган муддатни кўрсатиши мумкин. Санация қилувчи бошқарувчига ҳақ тўлаш тўғрисида ҳам шунини айтиш мумкин. Кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилган ҳақ миқдори хўжалик суди учун мажбурий кучга эга эмас ва хўжалик суди ўзи маъқул деб топган миқдорни белгилайди.

Хўжалик суди суд санацияси муддатини белгилашда қарздорнинг кредитор олдидаги қарз миқдори, қарздор фаолиятининг хусусияти ва суд бошқарувчининг таклиф қилинаётган суд санацияси муносабатини эътиборга олиши керак. Хўжалик суди суд бошқарувчининг ҳақини белгилашда суд бошқарувчисининг бажарадиган иш ҳажми, унинг ихтисослиги ва бошқа ишдаги ҳолатларидан келиб чиқади.

Хўжалик суди 75-модда учинчи қисм бўйича суд санациясини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаришда санация қилувчи бошқарувчи номзоди таклиф этилмайди. Бу ҳолатда хўжалик суди ўзининг суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажримда санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унинг ҳақ миқдорини кўрсатмаслиги мумкин. Хўжалик суди томонидан санация қилувчи бошқарувчи тайинлангунча, унинг мажбуриятларини муваққат бошқарувчи бажаради (75-модда тўртинчи қисм).

3. Учинчи қисмда хўжалик судининг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрим 50-модданинг биринчи қисмида кўрсатилиши бўйича суд ҳужжатларига киради, шунинг учун ушбу ажрим устидан ЎЗР ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиниши мумкин (Олий хўжалик судининг 27.01.2006 йил 142-сонли Пленум қарори 21 ва 22-банди). Шикоят бериш ажримларнинг ижросига таъсир қилмайди.

Суд бошқарувчисини суд санациясини жорий этиш ёки ташқи бошқарув билан бир вақтда тайинланган ҳолларда ва тегишли таомилни амалга ошириш тўғрисидаги ажримда суд бошқарувчисини тайинланиши тўғрисида кўрсатиб ўтилади. Агар банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар ва прокурор тайинланган суд бошқарувчиси номзодидан норози бўлсалар қонунда кўрсатилган тартибда суд бошқарувчисини тайинлаш қисмидан протест келтиришлари мумкин (Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21-банд).

Шуни эътиборга олиш керакки, суд санациясининг муддати кўрсатилган суд ажримининг қисми устидан ЎЗР ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиш мумкин, аммо ҳақ кўрсатилган қисми устидан шикоят қилиб бўлмайди (Қонуннинг 60-моддаси шарҳига қаранг).

4. Суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажримда суд санациясининг муддати кўрсатилиши керак ва шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми бўйича, икки йилдан (йигирма тўрт ойдан) ошмаслиги керак. Суд санацияси муддати ҳўжалик судининг суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади (шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми). Ҳўжалик суди суд санацияси муддатини белгилашда суд санацияси режасидаги ва қарзни узиш жадвалидаги муддатга эътибор қаратиши керак.

Шунингдек, ҳўжалик суди мажбуриятни бажарилишини таъминлашни рухсат берувчи кредиторларнинг талабини қондириш учун суд санация муддатини олти ойга узайтириши мумкин.

Суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан ҳўжалик судига чиқиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш кредиторлар йиғилишининг мутлоқ ваколатига қиради (10-модда бешинчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси). Бундай қарор қабул қилиш учун қатъий талаблар қўйилган, масалан барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади (13-модда учинчи қисмнинг учинчи хатбошиси).

Шундай қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши судга суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилади. Ҳўжалик суди суд санацияси муддатини узайтириш тўғрисида ажрим қабул қилинади. Бу ажрим устидан ЎЗР ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиш мумкин, чунки у 50-модда биринчи қисмида кўрсатилган суд ҳужжатларига қиради (Олий ҳўжалик суди 27.01.2006 йил 142-сонли қарори 21, 22-бандлари). Ажрим устидан шикоят қилиш унинг ижросига таъсир қилмайди.

79-модда. Суд санациясини жорий этиш оқибатлари

Суд санацияси ўтказилаётганда қарздорнинг бошқарув органлари ўз ваколатларини ушбу бобда белгиланган чекловлар билан амалга оширадилар.

Суд санацияси жорий этилган пайтда:

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасаруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди.

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ қондирилиши лозим бўлган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторнинг талаблари суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқарган пайтдан эътиборан ва кредиторнинг талабини қаноатлантириш пайтигача, агар бундай қаноатлантириш рўй бермаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтигача кредиторнинг талаблари суммасига қўшиб ёзилиши лозим.

Кредиторлар йиғилишининг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ёки санация қилувчи бошқарувчининг қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномасига биноан хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштиришга ҳақли. Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздорнинг раҳбари вазифасини ижро этишни санация қилувчи бошқарувчининг зиммасига юклашга ҳақли. Хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар кўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, қарздор эса қуйидаги битимларни тузишга ҳақли эмас:

кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифа-

тида қўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар;

агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, ани ана шундай битимлар.

Санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қарздорнинг битимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бу моддада суд санацияси жорий этиш оқибатларини, бошқарув органлари ва қарздорнинг муассиси(мулкдори)нинг айрим ваколатларини чеклаш белгиланган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми суд санацияси ўтказиш вақтида қарздорнинг бошқарув органлари ушбу бобда назарда тутилган тартибда ўзларининг ваколатларини амалга оширади.

Суд санацияси қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатини санация қилувчи текширувчига ўтказмасдан кредиторлар олдида қарзини узиш мақсадида жорий қилинади. Шарҳланаётган модданинг бу қисми қонуннинг 3-моддасида суд санацияси тушунчасининг ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Шунга қарамай таомил қарзни узишда кредиторлар ўртасида адолат принципига амал қилишни мақсад қилади, кредитор ёки қарздорга муайян битимлар, яъни унинг тузилиши кредиторлар ўртасида адолатни бузилишига олиб келиши мумкин.

«Ушбу бобда белгиланган чекловлар» деганда шундай ҳолатлар назарда тутилганки, масалан Қонуннинг 79-моддаси бешинчи қисми ва 81-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда у ёки бу битимларни амалга ошириш учун кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) ёки санация қилувчи бошқарувчининг розилиги керак.

Шуни айтиш керакки, «шу бобдаги кўрсатилган чекловлар»дан ташқари бундай битимлар, масалан 63-моддада қайд этилган кузатувни жорий этиш оқибатларида ҳамда суд санацияси даврида тақиқланади деб шарҳлаш мумкин.

Этибор бериш керакки, бу модданинг 4-қисмида кўрсатилганидек, қарздорнинг бошқарувчиси баъзи ҳолларда ўзининг мажбу-

риятларини бажаришдан четлатилиши мумкин. Бундай ҳолатларда хўжалик суди қарздор бошқарувчисининг мажбуриятини санация қилувчи бошқарувчига юклаш ҳуқуқига эга.

2. Иккинчи қисм санация жорий этиш оқибатларини белгилайди, айнан:

— кредиторлар талабларини қондириш бўйича илгари қабул қилинган чораларни бекор қилади. «Кредиторлар талабларини қондириш бўйича илгари қабул қилинган чоралар» деганда Қонуннинг 46-моддаси биринчи қисмида эслатиб ўтилган кредиторлар талабларини қондириш бўйича чоралар тушинилади. Кузатув вақтида қабул қилинган кредитор талабларни қондириш бўйича чоралар (Қонуннинг 46-моддаси биринчи қисми), қонуннинг 46-моддаси учинчи қисми бўйича хўжалик суди банкротликнинг муайян бир таомилини жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаргунгача кучда қолади. Қонуннинг 46-моддаси биринчи қисмида кўрсатилганидек, суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажрими банкротлик таомилини жорий этиш тўғрисидаги, шунингдек талабларни қондириш бўйича чораларни бекор қилишни ўзида ифодалайди. Бу нарса шу билан изоҳланадики, банкротлик тўғрисидаги ишга суд санацияси жорий этилиши билан бошқа босқичга ўтади, қарздорнинг бошқарувчиси ва унинг муассиси (иштирокчиси) ёки мулк эгасини муайян чеклов учун чиқарилган ажрим, шунингдек кредиторлар билан жадвалга мувофиқ тезкор ҳисоб-китоблар олиб бориш ва кредиторлар талабларини қондириш учун қабул қилинган чоралар иш учун тўсқинлик бўлиб хизмат қилиши керак эмас.

— Санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига кредиторлар талабларини қондириш бўйича қўшимча чоралар қабул қилиш, шунингдек, мулкни сақлаш учун учинчи шахсга бериш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 81-моддаси биринчи қисми тўққизинчи хатбошиси).

— қарздорнинг мулкни хатлаш ва қарздорнинг унга тегишли бўлган мулкни тасарруф этишни бошқача чеклашлар банкротлик доирасида истисно тариқасида қўлланиши мумкин. Шунга эътибор қаратиш керакки, қарздорнинг мулкни хатлаш ва қарздорга тегишли мулкни бошқаришни бошқача тарзда чеклаш банкротлик тўғрисидаги процессда тегишли суд ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади. Кредиторларнинг талаблари қарздорнинг мажбуриятларини узиш жадвалига мувофиқ узилади, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддаси бўйича қарздорнинг мулкни хатлаш бўйича ижро жараёни мажбурий тўхтатилиши лозим ва суд санацияси давомида ижро этиб бўлмайди.

— неустойка (жарима, пеня) ва мажбурий тўловлар бўйича пул мажбурияти ва мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада

базармаганлиги учун бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, шунингдек, фоиз тўловлари ҳам суд санацияси даврида ҳисобланмайди.

— модомики суд санацияси адолатли ва кредиторлар талабларини қондиришга қаратилган таомил экан, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни бузувчи битимларни чекловлар ўрнатиш зарурати бор. Бундан кўриниб турибдики, 63-моддада кўрсатилган натижаси сифатида ўрнатилган чекловлар суд санациясидан кейин ҳам давом этади.

Шунингдек:

— мулкий тўловлар бўйича ижро ҳужжатларининг ижроси тўхтаилади (63-модда биринчи қисми шарҳига қаранг);

— қарздорнинг муассис (иштирокчиси) — юридик шахс унинг муассиси (иштирокчи)лари сифатида чиқиши муносабати билан қарздорнинг мулкидан улуш (пай) ажратиш тўғрисидаги талабларни қондириш тақиқланади, бундай ҳаракат хўжалик суди томонидан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторнинг илтимоси асосида Қонуннинг 103-моддаси тўртинчи қисми асосида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин;

— дивиденд ва бошқа эмиссия қилинган қимматли қоғозлар бўйича тўловлар тақиқланади;

— ушбу қонуннинг 134-моддаси ва 169-моддаси бўйича агарда бу билан навбатдаги талабларини қондириш бузилса, қарздорнинг пул мажбуриятларини бир турдаги қарши даъво талаби билан тўхтатилишига йўл қўйилмайди;

— қарздордан пул воситаларини олиш бўйича талаб ушбу қонун бўйича қарздорга талаб билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда тақдим этилади. Суд санациясида талабни тақдим этиш тартиби ҳақида 84-модда шарҳига қаранг.

3. Учинчи қисм бўйича қарзни узиш жадвалига мувофиқ қаноатлантирилиши лозим булган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар суммаси ЎЗР ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган тартибда фоизлар тартиби ва миқдори ҳисобланади. Бу қарзни узиш жадвалига мувофиқ талабни қондиришнинг кечиктирилиши иқтисодий зарарни зарурий қоплаш билан боғлиқдир.

— қарз суммасига қўшиладиган фоиз миқдори кредиторнинг яшаш жойи, агар кредитор юридик шахс бўлса, унинг бир кунда базарадиган пул мажбуриятлари ёки унинг бўйича фоиз, банк фоизлари ҳисоб ставкасининг жойлашуви бўйича аниқланади.

— бу фоизлар суд санацияси жорий этилган санадан кредиторлар талаблари узилгунга қадар бўлган таомил жараёнида ҳисобланади, агарда бундай қарзни узиш кредиторнинг банкротликни тан олиш тўғрисида ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги қарорга ча қўшилган фоизлар талаблар реестрига киритилади ва кредиторлар йиғилишида овозларни аниқлаш учун ҳисобга олинади.

4. Қонуннинг 79-моддаси тўртинчи қисми бўйича хўжалик суди қарздорнинг раҳбарини кредиторлар йиғилиши, таъминот берган шахс ва санация қилувчи бошқарувчининг қуйида кўрсатилган ҳар қандай маълумоти бўйича илтимоснома билан мажбуриятини бажаришдан четлатиш мумкин. Қонуннинг 81-модда биринчи қисм саккизинчи хатбошиси санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига ушбу моддада кўрсатилган ҳолатларда қарздорнинг бошқарувчисини четлатиш бўйича илтимоснома билан мурожаат қилишдаги мажбуриятларига тегишлидир. Бу қуйидагилар:

— қарздор раҳбарининг имкониятлари мавжуд бўлиб, суд санация режаси ёки қарзни узиш жадвалини лозим даражада ёки умуман бажармаганлиги тўғрисида маълумот.

Шуни айтиш керакки, агар суд санация режасида ижро этилганида қонун бузилиш ҳолатларига олиб келувчи чоралар бўлса, қарздорнинг раҳбари бунга бажармаслиги керак ва уни бу асос билан четлаштирилмайди.

— қарздор, кредиторлар, мажбурият бажарилишини таъминловчи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги маълумот.

Бундай ҳолларда хўжалик суди қарздор раҳбарининг бажараётган ваколатини санация қилувчи бошқарувчига юклашга ҳақли. Хўжалик судининг қарздор раҳбарини четлатиш тўғрисидаги ажрим устидан Қонуннинг 60-моддаси бўйича шикоят қилиниши мумкин (Олий хўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарори 21-банди).

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми қарздорнинг муассис(иштирокчи)лари, қарздор мол-мулкнинг эгаси, қарздор томонидан битимларга суд санацияси даврида чекловлар белгилаш мумкин. Суд санацияси таомилининг ўзига хос хусусияти, санация қилувчи бошқарувчисининг қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини олиб бериш рўй бермайди. Бошқа томондан таомил қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар олдида қарздини узиш мақсадини кўяди, бу нуқтаи назардан эса қонун алоҳида ҳолларда битимлар тузишда кредиторлар йиғилиши ёки кўмитасининг розилиги талаб қилади.

Бундан ташқари, қонуннинг 81-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошиси суд бошқарувчисининг тегишли битим ва қарорлар бўйича ахборотларни кредиторларга тақдим этиш ва розилик беришни белгилайди. Бунда эътибор қаратиш керакки, бундай ҳолларда нафақат кредиторлар йиғилиши(кўмитаси)нинг, шунингдек санация қилувчи бошқарувчининг розилиги керак. Қарздорнинг муассис(иштирокчи)лари ёки мулкнинг эгалари кредиторлари йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасининг розилигисиз қайта ташкиллаштириш (қўшилиш, қўшиб олиш, бўлиниш, ажратиш, қайта ташкил этиш) ва қарздорни тугатишга ҳақли эмас. Шунингдек, қарздор кредитор-

лар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ва санация қилувчи бошқарувчининг розилигисиз битимларни амалга оширишга ҳақли эмас:

— кўчмас мулкни ижара, гаровга қўйиш билан, кўрсатилган мол-мулкни хўжалик ширкати ва маъсулияти чекланган ёки қўшимча маъсулиятли жамият устав фонди(устав фонди) сифатида қўшиш ёки бу мулкни бошқача тарзда фойдаланиш билан алоқадор бўлганда;

— қарздор активлари баланс қийматининг 10 фоиздан ортигини ташкил этувчи қарздорнинг мулкидан фойдаланиш билан алоқадор бўлса;

— заём(кредит) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолат бериш, талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш, қарзни ўтказиш, шунингдек, қарздорнинг мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан алоқадор бўлса;

— қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тузилишидан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар манфаатдор бўлган; бунда санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар кенгаши қарздор билан муносабатда мансабдор шахс бўлишлиги мумкин бўлган битимлар назарда тутилади. Мансабдор шахснинг кредитор — юридик шахс билан муносабатлар доираси Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмида белгиланган. Шарҳланаётган модда қоидалари кредиторлар йиғилиши ваколатларини белгилувчи 15-модда бешинчи қисм тўртинчи хатбошиси билан алоқадор.

6. Олтинчи қисм бўйича санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда қарздорнинг ҳақиқий бўлмаган битимлари учун тушунтириш талаб қила олади.

Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмини бузиб, битимлар тузилиши низоли ҳисобланади ва улар хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФК 113-модда биринчи қисми).

Шарҳланаётган модда санация қилувчи бошқарувчи ва кредиторлар битимини ҳақиқий эмас деб топишни қарздордан талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолда бу қисмда фақат санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза бериши эслатилган бўлса ҳам, агар битим низосиз, аҳамиятсиз бўлса, бунда санация қилувчи бошқарувчи судга аҳамиятсиз ҳақиқий бўлмаган битимнинг оқибатларини қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай талаблар хўжалик судида ЎЗР ХПКда кўрсатилган тартибда банкротлик тўғрисидаги ишдан ташқари доирада, умумий тартибда кўрилади (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарори 26-банди).

80-модда. Санация қилувчи бошқарувчи

Санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси жорий этилган пайдан эътиборан ва суд санацияси тугагунга қадар ёки муддатидан илгари тугатилгунга қадар фаолият юритади.

Санация қилувчи бошқарувчи ўз вазифасини бажаришдан ариза-сига биноан ёки кредиторлар йиғилишининг ёхуд мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг илтимосномасига биноан, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда хўжалик суди томонидан озод қилиниши мумкин. Хўжалик судининг санация қилувчи бошқарувчини ўз вазифасидан айни бир пайтда янги санация қилувчи бошқарувчини тайинлаган ҳолда озод қилиш тўғрисидаги аж-рими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Суд санацияси пайтида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши санация қилувчи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади.

Агар хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарилган ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ҳамда ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси этиб бошқа шахс тайинланган бўлса, санация қилувчи бошқарувчи ишлар ташқи бошқарувчига ёки тугатиш бошқарувчисига ўтказиладиган пайтга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Шарҳланаётган модда санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси, санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш тартиби ва унинг ваколоти тугаши вақтини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича санация қилувчи бошқарувчиликка номзод хўжалик судига кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи шахс томонидан кўрсатилиши белгиланган.

Шарҳланаётган қисм Қонуннинг 72-модда биринчи қисм бешинчи хатбошиси ва 23-модда иккинчи қисм қоидалари билан ўзаро алоқадордир. Қонуннинг 72-моддаси биринчи қисм бешинчи хатбошиси кредиторларнинг биринчи йиғилиши томонидан мутлоқ ваколатида санация қилувчи бошқарувчиликка номзодни маъқуллаш киради. Қонуннинг 73-моддаси иккинчи қисм кредиторларнинг биринчи йиғилиши хўжалик судига суд санациясини жорий этиш тўғри-

сида илтимос билан бирга, хўжалик судига муваққат бошқарувчини унинг мажбуриятлари бажаришдан озод қилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлилигини белгилайди. Кредиторлар йиғилишининг кўрсатилган илтимосномасида хўжалик суди тайинлаши учун санация қилувчи бошқарувчининг номзоди таклиф этилиши мумкин.

Хўжалик судига кредиторлар йиғилишининг қарорисиз суд санациясини жорий этиш тўғрисида тўғридан-тўғри мурожаат қилинган ҳолларда 75-модда учинчи қисмга мувофиқ санация қилувчи бошқарувчиликка номзодни таъминловчи шахс, шунингдек, муассиси (иштирокчиси) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ёки учинчи шахс таклиф қилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси жорий этилганидан эътиборан ва суд санацияси тамомланишигача ёки уни муддатидан илгари тугатилгунга қадар бўлган тартибни белгилайди.

Қонуннинг 85, 87 ва 89-моддаларига мувофиқ суд санацияси тамомланиши ёки унинг муддатидан илгари тугатиш деганда, суд санацияси тўғрисида ажрим чиқариш, ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш тушунилади.

Агар ташқи бошқарув жорий этиш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаришда хўжалик суди ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси сифатида бошқа шахсни тайинлаганда, санация қилувчи бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини ташқи ёки тугатиш бошқарувчига ишларни топширгунча давом эттиради (шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми).

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи унинг мажбуриятларидан озод қилиш ва четлатиш асосларини белгилайди. Бу асослар ўртасидаги фарқ, санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш унинг аризаси асосида узрли сабаблар бўйича (масалан, шахсий хоҳиш асосида), мажбуриятни бажаришдан четлатиш, қоида бўйича санация қилувчи бошқарувчининг айбли ҳолатлари бўйича, унинг мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги сабаб кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси бўйича амалга оширилади.

Шарҳланаётган қисм кредиторлар йиғилишининг санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаси учун асосларни тўғридан-тўғри кўрсатмайди. Шунингдек 96-модда биринчи қисми иккинчи хатбошиси ва 140-модда биринчи қисми иккинчи хатбошиси ўхшашлиги бўйича талқин қилиш мумкинки, кредиторлар йиғилиши санация қилувчи бошқарувчини юклатилган мажбу-

риятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун озод қилишга ҳақли. Бунинг учун бошқарувчини мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли зарар келиб чиқиши талаб этилмайди. Шунингдек, 96-модда биринчи қисм иккинчи хатбошиси аналогияси бўйича айтиш мумкинки, кредиторлар йиғилишининг санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш тўғрисидаги қароридан янги санация қилувчи бошқарувчи тўғрисида маълумот бўлиши керак.

Шарҳланаётган модданинг қисми бўйича кредиторлар йиғилиши хўжалик судига санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин, кредиторлар қўмитаси ҳам бундай илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Шарҳланаётган қисм хўжалик судига таъминот берган шахс томонидан илтимоснома билан мурожаат қилишни белгиламайди. Шунга қарамай, 21-модда биринчи қисми аналогияси бўйича талқин қилиш мумкинки, таъминот берувчи шахс санация қилувчи бошқарувчи юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида кўрсатилган шахсларга зарар етказилса, озод қилиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш мумкин.

Бошқа ҳолларда эса, ушбу Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисми, 21-модда биринчи қисми, шунингдек, 25-модда биринчи қисми еттинчи хатбошиси бўйича хўжалик суди санация қилувчи бошқарувчини озод қилишга ҳақли. Бу ҳолатда озод қилишнинг аниқ асослари тўғрисида 18-модда учинчи қисм, 21-модда биринчи қисм ва 25-модда биринчи қисм шарҳида баён этилган.

Хўжалик судининг санация қилувчи бошқарувчини озод қилиш ва янги санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримлари устидан Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят қилиш мумкин. (Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-банди). Бу ажримлар устидан шикоят уларнинг ижросини тўхтатмайди.

Қонуннинг 92-модда биринчи қисм учинчи хатбошиси ва 128-модда олтинчи қисм аналогиялари бўйича озод қилинган санация қилувчи бошқарувчи янги санация қилувчи бошқарувчи ўз мажбуриятларини бажара олишлиги учун уч куни ичида бухгалтерия ва бошқа қарздорнинг ҳужжатларини, муҳр ва штамп, моддий ва бошқа қимматликларини ўтказишни таъминлаши керак.

4. Тўртинчи қисм бўйича, суд санацияси даврида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан боғлиқ ҳолда банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилиши санация қилувчи бошқарувчининг ваколатлари тугатилишга олиб келади.

Суд санацияси жараёнида қарздор тўлов қобилиятининг тикланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (56-модда

биринчи қисм иккинчи хатбошиси), шу муносабат билан санация қилувчи бошқарувчининг ҳам ваколоти тугайди. Бу қисмда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари санация қилувчи бошқарувчининг ваколлатлари қуйидаги ҳолларда тугатилади: ташқи бошқарувчи жорий этиш тўғрисидаги ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш; модданинг учинчи қисми бўйича санация қилувчи бошқарувчининг озод қилиниши, 56-модда бўйича банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши (бундан ташқари, 56-модда биринчи қисм иккинчи хатбошисида кўрсатилган, масалан, келишув битими тузилиши ҳолатларида)

5. Ушбу модда бешинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим чиқариш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бошқа шахсни ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси деб тайинлашда санация қилувчи бошқарувчи ўзининг мажбуриятларини бажариши ташқи ёки тугатиш бошқарувчисига топширгунча давом эттиради.

Бу ҳақда ташқи бошқарув жорий этиш тўғрисида қарор ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорда ким корхонага раҳбарлик қилиши кўрсатилади, чунки санация қилувчи бошқарувчини ваколоти тугаган, ташқи ёки тугатиш бошқарувчиси тайинланмаган бўлади.

Қонуннинг 123-моддаси тўртинчи қисм қоидалари аналогияси бўйича санация қилувчи бошқарувчи ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчига суд бошқарувчиси тайинлангандан сўнг уч иш кунда ишларини топшириши шарт.

81-модда. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқлари

Санация қилувчи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақида ахборот талаб қилиш;

қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш;

қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказилган тақдирда унда иштирок этиш;

кредиторлар жорий талабларини қарздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

ушбу Қонун 79-моддасининг назарда тутилган ҳолларда қарздорнинг битимлари ва қарорларини келишиб олиш ҳамда мазкур битимлар ва қарорлар ҳақида кредиторларга ахборот тақдим этиш;

ушбу Қонуннинг 59 ва 70-моддаларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қарздорнинг кредиторлар талабларини тан олиш ёки бундай талабларни аниқланган деб топиш учун асосларни тасдиқлаш бўйича ҳаракатлари ёхуд қарздорнинг кредиторлар талабларини кўриб чиқиш борасидаги ҳаракатсизлиги устидан хўжалик судига шикоят бериш;

ушбу Қонун 79-моддасининг назарда тутилган ҳолларда қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

Санация қилувчи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Санация қилувчи бошқарувчининг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд бошқарувчиси сифатида Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган. Бундан ташқари, шарҳланаётган модда суд санацияси таомилини ўтказишга суд бошқарувчисини ҳуқуқларини белгилайди.

1. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича, санация қилувчи бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг ҳозирги фаолият тўғрисидаги маълумотни, яъни молиявий-хўжалик фаолиятининг аҳволи тўғрисида, чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилаётган ишлар тўғрисида, суд санацияси режасида кўрсатилган тадбирлар ўтказилиши, кўрсатилган тадбирлар ўтказилишини раҳбар ёки қарздорнинг бошқарув органи томонидан ижро қилинишини ва қарзни узиш жадвалини бажарилишини назорат қилади. Бу шуни англа тадики, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини ва қарзни узиш жадвалини бажариши устидан назорат ўрнатиш бўйича жавобгардир;

— қарздорнинг раҳбаридан хўжалик суди ва кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали бўйича кредиторлар талабларини узиш бўйича пул маблағларини ўз вақтида ва тўла бажарилишини талаб қилади;

— қарздор томонидан мулкни рўйхатдан ўтказиш ўтказилган ҳолларда рўйхатдан ўтказишга қатнашиш, бу қоидадан шу маъно келиб чиқадики, санация қилувчи бошқарувчи қарздор мулкнинг аҳволи тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун қарздорнинг мулкни рўйхатдан олишда шахсан иштирок этади;

— қарздор томонидан кредитор талабларни ўз вақтида бажарилиши назоратини амалга оширади, шунингдек қарздорнинг фаолиятини таъминлаш ва суд санацияси режасини бажариш учун қарздорнинг мавжуд тўловлари ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилади;

— кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш ва қарздор мол-мулкнинг яхлитлигини ва сақланишини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 79-моддаси бешинчи қисми бўйича қарздорнинг кўрсатилган қарор ва битимларга розилик беради ва бу ҳақда кредиторлари ахборот беради. Суд бошқарувчиси кредиторлар манфаатини ҳимоялашга мажбур бўлганлиги сабабини, Қонуннинг 79-моддаси бешинчи қисми бўйича қарздорнинг раҳбарини битимлар тузишда назорат қилади. Бундай битимлар тузилиш ҳолларида у битим тузишга розилик беради ёки битим тузилишга розилик беришдан бош тортади. Санация қилувчи бошқарувчи ўзининг барча битим тузиш билан боғлиқ ҳаракатлари ҳақида кредиторларни хабардор қилади. Кредиторларга бундай хабарлар кредиторларнинг навбатдаги йиғилишида тақдим этилиши мумкин. Агар санация қилувчи бошқарувчи кредиторларга ахборотни кечиктириб бўлмайдиган зарурият деб ҳисобласа, имкониятдан келиб чиқиб, ҳар бир кредиторга бу ахборотни ёзма равишда юборади. Қарздорнинг раҳбари ҳаракатларидан кредиторлар томонидан шикоят тушганда ёки санация қилувчи бошқарувчи талабларини тан олиш ёки тан олиш асосларини тасдиқлаш билан боғлиқ қарздорнинг раҳбарининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки қарздор раҳбарининг кредитор талаблари қисмини кўришда ҳаракатсизлиги аниқланса, санация қилувчи бошқарувчи Қонуннинг 59 ва 70-моддасида белгиланган тартибда хўжалик судига қарздор раҳбарининг ғайриқонуний ҳаракатларини тан олиш шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Модомики кредиторлар кузатув таомилини ўтказиш вақтида ўзларининг талабларини хўжалик судига, қарздорга ва муваққат бошқарувчига талаблар юбориш орқали тақдим этиши мумкин. Қонуннинг 70-моддаси бўйича кредитор талабларини асоссиз ва тасдиқланмаган далиллар билан тан олишда кредитор аризасини қайтарилиши ва бу талаблар банкротликнинг кейинги босқичларида тақдим этилиши мумкин, бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қарздорнинг раҳбари бу талабларни қайта тақдим этганда уларни кўриб чиқишга мажбур. Қарздорнинг раҳбари кредиторлар талабларини кўриб чиқмаслиги кредиторлар талабларини кўришда қарздорнинг ҳаракатсизлиги сифатида баҳоланади. Бу суд бошқарувчисининг хўжалик судига қарздор раҳбарининг ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисида шикоят билан мурожаат қилиш учун асос бўлади.

Суд бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида ёки қарздорнинг кредитор мажбуриятларини бажарилишини таъминловчи шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳаракат(ҳаракатсизлик) содир этиши ҳақида маълумот олиши билан у хўжалик судига қарздорнинг раҳбарини унинг мажбуриятларини бажаришидан четлатиш тўғрисида илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Санация қилувчи бошқарувчининг илтимоси хўжалик суди томони-

дан қаноатлантирилган ҳолларда, қарздор раҳбарининг мажбуриятлари санация қилувчи бошқарувчига юклатилиши мумкин.

Санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига қарздорнинг мулкларини сақлашни таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат эта олади. Бу чоралар мулкни сақлаш учун учинчи шахсга бериш, мулкни тасарруф этишни тақиқлаш бўлиши мумкин. Санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига бу чораларни бекор қилиш ҳақида ҳам мурожаат қилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи нима қила олиши ва қонун ҳужжатлари бўйича бошқа ҳуқуқлари белгиланган.

82-модда. Санация қилувчи бошқарувчининг мажбуриятлари

Санация қилувчи бошқарувчи:

кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган ҳолларда кредиторларнинг йиғилишини чақариши;

қарздор томонидан тақдим этилаётган суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиши ҳамда кредиторларнинг йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этиши;

суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар қўмитасига, шунингдек агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Санация қилувчи бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада санация қилувчи бошқарувчи асосий мажбуриятларининг тугал бўлмаган рўйхати берилган.

1. Санация қилувчи бошқарувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) кредитор талаблари реестрини юритиш.

Санация қилувчи бошқарувчи кредитор талабларини реестрини қайтадан тузмайди балки муваққат бошқарувчи томонидан тузилган реестрни қабул қилади ва кредиторларнинг билдирилган талаблари ҳисобини юритади.

Кредиторлар суд санацияси жараёнида Қонуннинг 70-моддаси бўйича ўзларининг талабларини билдириши мумкин. Қонуннинг 70-моддаси тўртинчи қисм бўйича муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблар, шунингдек хўжалик судига эътироз билдирилган талаблар ва эътирозлар кўриш натижасида реестрга киритиш тўғрисида суд ажрим чиқарилган талаблар санация қилувчи бошқарувчи томонидан кредиторлар талабларини реестрига киритилади. Суд са-

нацияси жорий этилгунга қадар киритилган талаблар қайта билдирилиши керак эмас.

Суд санацияси жараёнида қарздорнинг раҳбари томонидан талаблар қондирилган ҳолларда ва қондирилганлиги ҳақида далиллар келтирилганда санация қилувчи бошқарувчи реестрга тегишли ёзувларни киритади (83-модда учинчи қисм шарҳига қаранг);

б) Қонуннинг 12-моддасидаги ҳолатларда кредиторлар йиғилишини чақириш.

Бу қисм қоидалари бўйича санация қилувчи бошқарувчи суд санацияси жараёнида кредиторлар йиғилишини қуйидаги ҳолатларда чақириши шарт:

— кредиторлар йиғилиши хўжалик судига қарзни узиш жадвалига ўзгартиришни тасдиқлаш тўғрисидаги илтимосномаси билан мурожаат тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун (84-модда биринчи қисм).

— Хўжалик судига суд санациясини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги мурожаат масаласини кўриш учун (86-модда иккинчи қисм).

Хатто санация қилувчи бошқарувчи бу мажбуриятларни бажармаганда ҳам, кредиторлар кўмитаси, кредиторлар реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари бўйича барча талаб қилинган сумманинг учдан бири миқдоридан кам бўлмаган миқдорда талабларга эга кредиторлар ва кредиторлар умумий сонининг учдан биридан кам бўлмаганни ташкил қилувчи кредиторлар (12-модда, биринчи қисм) кредиторлар йиғилишини чақириши мумкин;

в) Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвалини бажарилиши тўғрисида қарздор томонидан тақдим этилган ҳисоботни кўриб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига тегишли хулоса тақдим этиш.

Санация қилувчи бошқарувчи қуйидаги ҳолларда суд санацияси режасини бажариш тўғрисида қарздорнинг тақдим этган ҳисоботи бўйича хулоса беради:

— қарздорнинг раҳбари суд санациясини муддатдан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш масаласини кўриш учун чақирилган кредиторлар йиғилишига суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши натижалари бўйича ҳисобот тақдим этади. Санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари томонидан берилган ҳисобот билан бирга, ўзининг қарздорнинг раҳбари ҳисоботи бўйича хулосасини кредиторлар йиғилишига тақдим этади (86-модда, учинчи қисм).

— қарздорнинг раҳбари хўжалик судига суд санацияси муддати тугашига ўн беш кундан кам бўлмаган муддат қолганда суд санацияси натижалари тўғрисида ҳисоботни тақдим этади. Қарздорнинг раҳбари тақдим этган ҳисоботга санация қилувчи бошқарувчининг қарз-

дорнинг раҳбари ҳисоботи бўйича хулосаси илова қилинади (87-модда, биринчи қисм).

Бундан ташқари хўжалик суди томонидан белгиланган суд санацияси муддати тугагунча қарзни узиш жадвалига мувофиқ қарздор томонидан талабларни тўла қондирилган ҳолларда, қарздорнинг раҳбари қонуннинг 87-моддасида белгиланган тартибда хўжалик судига суд санациясини муддатдан илгари тугатганлик ҳақида ҳисобот тақдим этади (85-модда, биринчи қисм). Демак қарздорнинг раҳбари суд санациясини муддатдан илгари тугатганлик тўғрисидаги ҳисоботига ҳам санация қилувчи бошқарувчининг шу ҳисобот бўйича хулосаси тақдим этилади.

Бундай ҳолларда кредиторлар йиғилиши чақирилмайди, шунингдек қарздор раҳбарнинг суд санацияси натижаси ёки суд санациясини муддатдан илгари тугатганлик тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек санация қилувчи бошқарувчининг шу ҳисоботга хулосаси кредиторлар йиғилишига тақдим этилмай, тўғридан-тўғри хўжалик судига тақдим этилади, бунга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаши ёки кредиторлар талабларини узиш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддат тугаши билан санация қилувчи бошқарувчи таъминот берган шахслар мажбуриятларни бажариши натижалари тўғрисида ҳисоботни хўжалик судига тақдим этади (89-модда, биринчи қисм). Бунда эътиборни шунга қаратиш керакки, бу ҳолат бўйича қарздорнинг раҳбари суд санацияси режаси яқунлари тўғрисида ва қарзни узиш жадвали бўйича ҳисобот тузмайди, шунингдек санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи тўғридан-тўғри хўжалик судига тақдим этилади, кредиторлар йиғилиши чақирилмайди.

г) суд санацияси режаларини амалга ошириш бўйича кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар қўмитаси, шунингдек агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик бўйича давлат органларига маълумот тақдим этиш.

Бу мажбурият кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомили тўғрисида маълумот талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги қоидаларига мувофиқ келади (15-модда, тўртинчи қисм, иккинчи хатбоши). Агар корхонанинг устав фондида давлат улуши бўлса, 25-модда бўйича банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари санация қилувчи бошқарувчидаги бундай маълумотни талаб қилиш ваколатига эгалиги келиб чиқади. Мазкур ваколат шу модданинг биринчи қисм тўққизинчи хатбоши «қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш» деб белгиланган. Шу ўринда «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низомнинг 22-банди бўйича санация қилувчи бошқарувчи камида ойда бир марта кредиторлар йиғилишига қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисида ва ўзининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот-

ни тақдим этади. (ЎзР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорининг. 1-илоvasи).

2. Санация қилувчи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

83-модда. Суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали

Қарздорнинг раҳбари, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан тайёрланган суд санацияси режасида қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қондириш учун зарур бўлган маблағларни суд санацияси жараёнида қарздор томонидан олиш усуллари назарда тутилиши лозим. Суд санацияси режаси кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланиши керак.

Суд санацияси режаси қарздорнинг корхонаси (бизнеси) ёки қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилишини назарда тутиши мумкин. Қарздорнинг корхонаси (бизнеси) ёки қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш ушбу Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарзни узиш жадвали барча кредиторлар олдидаги қарзнинг узилишини назарда тутиши керак. Қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

Қарздорнинг суд санацияси жараёнида юзага келган мажбуриятлари юзасидан кредиторларнинг талабларини қондириш ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қарздор қарзни узиш жадвалини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суд санацияси режасига ва қарзни узиш жадвали қўйилган талаблар, уларнинг тасдиқлаш тартиби, суд санацияси жараёнида кредиторлар талабларини қондириш тартиби, шунингдек қарздорнинг қарзни узиш жадвалидаги муддатидан илгари бажариш ҳуқуқи белгиланган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича суд санацияси режасини қарздорнинг раҳбари, қарздорнинг муассиси (иштирокчи)лари ёки мол-мулкининг эгаси суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиб тузади. Учинчи шахс томонидан суд санациясини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этганда суд санацияси режаси тақдим этиш талаб этилмайди (76-модда, бешинчи қисм).

Моддомики, суд санациясининг асосий вазифаси қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва барча кредиторлар талабларини қондириш экан, қарзни узиш жадвалига мувофиқ суд санациясига маблағларни тўплаш чоралари (шу жумладан товарлар ишлаб чиқариш

ва сотиш, иш ва хизматларни бажариш, заёмлар олиш, устав фондини ошириш ва бошқалар) киритилган бўлиши керак. Суд санацияси режасида улар қарзни қондиришга қаратилган бўлмаса ҳам тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чоралар ҳам кўрсатилиши мумкин (ишлаб чиқаришни қайта соҳалаштириш, норентабел ишлаб чиқаришни ёпиш ва бошқалар).

Тузилган суд санацияси режаси кредиторлар йиғилишида тасдиқланиши керак. Аммо 75-модда, учинчи қисмига мувофиқ суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома берилган ҳолларда илтимосномага илова қилинган суд санацияси режасини кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши керак эмас.

Назаримизда суд санацияси режасига (шу жумладан 75-модда, учинчи қисми бўйича суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинган режага) ўзгартириш киритилганда ҳам кредиторлар йиғилишининг тасдиғи зарур.

Суд санацияси режасида бу тамойил муддати кўрсатилади. Суд санацияси режаси учун уни хўжалик суди томонидан тасдиқланиши талаб қилинмайди, суд санацияси муддати эса хўжалик суди томонидан суд санацияси жорий этиш тўғрисидаги ажримда белгиланади.

2. Ушбу модда иккинчи қисми бўйича суд санацияси режаси корхона (бизнес)нинг сотилиши ёки қарздор мол-мулкининг қисми сотилиши кўрсатилиши мумкинлигини белгилайди. Корхона (бизнес) ёки қарздорнинг мулки қисмининг сотилиш тартиби 110 ва 111-моддалар билан белгиланган бўлиб, бу моддалар ташқи бошқарув жараёнида мазкур тартибни белгиловчи қоидалар ҳисобланади.

Корхона (бизнес) ёки қарздор мол-мулкининг қисмини сотишдан олинган маблағ тугатиш массасига қўшилади ва 133, 134 ва 169-моддаларда белгиланган қаноатлантириш тартиби бўйича тасимланади. (110-модда, ўн саккизинчи қисм ва 111-модда, саккизинчи қисм).

3. 83-модданинг учинчи қисми қарзни узиш жадвали бўйича қарздор талабларини узиш тартибини белгилайди. Шарҳланаётган модда учинчи қисм бўйича қарзни узиш жадвали барча кредиторлар олдида қарзни узишни кўзда тутиши керак. «Барча кредиторлар» деганда кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар тушунилади. Кредиторлар талаблари реестрига ҳар бир кредитор ҳақида маълумот, пул маблағлари ва (ёки мажбурий тўловлар бўйича улар талабларининг белгиланган миқдори, уларнинг ҳар бир талаблари қаноатлантириш навбати кўрсатилади (14-модда, иккинчи қисм). Бу маълумотлар шунингдек қарзни узиш жадвалига киритилади (қарзни узиш жадвалида талабни қаноатлантириш муддати кўрсатилади), яъни қарзни узиш жадвалидаги маълумотлар кредиторлар талаблари реестридагилар билан айнан бир хил бўлади. Бундан кўриниб турибдики, суд санациясини жорий этиш ҳақида илти-

моснома билан мурожаат қилаётган шахсларга кредиторлар талаблари реестри талаблари билан танишиш имкони берилади, ҳатто улар кредитор бўлмаса ҳам (14-модда, бешинчи қисм), чунки бу шахслар қарзни узиш жадвалини тайёрлаши керак (76-модда шарҳига қаранг).

Модомики, барча кредиторлар дейилганда кредиторлар талаблари реестрига кирувчи ҳамма кредиторлар тушунилар экан, қарзни узиш жадвалига қуйидаги кредиторлар кўзда тутмайди:

кредиторлар талаблари реестрига кирмайдиган кредиторлар — ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш талаблари бўйича кредиторлар, қарздорнинг муассис (иштирокчи)лари, жорий тўловлар бўйича кредиторлар ва бошқалар (3-модда, «кредитор» тушунчаси қисмига ва қонуннинг 14-модда шарҳига қаранг);

кредиторлар талаблари реестрига киритилиши мумкин бўлган, ammo «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунида кўзда тутилган тартиб бўйича бу талабларни эълон қилмаган кредиторлар.

Суд санацияси даврида қарздор раҳбари томонидан талабларни қаноатлантирилиши ҳолларда санация қилувчи бошқарувчи бу талабни қондирилганлиги тўғрисида далил олиши билан реестрга тегишли ўзгартириш киритади (88-модда, учинчи қисм ёки 138-модда, олтинчи қисм аналогияси бўйича).

Қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак. Мажбуриятни бажарилишини таъминловчи шахс талабларини узиш муддати ва тартибини аниқлашда бевосита манфаатдорликка эгалар, чунки улар қарздорнинг мажбуриятларини бажариш учун ўз мулклари билан жавоб берадилар. Шу туфайли таъминот берувчи шахслар ҳам қарзни узиш жадвалини имзолайдилар. Қарзни узиш жадвалининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши қарздорни қарзни жадвалда ўрнатилган муддатда узиш бўйича бир томонлама мажбурият вужудга келади(қўшимча изоҳлар).

Хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвалига ўзгартириш киритиш тартибини 84-модда белгилайди.

4. Ушбу қонунда қарзни узиш жадвалига мувофиқ талабни у ёки бу навбатда қаноатлантириш тартиби ва муддатини кўрсатувчи қоида йўқ.

Россия Федерацияси Қонунининг 84-моддаси тўртинчи қисмида «қарзни узиш жадвали кредиторлар талабларини мазкур Федерал Қонуннинг 134-моддаси билан белгиланган навбатда мутаносиб равишда узишни кўзда тутиши керак» деб белгиланганидан фарқли равишда шарҳланаётган қисмда суд санацияси жараёнида вужудга келган талабларгина (бундай талаблар жорий тўловлар бўйича талаблар қаторига киритилиб, 134-модда биринчи қисмига мувофиқ навбатдан ташқари қондирилади) эслатилади. Шунга қарамай айтиш керакки, мазкур қисмнинг қоидалари, Россия қонунининг 84-моддаси тўртинчи қисмидек қарзни узиш жадвалига мувофиқ суд сана-

цияси жараёнида қаноатлантириладиган барча талабларга қўлланилади.

Демак, ҳар бир талабни қаноатлантириш навбатида қуйидаги қоидага амал қилиш керак: 133-модда қисмлари ва 134-модда биринчи-еттинчи қисмлари қоидалари; ҳар бир кейинги навбатдаги талаб олдинги навбатдаги талаб тўлиқ қаноатлантирилгандан сўнг қаноатлантирилади (134-модда, саккизинчи қисм); бир навбатдаги барча талабларни тўла қоплаш учун тўланадиган маблағ етарли бўлмаган ҳолларда бу талаблар ҳар бир ундирувчига тўланиши керак бўлган суммага мутаносиб қопланади, (134-модда, ўн биринчи қисм) ва бошқалар.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаби учинчи навбатда бажарилади (134-модда, тўртинчи қисм), аммо гаров билан таъминланган талаблар гаровга қўйилган мулк (гаров нарсаси)ни сотиш ҳисобидан тушган маблағ билан қопланса, унда гаров билан таъминланган талаблар гаров нарсасини сотишдан олган маблағ бўйича таъминлашда бошқа кредиторлар олдида устунликка эга (133-модда, биринчи қисм). Агар гаров нарсасини сотишдан олинган маблағ гаров билан таъминланган талабларни қоплашга етмаса, унда қопланмаган қисм бўйича талаблар 134-моддада кўзда тутилган қаноатлантириш навбати бўйича учинчи навбатда қопланади (133-модда, иккинчи қисм). Суд санацияси жараёнида кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш гаровдаги мулк (гаров нарсаси)ни сотмасдан амалга оширилади (суд санацияси режалари бажарилиши натижасида қарздорнинг хўжалик фаолияти тикланса ва кредитор талабларини гаров нарсасини сотмасдан тўла қондириш учун етарли маблағ тўпласа), 133-модда, биринчи қисм қўлланилмайди ва гаров билан таъминланган талаблар 134-модда билан кўзда тутилган равишда, яъни учинчи навбатда қондирилади.

Назаримизда, тугатишга доир иш юритишда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгиловчи Қонуннинг 138-моддаси қоидалари суд санацияси нормаларига зид бўлмаса суд санацияси давомида кредиторлар талабини қондиришда ҳам қўлланилиши мумкин.

Суд санациясида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарзни узиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Бу жадвалда қарзни қисқартириш кўрсатилиши мумкин эмас, аммо тўловни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйилади. Шу сабабли 134-модда ўн иккинчи қисми ва 138-модда бешинчи қисм қўлланилмайди.

5. Бешинчи қисми қарздор қарзни узиш жадвалида кўрсатилгандан олдин талабларни қондириши мумкинлигини белгилайди.

Суд санацияси жараёнида таъминот берувчи шахсдан олинган молиявий ёрдам билан талабларни жадвалда кўрсатилгандан олдин қондириши мумкин. 88-модда иккинчи қисм аналогияси бўйича таъ-

минот берувчи шахснинг молиявий ёрдам маблағи қарздорнинг ҳисобига келиб тушади ва қарздор кредиторларга тўловларни ўзи амалга оширади.

84-модда. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш

Қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаган ҳолларда (қарзнинг белгиланган муддатларда ва (ёки) белгиланган ҳажмларда узилмаганлиги), қарздор талабларни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан икки ҳафта муддат ичида қарзни узиш жадвалига киритиш мўлжалланаётган ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларга мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосноманинг нусхаси санация қилувчи бошқарувчига юборилади. Санация қилувчи бошқарувчи илтимоснома олинган пайтдан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай шу илтимоснома асосида кредиторлар йиғилишини чақиради. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалига оид ўзгартишларни тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабар қилинмаган ва қарзни узиш жадвали хўжалик суди томонидан тасдиқланганидан кейин ишга қўшилган кредиторнинг талаблари ёки мажбуриятларни бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар хўжалик судининг ажрими асосида қарзни узиш жадвалига киритилади.

Хўжалик суди фақат кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талаблар хусусида қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда нормалари қарздор ташаббуси асосида қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш ҳолатини назарда тутди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор томонидан қарзни узиш жадвалини бажармаган ҳолатда қарзни узиш жадвалига киритиш тартибини белгилайди.

Қарздор, қарзни узиш жадвалини бажара олмаган ҳолатда, талабни бажариш санаси бошланган пайтдан эътиборан икки ҳафта муддат ичида қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларга мурожаат қилишга ҳақли.

«Қарздор қарзни узиш жадвалини бажармаган ҳолларда» деганда қарздор томонидан қарзни жадвалда белгиланган муддат ёки белгиланган ҳажмларда узмаганлик тушунилади.

Илтимоснинг нусхаси санация қилувчи бошқарувчига юборилади. Санация қилувчи бошқарувчи ушбу илтимоснома асосида ил-

тимоснома нухаси олинган пайтдан икки ҳафтадан кеч бўлмаган вақтда кредиторлар йиғилишини чақиради. Қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиб, кредиторлар йиғилиши қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Хўжалик судининг қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни тасдиқлаш ажримига келсак, на ЎЗР ХПК да, на Қонунда унинг устидан шикоят келтириш тартибини белгиловчи қоида йўқ, шундан келиб чиқиб, ушбу ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарорининг 21-банди). Шунга қарамай, банкротлик ишида иштирок этувчи шахслар жадвалга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши қарори устидан хўжалик судига шикоят қилишлари мумкин (13-модда бешинчи қисм).

2. Мазкур модданинг иккинчи қисми суд санацияси жараёнида арз қилинган ва кредиторлар талаблари реестрига киритилган талаблар кредиторлар аризаси бўйича чиқарилган хўжалик судининг ажрими асосида қарзни узиш жадвалига киритилишини белгилайди. Бундан талабларга қуйидагилар киради:

— банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш бўйича ўз вақтида хабардор қилинмаган кредитор талаби ва қарзни узиш жадвалининг хўжалик суди томонидан тасдиқлангандан кейин ишга қўшилган кредитор талаби;

— арз қилинган, бироқ кузатиш давомида тан олинмаган талаблар (70-модданинг бешинчи қисми) ҳам хўжалик судининг ажрими бўйича жадвалига киритилиши мумкин;

— бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар.

Ушбу ўринда «бажариш муддати кузатув жараёнида бошланган талаблар» деганда банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилишига қадар юзага келган ва бажариш муддати кузатиш жараёнида бошланган талаблар назарда тутилади. Бунга банкротлик тўғрисидаги ишнинг қўзғатилишидан кейин юзага келган талаблар ва бажариш муддати кузатиш жараёнига тўғри келган талаблар кирмайди, улар суд санациясидаги жорий тўловлар бўйича талаблар ҳисобланади.

Суд санацияси жараёнида кредиторлар ўз талабларини Қонуннинг 70-моддасида кўрсатилган тартибда қўйишлари мумкин. Бироқ бунда, 70-моддadan фарқли равишда, талабларни арз қилиш учун муддат белгиланмаган, яъни талабларни хоҳлаган вақтда қўйиш мумкин.

Қўйилган талаблар 70-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига қарздорнинг талабларини тан олиши тўғрисидаги ҳаракати ёки белгиланган талабларни тан олиши

учун асоснинг тасдиқланиши ёки кредиторлар талабларини кўриб чиқиш қисмида қарздорнинг ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилишга ҳақли (81-модда, биринчи қисми, еттинчи хатбоши).

Суд санацияси киритилгунга қадар кредиторлар талаблари реестрига киритилган талаблар бўйича қўшимча ариза талаб қилинмайди.

Суд санацияси жараёнида арз қилинган кредиторлар талабларига қарздор ёки санация қилувчи бошқарувчи томонидан эътироз билдирилган ҳолатда ва хўжалик суди томонидан уларни кўриб чиқиш натижалари асосида ажрим чиқарилганда, 100-модданинг учинчи қисмига анологиясига мувофиқ хўжалик судига ўша талаблар юзасидан эътироз қайта берилиши мумкин эмас.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди кредиторлар талаблари реестрига киритилган талаблар бўйичагина қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли. Шундан келиб чиқиб, хўжалик суди кредиторлар талаблари реестрига ва қарзни узиш жадвалига киритилмайдиган жорий тўлов асосидаги талаблар бўйича қарзни узиш жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисида ажрим чиқара олмайди.

85-модда. Суд санациясининг муддатидан илгари тамомланиши

Кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида ушбу Қонуннинг 87-моддасида назарда тутилган тартибда хўжалик судига ҳисобот тақдим этади. Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шарт.

Қарздор раҳбарининг суд санациясини муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асосиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатади;

агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ёки мазкур ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш ҳақида хўжалик суди ажрим чиқаради, бу ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни хўжалик судига тақдим қилган ҳолдаги тартибни белгилайди.

1. 85-модданинг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик суди томонидан суд санацияси муддати тугагунга қадар қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторларнинг барча талаблари қарздор томонидан қаноатлантирилгандагина суд санацияси муддатидан илгари тамомлаш юз беради.

83-модданинг бешинчи қисмига мувофиқ қарздор қарзни узиш жадвалини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми хўжалик суди томонидан белгиланган суд санацияси муддати тугагунга қадар қарзни узиш жадвалида кўрсатилган кредиторларнинг барча талаблари қарздор томонидан тўланган ҳолатдагина ушбу Қонуннинг 87-моддасида кўрсатилган тартибда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботни хўжалик судига тақдим қилишини белгилайди. Гарчи Қонунда қарздор раҳбарининг ҳисоботни тақдим қилиш муддати аниқ белгиланмаган бўлса-да, ташқи бошқарувчи билан ўхшашлик асосида (117-модда биринчи қисм) шуни тахмин қилиш мумкинки, агар қарзни узиш жадвалида назарда тутилган кредиторлар барча талабларининг қарздор томонидан муддатидан илгари ҳолатда тўланса, қарздорнинг раҳбари судга ҳисоботни шу ҳақида асос вужудга келгандан кейин ўн беш кундан кечиктирмаган ҳолда тақдим қилади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатда кредиторлар йиғилиши ўтказилмайди ва қарздорнинг раҳбари томонидан тузилган суд санацияси муддатидан илгари тамомлаш тўғрисидаги ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилишига эмас, балки бевосита хўжалик судига тақдим қилинади, бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

87-модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибга мувофиқ суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботга қарздорнинг сўнги санасига бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, кредиторлар талаблари реестри билан узилган талаблар ҳажми ва узишни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарздор раҳбарининг ҳисоботи бўйича санация қилувчи бошқарувчи хулосаси, талаби қаноатлантирилмаган кредиторлар арзлари илова қилиниши зарур.

Суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботга санация қилувчи бошқарувчининг ушбу ҳисобот бўйи-

ча хулосаси илова қилиниши зарурлигини эътиборга олиб, қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисида ҳисобот, сўнгги санага қадар қарздорнинг бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот, кредиторлар талаблари реестри билан узилган талаблар ҳажми ва ушбу узишни тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда хўжалик судига берилгунга қадар тақдим қилиши керак. Санация қилувчи бошқарувчи тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қарздорнинг раҳбарига суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботи асосида ўз хулосасини тақдим қилади.

Санация қилувчи бошқарувчининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботи бўйича хулосасида қуйидаги бандлар юзасидан хулосалар берилади:

- Суд санацияси режасининг бажарилиши;
- Қарзни узиш жадвалининг бажарилиши;
- Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши;

Қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторлар шикоятни хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқилади (кредиторлар шикоятини тақдим қилиш тартиби тўғрисида Қонуннинг 87-моддаси биринчи қисмига шарҳига қаранг).

2. Ушбу модданинг иккинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шартлигини белгилайди.

«Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб»га келсак, ушбу қонун бу тартибни белгиламайди ва назаримизда бунда судда ишни кўриш тўғрисида хабардор қилиш тартибини ўрнатувчи ЎЗР ХПКнинг 124-моддаси белгилаган нормаларини қўллаш зарур. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади. Бироқ шарҳланаётган моддада кўрсатилишича, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик суди эмас, балки санация қилувчи бошқарувчи хабар беради. Айнан шу маълумотларни кредиторларга суд бошқарувчиси маълум қилади, бошқа маълумотларни бериш қонун томонидан кўзда тутилмаган.

3. Қонун 85-моддасига мувофиқ санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси олингандан кейин хўжалик суди суд санацияси натижалари ва қарздорнинг ҳамда санация қилувчи бошқарувчининг ҳаракатлари устидан кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш бўйича

суд мажлиси санасини белгилайди, ва бу мажлис якунлари бўйича шарҳланаётган моддада кўрсатилган қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми хўжалик суди томонидан суд санациясининг муддатидан илгари тамомланганлиги тўғрисида қарздор раҳбарининг ҳисоботи ва кредиторлар шикоятларини кўриб чиқиш натижалари асосида қандай қарор қабул қилинишини белгилайди:

— агар узилмаган қарзнинг мавжуд эмаслиги тасдиқланса, ҳамда кредиторлар шикоятларнинг асосизлиги тан олинса, хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатади.

Қонун 56-моддасига биноан хўжалик суди суд санацияси жараёнида қарздорнинг тўлаш имкони тикланган ҳолда банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатади. Бундай қарорнинг қабул қилиниши қонунда белгиланган ва суд санациясини жорий этиш оқибатлари бўлмиш барча чекловлар ҳаракатини тугатиш учун асос ҳисобланади;

— агар узилмаган қарзнинг мавжудлиги аниқланса ва кредиторлар шикоятлари асосли деб тан олинса хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Хўжалик суди томонидан ажрим чиқарилганда, белгиловчи омил бўлиб узилмаган қарзнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Кредиторлар шикоятлари мавжуд ҳолатда, узилмаган қарзнинг йўқлиги аниқланганда, агар кредиторлар шикоятлари асосланмаган деб тан олинса ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш бўйича ажрим чиқаради.

Узилмаган қарзнинг мавжудлиги аниқланганда, ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳатто кредиторлар шикояти мавжуд бўлмаса ҳам ёки улар асосиз бўлса ҳам суд қарздор раҳбари ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш бўйича ажрим чиқаради.

Қоидага биноан, хўжалик суди кредиторлар талаблари реестрига киритилган қарзни қарздор томонидан узилганлиги далилларини текширади, бунда жорий тўловларни узиш далиллари текширилмайди, чунки ушбу тўловлар кредитор талаблари реестрига киритилмайди, уларнинг вужудга келиши корхона— қарздорнинг фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва улар суд санациясини олиб бориш жараёнида санация қилувчи бошқарувчининг назорати остида қарздор томонидан узилади (Қонуннинг 81-модда, биринчи қисми, бешинчи хатбошиси). Қарздор раҳбари ҳисоботга жорий тўловларнинг узилишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишга мажбур эмас, ва суд томонидан бунини текширишнинг иложиси йўқ. Бундан ташқар

ри, Қонуннинг 83-моддаси тўртинчи қисмида суд санацияси жараёнида юзага келган қарздорнинг мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантириш Қонуннинг 134-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, яъни суд бошқарувчиси шак-шубҳасиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда, шунингдек, жорий тўловларни навбатдан ташқари узишни амалга оширади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига биноан хўжалик суди қарздор раҳбари ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ёки кўрсатилган ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш 50-модданинг биринчи қисми олтинчи хатбошида келтирилган «банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим»га тааллуқли ва унга ЎЗР ХПКнинг нормаларидан келиб чиқиб шикоят аризаси берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 21 ва 22-бандлари).

Қарздор раҳбари ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят қилиниши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 21-банди).

86-модда. Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатлари суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан ортиқ муддатга) бузилганлиги;

қарздор қарзни узиш жадвалини бажаришга қодир эмаслигидан аниқ-равшан далолат берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.

Санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббусига кўра ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида ушбу модданинг кўрсатилган асослар юзага келган пайтдан эътиборан икки ҳафта ичида суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақирishi шарт.

Қарздорнинг раҳбари кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилишининг якунлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Ҳисоботга қарздорнинг сўнгги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг даромад-

лари (фойдаси) ва зарарлари ҳақидаги ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестри ва кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Қарздор раҳбарининг ҳисоботи билан бир вақтда санация қилувчи бошқарувчи кредиторларнинг йиғилишига қарздор раҳбарининг ҳисоботи юзасидан ўз хулосасини тақдим этади.

Кредиторлар йиғилиши қарздор раҳбарининг ҳисоботини, шунингдек санация қилувчи бошқарувчининг мазкур ҳисобот бўйича хулосасини кўриб чиқиш яқунларига кўра ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига кредиторлар йиғилиши баённомасининг нусхаси, шунингдек кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга қарши овоз берган ёки ушбу масала юзасидан овоз беришда иштирок этмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилинади.

Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу модда суд санациясини муддатидан илгари тугатиши учун асосларни ва бундай асослар вужудга келгандан сўнг амалга ошириладиган жараёнларни белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун қуйидаги асосларни белгилайди:

— Талабларни қаноатлантириш муддатининг суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча бор ёки жиддий (бир ойдан ортиқ муддатга) бузиши;

— Қарздорнинг қарзини узиш жадвалини бажаришга қодир эмаслигини маълум қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.

Бунда қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажаришга имкониёти йўқ бўлган ҳолда, талабларни амалга ошириш муддати келган вақтдан икки ҳафта ичида (84-модда биринчи қисм) қарзни узиш жадвалига ўзгартишларни маъқуллаш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат қилишга ҳақлилигига эътибор қаратиш керак.

Бундай ҳолатда кредиторлар йиғилиши жадвалга ўзгартишни маъқуллашни рад этиб, хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи ўз ташаббуси асосида ёки кредиторлар қўмитасининг қарори асосида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асос-

лар вужудга келган пайтдан эътиборан икки ҳафта давомида суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш борасидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақиришини белгилайди.

Қонуннинг 81-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисига мувофиқ санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвалини бажарилиши тўғрисида маълумотларни талаб қилишга ҳақли. Бу эса санация қилувчи бошқарувчи қарздор раҳбари устидан суд санацияси режасини ва қарзни узиш жадвалини бажараётганлиги борасида назоратни жорий этишга мажбурлигини билдиради (81-модданинг биринчи қисми шарҳига қаранг). Шундан келиб чиқиб, ушбу модданинг иккинчи қисми санация қилувчи бошқарувчи суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун асослар юзага келганида кредиторлар йиғилишини чақиришини белгилайди.

Иккинчи қисмда қайд қилинишича, суд санациясини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш учун санация қилувчи бошқарувчининг ташаббуси ёки кредиторлар кўмитаси қарорига мувофиқ кредиторлар йиғилиши чақирилади. Бироқ ушбу ҳолат учун шунингдек Қонуннинг 12-моддаси нормасини ҳам қўллаш мумкин, унга мувофиқ пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини чақириши шарт.

3. Учинчи қисмда қарздорнинг раҳбари суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун чақирилган кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвалини бажариш натижалари ва суд санацияси режасини бажарилиши тўғрисида ҳисоботни кредиторлар йиғилишига тақдим қилишга мажбурлигини белгилайди.

Агар учинчи шахснинг илтимосномаси бўйича суд санацияси жорий қилинган бўлса, унда суд санацияси режасини бажариш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этиш талаб қилинмайди, чунки учинчи шахснинг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги илтимосномаси билан мурожаат қилишида суд санациясининг режасини тақдим этиш талаб қилинмайди (76-модданинг бешинчи қисми шарҳига қаранг). Қарзни узиш жадвалини бажариш натижалари тўғрисидаги ҳисобот эса барибир тақдим қилиниши керак.

Ҳисоботга қарздорнинг сўнги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси, қарздорнинг кирим ва чиқимлари тўғрисида ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган кредиторлар талабларига
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ри реестри ва кредиторлар талабларини қаноатлантиришни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинади.

Санация қилувчи бошқарувчи қарздор раҳбарининг ҳисоботини тақдим қилиш билан бирга ушбу ҳисобот асосида ўз хулосасини кредиторлар йиғилишига тақдим қилади. Шундай экан, қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига ҳисобот ва у билан бирга кредиторлар йиғилишига тақдим қилинадиган ҳужжатларни топшириши зарур.

Санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси деганда суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвалини бажариш бўйича унинг хулосаси назарда тутилади.

Ушбу модданинг мазмунидан келиб чиқиб, уларда санаб ўтилган ҳисобот ва ҳужжатлар қарздор ва санация қилувчи бошқарувчи томонидан бевосита кредиторлар йиғилиши олиб борилиши жараёнида тақдим қилиниши мумкин. Бироқ қарздорнинг молиявий аҳволини синчиклаб ўрганиш ва таҳлил қилиш учун кўрсатилган шахслар кредиторлар йиғилиши иштирокчиларига шундай ҳужжатларни олдиндан тақдим қилиши зарурлиги келиб чиқади.

4. Тўртинчи қисмда белгиланишича, кредиторлар йиғилиши қарздор раҳбарининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижаларидан келиб чиқиб, шунингдек ушбу ҳисобот бўйича санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси асосида ташқи бошқарувни жорий қилиш тўғрисида ёки қарздорни банкрот деб топиши ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ушбу қисмда назарда тутилган кредиторлар йиғилиши, шунингдек, келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (145-модданинг иккинчи қисми) ёки суд санациясининг тугатиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Кредиторлар йиғилиши илтимосномасига кредиторлар йиғилиши баённомасидан нусха, шунингдек, кредиторлар йиғилишининг қабул қилган қарорига қарши овоз берган ёки ушбу масала юзасидан овоз беришда қатнашмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилинади. Илтимосномасига яна Қонуннинг 10-моддаси ўнинчи қисмида кўзда тутилган ҳужжатлар илова қилинади. Кредиторлар йиғилиши баённомаси ва илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилиши олиб борилган кундан беш кун муддат ичида хўжалик судига тақдим қилинади (10-модданинг ўн биринчи қисми).

Қонуннинг шарҳланаётган моддаси бешинчи қисмида қайд қилинган хўжалик суди мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга хабар бериш тартибини белгиламайди. Назаримизда ушбу ҳолатга судда ишни кўриш тўғрисида хабардор қилиш тартибини ўрнатувчи ЎЗР ХПКнинг 124-моддаси белгилаган нормаларини қўллаш зарур.

© ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

Ушбу модданинг биринчи қисмиги бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми модданинг тўртинчи қисмида кўзда тутилган кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида хўжалик суди томонидан қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилинишини белгилайди:

— қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжуд бўлганда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим;

— ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар мавжуд бўлмаганда ва Қонуннинг 4-моддасида белгиланган банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор. Санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси ва кредиторлар йиғилиши илтимосномаси юқорида келтирилган суд ҳужжатларидан бирини қабул қилишда хўжалик суди учун мажбурий кучга эга бўлмайди. Хўжалик суди кредиторлар йиғилиши қарори билан рози бўлиши ва тегишли суд ҳужжатини қабул қилиб илтимосномани қаноатлантириши мумкин, ёки илтимосномани қаноатлантиришни рад этиши мумкин. Агар кредиторлар йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ва тугатишга доир иш юритишнинг бошлаш ҳақида илтимоснома берса-ю, бироқ суд мажлисида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга эканлиги аниқланса, у ҳолда хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак. Хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида қарор қабул қила туриб, қарздорнинг нафақат тўлов имкониятини тиклаш имконияти борлигига қарашли керак, балки Қонуннинг 91-моддасининг учинчи қисми талабларига ҳам риоя қилиши зарур. Қонуннинг 91-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар суд санацияси жорий этилган сандан то хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувнинг жорий қилиниши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш санасигача ўттиз олти ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса, унда хўжалик суди ташқи бошқарувнинг жорий этилиши ҳақида ажрим чиқара олмайди.

Кредиторлар йиғилиши томонидан ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўзда тутилган келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда хўжалик суди қонунда белгиланган талабларни кўриб чиқади ва келишув битимни тасдиқлаш ва банкротлик бўйича иш юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради (145-модданинг бешинчи қисми), агар кредиторлар йиғилиши томонидан суд санациясининг тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, у ҳолда хўжалик суди суд санацияси тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради (Қонуннинг 88-моддасининг биринчи қисми).

87-модда. Суд санациясининг тамомланиши

Суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Мазкур ҳисоботга қарздорнинг сўнги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори ва мазкур қаноатлантиришни тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилган ҳолда кредиторларнинг талаблари реестри, санация қилувчи бошқарувчининг қарздор раҳбари ҳисоботи бўйича ҳулосаси, талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим. Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шарт.

Қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асосиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Мазкур Қонуннинг 85 ва 86-моддаси суд санацияси муддатидан илгари тамомлаш ва тугатиш тартибини белгиласа, шарҳланаётган модда эса мазкур таомилни жорий этилган муддатининг тугаши сабабли тамомланиши қоидаларини белгилайди.

1. Ушбу модда биринчи қисми Суд санациясининг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шартлигини белгилайди. Гарчи Қонун қарздорнинг раҳбари томонидан санация қилувчи бошқарувчига ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиш муддатининг (ўн беш кундан кеч бўлган муддатда) бузилиши

оқибатларини назарда тутмаса-да, ҳисоботни тақдим қилиш белги-ланган муддат бузилган бўлса-да, ҳисобот кўриб чиқилиши керак.

Агар қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддати тугагандан кейин ҳам санация қилувчи бошқарувчига суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим қилмаган бўлса, санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини чақиришга ҳақли. Бунда чақирилган кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувни жорий этиш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ваколатига эга бўлади.

Суд санациясини ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қарздорнинг сўнгги санага бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган кредиторлар талаблари реестри ва мазкур қаноатлантиришни тасдиқловчи ҳужжатлар, қарздор раҳбарининг ҳисоботи асосида санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси, талаблари қаноатлантирилмаган кредиторлар шикоятлари илова қилиниши зарур.

Суд санациясини ўтказиш натижалари борасидаги ҳисоботга мазкур ҳисобот юзасидан санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси илова қилиниши зарур экан, у ҳолда қарздорнинг раҳбари санация қилувчи бошқарувчига суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, сўнгги санадаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси, қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот, қаноатлантирилган талаблар миқдори кўрсатилган кредиторлар талаблари реестри ва мазкур қаноатлантиришни тасдиқловчи ҳужжатларни хўжалик судига тақдим қилингунига қадар топширади. Санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва қарздорнинг раҳбарига ушбу ҳисобот юзасидан ўз хулосасини тақдим қилади.

Талаблари қаноатлантирилмаган кредитор шикояти мавжуд бўлганда, ушбу шикоят ҳисоботга қўшиш ва судга тақдим қилиш учун қарздорнинг раҳбарига ёки санация қилувчи бошқарувчига берилади.

Агар талаблари қаноатлантирилмаган кредитор шикоятини, қарздор раҳбарининг ҳисоботи ва санация қилувчи бошқарувчининг хулосаси судга топширилгандан кейин тақдим этса, бунда кредитор шикоятини ўзи судга тақдим қилиши мумкин.

Санация қилувчи бошқарувчининг хулосасида қуйидаги натижалар бўйича хулосаси берилади:

- суд санацияси режасини юритиш;
- қарзни узиш жадвалини юритиш;
- кредиторлар талабларини қаноатлантириш.

Биринчи қисмда назарда тutilган ҳолатда, кредиторлар йиғилиши чақирилмайди, ва шунинг учун қарздорнинг раҳбари томони-

дан тузилган суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилишига эмас, балки бевосита хўжалик судига тақдим қилинади, шунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисидаги қарздор раҳбарининг ҳисоботи ва кредиторлар шикоятни хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

2. Иккинчи қисм санация қилувчи бошқарувчи талаблари қарзни узиш жадвалига киритилган барча кредиторларни қарздор раҳбарининг ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиши шартлигини белгилайди.

«Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган иборага келсак, мазкур Қонун бундай тартибни белгиламайди ва назаримизда бу ҳолда судда ишни кўриш тўғрисида хабардор қилиш тартибини ўрнатувчи ЎзР ХПКнинг 124-моддаси белгиланган нормаларини қўллаш зарур. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинади. Ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади. Бироқ шарҳланган моддада белгиланишича, хўжалик суди эмас, балки санация қилувчи бошқарувчи суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабар беради. Кредиторларга бошқа маълумотларни бериш қонунда кўзда тутилмаган ва амалиётда фақат хат кўринишидаги чақирув қорози жўнатилади, унда эса юқорида қайд қилинган маълумотлар кўрсатилади. Кредиторлар шикоятларининг нусхасини бошқа кредиторларга юбориш қонун томонидан белгиланмаган.

Қарздорнинг раҳбари томонидан тақдим этилган ҳисоботни кўриб чиқиш бўйича суд мажлисини ўтказилишининг махсус муддати Қонун томонидан белгиланмаган. Бироқ амалиётда, суд санацияси муддати тугаган ҳолатда, ушбу йиғилиш суд санацияси тугагининг белгиланган муддатининг сўнгги кунидан кеч бўлмаган ҳолда ўтказилади.

3. Учинчи қисм хўжалик суди томонидан суд санациясини ўтказишнинг натижалари тўғрисида қарздорнинг раҳбари ҳисоботини ва кредиторлар шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қандай қарор қабул қилиниши мумкинлигини белгилайди. Хўжалик суди:

— қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва агар узилмаган қарзнинг мавжуд эмаслиги аниқланса, шунингдек кредиторлар шикоятлари асосиз деб тан олинса, банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим 50-модданинг биринчи қисми олтинчи хатбошисида назарда

тутилган ва унинг устидан ЎзР ХПКда кўрсатилган тартибда шикоят қилиниши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли Қарорининг 21 ва 22-бандлари).

— агар узилмаган қарзнинг мавжудлиги аниқланса ва кредиторлар шикоятлари асосли деб тан олинса, қарздор раҳбарининг ҳисобтини тасдиқлашни рад этади.

Қоидага биноан, ҳўжалик суди кредиторлар талаблари реестрига киритилган қарзни қарздор томонидан узилганлиги далилларини текширади, бунда жорий тўловларни узиш далиллари текширилмайди, чунки ушбу тўловлар кредитор талаблари реестрига киритилмайди, уларнинг вужудга келиши корхона — қарздорнинг фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва улар суд санациясини олиб бориш жараёнида санация қилувчи бошқарувчининг назорати остида қарздор томонидан узилади (Қонуннинг 81-модда, биринчи қисми, бешинчи хатбошиси). Қарздор раҳбари ҳисоботга жорий тўловларнинг узилишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишга мажбур эмас, ва суд томонидан буни текширишнинг иложиси йўқ.

Агар суд санацияси натижаларини кўриб чиқишда реестрга киритилган кредиторлар талабларининг барчаси қаноатлантирилмаган бўлса, бироқ қарздорда тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжудлиги аниқланса, у ҳолда ҳўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бироқ Хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида қарор қабул қила туриб, қарздорнинг нафақат тўлов имкониятини тиклаш имконияти борлигига қараши керак, балки Қонуннинг 91-моддасининг учинчи қисми талабларига ҳам риоя қилиши зарур. Қонуннинг 91-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар суд санацияси жорий этилган санадан то ҳўжалик суди томонидан ташқи бошқарувнинг жорий қилиниши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш санасигача ўттиз олти ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса, унда ҳўжалик суди ташқи бошқарувнинг жорий этилиши ҳақида ажрим чиқара олмайди.

Қонуннинг 145-моддасига биноан, суд санацияси шунингдек қарздор ва кредиторлар ўртасида келишув битимини тузиш билан ҳам яқунланиши мумкин.

4. Ушбу модданинг тўртинчи қисми қарздор раҳбарининг ҳисобтини тасдиқлаш рад этилса, ҳўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилишини белгилайди:

— қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имкониятининг мавжуд бўлганда, ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ажрим;

— ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар йўқлигида ва Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган банкротлик аломатлари мавжудлигида, қарздорнинг банкротлигини тан олиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор.

Хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этганда, суд санациясини тугатиш ёки тамомланиши ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли (Қонуннинг 88-моддаси биринчи қисми).

88-модда. Мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши

Кредиторларнинг таъминот берган шахслардан мажбуриятлар бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи хўжалик суди суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан юзага келади. Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларга нисбатан талаблар кредиторлар йиғилишининг (кредиторлар кўмитасининг) вакили ёки санация қилувчи бошқарувчи томонидан тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг мажбуриятларни бажариши натижасида олинган пул маблағлари кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида қарздорнинг ҳисоб варига ўтказилади. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарздор томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талабларининг қаноатлантирилганлиги далиллари тақдим этилган пайтдан эътиборан кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли ёзувни киритади.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг мажбуриятларини бажариши бўйича таъминот берган шахсларда мажбуриятнинг вужудга келиш пайтини белгилайди, шунингдек мазкур шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши натижасида олинган маблағлар ҳисобига кредиторлар билан ҳисоб-китоб ўтказиш тартибини қайд қилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторларнинг таъминот берган шахслардан мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи хўжалик суди суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан юзага келишини белгилайди.

Суд санациясининг муддатидан илгари тугатиш (86-модда) масаласи юзасидан хўжалик суди кредиторлар йиғилиши илтимосномасига асосан шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида келтирилган суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажримдан ташқари, шунингдек қонуннинг 86-моддаси бешинчи қисмига биноан ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд суд санациясини муддатидан илгари тугатиш ва ташқи бошқарув таомилини жорий этиш тўғрисида битта ажримда кўрсатишга ҳақли. Қарздорни банкрот деб тан олинганда ва

тугатишга доир иш юритишни бошланиши ҳолатида суд суд санациясининг муддатидан илгари тугатиш ҳақида ажрим чиқаради ва қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилади .

Суд суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги хулосага келса, суд санациясини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, бу эса таъминот берган шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга ўтишларига олиб келади.

Суд санациясининг тамомланиши масаласи бўйича (87-модда) хўжалик суди ушбу таомилни ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни ва кредиторлар шикоятларини кўриб чиқилиши натижаларидан келиб чиқиб, агар узилмаган қарзнинг мавжудлиги аниқланса ва кредиторлар шикоятлари асосли деб тан олинса, (87-модданинг учинчи қисми учинчи хатбошиси) ҳисоботни тасдиқлашни рад этади. Қонуннинг 87-моддаси тўртинчи қисми қоидаларига биноан хўжалик суди суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни рад этганда ташқи бошқарув жорий этилиши тўғрисида ажрим чиқаради ёки тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек, ушбу суд ҳужжатларидан ташқари шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўрсатилган суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисида ҳам ажрим чиқариши мумкин, бу эса таъминот берган шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга ўтишларига олиб келади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қайд қилинган суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш тартиби, «Банкротлик тўғрисидаги» Қонунда ҳам, ЎзР ХПК да ҳам назарда тутилмаган, шунинг учун унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 21-банди).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида келтирилган суд санациясининг тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажримнинг хўжалик суди томонидан чиқарилган пайтидан эътиборан кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) вакили ёки санация қилувчи бошқарувчи таъминот берган шахсларга мажбуриятларни бажаришни талаб қилиши мумкин .

Суд санацияси шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ суд санациясини тугатиш ёки тамомлаш тўғрисидаги ажримнинг хўжалик суди томонидан чиқарилиши билан тугамайди ҳамда таъминотни берган шахслар суд санацияси муддати доирасида мажбуриятларни бажарадилар.

Агар таъминотни берган шахслар мажбуриятларнинг бажарилишини суд санациясининг дастлабки муддатида улгурмаса, у ҳолда суд санацияси суд ажрими билан олти ойдан ошмаган вақтга узайтирилиши мумкин (78-модда тўртинчи қисм).

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун узайтирилган муддат суд санацияси муддатига киради.

2. Иккинчи қисмда белгиланишича, мажбуриятларнинг бажарилишида таъминотни берган шахслар томонидан бажарилиши натижасида олинган пул маблағлари қарздорнинг ҳисобига кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши учун ўтказилади, шунингдек, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қарздор томонидан мазкур Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Таъминотни берган шахслар кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришда улар билан тўғридан-тўғри тўловни амалга оширмайди, балки қарздорнинг банк ҳисобига тегишли маблағларни ўтказадилар, қарздор эса кредиторлар билан ҳисоб-китобни амалга оширади. Таъминот мулк билан амалга оширилган пайтда, гаров нарса-сининг сотилишидан олинган маблағлар банк ҳисобига ўтказилади ва қарздор кредиторлар билан ушбу маблағлар ҳисобидан ҳисоб-китобни амалга оширади.

Таъминотни берган шахслардан олинган маблағлар ҳисобига кредиторлар билан ҳисоб-китоб амалга оширилганда, шунингдек, қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳисоб-китоб олиб борилганда қуйидаги коидаларга риоя қилиниши керак (83-модданинг тўртинчи қисми шарҳига қаранг).

— 133-модданинг қоидалари ва 134-модданинг биринчи-еттинчи қисмлари қаноатлантириш навбати бўйича.

— ҳар бир кейинги навбатнинг талаблари олдинги навбат тўлиқ қаноатлантирилгандан сўнг қаноатлантирилади (134-модданинг саккизинчи қисми)

— бир навбатнинг барча талабларнинг тўлиқ қондириш учун ундириб олинadиган сумма етарли бўлмаганда мазкур навбатнинг барча талаблари ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади (134-модданинг ўн биринчи қисми).

3. Учинчи қисмда белгиланишича, кредиторлар талабларини қаноатлантириш бўйича далиллар тақдим қилинган вақтдан санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талаблари реестрига тегишли қайдни киритади.

Таъминот берган шахслар таъминотидан олинган маблағлар ҳисобига кредиторлар талабларини қаноатлантираётган қарздор санация қилувчи бошқарувчига тегишли далилларни тақдим қилиши керак.

Таъминотни берган шахслар ушбу моддага биноан ўз мажбуриятларини бажариб, ушбу мажбурият юзасидан кредиторлар ҳуқуқини ва гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган кредитор талабини қаноатлантирган ҳажмда ҳуқуқларига эга бўладилар (ЎзР ФКнинг 295-моддаси биринчи қисми).

Таъминотни берган шахслар томонидан мажбуриятларни хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда бажарилганида, ҳамда © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар талабларининг қаноатлантирилишида банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади (89-модда иккинчи қисм иккинчи хатбошиси). Таъминот берган шахснинг талаблари банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилгандан кейин умумий тартибда банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида қарздорга тақдим қилиниши мумкин.

Таъминот берган шахслар ўз мажбуриятини бажарган бўлсада, лекин кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда барча талабларнинг қаноатлантирилиши тугатилмаган бўлса, таъминотини берган шахснинг талаблари (қарздорга нисбатан регресс талаблар) кредиторлар талаби реестрига киритилади, ва мазкур шахслар суд санациясидан кейин жорий қилинадиган банкротлик таомиллари (ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, келишув битими) тартибда ўз талабларини қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Назаримизда, муайян мажбуриятлар бўйича таъминот берган ва мазкур таъминотни бажарган барча шахслар қайси навбатдаги кредиторлар талабларини қаноатлантирган бўлсалар ўша навбатдаги кредиторлар реестрига киритилдилар. Кредитор талаби реестрига кимнинг қаноатлантириш таъминланганига қараб киритилади. Масалан, қарздорнинг унга кредит берувчи банк олдидаги мажбуриятини таъминлаган шахс қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли ва банкротликдан сўнгги таомилда кредитор талаби реестрига иккинчи навбатда банк кредити бўйича талаблар кредитори сифатида киритилади, бошқа ҳолатда ушбу шахслар талаби кредитор талаби реестрига тўртинчи навбатда киритилади.

Таъминотни берган шахслар улар томонидан таъминотнинг берилишидан келиб чиқадиган мажбуриятларни хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда бажара олмаган ҳолатда улар қонунга асосан қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар ёки субсидиар жавобгарликка тортилади (Қонуннинг 90-моддаси 2-қисми).

89-модда. Таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш якунлари тўғрисидаги ҳисобот

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач ёки хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун белгиланган муддат ўтгач, санация қилувчи бошқарувчи қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминот берилган ҳолда бажариши якунлари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади. Ҳисобот

ботга доир талаблар, шунингдек уни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби ушбу Қонуннинг 116 ва 117-моддаларида белгиланади.

Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини, кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиш якунлари асосида хўжалик суди:

агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради;

агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёхуд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шарҳланаётган модда санация қилувчи бошқарувчининг хўжалик судига таъминотни берувчи шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши натижалари ҳақида ҳисоботни мажбурий тақдим этишни, шунингдек мазкур ҳисобот тақдим қилингандан кейинги жараёнлар тартибини белгилайди.

1. Ушбу модданинг биринчи қисми кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддат ўтгач ёки кредитор билан ҳисоб-китобнинг тамомланишидан кейин санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига қарздорнинг мажбуриятларни шахслар томонидан таъминотни берилган ҳолда бажарилиши натижалари тўғрисида ҳисобот беришга мажбурлигини белгилайди.

Ушбу қисмда кредиторлар билан ҳисоб-китобнинг тамомланиши таъминотни берган шахсларнинг маблағлари ҳисобига кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар талабларини суд санацияси муддати ўтгунгача (78-модданинг тўртинчи қисми бўйича суд санацияси муддати узайтирилган ҳолларда узайтирилган муддатнинг ўтгунгача) қадар қаноатлантирилиши тушунилади.

Бинобарин, санация қилувчи бошқарувчи хўжалик судига қуйидаги ҳолларда ҳисоботни тақдим қилиши керак: таъминотини берган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилган тақдирда ва шунингдек суд санацияси муддати ўтганда (78-модданинг тўртинчи қисми бўйича суд санацияси муддати узайтирилган ҳолларда узайтирилган муддат ўтгач) ҳатто агар бунда қаноатлантириш юз бермаса ҳам.

Гарчи Қонунда санация қилувчи бошқарувчи томонидан ҳисоботни тақдим қилишнинг аниқ муддати белгиланмаган бўлсада, ташқи бошқарув билан ўхшашликдан келиб чиқиб, (Қонуннинг

117-моддаси биринчи қисми) суд санацияси муддати ўтгунча кредиторлар билан ҳисоб-китоб тугатилганда санация қилувчи бошқарувчи шундай асос пайдо бўлгандан кейин ўн беш кундан кечиктирмай судга ҳисоботни беришини тахмин қилиш мумкин. Агар ҳисобот суд санациясининг муддатининг ўтиши муносабати билан тақдим қилинаётган бўлса, у ҳолда суд санациясининг белгиланган муддат тугашидан ўн беш кун олдин тақдим қилинади (Қонуннинг 87-модда биринчи қисми).

Шунга эътибор қаратиш лозимки, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатда суд санацияси режасини ва қарз-ни узиш жадвалини амалга ошириш натижалари борасида қарздорнинг раҳбари ҳисобот тузмайди, шунингдек таъминотни берган шахслар мажбуриятларни бажариши натижалари тўғрисида санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботи ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кредиторлар йиғилишига эмас, балки бевосита хўжалик судига тақдим қилинади.

Қонун санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи мазмунига аниқ талаблар қўяди ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини беради, чунки шарҳланаётган қисмда ҳисоботга талаблар ва уни тақдим қилиш ва кўриб чиқиш тартиби Қонуннинг 116 ва 117-моддаларида белгиланган, яъни худди ташқи бошқарув таомилидагидек (ушбу моддалар шарҳига қаранг). Бироқ бу ҳолда, ташқи бошқарувчи томонидан ҳисоботни тақдим қилиш тартибидан фарқли равишда санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботни кредиторлар йиғилишига эмас, балки судга тақдим қилади. Ҳисоботнинг мазмунига келсак, унда санация қилувчи бошқарувчи ҳисоботида таъминотни берган шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида маълумот, пул маблағларининг кирими миқдори ва уларнинг кредиторлар орасида ўзаро тақсимланиши тўғрисида, шунингдек реестрга киритилган кредиторлар талабларини қаноатлантириш тўғрисида бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторлар шикоятлари хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади. Агар санация қилувчи бошқарувчига кредиторлар томонидан шикоятлар тушса (амалиётда бу жуда камдан-кам учрайди), бундай ҳолда улар ҳисобот билан бирга судга тақдим қилинади. Бунда Қонун шикоятлар тақдим қилиш учун аниқ муддатни назарда тутмайди, шунинг учун шикоятлар бўлганда улар ҳисоботга илова қилинади. Шикоятда кредитор олиб борилган ҳисоб-китобнинг миқдори ва навбатига ўзининг норозилигини билдириши мумкин. Кредиторда унинг эътирозини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, уларни шикоятга илова қилиш мумкин. Шикоят судга ҳисобот билан бирга тақдим қилинар экан, демак, уни кўриб чиқиш ҳам ҳисобот кўриб чиқиладиган суд мажлисида ўтказилади. Шикоят нухасининг бошқа кредиторларга юборилиши Қонунда белгиланмаган.

Назаримизда санация қилувчи бошқарувчи кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторларни ЎзР ХПКнинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда таъминотни берган шахслар томонидан мажбуриятларни бажариш натижалари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш учун суд мажлисининг санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабар бериши зарур. Бошқа ҳужжатларни кўрсатилган хабар хати билан жўнатиш Қонун томонидан кўрсатилмаган.

Санация қилувчи бошқарувчи томонидан тақдим қилинган ҳисоботни кўриб чиқиш бўйича суд мажлисини ўтказилиши аниқ муддати Қонунда белгиланмаган. Бироқ амалиётда, суд санациясининг муддати тугаган ҳолатда, ушбу мажлис суд санацияси тугаши белгиланган муддатнинг сўнгги кунда кеч бўлмаган вақтда ўтказилади.

2. Иккинчи қисм хўжалик суди томонидан таъминотни берган шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижасида қандай қарор қабул қилинишини белгилайди. Хўжалик суди:

— агар узилмаган қарзнинг йўқлиги аниқланса ва кредиторлар шикоятлари асосиз деб тан олинса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлайди, демак агар барча қарзлар узилган бўлса, унда тақдим қилинган ҳисобот тасдиқланади. Назаримизда бунда нафақат кредиторлар талаблари реестрига киритилган кредиторлар талаблари, балки барча бошқа тўловлар, шу жумладан жорийлари ҳам узилади, чунки Қонуннинг 83-моддаси тўртинчи қисмида белгиланишича, суд санацияси жараёнида юзага келган мажбуриятлар асосида кредиторлар талабларини қаноатлантириш Қонуннинг 134-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, яъни аввал навбатдан ташқари талаблар қаноатлантирилади, сўнг реестр бўйича талаблар қаноатлантирилади. Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим Қонуннинг 50-моддаси биринчи қисми олтинчи хатбошисида назарда тутилган бўлиб, ЎзР ХПК да белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори, 21 ва 22-бандлари):

— агар узилмаган қарзнинг мавжудлиги аниқланса ва кредиторлар шикоятлари асосли деб тан олинса, санация қилувчи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади. Бунда хўжалик суди:

— қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжуд бўлса, ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим чиқаради;

— ташқи бошқарув жорий этиш учун асосларнинг йўқ бўлса ва Қонуннинг 4-моддасида белгиланган банкротлик аломатларининг мавжуд бўлса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади (90-модданинг биринчи қисми шарҳига қаранг).

90-модда. Таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги оқибатлари

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаган ҳамда ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар бўлмаган тақдирда, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шахсларнинг қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар ёки субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда таъминотини берган шахслар томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларида юзага келадиган оқибатларни белгилайди.

1. Биринчи қисм таъминотни берган шахслар томонидан, мазкур таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажармаган тақдирда ва ташқи бошқарувни жорий этиш учун асослар йўқлиги ҳолатларида хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши белгилайди.

Кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди томонидан белгиланган муддат деганда, хўжалик суди белгилаган суд санацияси муддати тушунилади (78-модданинг тўртинчи қисми бўйича муддат узайтирилган ҳолатларда узайтирилган муддат тушунилади).

2. Иккинчи қисм таъминот берган шахслар томонидан мазкур таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддатда бажарилмаганлигида қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан солидар ва субсидиар жавобгарликка тортилишини белгилайди.

Қонуннинг 88-моддаси биринчи қисмига кўра қарзларни узиш жадвалига мувофиқ қарздор томонидан мажбуриятларни бажарилиши таъминотини берган шахслар, уларга кредиторлар мажлиси (кредиторлар қўмитаси)нинг вакили ёки санация қилувчи бошқарувчи тегишли талаб билан мурожаат қилганида хўжалик суди томонидан белгиланган суд санацияси муддатида ўз мажбуриятларини бажаришлари керак. Бундай мажбуриятларни бажармаслик, фуқаролик

қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминот берган шахсларнинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

Агар таъминот усули сифатида мулк гарови танланган бўлса, унда гаровга қўювчи томонидан мажбуриятларни бажармаслик, санация қилувчи бошқарувчига мажбуриятни бажаришни гаровга қўйилган мулкка қаратишга ҳуқуқ беради.

ЎзР ФКнинг 293-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан барабар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди. ЎзР ФКнинг 293-моддаси учинчи қисмига кўра агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб бердилар.

Принципал томонидан бенефициар олдидаги мажбуриятларни бажармаслик бенефициар томонидан кафилга банк кафолати бўйича пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги талабни қўйиш ҳуқуқини беради. (ЎзР ФКнинг 299, 300, 305-моддалари).

Ундан ташқари, ЎзР ФКнинг 14-моддасига асосан, санация қилувчи бошқарувчи таъминотни берган ва ўз мажбуриятларини бажармаган шахсга нисбатан бундай ҳаракатлар билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Қарзни ундириш жадвалига мувофиқ қарздор томонидан мажбуриятларни бажариш таъминотни берган шахс қарздор томонидан мажбуриятларни бажармаганлиги учун таъминлаш мақсадида берган мулккий ҳуқуқ ва мулкнинг қиймати доирасида жавобгар бўлади деган қоида бу ҳолда қўлланмайди. Таъминотни берган шахс, кўриб чиқиладиган ҳолатда ўзининг гайриқонуний ҳаракати учун жавоб беради, мажбуриятларни бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш таъминот ҳажми билан чегараланмайди.

VI БОБ. ТАШҚИ БОШҚАРУВ

Шарҳланаётган боб ташқи бошқарувнинг тартиб-таомилини белгилайди.

Ташқи бошқарув қарздорнинг тўлаш қобилиятини тиклаш ва кредиторларнинг қарздорларга бўлган талабларини қаноатлантириш мақсадида суднинг иштирокида ўтказиладиган банкротлик таомили бўлиб, бунда қарздорнинг фаолиятини бошқариш ва унинг мулкани тасарруф бериш ваколати ташқи бошқарувчига берилади. Ушбу таомилда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф қилиш ва ишларни бошқариш бўйича ваколатга эга бўлган қарздорнинг раҳбари ва бошқа шахслар ушбу ваколатлардан маҳрум бўлади. Ташқи бошқарув кредиторлар йиғилиши илтимосномаси асосида ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича ваколатли давлат органларнинг аризасига асосан хўжалик суди томонидан жорий этилади. Ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрим билан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан талабларнинг адолатли қондирилишини таъминлаш мақсадида мораторий киритилади. Фақат муайян тоифадаги талабларга нисбатан мораторий ҳаракати тадбиқ этилмайди, айнан: қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қабул қилингунга қадар юзага келган ва ижро муддати ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин бошланган талаблар; қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани суд томонидан қабул қилингандан сўнг пайдо бўлган талаблари; меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар; алимент талаблари; ҳаётга ва соғлиққа етказган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар ва бошқалар. Қарздорнинг раҳбари ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатилади ва хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг кўрсатмасига мувофиқ, ташқи бошқарувчи тайинланади. Ташқи бошқарувчи инвентаризацияни ўтказиши; қарздорга зарар етказган ёки зарар етказиши мумкин бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан даъво тақдим этишга ҳақли; ташқи бошқарув жорий этилиши билан уч ой муддат ичида муайян шароитда банкротлик тўғрисида иш қўзғатилгунгача тузилган қарздорнинг шартномани бажаришини рад этишни билдиришга ҳақли; кредиторларнинг билдирилган талабларини қайта кўриб чиқади, кўриб чиқиш натижалари бўйича реестрга ўзгартиришлар киритади ёки асосланмаган талабларга эътирозлар билдиради. Кредиторлар эса ташқи бошқарувчи томонидан белгиланган талаблар ҳажмига ёки қондириш навбати бўйича хўжалик судига эътироз билдиришга ҳақлидирлар. Ташқи бошқарувчи тайинланган пайтидан бошлаб бир ой муддатда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашни ва кредиторлар талабларини қондиришни кўзда тутувчи ташқи бошқарув режасини

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

тузади, кредиторлар йиғилишида тасдиқланган режани бажаради ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклайди. Ташқи бошқарувнинг режасида ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, фойда бермайдиган ишлаб чиқаришни ёпиш, корхонани (бизнесни), мол-мулкнинг бир қисмини сотиш ва шу каби тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чоралар назарда тутилиши мумкин. Умумий қоидага кўра, ташқи бошқарув йигирма тўрт ой муддатга жорий этилади. Ташқи бошқарув муддати тамомланган ёки муддатидан илгари тугатилган тақдирда ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш учун ўтказилган бошқарув тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади ва қуйидаги таклифлардан биттасини киритади, яъни: қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисидаги; келишув битимини тузиш тўғрисидаги; ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги; қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги таклифлар шулар жумласидандир. Кредиторлар йиғилиши юқорида таъкидланган таомиллардан биттасини қўллаш тўғрисида, шу жумладан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ҳисоботни тасдиқлаш ёки тасдиқлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини чиқаради: Банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш; келишув битими тасдиқлаш; кредиторлар билан ҳисоб-китобга ўтиш тўғрисида ажрим; ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим; қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор.

91-модда. Ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби

Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади.

Хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак ва бу ажрим устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Ташқи бошқарув, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим.

Ташқи бошқарув учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича дав-

лат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ушбу модданинг белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувни жорий этиш тартиби, жорий этиш асослари, жорий этиш муддати, шунингдек ташқи бошқарувнинг муддатини қисқартириш ва узайтиришга тааллуқли бўлган қоидаларни белгилайди.

1. Хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув таомилини жорий этиш учун асос бўлиб, кредиторлар йиғилишининг судга тегишлича илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақидаги қарори (умумий қоида) (Қонуннинг 10-моддаси бешинчи қисми), шунингдек устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси ҳисобланади. Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув таомилини жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида кузатув таомили жараёнида (Қонуннинг 72-моддаси, 74-моддаси биринчи қисми), Суд санациясида (Қонуннинг 86-моддаси бешинчи қисми, 87-моддаси тўртинчи қисми, 89-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбошиси), шунингдек, агар қарздорга нисбатан судгача санация қилиш ёки ташқи бошқарув (Қонуннинг 141-моддаси биринчи қисми) жорий этилмаган бўлса, тугатишга доир иш юритишда қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу қарор ҳозир бўлган кредиторлар овозларининг кўпчилик овози билан эмас, балки барча кредиторлар овозларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади (13-модданинг учинчи қисми). Бунда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи мустақил равишда кредиторлар йиғилиши томонидан қандайдир таомилни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар, устав фондида давлат улуши бор бўлган қарздорга нисбатан, ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви хўжалик суди томонидан (кредиторлар йиғилишининг тегишли қарори бўлмаган холда), маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат кўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин (Қонуннинг 157-моддаси биринчи қисми).

Ташқи бошқарувни жорий этишнинг асосий шартларидан бири қарздорни тўлов қобилиятларини тиклашнинг ҳақиқий имконияти борлиги ҳисобланади, яъни қарздорда рентабел хўжалик фаолияти учун тегишли шарт-шароитларнинг мавжудлиги, қулай бозор шароитлари, кадрлар потенциали ва ҳ.к. мавжудлигидир. Бундай имкони-

ятлар ҳақида кредиторлар йиғилиши ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органлари томонидан хўжалик судига бериладиган илтимосномада кўрсатилиши керак.

Кредиторлар йиғилиши қарздорнинг молиявий ҳолати таҳлили натижалари бўйича тайёрланадиган қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти тўғрисидаги муваққат бошқарувчининг таклиф-ни кўриб чиқади ва қарздорнинг тўлов қобилиятининг мавжуд имкониятини аниқлайди.

Банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, зарар келтириб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволи мониторингини юритади. Қўмита ушбу ваколатни амалга ошириб, устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молиявий аҳволини ўрганади ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг мавжуд имкониятини аниқлайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги ажримни дарҳол ижро қилинишини ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят қилиниши мумкинлигини белгилайди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандида ушбу ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси ЎЗР ХПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган (апелляция шикоятини бериш учун ўттиз кун). Бироқ шикоят қилиш қандайдир процессуал ҳаракатларни содир этиш, шунингдек ажримни ижросини тўхтатиш учун тўсқинлик қилмайди.

3. Ташқи бошқарув ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Судгача санация қилиш ва ташқи бошқарув умумий қўшилган муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак. Шундай қилиб, агар судгача санация қилиш муддати йигирма тўрт ойни ташкил қилса, ташқи бошқарув фақат ўн икки ойга (ундан кўпга эмас) жорий қилиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 28-бандига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун белгиланган муддат, Қонуннинг 119-моддаси иккинчи қисмига асосан, ташқи бошқарув муддатига кирмаслигига эътибор қаратиш керак.

Ушбу қоидадан истисно бўлиб, шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналарда ташқи бошқарув таомилларини жорий этиш ҳисобланади, уларга нисбатан ташқи бошқарув муддати йигирма тўрт ойгача белгиланиши мумкин ва кейин эса Қонуннинг 158-моддаси биринчи қисмига мувофиқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

4. Амалий жиҳатдан суд томонидан белгиланган ташқи бошқарувнинг муддати кам ёки кўп давом этиши мумкин. Кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчиси ёхуд банкротлик ишлар бўйича давлат органининг (устав фондида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича) илтимосномасига кўра суд қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан боғлиқ бўлган ёки қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти йўқлиги факти аниқланиши билан ташқи бошқарув муддатини қисқартириши мумкин, ёки зарурат бўлганда шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган муддат доирасида ташқи бошқарувнинг муддатини узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 28-бандига асосан ташқи бошқарувнинг муддатини қисқартириш ёки узайтириш тўғрисидаги масала ҳўжалик суди томонидан ишда иштирок этаётган шахсларга суд мажлисининг жойи, вақти ҳақида хабар қилинган ҳолда кўриб чиқилади.

Ташқи бошқарувни жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ёки қисқартириш ҳўжалик судининг ажрими билан расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандига ЎзР ХПКда белгиланган тартибга асосан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш имконияти назарда тутилганди, чунки ушбу ажрим Қонуннинг 50-моддасида белгиланган суд ҳужжатларига киради, бироқ Қонунда муддатни қисқартириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш назарда тутилмаган.

92-модда. Ташқи бошқарувни жорий этиш оқибатлари

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариши шарт;

қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тугатилади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, ушбу Қонунга мувофиқ бошқа шахсларга (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлаши шарт;

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкани хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида қўлланилиши мумкин;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади, ушбу Қонуннинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ташқи бошқарув тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарар суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкин.

1. Ташқи бошқарув даврида қарздор фаолиятининг ҳуқуқий режими ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита мақсадга: тўлов қобилиятини тиклашга ва кредиторлар талабларини қондиришга бағишланган. Шу муносабат билан Қонун қарздорга нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин кучга кирадиган қуйидаги оқибатларни белгилайди:

— ташқи бошқарув жорий этилган пайтидан эътиборан қарздор раҳбарининг ваколати тугатилади ва у эгаллаб турган мансабдан озод қилинади, бунда Қонуннинг 97-моддаси биринчи қисмига мувофиқ қарздорнинг ишини бошқариш бўйича раҳбар функциясини ташқи бошқаруви ўз зиммасига олади. Бунда шарҳланаётган модданин иккинчи қисми императив тартибда ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбарини озод қилиш ёки уни бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқни чиқаришга мажбуриятини белгилайди (бундай ҳаракатларни содир этиш тартиби ва шarti меҳнат қонунчилиги билан белгиланади). Ташқи бошқарувчи уч кун муддат ичида қарздорнинг раҳбарини ўз мажбуриятини бажаришдан озод қилинишини таъминлайди, қарздорнинг раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Бунда қарздорнинг раҳбари ўзининг розилиги билан раҳбар ўринбосари, ташқи бошқарувчининг ёрдамчиси ёки ушбу корхонага бошқа ишга ўтказилиши мумкин (Суд бошқарувчиси тўғрисидаги Низомнинг 29-банди (ЎЗР ВМнинг 23.03.2004 йилдаги 138-сонли қарорининг 1-илоvasи);

— ташқи бошқарувни жорий этиш билан қарздорнинг функционал ҳуқуқий режими алмашади, яъни унинг ишларини бошқариш суд томонидан тайинланган ташқи бошқарувчига ўтади. Ташқи бошқарувчига юклатилган ваколат қарздор раҳбари ваколатига қараганда бирмунча кенгроқ, чунки қарздор фаолияти режимининг ўзгариши қарздорнинг раҳбарини лавозимидан озод қилиш билан чекланмай-

ди, балки қарздорнинг бошқарув органлари ваколати ҳам тугатилади. Шарҳланаётган модданинг мазмунига кўра қарздорнинг бошқарув органи деганда, ижро этувчи органлар бўлиб ҳисобланмайдиган органларни тушуниш керак, яъни муассисларнинг (иштирокчилар) умумий йиғилиши ва директорлар кенгашларини (кузатув кенгашларини) тушуниш керак. Ташқи бошқарув пайтида ижро этувчи органлар ташқи бошқарувчи аппаратининг қисми сифатида ҳаракат қилади, улар қандай бўлса ҳам юридик аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақли эмаслар, чунки жорий фаолият, тезкор бошқарув ва ижро-фармойиш тусидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ташқи бошқарувчининг ваколатига киради.

Шу билан бирга бошқарув органлари ваколатининг тугатилиши уларни четлатишни аниқламайди. Ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин қарздорнинг бошқарув органлари муайян ваколатга эга — қўшимча акциялар эмиссиясини ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва қарздор муассислари (иштирокчилари) ҳолатига таъсир этувчи масалалар бўйича бошқа қарорлар қабул қилишга ҳақли, масалан: қарздор муассислари (иштирокчилари) вакилларини сайлаш, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибини аниқлаш билан боғлиқ ва бошқалар. Юридик шахсларнинг муассислари (иштирокчилари) ваколатини сақлаб қолиш, ташқи бошқарув доирасида уларга қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун зарур шароитлар яратишга имкон яратади. Қарздорнинг бошқарув органлари ваколати ва унинг вазифаси, йиғилишларини (мажлисларни) чақириш, уни ўтказиш тартиби, қарздорнинг бошқарув органлари томонидан, қарорлар қабул қилиш тартиби юридик шахслар тўғрисидаги қонунчилик ва қарздор-юридик шахс таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Қонун ташқи бошқарувчи лавозимига тезкор киришишини таъминлаш ва бошқарув органлари ваколатини тугатиш мақсадида қарздор раҳбарни лавозимидан озод қилиш, ташқи бошқарувчига ҳужжатлар, муҳрлар ва барча ишлар суд томонидан ташқи бошқарувчини тайинланган пайтидан эътиборан уч иш кунда ўтказилишини белгилайди. Қарздорнинг бошқарув органлари, қарздорнинг раҳбари ташқи бошқарувчига нафақат ишни топширишга мажбур, балки уни ташкилотга киришини ҳам таъминлаши керак; улар ташқи бошқарувчига тўсқинликлар қилишга, унинг фаолиятига қаршилик кўрсатишга ҳақли эмас. Бундай қаршилик кўрсатишга йўл қўйган шахслар то жинойий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилишлари керак.

— кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чоралар бекор қилинади. Бу шу билан изоҳланадики, банкротлик тўғрисидаги иш бошқарувнинг жорий этилиши билан ташқи бошқарувчига мулкни тасарруф этиш ва ишни бошқаришни ўтиши-

ни ҳамда режани амалга ошириш заруратини назарда тутувчи босқичга ўтади, шунинг учун кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари қабул қилинган чоралар булар учун тўсиқ бўлмаслиги керак;

— қарздор мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларни бошқача тарзда чеклаш фақат банкротлик иши доирасида йўл қўйилиши мумкин. Бу эса на бошқа суд, на мансабдор шахслар (органлар) ташқи бошқарув пайтида ташқи бошқарувчининг қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини чегараловчи ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли эмаслигини билдиради.

Бундай чекловларни белгилашдан манфаатдор шахслар шу жумладан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этмаётган шахслар банкротлик тўғрисида ишни кўриб чиқаётган хўжалик судига тегишли ариза билан мурожаат қилишга ҳақли;

— ташқи бошқарув даврида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қабул қилингунга қадар юзага келган ва ижро муддати ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин бошланган талабларга нисбатан мораторий жорий этилади (93-модданинг шарҳига қаранг). Кредиторлар талабларини қондириш учун мораторий жорий этиш ташқи бошқарув пайтида қарздорни тўлов қобилиятини тиклаш бўйича чораларни амалга оширишнинг зарур шартлари ҳисобланади.

Ташқи бошқарувчи барча кредиторларга ташқи бошқарув жорий этиш пайтидан бошлаб уларнинг талабларига мораторий жорий этиш тўғрисидаги хабарни юборади (Суд бошқарувчиси тўғрисидаги Низомнинг 33-банди (ЎзР ВМнинг 23.08.04 йилдаги 138-сонли қарорининг 1-сонли иловаси).

2. Кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарув тугганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарар суммалари ташқи бошқарувни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкинлигини белгилайди.

93-модда. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий

Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажарилиш муддати келган пул мажбуриятларига ва (ёки) мажбурий тўловларга татбиқ этилади, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилгандан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Ушбу модданинг назарда тутилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар юзасидан мораторийнинг амал қилиш муддати мобайнида:

ундирув сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ундирувга йўл қўйилмайди; пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланилмайди, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар, шунингдек тўланиши лозим бўлган фоизлар бундан мустасно.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторлар талабларининг суммасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган тартибда ва миқдорда фоизлар ҳисобланади. Бу фоизлар қарздорга нисбатан ташқи бошқарув жорий этилган санадан эътиборан бир навбатдаги талабларга ва хўжалик суди томонидан шу навбат талаблари бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқариладиган санага қадар ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган пайтга қадар ҳисобланади. Ҳисоблаб чиқарилган фоизлар суммаси кредиторга асосий қарз суммасини тўлаш билан бир вақтда тўланиши лозим.

Мораторий ташқи бошқарувчи шартномани бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ бош тортганлиги оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги кредиторлар талабларига ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг ва қисмларида назарда тутилган қоидалар бажарилиш муддати ташқи бошқарув жорий этилганидан кейин бошланган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловларга нисбатан қўлланилмайди.

Мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларига, алиментлар ундиришга ҳамда муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлашга доир талабларига, шунингдек қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларига татбиқ этилмайди.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талабларини қондиришда мораторий сингари ташқи бошқарувни жорий этишнинг оқибатларини қўллаш тартибини белгилайди. Моратория институти хусусий ҳуқуқий муносабатларга оммавий-ҳуқуқий аралаштишни намоён этади ва қарздор кредиторларининг иқтисодий ва юридик манфаат-

ларини таъминлашнинг усулларидан бири бўлиб хизмат қилади. Кредиторлар талабларини қондиришда мораторийни жорий этилиши, мулкый талабларнинг махсус ҳуқуқий режимини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эмас ва кредиторларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилмайди. Мораторийни жорий этган пайтидан бошлаб қарздор томонидан пул мажбуриятларини бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат фондига мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш тўхтатилади. Қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) судгача санация қилиш жорий этилгандан кейин вужудга келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар ва бошқа ҳолатлар бундан мустасно истисно (шарҳланаётган модданинг биринчи, бешинчи ва олтинчи қисми).

Мораторий — кредиторларнинг муайян талабларини бажармай туриб, қарздор фаолиятини давом эттиришга имкон берадиган муҳим чорадир. Мораторий амалда бўлган пайтида ижрони муддатидан кечиктиргандаги санкциялар қўлланилмайди, мораторий билан боғлиқ зарарлар қарздордан ундирилмайди, Даъвонинг ўтиш муддати тўхтатиб турилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми мораторий қўлланидиган кредиторларнинг талаблари доирасини белгилайди. Ушбу нормага мувофиқ мораторий ижро муддати ташқи бошқарув жорий этилгандан олдин бошланган пул мажбурияти ва мажбурий тўловга нисбатан кучга киради.

Шу билан бирга Қонун мораторий татбиқ этилмайдиган мустасно ҳолатларни белгилайди, бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

қарздорга нисбатан кузатиш ва (ёки) суд санацияси жорий этилгандан сўнг юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми), шунингдек, ташқи бошқарув жорий этилгандан кейин ижро муддати келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар (шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми) яъни жорий тўловлар;

шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган талаблар.

Шуни таъкидлаш жоизки, пулсиз талаблар (мулкый тусда бўлмаган талаблар) ҳам навбатдан ташқари ҳисобланади ва банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида қондирилади, ва шу туфайли уларга мораторий қўлланилмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми мораторий амал қилиши қўлланиладиган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга мораторий амал қилишнинг оқибатларини белгилайди. Шундай қилиб, низосиз тартибда ундирув амалга ошириладиган мазкур талаблар бўйича ижро ва бошқа ҳужжатлар юзасидан ундирувга йўл қўйилмайди, пул мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим дара-

жада бажармаганлик ва (ёки) мажбурий тўлов мажбуриятлари учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланилмайди. Бу чора қарздор пул маблағларини уни молиявий соғломлаштиришни таъминлашга йўналтирилган.

Қарздорга нисбатан мораторийни жорий этиш шартнома бўйича қарздор контрагентининг ўз мажбуриятларини бажаришини тўхтатмайди. Истиснолар қонун ёки шартнома асосида белгиланиши мумкин. Мораторий амал қилиши пайтида ижро муддатининг кечикиши учун санкциялар қўлланилмайди, мораторий билан боғлиқ зарар қарздордан ундирилиши мумкин эмас, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми мораторий амал қилиш остига тушган кредиторларнинг талабларига ЎЗР ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган тартиб ва миқдорда фоизлар ҳисобланишини белгилайди. ЎЗР ФКнинг ушбу моддасининг талабларига мувофиқ фоизлар миқдори кредиторнинг яшаш жойида амалда бўлган, агар кредитор юридик шахс бўлса, даъво тақдим этилган ёки суд қарор қабул қилган кундан (суд ихтиёрига кўра) у жойлашган ерда амалда бўлган банк фоизларининг ҳисоб ставкаси миқдорида аниқланади. Ушбу норма кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради. Кўриб чиқиляётган қисмда фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари белгиланган.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, мораторий ташқи бошқарувчи шартномани бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ бош тортганлиги оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги кредиторлар талабларига ҳам татбиқ этилади. Мораторийнинг бундай турдаги талабларга қўлланилиши ташқи бошқарувчига қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлаштирмасдан қайси шартномавий мажбуриятларини ижро қилиш, қайси шартномавий мажбуриятларини ижро этишдан воз кечиш мақсадга мувофиқлиги аниқлаш имкониятини беради.

5. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик суди қабул қилгунга қадар юзага келган, аммо ташқи бошқарувни жорий этгандан кейин ижро қилиш муддати белгиланган (жорий тўловлар) пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга мораторий қўлланилмайди. Кредиторлар бундай талаблар бўйича банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқари ўз талабларини мустақил тақдим этишга ҳақли.

6. Олтинчи қисмида қонун чиқарувчи мораторийнинг татбиқ этиладиган мажбуриятлар қаторидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талабларини, алиментлар тўлаш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш талабларини, шунингдек фуқаролар олдидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун қарздорни жавобгарли-

ги юзасидан фуқароларнинг талабларини чиқариб ташлаган. Фикри-мизча қонунда бу ҳақда тўғридан-тўғри кўрсатма бўлмасада, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга ҳам мораторий татбиқ қилинмайди. «Банкротлик тўғрисидаги» Қонун бу талабларга улар фуқароларнинг шахсий ҳуқуқи билан боғлиқ бўлганлиги ва ижтимоий ҳимояни талаб этадиган туста эгаллигини назарда тутиб, афзал қондиришни таъминлайдиган махсус мақом беради.

94-модда. Ташқи бошқарувчиликка номзод тақдим этиш тартиби

Ташқи бошқарувни жорий қилиш ҳақида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни маъқуллайди.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилишига ҳар қандай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторларнинг энг кўп овозини олган шахснинг номзоди хўжалик судига таклиф этилади.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этаётган бўлса, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан уч ҳафталик муддат ичида кўриб чиқиш, маъқуллаш ва хўжалик судига тақдим этишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув таомилини ўтказиш учун кредиторлар томонидан ташқи бошқарувчи номзодини тақдим этиш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик судига ташқи бошқарувни жорий этиш илтимосномаси билан мурожаат қилиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилиши қарори ташқи бошқарувчи номзодини маъқуллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак. Ташқи бошқарувчининг номзоди биринчи тоифали суд бошқарувчиси аттестацияга эга бўлиши ва Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган бошқа талабларни қаноатлантириши керак.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ҳар қандай кредитор ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи кредитори © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

торлар йиғилишига ташқи бошқарувчи номзодини кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли эканлигини белгилайди. Шу ўринда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи қарздорнинг устав фондида давлат улуши бўлишидан қатъий назар номзодни тақдим этиши мумкин.

3. Хўжалик судига кредиторлар йиғилишида энг кўп овозни олган ташқи бошқарувчи номзоди таклиф этилади. Номзодни маъқуллаш тўғрисидаги қарор Қонуннинг 13-моддасида белгиланганидек, кредиторлар йиғилишида қарорларни қабул қилиш тартибига мувофиқ равишда қабул қилинади.

4. Ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этилаётган бўлса, масалан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи аризасига биноан жорий этилаётган бўлса, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтидан эътиборан уч ҳафталик муддат ичида кўриб чиқиш, маъқуллаш ва хўжалик судига тақдим этишда имтиёзли ҳуқуқга эга.

5. Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

95-модда. Ташқи бошқарувчини тайинлаш

Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади.

Ташқи бошқарувчини ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинлашнинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тайинлайди.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчини тайинлаш тартибини белгилайди.

1. Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув таомилини ўтказиш учун тайинланади. Ташқи бошқарувчи қоидага кўра, хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтида, яъни хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни

жорий этиш тўғрисидаги ажримни чиқариш пайтидан бошлаб тайинланади.

Ташқи бошқарувчи номзодини хўжалик судига таклиф этиш тартиби Қонуннинг 94-моддаси билан белгиланади. Бунда ташқи бошқарувчи бўлиб Қонуннинг 18-моддаси ва ЎЗР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган талабларни қондирадиган шахслар тайинланиши мумкин.

2. Қарздорга нисбатан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтида ташқи бошқарувчини тайинлаш имконияти бўлмаса, ташқи бошқарувни жорий этишдан бошлаб бир ой ичида хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчи тайинланиши керак. Бундай ҳолатда, Қонуннинг 75-моддаси тўртинчи қисми ва 80-модданинг бешинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқишдан мустасно тарзда ташқи бошқарувчининг вазифаларини мувақат бошқарувчи вазифасини бажараётган шахс ижро этади, агар ташқи бошқарув кузатиш таомилидан кейин жорий этилса ёки санация қилувчи бошқарувчиси, агар ташқи бошқарув суд санация таомилидан кейин ташқи бошқарув жорий этилган бўлса.

Агар кредиторлар йиғилиши томонидан қонун талабларига мувофиқ келмайдиган номзод тавсия қилинган бўлса, ёки бошқарувчи номзоди кредиторлар йиғилиши томонидан судга таклиф қилинмаган бўлса, суд банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи таклифи бўйича бошқарувчини тайинлашга ҳақли (Қонуннинг 94-моддаси бешинчи қисми).

3. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради. Ушбу ажрим қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилади (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми).

Ташқи бошқарувчи суд томонидан тайинланган пайтидан бошлаб қуйидаги мажбуриятларни бажаради: (Суд бошқарувчилари тўғрисидаги Низомнинг 27-банди (ЎЗР ВМ 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли қарорининг 1-илоvasи).

— ишнинг тахминий календарь режасини тузади;

— ташқи бошқарув таомилини жорий этиш тўғрисида ва ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида қарздорнинг бошқарув органини ёзма равишда огоҳлантиради.

4. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция инстанция судига шикоят қилиниши мумкин. Бунда биринчи инстанция судининг ажрими Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-бандига ва Қонуннинг 60-моддасига кўра қисқартирилган муддатда шикоят қилинади. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши уни ижро этишни тўхтатмайди.

96-модда. Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан хўжалик суди қуйидаги ҳолларда озод этиши мумкин:

зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилишининг қарори асосида. Бундай ҳолларда кредиторлар йиғилишининг қарориди ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзод тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарори асосида;

унинг ўз аризасига биноан;

ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчи этиб тайинланишига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) бундай ажримнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш масаласини тартибга солади. Ташқи бошқарувчини ўз вазифаларини бажаришдан озод этиши қарздор ёки кредиторга зарар етказилган ҳолатларида ёки бусиз ҳам бўлиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчини ўз вазифаларини бажаришдан озод этиш асосларини белгилайди. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошининг нормаларига мос ҳолда кредиторлар йиғилиши тегишли илтимоснома билан хўжалик судига ташқи бошқарувчи мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда мурожаат қилиши мумкин, шу жумладан қонунчиликни мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганда ташқи бошқарувчини четлатиш ташаббусини амалга оширишини белгилайди. Бундай ҳолда Қонуннинг 21-моддасидан фарқли равишда зарарнинг бўлиши факти мажбурий эмас. Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувчини вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан қарори икки қисмдан иборат бўлиши керак:

1) қонунга мувофиқ ташқи бошқарувчига юклатилган мажбуриятни бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги фактларини кўрсатган ҳолда ташқи бошқарувчини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги асослантирилган илтимосномаси;

2) қонуннинг 94-моддаси талабларига мувофиқ қабул қилинган ташқи бошқарувчининг янги номзодни маъқуллаш тўғрисидаги қарори.

Шарҳланаётган модда қисмининг учинчи хатбошисига мувофиқ ташқи бошқарувчи унга юклатилган вазифани бажаришдан банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органининг қарорига кўра хўжалик суди томонидан озод қилиниши мумкин. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи илтимосномаси асосида озод қилиш асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қарори билан тасдиқланган, ЎзР Адлия Вазирлигидан 2006 йил 12 майда 1581-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 35-бандида белгиланган. (Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисми шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган қисмининг тўртинчи хатбошисига асосан, ташқи бошқарувчининг шахсий аризасига кўра озод қилиниши ҳам мумкин. Қонун ташқи бошқарувчидан ўз фаолиятини давом эттириш имконияти йўқлиги сабабларини асослашини талаб қилмайди, бироқ хўжалик суди ташқи бошқарувчини алмаштириш ташқи бошқарув режасини бажаришга ва қарздорни молиявий соғломлаштиришга салбий таъсир кўрсатишини назарда тутиб, тушунтиришни талаб қилиши мумкин. Чунки ташқи бошқарувчининг вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризаси ташқи бошқарувчини озод қилиш учун шаксиз асос бўла олмайди, узрли сабабларнинг йўқлиги аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Узрли сабаблар бўлиб нафақат хўжалик бошқаруви билан шугулланиши имкониятига тўсқинлик қиладиган касаллик ва шахсий тусдаги ҳолатлар, балки бошқа сабаблар ҳам тан олиниши мумкин.

Ушбу қисмининг бешинчи хатбошиси қоидаларига асосан ташқи бошқарувчи банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим қилган далиллар бўлган тақдирда, Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи шахсни тайинлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқлангани билан боғлиқ ҳолда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Мазкур қисм олтинчи хатбошисига асосан қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилган бўлса, унинг бошланиши билан хўжалик суди ташқи бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилади: масалан, ташқи бошқарувчини давлат ёки сайланадиган лавозимига тайинланиши ёки сайланиши ва ҳ.к.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ташқи бошқарувчи Қонунда белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида қарздорга ёки кредиторларга зарар етказса, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок қилувчи шахслар Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчини вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Бундан ташқари шуни назарда тутиш керакки, ташқи бошқарувчи амалдаги қонун ҳужжатларини кўпол ёки мунтазам равишда бузганлиги аниқланганда ваазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш имконияти ЎзР Олий хўжалик судининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли Пленуми қарорининг 13 бандига кўра банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларга ҳам берилган, бунда зарарни юзага келиш факти мажбурий эмас.

Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмига асосан ташқи бошқарувчини ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисида берилган ариза олган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Хўжалик суди аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича ташқи бошқарувчини вазифасидан озод қилиш ёки ушбу аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрими Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 21-банди ва Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ дарҳол ижро этилади, ва хўжалик суди апелляция инстанциясига шикоят қилиниши мумкин. Бунда хўжалик судида апелляция инстанция ушбу ажрим устидан шикоят қилиш муддати ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн кунни ташкил этади. Ташқи бошқарувчини озод қилиш тўғрисидаги ажримга шикоят қилиш (протест келтириш) факти уни ижросини тўхтатмайди.

Ташқи бошқарувчини озод қилиш тўғрисидаги ажримни чиқариш билан бир пайтида хўжалик суди янги ташқи бошқарувчини тайинлайди ёки кредиторлар йғилишига ташқи бошқарувчининг номзодини тақдим этиш тўғрисидаги сўровни юборади.

Янги ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан Қонуннинг 95-моддасида белгиланган тартибда тайинланади. Қонуннинг 92-моддаси биринчи қисми учинчи хатбоши нормаларининг ўхшашлигига кўра, озод қилинган ташқи бошқарувчи қарздорнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатларни, муҳрлар ва штамплар, моддий ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни янги ташқи бошқарувчига уни тайинлашган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ўтказилишини таъминлаши керак.

Ташқи бошқарувчини озод қилиш тўғрисидаги ва янги ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги маълумотлар Қонуннинг 52-моддасида белгиланган тартибда эълон қилиниши керак.

97-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари

Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Ташқи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш;

ушбу Қонуннинг 101-моддасида назарда тутилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш;

қарздор номидан келишув битими тузиш;

ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар билан келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш;

ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш;

ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда қарздорнинг шартномаларини бажариш рад этилишини маълум қилиш.

Қарздор банкротликка олиб борилганлиги муносабати билан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан ташқи бошқарувчи ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида талаблар қўйишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг ваколати ва ҳуқуқларини белгилайди, бунда ташқи бошқарувчи Қонуннинг 19-моддаси нормалари асосан, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қарздор ва кредиторлар манфаатларини кўзлаб инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шарт.

1. Қарздорнинг молиявий соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадида шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи қарздор раҳбари ваколатини амалга оширишини белгилайди. Бу шунингдек, Қонуннинг 92-моддаси биринчи қисми иккинчи ва учинчи хатбошисида ўз ифодасини топган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— кредиторлар йиғилишини ва кредиторлар қўмитасини чақириш. Қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этишга йўналтирилган ташқи бошқарувчининг кўпгина қарорларини ташқи бошқарув режаси доирасидан чиқмаслигини таъминлаш ва кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) томонидан тегишли битимларни келишиш орқали назоратини таъминлаш кераклигини инобатга олиб, ушбу му-

аммолар билан боғлиқ масалаларни тезроқ ҳал этиш мақсадида ташқи бошқарувчига бундай ҳуқуққа бериш, мазкур қарорларни қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришга йўналтирилган чорадир.

— Қонуннинг 101-моддасида назарда тутилган чекловларга мувофиқ ташқи бошқарув режасига кўра қарздорнинг мол-мулкани тасарруф қилиш (батафсил маълумот учун Қонуннинг 101-моддаси шарҳига қаранг);

— қарздор номидан келишув битимини тузиш. Ташқи бошқарувчи ва кредиторлар томонидан келишув битимини ишлаб чиқиш, тузиш, шунингдек хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлаш Қонуннинг VIII бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади;

— Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

— ўз функцияларини амалга ошириш учун шартнома асосида бошқа шахсларни қарздор маблағлари ҳисобидан жалб этиш, агар мазкур Қонунда ва кредиторлар билан келишувда бошқача назарда тутилган бўлмаса. Амалда қарздорни молиявий соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ташқи бошқарувчи томонидан бажариш учун унга турли мутахассисларни жалб қилиш керак. Ушбу норма уларни жалб қилиш ҳуқуқини беради ва улар хизматига ҳақ тўлов манбасини белгилаб беради;

— ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш, амалда бу ташқи бошқарувчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризасини билдиради. (Қонуннинг 96-моддаси шарҳига қаранг).

— ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда қарздорнинг шартномани бажаришидан бош тортиш (батафсил Қонуннинг 102-моддаси шарҳига қаранг).

3. Кўриб чиқиладиган модданинг учинчи қисми ташқи бошқарувчига ўз ҳаракати билан қарздорни банкротликка олиб келган учинчи шахсларга талаблар билдириш ҳуқуқини англатади, қайсики қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорни банкротликка олиб келиш билан боғлиқ ҳолда қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка тортилиши лозим.

4. Келтирилган ваколатларнинг рўйхати фақатгина ташқи бошқарувнинг хусусиятини акс эттиради ва шубҳасиз, мукамал бўлиб ҳисобланмайди. Ташқи бошқарувчи унга қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуқларга эга. Хусусан Қонуннинг 19, 103-моддалари ЎЗР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

98-модда. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари

Ташқи бошқарувчи:

қарздорнинг мол-мулкни ўз тасарруфига қабул қилиши ва уни инвентаризациядан ўтказиши;

қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкни қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши;

ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиши;

ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиши;

бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиши;

кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириши;

қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриши;

кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва якунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг мажбуриятларини белгилайди. Суд томонидан ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган пайтидан эътиборан ташқи бошқарувчи ўз вазифаларини ижро этишга киришди деб ҳисобланади. У Қонуннинг 19-моддасида суд бошқарувчига берилган умумий ваколатларни, Қонуннинг 97—102-моддаларида белгиланган махсус ваколатларни амалга оширади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига асосан ташқи бошқарувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

— қарздорнинг мулкни бошқарувга қабул қилиши ва белгиланган қоидаларга мувофиқ унинг тўлиқ инвентаризациясини ўтказиши керак. 92-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарздор раҳбарининг ваколоти ташқи бошқарувчига ўтишини ҳисобга олган ҳолда ташқи бошқарувчига мулкни бошқариш бўйича ваколат ҳам ўтади. Самарали бошқариш мақсадида ташқи бошқарувчи қарздор мол-мулкнинг тўлиқ инвентаризациясини ўтказиши керак;

— учинчи шахсда бўлган қарздорнинг мол-мулкни қидириш, қайтариш ва аниқлашга йўналтирилган чораларни кўриши керак. Қарздорнинг мол-мулкни қайтариш бўйича чораларга қуйидагилар киради: ноқонуний эгалланган мол-мулкни ўзгача талаб қилиш, шу жумладан виндикацион даъвони тақдим этган ҳолда ва бошқалар;

— ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун махсус ҳисоб рақамини очиш. Ташқи бошқарувнинг махсус ҳисоб рақами қарздорнинг хизмат кўрсатувчи банкида очилади.

Бундай ҳисоб рақамни очиш зарурати Қонуннинг 93-моддасида белгиланган ташқи бошқарув таомилини жорий этиш пайтида пул маблағлари ва мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг мажбуриятларини қондиришда мораторий жорий этилишидир. Шу туфайли кўрсатилган мажбуриятлар бўйича қарздорда бўлган 2-картотека қарздорнинг аввалги амалда бўлган ҳисоб рақамида қолади;

— кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш. Қонуннинг 106-моддасига кўра, ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарувчи томонидан ишлаб чиқилиши ва кредиторлар йиғилишига тасдиқлаш учун ташқи бошқарувчи тайинланган пайтидан бошлаб бир ойлик муддатда тақдим этилиши керак. 107-модданинг биринчи қисмига кўра ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарув жорий этилган пайтидан икки ойдан кечиктирилмасдан чақириладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилади, шунингдек ташқи бошқарувчи кредиторларнинг ушбу йиғилишини ўтказилишидан икки ҳафта олдин ташқи бошқарув режаси билан кредиторларни таништириш имкониятини таъминланиши керак. Бундан шундай хулоса чиқади: ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш учун чақириладиган кредиторлар йиғилиши ўтказилиш санасидан икки ҳафта олдин ишлаб чиқилиши керак. Тегишлича, гарчи 106-модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи уни тайинлаш пайтидан бошлаб бир ой муддатда ташқи бошқарув режасини тузади деб белгиласада, ташқи бошқарувчи режани кредиторлар йиғилиши ўтказилиш санасидан икки ҳафта олдин ишлаб чиқиши керак, ҳатто агар ташқи бошқарувчини тайинлаш пайтидан режани ишлаб чиқишигача бўлган муддат (яъни кредиторлар йиғилиши ўтказилиш санасидан икки ҳафта олдин) бир ойдан кам бўлса ҳам;

— бухгалтер, статистик ҳисоб-китоб ва ҳисоботни олиб бориш;

— қарздорнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида кредиторларнинг талабларини қарздорга тақдим этиш бўйича эътирозларни билдириши. Бунда Қонуннинг 99-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда билдирилган талаблар бўйича эътирозлар кредиторларга юборилади. Бундай ҳолларда ушбу эътирозлар билан рози бўлмаган кредиторлар Қонунни 99-моддаси учинчи қисмига мувофиқ хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли;

— қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриш, шу жумладан, эътироз юбориш, судга даъво аризани киритиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ижро органларига ижро варақаларини бериш орқали;

— қонуннинг 14-моддаси ва ЎзР Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 19-бандида белгиланган тартибда кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш. Ташқи бошқарувчи банкротликнинг аввалги таомили жараёнида тузилган

реестрини қабул қилади ва юритади. Шуни таъкидлаш жоизки, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатгунга қадар вужудга келган, бироқ қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик суди томонидан қабул қилингандан кейин ижро муддати бошланган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар миқдори Олий хўжалик суди Пленуми қарорининг 19-бандига мувофиқ, ташқи бошқарув жорий этилган кунга белгиланади;

— кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси амалга оширилиши ва натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этиш.

Қонун талабларига мувофиқ ташқи бошқарув режасида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш шу жумладан, битимларни кредиторлар йиғилиши билан келишиши, агар бундай келишувни олиш мажбурий ҳисобланса, қарздорни мол-мулкани сотиш тартиби ва шартларига риоя этиш ва бошқалар.

2. Шуни инобатга олиш лозимки, ташқи бошқарувчига қарздор раҳбарининг ваколати юкланганлиги сабабли унга нафақат Қонунда назарда тутилган жавобгарлик тўғрисидаги нормалар, балки Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қарздор раҳбари учун белгиланган фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилади.

Бундан ташқари, ташқи бошқарувчи зарурий ҳолларда қарздорни мол-мулкани баҳолаш учун мустақил (холис) баҳоловчиларни, бошқа мутахассис ва ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб қилиш, ўз вақтида хўжалик судига ҳисоботларни юбориш, кредиторлар билан ҳисоб-китобни амалга ошириш, бошқа мажбуриятларни, шу жумладан Қонуннинг 19-моддаси иккинчи-бешинчи қисмларида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши керак.

Шуни ҳам назарда тутиш кераки, ташқи бошқарувчи фаолияти «Суд бошқарувчиси тўғрисидаги Низомда ҳам белгиланган. (ЎЗР ВМ 23.03.2004 йилдаги 138- сон қарорига 1- сон илова).

99-модда. Кредиторларнинг талаблари

Кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган вақтида тақдим этишга ҳақли. Мазкур талаблар ташқи бошқарувчига қарздорнинг почта манзили бўйича юборилади. Кредиторларнинг ушбу модда тўртинчи қисмига мувофиқ аниқланган деб эътироф этиладиган талаблари бу талабларни аниқланган деб белгилаш имконини берувчи ҳужжатлар илова этилган ҳолда ташқи бошқарувчига юборилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида тегишли ёзув киритади. Ташқи бошқарувчи

кўриб чиқиш натижалари ҳақида тегишли кредиторни кредиторнинг талаблари олинган пайтдан эътиборан узоғи билан бир ойлик муддат ичида хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан эътирозларни банкротлик тўғрисидаги ишни кўраётган хўжалик судига кредитор бу натижалардан хабардор бўлган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида билдириши мумкин.

Кредиторларнинг ушбу модданинг назарда тутилган муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблари ташқи бошқарувчи томонидан аниқланадиган миқдорда, таркибда ва уларни қондириш навбатида аниқланган талаблар деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув даврида кредиторларнинг талабларини қарздорга тақдим қилиш тартибини белгилайди (жорий тўловлар бўйича кредиторлар талаблари бундан мустасно).

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми кредиторлар талаблари реестрига кириш ҳуқуқига эга кредиторларнинг муайян сабабларга кўра реестрга киритилмаган бўлсалар, ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган пайтида ташқи бошқарув тугатилгунга қадар қарздорга нисбатан ўз талабларини тақдим этишга ҳақли эканлигини назарда тутати. Масалан, бундай кредиторлар сифатида қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлигини билмаган ва ўз талабларини ўз вақтида қўя олмаган ва қандайдир сабабларга кўра реестрга киритилмай қолган, талаблари банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлигига қадар юзага келиб, уларни бажариш муддати эса ташқи бошқарув жорий қилингунга қадар вужудга келган кредиторлар бўлиши мумкин. Қонуннинг 14, 98-моддаларига кўра кредиторларни реестрга киритиш мажбурияти ташқи бошқарувчига юкланганлиги туфайли, талаблар бевосита ташқи бошқарувчига қарздорнинг почта (юримдик) манзили бўйича юборилади. Кредиторларнинг талаблари ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар суд бошқарувчиси томонидан тан олинган бўлса, улар ўз талабларини қайтадан ташқи бошқарувчига билдиришга мажбур эмас. Агар кредитор талаблари миқдори ўзгарган бўлса, кредитор яна ташқи бошқарувчига кредиторлар талаблари реестрга кейинги ўзгартиш киритиш учун тегишли бўлган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қилишга ҳақли.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми кредиторлар томонидан келтирилган талабларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди. Мазкур моддага кўра ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижаларини тегишли талаб олинганидан кейин бир ойдан ошмайдиган

муддатда кредиторларга хабар қилади. Кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ ташқи бошқарувчи кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли ёзув киритади. Агар кредиторлар уларнинг талабларини кўриб чиқиш натижаларидан хабардор қилинмаганда ёки ташқи бошқарувчининг кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлганда, кредиторлар яна ташқи бошқарувчига мурожаат қилиши ёки 59-моддаси тартибда ёки шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда хўжалик судига шикоятини юбориши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми кредиторлар ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижаларидан норози бўлган тақдирда банкротлик тўғрисидаги ишни кўраётган хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли эканлигини белгилайди. Қонунда кредиторларга бундай ҳуқуқни берилиши, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Бундай ҳуқуқни кредиторлар ташқи бошқарувчининг улар талабларини кўриб чиқиши натижалари билан хабардор қилган пайтидан эътиборан бир ойлик муддат ичида амалга оширишлари мумкин.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми кредиторларнинг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблари, яъни кредиторлар кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ташқи бошқарувчи хабарини олган пайтидан бошлаб бир ой муддатда, ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган миқдорда, таркибда ва қондириш навбатида аниқланган талаблар деб ҳисобланишини белгилайди. Яъни агар у ёки бу талаблар бўйича шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида назарда тутилган эътирозлар тақдим этилмаган бўлса, кредиторлар томонидан ушбу талаблар бўйича судга келгусида тақдим этишга, бу талабларни билдиришга йўл қўйилмайди.

100-модда. Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш

Кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати хусусидаги ушбу Қонуннинг 99-моддасида белгиланган муддатларда берилган эътирозлари хўжалик суди томонидан мазкур эътирозлар олинган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ажрим чиқаради, ажримда кредиторларнинг қайси талабларига нисбатан эътирозлар асосли деб топилган бўлса, кредиторларнинг шу талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

Кредиторлар эътирозларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтириши) бўйича хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

рилиши) мумкин. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари алоҳида иш юритишда кредиторларнинг қарздорга нисбатан талабларини кўриб чиқишда преюдициал кучга эга бўлади.

Қарздор ходимлари вакилининг меҳнат ҳақи тўлаш ва меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаш бўйича қарзнинг миқдори ва таркиби тўғрисидаги эътирозлари ҳам ушбу моддада белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати хусусидаги эътирозларини ҳўжалик судида кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1. Кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан уларнинг талабларини кўриб чиқиш натижаси билан рози бўлмай билдирган эътирозлари Қонуннинг 99-моддаси ва ЎЗР ХПКдаги тартиб ва муддатларда ҳўжалик судига билдирган арзи банкротлик тўғрисидаги иш доирасида ҳўжалик судида кўриб чиқилади. Ушбу эътирозлар ҳўжалик суди томонидан мазкур эътирозлар олинган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Судга мурожаат қилишдан аввал мажбурий тартибда кредитор томонидан қарздор манзилига судга қадар низони ҳал этиш тартиби ҳисобланган, уни талаблар реестрига киритиш ҳақидаги мурожаати бўлиши керак. Агар кредитор ташқи бошқарувчига мурожаат қилмасдан судга мурожаат қилса, ҳўжалик суди аризани ЎЗР ХПКнинг 118-модда биринчи қисм 6-бандига кўра қайтаради. Шундай қилиб, кредитор ташқи бошқарув устидан судга шикоят қилаётганда аризага судга қадар ташқи бошқарувчига низони ҳал этиш ҳақида мурожаат қилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

2. Кредиторларнинг арз қилинган эътирозлари ҳўжалик суди мажлисида ЎЗР ХПК қоидалари бўйича кўриб чиқилади.

Суд кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқаётганда тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади, талаблар миқдорининг ҳисоби тўғрилигини текширади, ташқи бошқарувчи эътирозлари тушган бўлса, уларни ўрганади, шулар асосида талаблар миқдорини белгилайди, қонун бўйича ушбу талаб қайси талаблар навбатига киришини аниқлаб беради. Суд кредиторларнинг эътироз қилинган талабларини асоссиз деб топиши ва уларни талаблар реестрига киритишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Эътирозни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳўжалик суди ажрим чиқаради. Агар суд эътирозларни асосли деб топса, унда ажримда кредиторларнинг қайси талабларига нисбатан эътирозлар асосли деб топилган бўлса, кредиторларнинг шу талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати кўрсатилади.

3. Кредиторлар, ташқи бошқарувчи ва банкротлик ишида қатнашувчи бошқа шахслар Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ хўжалик судининг ушбу модда иккинчи қисмига биноан кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиб чиқарган ажрими устидан шикоят қилишлари мумкин. Ушбу қисмда назарда тутилган ажрим устидан шикоят қилиниши ижронини тўхтатишга асос бўлмайди.

Кўриб чиқиладиган қисм, шунингдек банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари алоҳида иш юритишда кредиторларнинг қарздорга нисбатан талабларини кўриб чиқишда преюдициал кучга эга эканлиги белгиланган. Бу кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш чоғида чиқарилган ажримлар ва бошқа суд ҳужжатлари кейинги суд ишлари учун мажбурий кучга эга бўлиб, уни қўшимча исботлашни талаб қилмаслигини белгилайди. Ушбу қоида суднинг банкротлик тўғрисидаги иш бўйича бошқа таомилларида билдирилган талабларига эътирозлар юзасидан чиқарган ҳужжатларига аналогия бўйича ҳам қўлланилади. Яъни агар кузатув ёки суд санацияси жараёнида билдирилган кредитор талабларига қарздор ёки муваққат бошқарувчи томонидан эътироз берилган бўлса ва хўжалик суди ушбу эътирозни кўриб чиқиб, у бўйича ажрим чиқарган бўлса, шарҳланаётган қисм нормаси аналогияси бўйича бундай талабларга эътирозлар бундан буён хўжалик судига ариза деб тан олинмайди агарда, бунда аввалги кўриб чиқишда тан олинган далилларни рад қиладиган янги далил тақдим этилган бўлмаса.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми қарздор ходимлари вакилининг меҳнат ҳақи тўлаш ва меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларга ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш бўйича қарзнинг миқдори ва таркиби тўғрисидаги эътирозлари ҳам шарҳланаётган модданинг биринчи, иккинчи, учинчи қисмларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши белгиланган.

Шу қисмнинг қоидаси 59-модда иккинчи қисм иккинчи хатбосиси билан мувофиқлаштирилган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу қоида қарздор ходимлари вакилининг судга эътироз билдириши мумкинлигини билдиради, лекин ушбу ҳуқуқ алоҳида ходимлар учун назарда тутилмаган.

101-модда. Қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш

Қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш бўйича қарор қабул қилишга ёхуд ташқи бошқарувчининг ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ушбу Қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан тузилади.

Йирик битимларга баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкни ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкни тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киради.

Битимни тузган тарафлардан бири ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлса, бундай битимлар манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб эътироф этилади.

Шарҳланаётган модда қарздор мол-мулкни тасарруф этишдаги баъзи чекловларни белгилайди.

1. Ташқи бошқарув жорий қилингандан сўнг қарздорнинг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ вазифалар (шу жумладан қарздорнинг мол-мулкни бошқариш) ташқи бошқарувчи зиммасига ўтади. Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув даврида кредиторлар манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва улар билан қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этишни келишиб олади. Шу ўринда шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор мол-мулкнинг эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган орган қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш бўйича қарор қабул қилишга ёки ташқи бошқарувчининг ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас. Ушбу қисмнинг қоидалари қарздорнинг қарздор мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш соҳасидаги ваколатларини чеклайди ва ташқи бошқарувчига ўзининг мажбуриятларини самарали ва тўлақонли бажаришга имкониятлар туғдиради.

Мазкур қисмига истисно сифатида қуйидаги ҳолатни кўрсатиш мумкин, қарздорнинг мол-мулки асосида битта ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш учун қарздор мол-мулкнинг эгаси қарори ёки таъсис ҳужжатиغا кўра ваколатли бўлган органнинг қарори талаб этилади (115-модда учинчи қисми).

2. Иккинчи қисм ташқи бошқарувчига кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси манфаатларни ифода этадиган йирик битим ва битимларни, кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси розилигисиз амалга ошириш имкониятини чекловчи нормани ифода қилади. Қонун ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Ушбу чекловдан қонун чиқарувчи ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси манфаатларини ифода этадиган йирик битим ва битимларни тузиш ҳолати устидан доимий назоратни

олиб бориш имкониятини кўзлайди, чунки бундай турдаги битимлар кредиторларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлиши мумкин.

Ташқи бошқарувчи томонидан ушбу қисм қоидаларига риоя қилмасдан битимларни тузиш яъни кредиторлар йиғилиши ёки кўмитаси розилигисиз битимларни тузиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиб, манфаатдор шахсларнинг даъвосига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФК 113-модда биринчи қисм).

3. Учинчи қисм йирик битимлар, яъни баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкни ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкни тасарруф этишга олиб келувчи битимлар тушунчасини белгилайди.

Йирик битимларга нафақат қарздорнинг мол-мулкни бошқа шахсга бериш, балки тегишли қийматдаги объектларни сотиб олиш ҳам киради, чунки мулкни сотиб олиш унинг ҳаққини тўлашни талаб этади, яъни ташқи бошқарув режаси ижросига таъсир қилиши мумкин бўлган қарздорда мавжуд бўлган пул воситалари жалб қилинади.

Қардор мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битта тижорат операциясини амалга ошириш ҳуқуқий жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ боғлиқ бўлган битимларда (шартномаларда) акс эттирилиши мумкин. Бир-бирига боғлиқ бир неча битимларнинг предмети бир ашё бўлса (бухгалтерлик ҳисоботидаги ҳисоб бирлиги), ҳатто шартнома тузиш вақтида қисмларга бўлинса ҳам бу объектга нисбатан қилинадиган боғлиқ битимлар баланс қиймати йирик битимларга киритиш учун критерий ҳисобланади. Масалан, технологик комплекс ҳар битим баҳоси қарздор активларининг 10%дан кам бўлиши учун харидорга қисмларга бўлиниб, алоҳида шартномалар асосида сотилмоқда. Агарда ушбу комплекснинг баланс қиймати қарздор активининг қийматини 10%дан ошса, қисмларга бўлиб сотилаётган комплекс олди-сотди шартномаларининг жами йирик битимга киритилади ва ташқи бошқарувчи агар қонунда, ташқи бошқарув режасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, шартномани тузаётганда кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси розилигини олиши керак.

4. Тўртинчи қисмга асосан, манфаатдорлик назарда тутилган битимлар деб, битимни тузган тарафлардан бири ташқи бошқарувчига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор шахс бўлган тақдирдаги битимлар эътироф этилади.

Бир-бирига боғлиқ ёки аффилиланган шахслар ва битим тузилишидан манфаатдор шахслар рўйхати бошқа қонун ҳужжатлари нормаларида ҳам ифода этилган, манфаатдор шахслар эса, ушбу Қонуннинг 17-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган. Ташқи бошқарув-

чи қарздор номидан ва унинг манфаатидаги битимларни тузаётганида ўзига нисбатан ёки кредиторларнинг бирига нисбатан бошқа манфаатдор шахслар бор ёки йўқлигини аниқлаши керак. Юқоридаги фактларни аниқланганда, агар қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ташқи бошқарувчи бундай битимларни амалга оширишни кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) билан келишиб олиши керак. Амалга оширилишида манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар кредиторлар (қўмитаси) йиғилишининг назоратида бўлади (Қонуннинг 15-моддаси, бешинчи қисми тўртинчи хатбоши).

102-модда. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш

Ташқи бошқарувчи қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар тузилган шартномаларини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан уч ойлик муддат ичида бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда билдирилиши мумкин:

қарздорнинг шартномасини бажариш муқояса қилса бўладиган ҳолатларда тузиладиган айни шундай шартномаларга қиёсланганда қарздор учун зарар келтирадиган бўлса;

шартнома узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга тузилган) ёки фақат узоқ истикболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса.

Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга монелик қилувчи бошқа ҳолатлар бўлган тақдирда ҳам билдирилиши мумкин.

Ушбу модданинг қисмларида назарда тутилган ҳолларда шартнома барча тарафлар томонидан шундай шартнома юзасидан ташқи бошқарувчининг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги аризаси олинган пайтдан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Шартномани тузган тарафлардан бири, агар унга нисбатан қарздор рад қилишни билдирган бўлса, қарздордан шартномани бажаришдан бош тортиш оқибатида келиб чиққан ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модданинг қоидалари ташқи бошқарувчига муайян турдаги шартномаларни бажаришдан бош тортиш имкониятини яратadi. Ташқи бошқарувчига шартномаларни бажаришдан бош

тортиш имкониятининг бериш зарурияти шу билан ифодаланадики, қарздорнинг инқирозли ҳолатида тузилган шартномаларни бажарилиши ташқи бошқарувнинг асосий мақсадига эришиш: кредиторларнинг талабларини қондириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига биноан ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув жорий қилинган кундан эътиборан уч ой муддат ичида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар тузилган қарздорнинг шартномаларини ижро этишдан бош тортиши мумкин. Бунда у контрагент манзилига қарздорнинг банкротлик иши қўзғатилгунга қадар тузилган шартномаларни бекор қилиш ҳақидаги хабарни жўнатиши керак..

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу модданинг қоидалари банкротлик иши қўзғатилгандан кейин тузилган шартномаларга татбиқ қилинмайди. 103-моддада назарда тутилган асослар, яъни шартнома тузишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик (масалан, қузатув жараёнида муваққат бошқарувчининг розилигисиз шартнома тузиш ва ҳ.к.) асослари мавжуд бўлганда, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди ушбу шартномани ҳақиқий эмас деб топиб, ҳақиқий бўлмаган битимларнинг оқибатларини қўллашга ҳақли.

2. Ташқи бошқарувчи битимларни бажаришдан бош тортиш тўғрисида ҳеч кимнинг розилигисиз қарор қабул қилиши мумкин, лекин қонун ташқи бошқарувчи риоя қилишга мажбур бўлган айрим чекловларни белгилаган.

Ташқи бошқарувчи томонидан бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги ариза ижро босқичида турган лекин, тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман ижро этилмаган битимлар устидан қуйидаги ҳолатларнинг бири мавжуд бўлгандагина берилиши мумкин:

1) қарздорнинг шартномасини бажариши ўхшаш ҳолатларда тузиладиган айна шундай шартномаларга қиёслаганда қарздор учун зарар келтираётган бўлса;

2) шартнома узоқ муддатли бўлса (бир йилдан ортиқ муддатга тузилган) ёки фақат узоқ истиқболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми қарздорнинг шартномаларни бажаришдан бош тортиши тўлов қобилиятини тиклашга монелик қилувчи бошқа ҳолатлар бўлган тақдирда ҳам билдириши мумкинлиги белгиланган, лекин бу барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатангина қўлланилади. Ушбу қоида ташқи бошқарувчи шартномаларни бажаришдан бош тортишдан келиб чиқадиган зарарларни тўлаш тўғрисидаги талабни ижро этишга мораторий қўллаш қоидаси каби қарздорнинг тўлов қобилиятини тикловчи шароитларни яратиш мақсадини кўзлайди (93-модда тўртинчи қисми).

4. Тўртинчи қисм ташқи бошқарувчи томонидан шартномани бекор қилиш ҳақида хабарнома юборгандан сўнг шартнома бекор қилинган деб топиладиган вақтни белгилайди. Ташқи бошқарувчи томонидан шартномани бекор қилиш ҳақидаги хабарнома контрагент манзилига жўнатилганда шартнома тарафлари барчаси томонидан бундай хабарнома олингандан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги хабарнома тарафларга ёзма шаклда юборилмоғи лозим.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми ташқи бошқарувчи тузилган битимларни ижро этишдан бош тортганда келиб чиқадиган оқибатларни тартибга солади. Унга кўра қарздор шартномани бажаришдан бош тортганлиги оқибатида келиб чиққан ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши керак. Шу ўринда 93-модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ташқи бошқарувчининг шартномани бажаришни бош тортишдан келиб чиққан зарарларни тўлаш ҳақидаги кредитор талабларига мораторий татбиқ этилади. Ушбу талаблар қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишидан кейин юзага келган бўлса ҳам кредиторлар талаблари реестрига тўртинчи навбатда киритилади ва банкротлик тўғрисидаги иш доирасида қондирилади.

103-модда. Қарздор тузган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор тузган битим, шу жумладан унинг ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузган битими қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздор билан манфаатдор шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битимнинг бажарилиши натижасида кредиторларга зарар етказилган бўлса ёки зарар етказилиши мумкин бўлса, ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилишидан олдинги олти ой ичида қарздор юридик шахс томонидан тузилган, қарздорнинг иштирокчиси қарздорнинг иштирокчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан унга мол-мулкдаги улушини тўлаш (ажратиб бериш)

билан боғлиқ бўлган битим ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, шундай битим бўйича олинган барча нарсалар қарздорга қайтарилади. Бундай ҳолларда ушбу Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ иштирокчи олтинчи навбатдаги кредитор деб эътироф этилади.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиши имкониятини белгилайди. Бу имконият кўпроқ қарздор мол-мулкани сақланишини таъминлаш учун зарур (яъни кредиторлар манфаатида). Шу муносабат билан қонун чиқарувчи ташқи бошқарувчига битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ариза бериш ҳуқуқини беради, ҳамда битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосларини ЎЗР ФК 113-моддасидагига нисбатан кенгайтиради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи хўжалик судидан битимни, шу жумладан, қарздор томонидан ташқи бошқарув жорий қилинган пайтга қадар тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилиш ҳуқуқини белгилайди. Қарздор томонидан кузатув ёки суд санацияси даврида муваққат ёки суд санация қилувчи бошқарувчининг тегишли розилигисиз тузилган битимлар (64-модда иккинчи қисм, 81-модда биринчи қисм) ҳам ташқи бошқарувчи талабига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Гарчи, бу қисмда ташқи бошқарувчининг хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритилса ҳам, бироқ битим низоли эмас, балки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаса, бунда ташқи бошқарувчи ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шарҳланаётган модда битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш ҳақидаги талабни ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини белгилайдиган ФКнинг 113-моддаси мазмунига мос мазмунга эга. Ушбу ҳолатда шуниси муҳимки, битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъво, Қонуннинг 103-моддасига асосан, қарздор эмас, балки қарздор номидан ташқи бошқарувчи беради. Шунинг учун бу талаб бўйича даъво муддатининг ўтиши ташқи бошқарувчи қарздорнинг шундай битимни тузганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Суд бошқарувчисининг қарздор билан тузилган битимларини ҳақиқий эмас деб тан олиш шунингдек, унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблари ЎЗР ХПК ва Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган умумий тартибда банкротлик

тўғрисида иш доирасидан ташқарида кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди №142 27.01.2006 й.даги Пленум қарорининг 26-банди).

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қарздорнинг манфаатдор шахс билан имзолаган битими ташқи бошқарувчининг аризасига асосан, агар бу битим ижро қилиниши натижасида кредиторларга зарар етказган ёки бундай зарар етказиши мумкин бўлса, ҳўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигини белгилайди (манфаатдор шахс ҳақида Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмига қаранг). Шундай қилиб, қарздор ва манфаатдор шахс ўртасидаги битим ижроси натижасида кредиторларга зарар етиши ёки бундай зарар етказиш имкони бўлганлиги битимни ҳақиқий эмас деб топилиши шарти ҳисобланади. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, агар битим эндигина тузилган бўлиб, ҳали ижро этилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи манфаатдор шахслар билан тузилган бу низоли битим ҳақида даъво қилганда, мазкур битим ижроси кредиторга зарар етказилишини далилларини тақдим қилиши керак.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида қарздорнинг алоҳида кредиторлар ёки бошқа шахслар билан қарздорни банкрот деб топиш ҳақида ариза қабул қилингандан сўнг тузган шартномаси ҳўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчи ёки кредитор аризасига асосан ҳақиқий эмас деб тан олинishi мумкин, агар кўрсатилган битим бир кредиторлар талабларининг бошқа кредиторлар талабларига нисбатан имтиёзли қаноатлантиришини кўзда тутса. Бундай бир кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзли қаноатлантирадиган битимлар жумласига гаров билин билан таъминланган битимлар кириши мумкин, булар оқибатида банкротлик тўғрисидаги иш кўзгатишгунга қадар вужудга келган қарздор мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида кредиторлардан бирига қарздор мол-мулки гаров сифатида берилиши мумкин.

Қарздор томонидан алоҳида кредиторларнинг талабларини (навбатдан ташқари талаблардан ташқари) суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш аризасини қабул қилингандан сўнг қониқтириш масалаларига келсак, бундай битимлар Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмини бузган ҳолда тузилган ва ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ҳисобланади. Бундай ҳолатда ташқи бошқарувчи ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб билан ҳўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида банкротлик тўғрисидаги иш кўзгатишгандан кейин ёки қарздорни банкрот деб топиш аризасининг берилишидан олдинги олти ой муддат ичида қарздор — юридик шахс томонидан тузилган ва қарздор иштирокчисининг қарздор иштирокчилари қаторидан чиқиши муносабати билан улушни

тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ битимни ташқи бошқарувчи ёки кредитор аризасига асосан хўжалик суди ҳақиқий эмас деб тан олиниши мумкинлигини белгилайди.

Аммо қарздор — юридик шахс томонидан қарздор иштирокчисининг қарздор иштирокчилари қаторидан чиқиши муносабати билан улушни тўлаш (ажратиб бериш) билан боғлиқ битимни қузатув жорий қилингандан кейин тузилиши тақиқланади (63-модда биринчи қисми учинчи хатбоши) ва бу битим банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгач тузилганда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Шарҳланаётган моддада мазкур битим ҳақиқий эмас деб топилиши кўзда тутилган экан, ташқи бошқарувчи хўжалик судига битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш ҳақидаги ариза билан муурожаат қилиши керак.

Худи шу тартибда қарздор — юридик шахс иштирокчисининг ўз улушини ажратиб олиши билан боғлиқ битим қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилишидан олдинги олти ой ичида тузилса, низоли битим сифатида ҳақиқий эмас деб тан олинади. Мазкур битимнинг низоли деб ҳисобланишининг сабаби унинг тузилиши ва ижроси кредитор манфаатлари ва ҳуқуқларини бузишидадир. Бошқача сўз билан айтганда, бундай «яқинда тузилган битим»нинг ижроси натижасида қарздор мол-мулкининг бир қисмидан кредитор талабларини қаноатлантириш ўрнига четга кетади.

Агар бундай битим ижро қилинган ҳақиқий эмас деб топилса, битим тарафлари дастлабки ҳолатга қайтарилади (икки томонлама реституция). Қарздор муассислари (иштирокчилари) таркибидан чиққан муассис (иштирокчи), агар у ўз улуши миқдоридан устав фондида кўрсатилгандек, компенсация олмаган бўлса, қарздор банкрот деб топилганда ва корхонани тугатишга доир иши бошланганда олтинчи навбат кредитори деб тан олинади ва қоида бўйича унинг маанфаатлари юзага келган шароитда таъминланади.

104-модда. Қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари

Қарздорнинг ташқи бошқарув жорий этилиши жараёнида юзага келган пул мажбуриятлари миқдори кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар талаблари суммасининг йигирма фоизидан ортиқроғини ташкил этган ҳолларда қарздорнинг янги пул мажбуриятларини келтириб чиқарувчи битимлар, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларни истисно этганда, ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан тузилиши мумкин.

Ушбу модданинг нормалари бузилган ҳолда тузилган битимлар, агар улар илгари қарздорнинг ташқи бошқарувчиси вазифасини ба-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

жарган шахс томонидан тузилган бўлса, кредиторнинг, шунингдек янги тайинланган ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи томонидан битим тузишни чекланиши шунингдек ўрнатилган чекловларни бузишнинг оқибатларини белгилайди.

1. Қонун ташқи бошқарув даврида қарздорнинг қарзларини кўпайиши мумкин ва йўл қўйилган назорат меъёрини белгилайди. Бу меъёр реестрда қайд этилган кредиторлар талаби суммаси ҳажмининг 20% га тенг. Ташқи бошқарув жорий этилгач, қарздорнинг пул мажбуриятлари назорат меъеридан ортиб кетса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг розилигисиз қарздорга янги пул мажбуриятлари келтириб чиқариши мумкин бўлган битимларни тузиш ҳуқуқини йўқотади.

Лекин шуни билан бирга кўрсатилган чеклов ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимларга татбиқ этилмайди, чунки умумий коидага кўра ташқи бошқарув режасини, Қонуннинг 106-моддасига мувофиқ кредиторлар йиғилиши тасдиқлайди, яъни ташқи бошқарув режасида назарда тутилган битимлар амалда кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланган бўлади. Бу чекловнинг мақсади барча кредиторлар манфаатларини таъминлашдир, чунки ташқи бошқарув жараёнида вужудга келадиган талаблар жорий тўловлар ҳисобланиб, улар бўйича кредиторлар навбатсиз қондириш ҳуқуқига эга бўлади лекин, жорий тўловлар бўйича навбатсиз қониқтириладиган қарзлар миқдори катта бўлса реестрга киритилган кредиторлар ўз талабини тўла қаноатлантира олмаслиги мумкин. Қонуннинг 97-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ташқи бошқарувчи шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган битимларни тузиш учун розилик олиш мақсадида кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)ни чақириши ва тегишли битим тузиш ҳақидаги масалаларини муҳокамага киритиши мумкин.

2. Иккинчи қисмида модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талаблар бузилиш оқибатлари кўрсатилган, яъни ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг розилигисиз тузилган битимлар кредиторлар аризаси бўйича, бундай битим аввалги ташқи бошқарувчи томонидан тузилганда эса янги тайинланган ташқи бошқарувчи аризаси бўйича ҳам хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шу билан бирга назорат меъеридан ошиб, кредиторлар йиғилишининг розилигисиз тузилган битим низолашилмагунча у ҳақиқий саналади ва ижро қилинади.

Мазкур моддада бундай битимларни ҳақиқий эмас деб тан олиш оқибатлари кўрсатилмаган. Мазкур ҳолда битимнинг ҳақиқий эмас деб тан олишида ЎЗР ФКнинг 114-моддасида назарда тутилган қоида-
© ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ларида кўзда тутилган оқибатлар қўлланилади, яъни битим ҳақиқий эмас деб тан олинганда, ҳар иккала тараф (қарздор ва унинг контрагенти) битим бўйича олган ҳамма нарсаларини кайтариб бериши, олинган нарсани аслича кайтариб бериши имкони бўлмаганида (шу жумладан олинган нарса мулкдан фойдаланиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш кўринишида бўлса) унинг қийматини пул билан тўланиши шарт. Бунда хўжалик суди томонидан битим ҳақиқий эмас деб топилганда контрагент жорий тўловлар бўйича кредитор бўлиб ҳисобланади, чунки унинг битимни ҳақиқий эмас деб тан олиш натижасидаги талаби ташқи бошқарув жараёнида вужудга келади.

105-модда. Қарздор харажатларининг тартибга солиниши

Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатларининг кўпайишига олиб келувчи қарорлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси розилиги билан қабул қилиниши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг истеъмолга сарфланадиган харажатларининг кўпайишига олиб келадиган қарорларни мустақил қабул қилишга чекловларни белгилайди.

Қарздорнинг харажатлари деганда, қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича қарздорнинг фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тушунилади. Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан, меҳнат ҳақи тўлашга бўлган сарфланадиган харажатларни кўпайтириш зарурати туғилган ҳолларда, мазкур харажатларнинг кўпайиши тўғрисидаги қарорни ташқи бошқарувчи қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, фақатгина кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси розилиги билан қабул қилишга ҳақли. Ушбу модда мазмунидан келиб тегишли қонун ҳужжатида аниқ назарда тутилган ҳоллардагина ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши(кўмитаси) розилигисиз мустақил қарздор харажатларини кўпайтириш мумкин. Бундай ҳужжатларга энг кам ойлик иш ҳақини ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, коммунал хизматларнинг қиймати ошишини белгиловчи (Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, ва бошқа идоравий норматив актларни) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киритиш мумкин. Бундай харажатларни жамланиб, «истеъмол жамғармалари» деган шартли тушунча билан қамраб олинади.

Истеъмол жамғармаларининг ҳажми харажат сметаси билан белгиланади ва ташқи бошқарув режасида кўрсатилади. Ташқи бошқа-
© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

рув давомида истеъмол жамғармалари ҳажмини кўпайтириш зарура-ти туғилса, ташқи бошқарувчи харажатларни оширишдан олдин кре-диторлар йиғилиши (қўмитаси) билан сметанинг ошишини кели-шиб олиш лозим. Кредиторлар розилиги моҳиятан тегишли бошқар-ув режасига ўзгартириш киритишни билдирилади. Шунинг учун, кредиторлар йиғилишининг жамғармани кўпайтириш тўғрисидаги қарорини харажатлар сметасини ва ташқи бошқарув режасига ўзгар-тириш сифатида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ.

Қарздор харажатларининг ошиши ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган ҳолларда ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда бун-дай кўпайтиришни кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) билан кели-шилган деб ҳисоблаш лозим. Агар ташқи бошқарувчи қарздорнинг қарзларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси билан лозим даражада келишмаган ҳолда оширган бўлса, харажатларнинг бундай кўпайтириши низоли битим сифатида кўриб чиқилади ва кредиторлар томонидан берилган аризага кўра хўжалик суди томо-нидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ташқи бошқарувчи кре-диторларга етказилган зарар миқдорига боғлиқ равишда жавобгар-ликка тортилиши мумкин (21-модданинг, иккинчи қисми).

Амалиётда, одатда, қарздорнинг истеъмол жамғармалари ҳаж-мини кўпайтиришга кредиторларнинг йиғилиши ёки қўмитаси ро-зилигини олиш учун ташқи бошқарувчи бундай кўпайтиришни асос-лантириши ва истеъмолга аввал ажратилган маблағларнинг сарф-ланиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши лозим. Акс ҳолда, кредиторлар харажатларини кўпайишини асоссиз деб топиб, қарз-дорнинг истеъмол харажатларини кўпайтиришни рад қилиши мум-кин.

106-модда. Ташқи бошқарув режаси

Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этиши керак.

Ташқи бошқарув режасида қуйидагилар назарда тутилиши керак: қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш шартлари ва тартиби, уларни амал-га ошириш харажатлари ҳамда қарздорнинг бошқа харажатлари; қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш муддати.

Қарздорнинг тўлов қобилияти ушбу Қонуннинг 4-моддасида бел-гиланган банкротлик аломатлари бўлмаган тақдирда тикланган деб эътироф этилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар қўмитасининг талабига биноан ташқи бошқарув жараёни ҳақида кре-диторлар олдида ҳисобот беради.

Ташқи бошқарув режасини амалга ошириш қарздорнинг хўжалик фаолияти тугатилишига олиб келмаслиги лозим, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятларини қондириш ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажариш вазифаси қарздорнинг мол-мулкани сотиб олувчига ўтадиган ҳоллар бундан мустасно.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув режасини тузиш, унинг мазмуни ва бажарилишига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни назарда тутати.

1. Ташқи бошқарувчининг ташқи бошқарувни олиб боришида асосий ҳужжат бўлиб ташқи бошқарув режаси ҳисобланади. Ташқи бошқарув режаси тузилишининг долзарблиги шундан иборатки, ташқи бошқарув таомилининг самарали ўтказилиши учун иқтисодий асосланган ва изчил тадбирларни ишлаб чиқиш зарур, ва бу тадбирларни амалга оширилиши қарздорга тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш реал имкониятларини яратиши керак.

Ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ташқи бошқарувчининг мажбурияти ҳисобланади, чунки мазкур шахс режада назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда асосий роль ўйнайди. Хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчининг тайинланиши тўғрисида ажрим чиқарилганидан сўнг, у бир ой муддатда ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқади ва кредиторлар йиғилишига уни тасдиқлаш учун тақдим этади.

Гаровнинг предмети ҳисобланган қарздорнинг мулкани реализация қилиш, ҳам ЎзР ФКнинг 277-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, гаровга олувчининг розилиги бўлган ҳоллардагина ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

2. Ташқи бошқарув таомилининг мақсади қарздорнинг тўлаш қобилиятини тиклаш эканлигини ҳисобга олган ҳолда ташқи бошқарув режасида мажбурий равишда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари (Қонуннинг 109-моддаси), ушбу чораларни амалга ошириш шарт ва тартиби, уларни амалга ошириш харажатлари, қарздорнинг бошқа харажатлари, шунингдек тўлов қобилиятини тиклаш муддати кўрсатилиши керак.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш борасидаги тадбирлар шундай ишлаб чиқилиши лозимки, уларни бажариши натижасида қарздор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб олиши ва ўз фаолиятини давом эттириши лозим.

Масалан, қарздорнинг қарз тўлов қобилиятини тиклаш борасидаги тадбирларга мавжуд дебиторлик қарзини ундириш, ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни, мол-мулкнинг бир қисмини реализация қилиш, мол-

мулкнинг ижарага берилиши, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиниши, шунингдек қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга йўналтирилган бошқа чоралар қиради.

Ташқи бошқарув режаси тузилиши ихтиёрий тарзда бўлиши мумкин. Ташқи бошқарув режасини тузилишини аниқлашда императив нормаларда ифодаланган қонун талаблари ҳисобга олиниши керак.

Қоидага кўра амалиётда, ташқи бошқарув режасида қарздорнинг умумий тавсифи, қарздорнинг жорий молиявий аҳволи (кўрсаткичлар) ва унинг ёмонлашуви сабаблари, охириги икки-уч йилда молиявий аҳволининг таҳлили, ишлаб чиқаришнинг режалаштирилётган ҳажми ва даромади кўрсатилади. Ташқи бошқарув режасида кредиторлар билан ҳисоб-китоб режаси ҳам кўрсатилиши мумкин. Шу ўринда таъкидилаб ўтиш лозимки, ташқи бошқарув жараёнида ҳисоб-китоб жадвали асосида кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун хўжалик судининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоб бошлаш ҳақидаги ажримини олиш керак (Қонуннинг 118-модда олтинчи қисм тўртинчи хатбоши). Бу ерда мароторий татбиқ этилмайдиган тўловлар бўйича талаблар истисно (93-модданинг биринчи, бешинчи ва олтинчи қисми), чунки мароторий ташқи бошқарув давомида ҳам амал қилади.

Ташқи бошқарув режасига қоидага кўра, қарздорнинг охириги ҳисобот давридаги бухгалтерия баланси, кредиторлар талабининг реестри ва қарздор имкониятларини белгиловчи бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

3. Мазкур модданинг учинчи қисми қарздорда Қонуннинг 4-моддасида белгиланган банкротлик аломатлари мавжуд бўлмаганда унинг тўлов қобилияти тикланган деб ҳисобланади деб белгилайди, яъни бундай ҳисоблаш учун қарздорда кўпи билан уч ойлик ижро этилмаган мажбуриятларни бажарилмаслиги мавжуд бўлмаслиги керак.

Ташқи бошқарув жараёнида қарздорнинг тўлов қобилиятининг тикланиши банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади (56-модда биринчи қисм учинчи хатбоши).

Ташқи бошқарув пайтида кредиторлар талаблари реестрига киритилган ижро этилиши кўпи билан уч ойлик муддатга кечиктирилган барча талаблар қаноатлантирилиши керак. Бундан кўриниб турибдики, ташқи бошқарув натижасида қарздорнинг тўлов қобилиятининг тикланиши — бу кредитор талаблари реестрига киритилган барча талабларининг қаноатлантиришидир. Демак, барча реестрга киритилган талабларни қарздор муассислари ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси ёки учинчи шахслар томонидан (113-моддасининг иккинчи ва учинчи қисми) қаноатлантириши ёки корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан қаноатлантириши (110-модданинг ўн саккизинчи қисм) ёхуд кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш ҳақидаги хўжалик суди ажрими асосида ёки муайян

навбат кредиторлари билан ҳисоб-китоб бошланиши 121-модданинг биринчи қисм) билан қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган ҳисобланади ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади.

Ташқи бошқарувда реестрга киритилган барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли маблағ тўпланганда, хўжалик суди ташқи бошқарувчи ҳисоботи асосида ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақида ажрим қабул қилади (118-модда олтинчи қисм учинчи хатбоши). Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур ажримни чиқариш банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатмайди, фақат ташқи бошқарув тугатилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ташқи бошқарувда навбатсиз қаноатлантириладиган тўловлар, яъни жорий тўловлар ва соғлиқ ёки ҳаётга етказилган зарар билан боғлиқ талаблар, банкротлик тўғрисидаги ишдан ташқари якка тартибда тақдим қилинади ва мазкур талаблар кредиторлар реестрига киритилмайди, шу туфайли бу талабларнинг қаноатлантирилиши суд томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим қабул қилинишига олиб келмайди. Истисно ҳолатига корхонани (бизнесни) сотиш киради. Бунда корхонани (бизнесни) сотишдан тушган пул маблағлари Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбат бўйича тақсимланади.

4. Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлагач, ташқи бошқарувчи уни ижро этишга киришади. Қонун ташқи бошқарувчидан кредиторлар олдида даврий ҳисоботни талаб этмайди. Лекин кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) талабига кўра ташқи бошқарувчи режада назарда тутилган тадбирлар ижроси тўғрисида ҳисоб бериши шарт.

5. Ташқи бошқарув режаси амалга оширилиши қарздорнинг хўжалик фаолиятини тугатилишига олиб келиши мумкин бўлган тадбирларни ўз ичига олмаслиги керак, чунки қарздорнинг хўжалик фаолиятини тугатилиши билан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти ҳам йўқолади. Мазкур талабдан истисно қарздор корхонасини (бизнесни) мулкӣ комплекс сифатида реализация қилиш (110-модда) ва қарздор активлари ўрнини алмаштириш (115-модда) ҳолатларидир. Бунда жорий тўловлар сотиб олувчига ёки қарздор активларини ўрнини алмаштириш натижасида янги ташкил этилган акциядорлик жамиятларига ўтади. Иш қўзғатилгунга қадар вужудга келган ва ташқи бошқарув жорий этилгандан сўнг ижро муддати келган мажбуриятлар жорий мажбуриятлар ҳисобланади ва шу туфайли ташқи бошқарув таомилида бу мажбуриятлар кредиторлар талаблари реестрига киритилмайди. Корхона (бизнес) сотилганда бу мажбуриятлар қарздор мол-мулки сотиб олувчисига ўтади. Худди шу тартибда ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш бўйича талаблар реестрга киритилмасдан қарздор мол-мулкани сотиб олувчи-

сига ўтади. Шунини айтиб ўтиш керакки, суд харажатлари ва суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ корхонани (бизнесни) сотишдан тушган маблағ ҳисобидан қопланади.

107-модда. Ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарув режаси кредиторларнинг йиғилиши томонидан кўриб чиқилади, йиғилиш ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан чақирилади. Ташқи бошқарувчи барча кредиторларга кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида ёзма шаклда хабар қилади ҳамда мазкур йиғилиш ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин уларга ташқи бошқарув режаси билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлайди.

Кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ҳамда қарздорнинг ходимлари вакили маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ташқи бошқарув режаси, агар йиғилишда иштирок этаётган кредиторларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, тасдиқланган деб ҳисобланади.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳамда ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан айни бир пайтда ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзодни тасдиқлаган ҳолда озод қилиш ҳақидаги тегишли илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор. Ушбу қарорда ташқи бошқарувнинг янги режасини кўриб чиқиш учун кредиторларнинг кейинги йиғилиши чақириладиган сана назарда тутилган бўлиши ва бу муддат кредиторлар йиғилиши мазкур қарорни чиқарган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги керак.

Кредиторлар йиғилишида тасдиқланган ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муддатларда хўжалик судига ташқи бошқарув режаси тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув режасини кредиторларнинг йиғилиши томонидан кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1. Шарҳланаётган қисм кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш муддати ва ташқи бошқарув режасини кредиторлар йиғилишига танишиб чиқиш ва тегишинча кўриб чиқиш учун топширишнинг энг узоқ муддатини назарда тутати. Шарҳланаётган қисмда, ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув жорий қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши ва ташқи бошқарувчи кредиторларни айна йиғилишдан икки ҳафта аввал режа билан танишиб чиқишларини таъминлаши лозимлиги белгиланган. Бундан англашиладики, ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув режасини уни кўриб чиқиш учун чақириладиган кредиторлар йиғилишидан камида икки ҳафта аввал ишлаб чиқиши керак. Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланган кун билан ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш учун чақирилган кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган кун ўртасида хўжалик суди ташқи бошқарувчини тайинлашни кечиктириши оқибатида бир ойдан кам муддат қолган бўлса ҳам, 106-модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши белгиланганига қарамай, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишдан икки ҳафта аввал режани ишлаб чиқишга мажбур. Умумий қоида бўйича, кредиторлар йиғилиши ушбу Қонуннинг 11, 12-моддаларида назарда тутилган тартибда чақирилади. Шу ўринда, умумий қоидадан истисно ҳолати шундаки, умумий қоидага кўра ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали кредиторларга хабар бериши керак бўлса (11-модданинг биринчи қисми), ташқи бошқарув режаси кўриб чиқиш учун чақириладиган кредиторлар йиғилиши чақирилишида ташқи бошқарувчи барча (талаблар реестрига киритилган) кредиторларни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин хабардор қилиши керак. Бу ҳолда Қонуннинг 11-моддасида кузда тутилганидек хабар кредиторлар йиғилиши санасидан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи бошқа усул билан юборилишига йўл қўйилмайди.

Чунки шарҳланаётган модданинг қоидалари ташқи бошқарувчи кредиторларни йиғилишдан икки ҳафта аввал режа билан танишиб чиқишларини таъминлаши лозимлигини талаб қилади.

Шарҳланаётган модда кредиторларга ташқи бошқарув режаси нусхасини юбориш мажбуриятини тўғридан-тўғри ташқи бошқарувчига юкламайди. Аммо, кредиторларни режа билан танишиб чиқишларини таъминлаш лозимлигини инобатга олиб, кредиторлар йиғилишини самарали ўтиши учун ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ҳақида хабар юбораётганида ишлаб чиқилган ташқи бошқа-

рув режаси лойиҳасини хабарномага қўшиб жўнатиши зарур. Демак, кредиторларга йиғилиш ҳақида маълум қилиш ташқи бошқарув режаси лойиҳаси илова қилинган хабарномани кредиторларга кредиторлар йиғилишидан икки ҳафта олдин олинишини таъминловчи усул билан юборилиши керак. Агар, ташқи бошқарув режаси катта ҳажмга эга бўлса, кредиторлар сони кўп бўлса ва режа нусхасидан кредиторларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида жўнатилиши қўшимча харажат талаб қилса, ушбу Қонун ташқи бошқарувчига кредиторларга режа нусхаларини жўнатиш мажбуриятини юкламаганлиги учун ташқи бошқарувчи кредиторларни хабарлаш пайтида ташқи бошқарув режаси билан қаерда танишишлари мумкинлигини маълум қилиш билан чекланиши мумкин.

2. Кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 10, 13-моддаларида белгиланган тартибда ўтказилади. 10-модда учинчи қисми бўйича кредиторлар йиғилишининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилари бўлиб, кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар қатнашадилар. Шу билан бирга кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан ташқи бошқарувчи, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили ва қарздор ходимларининг вакили иштирок этади.

Ташқи бошқарувчи қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили кредиторлар йиғилишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисми қондаси бўйича уларни ҳам кредиторлар йиғилиши ҳақида хабардор қилиш зарур.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми бўйича, ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш қарори кредиторлар йиғилиши томонидан умумий қоида бўйича (13-модда биринчи қисм) яъни йиғилишда қатнашаётган кредиторларнинг кўпчилиги (ярмидан кўпроғи) овози билан ҳал этилади.

Шу ўринда агар, ташқи бошқарув режасига гаровдаги мулкни сотиш киритилган бўлса, гаровга олувчининг розилигини олиш лозим (Ўз.Р. ФК 277-модда иккинчи қисм). Ушбу шарт ташқи бошқарув режасини тасдиқланди деб санаш шартларидан бири ҳисобланади.

Зарур ҳолларда ташқи бошқарув режасига ўзгартиришлар ҳам киритилиши мумкин. Шу ўринда ўзгартиришлар кредиторлар йиғилиши розилиги билан киритилиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Ташқи бошқарув режасига киритилган ўзгартириш, агар ўзгартириш гаров нарчасига алоқадор бўлса, гаровга олувчининг розилигини олиш ва тасдиқлаш ушбу қисм шарҳининг биринчи ва иккинчи хатбошиси тартибда амалга оширилади. Ўзгартириш киритилган таш-

қи бошқарув режаси шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида белгиланган муддатда хўжалик судига тақдим этилиши керак.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш оқибатлари назарда тутилган. Агар, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини қувватласа, уни кўпчилик овоз билан тасдиқлайди.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарув режасини рад этиш ҳуқуқига ҳам эга. Назаримизда кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув таомилининг қарздорларга нисбатан жорий этилиши мақсадга мувофиқ эмас ёки кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув режасига қўйилган талабларга мос эмас деб топилиши ташқи бошқарув режасини рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга олиб келган сабаблардан келиб чиқиб, кредиторлар йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги (кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас деб топса) ёки ташқи бошқарувчини ўз вазифасидан озод этиш тўғрисидаги (ташқи бошқарув режаси талабга жавоб бермаса) илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин. Кредиторлар ўз йиғилишларида хўжалик судига ташқи бошқарувчини ўз вазифасидан озод этиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан биргаликда ташқи бошқарувчи вазифасига янги номзодни тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқишлари керак. Бундай ҳолатда кредиторлар йиғилиши янги ташқи бошқарув режасини кўриб чиқувчи навбатдаги кредиторлар йиғилишини ўтказиш вақти ҳақида қарор қабул қилдилар. Ушбу йиғилиш қарор қабул қилинган кундан бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак. Янги режани ишлаб чиқиш муддатини қонун чиқарувчи томонидан чекланиши (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра ташқи бошқарув режасини кўриб чиқишнинг дастлабки муддати ташқи бошқарув жорий қилинган кундан икки ойдан ошмаслик керак) сабаби шундаки: ташқи бошқарув таомилининг ўзи чекланган муддатга жорий қилинади, ушбу таомилни самарали ўтказиш учун уни биринчи кундан оқ режага мувофиқ амалга ошириш керак.

Янги ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш мажбурияти янги тайинланган ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Шарҳланаётган қисмда кредиторлар йиғилишини қайта чақирилаётган йиғилиши ҳақида хабардор қилиш ва янгитдан ишлаб чиқилган ташқи бошқарув режасини кредиторлар танишиб чиқиши учун тақдим этиш муддати ҳақида талаблар белгиланмаган. Бунинг сабаби ўтказилган кредиторлар йиғилишида янги ташқи бошқарув режасини кўриб чиқиш учун чақириладиган йиғилиш вақти ҳақида қарор қабул қилинади. Кўриниб турибдики, кредиторларга кредиторлар йиғилиши

ўтказиладиган вақт маълум. Бироқ кредиторларнинг режа билан дастлабки тарзда танишиб чиқишлари мақсадида кредиторлар йиғилишига янгитдан тақдим этилаётган ташқи бошқарув режаси билан аввалдан танишиб чиқиш имкониятини таъминловчи усулда тақдим этилиши керак.

5. Агар кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарув режаси тасдиқланса, ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилиши керак. Ташқи бошқарув режасига кредиторлар йиғилишининг баённомаси ва Қонуннинг 10-моддасида ўнинчи қисмида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши керак.

6. Қонуннинг 106-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилишича, ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш шартлари ва тартиби, уларни амалга ошириш харажатлари ҳамда қарздорнинг бошқа харажатлари, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш муддати назарда тутилиши керак. Амалдаги ташқи бошқарув режаси қарздорни тўлов қобилиятини тиклаш мақсадига эришишда катта аҳамият касб этади. Ташқи бошқарув режасисиз ташқи бошқарувни таомилини самарали олиб бориб бўлмайди. Шу билан бирга, агар ушбу модданинг биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган муддатларда хўжалик судига ташқи бошқарув режаси тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

108-модда. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Кредиторларнинг йиғилиши ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ва унда назарда тутилган ташқи бошқарув муддати белгиланган дастлабки муҳлатдан ортиқ бўлса, агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарувнинг тасдиқланган режасини амалга ошириш қарздорнинг тўлов қобилияти тикланишига олиб келади деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлса, хўжалик суди ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида ажрим чиқаради. Бундай ҳолларда умумий муҳлат ушбу Қонуннинг 91-моддасида белгиланган муддатлардан ошиб кетмаслиги лозим.

Шарҳланаётган моддада ташқи бошқарув муддатини узайтириш имконияти таъкидланган.

Қонунда хўжалик суди томонидан белгиланган ташқи бошқарув муддатидан узайтирилган муддатни ташқи бошқарув режасига ки-

ритиш ҳақида бевосита тақиқловчи қоида йўқ. Кредиторлар йиғилиши хўжалик суди томонидан белгиланган ташқи бошқарувнинг дастлабки муддатидан узайтирилган муддат назарда тутган ташқи бошқарув режасини тасдиқлаши мумкин. Агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарув режасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширилиши қарздорни тўловга қобилиятини тиклайди деган ҳулосага етарли асос бўлса, бундай ҳолатда кредиторлар йиғилиши (банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, ташқи бошқарувчи) илтимосномаси асосида хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув муддати узайтирилиши мумкин.

Бироқ ташқи бошқарувнинг хўжалик суди томонидан ўрнатилган дастлабки муддатининг тугаши муносабати билан муддатни узайтириш истисно қилинмайди. Масалан, ташқи бошқарув даврида қарздор-корхона рақобатбардош махсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, лекин қисқа муддатда асосли сабабларга кўра тўлов қобилияти тўлиқ тикланмаган (ва ҳатто, қарзлар миқдори ошган), ва бунинг учун маълум муддат керак. Бундай вазиятда, тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарувчи тақдим қилган ташқи бошқарув муддатини узайтириш заруриятига асосланган режадаги ўзгартиришга асосланиб, кредиторлар йиғилиши янги режани тасдиқлаш ва ўрнатилган дастлабки муддатни узайтириш ҳақида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Шу ўринда ташқи бошқарувнинг умумий муддати йигирма тўрт ойдан ошмаслиги, агар қарздорга нисбатан ташқи бошқарувга қадар суд санацияси таомили қўлланилган бўлса, унда ташқи бошқарув муддати ва суд санацияси муддати биргаликда ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак.

Қонуннинг 91-моддаси тўртинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилиши, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ёки ташқи бошқарувчи хўжалик судига ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Санаб ўтилган шахслар ташқи бошқарув муддатини узайтириш масаласини ҳал этаётганда ташқи бошқарув муддатини узайтириш мақсадга мувофиқ эканлиги, унинг натижасида қарздор ҳақиқатан ҳам ўз тўлов қобилиятини тиклай олиши ҳақида хўжалик судига асослар келтириши зарур. Агар хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ёки ташқи бошқарувчи илтимосномасига кўра ташқи бошқарув муддатини узайтирган бўлса, унда Қонуннинг 106 ва 107-моддалари қоидаларига биноан ташқи бошқарувчи янгитдан ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши, кредиторлар йиғилишида тасдиқлатиши ва уни хўжалик судига тақдим этиши лозим.

109-модда. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилиши мумкин:

- ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;
- дебиторлик қарзларини ундириш;
- қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш;
- қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши;
- қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш;
- қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкый мажмуа сифатида сотиш;

қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ушбу модданинг назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг тақдимномасига биноан устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқариши мумкин.

Шарҳланаётган моддада ташқи бошқарув режасида назарда тутилиши мумкин бўлган асосий (лекин тугал бўлмаган) чоралар белгиланган.

1. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қўлланилиши мумкин бўлган чоралар ташқи бошқарув режасида акс этиши керак.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра бундай чораларга қуйидагилар киради:

1) ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, шу жумладан илғор технологияларни татбиқ этиш, харажатларни (таннархни) қисқартириш йўли билан янада рақобатбардош маҳсулот чиқариш ва ҳоказо;

2) норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш, фойдаланилмаётган мулкни ижарага бериш, ишчи ўринларни қисқартириш ва ҳоказо;

3) дебиторлик қарзларини ундириш ва натижада хом-ашё, материал, воситаларни сотиб олиш учун айланма маблағларни ошириш, жорий тўловларни тўлаш ва бошқалар; корхонанинг дебитор қарзлари мавжуд бўлган тақдирда ташқи бошқарув режасида дебитор қарз миқдори ва уни ундиришнинг йўллари, шу жумладан суд тартибида, ҳамда хўжалик судига мазкур хўжалик субъекти (дебиторни) банкрот деб топиш ҳақида ариза билан муурожаат қилиш киритилиши керак.

4) ташқи бошқарув нуқтаи назаридан сақлаш мақсадга мувофиқ бўлмаган қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилиш. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилиш Қонуннинг 111-моддаси тартибида амалга оширилади;

5) қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, бу оркали қарздорга мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ҳамда қарздорнинг бошқа талабларини қондириш имкониятини вужудга келади. Қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиши Қонуннинг 112-моддаси тартибида амалга оширилади;

6) учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши. Қонун қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажарувчи шахслар доирасини чекламайди. Унда бевосита муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгалари ва ташкилотнинг тўлов қобилиятини тиклашдан ҳар қандай манфаатдор шахс қатнашиши мумкин. Қарздор мажбуриятларини муассислар (иштирокчилар), қарздор мол-мулки эгалари ёки учинчи шахслар томонидан бажарилишининг хусусиятлари Қонуннинг 113-моддасида назарда тутилган.

7) қарздорнинг устав фондини кенгайтириш йўли билан қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш, бунинг натижасида ташқи бошқарув даврида қўшимча айланма маблағларга эга бўлинади. Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш Қонуннинг 114-моддаси талабларида мос равишда амалга оширилиши керак;

8) Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкӣ мажмуа сифатида реализация қилиш;

9) қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш. Қонуннинг 115-моддасига кўра, ушбу тадбир, қарздорнинг базасида очиқ акциядорлик жамияти ёки бир неча акциядорлик жамиятлари ташкил қилиш натижасида амалда кредитор талаблари қондирилади.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ташқи бошқарув режасида белгиланиши мумкин бўлган тугал бўлмаган чоралар рўйхати келтирилган. Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган бошқа чоралар ҳам кўзда тутилиши мумкин, масалан четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ходимларни тайёрлаш ёки малакасини ошириш, корхонанинг тўловга қобилиятини тиклашида ва фаолиятини давом эттиришда манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдами, қарздорни қайта ташкил этиш йўли ва бошқалар.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи (монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси)нинг кўрсатмаси бўйича хўжалик суди томонидан устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг фаолият кўрсатмаётган объектларини

консервация қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги кўрсатилган. Консервация қилиш деганда, тегишли ажрим билан белгиланган муддатга асосий воситалар ва қурилиши тугалланмаган объектларни сақлаб қолишни таъминлаш тадбирлари тушунилади. Мазкур муддат тугаши билан мазкур воситалардан фойдаланиш ва объектлар қурилиши давом эттирилади.

Қарздорнинг фаолият кўрсатмаётган объектларини консервация қилиш муносабатлари ЎЗР ВМнинг 2003 йил 16-сентябрдаги 401-сонли қарори билан тасдиқланган. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом билан ҳам тартибга солинади.

110-модда. Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) сотиш

Кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш назарда тутилиши мумкин.

Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки, шу жумладан ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хомашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек қарздорнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлар ўзга шахсларга ўтказилади, бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш баҳоловчи томонидан ўтказилиб, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади. Баҳоловчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан реализация қилишга ҳақли.

Корхона (бизнес) сотилаётганида корхона (бизнес) сотилаётган пайтда амал қилиб турган барча меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса корхонани (бизнесни) сотиб олувчи ихтиёрига ўтади.

Корхонани (бизнесни) сотиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, очиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кимошди савдосини ўтказиш шакли ва шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан белгиланади.

Агар корхона (бизнес) таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлса, корхонани (бизнесни) сотиш қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокида ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кимошди савдосига қўйиладиган корхонани (бизнесни) сотишда бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, корхонанинг мол-мулкни баҳоловчи ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади.

Кимошди савдосини ўтказиш шартларида корхонани (бизнесни) сотишдан тушган пул маблағларини қарздор ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин олишини назарда тутиш керак.

Ташқи бошқарувчи кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўради ёки ушбу мақсад учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиб, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўлайди. Кимошди савдосини ўтказувчи ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Ташқи бошқарувчи корхона (бизнес) очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда кимошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиши шарт. Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

корхона (бизнес) тўғрисидаги маълумотлар ва у билан танишиш тартиби;

кимошди савдосида иштирок этиш учун талабномалар бериш муддатлари, вақти ва жойи;

корхонани (бизнесни) сотишнинг бошланғич нархи;

кимошди савдосини ўтказиш ва унинг якунларини чиқариш вақти ҳамда жойи;

олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловлар шартлари ҳамда муддатлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

Агар эълонда кўрсатилган муддатларда битта ҳам талабнома олинмаган бўлса ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, корхонани (бизнесни) сотиш бўйича кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилади ва ушбу модданинг қисмларида назарда тутилган шартларда такрорий кимошди савдоси ўтказилади. Агар корхона (бизнес) биринчи кимошди савдосида сотилмаган бўлса ҳам такрорий кимошди савдоси ўтказилади.

Агар такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилса ёки корхона (бизнес) сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига мувофиқ ушбу Қонуннинг мазкур моддаси ва 53-моддасида назарда тутилган тартибда

корхонани (бизнесни) сотиш тўғрисидаги янги хабарни йигирма кун ичида эълон қилади. Корхонани (бизнесни) сотиш нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасининг қарори билан пасайтирилиши мумкин, бироқ бунда пасайтириш аввалги кимошди савдосидаги нархнинг 10 фоиздан кўп бўлмаслиги керак.

Корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномаси кимошди савдоси голиби билан ташқи бошқарувчи ўртасида кимошди савдоси якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тузилади. Кимошди савдосида голиб чиққан шахс ва кимошди савдосининг ташкилотчиси кимошди савдоси ўтказилган куни ана шу савдонинг натижалари тўғрисида баённома имзолайди, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Кимошди савдосида голиб чиққан шахс кимошди савдоси баённомасини ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган тақдирда ўзи тўлаган закатдан маҳрум бўлади. Закат суммаси кимошди савдоси ташкилотчиларининг ушбу тадбирни ўтказишга кетган чиқимлари чегириб ташланган ҳолда қарздор мол-мулкнинг таркибига киритилади.

Агар корхона (бизнес) ушбу модданинг назарда тутилган шартларда сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи, ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитасининг қарорига биноан корхонани (бизнесни) оммавий оферта воситасида кимошди савдосига кўйиши ва расмий нашрда оммавий оферта тўғрисидаги таклиф эълон қилинган, камида бир ойдан кейин унинг учун энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномасини тузиши мумкин.

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қарздор тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши лозим.

Агар корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса, ташқи бошқарувчи кредиторларга келишув битими тузишни таклиф этади. Келишув битимига эришилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Корхонани (бизнесни) сотишдан тушган сумма тугатиш массасини ташкил этади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида тақсимланиши керак.

Шарҳланаётган модда корхона (бизнес)ни мулкий мажмуа сифатида реализация қилиш тартибини белгилайди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик суди қарори билан банкротлик таомиллари қўлланилаётган корхонани баҳолашни амалга ошириш, савдодаги бошлан-

ғич нархни белгилаш, корхона мулкени реализация қилиш тартиби Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкени баҳолаш ва сотиш тартиби тўрисидаги Низомда белгиланади (ЎЗР ВМнинг 18.04.2003 йилдаги 188-сон Қарорига 1-илова).

1. Корхона (бизнес)ни мулкый мажмуа сифатида реализация қилиш қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар билан тегишли ҳисоб-китобларни қилиш чораси сифатида ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин. Шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, корхона деганда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил қилинган мулкый мажмуани тушуниш мумкин. Шу сабабли, корхона сотилаётганда у билан бирга барча филиаллар ҳам сотилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида, корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган барча турдаги мол-мулки ўзга шахсларга ўтказилиши белгиланади. Корхонани олди-сотди шартномасида таркибига ўзга шахсларга ўтказиладиган ер участкалари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, инвентари, хомашёси, маҳсулоти, талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек қарздорнинг яқка тартибдаги аломатларини акс эттирувчи воситалари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси), унинг товарлари, ишлари ва хизматлари, қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлар кўрсатилиши керак. Қарздорнинг бошқа шахсларга топширилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни шахсий ҳуқуқлари сотилиши мумкин эмас.

3. Корхона (бизнес) мулкый мажмуа сифатида сотувга қўйилаётганда қарздорнинг сотилаётган мулкени баҳолаш лозим. Баҳолаш харажатлари қарздорнинг мулки ҳисобидан қопланади. Учинчи қисм шу билан бирга баҳоловчи кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан тасдиқланиши кераклиги талабини ўзида ифодалайди. Кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси баҳоловчинини тасдиқлаганидан ва баҳолаш харажатларига розилик билдирганидан кейин корхонани баҳолаш ишлари амалга оширилади. Ушбу талабга амал қилмаслик баҳолаш актини ҳақиқий эмас деб топишга олиб келади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан, корхона (бизнес)ни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан реализация қилиш имкониятини белгилайди. Бунда корхона (бизнес) ни олди-сотди шартномасидаги тўлов муддати бир йилдан ошиб кетмаслиги, охириги ҳисоб-китоб ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин тўланиши керак (ушбу модданинг тўққизинчи қисми). Корхона (бизнес)ни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан реализация қилишнинг шартларидан бири, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи

банкнинг тегишли кафолатини тақдим этиши кераклигидир. Банк кафолат бериш орқали ўзига харидорнинг олди-сотди шартномаси бўйича тўламаган суммани кредиторларга тўлаш мажбуриятини олади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида корхона (бизнес)ни реализация қилишда меҳнат шартномаси бўйича ҳуқуқий ворислик белгиланган. Бу билан қонун қарздор ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини кафолатлайди. Меҳнат шартномалари фақатгина Меҳнат кодексининг 97—113-моддаларида назарда тутилган умумий асосларда бекор қилиниши мумкин. Иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари корхона (бизнес)ни сотиб олувчи зиммасига ўтади. Бунда қарздорнинг иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича Қонуннинг 134-моддаси иккинчи қисмидагига кўра мажбурияти биринчи навбатда тўланади.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида корхона (бизнес)ни кимошди савдоларида реализация қилиш тартиби берилган. Кимошди савдоси ЎзР ФК 380-моддасида назарда тутилганидек, танлов ёки аукцион усулида ўтказилади, шу билан бирга кимошди савдосини ўтказиш шакли ва шартлари кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси томонидан белгиланади.

Корхоналарнинг давлатга қисман ёки тўлиқ тегишли бўлган мол-мулки савдоларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси билан келишилади (ЎзР ВМ 18.04.2003 йил 188-сон қарорига 1-илованинг 14-банди).

Шуни айтиб ўтиш керакки, дастлабки таҳрирда шарҳланаётган модданинг мазкур қисми корхонани (бизнесни) реализация қилиш, агар ушбу моддада ва ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, очиқ ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан амалга оширилишини белгилаган эди. Ўзбекистон Республикасининг 20.12.2005 йилдаги ЎРҚ-№15 Қонунига асосан ушбу қисмга ўзгартириш киритилиб, ташқи бошқарув режасида савдо тартибини назарда тутиш мумкин эмаслиги ва корхонани (бизнесни) шарҳланаётган модданинг ўн бешинчи қисмидаги ҳолатларни истисно қилганда, фақатгина ким ошди савдоси орқалигина мулкӣ мажмуа сифатида реализация қилиш мумкинлиги белгиланди.

7. Корхона мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мулклар бўлиши мумкин. Бундай мулкларни реализация қилишда ёпиқ ким ошди савдоси уюштирилиб, унда мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирок этади.

8. Корхона (бизнес) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси қарори билан белгиланган бошланғич нарх билан ким-© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ошди савдосига қўйилади. Бошланғич нарх корхонани (бизнесни) баҳолаш нархи асосида ҳамда баҳоланиш нархидан юқори ёки паст нархда ҳам белгиланиши мумкин.

9. Реализация қилинаётган корхонанинг (бизнеснинг) нархи ташқи бошқарув муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин тўланиши керак. Ушбу талабга, шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан корхона (бизнес) реализация қилинаётганда ҳам амал қилинади.

10. Шарҳланаётган модданинг ўнинчи қисмига кўра ташқи бошқарувчи кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўриши мумкин ёки ушбу мақсад учун ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этиши мумкин. Кимошди савдосининг ташкилотчисига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади.

Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган қарздорга ва ташқи бошқарувчига нисбатан манфаатдор шахслар кимошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин эмас.

Банкротлик таомили (тугатишга доир иш юритишни истисно этганда) қўлланилган корхона (бизнес)ни реализация қилишда савдонинг ташкилотчиси (ихтисослаштирилган ташкилот)га қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак (ЎзР ВМнинг 18.04.2003 йилдаги 188-сон Қарорига 1-илова, 15-банд):

— муассислар (қатнашчилар)нинг ваколатли органи ёки мулкдорнинг белгиланган тартибдаги қарори баённомаси; кредиторлар йиғилиши баённомаси; сотувга қўйиладиган мол-мулк рўйхати;

— баҳоловчи томонидан баҳоланган мол-мулкни реализация қилишнинг дастлабки нархини белгилаш тўғрисидаги ҳужжат.

11. Корхона (бизнес)ни очиқ кимошди савдосида сотилиши тўғрисидаги эълонни расмий нашрда ким ошди савдоси ўтказиладиган санадан камида ўттиз кун олдин эълон қилиниши сотувнинг зарурий шартларидан бўлиб ҳисобланади. Бу талабни қонун чиқарувчи корхонани (бизнесни) сотишда очиқ-ойдинликни таъминлаш мақсадида қонунга киритган. Корхона (бизнес)ни сотилиши тўғрисидаги эълонда қўйидагилар кўрсатилиши лозим: корхона (бизнес) тўғрисидаги маълумотлар ва у билан танишиш тартиби; кимошди савдосида иштирок этиш учун талабномалар бериш муддатлари, вақти ва жойи; корхонани (бизнесни) реализация қилишнинг бошланғич нархи; кимошди савдосини ўтказиш ва унинг якунларини чиқариш вақти ҳамда жойи; олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловлар шартлари ҳамда муддатлари; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

12. Агар эълонда кўрсатилган муддатларда битта ҳам талабнома олинмаган бўлса ёки битта иштирокчидан талабнома олинган бўлса, корхонани (бизнесни) реализация қилиш бўйича ким ошди савдоси амалга ошмаган деб топилади. Бундай ҳолатда биринчи кимошди

савдосидаги шартларда такрорий кимошди савдоси ўтказилади ва бунда кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан такрорий савдо нархи ўн фоиз миқдоригача пасайтирилиши мумкин (Шарҳланаётган модданинг ўн учинчи қисми, ЎзР ВМнинг 18.04.2003 йилдаги 188-сон қарорига 1-илова, 19-банд).

13. Агар такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилса ёки корхона (бизнес) сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасига навбатдаги савдони ўтказиш масаласини қўяди. Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси масаланинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиб, қайта савдо ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қайта савдо ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан кейин ташқи бошқарувчи корхонани (бизнесни) реализация қилиш тўғрисидаги янги хабарни йигирма кун ичида эълон қилади. Эълон қилиш тартиби Қонуннинг 53-моддасида назарда тутилган.

Шарҳланаётган қисм корхонани (бизнесни) қайта савдода реализация қилишда реализация қилишнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдорида пасайтирилиши мумкинлигини назарда тутати. Шунга таъкидлаб ўтиш керакки нархларни пасайтириш мумкин, лекин мажбурий эмас.

14. Шарҳланаётган модданинг ўн тўртинчи қисмида, корхонанинг (бизнеснинг) олди-сотди шартномаси кимошди савдоси ғолиби билан ташқи бошқарувчи ўртасида ким ошди савдоси яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тузилиши назарда тутилган. Кимошди савдосининг натижалари савдода ғолиб чиққан шахс ва кимошди савдосининг ташкилотчиси томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённома савдо кунини ўзида имзоланади ва шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс кимошди савдоси баённомасини имзолашдан бош тортган тақдирда зақолатидан маҳрум бўлади. Мазкур зақолат савдо тадбирини ўтказишга кетган харажатлари чегириб ташланган ҳолда қарздорга берилади, савдо ташкилотчиларига ўзи тўлаган.

15. Шарҳланаётган модданинг ўн бешинчи қисми корхона (бизнес) ушбу модданинг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган шартларда сотилмаган бўлса, ташқи бошқарувчи, ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг қарорига биноан корхонани (бизнесни) оммавий оферта воситасида реализация қилиши имкониятлари назарда тутилган. Корхонани (бизнесни) биринчи савдода ва кейинги икки савдода сотилмагани оммавий оферта воситасида реализация қилиниши шарти ҳисобланади. Корхонани (бизнесни) оммавий офер-

та воситасида реализация қилишда олди-сотди шартномасини тузишнинг шартларидан бири корхонани (бизнесни) сотиш ҳақидаги эълон қилинган, камида бир ой муддат ўтиши зарур. Шартнома энг юқори нархни таклиф қилган шахс билан тузилади.

16. Қарздор корхонани (бизнесни) реализация қилишдан тушган сумма ҳисобидан қарздор кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондириш имкониятига эга бўлган ҳолларда ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши мумкин. Бунда кредиторларнинг талабларини қондириш Қонуннинг 110-моддаси ўн саккизинчи қисмини инобатга олган ҳолда, хўжалик судининг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш тўғрисидаги ажримсиз амалга оширилади.

Шу билан бирга хўжалик судига ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисида мурожаат қилинмагунча ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар йиғилишига ҳисобот талаб қилинмайди.

Кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин хўжалик суди ташқи бошқарувчи аризасига кўра банкротлик ишини тугатади. Бу ҳолда, хўжалик суди Қонуннинг 56-моддаси биринчи қисм учинчи хатбошига асосланиб иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

17. Агар корхонани (бизнесни) реализация қилишдан тушган сумма кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондириш учун етарли бўлмаса, қарздор билан кредиторлар ўртасида келишув битими тузилиши мумкин. Келишув битимини тузиш тартиби Қонуннинг VIII бобида кўрсатилган. Келишув битимига эришилмаган тақдирда, хўжалик суди ташқи бошқарувчининг аризасига биноан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

18. Корхона (бизнес) реализация қилингандан кейин қарздорнинг ҳисоб-китоблари суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича ҳисоб-китоб тартиби хусусиятларини инобатга олиб (Қонуннинг 169-моддаси), Қонуннинг 133, 134 моддаларида назарда тутилган навбат тартибида тақсимланади.

111-модда. Қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотиш

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин ташқи бошқарувчи, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкнинг бир қисмини очик кимосди савдосида сотишни бошлашга ҳақли.

Қарздор мол-мулкнинг бир қисми сотилиши қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишини имконсиз қилиб қўймаслиги керак.

Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокида ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилинади.

Кимошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг бир қисмини сотишда бошланғич нарх, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулкни баҳоловчи ўтказган баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси қарори билан белгиланади.

Қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотиш бўйича кимошди савдоси ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Ташқи бошқарувчи қарздор мол-мулкнинг бир қисмини кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этган тақдирда, бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан реализация қилишга ҳақли.

Ташқи бошқарув жараёнида ташқи бошқарувчи қарздорнинг арзон баҳо ва тез ишдан чиқадиган мол-мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулоти қолдиқларини кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотишга ҳақли.

Қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотишдан тушган сумма тугатиш массасини ташкил этади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибда тақсимланиши керак.

Қарздор мол-мулкнинг бир қисмини сотилиши ташқи бошқарув режасида назарда тутилган, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадидаги тадбир бўлиб (109-модда, биринчи қисм 5-хатбоши), у кредиторлар йиғилиши розилиги билан ва ташқи бошқарув режасига мувофиқ амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, хўжалик судининг суд ҳужжати асосида банкротлик тадбирлари қўлланилган корхонани ким ошди савдосидаги бошланғич нархини белгилаш ва реализация қилиш ишлари таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик **тартиботи** қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкни баҳолаш ва **сотиш** тартиби тўғрисидаги Низом билан ҳам тартибга солинади (ЎЗР ВМ 18.04.2003 йил 188-сонли қарорига биринчи илова).

1. Ташқи бошқарув жараёнида, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг мол-мулкнинг бир қисми, муомала қобилияти чекланган мол-мулк (улар шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида белгилангандек, ёпиқ кимошди савдосида сотилади)ни, арзон нархли мол-мулк (улар шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми)ни

© ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

мида белгилангандек, кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида реализация қилинади)ларини истисно этганда, қатъий тартибда кимошди савдосида сотилади. Кимошди савдоси аукцион ёки танлов кўринишида ўтказилиши мумкин. Кимошди савдоси ўтказилган деб топиш учун савдода бир неча (икки ёки ундан ортиқ) иштирокчи қатнашиши керак.

2. Қарздор мол-мулкининг бир қисми сотилиши қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишини имконсиз қилиб қўймаслиги керак. Масалан, ташқи бошқарув давомида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаётган мулклар (кўчмас мулкнинг алоҳида объектлари, воситалар, ускуналар, тайёр маҳсулот қолдиқлари, ишлаб чиқариш захиралари, хом-ашё, материаллар ва ҳоказо) сотилиши мумкин.

3. Қарздорда муомала қобилияти чекланган мол-мулк мавжуд бўлса, бундай мол-мулк ёпиқ кимошди савдоси ўтказиш орқали реализация қилиниши мумкин. Ёпиқ кимошди савдосида фақат қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахсларгина иштирок этишлари мумкин.

4. Кимошди савдосига қўйилган мол-мулкнинг бошланғич нархи кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасида белгиланади. Кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси мол-мулкнинг бошланғич нархини белгилашда қарздорнинг мол-мулкни баҳоловчи ўтказган баҳолашга асосланишлари мумкин. Шу билан бирга Қонун кредиторлар йиғилиши ёки қўмитасига баҳолашдаги нархдан паст ёки юқори нарх белгилашлари мумкинлигини тақиқламайди.

5. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилиш бўйича кимошди савдоси ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилиши лозим.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисмида, ташқи бошқарувчи қарздор мол-мулкининг бир қисмини кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг розилиги билан бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан реализация қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бунда олди-сотди шартномаси бўйича ҳисоб-китоб қилиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан реализация қилишнинг шартларидан бири бўлиб, бу харидор ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг тегишли кафолатини тақдим этиши кераклигидир. Банк кафолат бераётганда харидорнинг олди-сотди шартномаси бўйича тўламаган суммасини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши керак.

7. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгиланган қарздор мол-мулкининг бир қисмини кимошди савдосида реализация

қилишнинг умумий қоидаларини истисно сифатида, арзон баҳо ва тез емирилиб борадиган мол-мулклар, шунингдек хомашё ва тайёр маҳсулот қолдиқлари кредиторлар йиғилишининг розилиги билан, кимошди савдоси ўтказмаган ҳолда олди-сотди шартномалари асосида сотилиши мумкинлигидир. Бироқ бундай мол-мулк кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи ихтиёри билан аукцион ёки танловда ҳам сотилиши мумкин. Мол-мулкни арзон баҳо ва тез емирилиб борадиган мол-мулклар қаторига киритишнинг тартиби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) билан белгиланади.

8. Қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилишдан тушган сумма тугатиш массасига киритилади ҳамда ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган навбат тартибидан тақсимланишга йўналтирилади. Бу ушбу сумма кредиторлар талабини қондиришдан бошқа, хомашё, материал олиш каби мақсадларга харажат қилиниши мумкин эмаслигини англатади.

Амалда кўпинча, қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилишдан тушган сумма барча кредиторлар талабини қондиришга етарли бўлмайди. Бундай вазиятда ушбу Қонуннинг 118-моддаси олтинчи қисм тўртинчи хатбошисига биноан, хўжалик суди кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи илтимосномасига асосланиб, тегишли навбат бўйича кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишни бошлаш ҳақида ажрим чиқаради. Шу муносабат билан қарздор мол-мулкининг бир қисмини реализация қилишдан тушган сумма Қонуннинг 120-моддасига биноан кредитор талабларини маълум навбатда қондиришга жалб қилинади.

112-модда. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш ташқи бошқарувчи томонидан, агар ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг розилиги билан талаб қилиш ҳуқуқларини очик кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Агар ташқи бошқарув режасида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини кимошди савдоси ўтказмасдан муайян харидорга сотиш имконияти назарда тутилган бўлса ёки талаб қилиш ҳуқуқлари кимошди савдосида сотилмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси талаб қилиш ҳуқуқларининг сотиш нархини ва бундай сотувнинг бошқа шартларини белгилайди.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг ташқи бошқарув жараёнида талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиши хусусиятларини аниқлайди.

1. Ташқи бошқарувчида икки усулдан бирини танлаш имконияти мавжуд: қарздорнинг дебиторлари (қарздорлари)га нисбатан ўзи талаб билдириб, дебиторлик қарзларини ундириш ёки мажбуриятда шахсларнинг алмашинуви тартибида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан учинчи шахснинг фойдасига воз кечиш, яъни цессия.

Иккинчи усул оддийлиги ва тезроқ амалга ошиши туфайли ташқи бошқарувчига афзал ҳисобланади. Мазкур усулнинг ягона салбий жиҳати шундаки, қарздор дебиторлик қарзлари буйича талабни баланс миқдорига тенг нархда ўзганинг фойдасига воз кеча олмайди, чунки талаб қилиш ҳуқуқининг миқдорига тенг нархда сотиб олувчини топиб бўлмайди. Ўз нархидан арзонлаштириб бериш — дисконт бозор иқтисодиёти моҳиятидан келиб чиқадиган — талаблардан воз кечишнинг қонуний шартларидир. Воз кечишнинг бундай камчилиги унинг ижобий хусусиятлари талаб қилиш ҳуқуқи ўз нархидан кам миқдорда бўлса ҳам, нақд пул воситаларига айланиши билан қопланади.

Ташқи бошқарув жараёнида ўзганинг фойдасига талаблардан воз кечиш, агар ташқи бошқарув режасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси розилиги билан кимошди савдолари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш муносабатлари шартнома билан расмийлаштирилади.

2. 109-модда биринчи қисм олтинчи хатбошига кўра, қарздорнинг айланма маблағларини тиклаш ёки ҳажмини тўлдиришга қаратилган талаблардан воз кечиш тадбири ташқи бошқарув режасида белгиланиши мумкин. Шарҳланаётган қисм ташқи бошқарув режасида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини кимошди савдоси ўтказмасдан муайян харидорга реализация қилиш имкониятини назарда тутати.

Шарҳланаётган қисмга кўра, талаб қилиш ҳуқуқлари кимошди савдосида сотилмаган тақдирда, талаб қилиш ҳуқуқларининг реализация қилиш нархини ва бундай реализация қилишнинг бошқа шартларини белгилайдиган кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан талабларни бевосита шартномалар тарзида реализация қилиш мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга, шарҳланаётган моддада талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечишни бир неча маротаба сотувга қўйиш масалаларига аниқлик киритилмаган.

Ушбу вазиятда, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси талаб қилиш ҳуқуқларининг реализация қилиш нархини ва бундай сотувнинг бошқа шартларини белгилайди.

113-модда. Қарздор мажбуриятларининг қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ташқи бошқарув тугагунга қадар истаган вақтда кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондиришга ҳақли.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари учинчи шахс (учинчи шахслар) томонидан бажарилишига, бундай бажариш кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қаноатлантирган тақдирда йўл қўйилади.

Кредиторнинг ўзи ҳақидаги, у билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этиш мажбуриятларини бузганлиги, худди шунингдек ижрони таъминлашдан бошқача тарзда бош тортганлиги оқибатида ушбу модданинг ва қисмларига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш мумкин бўлмаганда, пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозитига киритилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор мажбуриятларининг қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахс томонидан бажарилиши хусусиятларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ташқи бошқарув тугагунга қадар истаган вақтда кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан талабларнинг бажарилиши, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қондириш шарти балан қарздор ҳисоб варағига пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бир вақтда деганда ҳисоб рақамига пул ўтказишда ҳамма кредиторларнинг талабларини бир вақтда қондиришга етарли пул маблағларини ўтказиш тушунилади. Талаблар бу усулда қондирилганда, кредиторлар қарздорнинг ўз қарзларини тўлаш учун ўтказган воситаларини қабул қилишдан воз кечишлари мумкин бўлмайди.

Шу ўринда шуни назарда тутиш керакки, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан қарздорнинг ҳисобига пул маблағларини ўтказиш орқали, кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, кредиторларнинг талабларини қондираётганда, қарздор биринчи навбатда ушбу пул маблағларини талаблар реестрига киритилмаган навбатдан ташқари талаб-

лар қондирилишига эмас, балки кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, кредиторлар талабларини қондиришга йўналтириши керак.

Муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси қарздор кредиторларининг талабларини қондиришнинг бундай усулидан ташқари кредиторлар билан бевосита ҳисоб-китоб қилишлари ҳам мумкин.

Қарздорнинг мажбуриятлари, модданинг мазкур қисмида назарда тутилганидек, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан бажарилган тақдирда, ташқи бошқарувчи талаблар реестри бўйича кредиторлар талабларини қондирилгани ҳақидаги ҳисоботни кредиторлар йиғилишида муҳокама қилишга бермасдан бевосита хўжалик судига тасдиқлаш учун тақдим этиши мумкин, чунки барча кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги сабабли ҳисоботни кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқишга эҳтиёж қолмайди. Хўжалик суди ташқи бошқарувчи тақдим қилган ҳисоботни кўриб чиқади ва талаблар реестри бўйича барча кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги аниқланган тақдирда, корхонага нисбатан банкротлик банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради (118-модданинг олтинчи қисм иккинчи хатбоши). Яна шунини таъкидлаш керакки, банкротлик тўғрисидаги ишни тугатиш учун навбатдан ташқари ва талаблар реестрига киритилмаган бошқа талабларни қондириш талаб этилмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кўрсатилишича, ташқи бошқарув даврида қарздорнинг пул мажбуриятлари муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгасидан ташқари учинчи шахс (учинчи шахслар) томонидан ҳам бажарилиши мумкин, бунга кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талабларини бир йўла қаноатлантирилган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган. Қарздорнинг пул мажбуриятлари учинчи шахс (учинчи шахслар) томонидан бажарилганда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси томонидан бажарилишидан келиб чиқадиган шарт ва оқибатлар юзага келади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми кредиторнинг у билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, пул маблағлари махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкинлигини белгилайди. Бундай вазиятда пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозитига киритилиши мумкин. Пул маблағлари қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариуснинг ёки суднинг депозити рақамига киритилиши кредитор талабларини тегишинча қондириш сифатида баҳоланади (ЎЗР ФК 249-модда иккинчи қисми).

114-модда. Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида ташқи бошқарув режасида қарздор очиқ акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини жойлаштириш имконияти назарда тутилиши мумкин. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фондини кўпайтириш имконияти ташқи бошқарув режасига фақат зарурий қарорни қабул қилган қарздорнинг акциядорлари умумий йиғилишининг илтимосномасига биноан, агар бу илтимоснома ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугайдиган санага камида олти ой қолганида юборилган бўлса, киритилиши мумкин.

Қарздор очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондини унинг қўшимча акцияларини чиқариш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Агар қарздорнинг устав фондини унинг қўшимча акцияларини жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда эълон қилинган акцияларнинг қарздор уставига белгиланган миқдорини кўпайтириш қисмига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, унда қарздорнинг уставига фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин бўлади.

Қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш асосан очиқ обуна бўйича уларнинг ҳақини фақат пул маблағлари билан тўлаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қарздорнинг акциядорлари қарздорнинг жойлаштириладиган акцияларини акциядорлик жамиятининг ўзларига тегишли акциялари миқдорига мутаносиб миқдорда ва ушбу модданинг мувофиқ белгиланадиган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Қўшимча акциялар акциядорлар ўртасида жойлаштирилаётган акцияларнинг номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади, бунда жойлаштирилаётган акцияларнинг ҳаммасини мазкур нархда сотиш барча кредиторларнинг талабларини тўла қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари тўпланишига олиб келиши шарт. Акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштириш нархи қарздорнинг ташқи бошқарувчиси томонидан белгиланади ва кредиторларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади. Қарздорнинг қўшимча акцияларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун қарздорнинг акциядорларига бериладиган муддат кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, лекин бу муддат акцияларни жойлаштириш бошланадиган санадан эътиборан ўттиз кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Қарздорнинг акциядорлари ўртасида жойлаштирилмаган қўшимча акциялар ташқи бошқарувчи томонидан очиқ кимошди савдосида реализация қилинади. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир

иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари қарздорнинг акциядорлари бўлмаган, қарздорнинг янги эмиссиядаги акцияларини сотиб олган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қарздорга сотиб олинган акциялар суммасида ўз талабларини билдиришга ҳақли.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарув таомилида қарздорнинг устав фондини кенгайтириш орқали қўшимча акцияларни жойлаштириш тартибини акс эттиради. Моддадаги мазкур қоида Қонунга 2003 йилдаги ўзгартиришлар асосида киритилди.

1. Ташқи бошқарув режасида Қарздорнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши учун маблағларига эга бўлиш мақсадида очиқ кўринишдаги акциядорлик жамиятларига қўшимча акцияларни жойлаштириш чораси кўрилиши мумкин (109-модда биринчи қисм саккизинчи хатбоши). Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қарздорнинг устав фондини кенгайтириш чораси акциядорларининг умумий йиғилишининг қарздорнинг кредиторлари йиғилишига юборган илтимосномасига кўра ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори ташқи бошқарувчига ташқи бошқарув тугашидан камида олти ой олдин жўнатилиши керак.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори асосида ушбу масалани кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда, Қонун акциядорлар йиғилишининг қўшимча акцияларни жалб қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланишини мажбур қилиб қўймайди. Кредиторлар йиғилиши, молиявий соғломлаштиришнинг ушбу чорасини мақсадга номувофиқ деб топган тақдирда, илтимосномани рад этиш ҳуқуқига эга. Қўшимча акциялар чиқариш орқали устав фондини кенгайтириш чоғида эълон қилинган акциялар миқдорини кўпайтириш қисмига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган тақдирда, устав фондини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга, қонунда белгиланган тартибда, қарздор уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгандан кейингина йўл қўйилади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра, қўшимча чиқарилган акциялар учун ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан, қўшимча акцияларни жойлаштириш эса фақат очиқ рўйхатга олиш асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи томонидан ушбу норма кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун ташқаридан қўшимча ликвид воситаларни жалб этиш мақсадида киритилган. Қўшимча жойлаштирилган акцияларни реализация қилишда қарздор акциядорлари акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бў-

лади. Бундай акцияларни сотиб олиш истагига эга бўлган бир қанча сотиб олувчилар ичида акциядорлар ҳам бўлса, акциялар акциядорларга сотилиши лозим. Акцияларни реализация қилиш нархлари шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

4. Қўшимча акциялар акциядорлар орасида жойлаштирилган акцияларнинг номинал қиймати баҳосидан паст бўлмаган миқдорда жойлаштирилади. Қонунчиликка қўшимча акцияларни ўз номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода реализация қилиш шартлари амалиётда кўпинча корхоналар акцияларининг бозор нархи ташқи бошқарув таомилида номинал қийматдан паст жойлашганлиги сабабли киритилди. Шу муносабат билан акцияларни бу нарх (бозор нархи)да жойлаштириш қарздорга кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган пул воситаларига эга бўлиш имкониятини бермайди. Қўшимча акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштириш баҳосини аниқлашда шундай шартга асосланиши керакки, сотувда акцияларни белгиланган нархда реализация қилишдан келиб тушадиган пул воситалари барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли бўлиши керак. Бу шу билан боғлиқки, қўшимча акцияларни жойлаштириш, ташқи бошқарув режасига кўра, қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклаш чораси ҳисобланади. Жойлаштирилаётган акцияларнинг баҳоси ташқи бошқарувчи томонидан белгиланади ва кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан тасдиқланади. Кредиторлар йиғилиши акциядорларга қўшимча акцияларни сотиб олишда бошқа субъектларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлган муддатни белгилашга ҳақли. Бу муддат ўттиз кундан кам бўлмаслиги керак.

Агар кредиторлар йиғилиши имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун аниқ муддатни белгиламаса, акциядорлар ўз имтиёзли ҳуқуқларини қўшимча акцияларни жойлаштириш бошланган муддатдан эътиборан бир ой давомида амалга оширишга ҳақли бўлади.

5. Тўртинчи қисмда назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати тугаганидан кейин ташқи бошқарувчи қўшимча акцияларни очиқ савдода танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан реализация қилади.

Қарздор банкрот деб эълон қилинганда ва тугатиш таомили очиқ деб эълон қилинганда, янги эмиссиядаги акцияларни сотиб олган, олдин қарздор акциядорлари бўлмаган шахслар қонунда белгиланган тартибда акциялар суммаларини талаб қилишга ҳақли. Бунда, қонун чиқарувчи, тугатиш таомили давомида янги эмиссия акцияларини сотиб олган акциядорлар қарздорга нисбатан қанақа талабларни қандай тартибда киритиши мумкинлигини кўрсатмаган. Янги эмиссия акцияларини сотиш учун шароитларни яратиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда, шарҳланаётган моддадан келиб чиқиб, шуни

айтиш мумкинки, янги эмиссия акцияларини сотиб олган акциядорлар қарздорга нисбатан бундай акцияларга тўланган пул маблағларини қайтариш талабини тўртинчи навбатда қўйишга ҳақлидир.

115-модда. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш имконияти, агар шундай қарор қабул қилиниши учун барча кредиторлар овоз берган бўлсалар, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулки асосида битта очиқ акциядорлик жамиятини ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш ҳақида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг қарори асосида ташқи бошқарув режасига киритилиши мумкин.

Агар ташқи бошқарув режасида битта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш назарда тутилган бўлса, унинг устав фондига қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган барча мол-мулки, шу жумладан мулкий ҳуқуқлари киритилади.

Агар ташқи бошқарув режасида бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этиш назарда тутилган бўлса, уларнинг устав фондларига қарздорнинг айрим фаолият турларини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулки киритилади. Ташкил этилаётган очиқ акциядорлик жамиятларининг устав фондларига қарздорнинг ҳақ тариқасида киритилаётган мол-мулки таркиби ташқи бошқарув режаси билан белгиланади.

Ташкил этилаётган жамиятлар устав фондларининг миқдори киритилаётган мол-мулкнинг баҳоловчи томонидан қарздор мол-мулки эгаси ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органи таклифларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган баҳолаш қиймати асосида белгиланади.

Қарздорнинг активлари ўрни алмаштирилаётганда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар амалда бўлган барча меҳнат шартномалари, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилаётган очиқ акциядорлик жамиятига ёки очиқ акциядорлик жамиятларига ўтказилган ҳолда, ўз кучини сақлаб қолади. Қарздорнинг айрим фаолият турларини амалга оши-

ришга доир лицензиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилиши керак.

Мол-мулкнинг баҳолаш қиймати кредиторлар талабларининг суммасидан ортиқ бўлса, қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари қарздорнинг мол-мулки таркибига киритилади ва бундай акциялар, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, очиқ кимошди савдосида сотилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиш барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари тўпланишини таъминлаши керак.

Қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини очиқ кимошди савдосида сотиш ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари акцияларини қимматли қоғозлар бозорида сотиш назарда тутилиши мумкин.

Кредиторларнинг талабларини қондириш ушбу Қонуннинг 133 ва 134-моддаларида белгиланган навбат тартибида амалга оширилиши лозим.

Қарздор мол-мулкнинг баҳолаш қиймати кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ талаблар суммасидан ошмаса, қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилишни ёқлаб барча кредиторлар овоз берган тақдирда, кредиторлар йиғилиши мазкур қарорни қарздорнинг барча мол-мулкни очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондига ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондларига қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг розилигисиз киритиш йўли билан қабул қилиши мумкин. Бунда мазкур жамиятлар устав фондларининг миқдори киритилаётган мол-мулкнинг баҳоловчи аниқлаган баҳолаш қиймати асосида белгиланади. Бундай ҳолларда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ўтказилгунга қадар ташқи бошқарувчи томонидан иш ҳақи бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ва талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил — тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фу-

қароларнинг мол-мулкларига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари бўйича қарзлар узилиши шарт.

Очиқ акциядорлик жамияти устав фондидаги ёки очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги акцияларни тақсимлаш кредиторлар ўртасида кредиторларнинг талаблари реестридаги уларнинг улушига мутаносиб равишда, кредиторларга очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари муассислари (иштирокчилари) бўлиш ҳуқуқини берган ҳолда амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин ташқи бошқарувчи ушбу Қонуннинг 142-моддаси талабларига мувофиқ ҳисобот тайёрлайди ва ушбу Қонуннинг 144-моддасида белгиланган тартибда қарздор корхонанинг банкротлиги таомилини тугаллайди.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш банкротлик таомили қайси банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан амалга оширилаётган бўлса, шу банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан қўлланмайди.

Шарҳланаётган модда қўшимча акцияларни жойлаштириш (114-модда) билан бирга 2003 йил Қонунга киритилган ўзгартишлар билан бирга яна бир тадбир қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни ўтказишни тартибга солади. Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш банкротлик тўғрисидаги қонунчиликда янги институт ҳисобланиб, бу таомилни қарздорни қайта ташкил этиш ҳам деб аташ мумкин.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра, активлар ўрнини алмаштиришнинг мазмуни қарздорнинг мол-мулки асосида бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятини ташкил этишидир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарув режасига активлар ўрнини алмаштиришни киритиш шартларини белгилаб беради. Ташқи бошқарув режасига қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни киритиш механизми кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг овоз беришлари шarti билан амалга оширилади.

3. Модданинг учинчи қисми ташқи бошқарув режасига активлар ўрнини алмаштиришни киритиш учун қўшимча талаби белгилайди. Бу талаб қарздорнинг мол-мулки асосида бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятларини ташкил этиш орқали қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш тўғрисида қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш ҳақида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг қарорининг зарурлигидир.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарув режасида тузиш назарда тутилган бир очиқ акциядорлик жамияти-

нинг устав фондиди шакллантириш тартибини белгилайди. Активлар ўрнини алмаштиришнинг механизми қуйидача: қарздорнинг мол-мулки асосида ташкилий-ҳуқуқий шакли очиқ акциядорлик жамияти бўлган юридик шахсни ташкил этишдир. Бу жамият қарздорга нисбатан шуъба муносабатида бўлади, чунки қарздор томонидан таъсис этилади. Тузилаётган жамиятнинг устав фондига қарздорнинг мол-мулки ва бошқа активлари: биноси, унинг жиҳозлари, транспорт воситалари, бошқа моддий бойликлари, шунингдек, унинг мулкий ҳуқуқлари киритилади. Бунда ташкил этилаётган жамиятнинг устав фонди тўланади ва қарздор ушбу жамиятнинг акцияларига эга бўлади. Моддий бойликлар кўринишидаги қарздорнинг активлари шуъба жамиятининг қимматбаҳо қоғозлари — акциялар кўринишидаги активларга алмаштирилади. Ташкил этилган жамиятнинг 100% акциялари қарздорга тегишли бўлади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми, ташқи бошқарув режасига мувофиқ, қарздорнинг мол-мулки асосида ташкил этиладиган бир нечта очиқ акциядорлик жамиятларининг устав фондиди шакллантириш тартибини белгилайди. Бу қарздорнинг мол-мулки асосида битта юридик шахсни ташкил этишдан кўра мураккаброқ ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолатда юридик шахсни бўлиш орқали қайта ташкил этиш учун ўрнатилган тартибга аналогия бўйича (ЎЗР ФК 50-моддаси учинчи қисми, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 98-моддаси) қарздор активларини шартли бўлиш амалга оширилади ва ҳар бир қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг устав фондига қарздорнинг қайси мол-мулкларни киритилиши аниқ кўрсатиладиган тақсимлаш баланси тузилади. Қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга қарздор мол-мулкни тақсимлашнинг зарурий шартли бўлиб, қарздор олиб борган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг алоҳида турларидан бирини амалга ошириши имкониятини уларнинг ҳар бири учун таъминлаш кераклиги ҳисобланади. Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг устав фондига, тақсимлаш балансига мувофиқ, ташқи бошқарув режасида назарда тутилган қарздор активларининг алоҳида қисмлари киритилади. Бу йўл билан ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг 100% акциялари қарздорга тегишли бўлади.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми ташкил этилаётган акциядорлик жамияти устав фондидининг миқдорини ўрнатиш тартибини белгиловчи қонунларни ўрнатади. Устав фондидининг миқдорини устав фондига киритилаётган мол-мулкнинг қийматини мол-мулк эгаси ёки қарздорнинг тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда баҳоловчи томонидан баҳолаш асосида аниқланади.

7. Кўриб чиқиладиган модданинг еттинчи қисми қарздор ходимларининг активлари ўрнини алмаштириш механизмининг ўтказиш таъсирини ўрганиш бўлими (ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

омилидаги меҳнат муносабатлари масалаларини тартибга солиди. Қарздорнинг мол-мулки таркибида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг акцияларидан ташқари ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун ҳеч қандай зарур активлар қолмайди, моддий база бўлмайди. Шунинг учун, қарздор юридик шахс сифатида фаолиятини давом эттиришига қарамасдан, унинг амалдаги меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайта ташкил этилаётган юридик шахсга ўтади ва бу шахс қарздорнинг ходимлари учун иш берувчига айланади. Агар қарздорнинг мол-мулки асосида активлар ўрнини алмаштириш тартибида бир эмас, икки ёки ундан ортиқ юридик шахс ташкил этилса, қарздорнинг ишчилари шубҳа жамият фаолиятининг ихтисослиги ва тақсимлаш баланси бўйича, қарздор мол-мулкини бўлишни ҳисобга олган ҳолда, қайта ташкил этилаётган шубҳа жамиятлар ўртасида тақсимланади.

Агар айрим фаолият турлари учун лицензия мавжуд бўлган бўлса, қайта ташкил этилган жамият шу фаолият билан шуғулланиши учун лицензия қайта расмийлаштирилиши лозим.

8. Шарҳланаётган қисм қарздор мол-мулкининг баҳоланган қиймати кредиторларнинг талаблари суммасидан ошадиган ҳолларда қайта тузилган акциядорлик жамияти ёки акциядорлик жамиятларининг акцияларини реализация қилиш тартибини белгилайди. Ушбу ҳолатда бу акциялар қарздорнинг мол-мулки таркибига киритилади ва бухгалтерия балансида акс этирилади ҳамда очиқ савдо ёки фонд бозори орқали сотилиши мумкин бўлади (115-модданинг ўн биринчи қисми).

9. Тўққизинчи қисм қайта ташкил этилган очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятларининг акцияларини реализация қилиш барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари тўпланишини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги қоидани ўрнатади. Шу тариқа, қарздор активлари ўрнини алмаштиришдан мақсад — ташкил этилган очиқ акциядорлик жамиятларининг акцияларини реализация қилиш ва келиб тушадиган пул воситаларини барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун йўналтиришдир. Демак, масала янги жамият (янги жамиятлар) акцияларининг ликвидлигига боғлиқдир.

Шарҳланаётган моддада қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш таомили қониқарсиз натижаларга олиб келадиган ҳоллар: қайта ташкил этилган жамиятнинг акциялари сотилмаган ёки акцияларининг бир қисми сотилган, ёхуд улар паст баҳода сотилган ҳолларда тўпланадиган пул воситалари қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклаш учун етарли бўлмаслиги оқибатлари кўрсатилмаган.

Бундай ҳолатда воқеалар ривожининг фақат биргина ечим қўлланилиши мумкин, яъни қарздорнинг кейинги тақдири ва кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талаблари навбатдаги банкротлик таомилини — тугатишга доир иш юритиш доирасида ҳал қилинади.

10. Шарҳланаётган модданинг ўнинчи қисми қайта ташкил этилган акциядорлик жамиятлари акциялари Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда реализация қилинишини белгилайди. Шу йўл билан қайта ташкил этилган жамиятнинг акциялари очиқ савдо (аукцион, танлов ёки тендер савдоси) га қўйилиши лозим.

11. Шарҳланаётган модданинг ўн биринчи қисмида ташқи бошқарув режасида акцияларни қимматли қоғозлар бозорида, яъни фонд биржасида сотилиши мумкин, дейилади.

Назаримизда акцияларни фонд биржасида хоҳлаган вақтда реализация қилиш мумкин, хаттоки акцияларни реализация қилиш ташқи бошқарув режасида кўрсатилмаган бўлса ҳам, бунга йўл қўйилади. Акцияларни реализация қилишни қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари — акцияларнинг муқаррар сотилишидан манфаатдор бўлган махсус брокер ёки дилерларга, улар билан тузилган шартномада фақат акцияларни реализация қилиш ҳолларида воситачилик ҳақини тўлаш назарда тутилган тақдирда топшириш мақсадга мувофиқдир.

12. Шарҳланаётган модданинг ўн иккинчи қисми кредиторларнинг талабларини қайта ташкил этилган акциядорлик жамияти ёки акциядорлик жамиятларининг акциялари сотилгандан сўнг ушбу Қонуннинг 133 ва 134-моддаларида белгиланган навбат тартибиде қаноатлантиришни амалга ошириш тўғрисидаги қонидани ўрнатади.

Фақатгина Қонуннинг 110-моддаси ўн олтинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда суд бошқарувчисининг ҳисоботи бевосита хўжалик судига тақдим этилади, қолган ҳолларда етарли пул воситалари тўпланганлиги тўғрисидаги ҳисобот суд ажримини бериш учун зарур бўлганда, даставвал кредиторлар йиғилишига тақдим этилади. Бу қонидадан истисно ҳолат қарздор пул мажбуриятларини муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки эгаси ёхуд учинчи шахсларнинг бир вақтнинг ўзида ижро қилиши ҳисобланади.

13. Шарҳланаётган модданинг ўн учинчи қисми қарздор мол-мулкининг баҳо қиймати, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, талаблар суммасидан ошмаган ҳолда активлар ўрнини алмаштириш ва ўтказиш қондасини кўриб чиқади ва ўрнатади. Нормада шундай белгиланганки, унга мувофиқ, очиқ акциядорлик жамияти ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондига қарздор мол-мулкни киритиш орқали активлар ўрнини алмаштиришни амалга оширишга асос сифатида кредиторлар йиғилишининг қарори ҳисобланади. Бу ҳолатда, қарздорнинг активларини алмаштиришга барча кредиторлар овоз берган бўлиши керак. Бу ҳолатда кредиторлар йиғилиши қарздор мол-мулкининг эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан тегишли битимларни тузиш ваколати берилган бошқарув органининг розилигисиз қарор қабул қилади. Янги акция-

дорлик жамияти устав фондининг миқдори баҳоловчи томонидан қарздор устав фондига киритилган мол-мулкнинг белгиланган баҳо қиймати асосида аниқланади. Шарҳланаётган қисмда, шу билан бирга, ташқи бошқарувчига қарздор активлари ўрнини алмаштиришга қадар ходимларнинг иш ҳақларини қоплаш ишларини амалга ошириш, алимент ундириш тўғрисидаги талабларни қаноатлантириш учун ўтказилган ёки ажратилган пул қимматликлари бўйича мажбуриятларни қоплаш, муаллифлик шартномаси бўйича тақдирлаш, қарздорнинг мажбурий тўлов ва талаблари бўйича мажбуриятлари ягона даражасида бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг талаблари юзасидан уларнинг мол-мулкига жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарларни тўлаш бўйича мажбуриятларни юкловчи шартларни белгилайди.

14. Шарҳланаётган модданинг ўн тўртинчи қисми очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги акцияларни кредиторлар ўртасида тақсимлашни кредиторларнинг талаблари реестридаги уларнинг улушига мутаносиб равишда, кредиторларга очиқ акциядорлик жамияти ёки очиқ акциядорлик жамиятлари муассислари (иштирокчилари) бўлиш ҳуқуқини берган ҳолда амалга оширилишини белгилайди.

15. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб тугаганидан кейин ташқи бошқарувчи ушбу Қонуннинг 142-моддаси талабларига мувофиқ ҳисобот тайёрлайди ва қарздор корхонасининг банкротлик таомилини Қонуннинг 144-моддасида ўрнатилган тартибда тугатади.

16. Шарҳланаётган модданинг сўнгги қисми активлар ўрнини алмаштириш механизми қўлланиладиган ташкилотлар доирасини чеклайди ва банкротлик таомили қайси банк, суғурталовчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисига нисбатан амалга қўлланилган бўлса, ўша шахсларга нисбатан қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш татбиқ этилмаслигини белгилайди.

116-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи

Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув муддатлари тугаши муносабати билан ёки уни муддатидан илгари тугатиш учун асослар бўлса, кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг (органларнинг) талабига биноан, шунингдек кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли пул маблағлари тўпланган тақдирда кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчи, агар кредиторлар йиғилиши томонидан ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари юзасидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида қуйидагилар бўлиши керак:
қарздорнинг сўнги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси;

пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;
қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга қаратилиши мумкин бўлган бўш пул маблағлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар;
қарздорнинг дебиторлик қарзи тафсилоти ҳамда қарздорнинг амалга оширилмай қолган талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар;
қарздорнинг кредиторлик қарзини узиш имконияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида кредиторларнинг талаблари реестри илова қилинган бўлиши керак.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботни тақдим этиш билан бир вақтда кредиторлар йиғилишига қуйидаги таклифлардан бирини киритади:

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш тўғрисидаги таклиф;

келишув битими тузиш тўғрисидаги таклиф;

ташқи бошқарувнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф;

ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги таклиф.

Шарҳланаётган моддада ташқи бошқарувчининг тақдим этилган ҳисоботида қўйиладиган талаблар акс этган.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун ҳисобот тақдим этиши шарт бўлган ҳолатларни кўриб чиқади. Булар қуйидагилар:

1) ташқи бошқарув муддатининг тугаши. Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув режасида назарда тутилган чора-тадбирларнинг натижалари бўйича ҳисобот тузади;

2) кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган органлар (шахслар) нинг ташқи бошқарувни муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги талаблари асосида. Ташқи бошқарув самарасизлиги муносабати билан ҳам муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Шу ўринда ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш масаласи ташқи бошқарувнинг ҳар қандай босқичида кўтарилиши мумкин. Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарувнинг тегишли даври учун ҳисобот тақдим этиши шарт. Бундай ҳолатда, шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига кўра, кредиторлар йиғилишига қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бўйича илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш масаласи киритилиши мумкин;

3) ташқи бошқарув режасининг ижроси натижасида кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланган ҳолларда. Бундай ҳолатда ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига ҳисобот тақдим этади ва барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланганлигининг тегишли далилларини тақдим этади. Кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланганлиги сабабли ташқи бошқарувни тугатиш масаласи ташқи бошқарувнинг ҳар қандай босқичида кўриб чиқиши мумкин.

Агар ташқи бошқарув режасини бажариш вақтида тўпланган пул маблағлари барча кредиторларнинг эмас, балки уларнинг маълум қисми талабларини қаноатлантиришгагина етса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига муайян навбатда кредиторлар талабларини қондириш ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун тақдим қилиши мумкин.

Ташқи бошқарув фаолияти давомида муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси ёки учинчи шахслар қарздор мажбуриятларини ижро қилган, ёки корхонани реализация қилишдан тушган маблағ кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ равишда барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлган ҳолларда (Қонуннинг 110 ва 113-моддаси), барча кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги ва суд бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиқиш зарурати бўлмаганлиги тўғрисида, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини четлаб ўтган ҳолда, ҳисоботни тасдиқлаш учун хўжалик судига тақдим этиши мумкин.

2. Биринчи қисмда берилган шарҳда ташқи бошқарув режасини бажариш вақтида тўпланган пул маблағлари барча кредиторларнинг эмас, балки уларнинг маълум қисми талабларини қаноатлантиришгагина етса, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига муайян навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун тақдим қилиши мумкинлиги таъкидланган эди. Бу қисм эса, ташқи бошқарувчининг, кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, кредиторлар йиғилиши ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор қабул қилган ҳолларда бу ҳисоботни хўжалик судига тақдим этиш мажбуриятини белгилайди.

Бу ҳолда айтиб ўтиш керакки, ташқи бошқарувчи хўжалик судига муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан (118-модданинг тўртинчи қисмида белгиланган) кредиторлар йиғилишига келишиш учун ҳисоботни тақдим этмасдан туриб ҳам ёки унинг розилигисиз ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми ташқи бошқарувчи ҳисоботиға қўйиладиган асосий талабларни акс эттиради. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида ташқи бошқарувни ўтказиш натижалари, шу билан бирга кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўловға қобилиятлилиги тикланганлиги ёки тикланмаганлиги ҳақида хулоса чиқара олиши учун зарур бўлган барча зарур маълумотлар ифодаланган бўлиши лозим.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида қуйидагилар бўлиши керак: қарздорнинг сўнгги ҳисобот санасидаги ҳолатиға кўра бухгалтерия баланси. Бу молиявий ҳужжат қарздорнинг умумий молиявий аҳволини ифодалайди;

пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, унинг воситасида кредиторлар йиғилиши қарздор пул воситаларидан тўғри фойдаланаётганлигини текшириши мумкин;

қарздорнинг молиявий натижалари ҳақида ҳисобот;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришға қаратилиши мумкин бўлган бўш пул маблағлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар; бундай маълумотларға ҳисоб рақамида ва кассада мавжуд пул маблағлари ҳақидаги маълумотлар киради.

қарздорнинг дебиторлик қарзи тафсилоти ҳамда қарздорнинг амалға оширилмай қолган талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг кредиторлик қарзини узиш имконияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида бошқа маълумотлар ҳам ифодаланиши мумкин, масалан: кредиторларнинг талаблари реестриға киритилган талабларнинг қондирилганлиги ҳақидаги маълумот, жорий тўловлар бўйича кредиторлик мажбуриятлари ҳақидаги маълумот ва бошқалар.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санада кўриб чиқилиши учун тузиладиган кредиторларнинг талаблари реестри ҳисоботиға илова қилиниши кераклиги ҳақидаги талабни ифодалайди. Кредиторларнинг талаблари реестри ташқи бошқарувчи томонидан Қонуннинг 14-моддасида ўрнатилган тартибда тузилади ва юритилади.

5. Бундан ташқари, ташқи бошқарувчининг ҳисоботиға қарздорнинг кейинги тақдири ҳақидаги таклифлар киритилиш лозим, масалан:

ташқи бошқарувни қарздорнинг тўловға қобилиятлилиги тикланиши ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишға ўтилиши муносабати билан тугатиш тўғрисида. Бундай таклиф ташқи бошқарувчи томонидан барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари мавжуд бўлганда киритилиши мумкин;

келишув битимини тузиш ҳақида. Келишув битимини тузиш тартиби, унинг шакли Қонуннинг VIII бобида кўрсатиб ўтилган;

қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклаш имконияти ҳақида тўғридан-тўғри далолат берувчи ҳолат мавжуд бўлган ҳолларда, ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақида. Бу ҳолатда, қайд этиш зарурки, ташқи бошқарув муддати Қонуннинг 91-моддасида белгиланган муддатдан ошиб кетмаслиги керак;

ташқи бошқарувни тугатиш ва қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақида.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари ташқи бошқарувчининг ҳисоботиغا муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишни бошлаш ҳақидаги таклиф ҳам киритилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчининг киритган таклифлари билан боғлиқ бўлмаган тарзда, қарздор ҳолатини ўзи баҳолаб, тегишли қарор чиқариши мумкин.

117-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугагандан кейин ўн кундан кечиктирмай ёки ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш учун асослар юзага келганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай ёхуд кредиторлар йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг (органларнинг) талабига биноан кредиторлар йиғилиши чақирилган тақдирда бир ойдан кечиктирмай чақириладиган кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилади.

Ташқи бошқарувчи барча кредиторларни ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш бўйича кредиторлар йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларга ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида ёки кредиторлар йиғилишини чақиришнинг белгиланган санасига камида ўн кун қолганида ташқи бошқарувчининг ҳисоботи билан олдиндан танишиш имкониятини бериши шарт.

Кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;

ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғриси-

даги илтимоснома билан хўжалик судига муурожаат этиш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига муурожаат этиш ҳақидаги қарор;

келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1. Ҳисоботни кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчи ёки кредиторлар йиғилишини чақариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (органлар) томонидан чақарилади. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кредиторлар йиғилишида кечиктирмасдан кўриб чиқиш лозим бўлган муддатлар белгиланган.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги ҳолларда чақарилади:

1) ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугганидан кейин ўн кундан кечиктирмасдан. Ташқи бошқарув муддати хўжалик судининг ташқи бошқарувни жорий қилиш ёки узайтириш ҳақидаги ажримида кўрсатилади;

2) ташқи бошқарувни муддатидан илгари тугатиш учун асослар юзага келганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмасдан;

3) кредиторлар йиғилишини чақариш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (органлар)нинг талабига биноан чақарилтирилган тақдирда бир ойдан кечиктирмасдан.

2. Кредиторлар йиғилишини ўтказишда барча кредиторларни бу ҳақда хабардор қилиш мажбурияти ташқи бошқарувчининг зиммасига юклатилади. Кредиторларни хабардор қилиш тартиби Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи юзасидан кредиторлар йиғилишида савол туғилишини ҳисобга олган ҳолда, қонун чиқарувчи шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида ташқи бошқарувчининг ҳисоботи билан олдиндан танишиш имкониятини яратиб беради. Яъни, ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугашига камида ўн беш кун қолганида ёки кредиторлар йиғилишини чақаришнинг белгиланган санасига камида ўн кун қолганида ташқи бошқарувчи кредиторларга ҳисобот билан танишиш имкониятини бериши шарт. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи билан бундай муддатидан олдинги танишув кредиторларга кредиторлар йиғилиши ўтказилишигача келиб чиқиши мумкин бўлган саволлар юзасидан суд бошқарувчисидан тушунтиришлар олиш ва ҳисоботга эътирозлари мавжуд бўлган ҳолларда кредиторлар йиғилишига тақдим этиш имкониятини беради.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ҳажм жиҳатдан катта, кредиторлар сони эса кўп бўлганлиги туфайли уларнинг барчасига ҳисобот нусхаларини юбориш қўшимча харажатларни талаб қилиши мумкин. Шунинг билан олган ҳолда, қонун ҳисобот нусхасини кредиторларга жўнатишни ташқи бошқарувчига мажбур қилиб қўймайди, лекин ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш жойи ҳақида кредиторларни хабардор қилганда ҳисобот билан танишиб чиқиш мумкин бўлган жойни кўрсатиши керак. Табиийки, ҳисобот билан танишиб чиқиш мумкин бўлган жойни кўрсатилган хабарнома кредиторларга кредиторлар йиғилиши чақирилишидан камида ўн кун олдин жўнатилиши керак.

4. Кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиб, кредиторлар йиғилиши қарздорнинг кейинги тақдирига тегишли бўлган қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

— қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида;

— ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида;

— қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида;

— келишув битимини тузиш ҳақида.

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаганлигига қарамасдан, кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 116-моддаси иккинчи қисмига асосан, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли.

Кредиторлар йиғилишининг қарори Қонуннинг 13-моддаси қоидалари асосида қабул қилинади. Кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ёки келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорлари кредиторлар йиғилишида қатнашаётган кредиторларнинг кўпчилик овози билан эмас, балки барча кредиторларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бунга алоҳида эътибор бериш керак. Агар қарор қабул қилиш учун кредиторларнинг зарур сондаги овози тўпланмаса, кредиторлар қайтадан йиғилиш чақиришга ва йиғилишда иштирок этаётган кредиторлар сонидан қатъий назар, уларнинг кўпчилик овози асосида қарор қабул қилишга ҳақли бўладилар.

118-модда. Ташқи бошқарувчи ҳисоботининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ҳисоботи ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан кейин беш кундан кечиктирмай хўжалик судига юборилади.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботиغا кредиторларнинг талаблари реестри ва кредиторлар йиғилиши қабул қилган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади. Хўжалик судининг мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида ташқи бошқарувчи, шунингдек шикоят берган кредиторлар хабардор қилинади. Хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўришга монелик қилмайди.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи, агар кредиторларнинг барча талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ қаноатлантирилган бўлса ёки қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтилиши муносабати билан кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ёки кредиторлар йиғилиши томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида қарор қабул қилинган бўлса ёхуд ташқи бошқарувчи муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида илтимоснома берган бўлса ёки кредиторлар билан қарздор ўртасида келишув битими тузилган бўлса ёхуд кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, хўжалик суди томонидан тасдиқланиши лозим.

Хўжалик суди, агар қуйидагилар аниқлангудек бўлса, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади:

кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилмаганлиги;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши аломатлари йўқлиги;
муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асослар йўқлиги;

келишув битимини тасдиқлаш учун монелик борлиги.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари юзасидан хўжалик суди, агар:

кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилган бўлса ёки келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юриштишни тугатиш ҳақида;

қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши муносабати билан кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида;

кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси қондирилган тақдирда, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида;

ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қондирилган тақдирда, ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақида;

ушбу модданинг назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси бўлса, шунингдек ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни хўжалик суди рад этган ёки ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугаган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тақдим этилмаган ёхуд унинг ушбу Қонун 117-моддаси тўртинчи қисмининг ва хатбошиларида назарда тутилган қарорларидан ҳеч бири қабул қилинмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади¹.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчи ҳисоботини хўжалик суди томонидан тасдиқлаш тартибини белгилайди.

1. Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши ўтказилгандан сўнг беш кундан кеч бўлмаган муддат ичида хўжалик судига кўрилган ҳисобот ва унга кредиторлар йиғилишининг тегишли баённомасини, шунингдек Қонуннинг 10-моддаси ўнинчи қисмига асосан ўтказилган кредиторлар йиғилишига тегишли бўлган ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Шарҳланаётган қисм ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва баённома қай тарзда хўжалик судига жўнатилишини кўрсатиб ўтмайди. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги қоидадан келиб чиққан ҳолда ташқи бошқарувчи ҳисобот ва кредиторлар йиғилишининг баённомасини бевосита судга (суднинг девонхонасига) ёки алоқа ташкилотига кредиторлар йиғилиши ўтказилгандан кейин бешинчи куннинг йигирма тўртинчи соатига қадар топшириши мумкин.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторлар йиғилишининг баённомасини хўжалик судига жўнатиш учун беш кунлик муд-

¹ Мазкур қисм рус тилидаги нашрда хато кетиб, 118-модданинг олтинчи қисми билан қўшилиб кетган, ўзбек тилидаги нашрда тузатилиб, алоҳида еттинчи қисмга ажратилди.

дат ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кўриб чиқилган кредиторлар йиғилиши ўтказилган куннинг эртасидан бошланади. Бунда беш кунлик муддатнинг охириги (бешинчи) куни ҳафтанинг дам олиш кунига тўғри келиб қолган ҳолларда, ҳисоботни ва кредиторлар йиғилишининг баённомасини жўнатишнинг охириги куни деб дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни ҳисобланади (ЎЗР ХПКнинг 96 ва 97-моддалари).

Шу билан биргаликда, айтиб ўтиш керакки, қарздорнинг 113-моддага асосан, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси қарздор мажбуриятларини ижро қилиши натижасида, ёки корхонани реализация қилишдан тушган маблағ (110-модданинг ўн саккизинчи қисми) кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган, барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлган ҳолларда, ташқи бошқарувчи, тегишли реестрга мувофиқ, барча кредиторларнинг талаблари қондирилганда ва ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кредиторлар йиғилиши кўриб чиқиши учун зарурат бўлмаганда, ҳисоботни кўриб чиқиш учун хўжалик судига тақдим этиши мумкин.

Бундан ташқари, ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши кўриб чиқишини четлаб ўтиб, хўжалик судига муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга киришиш ҳақидаги илтимосномани беришга ҳақли (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми).

2. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботига кредиторлар йиғилиши ўтказилиши санасига кредиторларнинг талаблари реестрлари, шунингдек, кредиторлар йиғилишининг қабул қилинган қарорига қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган кредиторларнинг шикоятлари илова қилиниши лозим. Қабул қилинган қарорга қарши бўлган кредиторлар ўз эътирозларини бевосита хўжалик судига ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кўриб чиқиши учун тайинланган суд мажлиси кунига қадар жўнатиши мумкин.

3. Кредиторларнинг хўжалик судига тақдим этган шикоятлари ва ташқи бошқарувчининг ҳисоботи хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади. Бундай суд мажлисининг тарафлари сифатида суд мажлисининг жойи, вақти, санаси ҳақида хўжалик суди томонидан хабардор қилинган ташқи бошқарувчи, шунингдек шикоят берган кредиторлар қатнашади. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва кредиторларнинг шикоятлари бир тараф, суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишлича огоҳлантирилган бўлишларига қарамай келмаган ҳолларда ҳам кўриб чиқиши мумкин. Тарафларни хабардор қилиш хўжалик суди томонидан ЎЗР ХПКнинг 124-моддасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади, бунда ишда иштирок этаётган шахслар топширилганлик ҳақидаги тилхат билан жўнатиладиган буюртма хат асосида суд муҳокамасининг жойи ва вақти ҳақида хабардор қилинади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувчининг ҳисоботи тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатлар назарда тутилади. Жумладан, қуйидаги ҳолларда ташқи бошқарувчининг ҳисоботи тасдиқланади:

1) ташқи бошқарув таомили жараёнида барча кредиторларнинг талабларини кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ қаноатлантириш. Бунда қарздорда жорий тўловлар бўйича кредиторларнинг қондирилмаган талаблари қолиши мумкин, шунга қарамай ташқи бошқарувчининг бу ҳисоботи хўжалик суди томонидан тасдиқланади;

2) кредиторлар йиғилиши қарздорнинг тўловга қобилияти тикланиши ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтилиши муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши. Қарздорнинг тўловга қобилияти тикланиши деганда, кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланганлиги тушунилади;

3) кредиторлар йиғилишининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги қарори ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақидаги кредиторлар йиғилишини четлаб ўтган ҳолда, бевосита хўжалик судига берган илтимосномаси бўйича. Кредиторлар йиғилишининг бундай қарори муайян навбатдаги кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун етарли пул воситалари тўпланган ҳолларда қабул қилинади;

4) ташқи бошқарувнинг ҳар қандай босқичида келишув битимининг тузилиши;

5) кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этиш ҳақидаги қарорининг қабул қилиниши.

Хўжалик суди ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари бўйича ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқаради.

5. Хўжалик суди, агар қуйидагилар аниқланса, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади:

1) кредиторларнинг талаблари қондирилганлиги ҳақидаги ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ҳақиқатга тўғри келмаса, яъни айрим кредиторларнинг талаблари қондирилмай қолган бўлса ва бу суд томонидан тасдиқланса;

2) қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги, яъни барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун етарли пул воситалари тўпланганлиги ҳақидаги тақдим этилган ҳисобот ҳақиқатга тўғри келмаса ва бу суд томонидан тасдиқланса;

3) кредиторларнинг муайян навбатдаги қисми билан ҳисоб-ки-тоб қилишни бошлаш учун асос бўлмаса, яъни муайян навбатдаги талабларини қаноатлантириш учун етарли маблағларни тўпланганлиги ҳақидаги ҳисобот ҳақиқий бўлмаса ва суд буни далиллар асосида исботлаб берса;

4) келишув битимини тузиш учун монеликлар мавжуд бўлса, яъни келишув битими Қонуннинг VIII бобида назарда тутилган келишув битимини тузиш шартларига хилоф равишда тузилган бўлса.

6. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиб ва тасдиқлаб, хўжалик суди қуйидаги ажримлардан бирини чиқариши мумкин:

1) ташқи бошқарув таомилида кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талаблари қондирилган ҳолларда ёки келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган ҳолларда — банкротлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида. Бундай ҳолатда банкротлик тўғрисидаги иш билан бирга ташқи бошқарув ҳам тугатилади;

2) кредиторлар йиғилишининг қарздор тўлов қобилиятининг тикланганлиги — кредиторлар билан ҳисоб-ки-тобга ўтиш муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосномасининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши. Бундай ажримда хўжалик суди ташқи бошқарувни тугатади ва кредиторлар билан ҳисоб-ки-тобга ўтиш ҳақида кўрсатма беради. Бундай ҳолатда кредиторлар билан ҳисоб-ки-тоб ташқи бошқарув таомили доирасида эмас, балки банкротлик тўғрисида иш юритиш доирасида амалга оширилади;

3) кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-ки-тобни бошлаш ҳақидаги илтимосномасининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши. Бундай ажрим ташқи бошқарув даврида унинг тамомланишига қадар чиқарилади ва бу билан ташқи бошқарув таомили тугатилмайди;

4) кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномасининг хўжалик суди томонидан тасдиқланиши. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш масаласини ҳал қилишда суд Қонуннинг 91-моддасидаги қоидаларга риоя қилиши зарур, унга кўра ташқи бошқарув ва суд санациясининг биргаликдаги муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак;

5) кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилмаганлиги, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши аломатлари йўқлиги, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-ки-тобларни бошлаш учун асослар йўқлиги, келишув битимини тасдиқлаш учун монеликлар борлигини хўжалик суди тасдиқлаган ҳолларда — ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида. Айтиб ўтиш керакки, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари асосида шарҳланган модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мав-

жуд бўлганда хўжалик суди ҳисоботни тасдиқламаслик ҳақида ажрим чиқариши мумкин. Бу ажримни чиқариш билан ташқи бошқарув тугатилмайди. Ташқи бошқарув муддатининг тугаганидан сўнг ташқи бошқарувчи ҳисоботни топширса ва шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлиги суд томонидан аниқланган ҳолда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилади ва унда ҳисобот рад этилганлиги кўрсатилади. Бу қарор қабул қилиниши билан ташқи бошқарув тугатилади (шарҳланаётган модданинг еттинчи қисми).

7. Хўжалик суди шунингдек, қуйидаги ҳолларда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин:

кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги илтимосномасига асосан;

ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш хўжалик суди томонидан рад қилинган тақдирда. Бунда ташқи бошқарув муддати тугаганидан сўнг ташқи бошқарувчи ҳисоботни топшириши ва шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлигини суд томонидан аниқланиши кўзда тутилган (модданинг олтинчи қисмига шарҳ);

ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугаган пайтидан эътиборан бир ойлик муддат ичида тақдим этилмаса;

кредиторлар йиғилиши Қонуннинг 117-моддаси тўртинчи қисми, иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган қарорлардан ҳеч бирини қабул қилмаган бўлса.

119-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқарилиши кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ барча кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асос бўлади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида хўжалик суди чиқарган ажримда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугатиш муддати белгиланади, бу муддат мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан олти ойдан ошмаслиги лозим.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритиш кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугалланганидан ва ташқи бошқарувчининг ҳисоботи кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунларига кўра хўжалик суди томонидан кўриб чиқилганидан кейин тугатилади.

Агар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилинмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шарҳланаётган модда суд томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилишининг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутати.

1. Қарздор томонидан барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли пул маблағлари тўплангани муносабати билан, кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимоси қондирилган тақдирда, хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисида ажрим чиқаради (118-модда, олтинчи қисм, учинчи хатбошиси).

Қарздор томонидан барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли маблағларни тўпланиши ташқи бошқарувни тугатиши учун асос ҳисобланади. Шу муносабат билан мазкур ҳолатда хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқариши шарт ва муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақидаги ажрим қабул қилишга йўл қўйилмайди. Шунини қайд этиш жоизки, хўжалик суди муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни фақатгина ташқи бошқарув муддатлари доирасида бошлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилиши билан ташқи бошқарув тугатилади, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш эса тугатилмайди.

Бундай ажрим асосида ташқи бошқарувчи, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ, Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддалари билан белгиланган навбатга кўра, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтади. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан кучга киради ва шикоятга йўл қўйилмайди.

2. Кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг давомийлиги хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилган санадан эътиборан олти ойдан ошмаслиги керак. Қонунда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар босқичи банкротликнинг қайси таомилига тааллуқли эканлиги кўрсатилмаган. Хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақидаги ажримни чиқариш вақтида йиғилишнинг ташқи бошқарувни тугатиш тўғрисидаги илтимосини қондиришини ҳисобга олиб (Қонуннинг 118-моддаси, олтинчи қисми, учинчи хатбоши), кредиторлар билан ҳисоб-китоблар босқичи ташқи бошқарув таомилига киритилмайди, лекин бир вақтнинг ўзида банкротлик тўғрисидаги иш доирасида, яъни банкротлик бўйича иш юритиш бекор қилинганга қадар амалга оширилади. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорида (28-банди учинчи қисми) тушунтириш берилиб, унда кредиторлар билан ҳисоб-китоб учун белгиланган муддат Қонуннинг 119-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ташқи бошқарув муддатига кирмаслиги кўрсатилган. Қонунда ташқи бошқарув муддатини олти ойдан ортиқ муддатга узайтириш имконияти назарда тутилмаган. Бироқ агарда хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун дастлаб тақдим этилган муддат олти ойдан кам бўлса (масалан, уч ой), бу ҳолда мазкур муддат шундай узайтирилиши мумкинки, ҳисоб-китоблар учун жами муддат олти ойдан ошмаслиги шарт.

3. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин ташқи бошқарувчи хўжалик судига кредиторлар билан ўтказилган ҳисоб-китоблар ҳақида ҳисобот тақдим этади. Қонунда кредиторлар йиғилиши томонидан ҳисоботни аввалдан кўриб чиқилиши назарда тутилмайди, чунки барча кредиторларнинг талаблари қондирилиши муносабати билан банкротликнинг кредиторлар йиғилиши каби институти мавжуд бўлмайди. Ташқи бошқарувчи хўжалик судига ўтказилган ҳисоб-китоблар ҳақида ҳисоботни тақдим этиб, мазкур ҳисоботга, кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ, кредиторларнинг барча талаблари қондирилганини исботловчи далилларни илова қилади.

Ташқи бошқарувчининг асосланган ҳисоботи асосида хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми императив нормага эга бўлиб, унга кўра агарда хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган бўлса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишини бошлаш ҳақида қарор қабул қилади. Бундай ҳисоб-китоблар учун белгиланган муддатда (олти ойдан ошмаган муддатда) кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг имкони йўқлиги тўловга қодирликни тикланмаганлиги сифатида баҳоланади ва тегишлича қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилишга сабаб бўлади.

120-модда. Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқариш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқарилиши кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажримда қуйидагилар белгилаб қўйилади:

талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати;

навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугаллаш навбатининг мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан икки ойдан ошмаслиги шарт бўлган муддати;

бундай навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш нисбатлари.

Кредиторларнинг улар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилган кредиторларга нисбатан навбат тартибида қондирилиши лозим бўлган талаблари хўжалик суди томонидан аниқланган тақдирда, хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартибини ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Агар муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки ҳисоб-китоблар белгиланган нисбатда амалга оширилмаган бўлса, кредитор муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган санадан унинг талаблари тегишлича тўла ёхуд белгиланган нисбатда қаноатлантирилган санага қадар тўланмаган суммага Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланган миқдорда фоизлар ҳисобланишини талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқаришнинг ҳуқуқий оқибатларини назарда тутлади.

1. Ташқи бошқарув таомили жараёнида муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун етарли пул маблағлари мавжуд бўлганда, кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилишлари мумкин. Хўжалик суди бундай илтимосномани кўриб чиққач уни асосли деб топса, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин (118-моддаси олтинчи қисми тўртинчи хатбоши), ушбу ажрим асосида ташқи бошқарувчи ажримда кўрсатилган навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилишга киришиши мумкин бўлади.

Қонуннинг 118-моддаси олтинчи қисми тўртинчи хатбоши нормасини ҳисобга олиб, муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ташқи бошқарув таомили жараёнида амалга оширилади. Қонуннинг 92-моддасига мувофиқ эса, қарздорга нисбатан ташқи бошқарувнинг жорий қилинишининг оқибатларидан бири бўлиб кре-

диторлар талабларининг қондирилишига мораторий жорий этилиши ҳисобланади. Қонун ташқи бошқарув таомилида ҳисоб-китобларни муайян навбат билан мажбурий амалга оширилиши талаб этмайди. Шу билан бирга, агарда қарздорда «бўш» пул маблағлари мавжуд бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки ташқи бошқарувчи муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиши мумкин.

Хўжалик судининг муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги ажрими асосида ташқи бошқарувчи кредиторлар билан ҳисоб-китобларга киришиши мумкин, ва бунда ташқи бошқарув таомилининг тугашини кутиш талаб этилмайди. Бу кредиторлар учун ҳам, қарздор учун ҳам афзал, чунки кредиторнинг талаблари суммасига ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан, хўжалик суди томонидан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақида ажрим чиқарилган санагача ёки қарздорни банкрот деб топиши ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида ажрим қабул қилинган вақтгача фоизлар ҳисоблана бошланади (93-модда учинчи қисм), кредиторлар билан ҳисоб-китобларга илгарироқ ўтиш ҳисобланадиган фоизларнинг қисқаришига олиб келади, бу эса қарздор учун афзалдир. Мазкур вазият кредиторлар учун ҳам афзал, чунки улар ташқи бошқарув тугатишини кутиб ўтирмасдан, ўз талабларини қондиришлари мумкин.

Кўрсатилган ажрим у чиқарилган кунидан эътиборан кучга киради ва шикоятга йўл қўйилмайди. Бунда муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2. Муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш ҳақидаги ажримда хўжалик суди қўйидагиларни белгилайди: талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати; мазкур навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугашининг муддати, бу муддат ажрим чиқарилган санадан икки ойдан ошмаслиги керак; мазкур навбатдаги кредиторларнинг талабларини қондириш нисбатлари.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми кредиторлар талабларини қондириш тартибига ўзгартишлар киритиш имконини назарда тутади. Мазкур норманинг долзарблиги шундан иборатки, ташқи бошқарув таомилида талаблари кредиторлар талаблари реестрига киритилмаган кредиторлар ташқи бошқарувчига талабларини кредиторлар талаблари реестрига киритиш талаби билан мурожаат этишга ҳақли. Бундай ҳолда суд аввал чиқарилган ажримга асосида муайян навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш тартибини ўзгартириш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир, агар янги кредиторлар талаблари айнан аввалги суд ажримида ҳисоб-китоблар бошланиши кўрсатилган навбатга киритилган бўлса.

4. Тўртинчи қисм муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ажримга мувофиқ уларнинг талаблари қондирилмаган тақдирда қарздорнинг кредиторлар олдида жавобгарлигини белгилайди. Масалан, кредитор тўланмаган суммага кредиторнинг талаби бажарилган кундаги банк фоизи миқдоридида фоизлар ҳисобланишини талаб этишга ҳақли (ЎЗР ФК, 327-модда). Фоизлар муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида ажрим чиқарилган санадан эътиборан, то унинг талаби тўлиқ ёки тегишли нисбатда қопланган вақтгача ҳисобланади.

121-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисидаги ажрим ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан ташқи бошқарувчи томонидан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурияти бажарилган пайдан бошлаб ташқи бошқарувчи кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли ёзувни киритади.

Шарҳланаётган модда хўжалик судининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги ажрими асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Кредиторлар йиғилиши томонидан хўжалик судига қарздорнинг тўловга қодирлигининг тикланиши муносабати билан, ташқи бошқарув муддати тугагунига қадар, кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида илтимоснома берган ҳолда, Қонуннинг 118-модда, олтинчи қисм, учинчи хатбошисига кўра, хўжалик суди кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрим чиқаради. Хўжалик суди, шунингдек кредиторлар йиғилишининг ёки ташқи бошқарувчининг илтимосномасига кўра ташқи бошқарув таомилида муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида ажрим чиқариши мумкин (Қонуннинг 118-моддаси, олтинчи қисм тўртинчи хатбошиси).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ташқи бошқарув таомилида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги ажрим асосида амалга оширилишини белгилайди. Ташқи бошқарув жараёнида мораторийнинг оқибат-

лари муносабати билан кредиторларнинг талаблари қондирилиши ман қилинади, мораторий амалда татбиқ этилмайдиган талаблар бундан мустасно (Қонуннинг 93-моддаси, биринчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар).

Бироқ Қонун, барча кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли маблағ тўпланган тақдирда, хўжалик судининг ташқи бошқарувни тугатиши билан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ҳақида ажрими асосида уларни қондириш имкониятини кўзда тутаяди, муайян навбатдаги кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағ тўпланган ҳолда эса муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақидаги ажрим асосида талаблар қондирилишига йўл қўяди. Тегишлича, хатто барча кредиторлар талабларини қондириш учун етарли маблағ жамланган бўлса ҳам, ташқи бошқарувчи кредиторлар билан ҳисоб-китобларни хўжалик судининг тегишли ажримсиз амалга оширишга ҳақли эмас. Шунингдек, қайд этиш жоизки, қарздор томонидан муайян навбатдаги талабларни қондириш учун етарлича маблағ жамланган тақдирда, ташқи бошқарувчи хўжалик суди муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида ажрим чиқармагунча, ҳаттоки Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида белгиланган қондириш навбатига риоя этилган бўлса ҳам кредиторларнинг талабларини қондиришга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, шарҳланаётган қисм шунини белгилайдики, ташқи бошқарув таомилида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошлаш ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошлаш ҳақидаги ажрим асосида амалга оширилади. Бунда, истисно тариқасида қайд этиш жоизки, кредиторлар талабларини қондиришга муассислар (қатнашчилар) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси ёки қарздор мажбуриятларини учинчи шахс бажарган ҳолда (113-модда), ёки корхона (бизнес)ни реализациясидан олинган пул маблағлари ҳисобига (110-модда, ўн саккинчи қисм) хўжалик суди ажримсиз йўл қўйилади.

Фақат хўжалик судининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бошланиши ҳақида ажрими чиқарилган кундан эътиборан, ташқи бошқарувчи кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлашга ҳақли ва мажбурдир.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар мазкур Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Ушбу ҳолда «мазкур Қонунда кўзда тутилган тартиб» деганда Қонуннинг тугатишга доир иш юритишда кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг навбати ва тартибини белгилайдиган 133, 134 ҳамда 138-моддаларининг қоидаларини тушуниш лозим.

Гаров билан таъминланган кредиторларнинг талаблари учинчи навбатда қондирилади (Қонуннинг 134-моддаси тўртинчи қисми), лекин гаров билан таъминланган талабларни қондириш гаровга қўйилган мол-мулк (гаров нарсаси)ни реализация қилишдан олинган маблағлар ҳисобига амалга оширилса, кредиторларнинг талаблари гаров билан таъминланган талаблари бўйича гаров нарсасини реализация қилишдан олинган маблағлар ҳисобидан бошқа кредиторлардан устун равишда, қондирилади (133-модда биринчи қисми). Гаров нарсасини реализация қилишдан олинган маблағлар мазкур гаров билан таъминланган талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, мазкур талабларнинг қондирилмаган қисми 134-модда билан назарда тутилган қондириш навбатига мувофиқ, яъни учинчи навбатда қондирилади (133-модданинг иккинчи қисми). Ташқи бошқарув таомилида кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулки (гаров нарсаси)ни сотмасдан амалга оширилган ҳолда, яъни ташқи бошқарув режасини бажариш натижасида қарздорнинг хўжалик фаолияти тикланган ва кредиторлар талабларини гаров нарсасини сотмасдан, тўлиқ қондириш учун етарли бўлган маблағлар тўпланса, 133-модданинг биринчи қисми қўлланилмайди ҳамда гаров билан таъминланган талаблар қондириш навбатига кўра (134-модда) учинчи навбатда қондирилади.

3. Ташқи бошқарувчи томонидан амалга оширилган тўловлар кредиторлар талаблари реестрида акс эттирилиши шарт. Мазкур қисмининг нормаси ташқи бошқарувчи мажбуриятларини белгилайдиган 98-модда, биринчи қисми, тўққизинчи хатбошига жавоб беради.

122-модда. Кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши

Кредиторларнинг қондирилган талаблари, шунингдек воз кечиш ҳақи ёки мажбуриятларнинг янгиланиши ёхуд пул мажбуриятлари ўзгача тарзда тугатилганлиги тўғрисида келишувга эришилган талаблар ҳамда ушбу Қонуннинг 134 ва 138-моддаларига мувофиқ қондирилган деб эътироф этиладиган бошқа талаблар қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган деб ҳисоблаш учун асосларни белгилайди.

Шарҳланаётган моддадан келиб чиқиб, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши кредиторлар талабларининг тўлиқ қондирилиши, мажбуриятдан воз кечиш ёки мажбуриятни янгилаш ҳақида битим имзоланиши, шунингдек, мажбуриятни ҳисобга олиш йўли билан тугатиш ҳамда қарздор ва кредитор айнан битта шахсга айланган ҳолда амалга оширилади.

ЎЗР ФКнинг 342-моддасига мувофиқ, қарздор ва кредитор ўртасида воз кечиш ҳақидаги келишувга кўра мажбурият уни бажариш © ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Кредиторлар талабларидан воз кечиш ҳақида келишувга эришиш орқали талабларни қондиришга куйидаги шартлар бажарилган ҳолда йўл қўйилади: талабларни қондиришнинг белгиланган навбатига ва мутаносиблик принцига риоя этиш, ҳамда кредиторлар йиғилиши ёки қўмитасининг бундай битимни имзолашга розилиги шarti билан йўл қўйилади (138-модда, тўртинчи қисм).

Мажбуриятни янгилаш ҳақида битим имзоланиши ЎЗР ФКнинг 347-моддаси билан тартибга солинади. Мажбурият янгилаш ҳақида битимга кўра тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва алиментларга нисбатан мажбуриятлар хусусида янгилашни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Агар тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни янгилаш дастлабки мажбурият билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларни ҳам бекор қилади.

ЎЗР ФКнинг 343, 352-моддаларига мувофиқ, мажбуриятлар шунингдек куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

бир хилдаги қарши талабни ҳисобга олиш йўли билан. Талабларни ҳисобга ўтказиш йўли билан қоплашга арз қилинган талабларни қондириш навбатлилиги ҳамда мутаносиблиги тамойилига риоя этиш шarti билан рухсат этилади. (138-модда тўртинчи қисм);

қарздор ва кредитор айнан битта шахс бўлса;

қарздан воз кечиш йўли билан;

мажбуриятни бажаришнинг имкони бўлмагани сабабли, агарда имкони бўлмаслиги қарздорга ҳам, кредиторга ҳам боғлиқ бўлмаган шарт-шароитга боғлиқ бўлса;

кредитор-фуқаронинг ўлими муносабати билан;

кредиторни тугатилиши натижасида.

Ташқи бошқарувда кредиторларнинг барча талаблари тўлиқ ҳажмда қондирилиши ва қарздорнинг қондирилган қарз мажбуриятлари қолмагани муносабати билан Қонуннинг 134-модда ўн иккинчи қисми ва 138-модда бешинчи қисми қоидалари қўлланилмайди.

123-модда. Ташқи бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тартиби

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ташқи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади.

Агар ташқи бошқарув келишув битими тузилиши ёки кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилиши билан тамомланса, ташқи бошқарувчи янги раҳбар сайлангунга (тайинлангунга) қадар қарздорнинг раҳбари вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Ташқи бошқарувчи қарздорнинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун қарздорнинг бошқарув органини ўз ташаббуси билан чақиришга ҳақли. Қарздорнинг ва қарздор мол-мулки эгасининг бошқа бошқарув органи ваколатлари тикланади.

Агар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб бошқа шахс тайинланган бўлса, ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчисига ишларни топширгунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради. Ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ишларни унга топшириши шарт.

Шарҳланаётган модда ташқи бошқарувчи ваколатларини тугатиш тартиби ва асосларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ташқи бошқарувчи ваколатларини тугатиш учун асослар кўзда тутилган. Ташқи бошқарувчининг ваколатлари банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилган ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топилганда ҳамда қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда тугатилади.

Банкротлик ҳақида иш бўйича иш юритиш хўжалик суди томонидан Қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган ҳолларда тугатилиши мумкин.

Қарздорни банкрот деб эълон қилиниши ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳолда, Қонуннинг 126-моддасига мувофиқ, хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Шу муносабати билан тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш бўйича ваколатлар тайинланган тугатиш бошқарувчисига ўтади.

2. Келишув битими имзоланиши (Қонуннинг 150-модда биринчи қисми) ёки кредиторлар талаблари қаноатлантирилгани муносабати билан иш юритиш тугатилганда ташқи бошқарувчи янги раҳбар сайланган (тайинланган) пайтга қадар қарздорнинг раҳбари мажбуриятларини бажаришни давом эттиради. Бу ҳолда аввал ташқи бошқарувчи вазифаларини бажарган шахсга қарздор раҳбари (директори, бошқарув раиси)нинг барча мажбуриятлар ўтади. Бу ҳолда аввал ташқи бошқарувчи вазифаларини бажарган шахснинг фаолияти «Банкротлик тўғрисидаги»ги Қонуннинг нормалари билан эмас, балки, масалан, қарздорнинг устави, акциядорлик жамиятлари ҳақидаги

қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинади ва ҳ.к. Қарздорнинг раҳбари мажбуриятларини бажариш вақтида аввал ташқи бошқарувчи мажбуриятларини бажарган шахс мазкур корхона раҳбари учун белгиланган тегишли ҳақни олишга ҳақли.

3. Қарздорнинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида ташқи бошқарувчи қарздор (акциядорлар, муассислар, қарздор мол-мулкининг эгаси ва ҳ.к.) нинг бошқарув органини чақиртиришга ҳақли. Келишув битими имзоланганлиги ёки кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганда акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва қарздорнинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари тикланади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарувчига қарздор банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб, аввал ташқи бошқарувчи мажбуриятларини бажармаган шахсни тайинланган ҳолда, тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида ишларни тугатиш бошқарувчисига бериш мажбуриятини юклайди.

Агарда қарздор банкрот деб эълон қилинган вақтда ҳўжалик суди тугатиш бошқарувчисини тайинламаган бўлса, ташқи бошқарувчи Қонуннинг 128-моддасига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси вазифаларини бажаришни давом эттиради.

Қонун аввал ташқи бошқарувчи вазифаларини бажарган шахсни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни ман қилмайди. Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишининг ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли органнинг илтимосномасига кўра тугатиш бошқарувчиси этиб ҳам тайинланиши мумкин, агарда унинг номзоди қонун талабларига мос бўлса.

VII БОБ. ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ

Мазкур боб қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни белгилайди. Тугатишга доир иш юритишнинг мақсади бўлиб қарздорнинг мулкни қонуний реализация қилиш ва олинган маблағларни кредиторлар талабларини мос равишда қондиришга йўналтириш, шунингдек, қарздорни қарзларидан ҳоли деб топиш ҳисобланади. Тугатишга доир иш юритиш хўжалик суди томонидан кредиторларнинг йиғилиши ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи тақдимотига кўра тайинланадиган тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Тугатишга доир иш юритиш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш билан бошланади. Тугатишга доир иш юритишнинг муддати, умумий қоидага кўра, бир йилни ташкил қилади.

Суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан, у мулкни бошқариш ва тасаруф этиш бўйича барча ваколатларидан маҳрум бўлади ҳамда тугатиш бошқарувчисига бухгалтерия ҳужжатлари, муҳрлари, штамплар ва бошқа қимматликларни бериши шарт. Тугатиш бошқарувчиси, кредиторлар талаблари реестрини юритишдан ташқари, қарздорнинг мулкнинг инвентаризацияси ва баҳолашни амалга ошириши, тугатиш режасини ҳамда мулкни реализация қилиш жадвалини ишлаб чиқиши, кредиторларга ва судга ўз фаолияти ҳамда қарздорнинг молиявий ҳолати ҳақида ҳисобот ва ҳоказоларни бир ойда камида бир марта тақдим этиши керак. Мулкни сотиш жадвали кредиторлар йиғилиши билан келишилган бўлиши шарт. Шунингдек, тугатиш режаси ҳам талаблар суммасини учдан икки қисмини тақдим этувчи кредиторлар маъқуллаши йўли билан келишилади. Қарздорнинг мулки қонун билан белгиланган тартибда очиқ савдоларни ўтказиш йўли билан реализация қилиниши лозим. Тугатиш массаси Қонуннинг 130-моддаси талабларига асосан шакллантирилади. Кредиторлар талабларини қондириш навбати Қонуннинг 134-моддасида белгиланган. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун қарздорнинг ҳамма мулки реализациясидан олинган маблағлар йўналтирилади, бунда барча мажбуриятлар, улар тўлиқ қондирилган ёки қондирилмаганлигидан қатъий назар, қопланган ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тамомланганидан сўнг тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақида ҳисоботни тақдим этади.

Хўжалик суди ҳисоботни кўриб чиқади ва тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради. Тугатишга доир иш юритиш юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор

тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилган пайтдан эътиборан тамомланган деб ҳисобланади. Қарздорнинг қолган мулки, муассислар (иштирокчилар), мулкнинг эгаси уни олишдан воз кечган ҳолларда, давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказилади.

124-модда. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат хўжалик судининг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддати банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига биноан ёки хўжалик судининг ташаббуси билан узайтирилиши мумкин.

Хўжалик судининг тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тартибини, муддатини ва уни узайтириш имконини белгилайди.

1. Модданинг биринчи қисмида хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори тугатишга доир иш юритиш-ни бошлаш учун асос ҳисобланиши белгиланади.

Суд томонидан қарор қабул қилинган пайтда, Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 30-бандига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш ҳақидаги қарорда тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатишга доир иш юритиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг аниқ муддати кўрсатилиши зарур. Бундан ташқари, қарорда тугатиш бошқарувчиси ҳақида маълумотлар, унинг фамилияси, исми-шарифи ва унга тўланадиган ҳақнинг миқдори (агарда кредиторлар йиғилишининг қарори мавжуд бўлса) акс этади. Агарда кредиторлар йиғилишининг тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлашнинг миқдори ҳақида қарори мавжуд бўлмаса, суд ажримини кечроқ (банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг) чиқариши мумкин ва унда мазкур суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдори ҳамда тартиби кўрсатилади.

Шуни назарда тутиш керакки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор устидан ЎЗР ХПК да белгиланган хўжалик суди қарорлари устидан шикоят қилишнинг умумий тартибида шикоят қилиниши мумкин. Бу шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли Қарорининг 21-бандида ҳам ифодасини топган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми тугатишга доир иш юритиш муддати ҳақидаги қондани ўз ичига олган. Муддат бир йилдан иборат бўлиб, хўжалик судининг қарорига мувофиқ жорий этилади ва ушбу ҳақда албатта суд қарорида кўрсатилади. Мазкур муддат «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалда қўллаш жараёнида аниқланиб, тугатишга доир иш юритиш муддатини бундай чекланиши биринчи марта Қонуннинг 1998 йилдаги таҳририда киритилган.

Гарчи қонун билан тугатишга доир иш юритиш муддати, қоидага кўра, бир йил этиб белгиланган бўлсада, шу билан бирга амалиёт кўрсатишича, баъзи ҳолларда тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш таомилини ўн икки ой давомида тамомлай олмайди. Шу муносабат билан ушбу муддат, зарурият бўлган ҳолда, узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин: қарздорнинг асосиз равишда учинчи шахслар ихтиёрида бўлган мулки аниқланиши; ундирилмаган дебиторлик қарзи мавжудлиги, моддий бойликларни талон-тарож ҳамда пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўзлаштириш ҳоллари аниқланган ва судга қўзғатилган жиноий ишлар бўйича тергов органларининг материаллари юборилган, хўжалик судига қонунга хилоф равишда ўзлаштирилган пул маблағларини қайтариш бўйича материалларнинг юборилганлиги ва ҳ.к.

3. Истисно ҳолларда, банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашаётган шахсларнинг илтимосномасига кўра (мазкур шахсларнинг рўйхати Қонуннинг 36-моддасида кўрсатилган), тугатишга доир иш юритиш муддати узайтирилиши мумкин. Бунда қонун таомилни узайтириш муддатини чекламайди ва судга ўз ташаббусига кўра муддатни узайтириш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга, узайтириш муносабати билан тугатишга доир иш юритишни энг сўнгги муддатини аниқлаш мақсадида, Олий хўжалик Суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорининг 30-бандида тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш бир йилдан ошмаслиги лозимлиги белгиланган. Бунда шуни кўзда тутиш керакки, мазкур қарор билан хўжалик судига тугатиш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли бўлган шахслар доираси кенгайтирилган. Хусусан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этган шахс бўлишларидан қатъи назар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича органлар, шунингдек, кредиторлар йиғилиши шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилганидек, тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашаётган шахслар томонидан берилиши мумкин. Аммо амалиётда асосан бундай илтимоснома кредиторлар йиғилиши қарори асосида тугатиш бошқарувчиси томонидан берилади. Тугатишга доир

иш юритиш муддатини узайтириш ҳақидаги илтимоснома ЎЗР ХПК нинг 129-моддасида белгиланган тартибда тақдим этилади ва кўриб чиқилади, яъни ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда хўжалик судининг мажлиси ўтказилади.

4. Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириш ҳақида ажрим чиқарилади ва унинг устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. Тугатишга доир иш юритиш муддатини узайтириши бўйича шикоятлар (илтимоснома ва протестлар) Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 26 январдаги 142-сонли қарорининг 21-бандига мувофиқ, ЎЗР ХПК моддаларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

125-модда. Тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатлари

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг мол-мулкани бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкани учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади;

қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек кечиктирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланади;

қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади;

қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар махфий тоифага (шу жумладан тижорат сирига) мансублигини йўқотади;

ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар олиб ташланади;

ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Пул мажбуриятлари, мажбурий тўловлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкый талаблар фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қарздорга тақдим этилиши мумкин, мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг мувофиқ ижро этилиши тугатилган ижро ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилиши лозим. Қарздорнинг барча мажбуриятлари бажарилишига фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида йўл қўйилади.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органи қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ушбу бобда белгиланган ҳолларда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг иштирокчилари (муассислари) банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларига эга бўладилар.

Кўриб чиқиладиган моддада қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш оқибатлари тартибга солинади.

1. Мазкур моддада назарда тутилган оқибатларни қўлланиши хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдан бошланади. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, шу пайтдан эътиборан қарздорнинг мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки уни учинчи шахслар фойдаланиши учун топшириш билан боғлиқ битимлар фақатгина Қонуннинг мазкур бобида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Яъни, қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш бўйича барча ваколатларга фақатгина тугатиш бошқарувчиси эга бўлади (Қонуннинг 128-моддаси), қарздорнинг мулки юзасидан битимлар тузиш ва уни сотиш кредиторлар йиғилишининг розилиги билан амалга оширилади (Қонуннинг 129-моддаси). Бунда:

— барча пул мажбуриятларини бажариш муддати ва кечиктирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугатишга доир иш юритиш бошланган санадан бошланади. Шундай қилиб, корхона банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдан эътиборан тугатишга доир иш юритиш бошланганига қадар келиб чиққан барча пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланади. Бу ерда фақат пул мажбурияти ҳақида сўз боради, тегишлича қолган мажбуриятларнинг муддати келган деб ҳисобланмайди. Мазкур оқибат тугатишга доир иш юритишнинг хусусияти билан алоқадор бўлиб, унга кўра, қарздорни тугатиш билан боғлиқ мулк муносабатларни белгилаш ва ҳал этиш керак. Шундай қилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган пайт-

дан пул талабларини бажариш муддати ҳали келмаган кредиторлар қолмайди. Мажбуриятларини бажариш муддати келган ва аввал кредиторлар реестрига киритилмаган кредиторлар тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини суд бошқарувчиси томонидан берилган қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги эълонда белгиланган муддатда тақдим этишга ҳақли. Бунда Қонуннинг 127-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, мазкур муддат эълон чоп этилган кундан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак. Навбатдан ташқари қондириладиган талаблар ҳам агарда улар тугатишга доир иш юритиш бошланишидан аввал вужудга келган бўлса, тақдим этилиши керак. Шунингдек, тутиш жоизки, банкротликнинг бошқа таомилларида тақдим қилиш шарт бўлмаган муаллифлик шартномалари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек, меҳнатга оид муносабатлар бўйича кредиторлар тугатишга доир иш юритиш даврида бу талабларни кредиторлар реестрига киритиб қўйиш учун тугатиш бошқарувчисига тақдим этишлари лозим. Чунки, тугатиш жараёнида бундай талаблар алоҳида тартибда эмас, балки, биринчи навбатда қондирилади (Қонуннинг 134-модда иккинчи қисми). Маънавий зарарни қоплашга келганда (шарҳланаётган модданинг биринчи қисми), мазкур талабларни тақдим этиш шарт эмас, чунки уларни бажарилиши навбатдан ташқари амалга оширилади;

— қарздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойкалар (жарима, пенялар), фоизлар ҳисобланиши тугатилади. Бунда молиявий санкциялар бўлган фоизларнигина ҳисобланиши тугатилади, яъни қарздорни битим бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги тартибида тўланиши керак. Бу қонунчиликда ёки шартномада назарда тутилган фоизлар ёхуд ЎЗР ФКнинг 327-моддасига мувофиқ ҳисобланадиган фоизлар;

— қарздорни молиявий аҳволи ҳақидаги маълумот махфий ахборот ёки тижорат сири қаторига кирмайди. Мазкур қоида банкротлик институти учун тамойил даражасидаги қоида ҳисобланиб, қарздор банкрот деб топилган пайтдан эътиборан у ҳақидаги маълумот хусусий манфаатлар соҳасидан жамоат манфаатлари даражасига ўтишини билдиради. Мазкур талабга мувофиқ, тугатишга доир иш юритиш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига Қонуннинг 36-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи барча шахслар эга бўладилар, яъни, мазкур шахслар тугатиш бошқарувчисидagi молиявий ҳужжатлар билан танишишлари мумкин. Шу билан бирга, шунинг аниқлаш керакки, сўз фақат қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида бормоқда, қарздорнинг технологик, конструкторлик сирлари ёки бошқа ноу-хаулар борасида эга бўлган маълумотлари махфийлигича қолади;

— қарздорнинг мулкига ундирувни қаратишга барча чекловлар

олиб ташланади. Бироқ бу энди бирон-бир шахс қарздорни мулкига ундирувни қаратиши мумкин дегани эмас. Бунда мулкни сақлаб туришни таъминлаш бўйича аввал кўрилган барча чоралар ўз кучини йўқотиши кўзда тутилади, чунки кредиторлар талабларини қондириш суд бошқарувчиси томонидан мулкни реализация қилиш йўли билан амалга оширилади;

— ижро ҳужжатларини бажариш тугатилади. Мазкур қисмнинг нормасига мувофиқ, барча ижро ҳужжатларини, жумладан, кузатув, суд санацияси ёки ташқи бошқарувда бажарилиши лозим бўлган ижро ҳужжатларни бажариш тугатилади. Қарздорни банкрот деб эълон қилинган пайдан эътиборан пул мажбуриятлари, мажбурий тўловлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкӣ талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар қарздорга фақатгина тугатишга доир иш юритиш доирасида тақдим этилиши мумкин. Бошқа мулкӣ талаблар деганда, жумладан, суд бошқарувчиси томонидан пул кўринишига келтирилиши ва реестрга киритилиши шарт бўлган исталган пул билан боғлиқ бўлмаган талаблар ҳам тушунилади. Шу билан бирга, қонун мулк ҳуқуқини тан олиш, маънавий зарарни қоплаш, мулкни бошқаринг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш, асосиз орттирилган бойликни қайтариш ҳақида, битимларни ҳақиқӣ эмас деб тан олиш ва уларнинг ҳақиқӣ эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги талабларга нисбатан истисно қилади. Санаб ўтилган барча талаблар тугатишга доир иш юритиш доирасида эмас, мустақил тақдим этилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисм еттинчи хатбошига мувофиқ, бажарилиши тугатилган ижро ҳужжатлари суд ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига берилиши шарт. Бунинг учун тугатиш бошқарувчиси хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарори асосида суд қарорларини ижро қилиш бўйича департаментга ундирув ўтказилаётган мулк бўйича ижро ҳужжатларини бериш ҳақида мурожаат этади. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида талабларни қондириш бўйича ижро ҳужжатлари мавжуд бўлган кредиторлар талабларини қондириш Қонуннинг 133, 134-моддаларида белгиланган навбатга мувофиқ амалга оширилади.

3. Қарздор бошқарув органларининг қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш юзасидан ваколатлари тугатилади ҳамда илгари четлаштирилмаган бўлса, улар қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этишдан четлаштирилади. Қарздорнинг иштирокчилари (муассислари) VII-бобда белгиланган ҳолларда (шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисм), тугатишга доир иш юритиш жараёнида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этган шахсларнинг ҳуқуқларига эга бўлади ёки ишда иштирок этувчи деб уларнинг вакиллари тан олинади (Қонуннинг 36-моддаси иккинчи қисми).

Қарздорни раҳбари ваколатлари тугатилади (қарздорни раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор бўлади). Қарздорнинг мулкни тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар тугатиш бошқарувчисига юкланади. Мазкур нормани бажариш мақсадида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки уни бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради. Амалда булар бир вақтда бажарилади, яъни суд бошқарувчиси муайян санадан (қарор қабул қилинган санадан) бошлаб, раҳбар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки уни бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Қонуннинг 76, 80, 123-моддаларига мувофиқ, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда тугатиш бошқарувчиси тайинлангунига қадар унинг мажбуриятларини муваққат, санация қилувчи ёки ташқи бошқарувчи бажаради (бунгача қайси таомил қўлланилганига боғлиқ).

Шунингдек, қарздор мол-мулки эгасининг мулкни бошқариш ва тасарруф этиш бўйича ваколатлари тугатилади, чунки, бундай функцияларнинг барчаси тугатиш бошқарувчисига ўтади.

4. Қарздорни иштирокчилари (муассислари) тугатишга доир иш юритиш жараёнида Қонуннинг VII бобида белгиланган ҳоллар, яъни, 134-модда ўн биринчи қисми ва 143-модда биринчи қисмига мувофиқ, қолган реализация қилинмаган мулкни олиш вақтида банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашаётган шахсларнинг ҳуқуқларига эга. Бунда ушбу шахслардан исталгани ишда қатнашиш учун жалб қилиниши мумкинлиги (агар зарурият бўлса) кўзда тутилади. Бироқ 134-моддага мувофиқ улар ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган дивидендларни олиш ҳақидаги талаб бўйича бешинчи навбатдаги кредиторлар ҳисобланади. Айнан шу норма қарздор мол-мулкнинг эгасига ҳам тааллуқлидир.

126-модда. Тугатиш бошқарувчиси

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав фондида давлат улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисини тайинлаш тартибини белгилайди.

1. Тугатиш бошқарувчиси — суд бошқарувчиси бўлиб, қарздор-банкротни тугатиш таомилини амалга оширади. Суд бошқарувчисига

асосий талаблар, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳаракатлари учун жавобгарлик, шунингдек ҳақ тўлаш шартлари Қонуннинг 18,19,21,22-моддаларида баён этилган. Тугатиш бошқарувчисининг номзоди Қонуннинг 74, 94-моддалари билан ташқи бошқарувчини кўрсатиш ва тайинлаш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ хўжалик судига кўйилади ва тақдим этилади. Одатда, тугатиш бошқарувчисининг номзоди дастлаб кредиторлар йиғилишининг фикридан келиб чиқиб таклиф этилади, лекин суд бошқарувчисини тайинлаш суд томонидан амалга оширилади (95-модда). Агарда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор чиқарилган вақтда тугатиш бошқарувчисининг номзоди тақдим этилмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши хўжалик судига тугатиш бошқарувчиси номзодини суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг тақдим этишга ҳақлидир. Кредиторлар йиғилиши томонидан номзод тақдим этилмаган тақдирда хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган номзодлар ичидан тайинлайди.

Моддада алоҳида таъкидланишича, устав фондида давлат улуши эга бўлган корхонани банкрот деб топишда, тугатиш бошқарувчиси номзодини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тақдим этиши мумкин. Бироқ агарда кредиторлар йиғилиши томонидан тугатиш бошқарувчиси номзоди тақдим этилмаган бўлса, бу ҳолда суд бошқарувчилигига номзодни қарздорни устав фондида давлатнинг улуши мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам таклиф этиши мумкин.

Суд бошқарувчисини тайинлаш ҳақида ажрим устидан шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин ва бу унинг дарҳол ижро этилишига тўсқинлик қилмайди. Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш ҳуқуқига банкротлик бўйича ишда қатнашаётган шахслар эга. Тугатиш бошқарувчисини тайинлаш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш имконияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарорида ҳам назарда тутилган (21-банд), унда суд бошқарувчилар тайинлаш (вазифасини бажаришдан озод этиш ва алмаштириш) ҳақидаги ажримлар устидан Қонунда назарда тутилган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) белгиланган. Агарда тугатиш бошқарувчиси қарздорни банкрот деб топилши ва тугатишга доир иш юритиш бошланиши билан бир вақтда тайинланган ва унинг тайинланиши ҳақида хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган бўлса, тайинланган суд бошқарувчисининг номзоди билан келишмовчиликлар мавжуд ҳолларда, банкротлик тўғрисидаги ишда қатнашаётган шахслар шикоят бериши, прокурор қонунда назарда тутилган тартибда суд ҳужжатини суд бошқарувчисини тайинлаш қисмига протест келтириши мумкин.

127-модда. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида эълон қилинаётган маълумотларда қуйидагилар бўлиши керак:

банкрот деб топилган қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва бошқа реквизитлари;

банкротлик тўғрисидаги иш юритаётган хўжалик судининг номи ва ишнинг тартиб рақами;

қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик суди қарор қабул қилган сана;

кредиторлар талабларини қўйишнинг белгиланган муддати, бу муддат мазкур эълон чиққан санадан эътиборан камида икки ой бўлиши шарт;

қарздорга ўз талабларини билдиришлари учун кредиторларнинг почта манзили;

тугатиш бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар.

Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни тугатиш бошқарувчиси бошқарувчиликка тайинланган пайдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

Шарҳланаётган модда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тартибини белгилайди.

1. Мазкур модданинг биринчи қисми корхонани банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилиши шартлигини белгилайди. Бунда ушбу эълон қилинадиган муддатни ўтишига нисбатан хусусиятларни мазкур модданинг учинчи қисми белгилайди.

2. Модданинг иккинчи қисмида эълон ўз ичига олиши керак бўлган ахборот рўйхати баён этилган. Мазкур рўйхат мажбурий бўлиб, лекин қатъий эмас. Тугатиш бошқарувчиси эълонда тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ бошқа ахборотни ҳам кўрсатиши мумкин.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш муддатини тугатиш бошқарувчиси белгилайди. Талабларни тақдим этиш учун муддатни белгилашда тугатиш бошқарувчиси суд томонидан белгиланган тугатишга доир иш юритишни ўтказиш муддатидан келиб чиқади, лекин

ҳар қандай ҳолда ҳам у эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги шарт.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми тугатиш бошқарувчисининг ўн кундан кечиктирмасдан банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш бошланиши ҳақида маълумотларни эълон қилишни ўтказиш мажбуриятини белгилайди, яъни мазкур ҳолда эълон қилиш органига етказиб бериш ва эълон қилиш факти учун умумий муддат ўн кундан ошмаслиги керак, бу эса Қонуннинг 52-моддасида белгиланган нормадан фарқ қилади. Тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу талаблар бажарилмаслиги унга нисбатан жавобгарлик ҳақидаги қоидаларни қўлланишига олиб келади (жумладан, Қонуннинг 21-моддаси асосида).

128-модда. Тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайдан эътиборан қарздорнинг ишларини бошқариш ҳамда қарздорнинг мол-мулкани тасарруф этиш бўйича барча ваколатлар унинг зиммасига ўтади.

Тугатиш бошқарувчиси қуйидагиларга ҳақли:

қарздорнинг мол-мулкани ушбу Қонуннинг 101-моддасига мувофиқ тасарруф этиш;

ходимлар билан, шу жумладан қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш;

қарздорнинг шартномаларини бажаришдан ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда бош тортиш;

қарздор томонидан тузилган битимларни, агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлса, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъволар тақдим этиш;

қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйиш. Мазкур талабларнинг миқдори кредиторлар талабларининг суммаси билан тугатиш массаси ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади. Ундирилган суммалар тугатиш массасига қўшилади ва улардан фақат кредиторларнинг талабларини қондириш учун ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида белгиланган навбат тартибида фойдаланилиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси:

қарздорнинг мол-мулкани ўз тасарруфига қабул қилиши, уни инвентаризация қилиши ва баҳолашдан ўтказиши, унинг бут сақланиши чораларини кўриши;

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;

кредиторлар йиғилишини ва кредиторлар кўмитасини чақиритиши;
қарздор олдидаги қарзларни ундириш чораларини кўриши;
қарздор тугатилганда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний ман-
фаатларини ҳимоя қилиши ҳамда улар билан тузилган меҳнат шарт-
номалари бекор қилинажаги тўғрисида уларни хабардор этиши;
кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши ва уларнинг та-
лабларини кўриб чиқиши;
қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкни қидириш, аниқ-
лаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши;
қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши лозим бўлган
ҳужжатларини сақлашга топшириши шарт.

Тугатиш бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига му-
вофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи) тугатиш
бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарз-
дорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, мод-
дий ва бошқа қимматликлари тугатиш бошқарувчисига топширилиши-
ни таъминлайди. Мазкур мажбуриятни бажаришдан бош тортилса,
қарздорнинг бошқарув органлари (ташқи бошқарувчи), шу жумладан
қарздор юридик шахснинг раҳбари, қарздор якка тартибдаги тadbир-
кор қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқ ва маж-
буриятларини белгилайди, яъни суд бошқарувчисининг қонунга му-
вофиқ ўз ваколатларини амалга оширишидаги ҳуқуқ ва мажбурият-
лар ҳақида қўшимча қоидалар бўлиб хизмат қилади.

1. Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва
тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилин-
ган пайтдан эътиборан қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва та-
саруф этиш ваколати тугатилади ва тугатиш бошқарувчисига ўтка-
зилади (125-модда учинчи қисм).

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиш
билан бир вақтда тугатиш бошқарувчиси тайинланмаган бўлса,
унинг ваколатлари қарздор фаолиятини ва мулкни бошқариш ва-
зифасини бажарувчи аввалги таомил суд бошқарувчиси томонидан
амалга оширилади. (Қонуннинг 75-моддаси тўртинчи қисми, 80-
моддаси бешинчи қисми, 123-моддаси тўртинчи қисми).

Тугатиш бошқарувчисининг ваколатларини белгилаш ташқи бош-
қарувчининг ваколатлари миқдорини белгилаш билан ўхшашдир
(97-модда).

2. Тугатиш бошқарувчиси қарздор юридик шахс бошқарувчиси-
нинг ваколатларини амалга оширади, қарздорнинг мулкни тас-
саруф этиш ҳуқуқларидан Қонуннинг 101, 129, 135, 136-моддаларида
назарда тутилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланади. Қарз-
дор мол-мулки эгаси ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берил-

ган орган қонунда назарда тутилган истиснолардан ташқари, қарздорнинг мол-мулкни тасарруф қилишга ёки тугатувчи бошқарувчи ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмаслар.

Йирик битим ва манфаатдорлик бўлган шартномаларни фақатгина кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар қўмитаси розилиги билангина амалга оширувчи ташқи бошқарувчининг ваколатларидан фарқли равишда, тугатишга доир иш юритишда бутун мол-мулкни реализация қилиш тартиби ва муддати ҳақида (Қонуннинг 135-моддаси) кредиторлар йиғилиши билан келишиш назарда тутилади. Амалиётда кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланадиган тугатиш режасини тузишда қарздорнинг мулкни сотиш тартиби ва муддати назарда тутилади, шу боис тугатиш бошқарувчиси томонидан қарздор мол-мулкни кейинги сотувида кредиторлар йиғилишидан қўшимча равишда розилик талаб этилмайди. (Қонуннинг 129, 135, 136-моддалари) чунки ҳар сафар кредиторлар йиғилишидан розилик олишга зарурат йўқ. Лекин манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишда албатта кредиторлар йиғилишининг розилигини олиш лозим бўлади.

Тугатиш бошқарувчиси меҳнат қонунчилиги бўйича ходимлар ва қарздорнинг раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш ваколатига эга ҳисобланади. Қарздор мулкнинг сақланиши ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тугатиш бошқарувчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга: Қонуннинг 102-моддасига асосан қарздорнинг шартнома мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши; қонун ҳужжатлари бўйича (жумладан, Қонуннинг 103-моддасида назарда тутилган асослар бўйича) қарздор томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек, бекор бўлган битимларнинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллашлик тўғрисида даъво тақдим этиш; қарздорни банкротликка олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан талаблар қўйиш (ЎзР ФКнинг 48, 67 моддалари).

Шарҳланаётган модда субсидиар жавобгарлик бўйича талаб ҳажмини аниқлаш тартибини белгилайди. Ушбу талаблар ҳажми кредиторлар талаблари суммаси ва тугатиш массаси ўртасидаги фарқлардан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур модда нормаларига асосан ундирилган сумма тугатиш массасига киритилади ва у Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида белгиланган навбат бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун ишлатилади.

Бироқ айбдор шахсни субсидиар жавобгар шахс сифатида жалб қилиш билан боғлиқ нормаларни қўллаш амалиётда кам учрайди. Биринчидан, учинчи шахсларнинг корхонани банкротликка олиб келишдаги айбли ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) исботлаш лозим; иккинчидан, бунинг натижасида келтирилган реал зарарни фақат- © ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

гина тугатиш массаси шаклантирилгандан кейин аниқлаш мумкин, бундан кўзланган мақсад, кредиторлар талаби суммаси ва тугатиш массаси ўртасидаги фарқни аниқлаш бўлиб, бу фақат тугатишга доир иш юритуви тамомланганидан сўнг мумкин бўлади.

3. Шунингдек, тугатиш бошқарувчиси ўз мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида тугатиш бошқарувчисининг мажбуриятлари кўрсатилган.

— Қарздор мол-мулкни ўз тасарруфига қабул қилиш, уни инвентаризация қилиш ва баҳолаш, шунингдек уни сақлаш бўйича чора-тадбирларни кўриш. Бу шуни англатадики, қарздордан мулкни қабул қилиш, унинг миқдори, сифати ва бошқа хусусиятларини берувчи кўрсаткичларини таҳлил этиш билан боғлиқ бўлган барча чора-тадбирлар тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

131-моддага мувофиқ (ҳатто қарздорни банкрот деб топишдан салгина муддат олдин ўтказилган бўлса ҳам) тугатиш бошқарувчиси мажбурий тартибда қарздорнинг мол-мулкни инвентаризация қилади ва баҳолайди. Бундан ташқари, тугатиш бошқарувчи қабул қилинган мулкни сақлаш бўйича юридик ва фактик чораларни кўриши талаб этилади. Масалан, қарздор мол-мулкни сақлаш мақсадида мол-мулкни кўриқлаш компанияларини жалб этиш, шунингдек учинчи шахсларга сақлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда бериш ва бошқалар;

— қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш. Бу норма Қонуннинг янгилигидир. У тугатишга доир иш юритуvidан ташқи бошқарувга ўтиш имконини берадиган Қонуннинг 141-моддаси билан боғлиқдир. Агар тугатиш бошқарувчиси тугатиш бошқарувчиси томонидан ўтказилган молиявий таҳлил натижасида ташқи бошқарувни қўллаш ҳисобига қарздорнинг тўловга қобилиятини қайта тиклаш имконини берувчи асослар келиб чиқса, бунда тугатиш бошқарувчиси Қонуннинг 141-моддаси иккинчи қисми асосида тегишли чора-тадбирларни кўриши лозим. Бундан ташқари, молиявий аҳвол таҳлили корхонани тўлиқ ёки унинг бир қисмини сотиш, шунингдек, активлар қўшиш мақсадида тугатишга доир иш юритиш таомилнинг турли босқичида амалга оширилиши мумкин;

— кредиторлар йиғилиши ва кредиторлар кўмитасини чақириш Қонуннинг 12 ва 19-моддаларида назарда тутилган қоида билан тартибга солинади;

— қарздорнинг дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлар талабларини тенг миқдорда қоплаш мақсадида уни тугатиш массасига киритиш. Бундай ҳолларда тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг активларини инвентаризация қилишда даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда дебиторлик қарзи тузилиши, дебиторнинг жойлашган жойи, қарзни ундириш имкони бор ёки йўқлиги хусусида хулоса чиқариши лозим;

Қарздор ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тугатиш таомилида ҳимоя қилиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш. Банкрот корxonани тугатиш орқали ўз-ўзидан унинг ходимларини ишдан бўшатиш билан боғлиқ оқибатлар келиб чиқади.

Қонун қарздор мол-мулкни мулкӣ комплекс сифатида сотиш (135-модда), активлар жойлаштириш (137-модда) ёхуд келишув битимларини тузишга йўл қўйишидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бунда ходимларни ишдан бўшатиш шарт эмас. Модданинг мазкур қисми нормасини қўйидагича шарҳлаш мумкин: қарздор ходимларини ишдан бўшатиш тугатиш бошқарувчисининг ҳуқуқи бўлиб ҳисобланса-да, лекин у бу ҳақида ходимларни олдиндан огоҳлантиришга мажбур ҳисобланади. Бундай ҳолларда Қонунда ходимларни ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантириш муддати аниқ белгиланмаган, Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан, тугатиш бошқарувчиси ишдан бўшатиш ҳақида камида икки ой олдин ходимларни огоҳлантириши лозим.

— кредиторлар талаблари бўйича ишлаш, яъни уларнинг талабларини таҳлил қилиш, кредиторлар талаблари реестрини юритиш. Қонунда тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши муддати кўрсатилмаган. Кредиторлар талабларини кўриб чиқиш тартиби ва муддати Қонуннинг 99-моддасида белгиланган қоидаларга аналогия қўллаган ҳолда ҳал этилиши лозим. Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар талабларидан бош тортган ҳолларда, улар келишмовчиликларни судга беришга ҳақли ва бу келишмовчиликлар Қонуннинг 59, 100-моддаларга асосан кўриб чиқилади.

— қарздорнинг учинчи шахслардаги мулкларини қидириш, топиш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш. Ушбу чора-тадбирлар тугатиш массасини шакллантиришга йўналтирилади.

— Қонун ҳужжатлари бўйича қарздорнинг ҳужжатларини мажбурий сақлаш учун архивларга топшириш.

5. Тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ (масалан, 129-модда — тугатиш режасини тузиш, 131-модда — мулкни баҳолаш) тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни зиммасига олиши мумкин.

Бундан ташқари, Қонуннинг 139-моддаси биринчи ва тўртинчи қисмлари кредиторлар қўмитасига ёки кредиторлар йиғилишига (шунингдек суд талабига кўра, хўжалик судига) тугатувчи бошқарувчининг ўз фаолияти, тугатишга доир иш юритуви бошланган вақтида ва давомида қарздорнинг молиявий аҳволи ва мулки ҳақида ҳар ойда ахборот тақдим этиш мажбуриятини белгилайди.

«Суд бошқарувчилари ҳақида Низом»нинг 40—57-бандларида (ЎзР ВМнинг 23.04.2004 йилдаги 138-сонли қарорига илова) тугатиш бошқарувчиси томонидан доимий равишда бажариши лозим бўлган ҳаракатлар рўйхатини белгилайди.

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

6. Тугатиш бошқарувчиси ваколатларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарздорнинг бошқарув органи ёки ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчиси тайинланганидан сўнг уч иш куни ичида унга қарздорнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплар, моддий ва бошқа қимматликларни топширишни таъминлайди. Шу билан бирга қонун қарздорнинг бошқарув органи ёки ташқи бошқарувчи, шунингдек қарздор юридик шахс раҳбари ва якка тартибдаги тадбиркор кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишини белгилайди.

129-модда. Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси

Банкрот юридик шахсни тугатиш режасида қуйидагилар бўлиши лозим:

**банкротнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар;
кредиторларнинг талабларини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва нисбати;**

банкрот мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобга олинганлиги;

сотилиши лозим бўлган мол-мулк рўйхати;

мол-мулкни сотиш санаси, вақти, жойи ва усули;

суд харажатларини тўлаш, тугатиш бошқарувчисига, экспертлар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартлари.

Банкрот юридик шахсни тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши билан келишиб олиниши керак ва режа, агар талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланса, маъқулланган деб ҳисобланади. Агар тугатиш режаси маъқулланмаган бўлса, кредиторлар эса банкрот юридик шахсни тугатишга доир режасини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси ўз режасини тасдиқлайди.

Агар қарздорнинг ўзи банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ташаббускори бўлса, у ўз тугатиш режасини тақдим этишга ҳақли.

Банкрот юридик шахсни тугатишнинг тасдиқланган режаси асосида мол-мулк сотилади ҳамда кредиторларнинг қарздорга қўядиган талаблари ушбу Қонуннинг 133, 134, 135 ва 169-моддаларида белгиланган тартибда қондирилади.

Шарҳланаётган модда кредиторлар йиғилиши билан қарздор юридик шахсни тугатиш режаси бўйича келишиб олишнинг мазмуни ва тартибини белгилайди.

Қарздор юридик шахсни тугатиш режаси — бу тугатиш бошқарувчи томонидан тузиладиган, шу асосда тугатишга доир иш юришти амалга ошириладиган асосий ҳужжатдир.

1. Қарздор-юридик шахсга нисбатан тузиладиган тугатиш режаси тугатиш бошқарувчиси томонидан тузилади. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида тугатиш режасида — банкротнинг молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар, кредиторлар талабларини қондириш шартлари, тартиби, талабларни қондириш навбати ва нисбати, меҳнат жамоаси ва мулкдор манфаатларини ҳисобга олинганлиги, сотувга қаратилган мулклар рўйхати, мулкларни сотиш вақти, санаси, жойи ва тартиби (Қонуннинг 135-моддасига мувофиқ), суд харажатларини тўлаш, тугатиш бошқарувчиси, экспертлар ва бошқа шахслар фаолияти учун ҳақ тўлаш шартлари ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топиши лозим. Қонунда тугатиш режасини ишлаб чиқиш ва келишув тузишнинг аниқ муддати белгиланмаган, бироқ шунга қарамасдан қарздор мол-мулки инвентаризацияси ўтказилгандан ва молиявий фаолияти таҳлилидан сўнг амалга ошириш жозиғи тушунилади. Қарздор мол-мулкни сотиш масалалари режанинг фақатгина бир қисми ҳисобланади ва айнан улар асос бўлиб хизмат қилади, шу боис тугатиш бошқарувчиси сотиш механизмининг амалда татбиқ этиш учун, аввало, кредиторлар йиғилишининг розилигини олиш лозим бўлади. Бундай розиликни олишда ушбу масалалар тугатиш режасида ўз ифодасини топади. Кредиторлар билан келишиш муддати суд ҳужжатларида ҳам белгиланмайди, табиийки бу муддат кўп бўлиши мумкин эмас, умумий тугатиш муддати чегараланган бўлиб, тугатиш бошқарувчиси, шунингдек кредиторлар мулкни реализация қилиш ва ўз талабларини тезроқ қаноатлантиришдан манфаатдордир.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида ташқи бошқарувда режа кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланса, бунда ташқи бошқарувдан фарқли равишда тугатиш режаси фақат кредиторлар йиғилиши билан келишилади деб кўрсатилган. Бундай ҳолларда тугатиш режаси ифодаланаётган кредиторлар талабларининг реестрига талаблари киритилган 2/3 қисмидан кам бўлмаган кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланиши лозимлиги назарда тутилади. Бунда фарқ шундаки, тугатиш режаси бўйича мулк реализация қилинади ва корхона ўз фаолиятини тугатади, ташқи бошқарувда эса ўзини қайта тиклаш ва ўз фаолиятини давом эттириш имконияти бўлади, шу сабабли тугатишда кредиторларнинг кўпчилик овози билан розилигини олиш талаб этилади. Тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши томонидан маъқулланмаган тақдирда кредиторлар тегишли тарзда ўзларининг тугатиш режасини тақдим этишлари мумкин.

Шарҳланаётган моддада тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган тугатиш режаси маъқулланмаган тақдирда, кредиторлар қанча муддатда тугатиш режасини тақдим этишлари мумкинлиги аниқ белгиланмаган. Бундай ҳолларда кредиторларнинг ўзи йиғилиш қарори билан ўз таркибидан тугатиш режасини ишлаб чиқиш масъул шахс белгиланиб, ва режани қайта кўриб чиқиш учун тақдим

этиш муддатини аниқлаши мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу механизмни татбиқ этиш вужудга келган коллизияни бартараф этади, яъни агар кредиторлар ўзлари белгилаган муддатда янги тугатиш режасини таклиф этмасалар, тугатиш бошқарувчиси ўзи томонидан ишлаб чиқилган тугатиш режасини тасдиқлайди.

3. Банкротлик тўғрисидаги иш қарздорнинг ташаббуси билан қўзғатилганда тугатиш режаси қарздор томонидан тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолларда кредиторлар тугатиш режасини икки хил вариантда, яъни тугатиш бошқарувчиси ва қарздор томонидан тақдим этилган тугатиш режаларини кўриб чиқадилар.

Кўриб чиқиладиган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ таклиф этилган режалардан ҳеч бири кредиторлар томонидан маъқулланмаган ҳолатларда, кредиторлар тугатиш режасини ўзлари тақдим этишлари мумкин.

4. Кўриб чиқиладиган модданинг тўртинчи қисмида тасдиқланган тугатиш режасига мувофиқ, банкрот юридик шахснинг мулкни сотиш (Қонуннинг 135-моддаси) ва Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида кўрсатилган тартибда кредиторларнинг қарздорга нисбатан талабларини қаноатлантириш тартиби белгиланган.

130-модда. Тугатиш массаси

Банкрот юридик шахснинг барча активлари, балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини шакллантирувчи асосни ташкил этади.

Тугатиш массасига қуйидагилар кирмайди:

қарздор ходимларининг хусусий мулкидаги мол-мулк;

ишончли бошқарувдаги, қарздор ижара ҳуқуқи асосида фойдаланётган мол-мулк;

гаров нарсаси, ушбу Қонуннинг 133-моддаси назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

қарздорга жавобгарлик асосида сақлаш учун берилган товарлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулк.

Қарздорнинг балансида белгиланганидан бошқа мақсадда, шу жумладан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари бўлса, қарздор банкрот деб эълон қилинган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида улар қолдиқ қиймати бўйича тугатиш бошқарувчиси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига топширилади.

Кўриб чиқиладиган модда юридик шахсни тугатишга доир иш юритиш асосий тушунчалардан бири — тугатиш массаси тушунчасини очиб беради. Тугатиш бошқарувчисининг барча ҳаракатлари тугатиш массасини шакллантиришга йўналтирилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра, тугатиш массаси деганда қарздор банкротнинг балансида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар унинг барча мулки тушунилади. Шу билан бирга тугатиш бошқарувчиси мавжуд мулк билан қаноатланмасдан, учинчи шахсларда бўлган қарздор мол-мулкани аниқлаш ва қайтариш бўйича ишларни амалга ошириши лозим (бундай мажбурият 128-модда тўртинчи қисми саккизинчи хатбошиси билан белгиланган).

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми тугатиш массаси таркибига кирмайдиган мулклар турларини белгилайди. Бу қарздор шахс томонидан мулк ҳуқуқига эга бўлмаган мулклардир, яъни: қарздорнинг ходимлари хусусий мулки бўлган мол-мулк; ишончли бошқарувдаги қарздорнинг ижара ҳуқуқи асосида фойдаланадиган мол-мулк, Қонуннинг 133-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардан ташқари гаров нарсаси (бунда, гаров билан таъминланган талаблар қолдирилгандан кейин пул маблағларининг қолдиғи тугатиш массасига қўшиб қўйилади); қарздорга сақлаш учун ишониб топширилган товарлар; қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мулклар. Ушбу қисмда, алоҳида ўрин гаров нарсаси бўлган мулкка ажратилган. Гаров нарсаси қарздорга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлишига қарамай, Қонуннинг 133-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, гаров нарсасини сотишдан тушган маблағлар тугатиш массасига киритилмай, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондиришга йўналтирилади.

3. Қарздорнинг балансида белгиланганидан бошқа мақсадларда, шу жумладан тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаган ижтимоий ёки коммунал инфратузилма объектлари бўлса, тугатиш бошқарувчиси қарздор банкрот деб эълон қилинганидан бир ой муддат ичида қолдиқ қийматда уларни давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказиши лозим. Бунда ЎзР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори биринчи бандига мувофиқ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Ҳайъати (Коллегия)¹ қарори асосида банкротлик таомили қўлланилаётган корхона белгиланган тартибда ўз балансининг жорий ҳолатига қараб қуйидагиларни ўтказадилар:

— турар жойлар, ётоқхоналар, болалар боғчаси ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектлари — жойлашган жойи бўйича шаҳар ва туман ҳокимиятларининг балансларига;

— умумий фойдаланишдаги ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари (электртармоқ хўжалик объектлари, сув таъминоти, транспорт

¹ Рус тилидаги нашрда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ҳавола қилинган — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Ҳайъати (Коллегия) деб тузатилди.

коммуникациялари ва ҳ.к.) — вазифаларига кўра тегишли хўжалик уюшмалари корхоналари балансига. Қарорнинг ушбу бандига мувофиқ баланسدан балансга берилаётган умумий фойдаланиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қиймати берувчи томон учун қўшилган қиймат солигини ҳисоблашда ва қабул қилувчи томон учун даромад (фойда) солигини ҳисоблаш чоғида солиқ солиш объекти ҳисобланмайди. Кўрсатилган мулкларни ўтказишнинг (беғоналаштиришнинг) бу мулкларнинг қолдиқ қийматга эга бўлиши боис, қолдиқ қиймат ҳисоботини юритиш ва тугатиш массасини аниқ шакллантирилиши учун тугатиш режасида акс этирилиши зарур. Бироқ, бунинг учун кредиторлар йиғилишининг розилиги керак эмас, чунки бу қонун ва қонун ости ҳужжатларида белгиланган.

131-модда. Қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкани инвентаризация қилади ва қийматини белгилайди. Тугатиш бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун баҳоловчилар ва бошқа мутахассисларни, уларнинг хизматлари учун ҳақни, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ҳақ тўлашнинг бошқа манбаи белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўлаган ҳолда, жалб этишга ҳақли. Устав фондида давлат улуши бўлган корхона мол-мулки баҳоланаётганда баҳоловчилар жалб этилиши шарт. Қарздорнинг кредиторлари йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мажбурияти юкланадиган, қилган харажатлари кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланадиган шахсни, агар унинг ўзи рози бўлса, тайинлашга ҳақли.

Агар тугатишга доир иш юритиш жараёнида ҳақ тўлаш кўчмас мол-мулк билан амалга оширилаётган бўлса, мазкур мол-мулк, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, сотишдан олдин баҳоловчини жалб этган ҳолда баҳоланади.

Қарздорнинг гаров нарсаси бўлган мол-мулкани баҳолаш баҳоловчи томонидан мажбурий тартибда ўтказилади.

Шарҳланаётган модда қарздор-банкротнинг мол-мулкани баҳолаш билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солади. Тугатиш бошқарувчисининг инвентаризация ва қарздорнинг мулкани баҳолаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ масалаларга аниқлик киритади. (Қонуннинг 128-моддаси) шунингдек, баҳоловчини мажбурий жалб қилиш ҳолларини белгилайди. Бунда Қонуннинг 110-моддаси учинчи ва саккизинчи қисми ва 135-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ, савдога чиқариш даст-

лабки баҳоларини белгилаш учун баҳолаш лицензияга эга бўлган баҳоловчи томонидан амалга оширилади. Мазкур ҳолларда баҳоловчи баҳолашни амалга оширувчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида жалб этилади, чунки қарздор-корхонада турли хил харажатларни тўлаш учун маблағлар бўлмай, корхона мулки билан ҳисоб-китоб қилишга тўғри келади.

1. Қарздорнинг барча мулки инвентаризация килиниши ва баҳоланиши лозим. Одатда, мол-мулкни баҳолаш, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқа тўлов манбаи белгиланмаган бўлмаса, хизмат ҳақини қарздор мулки ҳисобидан тўлаган ҳолда, тугатиш бошқарувчиси шартнома тузган баҳоловчи томонидан амалга оширилади («Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек, банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкни баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида Низом»нинг 6-банди (Ўз.Р. ВМнинг 18.04.2003 йилдаги 188-сонли қарори билан тасдиқланган). Ундан ташқари, қонун кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига қўрсатилган хизматлар тўловини амалга ошириш мажбурияти юкланадиган, қилган харажатлари кейинчалик қарздорнинг мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланадиган шахсни, унинг розилиги билан, тайинлаш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, биринчи қисмда устав фондида давлатнинг улуши бўлган корхонада давлат улушини назорат қилиш мақсадида баҳоловчи жалб қилиш ва баҳолаш ўтказиш мажбурияти тўғрисида норма мавжуд. (188-сон Низомнинг 6-банди).

2. Кўриб чиқиладиган модданинг иккинчи қисми нормаси баҳоловчи томондан баҳолаш мажбурий амалга ошириладиган ҳолатларни белгилайди: агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқа қоида қўзда тутилмаган бўлса, тугатиш жараёнида тўлов кўчмас мулк орқали амалга оширилса, сотишдан олдин бу мулк баҳоловчи томондан баҳоланиши лозим.

Бу мулкнинг асоссиз баҳода сотилишини ва кредиторлар манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

3. Мазкур модданинг учинчи қисми агар қарздорнинг мулки гаров нарсаси ҳисобланса, баҳоловчи томондан баҳолашни амалга ошириш мажбуриятини назарда тутати. Мазкур норма гаровга олувчининг ва бошқа кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва гаров нарсасини асоссиз баҳоланишини олдини олишга қаратилган.

132-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг ҳисобварақлари

Тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг сўмда иш юритадиган ягона ва валютада иш юритадиган ягона ҳисобварақларидан (бундан буён матнда қарздорнинг ягона ҳисоб-

варақлари деб юритилади) фойдаланиши шарт. Қарздорнинг банкдаги тугатишга доир иш юритиш бошланаётган пайтда маълум бўлган, шунингдек тугатишга доир иш юритиш жараёнида аниқланган бошқа ҳисобварақлари аниқланиши биланоқ тугатиш бошқарувчиси томонидан ёпилиши лозим. Қарздорнинг ана шу ҳисобварақлардаги пул маблағлари қолдиги қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилиши лозим.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида келиб тушган пул маблағлари ҳам қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилади.

Қарздорнинг ягона ҳисобварақларидан кредиторларга тўловлар ушбу Қонуннинг 133, 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади ҳамда қуйидагилар тўланади:

тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;
қарздорнинг коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловлари;

банкротлик таомиллари жараёнида юзага келган маълумотларни эълон қилиш, шунингдек қарздорнинг кредиторларини хабардор қилиш билан боғлиқ харажатлар;

тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг пул маблағларидан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботни кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар кўмитасига уларнинг талабига биноан тақдим этади.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчи барча пул маблағларини бир жойга тўплаш мақсадида қарздорнинг ягона сўм ва валютада иш юритадиган ҳисоб-варақларидан фойдаланиши тартибини белгилайди (қарздорнинг ягона ҳисоб-варақлари).

1. Тугатиш бошқарувчиси янги ягона ҳисобварақ очиши ёки мавжудларининг биттасидан фойдаланиши мумкин. Корхонанинг бошқа ҳисоб-варақлари ёпилиши лозим. Шу муносабат билан тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг барча ҳисоб-варақларини аниқлаши ва уларни ёпиши лозим (қарздорнинг ягона ҳисоб-варағидан ташқари). Бинобарин, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми банкрот деб топилган қарздорнинг банк хизмати шартномасини тузиш ва бажарилишига чекловларни белгилайди. Амалиётда суд бошқарувчиси, одатда, барча ҳисоб-варақларни ёпади ва янги ягона ҳисобварақ (сўм ва валюта) очади, бу кўриб чиқиладиган қисмда ҳам назарда тутилган.

Қарздорнинг қолган ҳисоб-варақларидаги барча пул маблағлар қарздорнинг ягона ҳисоб-варағига ўтказилиши лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми тугатишга доир иш юритиш жараёнидаги маблағлар қарздорнинг ягона ҳисоб-варағига ўтказилишини белгилайди. Бу шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра тугатишга доир иш юритишда тугатиш бошқарувчиси

қарздорнинг ягона ҳисоб-варақдан фойдаланиши лозимлиги билан боғлиқдир.

3. Қарздорнинг ягона ҳисоб-варақлари тугатишга доир иш юритиш жараёнида келиб тушадиган пул маблағларининг йиғиш, шунингдек кредиторларга 133, 134, ва 169-моддаларида назарда тутилган тартибда тўловларнинг амалга оширилиши учун хизмат қилади. Шунингдек, ягона ҳисоб-варақлардан қуйидаги тўловлар амалга оширилади: тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар; қарздорнинг жорий коммунал ва фойдаланиш тўловлари; банкротлик таомили жараёнида хабарлар эълон қилиниши билан боғлиқ бўлган тўловлар; тугатишга доир иш юритиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

4. Тугатиш бошқарувчисининг мажбуриятларидан бири кредиторлар (йиғилиши, қўмитаси) олдидаги пул кирими ва чиқими бўйича ҳисобот ҳисобланади. Тугатиш бошқарувчисининг пул маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботи кредиторлар йиғилишининг (қўмитасининг) талаби бўйича ҳар қандай пайтда тақдим этилиши лозим.

133-модда. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулки (гаров нарсаси) сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу маблағлар қолдиғи кредиторларнинг талабларини ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбат тартибида қондиришга мўлжалланади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўла қондириш учун етарли бўлмаса, унда талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбат тартибида қондирилиши керак.

Агар қарздорнинг бутун мол-мулки гаров нарсаси бўлса ва гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров нарсасини) сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг назарда тутилган харажатлар қопланганидан ва талаблар қондирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда гаров билан таъминланган кредиторларнинг талабини қондириш тартибини белгилайди. Аввал таъкидланганидек, (130-модда), гаров нарсаси ҳисобланмиш мол-мулк тугатиш массасига кирмайди. Мазкур мол-мулкни инвентаризация қилиш,

баҳолаш ва сотиш тугатишга доир иш юритиш жараёнида алоҳида амалга оширилади.

1. Гаров нарсасини сотишдан олинган маблағ тугатиш массасига киритилмайди ва биринчи навбатда гаров орқали таъминланган талабларни қондиришга қаратилади. Гаровга қўйилган мулк гаровнинг нархидан қимматроқ сотилса, сотиш баҳоси ва гаров баҳоси ўртасидаги фарқ тугатиш массасига қўшилади ва Қонуннинг 134-моддаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

2. Кўриб чиқиладиган модданинг иккинчи қисмида талаблари гаров билан таъминланган кредиторлар билан сотиш баҳоси гаров суммасидан кам бўлган ҳолларда, ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланади. Мазкур ҳолларда тугатиш бошқарувчиси талабнинг қолган қисмини Қонуннинг 134-моддаси тўртинчи қисми нормасига мувофиқ тугатиш массаси ҳисобидан қоплайди, гаров эса бекор қилинган деб ҳисобланади («Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси).

Шуни назарда тутиш жоизки, банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатишда гаровга олувчининг ўзи гаровга қўйилган мулкдан ундириш мумкин бўлмайди. Шунинг учун банкротлик тўғрисидаги ишда «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг 27, 28-моддалари нормалари қўлланилмайди. Гаров нарсасининг сотилиши фақатгина қонунда ўрнатилган тартибда суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Гаров институти банкротлик тўғрисидаги ишда алоҳида мақом ва афзаликка эгалигини ва фуқаролик-ҳуқуқий маънода оддий гаровдан фарқ қилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Ундан ташқари, банкротлик тўғрисидаги ишда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 79, 80-моддаларида назарда тутилган қондириш кетма-кетлиги қўлланилмайди. Шундай қилиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, гаровга олувчи банкротлик тўғрисидаги ишда ўз талабларини қаноатлантиришда бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзга эгалигини ҳисобга олган ҳолда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича гаров институти «Гаров тўғрисида»ги ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунларидагидан фарқли ўлароқ, махсус мақомга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, гаров билан таъминланган кредитор пул талабларининг ўрнига гаров нарсасининг ўзини талаб қилиши мумкин (Гаров тўғрисидаги Қонуннинг 29-моддаси). Кредиторлар йиғилиши рухсати билан тугатиш бошқарувчиси бунга йўл қўйиши мумкин. Бироқ Қонуннинг 131-моддаси учинчи қисми нормасига мувофиқ, шундай савол туғилади: гаровдаги мулкни баҳолашнинг суммаси гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган суммадан юқори бўлса, бу муаммо-

ни, афсуски, қонунчилик тартибга солмайди. Агар баҳолаш суммаси гаровга қўйилган нарсанинг бахосидан юқори бўлса, у ҳолда ушбу нарсани сотиш лозим. Чунки нафақат талаблари гаров билан таъминланган кредиторлар, балки колган кредиторлар ҳам ўз талабларини қондиришлари мумкин.

3. Мазкур модданинг учинчи қисми янги бўлиб, у 2005 йил 20 декабрдаги ЎРҚ 15-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кучга кирган. Мазкур норма фақатгина қарздор-корхонанинг барча мулки гаров нарсаси бўлган ҳолларда қўлланилади. Бунда агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул гаров билан таъминланган талабларни қондиришга етарли бўлмаса, ёхуд кредиторларнинг талаб суммасига тенг бўлса, унда бундай кредиторларнинг талабини қондириш фақат навбатдан ташқари харажатлар ва иш ҳақи бўйича қарзлар қоплангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Қарздорнинг барча мулки гаров нарсаси бўлган ҳолларда ва уни сотишдан олинган сумма гаров билан таъминланган талаблар суммасига тенг бўлса, ёки ундан кам бўлса, кўриб чиқилаётган модданинг биринчи қисмини ҳисобга олган ҳолда, маблағ энг аввало мазкур гаров билан таъминланган талабларга қаратилади, 134-модда биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ва иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги талаблар қондирилмайди ва кредиторларнинг ушбу талаблари бўйича манфаатлари ҳимоя қилинмайди. Қарздорнинг ходимларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шарҳланаётган модда гаров нарсаси қарздорнинг барча мол-мулки бўлган ҳолда ва гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан келиб тушган сумма кам ёки кредиторлар талаби суммасига тенг бўлса, унда гаров орқали таъминланган талабларни қондиришдан олдин олинган маблағ 134-модда биринчи қисмида назарда тутилган талаблар ва иш ҳақини тўлаш бўйича талабларни қондиришга қаратилади.

134-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш навбати

Суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкни суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Мажбурий тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисоб-

варақдан пул маблағларини ўтказишни ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил — тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари биринчи навбатда қондирилади.

Мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар иккинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари учинчи навбатда қондирилади.

Кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари тўртинчи навбатда қондирилади.

Акциялар эгаларининг талаблари бешинчи навбатда қондирилади.

Қолган барча талаблар олтинчи навбатда қондирилади.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади.

Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

Охириги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий нашрда махсус хабар эълон қилинади.

Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолган қолдиғини, шунингдек тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкни тугатилаётган қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-мулкнинг эгаси олади.

Мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талабларини қондиришни (гаров билан таъминланган кредиторлар талабидан ташқари), шунингдек тугатишга доир иш юритиш харажатларини қоплаш тартибини тартибга солади. Бундай ҳолда, ФК 56-моддаси нормаси қўлланилмайди, чунки қонун бошқа навбатни белгилайди.

Модданинг энг муҳим жиҳатларини таъкидлаймиз:

— Ҳар қандай навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қондирилгандан кейингина қондирилади. Шундай қилиб, ушбу модда нормаси навбатдан ташқари ёки қонунда белгиланган навбатни бузган ҳолда кредиторларнинг талабларини қондиришни тақиқлайди.

— Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади.

— Мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган талаблар қаноатлантирилган ҳисобланади.

Қонуннинг мазкур талабларининг бажарилиши тугатишга доир иш юритишнинг тушунчасини белгилашда 3-модданинг ўн тўртинчи хатбошисида кўрсатилган кредиторлар талабларини қондирилиши мутаносиблиги принципини бажарилишини англатади.

1. Модданинг биринчи қисми навбатдан ташқари тўловларга қуйидагиларни киритади: суд харажатлари, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловлар, қарздорнинг мол-мулкни суғурта қилиш харажатлари, шунингдек, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир (жорий тўловларга кирадиган) талаблар қопланади. Банкротликка оид иш қўзғатилганидан кейин корхонани банкрот деб эълон қилингунга қадар келиб чиққан ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги эълонда талабларни тақдим қилиш учун белгиланган муддат (икки ойдан кам бўлмаган муддат) ўтгандан кейин тақдим этилган кредиторлар талаблари ҳамда тугатиш таомили бошлангандан кейин келиб чиққан мажбурий тўловлар бўйича талабларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур бўлиб, Қонуннинг 138-моддаси учинчи қисмига кўра, улар олтинчи навбатда қаноатлантирилади.

Шунингдек, ҳаёт ёки соғлиққа зиён етказишдан келиб чиққан талаблар ҳам навбатдан ташқари амалга оширилади.

Қарздор ҳаёти ёки соғлигига зарар етказгани учун жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳисоб-китоби ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги ЎЗР ВМнинг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарни қоплашда тугатиш бошқарувчиси ЎЗР ФК 105-моддасига мувофиқ, жабрланувчига тўлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ, пул маблағларининг капиталлаштиришни амалга оширади. Капиталлаштиришга йўналтирилган пул маблағининг суммасини ҳисоблаш белгиланган қоидаларга мувофиқ, қарздорнинг ушбу мақсадлар учун етарли маблағи бўлган ҳолларда амалга оширилади. Суд бошқарувчиси зарур маблағни ҳаётига ёки соғлигига зарар етказишда қарздор жавобгар бўлган шахсларга ойлик тўловлар учун ваколатли органнинг махсус ҳисоб-варағига ўтказди. Қарздорнинг мол-мулки етишмаганлиги учун капиталлаш-

тириш мумкин бўлмаган ҳолларда, зарарни қоплаш учун пул маблағларини тўлаш давлат ҳисобидан амалга оширилади (ЎЗР ФК 1015-моддаси тўртинчи қисми).

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар, мазкур моддада кўрсатилмаган бўлса-да, навбатдан ташқари қаноатлантирилади (ЎЗР ФК 1021, 1022-моддалари).

2. Модданинг иккинчи қисми биринчи навбатдаги талабларни қондириш тартибини белгилайди. Мазкур талабларга қуйидагилар киради: мажбурий тўловларни ҳамда иш ҳақи учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича (бухгалтерлик ҳужжатлари, шунингдек, тўлов ҳужжатларини тасдиқлашда ижро варақаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар), алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисоб-варақдан пул ўтказиш ёки тўлаш бўйича ижро ҳужжатлари (Оила кодексининг 137-моддаси), муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлари ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари биринчи навбатда қондирилади. Ўзбекистон Республикасида иш ҳақини тўлаш тўлов ведомостларига кўра амалга оширилиши муносабати билан мазкур ҳисоб ҳужжатлари шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган пул маблағларини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларига киради.

3. Мазкур модданинг учинчи қисми иккинчи навбатдаги талабларни қондириш тартибини белгилайди. Бу талаблар: мажбурий сугурта бўйича талаблар (ЎЗР ФКнинг 922-моддаси), шунингдек банкларнинг кредитлари (ЎЗР ФКнинг 744-моддаси) ва банк кредитлари сугуртаси бўйича талаблар ҳисобланади.

4. Модданинг тўртинчи қисми учинчи навбатдаги талабларнинг қаноатлантирилиши тартибини белгилайди. Буларга кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари киради. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, кредиторларнинг талаблари, шунингдек, гаров билан таъминланган талаблари қондирилса-да, бироқ гаров мулкани сотишдан олинган пул бундай кредиторлар талабларини қондиришга етарли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу моҳиятан талаб гаров билан таъминланмагандек туюлади. Бу ҳолда, 133-модда талабларини ҳисобга олган ҳолда, яъни гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма етарли бўлмаса, унда талабларнинг қолган қисми зарур навбатда тугатиш массасини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу ерда бир муаммо келиб чиқади. Кўрилатган модданинг 8-қисмига кўра, ҳар қайси навбат бўйича талаблар

олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади. Гаровдан ҳоли бўлган мол-мулк сотилганда, бироқ гаровга берилган нарса сотилмаганда кредиторларнинг фақат биринчи ва иккинчи навбатдаги талаблари қондирилиши мумкин. Яъни тугатиш бошқарувчиси гаровда турган нарса қанчага сотилиши мумкинлигини, шунга боғлиқ ҳолда, учинчи навбатнинг ишлаши ёки ишламаслигини билмайди. Амалиётда асосан олдин барча мол-мулк сотилиб, тугатиш массаси шакллантирилади, кейингина кредиторлар билан ҳисоб-китоб бошланади.

5. Мазкур модданинг бешинчи қисми тўртинчи навбат талабларини акс эттиради: бу кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларидир.

6. Олтинчи қисм бешинчи навбатдаги талабларни қондириш тартибини белгилайди. Бундай талабларга акциялар эгаларининг талаблари киради. Ушбу қисм кўрсатмаси фақатгина акциядорлик жамиятларининг акциялар эгалари ҳақида эмас, бу ерда муассислар (иштирокчилар), қарздор-корхона мол-мулки эгаларининг нафақат акциядорлик жамияти шаклида, балки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган дивидендни олиш тўғрисидаги талаблари назарда тутилади. Уларнинг иштирокидан келиб чиқувчи улушни ажратиш тўғрисидаги (ёки қолган мол-мулкни олиш тўғрисидаги) талаблар эса мазкур талабларга тегишли эмас. Бу талаблар Қонуннинг 103-моддаси тўртинчи қисмидан ташқари ҳолларда кредиторларнинг барча талаблари қондирилганидан кейин қондирилиши мумкин. (Қонуннинг 134-модданинг иккинчи қисми).

7. Модданинг еттинчи қисми олтинчи навбатдаги талабларни қондириш навбатини белгилайди. Бундай талабларга қолган барча талаблар киради. Мазкур қисм 138-модданинг учинчи қисмига мутаносибдир. Бу талабларга тугатишга доир иш юритиш бошланишидан олдин пайдо бўлган, бироқ тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақидаги эълонда кредиторлар талабларини тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин тақдим этилган талаблар ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланишидан кейин вужудга келган мажбурий тўловлар бўйича талаблар киради. Қонуннинг 103-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ тўлов тўғрисидаги улушни тўлаш (ажратиш) тўғрисидаги битим ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, томон (муассис, мулкдор) бундай битим бўйича олтинчи навбатдаги кредитор бўлиб ҳисобланади.

8. Шарҳаланаётган модданинг саккизинчи қисми ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилгандан кейин қондирилишини белгилайди. Агар мол-мулк етарли бўлмаса, ушбу модда тўққизинчи қисмида белгиланган қоида қўлланилади. Шунга ўхшаш норма Қонуннинг 138-моддаси тўртинчи қисмида ҳам белгиланган.

9. Мазкур модданинг тўққизинчи қисми ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилишини белгилайди. Истисно ҳоллар сифатида қарздор мол-мулкни тижорат банкига ЎзР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори бўйича ўтказиш тушунилади. Унда банкнинг Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган талабларни тўлиқ ҳамда иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлиқ узиши мажбурий шарт бўлиб ҳисобланади.

10. Шарҳланаётган модданинг ўнинчи қисми охириги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий нашрда махсус хабар эълон қилинишини назарда тутати. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича ҳар қандай эълон Қонуннинг 52, 53-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисида хабар қилиниши зарурати қонунда назарда тутилмаган.

11. Шарҳланаётган модданинг ўн биринчи қисмига мувофиқ, мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолган қолдиғини, шунингдек тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкни тугатилаётган қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-мулкнинг эгаси олади. Бунда тугатилаётган қарздор акциядорлик жамияти бўлса, пул маблағлари ва мол-мулкни тақсимлаш Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 103-моддасига биноан амалга оширилади. Мазкур шахслар томонидан қолдирилган мулкка бўлган ҳуқуқ билдирилмаган ҳолларда у давлат ҳокимияти органларига берилиши лозим. (Қонуннинг 143-моддаси биринчи қисми).

12. Мол-мулк етарли бўлмагани учун қондирилмаган кредиторларнинг талаблари Қонуннинг 138-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилгани тартибда қопланган ҳисобланади.

135-модда. Қарздорнинг мол-мулкни сотиш

Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси, ушбу мол-мулкни очиқ кимошди савдосида сотишга киришади.

Қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Агар тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ўз таклифларини кредиторларга тақ-

дим этган пайдан эътиборан бир ой ичида қарздорнинг мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд тугатиш бошқарувчиси юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига муурожаат этишга ҳақли. Мазкур келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунларига қараб хўжалик суди ё мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатларини (жадвалини) тасдиқлайди ёки тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилади.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида мол-мулкни сотиш муддатларига (жадвалига) ўзгартишлар киритишни талаб этувчи ҳолатлар юзага келса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар юзага келган пайдан эътиборан бир ойлик муҳлат ичида муддатларни (жадвални) ўзгартириш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига тақдим этиши шарт.

Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки фақат ёпиқ кимошди савдосида сотилиши мумкин. Ёпиқ кимошди савдосида қонунга мувофиқ мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирок этадилар.

Тугатиш бошқарувчиси кимошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўриши ёки кимошди савдосини ўтказишни ихтисослаштирилган ташкилотга шартнома асосида топшириши мумкин. Кимошди савдосини ўтказувчи ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва тугатиш бошқарувчисига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Қарздорнинг корхонасини (бизнесини) ёки мол-мулкнинг бир қисмини сотиш ушбу Қонуннинг 110 ва 111-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг мулкни сотилишини тартибга солади. Модда мол-мулкни сотишни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тугатиш бошқарувчисининг муайян ҳаракатлари тартибини кўзда тутади.

1. Модданинг биринчи қисми нормасига мувофиқ, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси ушбу мол-мулкни очиқ кимошди савдосида сотишга киришади (131-модданинг шарҳига қаранг). Моддада ҳам кўрсатилганидек, қарздор мол-мулки қонунга кўра очиқ кимошди савдосида сотилади.

Кимошди савдосини ўтказишдан истисно сифатида Қонуннинг 135-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилган ёпиқ кимошди савдосини ўтказиш қоидаларини айтиш мумкин. Ундан ташқари, мол-мулк Қонуннинг 130-моддасининг учинчи қисмига биноан маҳаллий дав-

лат ҳокимияти органлари балансига топширилса, кимовди савдоси умуман ўтказилмайди.

Мол-мулк сотишнинг ўрнатилган тартибидан истисно ҳолат сифатида, айрим банклар талабларини қондириш ҳисобланади. ЎЗР ВМ томонидан 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарори қабул қилинган. Унинг тўртинчи бандига мувофиқ, агар тижорат банки кредитор қарз бўйича умумий сумманинг 70 ва ундан кўп фоизи талабига эга ҳисобланган тақдирда, ушбу кредитор гаров нарсаси ҳисобланган мол-мулкдан ташқари, қарздор корхонаси (мол-мулки)ни ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, қарздор-корхонани банк мулкига ўтказиш банкнинг корхонанинг навбатдан ташқари харажатларини қоплаш (Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисми) ва корхона ходимларининг иш ҳақини тўлаши шарти билан амалга оширилади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 142-сонли қарори 38-бандида ҳам берилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПП-56-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банклари томонидан бу усул билан орттирилган мулкка унинг янги мулкдори томонидан сотилгунга қадар ер ва мулк солиғи солинмайди.

2. Модданинг иккинчи қисмида қарздорнинг мол-мулки инвентаризация ва баҳолаш ўтказилгандан сўнг тугатиш бошқарувчиси мулкни сотиш (жадвали) тартиби ва муддати бўйича ўзининг таклифини тақдим этиши шартлиги белгиланади. Ушбу тақлиф келгусида тугатиш режасига киритилади (агар тугатиш режаси мулкни сотиш жадвалини ва тартибини ишлаб чиқиш билан бир пайтда тузилмаган бўлса). Кредиторлар йиғилиши (кўмитаси)да қарздор мулкни сотиш тартиби ва муддати (жадвали) маъқулланган бўлиши керак. Афсуски, Қонун кредиторлар йиғилишига (кўмитасига) тугатиш бошқарувчисининг мол-мулкни сотиш бўйича таклифларини тайёрлаш ва юборишнинг муайян муддатини белгилаб бермайди. Бизнинг фикримизча, амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ушбу муддат мол-мулкни инвентаризацияси ва баҳолаш ўтказилганидан сўнг икки ҳафтадан ошмаслиги лозим.

Тугатиш бошқарувчиси томонидан тугатиш режасида назарда тутилмаган у ёки бу битимни тузилганда қарздорнинг мулкни тасарруф қилиш масаласи шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми билан тартибга солинади.

Тугатиш режасида бир неча бандлар (Қонуннинг 129-моддаси), шу жумладан, мол-мулкни сотиш тўғрисидаги банд ҳам мавжуд экан, унда дастлаб айнан жадвал ва тартибга тегишли масалани ҳал қилиш, кейин кредиторлар маъқуллаган тугатиш режасига киритиш лозим. Буни кредиторлар йиғилишининг бошланишида кўриб чиқиш мумкин, тугатиш режасини тасдиқлаш масаласини эса йиғилиш сўнгида (ёки бошқа йиғилиш ўтказиш орқали) кўриб чиқиш мумкин.

© ЎЗР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми тугатиш бошқарувчиси ва кредиторлар орасида тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздор мол-мулкни сотиш муддатлари ва тартибини белгилашдаги келишмовчиликларни ҳал қилиш тартибини белгилайди. Кўрсатилган тартиб ва муддат режада мавжуд бўлиб, шунинг учун суд томонидан янги режанинг тузилишига эҳтиёж йўқ.

Кредиторларга мол-мулкни сотиш тартиби ва муддати бўйича таклиф киритилгандан кейин бир ой муддат ўтгач, кейин тугатиш бошқарувчиси ва кредиторларда мулкни сотиш бўйича таклифни кўриб чиқиш учун хўжалик судига муурожаат қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Шундай қилиб, агар кредиторлар йиғилиши ёки кўмитаси тугатиш бошқарувчиси таклиф қилган қарздор мол-мулкни сотиш муддати ва тартибига рози бўлмаса, ёки кредиторлар йиғилиши (кўмитаси) белгиланган муддатда ушбу масала бўйича ҳеч қандай қарорга келмаган бўлса, тугатиш бошқарувчи ёки кредиторлар (кредиторлар мажлиси ёки кўмитаси номидан) юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш учун хўжалик судига муурожаат қилишлари мумкин. Кредиторнинг ўзи кредиторлар йиғилиши ёки кўмитаси розилигисиз бу ҳаракатни амалга ошира олмайди. Хўжалик суди кўрсатилган келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунига кўра мол-мулкни сотиш тартиби ва муддатини тасдиқлайди ёки тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасидан озод қилади. Шу билан биргаликда, суд бу келишмовчиликларни қандай муддатда кўриб чиқади деган савол туғилади. Модданинг ўзи буни белгиламайди. Бунда Қонуннинг 59-моддаси нормаларини қўллаш ўринлидир, чунки сўз тугатиш бошқарувчиси ва кредиторлар ўртасидаги келишмовчиликлар тўғрисида боради.

4. Қарздорнинг мол-мулкни сотиш бўйича тугатишга доир иш юритиш тадбирларини олиб борилишида кредиторлар йиғилиши ва кўмитаси томонидан кўрсатилган муддат ва тартибда сотилишига тўсиқ бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, тугатиш бошқарувчисида мол-мулкни сотиш муддати ва тартибига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилишига (кўмитасига) унинг вужудга келган пайтидан бошлаб бир ой муддатда тақдим этиш мажбурияти юзага келади.

5. Модданинг бешинчи қисми қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки сотишдаги бошқа тартибларни белгилайди. Умумий қоидадан фарқли равишда, қарздорнинг мол-мулки очиқ кимошди савдосида сотилган ҳолларда, чекланган муомала қобилияти чекланган мулк ёпиқ кимошди савдосида сотилиши лозим. Мазкур кимошди савдосида қонунга мувофиқ кўрсатилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни олиши мумкин бўлган шахслар иштирок этадилар.

6. Қарздорнинг мол-мулкани сотишни ташкилотчиси бўлиб, тугатиш бошқарувчисининг ўзи ёки у сотиш учун жалб қилган махсус ихтисослаштирилган ташкилот бўлиши мумкин. Ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилишда шарҳланаётган қисм қуйидаги шартни қўяди: мазкур ташкилот қарздор ёки тугатиш бошқарувчисига нисбатан манфаатдор бўлмаслиги лозим.

Ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қарздорнинг мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланади.

7. Модданинг еттинчи қисми тугатишга доир иш юритуви жараёнида корхона-бизнеснинг сотилиши 110-моддада ўрнатилган тартибда, мол-мулкнинг бир қисмини сотиш эса Қонуннинг 111-моддаси талабларига мувофиқ амалга оширилишини белгилайди. Банкрот корхонанинг мулкани ЎзР ВМнинг 2003 йил 18 апрелдаги 188-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкига тақдим этиш истисно ҳолат бўлиши мумкин.

136-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси томонидан қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, очик кимошди савдосига қўйишга ҳақли.

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очик кимошди савдосида сотиш ушбу Қонуннинг 112-моддасида назарда тутилган нормаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотиш тартибини белгилайди.

1. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқлари — унинг активининг таркибий қисмларидан биридир ва у тугатиш массаси таркибига киради. Шунга кўра, Қонун тугатиш бошқарувчисига агар кредиторлар йиғилиши бошқача тартибни белгиламаган бўлса, қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини унинг мол-мулки сингари очик кимошди савдосига қўйиш ҳуқуқини беради.

2. Модданинг иккинчи қисми тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини очик кимошди савдосида сотиш ташқи бошқарувдаги нормаларга риоя этилган ҳолда, яъни Қонуннинг 112-моддаси талабларига биноан амалга оширилишини назарда тутаяди.

Шу билан бирга, қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларини сотишнинг қонун ҳужжатларида тартибга солинган механизми йўқлиги бундай операцияларни ўтказишни сезиларли даражада қийинлаштиради.

137-модда. Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, башарти шундай қарор қабул қилинишини ёқлаб барча кредиторлар овоз берган бўлса, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ қарздорнинг активлари ўрни алмаштирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида қарздорнинг активларини жойлаштириш учун қарздор мол-мулки эгасининг ёки қарздорнинг тегишли битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган бошқарув органининг розилиги талаб қилинмайди.

Қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш ушбу Қонуннинг 112-моддасида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказилади.

Шарҳланаётган модда худди ташқи бошқарувда бўлгани каби (Қонуннинг 115-моддаси шарҳига қаранг) тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг активлари ўрнини алмаштиришни амалга ошириш мумкинлигини белгилайди.

Мазкур операциянинг мазмуни шундан иборатки, суд бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулки асосида бир ёки бир неча очиқ акциядорлик жамиятлари тузиши мумкин, бунда ушбу мол-мулк қайта тузилган жамиятларнинг устав фондига киритилиб, қарздор ўз мол-мулкининг ўрнига янги тузилган акциядорлик жамиятлари акцияларини қўлга киритади. Янги акциядорлик жамиятининг акциялари, шу жумладан қимматли қоғозлар бозорида ҳам сотилиб, қўлга киритилган пул маблағлари кредитор реестрида ифодасини топган кредиторлар талабларини қоплашга йўналтирилади. Акция эгалари қарздор мол-мулкини олган юридик шахснинг акционерларига айланадилар, лекин қарздордан фарқли равишда бу юридик шахснинг қарзи бўлмайди.

1. Ушбу модданинг биринчи қисмида активларни ўрнини алмаштиришни ўтказиш учун кредиторлар талаблари реестрига киритилган барча кредиторлар овоз беришлари лозим (тегишлича, реестрга киритилмаган кредиторлар овоз бериши мумкин эмас). Овоз бериш натижаларига кўра баённома тузилади. Кредиторлар йиғилиши баённомасини расмийлаштириш Қонуннинг 10-моддаси ўнинчи қисмига мувофиқ, бюллетенларда амалга оширилади, чунки овоз бериш, одатда, бюллетенлар бўйича ўтказилади.

2. Иккинчи қисмда тугатишга доир иш юритишда активларни ўрнини алмаштиришни ўтказишнинг ташқи бошқарувдагидан сезиларли фарқи мавжуд. Агар 115-моддада қарздор мол-мулки баҳоси унинг қарзидан юқори бўлса, активлар ўрнини алмаштириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш учун қарздор мол-мулки эгаси ёки таъсис

хужжатларига биноан тегишли битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга қарздорнинг ваколатли бошқарув органи розилиги талаб қилинади. Аммо тугатишга доир иш юритиш жараёнида активларни ўрнини алмаштириш ўтказилаётган бўлса, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига асосан бундай розилик талаб қилинмайди.

3. Модданинг учинчи қисмига биноан, тугатишга доир иш юритишда активларни ўрнини алмаштириш ташқи бошқарувда (Қонуннинг 115-моддаси) бўлган тартиб ва шартларда ўтказилади, аммо иккинчи қисмда 115-модда талабларидан сезиларли фарқлар кўрсатилган.

138-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар

Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар билан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ ҳисоб-китоб қилади.

Пул маблағларини кредиторнинг ҳисобварағига ўтказиш имконияти бўлмаса, унга тегишли сумма қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) нотариус ёки суд депозитига тугатиш бошқарувчиси томонидан ўтказилиб, бу ҳақда кредиторга хабар қилинади. Мазкур сумма нотариус ёки суд депозитига ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида кредитор томонидан олинмаса, бу сумма тегишинча нотариус ёки суд томонидан давлат бюджетига ўтказилади.

Тугатишга доир иш юритишни бошлашнинг эълон қилинган маълумотда белгиланган кредиторлар талабларини тақдим этиш муддати тугаганидан кейин кредиторлар томонидан билдирилган талаблар, шунингдек тугатишга доир иш юритиш бошланганидан кейин юзага келган мажбурий тўловлар бўйича талаблар, улар қайси муддатда тақдим этилганидан қатъи назар, қарздорнинг белгиланган муддатда билдирилган кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкларидан қондирилади. Бундай талабларни қарздорнинг кредиторларнинг белгиланган муддатда билдирилган талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулкидан қондириш навбати ушбу Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ белгиланади.

Қондирилган талаблар, шунингдек воз кечиш ҳақи тўғрисида битимга эришилган талаблар ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан ҳисобга олиниши билдирилган ёхуд мажбуриятларни тугатишнинг бошқа асослари бўлган талаблар кредиторларнинг қаноатлантирилган талаблари деб ҳисобланади. Талабни ҳисобга олиш, шунингдек воз кечиш ҳақи орқали талабни қаноатлантиришга фақат билдирилган талабларни қондиришнинг навбати ва нисбати принципига риоя этилган тақдирда йўл қўйилади. Воз кечиш ҳақи тўғрисида битим имзолаш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга мазкур битим кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси билан келишилган тақдирда йўл қўйилади. Тугатишга доир иш юритишда қарздорнинг маж-

буриятларини янгилаш тўғрисида битим тузиш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўл қўйилмайди.

Кредиторларнинг қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган талаблари ҳам қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланади. Тугатиш бошқарувчиси томонидан кредиторларнинг тан олинмаган талаблари ҳам, агар кредитор хўжалик судига мурожаат этмаган бўлса ёки бундай талаблар хўжалик суди томонидан асоссиз деб топилган бўлса, қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланади.

Тугатиш бошқарувчиси кредиторларнинг талаблари реестрига кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб кредиторлар реестрига қатъий амал қилган ҳолда ва Қонуннинг 133, 134, 169 моддаларида белгиланган навбатда амалга оширилиши зарур.

2. Айрим ҳолатларда пул маблағларини кредиторнинг ҳисобига ўтказишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Ўз навбатида муайян навбат бўйича кредитор талабларни қондиролмаслик, кейинги навбатдаги кредиторлар талаблари қондирилишини ҳам тўхтаб қолишига олиб келади, Қонуннинг 134 моддаси саккизинчи қисмига биноан эса ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади. Бундай вазиятда тугатиш бошқарувчиси ушбу модда иккинчи қисми нормасига асосан кредитор талаби бўйича унга тегишли пул маблағини қарздор турган (яшайдиган) жойдаги нотариус ёки суд депозитига кредиторга маълум қилган ҳолда ўтказилади.

Агар ушбу сумма кредитор томонидан уч йил мобайнида нотариус ёки суд депозитидан олинмаса, тегишли нотариус ёки суд томонидан давлат бюджетига ўтказилади.

3. Ушбу модданинг учинчи қисми тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги нашрда белгиланган кредиторлар талабларини билдириш муддати ўтгандан кейин мурожаат этган кредиторлар талабларини шунингдек, тугатишга доир иш юритиш бошлангандан сўнг юзага келган мажбурий тўловлар бўйича талабларни қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солади. Бундай талаблар, улар тақдим этиш муддатидан қатъи назар белгиланган муддатда мурожаат этган кредиторлар талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган қарздор мол-мулки ҳисобидан қондирилади. Шу боис, Қонун 134-моддага ҳавола этиб, ушбу талабларнинг олтинчи навбатда қаноатлантирилишини белгилайди.

4. Модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кредиторларнинг қандай талаблари қондирилган деб топилиши ёритилади. Хусусан © ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

сан, кредиторларнинг тўлиқ қаноатлантирилган талаблари қондирилган ҳисобланади. Агар кредиторлар талаблари бўйича воз кечиш ҳақи тўғрисида келишув тузилган бўлса ёки тугатиш бошқарувчи талабни ҳисобга олиш ҳақида мурожаат қилган бўлса ёхуд мажбуриятларни тугатиш учун бошқа асослар мавжуд бўлса ҳам, улар қаноатлантирилган деб ҳисобланади. Талабни ҳисобга олишни ўтказиш чоғида, шунингдек, воз кечиш ҳақи тўғрисида битим тузиш йўли билан талабни қондириш чоғида кредиторлар талабларини қондиришнинг қонунда белгиланган навбати тамойили (134-модданинг саккизинчи қисми) ва мутаносиблик тамойилларига (134-модданинг тўққизинчи қисми) амал қилиш лозим. Кўриб чиқиладиган модда қисмининг кейинги талаблари ҳам жуда муҳим. Воз кечиш тўғрисида келишув тузилишига фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси розилиги билан йўл қўйилади. Тугатишга доир иш юрит-иш жараёнида қарздорнинг мажбуриятларини янгилаш тўғрисида битим тузиш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги модда нормасига эътибор бериш лозим.

5. Шунингдек, қарздор мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қондирилмаган талаблар ҳам қаноатлантирилган талаблар деб ҳисобланади. Агар кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан тан олинмаган бўлса ва кредитор хўжалик судига мурожаат қилмаган бўлса ёки ушбу талаблар хўжалик суди томонидан асоссиз деб топилган бўлса ҳам улар қаноатлантирилган талаблар деб топил-лади.

6. Олтинчи қисмга мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси томонидан кредиторларнинг талаблари реестрига ҳар бир кредитор талаби қаноатлантирилганлиги ва қондириш усули ҳақидага маълумотлар кири-тилиши лозим.

139-модда. Тугатиш бошқарувчисининг фаолиятини назорат қилиш

Тугатиш бошқарувчиси ҳар ойда камида бир марта кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар қўмитасига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдаги ва иш юритиш жараёнидаги мол-мулки тўғрисида ахборот, шунингдек, бошқа ахборот тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботида қуйидагилар бўлиши керак:

шакллантирилган тугатиш массаси тўғрисидаги, шу жумладан қарздорнинг мол-мулкани инвентаризация қилиш жараёни ва якунлари тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг ягона ҳисобварағига тушган пул маблағларининг суммаси, мазкур тушумларнинг манбаи тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш жараёни ҳақидаги маълумотлар, мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммалар кўрсатилган ҳолда;

учинчи шахсларга нисбатан қарзни ундириш ҳақида тугатиш бошқарувчиси томонидан қўйилган талаблар, шу жумладан суд тартибидан қўйилган талаблар миқдори ва суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, шунингдек қарздорнинг учинчи шахслар эғалигида турган мол-мулкни аниқлаш ва талаб қилиб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортилишини билдиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг кредиторларнинг талаблари реестрини юритишга оид иши тўғрисидаги маълумотлар, кредиторларнинг реестрга киритилган талабларининг умумий миқдорини ва ҳар бир навбат бўйича талаблари миқдорини алоҳида-алоҳида кўрсатган ҳолда;

қарздорнинг тугатишга доир иш юритиш даврида ўз фаолиятини давом эттираётган ходимлари ҳамда қарздор билан тузилган меҳнат шартномалари тугатишга доир иш юритиш даврида бекор қилинган ходимларининг сони тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг ҳисобварақларини ёпиш бўйича тугатиш бошқарувчиси амалга оширган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

тугатишга доир иш юритишни ўтказиш харажатларининг суммаси тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг мақсадини кўрсатган ҳолда.

Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботида қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш жараёни ҳақидаги бошқа маълумотлар ҳам бўлиши керак, уларнинг таркиби тугатиш бошқарувчисининг ўзи томонидан, шунингдек кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси ёхуд хўжалик суди талаблари билан белгиланади.

Тугатиш бошқарувчиси хўжалик судининг талабига биноан тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказишга тааллуқли барча маълумотларни мазкур судга тақдим этиши шарт.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисининг мажбуриятларидан бири бўлган ўз фаолияти ҳақида ҳисоботни тақдим этиш тартибини белгилайди.

1. Мазкур қисм талабларига биноан, тугатиш бошқарувчиси ўз фаолияти тўғрисида кредиторлар йиғилиши (кредиторлар кўмитаси) олдида ҳар ойда камида бир марта ахборот тақдим этиши лозим.

Биринчи навбатда тугатиш бошқарувчиси кредиторларга тугатишга доир иш юритишнинг бошланиши пайтида банкротнинг мол-

мулки ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиши лозим.

Тугатиш бошқарувчиси кредиторларга мажбурий тартибда ҳисобот пайтида қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақида маълум қилади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, Қонун тугатиш бошқарувчисидан кредиторларга қарздорнинг ягона ҳисоб варағидаги пул маблағларидан фойдаланилишига оид ҳисоботни тақдим этишни талаб қилади (Қонуннинг 132-моддаси тўртинчи қисми).

Мазкур модданинг биринчи қисмини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, Қонуннинг 10 ва 12-моддалари талаблари билан белгиланмаган бўлсада, у бевосита кредиторларнинг йиғилиши ва кредиторлар қўмитаси йиғилишининг зарурий даврийлигини белгилаб беради. Мазкур ҳолат эса амалда тугатиш бошқарувчиси ҳар ойда камида бир марта кредиторларнинг йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасини чақириши лозимлигини англатади. Айни пайтда таъкидлаш зарурки, кредиторларнинг йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси тугатиш бошқарувчиси ҳисоботини кўриб чиқиш мақсадида бунга ҳуқуқи бўлган (Қонун 12-моддаси) махсус шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

2. Модданинг иккинчи қисмида кредиторларга тақдим этиладиган ахборотга қўйиладиган аниқ талаблар, яъни, унда акс этиши шарт бўлган маълумотлар: тугатиш массаси тўғрисида, қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш жараёни тўғрисида, кредиторларнинг талаблари миқдори тўғрисида ва кредиторларнинг талаблари реестри ва ҳоказолар санаб кўрсатилган.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига биноан тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботида тугатишга доир иш юритиш жараёни тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам бўлиши лозим. Ушбу маълумотларнинг таркиби тугатиш бошқарувчисининг ўзи томонидан, шунингдек кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд хўжалик суди талаблари билан белгиланади.

4. Модданинг тўртинчи қисми талабларига кўра, хўжалик суди талабига биноан тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритиш жараёнига тааллуқли ҳар қандай маълумотларни тақдим этиши лозим. Бунда Қонун тугатиш бошқарувчисидан хўжалик судининг ваколати бўйича ҳисобот талаб қилишнинг аниқ муддатини (минимал ва максимал) назарда тугмайди.

140-модда. Тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод этиш

Тугатиш бошқарувчиси ўз вазифасини бажаришдан хўжалик суди томонидан қуйидагиларга кўра озод этилиши мумкин:

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаган ёки лозим

даражада бажармаган бўлса, кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар кўмитасининг илтимосномасига биноан ёхуд банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида;

ўз аризасига биноан;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда.

Хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш билан бир вақтда янги тугатиш бошқарувчисини ушбу Қонуннинг назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Тугатиш бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисидаги хўжалик судининг ажрими дарҳол ижро этилиши лозим ва ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчисини вазифаларидан озод этиш тартибини белгилайди.

1. Модданинг биринчи қисмига кўра, тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод этиш учун асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

— ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик. Бундай ҳолат аниқланган тақдирда тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод этиш кредиторлар йиғилиши (кредиторлар кўмитаси) илтимосномаси асосида амалга оширилиши мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, хўжалик судига тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишда кредиторлар ёки қарздорга зарар етказиш факти бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

Бунда банкротлик тўғрисидаги оид ишлар бўйича давлат органи судга тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод этиш тўғрисида ариза билан тугатиш бошқарувчиси томонидан қонун ҳужжатларини бир марта қўпол ёки муттасил бузилганлиги (зарар етказилганлигидан қатъи назар), шунингдек «Суд бошқарувчилари аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 12.06.2006 йил №1581 рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси қарори билан тасдиқланган) 35-бандида кўрсатилганидек, ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигини (зарар мавжуд ҳолларда) асос қилиб мурожаат этиши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, ҳудудий бошқармалар хўжалик судига суд бошқарувчисини вазифаларидан озод қилиш тўғрисида ариза билан банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг розилиги билан мурожаат қилиш мумкин. Тугатиш бошқарувчиси ўз аризаси билан ҳам озод этилиши мумкин. Мазкур ҳолатда хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз ихтиёрига кўра озод этилишини амалга оширади.

Бундан ташқари, тугатиш бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асослар бўйича ҳам вазифаларидан озод этилиши мумкин. Бошқа асосларга мисол тариқасида Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисми талабларини келтириш мумкин. Яъни, шахсни тугатиш бошқарувчиси деб тасдиқлашга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжудлиги, шунингдек, бу ҳолатларнинг тугатиш бошқарувчиси тайинланганидан кейин келиб чиқиши бўлиши мумкин. Бунда 18-модданинг учинчи қисми ва 21-модданинг биринчи қисми нормаларига мувофиқ, хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини вазифасидан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим қилинган далиллар асосида озод қилиши мумкин.

Бундан ташқари, суд тугатиш бошқарувчисини 135-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкани сотиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ўз тақлифларини кредиторларга тақдим этган пайтдан эътиборан бир ой ичида қарздорнинг мол-мулкани сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланмаган бўлса, кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ёхуд тугатиш бошқарувчиси юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Мазкур келишмовчиликларни кўриб чиқиш якунларига қараб хўжалик суди ё мол-мулкани сотиш тартиби ва муддатларини (жадвалини) тасдиқлайди ёки тугатиш бошқарувчисини вазифасини бажаришдан озод қилади.

Шунингдек, суд бошқарувчисини озод этиш учун асос сифатида суд бошқарувчисининг амалдаги қонун ҳужжатларини муттасил ёки бир марта қўпол равишда бузган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар аризасини ҳам келтириш мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 13-банди)

Юқоридагиларга кўра, 135-модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳолатларни истисно этганда, хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз ташаббуси билан озод қилиши мумкин эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига кўра, хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини вазифасидан озод қилиш билан бир вақтда, ушбу Қонуннинг 95, 126-моддалари талаблари асосида янги тугатиш бошқарувчисини тайинлаши лозим.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ, хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиш тўғрисида дарҳол ижро этиладиган ажрим чиқариши зарур.

Тугатиш бошқарувчисини озод қилиш тўғрисида ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиш мумкин. Бундан ташқари, ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-бандида ҳам ифодасини топган.

141-модда. Ташқи бошқарувга ўтиш имконияти

Агар қарздорга нисбатан суд санацияси ва (ёки) ташқи бошқарув таомили жорий этилган бўлмаса, тугатишга доир иш юритиш мобайнида эса қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши мумкин деб ҳисоблаш учун етарли асослар, шу жумладан молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган асослар пайдо бўлса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида қарздорнинг кредиторлари йиғилишини чақириши шарт.

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги қарор шундай қарорни қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқаётган кредиторлар йиғилиши ўтказилаётган пайтдаги ҳолатга кўра қаноатлантирилмаган кредиторлар талаблари умумий миқдорининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги кредиторлар йиғилишининг қарорида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинаётган муддати ва ташқи бошқарувчиликка номзод, шунингдек бу номзод ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни тугатишдан ташқи бошқарувга ўтиш тартибини белгилайди.

1. Модданинг биринчи қисмида ташқи бошқарувга ўтиши мумкин бўлган шартлар кўрсатилган. Бунга агар қарздорга нисбатан суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомили жорий этилган бўлмаса, йўл қўйилиши мумкин (яъни, соғломлаштириш таомиллари ўтказилмасдан, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган бўлса). Иккинчи асос, тугатишга доир иш юритиш жараёнида келиб чиққан, молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти мавжудлиги бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатлар амалда суд бошқарувчисининг ўзи ўтказган молиявий таҳлилга асосланиб, қарздорнинг тўлов қобилиятини ташқи бошқарувга ўтиши орқали тиклаш мумкинлигини эълон қилишини билдиради.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, тугатиш бошқарувчисининг янги мажбурияти юзага келади. Бундай ҳолатлар аниқлангач, бир ой муддат ичида тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш тўғрисида

ги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақирishi лозим.

2. Модданинг иккинчи қисми кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартибини белгилайди. Ушбу ҳолатда тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиш масаласи кредиторлар реестрига киритилган кредиторларнинг кўпчилик овози билан эмас, балки айни вақтда талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

3. Модданинг учинчи қисмида кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш тўғрисида илтимоснома киритиш тўғрисидаги қарорига қўйиладиган талаблар сифатида ташқи бошқарувнинг таклиф қилинадиган муддати масаласини ҳал этишлари ва ташқи бошқарувчиликка номзодни аниқлаб, ўз қарорларида у ҳақда маълумотларни кўрсатишлари лозимлиги белгиланади.

142-модда. Тугатиш бошқарувчисининг тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботи

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар илова қилинади:

**қарздорнинг мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
кредиторларнинг талаблари реестри, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилган миқдорини кўрсатган ҳолда;**

кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки, шунингдек қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар, кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этган тақдирда ва қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этмаган тақдирда.

Шарҳланаётган модда тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тамомлаганидан кейин ҳисобот бериш тартибини белгилайди.

1. Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугагач, судга тугатишга доир иш юритиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш лозим. Худди шундай ҳисобот бизнинг фикримизча, тугатиш бошқарувчиси томонидан келишув битими тузилганда ҳам тақдим этилиши керак. Агар тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг барча талаблари қаноатлантирилган ва қарздорнинг ўз хўжалик фаолиятини давом эттириш имконияти бўлса, суд тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиқиб, иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, унда банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор ижрога қаратилмаслиги кўрсатилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг (27.01.2006.) 142-сон қарори 25-бандида ҳам кўрсатилган. Агар қарздорда хўжалик фаолиятини давом эттириш имкони бўлмаса, барча кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган бўлса ҳам, суд тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботини кўриб чиққач, тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва корхона юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилади.

Қонун ҳисобот тақдим этиш муддатларини белгиламаган, аммо фикримизча, мазкур муддатлар оқилона бўлиши лозим. (139-модда талабига биноан, кредиторлар билан ҳисоб-китоб тугагач бир ойдан ошмаслиги зарур). Бундан ташқари, суд юқорида кўрсатилган моддага мувофиқ, бу муддатни ўзи белгилаши ҳам мумкин, чунки ҳисобот тақдим этишнинг чўзилиши ёхуд уни тақдим этмаслик тугатишга доир иш юритишни тамомлашга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарорининг 30-бандида ҳам белгиланган бўлиб, унда судларга ҳисобот тақдим этиш учун муддатни белгилаш таклиф қилинган. Шунингдек, шарҳланаётган модда кредиторларнинг йиғилиши (қўмитаси)га бундай ҳисобот тақдим этишни назарда тутмайди, демак улар уни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги мумкин эмас, бироқ 139-моддага кўра улар ҳисоботни кўриб чиқишни талаб қилишлари мумкин.

2. Мазкур модданинг иккинчи қисмига биноан, тугатиш бошқарувчиси ҳисоботига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши лозим: қарздорнинг мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; кредиторларнинг талаблари реестри кредиторлар талабларини қондириш миқдори кўрсатилган ҳолда; кредиторлар талаблари қондирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан сўнг қарздорнинг қолган мол-мулки ҳақида маълумотлар, шунингдек қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш жараёнида сотилмай қолган мулки, кредиторлар томонидан ўз талабларини қаноатлантириш учун таклиф қилинганда рад этилган ва қарздор мол-мулки эгаси ёки муассислари (иштирокчилари) томонидан кредиторларнинг талаблари

қаноатлантирилгандан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этилмаганда, тугатишга доир иш юритиш жараёнида реализация қилинмаган мол-мулк ҳақида маълумотлар. Ушбу ҳужжатлар судга кредиторларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилганлигини таҳлил қилиш учун ва қарздорнинг мол-мулки тақдирини кузатиш учун зарурдир.

Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Қонуннинг 144-моддасида сўз юритилган.

143-модда. Қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулки, шунингдек қарздорнинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки тўғрисида кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун қабул қилишни рад этган тақдирда ва агар қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ариза тақдим этган бўлмаса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хабарнома олинган пайдан эътиборан бир ойлик муддат ичида мол-мулкни балансга олади ва уни сақлаб туришга доир барча харажатларни қоплайди. Мол-мулкни қабул қилишдан бош тортилган ёки қабул қилишдан бўйин товланган тақдирда тугатиш бошқарувчиси тегишли органни мазкур мол-мулк қабул қилишга ундаш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли. Хўжалик суди мол-мулк топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг сотишга таклиф қилинган, лекин тугатишга доир иш юритиш мобайнида реализация қилинмаган мол-мулки, агар кредиторлар мазкур мол-мулкни ўз талабларини қаноатлантириш учун банкрот юридик шахсни тугатишга доир иш юритишнинг белгиланган муддатида қабул қилишни рад этган бўлса, давлат мулкига ўтади ҳамда тугатиш бошқарувчиси уни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига топширади. Хўжалик суди мол-мулк топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақида ажрим чиқаради.

Шарҳланаётган модда кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгач ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомлангач, реали-

зация қилинмай қолган қарздорнинг мол-мулки масаласини ҳал қилади.

Ушбу моддада Қонуннинг 1998 йилги таҳририга солиштирганда, бир янгилик мавжуд. Илгари сотишга таклиф қилинган, лекин реализация қилинмаган мол-мулк фақат мол-мулк эгасига таклиф қилинган, у бош тортган ҳолларда эса — маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган бўлса, ҳозирги таҳрир бўйича мазкур мулк кредиторларга қарзни узиш учун берилиши мумкин ва фақат кредиторлар уни қабул қилишдан бош тортгандагина муассислар (иштирокчилар) ёки қарздор мол-мулки эгаси мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида ариза тақдим этмаса, у маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилади.

1. Модданинг биринчи қисмидаги норма тугатиш бошқарувчисининг кредиторлар талаблари қаноатлантирилгандан кейин қолган мол-мулк, шунингдек реализация учун таклиф қилинган, лекин сотилмаган мулк юзасидан қиладиган ҳаракатларининг тартибини белгилайди.

Ушбу нормадан кўриниб турибдики, тугатиш бошқарувчисининг икки хил ҳаракат қилиш варианты бор. Агар кредиторларнинг тўланмаган талаблари бўлса ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида сўнгги оммавий кимошди савдоси ўтказилгач, уч ой муддат ичида олди-сотди шартномаси асосида корхона мулки сотилмаган бўлса, ушбу мулк тугатиш бошқарувчиси томонидан кредиторларга улар талабларини тўлаш учун таклиф қилинади (18.04 2003 йилдаги ЎзР ВМ нинг 188-сонли қарори билан тасдиқланган «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг шунингдек, уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 21-банди). Унинг мурожаатида мол-мулк билан танишиш тартиби ва кредиторнинг талабларини қаноатлантириш ҳисобига ўтказиш шартлари, шунингдек кредиторнинг талабларини қаноатлантириш ҳисобига мол-мулкни олишга розилик билдиргани ёки рад қилгани ҳақида тугатиш бошқарувчисига маълум қилиш муддати бўлиши лозим. Агар кредиторлар ўз талаблари қаноатлантириш ҳисобига мол-мулкни қабул қилмоқчи бўлса, мулк унга берилади. Шу билан бирга, 134-модда талабларига кўра, бундай таклифлар кредиторларга навбат тартибиде берилиши лозим. Гарчи бу 138-моддада кўрсатилган бўлмасада, қарздорнинг мол-мулкини олган кредитор талаблари қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

Кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш ҳисобига мол-мулкни олишдан бош тортган ҳолларда ёки кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган мол-мулк қарздорнинг мулки эгаси ёки муассислар (иштирокчилар)га таклиф қилинади. Ўз навбатида, қарздор мол-мулки эгаси ёки муассислар (иштирокчилар) тугатиш

бошқарувчиси манзилига муддатидан аввал реализация қилинмаган мол-мулкни қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида ариза юборишлари лозим.

Кредиторлар мулкдан бош тортганда (бош тортиш ёзма шаклда расмийлаштирилади) улар «Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкни баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 21-бандига кўра бир ой муддат ичида мулкдорга берилади.

Агар кредиторларнинг талаби қаноатлантирилгандан сўнг, реализация қилинмаган мол-мулк қолса, тугатиш бошқарувчиси беш кунлик муддат ичида қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки муассислар (иштирокчилар)га мазкур мол-мулкни балансга қабул қилиш лозимлигини маълум қилади ва агар маълумотнома юборилган кундан сўнг икки ҳафта ичида мулкдор ёки муассислар (иштирокчилар) мол-мулкка бўлган ҳуқуқ тўғрисида ариза тақдим этмаса, тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимият органларига «Суд бошқарувчилари тўғрисида»ги Низом (23.03.2004 йилдаги ЎЗР ВМнинг 138-сонли қарорига 1-илова)нинг 56-бандига мувофиқ, мазкур мол-мулкни балансга қабул қилиш зарурлиги ҳақида хабар беради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фақат талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларнинг ҳар бири рад этган ва муассислар (иштирокчилар)нинг ҳар бири ёки мулкдор бош тортган мол-мулк топширилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ноликвид мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тугатиш бошқарувчисининг мурожаатидан сўнг бир ой мобайнида мол-мулкни балансга қабул қилишлари ва уни сақлаш учун харажатларни қоплаши лозим. Агар улар мулкни қабул қилишдан бош тортсалар ёки бўйин товласалар, иккинчи қисм нормасига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси мол-мулкни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига мажбурий ўтказишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин.

Қарздорнинг мол-мулки берилгач, тугатиш бошқарувчиси мол-мулкнинг тақдим этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни хўжалик судига тақдим қилади. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида хўжалик суди тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми устав фондида давлат улуши бўлган қарздорнинг реализация қилишга таклиф қилинган, лекин сотилмаган мол-мулки билан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартибини белгилайди.

Мазкур ҳолатда тугатиш бошқарувчиси реализация қилинмаган мол-мулкни тугатишга доир иш юритиш жараёнида талаблари қаноатлантирилмаган кредиторларга таклиф қилади. Кредиторлар бош тортган тақдирда, (бунда биринчи қисм шарҳида кўрсатилган талабларга риоя этиш зарур) кўрсатилган мол-мулк давлат мулкига ўтади ва тугатиш бошқарувчиси уни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансига ўтказди. Мол-мулк тақдим этилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар асосида хўжалик суди тугатиш таомилини тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Шу билан бирга, ушбу қисмда муайян коллизия мавжуд. Агар корхона давлат унитар корхонаси бўлса, модда нормаси тушунарли, лекин давлат акциядорлардан ёки иштирокчилардан бири бўлса, бошқа акциядорлар ёки устав фондида давлат улуши бўлган юридик шахс иштирокчиларининг ҳуқуқлари камситилади. Бизнингча, маҳаллий давлат органига унинг улушига мутаносиб миқдорда мулк берилиши, қолган мол-мулк эса бошқа акциядорлар ёки иштирокчилар орасида тақсимланиши лозим.

144-модда. Тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш

Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ўн кун ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Хўжалик судининг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асос бўлади. Реестрга тегишли ёзув хўжалик судининг мазкур ажрими тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилиши лозим.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, қарздор эса тугатилган деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тартибини белгилайди.

1. Тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисида ҳисобот Қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ, хўжалик суди томонидан, зарур ҳолларда, ЎзР ХПКнинг 128-моддаси биринчи қисми талаблари асосида суд мажлисида кўриб чиқилади. Агар тугатиш бошқарувчиси ҳисоботини суд асосли деб топса, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим чиқаради, ҳисоботни асоссиз деб топса, қайтариб берилади.

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ди. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 41-бандида тушунтирилади.

Тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажримда судья ажрим қабул қилингандан ўн кўнлик муддат мобайнида мазкур ажримни юридик шахсларни рўйхатга олувчи туман (шаҳар) ҳокимиятлари ёки вилоят адлия бошқармаларига тақдим этишни тугатиш бошқарувчиси зиммасига юклайди, тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисида ажрим дарҳол ижро этилади ва унинг устидан шикоят келтирилиши мумкин эмас, бу Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 21-бандида белгиланган. Бизнингча, бундай ажрим устидан шикоят фақат тугатиш тўғрисида ёзув юридик шахслар ягона давлат реестрига киритилгунга қадар амалга оширилиши лозим, зеро кейин бундан фойда йўқ, чунки банкрот корхона реестрдан ва фуқаролик муомаласидан чиқарилган бўлади, (у табиатда йўқ), бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорида тушунтириш берилиши ёки қонунга ўзгартириш киритилиши лозим.

Гарчи қонунда бу ҳақда айтилмаса-да, бизнингча, ҳисоботни кўриб чиқишда тугатиш бошқарувчиси фаолиятида камчиликлар ёки бузилишлар аниқланса, суд ушбу ҳисоботни камчиликларни тузатиш учун қайтариши мумкин. Бундай қарор, фикримизча, ажрим шаклида расмийлаштириши лозим, унда аниқланган камчиликлар, уларни тузатиш муддатлари ва қайта ҳисобот тақдим этиш муддати кўрсатилиши даркор.

2. Иккинчи қисмга мувофиқ, ҳўжалик судининг тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажрим асосида юридик шахсларни рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу органга ажримни тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кўн ичида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздорнинг тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш лозим.

3. Модданинг учинчи қисми юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритилган пайтидан эътиборан қарздор тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган ҳисобланади. Шунингдек, тугатиш бошқарувчиси ваколатлари ҳам тугатилган ҳисобланади.

VIII БОБ. КЕЛИШУВ БИТИМИ

Шарҳланаётган боб келишув битимига бағишланган.

Келишув битимига Қонунда тарафларнинг ўзаро воз кечишлар асосида суд низосини тугатиш тўғрисидаги келишуви сифатида таъриф берилган ва мазкур жараён банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни бир томондан ЯТТ ёки қарздор—юридик шахс раҳбари ёки суд бошқарувчиси, иккинчи томондан кредиторларнинг йиғилиши ваколат берган бошқа шахслар ўртасида талаблар миқдори, ижро муддатлари, тўлов тартиби ва бошқалар бўйича воз кечиш тўғрисидаги келишув асосида тугатишга қаратилган.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор кредиторларнинг йиғилишида кредиторлар умумий сонининг кўпчилиги овозига асосан ва қарздорнинг гаровдаги мол-мулки билан таъминланган талабларга эга бўлган барча кредиторлар розилиги билан қабул қилинади. Келишув битими тузиш ҳуқуқига кредитор ва қарздор эга. Келишув битимида иштирок этишга ушбу битимда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни олувчи учинчи шахсларга ҳам йўл қўйилади. Келишув битими ёзма тузилиши керак ва хўжалик суди томонидан тасдиқлангач, кучга киради. Келишув битими тузишга қарши овоз берган кредиторлар унинг тузилиши учун овоз берган кредиторларга қараганда ёмон бўлмаган шароитда талабларини қондирилишига эришишга ҳақлидирлар. Кредиторлар реестрига киритилмаган кредиторларга келишув битими тааллуқли бўлмайди ва улар ўз ҳуқуқларини банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилганидан сўнг амалга оширишлари мумкин.

Келишув битими банкротлик таомилининг ҳар бир босқичида тузилиши мумкин ва у тасдиқлангач банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилади. Тугатишга доир иш юритиш ва ташқи бошқарувда келишув битими тузиш тўғрисида қарор қарздор номидан суд бошқарувчиси томонидан қабул қилинади. Хўжалик суди келишув битимини фақат навбатдан ташқари талабларни, ҳусусан суд харажатлари ва ҳоказолар ҳамда ойлик иш ҳақи тўлаш учун пул маблағларини тақдим этишни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қаноатлантирилгандан сўнг тасдиқлаши мумкин. Хўжалик суди келишув битимини тузиш тартиби бузилганда, учинчи шахслар ҳуқуқи бузилганда ва келишув битими шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганда уни тасдиқлашни рад этади. Ҳатто, келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган бўлсада, агар уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжуд бўлса, яъни уни мазмунида алоҳида кредиторлар учун имтиёзли ёки ноқулай шартлар ифода этилган тақдирда хўжалик суди тегишли аризага асосан

келишув битимини ҳақиқий эмас деб топади шундан сўнг, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш қайта тикланади.

Қарздор келишув битимини бажармаган тақдирда кредиторлар судга уни бажариш учун талаблар билан муурожаат этишлари мумкин.

145-модда. Келишув битими тузиш тартиби

Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Кредитор вакилининг келишув битимини тузиш масаласи ҳақида овоз бериш борасидаги ваколатлари унинг ишончномасида алоҳида назарда тутилган бўлиши керак.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

Келишув битимида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган учинчи шахсларнинг келишув битимида иштирок этишига йўл қўйилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак, бу ҳақда ажрим чиқарилиб, унда банкротлик тўғрисида иш юритишни тугатиш кўрсатилади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган бўлса, хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади.

Келишув битими қарздор, кредиторлар, шунингдек келишув битимида иштирок этаётган учинчи шахслар учун хўжалик суди томонидан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради ва улар учун мажбурий ҳисобланади. Кучга кирган келишув битимини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Келишув битими тузишни ёқлаб овоз берган кредитор, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкнинг эгаси келишув битимини тузишга қарши овоз берган ёхуд овоз беришда қатнашмаган кредиторлар олдида қарздорнинг пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятини бажаришга ҳақли.

Бундай ҳолларда кредитор қарздор учун таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт, қарздорнинг мажбуриятларини бажарган шахсга кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари ўтади.

Учинчи шахслар келишув битими бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятлари қондирилиши ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурияти бажарилиши кафиллигини ёки кафолатини беришга, худди шунингдек унинг лозим даражада бажарилишини бошқача тарзда таъминлашга ҳақли. Агар келишув битимининг шarti қарздорнинг мол-мулкани учинчи шахс фойдасига ўтказишдан иборат бўлса, битим мазкур мол-мулк кредиторларнинг талаблари фақат учинчи шахс томонидан қаноатлантирилишини таъминловчи гаровга берилган тақдирда тузилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда келишув битимини тузишдаги зарурий шартларни белгилайди.

1. Келишув битими — тарафларнинг ўзаро воз кечишлар асосида суд низосини тугатиш тўғрисида келишувидир. Исталган инстанцияда ишни келишув битими тузиш билан тугатишни назарда тутувчи ЎЗР ХПК нормаси каби (ЎЗР ХПК 40-моддаси учинчи қисми), қонуннинг шарҳланаётган моддаси келишув битимини банкротлик тўғрисидаги ишнинг ҳар қандай босқичида тузишга йўл қўяди. «Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг исталган босқичида» деганда, банкротликнинг кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомилларини тушунишимиз мумкин. Бинобарин, судга банкротлик тўғрисида ишни қўзғатиш тўғрисида ариза келиб тушган пайтдан кузатув жараёнида кредиторлар реестрини тузишга қадар келишув битими тузилиши мумкин эмас, чунки ишнинг бу босқичида кредиторлар реестри ва тегишлича келишув битими матнини кўриб чиқиши ва уни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлган кредиторларнинг йиғилиши бўлмайди.

2. Қонун чиқарувчи келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилиши кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколати эканлиги ҳамда келишув битими тузиш учун икки мажбурий шарт мавжудлигини белгилайди. Биринчиси — қарор кредиторларнинг умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилиниши керак, иккинчиси — бундай қарор учун қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар овоз бериши лозим. Келишув битими тузиш учун даъвогар жавобгар ва учинчи шахс розилиги талаб қилинадиган оддий ишлар хўжалик судида қўрилганда тузиладиган келишув битимидан фарқли ўлароқ, банкротлик тўғрисидаги ишда келишув битимини тузиш учун барча кредиторлар розилиги талаб қилинмайди. Бу ерда ҳамма кредитор-

ларнинг кўпчилик овозини ифода этадиган кредиторлар ҳамда талаблари қарздорнинг гаров мол-мулки билан таъминланган мажбуриятлари бўйича кредиторлар розилиги шунингдек, Қонуннинг 149-моддасида биринчи қисмида белгиланган айрим мажбуриятларига риоя этиш кифоя. Келишув битимини қарздор ва кредитор ўртасида яқка тартибда кредиторлар йиғилишининг қарорисиз тузиш мумкин эмас, яъни банкротлик тўғрисидаги ишларда ЎЗР ХПКнинг 132-моддаси қоидалари (тарафларнинг келишув битими) қўлланилмайди.

3. Қуйидаги ҳолларда қарздор номидан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади:

— ЯТТ томонидан, агар банкротлик тўғрисидага иш унга нисбатан қўзғатилган бўлса;

— Кузатув ва суд санацияси таомилида қарздор юридик шахс раҳбари томонидан. Агар қарздор раҳбари вазифасидан озод этилган бўлса, келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қарздор номидан муваққат бошқарувчи ёки санация бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

— ташқи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан (келишув битими ишнинг қайси босқичида тузилаётганига қараб).

4. Келишув битимида иштирок этишга рухсат бериладиган учинчи шахслар сифатида шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ талаблари кредиторлар реестрига киритилган кредитор ва қарздордан ташқари исталган шахс бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчи учинчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар доирасини чеклашни назарда тутмайди. Уларнинг келишув битимида иштирок этишининг ягона шarti уларнинг келишув битими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммаларига олишидир. Лекин келишув битимини тасдиқлашда судлар учинчи шахс раҳбари (бошқарув органи)нинг кафилик, кафолат ёки бошқа мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ваколати мавжудлигини текшириши зарур. Учинчи шахсларнинг келишув битимида иштирок этиш шакли ушбу модданинг саккизинчи қисми билан тартибда солинади.

5. Келишув битими, у суд томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Келишув битимини тасдиқлаш билан бир пайтда, суд ажримда иш бўйича иш юритишни тугатилишини кўрсатади. Бу қоидадан истисно сифатида, келишув битимини тугатишга доир иш юритиш босқичида тузиш ва тасдиқлаш ҳисобланиб, унда суд қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади. Мазкур тартибнинг аҳамияти биринчидан, келишув битимини суд тасдиқлаши билан қарздорнинг иқтисодий ночорлиги бекор қилинади ва

иккинчидан, қарздор банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги суд ҳужжати «тақдири»ни ҳал этишда намоён бўлади. Чунки, қонун ҳужжатларига мувофиқ қонуний кучга кирган суд қарори умуммажбурийдир. («Судлар тўғрисида»ги қонун, ЎЗР ХПК ва бошқ.) Келишув битимини тасдиқлаган ҳолда суд ажримининг хулоса қисмида келишув битими тузилган шартларни кўрсатади.

6. Тасдиқланган пайтдан эътиборан келишув битими қонуний кучга киради ва унда иштирок этувчи шахслар учун мажбурий бўлади. Келишув битимида иштирок этувчи шахслар деганда, қарздор, кредитор ва келишув битими бўйича муайян мажбуриятларни ўзига оладиган учинчи шахсларни тушуниш лозим. Бунда «кредиторлар» деганда келишув битими тузилган пайтдаги кредиторларнинг йиғилиши ўтказилган санада кредиторлар реестрига киритилган кредиторларни тушуниш зарур (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 31-банди).

Қонун келишув битими шартларини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўймайди. Акс ҳолда, мазкур қонунда белгиланган оқибатлар вужудга келади (Қонуннинг 155-моддаси шарҳига қаранг).

7. Қонун чиқарувчи келишув битими тузилиши учун овоз берган кредитор, муассислар (иштирокчилар) ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимига қарши овоз берган кредиторлар олдидаги қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажаришга ҳақли (мажбур эмас) эканлигини белгилайди. Бу эса шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмига биноан кредиторнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Агар келишув битими тузилиши учун овоз берган кредиторлар овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимига қарши овоз берган кредиторлар олдидаги қарздор мажбуриятларини бажариш истагини билдирмаса, Қонуннинг 148-моддаси учинчи қисмига биноан келишув битими шартлари улар учун келишув битими тузилиши учун овоз берган кредиторларга қараганда ёмонроқ бўлиши мумкин эмас.

Бунда савол туғилади: кредиторлар реестрига киритилмаган ва оқибатда келишув битимида қарздорнинг улар олдидаги мажбуриятлари бажарилиш шартлари келишилмаган кредиторлар нима қилиши лозим? Ушбу саволга жавоб Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги «Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўлланилишнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 142-сонли қарорининг 31-бандида берилган бўлиб, унга кўра, бу кредиторлар

келишув битими тасдиқланиб, банкротлик тўғрисидаги иш бўйича иш тугатилганидан сўнг қарздор мажбуриятларини бажариш талаби билан қарздорга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

8. Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисми учинчи шахсларнинг келишув битимида иштирок этиш шакли ва шартларини белгилайди. Қонун чиқарувчи томонидан улар иштирокининг шакллари бўйича ҳеч қандай чеклашлар келтирилмаган, демак, келишув битими бўйича қарздор томонидан пул мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бажарилишининг ҳар қандай таъминланишига йўл қўйилади. Бунга мисол қилиб кафиллик, кафолат ёки гаровни келтириш мумкин. Қарздор томонидан келишув битими шартларини бажаришни таъминлашнинг бошқа чораларига қарзни ўтказиш, кредиторларга бевосита ижара ҳақини тўлаган ҳолда муайян муддатга қарздорнинг мол-мулкани учинчи шахс томонидан олиниши, ёки қарздор чиқараётган маҳсулотдан манфаатдор шахс — хўжалик субъекти (учинчи шахс) кейинчалик қарздор ишлаб чиқарадиган маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўлаш (бу маблағлар кредиторларнинг талабини қаноатлантиришга кетади) орқали олди-сотди шартномаси тузишни келтириш мумкин.

Истисно тариқасида қонун чиқарувчи шуни кўзда тутганки, келишув битими бўйича қарздорнинг мол-мулкани учинчи шахс фойдасига ўтказиш фақат мулк учинчи шахсга кредиторларнинг талабларини қондиришни таъминловчи гаров сифатида берилганда йўл қўйилишини назарда тутлади.

146-модда. Банкротлик таомилларида келишув битимини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кузатув ва суд санацияси чоғида қарздорнинг келишув битимини тузиши тўғрисидаги қарорни унинг раҳбари, мазкур раҳбар вазифасини бажаришдан четлаштирилган тақдирда эса суд бошқарувчиси қабул қилади.

Агар келишув битими қарздор учун қонун ҳужжатларига ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг бошқарув органлари қарори (маъқуллаши) асосида тузиладиган битим ҳисобланса, қарздор номидан келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор тегишли қарордан (маъқуллашдан) кейин қабул қилиниши мумкин. Ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомилларида келишув битимини тузишда бундай қарор (маъқуллаш) талаб қилинмайди.

Қарздорга, суд бошқарувчисига ёки кредиторга нисбатан манфаатдор учинчи шахслар иштирокида келишув битими тузилаётганда келишув битимида унинг манфаатдорлик назарда тутилган битим эканлиги ҳақидаги, бундай манфаатдорлик хусусияти кўрсатилган ахборот бўлиши керак. Келишув битими кредиторларнинг бажарилиш муддати

банкротликнинг тегишли таомили жорий этилган санада бошланган талабларига нисбатан татбиқ этилади, банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятлар бундан мустасно.

Шарҳланаётган моддани 145-модданинг мантиқий давоми дейиш мумкин, чунки ушбу модда ҳам аввалгиси каби келишув битимини тузишда риоя этилиши лозим бўлган шартларни белгилайди ва бу шартлар келишув битими тузилаётган банкротлик таомилига боғлиқ.

1. Биринчи қисм кузатув ва суд санацияси босқичларида қарздор номидан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли субъектларни санаб ўтади. Булар қаторига қарздор раҳбари агар у вазифасини бажаришдан четлаштирилган бўлса муваққат ёки суд санацияси бошқарувчиси киради. Ушбу моддада қонун чиқарувчи ташқи бошқарув ва тугатиш таомилида бундай қарорни ким қабул қилишни белгиламаган, аммо Қонуннинг 145-модда учинчи қисмида қарздор номидан келишув битими тузиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати берилган бўлиб, ундан мазкур жараёнда қарор суд бошқарувчиси томонидан қабул қилинади деган хулосага келиш мумкин.

2. Қонун чиқарувчи томонидан кузатув ва суд санацияси босқичида тузиладиган келишув битими учун муайян талаблар белгиланган. Унга кўра, агар келишув битими қарздорнинг бошқарув органлари розилиги талаб қилинадиган битим бўлса, келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга фақат шундай розилик олингач йўл қўйилади. Мисол тариқасида, булар жумласига йирик битимлар ва бажаришдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан тузиладиган битимларни тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, акционерларнинг умумий йиғилишини ёки кузатув кенгашининг розилиги зарур бўлади. Мазкур қонуннинг 89-моддасига биноан қуйидагилар йирик битимлар деб ҳисобланади:

— оддий хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимларни истисно этганда, бундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йиғирма беш фоиздан ортиқ қисмига эга бўлган мол-мулкни бевожита ёки билвосита жамият тасарруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки мол-мулкка эга бўлиш ёки тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ бир ёки бир нечта ўзаро боғланган битимлар;

— жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий (одатдаги) акцияларнинг йиғирма беш фоиздан кўпроғини ташкил этадиган, оддий (одатдаги) акцияларга айирбошланадиган оддий ёки имтиёз-

ли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битимлар.

Йирик битим предмети бўлган мол-мулк қийматини аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган Қонуннинг 91-моддасида жамиятнинг битим тузишдан манфаатдор шахслар, 93-моддасида эса тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим тузиш тартибига қўйиладиган талаблар рўйхати берилган.

Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар сифатида жамият кузатув кенгаши аъзоси, жамиятнинг ўзга бошқарув органларидаги мансабдор шахс, аффилиланган шахс билан биргаликда жамият овоз бериш ҳуқуқини берувчи акцияларнинг йигирма фоиз ёки ундан кўп фоизига эга бўлган акциядор, агар мазкур шахслар уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек кафилиланган шахслар тан олинади.

Юқорида кўрсатилган Қонуннинг 93-моддасига биноан, жамият томонидан тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимни тузилиши тўғрисидаги қарорни уни тузилишидан манфаатдор бўлмаган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Агар битим бўйича тўланадиган ҳақ суммаси ва битим предмети бўлган мол-мулк қиймати жамият активлари қийматининг беш фоизидан ортиқ бўлса ёки агар бир ва (ёки) ўзаро боғлиқ бўлган бир неча битим жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи акцияларини ёки овоз берувчи ҳуқуқини берувчи акцияларга айирбошланадиган бошқа қимматли қоғозларини илгари жойлаштирилган овоз бериш ҳуқуқини берувчи акцияларнинг беш фоизидан ортиқ миқдорда жойлаштиришдан иборат бўлса, у ҳолда жамият томонидан тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг тузилиши тўғрисидаги қарорни битимни тузишдан манфаатдор бўлмаган, овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишида кўпчилиги овоз билан қабул қилинади. Агар тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим бўйича манфаатдор шахс жамиятга қарз бераётган бўлса, бундай битимни тузилиши учун юқоридаги қоидалар татбиқ этилмайди.

Қарздорнинг таъсис ҳужжатлари билан тузилиши учун қарздорнинг бошқарув органи розилигини олиш шарт бўлган бошқа битимлар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Бу борада қуйидагиларга жиддий эътибор билан қараш лозим: агар раҳбар ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилган ва келишув битими тузиш тўғрисида қарор суд бошқарувчиси томонидан қабул қилинаётган бўлса, қарздорнинг бошқарув органи розилиги талаб қилинадими? Юқорида кўрсатилган ҳолатларда келишув битимини тузиш учун ким (қарздор раҳбари ёки суд бошқарувчиси) томонидан келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан қатъи назар, бошқарув органидан рухсат олиш мажбурий ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида Қонуннинг 17-моддасида санаб ўтилган манфаатдор шахслар билан тузиладиган битимларга талаблар мавжуд. Манфаатдор шахслар билан келишув битимини тузиш учун қонун чиқарувчи келишув битимида унинг манфаатдорлик назарда тутилган битим эканлиги ҳақидаги, бундай манфаатдорлик хусусияти кўрсатилган ахборот бўлишига оид шартларга риоя қилиш заруриятини белгилайди. Аммо, қонун ушбу талаблар бузилишининг оқибатларини белгиламаган. Лекин, «Банкротлик тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига амал қилмаслик Қонуннинг 153-моддасида назарда тутилган тартибда бундай битимни ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

Агар Қонуннинг 145-моддаси олтинчи қисми келишув битимининг унда иштирок этувчи қарздор, кредиторлар ва учинчи шахслар учун мажбурийлигини белгилаган бўлса, шарҳланаётган ушбу модданинг учинчи қисмида ойдинлаштирилганки, келишув битими банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларни истисно этганда, кредиторларнинг бажарилиш муддати банкротликнинг тегишли таомили жорий этилган санада бошланган талабларига татбиқ этилади. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг (27.01.2006) 142-сонли «Банкротлик» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунни ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 31-бандига кўра, «Қонунга мувофиқ тузилган келишув битими шартлари фақат келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторларнинг йиғилиши ўтказилган санада кредиторларнинг талаблар реестрига киритилган талабларга тааллуқлидир. Бу эса келишув битимининг шартлари тааллуқли бўлган талаблар доирасини кенгайтиради. Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, Қонуннинг шарҳланаётган моддасида бевосита кўрсатилмаган бўлса-да, кредиторларнинг талаблари реестрига ҳўжалик суди томонидан банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингунга қадар юзага келган ва бажарилиш муддати тегишли банкротликнинг таомили киритилгунга қадар бошланган талаблар киритилганини (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 й №142 қарори 19-банди) ҳисобга олсак, мазкур кредиторларга ҳам келишув битими тааллуқлидир.

Шарҳланаётган моддага кўра, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейинги талабларга келишув битими тааллуқли эмас. Бу эса, уларнинг кредиторларнинг талаблари реестрига киритилмаслиги билан изоҳланади; чунки улар жорий тўловлар ҳисобланади, шунингдек, улар 149-модда биринчи қисмига биноан келишув битими тузилгунга қадар қаноатлантирилиши керак. Бунда шунини таъкидлаш жоизки, келишув битими шартлари, гарчи бу мазкур қисмда бевосита белгиланмаган бўлса-да, бажарилиш муддати тегишли банкрот-

лик таомиллари жорий этилгандан сўнг, юзага келган талабларга қўлланилмайди, зеро жорий тўловлар деб ҳўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза қабул қилингандан сўнг вужудга келган ва бажарилиш муддати тегишли банкротлик таомили жорий этилгандан сўнг бошланган талаблар ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01 2006 йилдаги 142-сонли қарори ўн тўққизинчи банди).

147-модда. Келишув битимининг шакли

Келишув битими ёзма шаклда тузилади.

Қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси имзолайди. Кредиторлар номидан келишув битимини кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахснинг ўзи имзолайди.

Агар келишув битимида учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса, улар номидан келишув битимини шу шахсларнинг ўзи ёки уларнинг вакиллари имзолайди.

Мазкур модда келишув битимининг битим сифатидаги шаклига бўлган талабларни белгилайди.

1. Келишув битимига фақаролик қонунчилиги (ЎЗР ФК 108-модда) томонидан битимларнинг оддий ёзма шаклига нисбатан белгиланган талаблар қўлланилади. Агар фуқаролик қонунчилиги битимнинг (шартноманинг) ёзма шакли сифатида бевосита топшириладиган ёки алоқа воситалари ёрдамида жўнатиладиган (электрон почта орқали ҳам) хатлар алмашувини киритса, келишув битими учун эса ягона ёзма ҳужжат тузилиши керак.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми келишув битимини имзолайдиган шахслар доирасини аниқлайди. Қарздор номидан, бу тегишлича: қарздор-ЯТТ, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси, кредиторлар номидан эса кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахс. Бундай шахс деганда, келишув битимини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кредиторлар йиғилиши томонидан келишув битимини имзолаш вазифаси юкланган жисмоний шахсни тушуниш лозим. Қонун бу шахсга нисбатан ҳеч қандай талабларни қўймайди, фақатгина бу шахс кредиторлар йиғилиши томонидан келишув битими имзолаш учун берилган ваколатга эга бўлиши лозимлигини аниқлаштиради. Шундай экан, ҳар қандай шахс бу вазифани бажариши мумкин, шу билан бирга кредиторлар талаблари реестрига киритилган ҳар қандай кредиторнинг вакили, шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишда эса кредиторлар йиғилиши тақдим этадиган кредиторлар йиғилишининг вакили ҳам. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, кузатув босқичи даврида ваколоти тўхта-тилган қарздор бошқарувчисининг вазифалари суд қарори билан

тугатилган ва бошқа муваққат бошқарувчига юклатилган тақдирда, қарздор томонидан келишув битимини қарздорнинг раҳбари ҳисобланган муваққат бошқарувчи имзолашини назарда тутмоқ лозим. (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 2006 йил 27 январда 142-сонли қарори 32-банди).

3. Агар келишув битими у бўйича қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ва пул мажбуриятларини бажаришни таъминлаш мақсадида иштирок этаётган учинчи шахслар иштирокида тузилаётган бўлса, қонунчилик келишув битимини улар (ёки уларнинг вакиллари) томонидан ҳам имзоланишини талаб этади. Келишув битими учинчи шахслар вакили томонидан имзоланаётган бўлса, унинг келишув битимини имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома албатта илова қилишини лозим.

148-модда. Келишув битимининг мазмуни

Келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қарздорнинг пул мажбуриятларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қондалар бўлиши керак.

Келишув битимида қуйидаги шартлар кўрсатилиши мумкин:

пул мажбуриятларининг тўлови кечиктирилганлиги ёки бўлиб-бўлиб тўланиши тўғрисидаги шартлар;

қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартлар;

қарздорнинг пул мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажариш тўғрисидаги шартлар;

қарзлардан сийлов бериш тўғрисидаги шартлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги шартлар;

кредиторларнинг талабларини қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш тўғрисидаги шартлар.

Келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган, шунингдек уни тузишга қарши овоз берган кредиторлар учун келишув битимининг шартлари уни тузишни ёқлаб овоз берган, шу навбатнинг ўзидаги кредиторлар учун белгиланган шартлардан ёмон бўлиши мумкин эмас.

Агар келишув битимида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи мол-мулк гарови сақланиб қолади.

Агар олдинги модда келишув битимининг шаклига бўлган талабларни тартибга солган бўлса, шарҳланаётган модда риоя қилмаслик битимнинг суд томонидан рад этилишига олиб келиши мумкин бўлган келишув битимининг мазмунига бўлган талабларни очиб беради.

1. Фуқаролик қонунчилиги шартноманинг тузилишига маълум талаблар кўйгани каби, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам келишув битимининг мазмунига маълум талабларини кўяди. Келишув битими кредиторлар томонидан келишилган ижро этиш тартиби, муддатлари, усулларини ўз ичига олиши керак. Келишув битимида ноаниқ бўлган шартлар мавжуд бўлмаслиги керак. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида белгиланишича, келишув битимида қарздорнинг кредиторлари олдидаги пул мажбуриятларини воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилашиш, қарздан воз кечиш ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа усуллар ёрдамида тугатилиши белгиланиши мумкин. Шу билан бирга мажбурий тўловлар юзасидан мажбуриятларни юқорида кўрсатиб ўтилган усуллар ёрдамида тугатилиши мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 33-бандида «Қарздорга қарзни тўлаш муддатини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш ва (ёки) кредиторлар томонидан қарзлардан сийлов бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатилиши келишув битимининг предмети сифатида қабул қилиниши лозим ва қарздорнинг молиявий аҳволини бошқа бир банкротлик таомилида тиклаш бўйича чора сифатида кўрилиши мумкин эмас (қарзлардан сийлов бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно)» деб судларга тушунтириш берилган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми келишув битимида акс этиши мумкин бўлган шартларни санаб ўтади. Лекин бу рўйхат қатъий бўлмай, келишув битимида кредиторлар талабларини қондиришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа усуллари ҳам киритилиши мумкин. Бунда шунини назарда тутиш керакки, мажбурий тўловлар юзас сийлов бериш мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим.

Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан келишув битими тузишни қонунчилик ман этадиган, даъво таркибида иш юритишдан фарқли ўлароқ, банкротлик тўғрисидаги қонунчилик келишув битими шартларини мажбурий тўловлар бўйича талабларга нисбатан татбиқ этилиши ҳақида тушунтиришлар бермайди, шунингдек, буни тўғридан-тўғри тақиқламайди ҳам. Қонуннинг 148-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбошисига биноан келишув битимида мажбурий тўловларни тўлашнинг муддатлари ва

тартибини ўзгартириш шартлари кўрсатилиши мумкин. Ушбу ўринда қонун чиқарувчи «Қонунчиликка мувофиқ» деб изоҳ беради. Аммо қонун нормаси бу изоҳни очиб бермайди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорида ҳам ўз аксини топмаган. «Қонунчиликка мувофиқ» деганда мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги қарор бунга ваколатли бўлган давлат органи томонидан қабул қилиниши тушунилади. Амалдаги қонунчиликка асосан бу орган кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳисобланади (ЎЗР ВМнинг 2004 йил 9 февралдаги «Кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги» № 61-сонли қарори). Бундан келиб чиқадики, келишув битими мажбурий тўловлар бўйича кредитор ҳисобланган давлат органи, яъни солиқ органлари томонидан ҳам тузилиши мумкин, лекин бу ҳолатда юқорида кўрсатилган Ҳукумат комиссиясининг тегишли қарори бўлиши лозим. Қарздан сийлов бериш, мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган жарима санкцияларидан воз кечиш мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим, чунки Қонуннинг 148-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбошисида фақатгина мажбурий тўловлар тўлаш муддатлари ва тартиби ўзгартириш мумкинлиги назарда тутилган.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми келишув битимини тузишга овоз беришда иштирок этмаган ёки уни тузишга қарши овоз берган кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидаларни ўз ичига олади. Қонун чиқарувчи келишув битимининг шартлари улар учун келишув битимини тузиш учун овоз берган ўша навбатдаги кредиторларга нисбатан ёмонроқ бўлиши мумкин эмаслигини белгилайди. Бу қоидани қўллашда шунини назарда тутиш керакки, бу қоидаларга амал қилмаслик келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

4. Қонуннинг 145-моддасида белгиланишича, кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Қонун чиқарувчи қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажарилишини таъминловчи қарздор мол-мулкани гаровда сақланишини назарда тутиб, келишув битими тузилган ҳолларда гаров олувчиларга кафолатни таъминлайди.

149-модда. Келишув битимининг хўжалик суди томонидан тасдиқланишининг шартлари

Келишув битими фақат харажатлар қопланганидан ва ушбу Қонун 134-моддасининг тутилган талаблар ҳамда иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан тасдиқланиши мумкин.

Қарздор, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси келишув битими имзоланган пайтдан эътиборан беш кун ичида хўжалик судига келишув битими тузилганлигини тасдиқловчи ариза тақдим этиши керак.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши лозим:

келишув битимининг матни;

келишув битими тузиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилишининг баённомаси;

қарздор кредиторларининг талаблари реестри;

ушбу модданинг кўрсатилган харажатлар қопланганлигини ва талаблар қондирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

келишув битими тузиш тўғрисидаги масала бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки келишув битимини тузишга қарши овоз берган кредиторларнинг ёзма эътирозлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

Хўжалик суди келишув битими кўриб чиқиладиган сана ҳақида манфаатдор тарафларни хабардор қилади. Хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги банкротлик тўғрисидаги ишни кўришга монелик қилмайди.

Мазкур шарҳланаётган модда келишув битимини тасдиқлаш учун судга мурожаат қилиш тартибига оид талабларни белгилайди ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризани суд томонидан қаноатлантиришда амал қилиш керак бўладиган шартларни келтиради.

1. Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради. Келишув битимини тасдиқлашда суд нафақат унинг мазкур модда, балки «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мос келишини, шунингдек, келишув битими учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаётганлигини ҳам текширади.

Келишув битимини тузишнинг мажбурий шартлари сифатида қонун чиқарувчи шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида суд харажатлари, суд бошқарувчиларига тўланадиган ҳақ, жорий коммунал тўловлар, қарздор мол-мулкни суғурталаш харажатларини қоплаш, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг

юзага келган мажбуриятлари бўйича талаблар ва бошқа жорий тўловларни қондириш (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги қарори 19-банди саккизинчи қисми), фуқароларнинг уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар юзасидан талаблари бўйича учун қарздорнинг жавобгарлиги ҳамда иш ҳақи тўловларига пул маблағларни беришни назарда тутадиган тўлов (ижро) ҳужжатлари билан боғлиқ талаблар қондирилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, маънавий зарарни қоплаш бўйича талаблар ҳам келишув битимини имзолашга қадар қондирилиши лозимлиги кўрсатилган. Гарчи, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида бу талабларни навбатдан ташқари қаноатлантириш назарда тутилган бўлмаса ҳам қонун чиқарувчи иш ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажаришни мажбурийлиги орқали қарздор ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадини кўзлаган.

Бинобарин, келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун чақирилган кредиторлар йиғилиши ўтказилиши пайтига қадар қарздор томонидан юқорида кўрсатилган харажатлар ва талаблар қондирилиши ва қаноатлантирилиши лозим.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига мурожаат қилиш муддати кўрсатилган. Лекин «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун келишув битимини тасдиқлаш учун судга ариза билан мурожаат қилиш муддатига амал қилмаслик оқибатларини кўрсатмаган. Шундай экан, мазкур ариза билан белгиланган муддатга амал қилмай мурожаат қилиш келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўла олмайди.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни аниқлаштиради. Шарҳланаётган модданинг мазкур қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни судга тақдим қилиш мажбурияти суд томонидан келишув битимини тузишда қонунчилик талабларига риоя қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш учун керак бўлади. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан рўйхатда кўрсатилган ҳужжатлардан бирортасининг тақдим этилмаганлиги келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади. Лекин бу камчиликнинг бартараф этилиши судга келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан қайтадан мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

Қайд этиш лозимки, келтирилган ҳужжатлар рўйхати қатъий ҳисобланмайди. Келишув битимининг шартларидан келиб чиқиб қўшимча ҳужжатларни ҳам тақдим этиш лозим. Мисол учун, гаров ҳолати мавжуд бўлса, мулкни гаровга олувчининг келишув битимини тузишга розилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш лозим. Агар келишув битими қарздор бошқарув органи розилиги билан тузиладиган битим бўлса ва қарздор бошлиғи томонидан келишув

битимини тузиш тўғрисидаги қарор бундай розилик олингандан кейин қабул қилинган бўлса, аризага бу ҳужжат илова қилиниши лозим.

4. Суд томонидан аризанинг ва қонунда кўрсатилган барча иловаларнинг олиниши келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун суд мажлисини тайинлашга асос бўлади, бу ҳақда суд манфаатдор шахсларни хабардор қилади. Шу билан бирга суд мажлисига хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари келишув битимни тасдиқлаш тўғрисидаги аризани судда кўриб чиқиш учун судга муддатни белгиламаган. Бу муайян ҳолатларга боғлиқ бўлади. Агарда келишув битими кузатув даврида кредиторларнинг биринчи мажлисида тузилган бўлса, келишув битимини суд томонидан тасдиқланиши қарздорни банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш куни амалга оширилади. Агарда келишув битими суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомиллари даврида тузилган бўлса, аризани кўриб чиқишни бир ойлик муддатини назарда тутувчи Хўжалик процессуал қонун нормаларига (125-модда) асосан судлар аризани судга ариза келиб тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан ошмасдан кўриб чиқишлари лозим.

150-модда. Келишув битимининг хўжалик судлари томонидан тасдиқланишининг оқибатлари

Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилишига асос бўлади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан суд бошқарувчиларининг ваколатлари тугатилади. Қарздор юридик шахснинг ташқи бошқарувчиси ва тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари тайинлангунга (сайлангунга) қадар ўз ваколатларини бажаришни давом эттириб туради.

Келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёхуд тугатиш бошқарувчиси ёки учинчи шахс кредиторлар олдидаги қарзни узишга киришади.

Шарҳланаётган модда келишув битими тасдиқлангандан сўнг юзага келадиган оқибатларни очиб беради.

1. Суд томонидан келишув битимини кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув каби банкротлик таомилларида тасдиқланиши банкротлик тўғрисида ишни тугатиш учун асос бўлади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилган бўлса, ке-

лишув битими тузилган вақтдан эътиборан суднинг қарздори банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисидаги қарорини ижро қилишга йўл қўйилмайди, бу ҳақда суд келишув битими тўғрисидаги ажримнинг хулоса қисмида кўрсатади. Шу вақтдан эътиборан банкротлик тўғрисидаги ишда келишув битимини тасдиқлаган хўжалик судининг ажрими устидан шикоят беришдан бошқа одатдаги процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин эмас. ЎЗР Олий хўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 21 ва 22-бандларига асосан суднинг келишув битими тўғрисидаги ажримлар устидан ЎЗР ХПКда белгиланган қоидаларга мувофиқ шикоят қилинади.

2. Хўжалик судлари томонидан келишув битими тасдиқланган вақтдан эътиборан муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи ва тугатиш бошқарувчиларининг ваколатлари тугатилади. Агар келишув битими тарафлар томонидан ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш босқичларида тузилган бўлса, қарздор юридик шахснинг ташқи бошқарувчиси ёки тугатиш бошқарувчиси вазифасини бажарган шахс қарздорнинг раҳбари тайинлангунга (сайлангунга) қадар қарздорнинг раҳбари вазифаларини бажаради. Бу қарздор ташкилот фаолиятида бошбошдоқлик ҳолатини олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Келишув битими кузатув ёки суд санацияси босқичида тузилган, қарздорнинг раҳбари эса четлаштирилиб, унинг вазифаларини муваққат бошқарувчи ёки санация қилувчи бошқарувчи бажараётган ҳолатда ҳам мазкур масала ўхшаш тарзда ҳал этилиши лозим.

3. Келишув битими тасдиқлангандан сўнг қарздор ЯТТ ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчи ёхуд учинчи шахс кредиторлар олдидаги қарзларни қаноатлантиришга киришадилар.

151-модда. Келишув битимининг хўжалик судлари томонидан тасдиқлашни рад этиш

Ушбу Қонуннинг 149-моддаси кўрсатилган харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

Хўжалик суди қуйидаги ҳолларда ҳам келишув битимини тасдиқлашни рад этади:

келишув битимини тузишнинг ушбу белгиланган тартиби бузилганда;

келишув битимининг шаклига риоя этилмаганда;

учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганда;

келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлганда.

Хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда суд келишув битимини тасдиқлашни рад этадиган ҳолатларни кўзда тутуди ва келишув битимини тузаётганда мазкур ҳолатларга йўл қўймасликни мақсад қилиб қўяди.

1. Юқорида таъкидланганидек (Қонуннинг 149-моддаси шарҳига қаранг), келишув битимини тузишнинг мажбурий шарти сифатида харажатларни қоплаш ва Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган талабларни ва иш ҳақини тўлашга пул маблағларини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талабларни бажариш ҳисобланади. Қарздор томонидан Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисми талабларини бажармаслик хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади. Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш вақтига қадар бу мажбурият бажарилган бўлиши лозим. Бу мажбуриятнинг бажарилиши қарзларни қоплашни тасдиқловчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим, бу ҳужжатлар келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги аризага илова қилиниши шарт.

Бундай ҳужжатлар сифатида пул маблағларининг ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов варақалари, тўлов квитанциялари, харажат ордерлари, Қонуннинг 134-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг талабларини қарздор томонидан бажарилганлиги тасдиқловчи ёзма тасдиқномалари ва бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун асос бўладиган бузилишларнинг рўйхатини ўз ичига олади. Бундай бузилишларнинг ҳар бири турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Мисол учун, келишув битимини тузишнинг белгиланган тартибини бузиш, келишув битими тузиш ҳақидаги қарор қарздор номидан бунга ваколати бўлмаган шахс томонидан тузилиши шаклида ёки қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг ҳаммаси овоз беришга жалб қилинмаганлиги каби кўринишларда бўлиши мумкин. Келишув битимининг шаклига риоя қилмаслик мажбурий ёзма шаклнинг мавжуд эмаслиги бўлади. Келишув битимини тузишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузилиши келишув битимини тузишда иштирок этмаётган шахсларнинг мажбуриятларини белгилашда ифодаланиши мумкин. Келишув битимини тасдиқлашда фуқаролик қонунчилигига асосан келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари бўлганда ҳам хўжалик суди томонидан рад этилади. Масалан, келишув битимининг мазмуни қонунчилик талабларига жавоб бермайди (ЎЗР ФКнинг 116-моддаси) ёки келишув битими унинг тегишли ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтириш учун эмас, балки номигагина тузилган бўлса (ЎЗР ФКнинг 124-моддаси).

Қайд этиб ўтиш жоизки, шартнома (битим)ларни ҳақиқий эмас деб топиш учун фуқаролик қонунчилиги томонидан ўрнатилган асослар келишув битимининг хўжалик судлари томонидан тасдиқлашни рад этиш учун асос бўлади.

3. Хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида устидан шикоят қилиш мумкин бўлган ажрим чиқаради. Лекин банкротлик тўғрисидаги қонунчилик шикоят беришнинг тартиби ва муддатларига аниқлик киритмаган. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 21-бандида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган ва ЎзР ХПКда назарда тутилмаган ажримлари устидан фақатгина Қонунда назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шикоят берилиши мумкин. ЎзР ХПКда келишув битимини тасдиқлашни рад этиш масаласи йўқ бўлганлиги сабабли, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида Қонуннинг 151-моддасига асосан чиқарилган ажрим устидан шикоят бериш Қонуннинг 59 ва 60-моддаларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади, унга кўра ажрим чиқарилган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши мумкин, шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича апелляция инстанцияси суди ўн кунлик муддат ичида якуний қарор чиқаради.

152-модда. Келишув битимини тасдиқлашни рад этилиши оқибатлари

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашнинг рад этилиши тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда битим тузилмаган деб ҳисобланади.

Хўжалик суди томонидан келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилиши янги келишув битими тузишга монелик қилмайди.

Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи суд томонидан келишув битимини тасдиқлаш рад этилган ҳолатда юзага келадиган оқибатларни белгилайди.

1. Суд томонидан келишув битими тасдиқлашни рад этилишининг моддий-ҳуқуқий оқибатлари шундан иборат бўладики, келишув битимини тузиш натижасида тарафлар кўзлаган оқибатлар рўй бермайди. Бу ҳолатда қарздор билан кредитор ўртасида келишув битимини тузишгача бўлган муносабатлари сақланади.

Суд томонидан келишув битими тузилганлигини рад этилишининг процессуал оқибатлари шундан иборатки, банкротлик тўғрисида ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

сидаги иш давом этади. Бу ҳолда тарафларнинг келишув битимини тузишга қилган ҳаракатлари процессуал нуқтаи-назардан банкротлик тўғрисидаги ишнинг боришига ҳеч қандай таъсир қилмайди — иш тарафлар томонидан келишув битимини тузишга қилинган ҳаракат пайтида қайси босқичда бўлса, шу босқичдан давом этади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кўзда тутилишича, хўжалик суди томонида келишув битими тузилганлигини тасдиқлашнинг рад этилиши тарафларни суд томонидан келишув битимини тасдиқлашда рад этилган камчиликларни инобатга олган ҳолда кейинчалик яна келишув битимини тузишга бўлган ҳуқуқларини чекламайди.

153-модда. Келишув битимининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор, кредитор, прокурор, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг аризасига биноан келишув битими қуйидаги ҳолларда хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

келишув битими айрим кредиторлар учун афзаллик берилишини ёки айрим кредиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда тутувчи шартларга эга бўлса;

битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўлса.

Шарҳланаётган модда келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асосларни санаб ўтади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларни билдириши мумкин бўлган субъектлар доираси белгиланади, шунингдек, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш асослари кўрсатилади. Мазкур нормани қўллашда, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар билан судга келишув битими унинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузаяпти деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс мурожаат қилиши мумкинлигидан келиб чиқиш керак, чунки ЎЗР ХПКга асосан судга ҳар қандай шахс ўзининг бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб ЎЗР ХПКда белгиланган тартибда мурожаат қилиши мумкин. ЎЗР ФПКда ҳам шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилган. Фақатгина суд келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиб, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ёки бузилмаганлигини аниқлайди.

Суд келишув битимини тасдиқлашни рад этишини келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан арз қилишдан фарқлаш лозим. Қонуннинг 151-моддасига асосан келишув битимини тасдиқлашни суд томонидан рад этилиши учун асос сифа-

тида келишув битимини расмийлаштиришда ва тузишда банкротлик тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилмаслик, шунингдек, унинг шартлари қонунчиликка зид келиб қолгандаги ҳолат бўлиши мумкин. Яъни, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади (Қонуннинг 151-моддаси шарҳига қаранг). Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш учун кредитор ёки учинчи шахсларнинг эътирозлари шарт эмас: суд суд мажлисида илтимоснома билан берилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, келишув битимини тасдиқлаш ёки уни тасдиқлашни рад этиш тўғрисида қарор қилади. Шарҳланаётган модда келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун мажбурий асос сифатида манфаатдор тарафнинг ёзма мурожаатини, шунингдек, Қонуннинг 153-моддаси иккинчи ва учинчи хатбошиларида санаб ўтилган асосларни ҳисоблайди. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмини амалиётда қўллашда низолар йўқ. Лекин модданинг учинчи қисмини қўллашда низолар келиб чиқиши мумкин, чунки мазкур норма ҳаволаки тусда. Қонун чиқарувчи, «битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосларида» фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларни назарда тутган, қайсики суд битимни ҳақиқий эмас, яъни шубҳали битим деб топади. Савол туғилиши мумкин: келишув битимида уни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос мавжуд бўлса-ю, суд уни тасдиқлаган бўлса, нима бўлади? Бу ҳолда манфаатдор шахс келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими устидан банкротлик тўғрисидаги иш доирасида шикоят бериши мумкин. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш ЎзР ХПК ва (ёки) ЎзР ФПКда кўрсатилган даъво тартибида иш юритиш қоидалари асосида амалга оширилади. Буни шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин. Шунингдек, келишув битими суднинг ажрими билан эмас, балки суднинг қарори билангина ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бу ҳолда тарафлар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишнинг иштирокчиларини аниқлаш масаласида муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ким иш бўйича жавобгар сифатида жалб қилиниши лозим: барча кредиторларми ёки кредиторлар номидан келишув битимини имзолаган вакил сиймосида кредиторлар йиғилишими?

Судга мурожаат қилган шахс томонидан ишда иштирок этишга манфаатдор бўлган барча шахслар жалб қилинмаган бўлсачи?

Ишда иштирок этишга келишув битими муайн ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган барча кредиторлар ва учинчи шахслар жалб қилиниши лозим, чунки келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тугатилишига олиб келади. Албатта, агар кредиторлар сони уч ёки беш кишидан ортиқ бўлмаса, бу ҳеч қандай муаммо туғдирмайди, лекин уларнинг сони ўн ёки йигирма кишидан ортиқ бўлса, ушбу шахсларни суд

мажлисининг ўтказиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш ва суд мажлисини ўтказишда суд учун ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларни тақдим этиш муддатларини белгилайдиган нормалари мавжуд эмас. Шундай экан, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб хоҳлаган вақтда берилиши мумкин. Лекин, агар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фуқаролик қонунчилиги томонидан ўрнатилган даъво муддати ўтганидан сўнг берилган бўлса ва даъво аризасини кўриб чиқиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлиги оқибатларини татбиқ этиш ҳақида талабнома берилган бўлса, бу ҳолат аризани рад этиш учун асос бўлади.

154-модда. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш учун асос бўлади. Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда кредиторларнинг уларга тўланиши лозим бўлган, лекин кечиктирилиши ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қўйилган талаблари ёки қарзлардан сийлов берилган талаблари бу талабларнинг қондирилмаган қисми бўйича тикланади.

Келишув битимининг ҳақиқий эмас деб топилиши ушбу Қонун 149-моддасининг назарда тутилган тартибда қопланган харажатлар ва қондирилган талабларни қарздорга қайтариш мажбуриятини келтириб чиқармайди.

Битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг ушбу модда билан тартибга солинмаган қисмида битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган оқибатлари келиб чиқади.

Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганда қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни қайта тиклаш ҳақидаги хабар хўжалик суди томонидан расмий нашрда қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ушбу Қонуннинг ва моддаларида назарда тутилган тартибда эълон қилинади.

Кредиторларнинг келишув битими шартлари асосида ҳисоб-китоб қилиб бўлинган талаблари, агар ушбу Қонунга зид келмаса, қаноатлантирилган деб ҳисобланади. Агар кредиторларнинг талаблари келишув битимининг муайян кредиторлар устунлигини ёки бошқа кредиторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишини назарда

тутувчи шартларига мувофиқ қондирилган бўлса, бундай кредиторлар келишув битимини бажариш тартибида олган барча нарсаларини қайтаришлари шарт. Бунда мазкур талаблар кредиторларнинг талаблари реестрида тиклаб қўйилади.

Шарҳланаётган модда келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда юзага келадиган оқибатларни ёритидади.

1. Келишув битими ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда шарҳланаётган моддада белгиланган оқибатлар юзага келади, хусусан, хўжалик суди ажрими бўйича банкротлик тўғрисида иш қайта тикланади. Қонун чиқарувчи келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим «тақдирини» тартибга солмайди, бизнингча, суд ишни тиклаш ҳақидаги ажримда янги очилган ҳолатлар бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни тартибга солувчи процессуал ҳуқуқ нормаси билан ўхшашлик бўйича уни бекор қилишни кўрсатиш керак (ЎЗР ХПКнинг 204—208-моддалари).

Қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишнинг тикланишида келишув битими тузилган пайтдаги таомил жорий қилинади. Суд томонидан аввалги тайинланган суд бошқарувчиси ўз вазифаларини бажаришга киришади. Агар мазкур суд бошқарувчиси ўз функцияларини амалга оширолмаса, суд томонидан кредиторлар йиғилиши ёки банкротлик тўғрисидаги иш бўйича давлат органи томонидан тақдим этилган номзодлар орасидан бошқа суд бошқарувчиси тайинланади. Агар келишув битими қузатув ёки суд санацияси даврида тузилган бўлса, қарздорнинг раҳбари ўз лавозимида тикланади.

Келишув битимини суд томонидан ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилади ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 60-моддасига асосан шикоят келтирилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида келишув битими ҳақиқий эмас деб топилганда, келишув битими шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган, кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қўйилган талаблар ёки қарзлардан сийлов берилган талаблар бўйича кредиторлар учун юзага келадиган оқибатлар ёритиб берилган. Қонуншуноснинг белгилашича, бу кредиторлар талабларининг қаноатлантирилмаган қисми тикланади, лекин мазкур қисмда кредиторлар томонидан қарзлардан сийлов бериш сифатида воз кечилган талаблар борасида аниқ тушунтиришлар мавжуд эмас. Бу ҳолатда, фуқаролик қонунчилигида назарда тутилганидек, битимни ҳақиқий эмас деб топишнинг умумий қоидаларига амал қилиш тўғри бўлади (ЎЗР ФПК 114-моддаси). Бу қоидадан мустасно ҳолатлар шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида келтирилган.

3. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳар қандай битим каби тарафларни олдинги ҳолатига қайтишларига олиб келади. Лекин шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига кўра, бу қоида Қонуннинг 149-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар қопланганда ва талаблар қаноатлантирилганда қўлланилмайди.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида белгиланишича, битимни ҳақиқий деб топишни мазкур модда билан тартибга солинмаган қисмида фуқаролик қонунчилиги татбиқ қилинади (битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг оқибатлари). ЎзР ФКнинг 114-моддасига асосан битим ҳақиқий эмас деб топилганда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафга битим бўйича олган барча нарсаларни қайтариши шарт. Лекин шарҳланаётган модданинг иккинчи, учинчи ва олтинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосан бошланғич ҳолатга қайтиш мумкин эмас.

5. Келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш ва банкротлик иши бўйича иш юритиш тикланганлиги тўғрисида, харажатларни қарздорга юкланган ҳолда, хўжалик судининг расмий нашрида хабар берилади. Ёшон қилинадиган хабарнинг мазмунига ва маълумотга қўйилган талаблар Қонуннинг 52, 53-моддаларида келтирилган.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми белгиланишича, келишув битимини ҳақиқий эмас деб топишгача келишув битими шартлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар кредиторлар томонидан қайтариладиган ва қайтарилмайдиган ҳолатларни назарда тутати. Шарҳланаётган модданинг мазкур қисмидан англашимизча, кредиторларнинг келишув битими шартлари бўйича қаноатлантирилган талаблари бўйича, агар айнан шу талаблар бўйича қаноатлантириш келишув битимини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмаган бўлса, ишни аввалги ҳолатга келтириш қоидаси қўлланилмайди. Агар Қонуннинг 153-моддасига асосан ушбу ҳолатлар келишув битимини ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлган бўлса, иш юритиш аввалги ҳолатга қайтарилади.

Қонун чиқарувчи келишув битим бўйича қабул қилинган нарсаларни қайтариш мажбуриятини бажармасликнинг оқибатларини назарда тутмаган. Шундай экан, бундай ҳолатларда суд бошқарувчиси фуқаролик қонунчилиги томонидан ўрнатилган тартибда судга даъво қилиш йўли билан кредитордан келишув битими бўйича унга берилган нарсаларни қайтариш чораларини кўради.

155-модда. Келишув битимини бажармасликнинг оқибатлари

Келишув битими қарздор томонидан бажарилмаган тақдирда кредиторлар келишув битимида назарда тутилган ҳажмда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаблар тақдим этишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисида янги иш қўзғатилган тақдирда келишув битими қайси кредиторларга нисбатан тузилган бўлса, шу кредиторлар талабларининг ҳажми келишув битимида назарда тутилган шартлар асосида аниқланади.

Мазкур модда келишув битимининг шартлари қарздор томонидан бажарилмаган ҳолатда қарздор, кредиторлар ва учинчи шахслар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатларини тартибга солади.

1. Шарҳланаётган модда биринчи қисмининг қоидаси бўйича кредиторлар қарздор томонидан келишув битимининг шартлари бажарилмаганда унга нисбатан талаб қўйишлари мумкин, бунда уларнинг талаблари келишув битими билан белгиланган ҳажмда чекланади. Бундай қоиданинг амалиётда қўлланиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. ЎзР ХПК нормаларига асосан даъво ишини юритиш даврида томонлар келишув битимини тузган бўлсалар, хўжалик суди келишув битимини тасдиқлаш билан бир вақтда ижро варақасини беради, унга кўра келишув битими ихтиёрий бажарилмаса у мажбуран амалга оширилади. Бундай қоида банкротлик тўғрисидаги ишни юритишда томонлар ўртасида келишув битими тузилган, лекин у бажарилмаган бўлса қўлланиши мумкинми? Шарҳланаётган модданинг мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келишув битими шартлари бажарилмаса кредиторлар судга умумий тартибда даъво қилишлари мумкин.

Бу масала ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 32-бандида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра «қарздор томонидан келишув битимининг шартлари бажарилмаган ҳолда кредиторлар тааллуқлиги бўйича даъво аризаси билан умумий юрисдикция ёки хўжалик судларига мурожаат қилишлари мумкин». Бу ҳолда даъво талабининг миқдори келишув битимининг шартларидан келиб чиқади ва низо бу талабнинг судга мурожаат қилинган пайтдаги аниқ миқдори борасида бўлиши мумкин. Агар келишув битими шартлари бўйича уни лозим даражада бажармаганлик учун санкция белгиланган бўлса, кредиторлар қарздордан санкцияларни тўлашни ҳам талаб қилишлари мумкин. Келишув битимида санкциялар белгиланмаганлиги кредиторлар қонунчиликка асосан судга санкцияларни ундиришни сўраб

мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар дегани эмас, чунки банкротлик даврида тузилган келишув битим сифатида баҳоланади. (Хусусан, ЎзР ФПК 327-моддасига бўйича фоизлар, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонунда белгиланган санкциялар). Чунки, банкротлик жараёнида тузилган битими битим сифатида қаралади.

Амалиётда баъзи ҳолатда муаммо туғилади: қарздорларга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатишга қадар суд томонидан даъво тартибида берилган ижро варақаси мавжуд бўлса нима бўлади? Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори 32-бандига асосан, бундай ҳолларда кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини қайтадан даъво тартибда тақдим этишлари зарур. Ушбу ҳолатда кредиторлар талабларининг миқдори келишув битимининг шартлари билан белгиланади. Лекин бу кредиторнинг келишув битими шартларида ҳамда амалдаги қонунлар асосида санкцияни ундиришга ҳақли эмаслигини билдирмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида кредиторлар томонидан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида қайтадан иш қўзғатилганда ёки қўзғатилган ишда бу талабларни аниқланган ҳолларда, уларнинг талаблари қандай миқдорда қабул қилиниши лозимлиги масаласи тартибга солинади. Қонун чиқарувчи белгилашича, дастлабки банкротлик тўғрисидаги иш юзасидан келишув битими тузган кредиторлар талаблари янги банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатилганда келишув битими шартларида белгиланган шартлар асосида кўриб чиқилади.

IX БОБ. ҚАРЗДОР ЮРИДИК ШАХСЛАР АЙРИМ ТОЙФАЛАРИ БАНКРОТЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шарҳланаётган боб шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар, қишлоқ хўжалик корхоналари, банклар, суғурталовчилар ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини банкротлигининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар учун банкротлик аломатлари бўйича, ташқи бошқарувни жорий этиш ва уни узайтириш, корхонани комплекс мулк сифатида сотишнинг шартлари борасида ўзига хос қоидалар белгиланган. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун судгача санация, кузатув, суд санациялари ва ташқи бошқарувни узайтириш имкониятлари, шунингдек, корхонани комплекс мулк сифатида сотишнинг алоҳида ҳолатлари юзасидан ўзига хос хусусиятлар белгиланган. Банк учун уни банкрот деб топиш учун асослар, ташқи бошқарувни қўллашнинг мумкин эмаслиги, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар масаласида алоҳида қоидалар белгиланган. Суғурталовчи учун унинг мулк комплексини сотиш, суғурта шартномаларини тугатиш, талабларни қондиришнинг хусусиятлари ёритилган, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилар учун суд бошқарувчилари ва банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг битимлар тузишга бўлган чекловлар масаласида алоҳида қоидалар мавжуд. Мазкур хусусиятлар кўрсатилган субъектлар фаолиятининг ўзига хослиги билан асосланади.

1-§. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги

156-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш, агар қарздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича тегишли мажбурият мазкур мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар бўйича мазкур мажбурият бошланган кундан эътиборан олти ой ичида бажарилмаган бўлса, башарти қарздорга нисбатан билдирилаётган талаб-

лар энг кам иш ҳақининг камида беш минг карраси миқдорини ташкил этса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ва (ёки) тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора, хўжалик бошқаруви органи ишда иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилади.

Корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ҳамда уларга тенглаштирилган корхоналар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона — қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги ишини кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилишига асос бўлиши мумкин бўлган банкротлик белгилари кўрсатилган.

Бу белгилар сифатида шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг олти ойлик муддатда энг кам ойлик иш ҳақининг беш минг бараваридан кўп бўлган миқдорда пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича қарзлари мавжуд бўлишини кўрсатиш мумкин. Мазкур норма Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган умумий қоидага истисно ҳисобланади.

Қонуннинг 3-моддасига асосан шаҳар ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонага ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 3 ва 4-моддаларига асосан табиий монополиялар субъектларига қуйидагиларни амалга оширувчи юридик шахслар киритилади:

- трубалардан нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилувчи;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи ва транспортировка қилувчи;
- темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланувчи;
- умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматидан фойдаланувчи;
- сув қувурлари ва канализация хизматидан фойдаланувчи;
- аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматидан фойдаланувчи.

Куйидагилар табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишнинг давлат органлари ҳисобланади:

— ЎЗР ВМ;

— ЎЗР ВМ томонидан белгиланган ваколатли орган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорига кўра табиий монополия субъектларининг фаолияти устидан назоратни Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси амалга оширади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига асосан шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхонанинг банкротлиги тўғрисидаги иш хўжалик судлари томонидан жойларда тегишли давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек тегишли юқори турувчи орган (вазирлик, давлат қўмитаси, хўжалик бошқаруви органи)нинг иштирокида кўрилади. Мисол учун, амалиётда қарздор корхонанинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, бундай органлар сифатида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги» Уюшмаси ва бошқалар иштирок этиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилаётганида, хўжалик суди ишда иштирок этишга юқоридаги органларни жалб қилади. Мазкур органларнинг иштироки мажбурийдир.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмининг белгилашча, корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи ёки унга тенглаштирилган корхоналар ҳисобига киритиш тартиби ЎЗР ВМ томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 142-сонли қарорининг 34-бандига асосан, ЎЗР ВМ томонидан корхонани шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхоналар ҳисобига киритиш тартиби аниқлангунга қадар, қарздор шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корхона эканлигини тасдиқлаш учун куйидаги ҳужжатлардан бири мавжуд бўлиши асос ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан берилган корхона ходимларининг йиллик ўртача сони уч минг кишидан кам бўлмаганлигини тасдиқловчи маълумотномалари;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан берилган корхона ходимларининг © ЎЗР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

оила аъзолари билан биргаликдаги сони тегишли аҳоли пунктининг ярмидан кам бўлмаган қисмини ташкил этишини тасдиқловчи маълумотномаси;

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг корхона давлатнинг мудофаа ва хавфсизлик қобилиятини мустаҳкамлашни таъминлаётганини тасдиқловчи хулосаси;

— Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органининг юридик шахс унинг асосий фаолияти тури бўйича табиий монополия субъектлари давлат реестрида эканлигини тасдиқловчи хулосаси.

157-модда. Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, бундай қарор бўлмаса, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин.

Ташқи бошқарув режаси шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона томонидан мазкур режани кредиторлар йиғилишига тақдим этишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан, давлат мудофаа буюртмасини амалга оширувчи корхоналар бўйича эса вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органи билан келишиб олинган бўлиши керак.

Тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан улар томонидан қарздорнинг мажбуриятларни бажариши таъминоти таъминланган тақдирда, шу жумладан давлат кафолатларини бериш йўли билан таъминланганда, хўжалик суди қарздорнинг суд санациясига ўтиши тўғрисида, агар илгари бундай таомил қарздорга нисбатан қўлланилган бўлмаса, қарор қабул қилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарувни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

1. Умумий қоида бўйича ташқи бошқарув Қонуннинг 91-моддасига асосан кредиторлар йиғилиши қарорига асосан жорий этилади.

Шаҳарни ташкил этувчи ёки унга тенглаштирилган корхонага нисбатан ташқи бошқарув жорий этилишининг ўзига хос хусусияти

шундан иборатки, кредиторлар йиғилишининг хўжалик судига ташқи бошқарувни белгилаш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаса ҳам хўжалик суди ташқи бошқарувни маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этиши мумкин.

Шаҳарни ташкил қилувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар мажбуриятлари кафиллик, кафолат ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади. Умумий қоида бўйича ташқи бошқарув қонуннинг 91-моддасига асосан ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга белгиланади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарув режасини маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан, давлат мудофаа буюртмасини амалга оширувчи корхоналар бўйича эса вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқаруви органи билан келишиб олиш шартлигини белгилайди. Ташқи бошқарув режасини мажбурий равишда юқоридаги органлар билан келишиш ташқи бошқарувчига юклатилади. Бунда мазкур органлар ташқи бошқарув режасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

3. Шаҳар ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви жараёни суд санациясига ўтиши мумкин. Суд санациясига ўтишнинг шартларидан бири бу маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ҳамда вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг, хўжалик бошқаруви органининг қарздор мажбуриятларини бажарилишини таъминлаши ҳисобланади. Суд санацияси жорий этилаётган пайтда тегишинча, Қонуннинг V боби нормаларига амал қилиш лозим.

Агарда қарздорга нисбатан аввал суд санацияси қўлланилган бўлса, хўжалик суди шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонани суд санациясига ўтказиш тўғрисидаги аризани рад этади.

Суд санациясига ўтишда хўжалик суди суд бошқарувчисини қайта тайинлаш масаласини ҳал этади. Қонуннинг 80-моддасига асосан санация қилувчи бошқарувчи номзоди кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан хўжалик судига тақдим этилади.

Умумий қоида бўйича, Қонуннинг 78-моддасига асосан шаҳарни ташкил этувчи ёки унга тенглаштирилган корхонанинг суд санацияси кўпи билан йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун хўжалик суди томонидан кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳолда суд санацияси ва ташқи бошқарувни умумий муддатига тегишли бўлган Қонуннинг 91-моддаси нормалари тадбиқ этилмайди.

158-модда. Ташқи бошқарув муддатини узайтириш

Шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органининг илтимосномаси бўлган тақдирда хўжалик суди томонидан узоғи билан бир йил муҳлатга узайтирилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона фаолиятига инвестиция киритиш, ходимларни ишга жойлаштириш, янги иш жойларини яратиш йўли билан ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа усуллари билан корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш режаси ташқи бошқарувни ушбу модданинг назарда тутилган муддатдан кўпроқ муҳлатга узайтириш учун асос бўлади.

Тегишинча маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат кўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шarti билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда қарздор ва унинг кафили кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ушбу моддада назарда тутилган муддатлардан кечикмай киришиши шарт.

Ушбу модданинг назарда тутилган талабларга риоя қилинмаслиги қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун асос бўлади.

Шарҳланаётган модда шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви муддатини узайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

1. Дастлаб тақдим этилган ташқи бошқарув муддати тугаганидан сўнг маҳаллий давлат ҳокимияти органи шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхона келажакда молиявий соғломлаштириш мақсадида хўжалик судига ташқи бошқарув муддатини бир йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунга кўра, шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхона ташқи бошқарувининг умумий муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги керак, бу Қонуннинг 91-моддасида ўрнатилган умумий қоидадан истисно ҳисобланади.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг аризаси асослантирилган бўлиши керак. Ташқи бошқарув муддатини узайтиришга:

- молиявий соғломлаштириш режасига қарздор фаолиятини қўшимча инвестициялашни киритиш;
- ходимларни иш билан таъминлаш;

— янги иш жойларини ташкил қилиш, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган бошқа чоралар асос бўлиши мумкин.

Амалиётда бундай чоралар сифатида ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга қайта ихтисослаштириш, ташқаридан малакали мутахассисларни жалб қилиш ва ҳоказоларни эътироф этиш мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқаруви муддатини узайтиришнинг ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган умумий қонундан мустасно ҳолатларни белгилайди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ҳамда хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кафиллик бериш шарти билан шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган корхонанинг ташқи бошқарув муддати беш йилгача узайтирилиши мумкин. Шу муносабат билан, шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхона ташқи бошқарувининг умумий муддати узайтирилган муддат билан бирга қўшиб ҳисоблаганида беш йилдан ошмаслиги керак.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қарздор ва унинг кафолат берувчиси томонидан ташқи бошқарувнинг узайтирилиши вақтида бошланиши керак. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар Қонуннинг 121-моддасига белгиланган тартибда амалга оширилади. Шу билан бирга, қонун кредиторлар олдидаги қарзни қоплашга қаратилган пул маблағларининг аниқ ҳажмини, шунингдек қарздорликни қоплашнинг даврийлигини ҳам кўзда тутмайди.

4. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисм талабларига риоя қилмаслик, яъни, агар қарздор ва унинг кафолат берувчиси хўжалик суди томонидан жорий этилган ташқи бошқарувни узайтириш вақтида кредитор билан ҳисоб-китобларни амалга оширишга киришмаган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи, вазирлик, давлат қўмитаси, идора ва хўжалик бошқарув органининг илтимосномасига асосан хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли бўлади.

159-модда. Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхона ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхона сотиш шартлари

Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхона ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхона ташқи бошқарув чоғида кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида мулкий мажмуа сифатида сотилиши

мумкин. Шаҳарни ташкил этувчи корхонани ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Шаҳарни ташкил этувчи корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

шаҳарни ташкил этувчи корхона сотилаётган пайтда унда ишлаб турган ходимларнинг камида етмиш фоизи учун иш жойларини сақлаб қолиш;

шаҳарни ташкил этувчи корхонанинг фаолият соҳаси ўзгартирилган тақдирда мазкур ходимларни қайта ўқитиш ёки ишга жойлаштириш борасида харидорнинг мажбуриятлари.

Давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхона мулкӣ мажмуасининг ҳамда сафарбарлик мақсадидаги мол-мулкнинг белгиланган мақсади сақлаб қолинишини таъминлаш;

қарздорнинг давлат мудофаасига оид буюртмалар, давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги соҳасидаги эҳтиёжларини таъминлашга доир ишларни амалга ошириш билан боғлиқ шартномаларни бажариш.

Табийй монополияларнинг субъекти бўлган корхонани танловда сотишнинг мажбурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

табийй монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тартибга солиш предмети бўлган товарлар етказиб бериш шартномалари бўйича қарздорнинг мажбуриятларини сотиб олувчи ўз зиммасига олишга розилиги, ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) реализация қилинаётган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) истеъмолчиларнинг эркин фойдалана олиши таъминланганлиги;

Агар қарздорнинг фаолияти лицензияланиши лозим бўлса, тегиш-ли фаолият турини амалга ошириш учун харидорда лицензия бўлиши.

Танловнинг мазкур модданинг ва қисмларида назарда тутилмаган шартлари фақат кредиторлар йиғилишининг розилиги билан ушбу Қонуннинг назарда тутилган тартибда белгиланиши мумкин.

Агар шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона танлов шартларида сотилмаган бўлса, корхона аукционда сотилади.

Агар давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонанинг мол-мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлса, бундай корхонани сотиш ёпиқ кимошди савдосида танлов шаклида амалга оширилади, бундай савдода қонунга мувофиқ фақат мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирокчи бўлиши мумкин.

Давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи сотилаётган корхонанинг муомаладан чиқарилган мол-мулки мол-мулкнинг эгасига у шундай мол-мулк мавжудлиги ҳақида ташқи бошқарувчи томонидан хабардор қилинган пайтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай топширилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида давлат мудофаасига оид буюртмани бажарувчи корхонани кимошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органи кимошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида табиий монополия субъекти бўлган корхонани кимошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш ушбу Қонуннинг 110, 111-моддаларида кўрсатилган умумий қоидалар ва шарҳланаётган модда асосида амалга оширилади.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига мувофиқ шаҳарни ташкил этувчи ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар мулкий мажмуа сифатида танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан сотилиши мумкин.

ЎЗР ФКнинг 380-моддасига мувофиқ аукцион ва танловлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукцион ва танловларда ҳар қандай шахс иштирок этиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда эса фақат шу мақсадда махсус таклиф этилган шахсларгина иштирок этиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда ўтказилган савдо манфаатдор шахснинг даъвосига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Савдони ҳақиқий эмас деб топиш савдода ютиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

2. Корхоналарни сотиб олувчи сотиб олинган вақтда шаҳарни ташкил этувчи корхоналарда ишлаб турган ходимларнинг камида 70 фоизи учун иш жойини сақлаб қолиш ва шаҳарни ташкил этувчи корхоналарнинг фаолият соҳаси ўзгартирилган тақдирда эса мазкур ходимларни қайта ўқитиш ёки ишга жойлаштиришга мажбур.

Кўрсатилган мажбуриятлар шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва унга тенглаштирилган корхоналарнинг олди-сотди шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларни бажармаслик олди-сотди шартномаси бекор бўлишига олиб келади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида давлат мудофаа қобиляти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхо-

нани сотишнинг мажбурий шартлари кўрсатилган бўлиб, бундай корхонани сотиб олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхона мулкӣ мажмуасининг ҳамда сафарбарлик мақсадидаги мол-мулкнинг белгиланган мақсади сақлаб қолинишини таъминлаш. Бунда давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхонани сотиб олган шахс давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли эмас. Амалиётда бундай корхоналарга ҳарбий буюртма, иссиқлик-энергия манбаи корхоналари, самолётсозлик, машинасозлик, металлургия ва бошқа корхоналарни мисол қилиб келтириш мумкин;

қарздорнинг давлат мудофаасига оид буюртмалар, давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги соҳасидаги эҳтиёжларни таъминлашга доир ишларни амалга ошириш билан боғлиқ шартномаларни бажариш.

4. Табиий монополиялар субъекти бўлган корхонани танловда сотишнинг мажбурий шarti бўлиб, товар етказиб бериш шартномалари бўйича қарздорнинг мажбуриятларини сотиб олувчининг ўз зиммасига олиши, ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва (ёки) реализация қилинаётган товарлардан (ишлар, хизматлар) истеъмолчиларнинг эркин фойдалана олишини таъминлашни ўз зиммасига олиши ҳисобланади. Бундай товарларга (хизматларга) мисол қилиб электроэнергия, электр ва алоқа хизмати, нефт маҳсулотлари, сув ўтказиш ва канализация хизматларини кўрсатишни келтириш мумкин.

Бундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 15, 16-моддаларида ҳам белгиланган:

ўз товарлари сотиб олинишида истеъмолчиларга тенг шароитлар яратиб бериш. Бунда барча истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун қуввати етарли бўлмаган ҳолларда товарлар истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши ЎзР ВМнинг қарорларига мувофиқ тартибга солинади; истеъмолчиларнинг зарур ҳажмдаги ва лозим даражадаги сифатли товарларни олишдан иборат ҳуқуқларини камситилишига йўл қўймаслик.

Табиий монополиялар субъектининг тегишли товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) имконияти мавжуд бўлса, шундай товарларни ишлаб чиқариш (реализация қилиш) юзасидан айрим истеъмолчилар билан шартнома тузишни рад этиш ман этилади.

Табиий монополия субъекти бўлган корхонани сотишнинг яна бир шarti шуки, қарздорнинг фаолияти лицензияланиши лозим бўлса, тегишли фаолият турини амалга ошириш учун харидорда ҳам лицензия бўлиши керак.

5. Олди-сотди шартномасида шарҳланаётган моддада кўрсатилганидан бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилганидек, кредиторлар йиғилишининг розилиги бўлиши лозим.

6. Шарҳланаётган модданинг олтинчи қисми корxonани аукционда сотишнинг шартларини кўрсатиб беради. Ушбу қоидага мувофиқ, аввало, шаҳарни ташкил этувчи корxonалар ва унга тенглаштирилган корxonалар конкурс ўтказиш йўли билан сотилиши лозим. Агарда шаҳарни ташкил этувчи корxonалар ва унга тенглаштирилган корxonалар танлов ўтказиш шартлари бўйича сотилмаган бўлса, аукцион ўтказиш йўли билан сотилади.

7. Шарҳланаётган модданинг еттинчи қисмида давлат мудофасига оид буюртмани бажарувчи корxonанинг мулки таркибида муомала қобилияти чекланган мол-мулк бўлган ҳолларда корxonани сотишнинг алоҳида тартиби кўрсатиб ўтилган. Бундай корxonаларни сотиш ёпиқ ким ошди савдосида танлов шаклида амалга оширилади, бундай савдода қонунга мувофиқ фақат мазкур мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эга бўла оладиган шахслар иштирок этиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 380-моддасига мувофиқ ёпиқ конкурсда фақат шу мақсадда таклиф этилган шахсларгина иштирок эта олади.

8. Шарҳланаётган модданинг саккизинчи қисмида давлат мудофасига оид буюртмани бажарувчи корxonанинг муомаладан чиқарилган мол-мулки реализация қилинмаслиги, лекин уч ойдан кечиктирмасдан мол-мулкнинг эгасига топширилиши лозимлиги кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда суд бошқарувчиси шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган корxonаларнинг бундай мулкани тугатиш массасидан чиқариб ташлаши лозим.

9. Ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари бир ой муддат ичида шаҳарни ташкил этувчи корxonани олди-сотди шартномасини, савдо ўтказиш натижасида белгиланган нарх асосида, тузиш учун суд бошқарувчисига муурожаат қилиши мумкин. Мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари шаҳарни ташкил этувчи корxonалар мол-мулкани савдода ютиб чиққан бошқа сотиб олувчилар олдида имтиёзга эга ҳисобланади. Суд бошқарувчиси қонунда белгиланган тартибга мувофиқ кўрсатилган субъект билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим, агар бошқа сотиб олувчилар билан шартнома имзоланса, шарҳланаётган моддага мувофиқ шартномани бекор қилади.

10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳам ким ошди савдоси натижалари тўғрисидаги баённома имзоланганидан кейин бир ой ичида табиий монополия субъекти бўлган корxonани ким ошди савдосини ўтказиш натижасида белгиланган нарх бўйича сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади.

160-модда. Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулкини сотиш

Шаҳарни ташкил этувчи банкрот деб топилган қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулки сотилаётганида тугатиш бошқарувчиси корхонани дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкий мажмуа сифатида таклиф этиши лозим.

Агар шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонанинг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулкини сотиш ушбу Қонуннинг мувофиқ амалга оширилади.

Табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонанинг товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш жараёнида фойдаланадиган мол-мулки кимошди савдосига фақат мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Тугатувчи бошқарувчи, агар табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхона товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш шартномалари бажарилишининг тўхтатилиши аҳолининг ҳаётий фаолияти ёки ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумига асосланган корхоналар фаолияти шароитини бузадиган бўлса, бундай шартномалар бажарилишини таъминлаши шарт.

Табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишга доир иш юритиш хўжалик судининг қарори қабул қилинган ва тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан эътиборан кечи билан олти ой ичида тамомланиши керак. Агар мазкур муддат тугаганидан кейин корхонанинг мол-мулки сотилмай қолса, тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан, йиғилиш рад этган тақдирда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг назарда тутилган тартибга мувофиқ активлар ўрнини алмаштириш йўли билан тугатишга доир иш юритишни тамомлайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ушбу Қонуннинг 159-моддасида кўрсатилган шартларга мувофиқ шаҳарни ташкил этувчи ва унга тенглаштирилган банкрот деб топилган қарздор корхонанинг мол-мулки сотилаётганда тугатиш бошқарувчиси мулкий мажмуа сифатида корхонани дастлабки кимошди савдосида сотишга таклиф этиши шартлигини белгилаб беради.

2. Агар шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхонанинг ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхонанинг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида сотилмаган бўлса, қарздорнинг мол-мулкини сотиш ушбу Қонуннинг 111-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Бунда қарз-
© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

дорнинг мол-мулкани савдода сотиш Қонуннинг 110-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонанинг товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш жараёнида фойдаланилган мол-мулкани сотишни белгилаб беради. Бунда, қонун чиқарувчи табиий монополия субъектлари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг (табиий монополия субъектлари) ишлаб чиқариш давомийлиги ўзида қолиши учун табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонанинг товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш жараёнида фойдаланадиган мол-мулки ким ошди савдосига фақат мулкий мажмуа сифатида қўйилиши мумкинлигини белгилаб берган.

4. Табиий монополиялар шароитида ишлаб чиқаришнинг юқори харажатлари сабабли муайян турдаги товарларга (ишлар, хизматлар) бўлган эҳтиёжни қондиришнинг рақобат муҳитини яратиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатларни инобатга олиб, шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхона товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш шартномалари бажарилишининг тўхтатилиши аҳолининг ҳаётий фаолияти ёки ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумига асосланган корхоналар фаолияти шароитини бузадиган бўлса, бундай шартномалар бажарилишини таъминлаши шартлигини белгилайди.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисми табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишнинг махсус муддатлари ва тугатишнинг ўзига хосликларини белгилаб беради. Умумий қоидаларга ва ушбу Қонуннинг 124-моддасига мувофиқ тугатишга доир иш юритиш бир йилдан ошиши мумкин эмас. Мазкур қоидадан истисно тариқасида табиий монополия субъекти бўлган қарздор корхонани тугатишга доир иш олти ойдан ошиши мумкин эмас.

Умумий қоидалардан истисно тариқасида (Қонуннинг 143-моддаси) яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, олти ой муддат тугаганидан кейин ҳам корхонанинг мол-мулки сотилмай қолса, тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 115-моддасига мувофиқ активлар ўрнини алмаштириш йўли билан тугатишга доир иш юритишни тамомлайди, шунингдек табиий монополия субъектлари таркибида бир ёки бир нечта очиқ акциядорлик жамиятлари ташкил этиш йўли билан тамомлаши мумкин. Бунда агар активлар ўрнини алмаштириш кредиторлар йиғилиши қарори билан рад этилса, активлар ўрнини алмаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан амалга оширилади.

2-§. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлиги

161-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судгача санация қилиш қўлланилиши мумкин.

Судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация қилиш муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам ишда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қишлоқ хўжалиги корхоналарини судгача санация қилиш йўли билан молиявий соғломлаштиришнинг ўзига хосликларини, шунингдек бундай корхоналарни банкротлик тўғрисидаги ишида иштирок этадиган шахсларни белгилаб беради.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини судгача санация қилиш ушбу Қонуннинг II боби ва Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланишича, қишлоқ хўжалиги корхоналарини судгача санация қилиш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисидаги иш қўзғатилгунча амалга оширилади ҳамда қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида унинг фаолияти самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадини кўзда тутди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартиришларни амалга ошириш;

рақобатбардош маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш.

Санациянинг объекти бўлиб зарар кўриб ишловчи, тўловга қобилиятсиз ва иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади.

Санациянинг субъекти қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг мулкдорлари, кредиторлар ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслар бўлишлари мумкин.

Судгача санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш асосидагина жалб этилади.

Судгача санация қилишнинг асосий чоралари қуйидагилар:

ўзаро қарз суришишни ташкил этиш;

тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлиқ ёки қисман сотиб олиш;

солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириш;

корхонани рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

ташқаридан юқори малакали мутахассислар жалб этиш;

ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ва (ёки) уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан кечиш тўғрисида корхона ва кредитор (кредиторлар) ўртасида битим тузиш;

ташқаридан бошқаришни жорий этиш;

корхонани қайта ташкил этиш ва бошқалар.

Судгача санация қилиш йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини судгача санация қилиш амалга оширилаётганда, судгача санация қилиш тўғрисидаги қарор кучга киргунга қадар ваколатли орган пуллик мажбуриятларга, солиқлар, йиғимлар ва корхонанинг бошқа мажбурий тўловларига мораторий жорий этиши мумкин.

2. Судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация қилиш муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 333-моддасига мувофиқ форс-мажор ҳолатлари дейилганда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган вазиятларни тушуниш лозим.

3. Қонуннинг 36-моддасига асосан умумий қоидаларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлик тўғрисидаги ишларда қарздор, суд бошқарувчиси, кредитор, банкротлик тўғрисидаги

иш билан шуғулланувчи давлат органи ҳамда прокурор иштирок этади. Бунда шарҳланаётган моддага мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлик тўғрисидаги ишда маҳаллий давлат ҳокимияти органи (ҳокимиятлар) ҳам иштирок этиши мумкин. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлик тўғрисидаги ишларда иштирок этиши мажбурий эмас.

162-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги корхонасида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Бунда кузатув таомили муддати уч ойдан, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари муддати эса ушбу Қонун 91-моддасининг белгиланган муҳлатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш, ушбу Қонуннинг талабларига мувофиқ, фақат қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугаши муддатини ҳамда етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур бўлган вақтни инobatта олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Фермер хўжаликлари ва юридик шахсни ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликларига нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий этилмайди.

Шарҳланаётган модда қишлоқ хўжалиги корхоналарини кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

1. Умумий қоидалардан фарқ қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги корхонасида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Модданинг шарҳланаётган қисмидан келиб чиққан ҳолда, ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш) банкрот деб топиш ишларини қўзғатиш

© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

тишда уларга нисбатан у ёки бу банкротлик таомилларини инобатга олган ҳолда ёндашув бўлмоғи лозим.

Ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган умумий қоидаларга асосан кузатув муддати беш ойгача узайтирилиши мумкин. Мазкур қоидадан фарқли ўлароқ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кузатув таомили муддати уч ойдан ошмаслиги лозим, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар суд мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза суд томонидан иш юритишга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг суд санацияси ва ташқи бошқаруви умумий муддати ушбу Қонун 91-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ ўттиз олти ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

2. Суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, суд санацияси ёки ташқи бошқарув муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин. Бундай офатлар техноген, табиий ва экологик тусга эга бўлиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қарзларни қаноатлантириш режасига мувофиқ белгиланган кредиторларнинг талабларини қондириш муддати бир неча бор бузилганида, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари қарзларни қаноатлантириш режасини бажаришга қобилиятсиз бўлиб қолса, қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугаши муддатини ҳамда етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур бўлган вақтни инобатга олган ҳолда суд санацияси тугатилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарув таомили фермер хўжаликлар ва деҳқон хўжаликларига нисбатан қўлланилмаслигини белгилаб беради. Бунда, ушбу хўжаликларга нисбатан бошқа банкротлик тўғрисидаги ишлар (кузатув, судгача санация, тугатиш, келишув битими), шунингдек судга тегишли бўлмаган банкротлик — судгача санация қонунда белгиланган тартибга мувофиқ қўлланилиши мумкин.

163-модда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкни ва мулкый ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятлари

Қарздорнинг мол-мулкни сотишда (ундан ўзганинг фойдасига воз кечишда) суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари қишлоқ хўжалиги корхонасини дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкый мажмуа сифатида қўймоғи лозим.

Қарздорнинг мол-мулкни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа, шунингдек, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти

етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар эга бўладилар. Суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари мазкур мол-мулкни, шунингдек мулкий ҳуқуқларни сотишда (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишда) мазкур мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар қийматини баҳолашдан ўтказиши ҳамда шахсларга мол-мулкни баҳоланган қийматида таклиф этиши шарт.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар бир ой ичида қишлоқ хўжалиги корхонасининг мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларини сотиб олиш истагини билдирмасалар, суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари мол-мулк қонун ҳужжатларига мувофиқ реализация қилинишини амалга оширади.

Шарҳланаётган модда ҳар қандай банкротлик тўғрисидаги ишда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларини сотишнинг (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишнинг) ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини реализация қилиш ушбу Қонуннинг 110, 111-моддаларида белгиланган умумий қоидалар асосида амалга оширилади. Шарҳланаётган модда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мулкий мажмуасини сақлаб қолиш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхонасини дастлабки ким ошди савдосида сотишга мулкий мажмуа сифатида қўйилиши лозимлигини белгилайди.

Агар қишлоқ хўжалиги корхоналари биринчи савдода мулкий мажмуа сифатида реализация қилинмаса, кейинги савдоларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулки мулкий мажмуа сифатида ёки қисмларга бўлинган ҳолда қўйилиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар доирасини белгилайди. Бу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида иккита талабга жавоб бера оладиган қуйидаги шахсларга тегишлидир: 1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар; 2) қарздор қишлоқ хўжалиги корхонасининг ер участкасига бевосита туташ бўлган ер участкасига эгалик қилувчи шахслар. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхонасининг мол-мулки суд бошқарувчиси томонидан мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар қиймати баҳоланганидан кейин реализация қилиниши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми қарздорнинг мол-мулкни сотиб олиш, ерга эгалик қилишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахснинг бундай ҳуқуқни амалга ошириш муддатини белгилаб беради. Ушбу қисмга мувофиқ иккинчи қисмда кўрсатилган шахслар қишлоқ хўжалиги корхонасининг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқлари реализацияга қўйилган вақтдан эътиборан бир ой муддат ичида имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Агар шахслар бир ой ичида қишлоқ

хўжалиги корхонасининг мол-мулкани ва мулкый ҳуқуқларини со-тиб олиш истагини билдирмасалар, суд бошқарувчиси ёки қарздор-нинг раҳбари мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ реализация қилинишини амалга оширади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми қишлоқ хўжалиги корхонасини банкрот деб топиш ёки унга нисбатан тугатишга доир иш қўзғатилган бўлса, мазкур корхонага берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсга берилиши ёки ўзга шахсга ўтиши мумкинлигини белгилаб беради.

3-§. Банкларнинг банкротлиги

164-модда. Банкни банкрот деб топиш асоси

Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун хўжалик суди банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайтариб олинганидан кейин қабул қилади.

Шарҳланаётган модда банкни банкрот деб топишнинг асосларини аниқлаб беради. Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишнинг мажбурий шarti ЎЗР МБ томонидан банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензия чақириб олинишидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига асосан ЎЗР МБ қуйидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш лицензиясини чақириб олиши мумкин:

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пассивлар активлардан кўпайиб кетганида;

лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланганда;

банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

қонун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид бўлган банк операциялари амалга оширилганда;

лицензия берилган пайтдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;

монополияга қарши қоидалар бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шўба банкни ташкил этган чет эл банкидан лицензия чақириб олинганда.

165-модда. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қарздор банк кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда тартибга солинади.

Банкка ташқи бошқарув жорий этилмайди.

Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ҳам иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда банкни банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор банк кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатларида кўрсатилган тарзда тартибга солинишини белгилаб беради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қонунчилигида банкларнинг тўловга қобилиятсизлигини тартибга солувчи махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Банклар фаолиятини тартибга солувчи умумий қоидалар «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги, «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонуности ҳужжатларида белгиланган.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида юридик шахсларни банкрот деб топишнинг умумий қоидаларидан фарқ қилган ҳолда банкка нисбатан ташқи бошқарув жорий этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

3. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги ишда қарздор, суд бошқарувчиси, кредиторлар — улар томонидан қарздорга ушбу Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, прокурор — банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилатган ҳолларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди иштирок этади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фондини фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва ЎЗР ВМнинг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Фонд тўғрисидаги Низомга асосан фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг фаолият мақсади бўлиб, банкнинг банк операцияси ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ЎЗР МБ томонидан чақириб олинган тақдирда, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўланишини Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган шартларда ва миқдорда кафолатлашдан иборат.

4-§. Суғурталовчининг банкротлиги

166-модда. Суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

Суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг назарда тутилган шахслардан ташқари, суғурта фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

Шарҳланаётган модда суғурталовчининг банкротлиги тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсларни белгилаб беради.

Суғурталовчининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 6-моддасига кўра суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс суғурталовчи деб ҳисобланади.

Ушбу Қонунда суғурталовчининг банкротлигини тартибга солувчи бошқа Қонунга мурожаат қилинмаган, шу сабабли ҳам суғурталовчининг банкротлиги Қонуннинг III—IX боблари билан тартибга солинади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидаги шахслар иштирок этиши мумкин: қарздор, суд бошқарувчиси, кредиторлар — улар томонидан қарздорга ушбу Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, прокурор — банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилаётган ҳолларда, шунингдек суғурта фаолияти соҳасини назорат қилувчи махсус ваколатли орган.

Суғурта фаолияти соҳасида назоратни ЎЗР ВМнинг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорат давлат инспекцияси амалга оширади.

Шарҳланаётган модданинг нормаларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, Суғурта назорат давлат инспекцияси банкротлик тўғрисидаги ишларда иштирок этувчи барча иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади.

167-модда. Суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиш

Суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиш ташқи бошқарув жараёнида ушбу Қонуннинг 110-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Фақат суғурталовчининг ўзи суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиб олувчи бўлиши мумкин.

Суғурталовчининг мулкый мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда суғурталовчининг мулкый мажмуаси сотилаётган санадаги суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномалари бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуани сотиб олган шахсга ўтади.

Тугатишга доир иш юритиш ўтказилаётганида суғурталовчининг мулкый мажмуаси сотиб олувчи фақат суғурталовчи банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномаларини ўз зиммасига олишга рози бўлганда сотилиши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор суғурталовчи мулкый мажмуасининг ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш орқали сотишнинг муҳим шартларини белгилаб беради.

1. Қарздор суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиш ушбу Қонуннинг 110-моддасида кўрсатилган қарздор корхонани сотишнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми суғурталовчи мулкый мажмуасини сотиб олувчи шахслар доирасини чегаралайди. Бундай шахслар ваколатли давлат органи томонидан берилган суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга ва активларга эга бўлган, суғурта шартномасидаги мажбуриятларни лозим даражада бажара оладиган суғурталовчи бўлиши мумкин.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида суғурталовчининг мулкый мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда сотилаётган санадаги суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислик мажмуани сотиб олган шахсга ўтиши кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 169-моддасига асосан суғурта ҳодисаси юз берганида шартнома бўйича суғурталовчи кредитор бўлиб ҳисобланади.

4. Тугатишга доир иш юритишда суғурталовчининг мулкый мажмуасини сотиш фақат суғурталовчи банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган тақдирда сотиб олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Бунда суғурталовчининг шартномалардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказишга розилиги талаб қилинмайди.

168-модда. Суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаб қилиш ҳуқуқи

Хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор қабул қилинган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган барча суғурта шартномалари бекор қилинади, ушбу Қонун 167-моддасининг қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан бекор қилинган шартномалар бўйича суғурталовчига тўланган суғурта мукофотининг суғурта шартномасининг амал қиладиган муддати билан бу шартнома амал қилган муддат ўртасидаги фарққа мутаносиб тарздаги қисми, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар) хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар суғурта ҳодисаси юзага келган суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тўлалишини тугатиш бошқарувчисидан талаб қилишга ҳақли.

Шарҳланаётган модда суғурталовчи банкрот бўлган тақдирда суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) суғурта шартномаси бўйича талаб қилиш ҳуқуқини белгилаб беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш асосида қарздорнинг мулкӣ мажмуаси суғурта шартномасига асосан ҳуқуқӣ ворислик бўйича ўтишидан бошқа ҳолларда, суғурта шартномалари бекор қилинишини белгилаб беради.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида суғурта қилдирувчилар (наф олувчилар)нинг, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, бекор қилинган шартномалар бўйича суғурталовчига тўланган суғурта мукофотини суғурта шартномасининг амал қиладиган муддати билан бу шартнома амал қилган муддат ўртасидаги фарққа мутаносиб тарздаги қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқини назарда тутади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ суғурта қилдирувчилар хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар суғурта ҳодисалари бўйича мулкӣ ҳуқуқларини тугатиш бошқарувчисидан талаб қилишга ҳақли. Бундай талаблар тугатишга доир иш олиб борилаётган вақтда қаноатлантирилади.

169-модда. Суғурталовчининг кредиторлари талабларини қондириш

Хўжалик суди суғурталовчини банкрот деб топган тақдирда кредиторларнинг талаблари қуйидаги тартибда қондирилади:

биринчи навбатда — суғурта қилдирувчиларнинг ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

иккинчи навбатда — суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда — бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда — мажбурий тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Мазкур талаблар тўла қондирилганидан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ва жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича талаблари қондирилади;

бешинчи навбатда — суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

Шарҳланаётган модда банкрот деб топилган суғурталовчи кредиторларининг талабларини қондириш навбатини белгилайди.

Шарҳланаётган қисм кредиторлар талабларини қондириш тўғрисидаги умумий қоидалардан (Қонуннинг 134-моддаси) фарқ қилган ҳолда кредиторлар талабларини қондириш навбатини ўз ичига олади. Бунда ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган кредиторлар талабини қондириш навбати сақланиб қолади: суд харажатларини, суд бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловларни, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатларини қоплаш, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талабларни ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларини қондириш навбатдан ташқари тарзда амалга оширилади.

Биринчи навбатда — суғурта қилдирувчиларнинг ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

Иккинчи навбатда — суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

Учинчи навбатда — бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

Тўртинчи навбатда — мажбурий тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Мазкур талаблар тўла

қондирилганидан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ва жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича талаблари қондирилади;

Бешинчи навбатда — суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

5-§. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги

170-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишда, ушбу Қонуннинг назарда тутилган шахслардан ташқари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи ҳам иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги таомилларининг ушбу Қонун билан тартибга солинмаган ўзига хос хусусиятлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари қонунда белгилаб қўйилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг олдини олиш ва уларнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг судгача таомилларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шарҳланаётган модда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари банкротлиги асосларини белгилаб беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этадиган шахслар доирасини аниқлаб беради. Буларга: қарздор (қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси), суд бошқарувчиси, «Банкротлик тўғрисида» Қонунда белгиланган тартибда қарздорга талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан — кредиторлар, банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилатган ҳолларда — прокурор ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи орган киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги ПФ-1414-сонли Фармонида асосан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи орган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк

қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлаштини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳисобланади. Ушбу Марказ фаолияти ЎзР ВМнинг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида тартибга солинади. Марказ қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш самарадорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлигини тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Банкротлик таомили (кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, келишув битими ва тугатишга доир иш юритиш) ушбу Қонуннинг IV—VIII бобларида белгиланган умумий қоидалар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида қоидалар асосида тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари белгилаб берилган.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари банкротлигининг олдини олиш ва уларнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг судгача таомилларини ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланишини кўрсатиб берган. Ҳозирги вақтда қонунчиликда бундай тартибни белгиловчи махсус қонун ҳужжати мавжуд эмас. Банкротликнинг олдини олиш ушбу Қонуннинг II бобида белгиланган умумий қоидаларга ҳамда ЎзР ВМнинг 1999 йил 26 июлдаги 362-сонли Қарори билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом бўйича амалга оширилади.

171-модда. Суд бошқарувчиларига қўйиладиган талаблар

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун суд бошқарувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек унда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия бўлиши керак.

Шарҳланаётган модда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчилигига тақдим этилган номзодларга қўйиладиган қўшимча талабларни белгилаб беради.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси ушбу Қонуннинг 18-моддасида ва ЎзР ВМнинг 2004 йил 23 мартдаги 138-сонли Қарори билан тасдиқланган «Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низом»да кўрсатилган талаблардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан бериладиган лицензияга ҳам эга бўлиши керак.

172-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар мазкур иштирокчига нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилаётганида унинг мижозлари қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг топшириқлари бўйича тузадиган, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин инвесторлар томонидан тасдиқланган битимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шарҳланаётган модда банкротлик таомилларини қўллашда қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловларнинг хусусиятларини белгилайди.

Қонуннинг 64, 79, 101-моддаларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг битимлар тузишига доир чекловлар мазкур иштирокчига нисбатан банкротлик таомиллари қўлланилаётганида унинг мижозлари қимматли қоғозлар бозорида тузадиган, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин инвесторлар томонидан тасдиқланган битимларга нисбатан татбиқ этилмайди. Яъни қарздор — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ҳисобланиб, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан сўнг тузиладиган битимлар акцептида брокерлик фаолиятини олиб боришга ҳақли.

173-модда. Кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кузатув жорий этилган пайдан эътиборан муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайдан бошлаб ўн кунлик муддат ичида ўзларига қаршли қимматли қоғозларни қимматли қоғозлар бозорининг қарздор профессионал иштирокчисига бошқарувга топширган қимматли қоғозлар бозорининг инвесторларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ва муваққат бошқарувчи ўз ҳуқуқини амалга ошира бошлаганлиги ҳақида хабарнома юбориши шарт. Мижозларнинг қимматли

қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг тасарруфида бўлган қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди.

Ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жорий этилган пайтдан эътиборан мижозларнинг қолган қимматли қоғозлари, агар ташқи бошқарувчининг ёки тугатиш бошқарувчисининг мижозлар билан келишувида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мижозларга қайтарилиши лозим.

Агар мижозларнинг ўзларига қарашли бир турдаги (бир эмитент чиқарган, бир тоифадаги, бир типдаги, бир сериядаги) қимматли қоғозларни қайтариш хусусидаги талаблари қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ихтиёридаги мазкур қимматли қоғозлар миқдоридан ортиқ бўлса, мазкур қимматли қоғозларни мижозларга қайтариш мижозларнинг талабларига мутаносиб равишда амалга оширилади. Мижозлар талабларининг қондирилмаган қисми пул мажбуриятлари деб эътироф этилади ва ушбу Қонуннинг 7-бобида назарда тутилган тартибда қондирилади (қаноатлантирилади).

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ташқи бошқаруви чоғида ташқи бошқарувчи ўзига мижозлар томонидан бошқарувга топширилган қимматли қоғозларни мижозларнинг розилиги билан ва уларнинг номидан қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчисига топшириши мумкин.

Шарҳланаётган модда қарздор — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига нисбатан амалга ошириладиган кузатув, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш хусусиятларини белгилаб беради.

1. Шарҳланаётган модда ушбу қисмига мувофиқ қарздор қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан муваққат бошқарувчи ўзи тайинланган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ўзларига қарашли қимматли қоғозларни қимматли қоғозлар бозорининг қарздор-профессионал иштирокчиси бошқарувига топширилган қимматли қоғозлар бозорининг инвесторларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлиги ва муваққат бошқарувчи ўз ҳуқуқини амалга ошира бошлаганлиги ҳақида хабарнома юбориши шартлигини назарда тутди. Қонун кўрсатилган хабарнома мазмунига аниқ талабларни қўймайди. Лекин хабарномада хўжалик судининг ажрими рақами ва куни, шунингдек муваққат бошқарувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Инвесторлар пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар юзасидан кредитор бўлмаганлиги учун уларнинг қарздор қимматбаҳо қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига тегишли бўлган қимматбаҳо қоғозларини бошқарувига бериш тўғрисидаги талаблари

банкротлик тўғрисидаги иш доирасида кўрилмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда мижозларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси тасарруфида бўлган қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ташқи бошқарув ёки тугатишга доир иш юритиш жорий этилган пайтдан эътиборан мижозларнинг қолган қимматли қоғозлари мижозларга қайтарилиши лозимлигини белгилаб беради. Бунда улар билан мижозлар келишувида тегишли битим имзоланган бўлса, қимматли қоғозлар қарздорда қолади.

3. Қарздор қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари тўловга қобилиятсиз бўлганида мижозларнинг барча талаблари бўйича қимматли қоғозларни (бир эмитент чиқарган, бир тоифадаги, бир тусдаги, бир сериядаги) мижозларнинг талабларига мутаносиб равишда қайтаради. Мижозлар талабларининг қондирилмаган қисми пул мажбуриятлари деб эътироф этилади ва қондирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу пул мажбуриятлари банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин пайдо бўлганлигини эътиборга олиб, улар Қонуннинг 134-моддасига мувофиқ навбатдан ташқари қондирилади.

4. Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ташқи бошқарувчига ташқи бошқаруви жараёнида ўзига мижозлар томонидан бошқарувга топширилган қимматли қоғозларни, уларнинг номидан қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчисига топшириши мумкинлигини назарда тутлади.

Х БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ

Шарҳланаётган боб ЯТТ банкротлик таомилларининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

ЯТТларни банкрот деб топиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан ортиқ қарзи мавжудлиги етарли бўлиб, судга бу тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга фақат қарздорнинг кредиторлари (шу жумладан ваколатли органлари) ҳақли. Бунда кредиторлар талаблари қарздорнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиши керак. Ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни ундириш, алиментлар ундириш ва бошқа шахсий тусдаги талаблари бўлган кредиторлар, ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмасаларда, қарздорнинг банкротлик жараёнида ўзининг талабларини қўйиши мумкин.

Хўжалик суди ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган вақтда қонунга мувофиқ ундирув қаратилмайдиган мулкидан бошқа барча мол-мулкни хатлаб қўяди. Қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин қарздор-ЯТТнинг ўз мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга бериш билан боғлиқ битимлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган деб ҳисобланади. Хўжалик суди қарздор-ЯТТга нисбатан тугатишга доир иш очилганлиги ва банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорни, кредиторларнинг талабларини билдириш муддатини кўрсатган ҳолда, барча маълум кредиторларга юборади. Бу муддат икки ойдан ошиши мумкин эмас. ЯТТни банкрот деб топишда суд бошқарувчиси тайинланмаганлиги боис, хўжалик суди кредиторларнинг талабларини ўзи кўриб чиқади ва уларни қаноатлантириш навбатини белгилайди. Талабларни қондириш навбати ҳақида тўхталсак, суд харажатлари, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарар ва бошқалар навбатдан ташқари қондирилади; биринчи навбатда мажбурий тўловлар, алиментлар, иш ҳақи ва бошқалар қондирилади; иккинчи навбатда — қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулки таъминланади; учинчи навбатда бошқа талаблар қондирилади.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада кредиторлар эътирози бўлмаганда хўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзларни қоплаш режаси илова қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда банкротлик тўғрисидаги иш икки ой муддатга тўхтатилади. Агар қарздор томонидан кредиторлар талаби тўлиқ қондирилса ва ушбу режа бажарилса, банкротлик тўғрисидаги иш тугатилади. Агар кредиторларнинг барча талаблари қондирилмаса, қарздорни банкрот деб то-

© ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

пиш тўғрисида қарор чиқарилади ва тугатишга доир иш очилади. Бу ҳолда хўжалик суди ўзининг қароридан талабларни билдириш муддати ва ЯТТни давлат рўйхатидан ўтганлигининг ўз кучини йўқотганини кўрсатади. ЯТТни банкрот деб топиш ишида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув каби жараёнлар қўлланилмайди. Қарздор ЯТТнинг тугатиш массасини ташкил этаётган мол-мулкани сотиш суд ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилади. Тугатиш бошқарувчиси фақат суд томонидан қарздор мол-мулкани ва қимматбаҳо мулкани бошқариш зарурияти туфайли тайинланган бўлсагина, қарздор ЯТТ мол-мулкани сотишни амалга иширади. Банкрот деб топилган қарздор кредиторлар билан ҳисоб-китоби туганидан сўнг бошқа кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талабларини бажаришдан озод қилинади.

174-модда. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг тартибга солиниши

Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар мазкур бобда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Қонуннинг I—III боблари қоидалари қўлланилади.

Қонуннинг ушбу моддаси ахборот тусига эга ва ЯТТнинг банкротлигида қўлланиладиган нормаларга ҳавола этади.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси биринчи қисми ва 6-модда биринчи қисмига кўра, ЯТТ бўлиб:

— юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи;

— белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

ЎзР ФК 26-моддаси биринчи қисмига кўра, ЯТТ кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда ночор (банкрот) деб топилиши мумкин. Бундай тартиб мазкур қонун билан белгиланган бўлиб, шарҳланаётган модда эса, ЯТТнинг банкротлик ҳолатида Қонуннинг I—III боблари нормаларини, яъни умумий қоидалар, судгача санация ва банкротлик тўғрисидаги ишнинг хўжалик судида кўрилиши каби нормалар қўлланилишини белгилайди. Қонуннинг 31-моддасида судгача санациянинг объекти бўлиб қарздор ҳисобланиши, қарздор атамаси эса ЯТТга ҳам тегишли, демак, судгача санация

ЯТТга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлиги келиб чиқади. Фикримизча, мазкур ҳолатда кредиторлар ёки учинчи шахслар судгача санацяннинг субъекти бўлиши мумкин.

Бинобарин, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ЯТТларга нисбатан ҳам ушбу Қонуннинг 4 ва 5-моддаларида назарда тутилган юридик шахсларни банкрот деб топиш асослари қўлланилишини белгилайди, яъни: қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса. Аммо, бунда мажбурият ҳажми юридик шахсларга белгиланганлигидан фарқ қилади (Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, I—III бобларнинг ЯТТнинг банкротлигида қўлланилмайдиган алоҳида қоидалари ҳам мавжуд, масалан: кредиторлар йиғилиши, кредиторлар қўмитаси, кредиторлар талабларининг реестри тўғрисидаги қоидалар. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун кредиторлар мажлисининг чақирилиши бундан мустасно, чунки Қонунга кўра (10-модданинг бешинчи қисми, 13-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбоши, 145-модданинг биринчи қисми) келишув битимини тузиш кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига киради ва уни тузиш тўғрисидаги қарор кредиторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Шарҳланаётган моддада мазкур ҳолат тўғридан-тўғри кўрсатилмасада, ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриляётганда, Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг VII ва VIII бобларида назарда тутилган тугатишга доир иш юритиш ва келишув битими каби таомиллар қўлланилади. Шу билан бирга, Қонуннинг VII ва VIII бобларининг баъзи қоидалари ЯТТнинг банкротлик тўғрисидаги ишларга нисбатан баъзи бир ўзгартиришлар билан қўлланилиши ҳолатлари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Масалан, VII бобга кўра 124-модда (тугатишга доир иш юритишни бошлаш) ва 133-моддада (кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қондириш) назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бошқа томондан эса, 129-моддада (банкрот юридик шахсни тугатиш режаси), 141-моддада (ташқи бошқарувга ўтиш имконияти) ва 144-моддада (тугатишга доир иш юритиш таомилини тамомлаш) назарда тутилган қоидалар юридик шахс учун мўлжалланган бўлиб, ЯТТга нисбатан қўлланилмайди. Шунингдек, тугатиш бошқарувчиси ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли VII бобнинг қоидалари ҳам умуман олганда ЯТТларга нисбатан қўлланилмайди ёки ўзига хос хусусиятлари билан қўлла-

© ЎзР Олий ҳўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

нилади, чунки ЯТТнинг банкротлигида тугатиш бошқарувчиси одатда тайинланмайди, тайинланган тақдирда ҳам кўчмас мол-мулкни ёки қимматли кўчар мол-мулкни бошқариш ва уни сотиш билан чегараланган (181-модданинг иккинчи қисми). Бундан ташқари, VII ва X бобларида белгиланган қоидалар ўртасида зиддият келиб чиққан тақдирда X бобнинг қоидалари устуворликка эга бўлади. Масалан, кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бўйича VII боб 134-модданинг иккинчи қисми ва X боб 183-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошиси биринчи навбатда қондириладиган талабларни турлича белгилайди ва X боб 183-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошиси қўлланилади.

ЯТТга нисбатан кузатиш, суд санацияси ва ташқи бошқарув каби банкротлик таомиллари қўлланилмайди (Банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси иккинчи қисми).

Эҳтимол, бундай ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб суд санацияси ва ташқи бошқарувни тиклаш тусидаги таомиллар ҳисобланиши, кузатув таомили эса суд санацияси ва ташқи бошқарувгача бўлган тайёрлов босқичи саналишидадир. Мазкур таомиллар узоқ муддатли ва кўп меҳнат талаб қилади, шу туфайли молиявий-хўжалик фаолияти юридик шахсникига нисбатан аҳамияти камроқ ва кўлами торроқ бўлгани сабабли ЯТТга нисбатан қўлланилмайди. Бундан ташқари, юқорида келтирилган таомиллар кўп маблағ талаб этади ва уларни амалга оширишда сарфланган харажатни ЯТТнинг мол-мулки ва маблағи ҳисобидан қоплаш ҳам муаммодир. Шунинг учун бу каби таомиллар ЯТТга нисбатан қўлланилмайди.

175-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига қарздор якка тартибдаги тадбиркор, кредитор, прокурор, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талаблар қўядиган кредиторлар бундан мустасно.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга ошириладиганда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талабларни қўяди-

ган кредиторлар ўз талабларини тақдим этишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили қўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тугаганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Шарҳланаётган модда судга қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилайди ҳамда қарздор-ЯТТга нисбатан шахсий тусдаги талабларга эга шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилаб беради, яъни: қарздорнинг ўзи — ЯТТ, кредиторлар, прокурор ва мазкур қонуннинг 42- ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида бошқа ваколатли органлар, уларга солиқ органи ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи каби ваколатли органлар киради.

2. ЯТТнинг банкротлиги билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани хўжалик судига бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар доирасининг чекланганлигидир. Фақатгина тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича талаблари мавжуд кредиторларгина судга ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Судга ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган кредиторлар сирасига қонун қуйидагиларни киритади:

— ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича кредиторлар. Таъкидлаш лозимки, маънавий зарарни қоплашга доир талаблар бўйича кредиторлар ҳам ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича кредиторларга тенглаштирилади ва шунга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, улар ҳам судга ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар;

— алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича (қарздор-ЯТТ оила аъзоси сифатида тўлаши лозим бўлганда);

— кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган талаблар бўйича (масалан, мерос ҳуқуқидан келиб чиқадиган талаблар).

ЯТТ бўлмаган, лекин, қарздорга нисбатан ЯТТлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан келиб чиқадиган талабларга эга бўлган жисмоний шахслар судга ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмига мувофиқ шахсий хусусиятдаги талабларга эга бўлган кредиторлар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига қарамасдан, ЯТТни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда улар ўз талабларини тақдим этишга ҳақлидирлар. Қарздор, ҳаттоки, банкротлик таомили тугаганидан кейин ҳам шахсий тусдаги талаблар бўйича жавобгарликдан озод этилмайди.

Ушбу ҳолатга тушунтиришни ЎзР ХПКнинг 23-моддасидан излаш керак. Унга кўра, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва ЯТТ мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар хўжалик судига тааллуқлидир. Шундай қилиб, агар мажбурият ЯТТнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келса, ушбу низолар умумий юрисдикция судларида кўрилиши мумкин. Лекин, айрим ҳолларда, низоларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқиш мақсадида ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги қўзгатилган иш бўйича қонун кредиторлар томонидан ЯТТнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий хусусиятдаги талабларни тақдим этилишига йўл қўяди.

176-модда. Қарзларни узиш режаси

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши мумкин, режанинг нусхалари кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилади.

Кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди қарзларни узиш режасини тасдиқлаши мумкин, бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Қарзларни узиш режасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
режани амалга ошириш муддати;
қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдори;
кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сумма миқдори.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари

истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайитиришга ҳақли.

Агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор қарзларни узиш режасини бажарганлиги натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши керак.

Шарҳланаётган модда қарздорнинг аризасига қарзларни узиш режаси илова қилиниши мумкинлигини, унинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни, аризага режа илова қилинган ҳолларда суднинг уни тасдиқлаш ва (ёки) ўзгартириш ҳуқуқини, шунингдек қарздор томонидан қарзни узиш режасини бажариш оқибатларини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздор-ЯТТ ўзининг тўлов қобилиятини тиклаш учун аризага қарзларни узиш режасини илова қилишга ҳақли эканлигини белгилайди. Бундай режа аризага илова қилинган ҳолларда қарздор-ЯТТ ЎзР ХПКнинг 113-моддасига биноан мазкур режанинг нусхасини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани нусхаси билан бирга кредиторларга ва банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсга юбориши шарт. Кредиторларга қарзларни узиш режаси нусхасини қарздор-ЯТТ банкрот деб топиш тўғрисидаги аризадан алоҳида юборилиши хатни жўнатганлик тўғрисидаги почта квитанциялари билан тасдиқланиши лозим (ЎзР ХПКнинг 124-моддаси). Бироқ мазкур шахсларга қарзларни узиш режаси топширилганлиги тўғрисидаги далилларни судга тақдим этиш мумкинлиги ҳам истисно этилмайди.

2. Суд томонидан қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган тақдирда аризани иш юритувига қабул қилинганлик тўғрисида ва суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилади. Мазкур ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Суд мажлиси давомида суд томонидан аризага илова қилинган қарзларни узиш режаси тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслиги мумкин ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ кредиторлар томонидан қарзларни узиш режаси бўйича билдирилган эътирозлар суд мажлиси давомида суд томонидан кўриб чиқилади. Қарзларни узиш режаси бўйича кредиторларнинг эътирозлари режа ҳўжалик суди томонидан тасдиқлангунга қадар тақдим этилиши ва Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, эътирозлар қабул қилингандан кейин кечи билан бир ой ичида суд томонидан кўриб чиқилиши лозим. Зарур ҳолларда

суд мажлиси кредиторларга қарздор томонидан тақдим этилган қарзларни узиш режасига нисбатан ўз эътирозларини тақдим этиш имкониятини бериш учун қолдирилиши мумкин. Кредиторларнинг эътирози бўлмаган ёки улар рад этилган ва қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризага илова қилинган қарзларни узиш режаси тасдиқланган ҳолларда суд мавжуд қарзларни қоплаш учун ЯТТ банкротлик тўғрисидаги иш юритишини узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради, чунки қарзларни узиш режасини бажариш ҳам банкротлик таомилларига киради. Процессуал нуқтаи назарга кўра, суд томонидан қарзларни узиш режасининг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишини узоғи билан икки ойгача муддатга тўхтатиб туришга асос бўлади ва шу орқали Қонун қарздорга икки ой ичида мавжуд қарздорликни қоплаш имкониятини тақдим этади. Қарзларни узиш режасини бажариш муддати банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш муддатига қўшилмайди. Қонуннинг 49-моддасига кўра, банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда (ишни кўриш қолдирилган тақдирда беш ойгача) кўриб чиқилиши лозим.

Шарҳланаётган модда иккинчи қисми бўйича кредиторнинг эътирозлари қарзларни узиш режаси билан рози эмаслиги билан чекланмайди, улар режанинг у ёки бу қисми бўйича кредитор қисман норози бўлган ҳолларда ҳам тақдим этилиши мумкин. Қарзларни узиш режаси бўйича кредиторларнинг эътирози асосли бўлиши, яъни ҳужжатлар асосида тасдиқланиши лозим.

Қарзларни узиш режаси хўжалик суди томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур режа ишда иштирок этувчи шахслар учун мажбурий тусга эга бўлади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмлари ўртасидаги фарқ шундаки, иккинчи қисм бўйича эътирозлар хўжалик суди томонидан қарзларни узиш режаси тасдиқлангунга қадар тақдим этилиши мумкин, тўртинчи қисм бўйича режага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ариза режа суд томонидан тасдиқлангандан сўнг берилиши мумкин.

Хўжалик судининг қарзларни узиш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими устидан ЎзР ХПКнинг 85-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ шикоят берилиши мумкин, чунки мазкур ажримнинг чиқарилиши билан банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тўхтатилиб турилади. Суд томонидан қарздор томонидан тақдим этилган қарзни узиш режаси тасдиқланишини рад этиш тўғрисида ажрим чиқарил-

ган ҳолларда бу ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин эмас, чунки «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бундай ажрим устидан шикоят беришни назарда тутмайди.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисми қарзларни узиш режасида қуйидаги маълумотларни кўрсатилиши лозимлигини белгилайди: режани амалга ошириш муддати; қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдори; кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сумма миқдори. Қарзларни узиш режасини бажариш муддати икки ойдан ошмаслиги керак (шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми).

4. Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантилган илтимосномасига биноан қарзларни узиш режасини ўзгартиришга, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтиришга ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли. Бунда суд қарзларни узиш муддатини шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми белгиланган муддатдан, яъни икки ойдан ортиқ муддатга узайтиришга ҳақли эмас. Шарҳланаётган қисмда келтирилган асослантилган илтимоснома қарзларни узиш режасини у ёки бу кўринишда кўриш хоҳиш-истагини англатади, масалан қарзларни узиш режасида белгиланган муддатларда ва ҳар ойлик тўловлар орқали мавжуд қарздорликни қоплашнинг имкони йўқлиги. Қарзларни узиш режасини ўзгартириш тўғрисидаги илтимоснома қарзларни узиш режаси муддати тугагунга қадар берилиши мумкин ва у хўжалик суди томонидан олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилади (Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисми).

Хўжалик суди томонидан тасдиқлангандан сўнг қарзларни узиш режасига талаблари киритилмаганлиги тўғрисида хабардор бўлган кредиторлар хўжалик судига режага ўз талабларини киритиш мақсадига қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Хўжалик суди берилган илтимосномани асосли деб топиб, қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида ажрим чиқаради ва мазкур талабни режага киритади. ЯТТга нисбатан банкротлик таомили қўлланилгандан сўнг вужудга келган талаблар жорий талаблар ҳисобланади ва режага киритилмайди.

Модданинг шарҳланаётган қисми бўйича қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги илтимоснома хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши керак ва илтимоснома асосли бўлган ҳолларда ЎЗР ХПКнинг 84-моддасига кўра банкротлик тўғрисидаги

иш юритиш тикланади. Илтимоснома суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади ва ишни судда кўрилиши натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Агар бир неча илтимосномалар келиб тушганда улар бир суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади.

Мазкур қисм бўйича суд томонидан қарзларни узиш режасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилиши рад этилган ҳолларда суднинг ажрими устидан шикоят берилиши мумкин эмас, чунки «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун бундай ажрим устидан шикоят берилишини назарда тутмайди.

5. Агар қарздор томонидан қарзларни узиш режасининг бажарилиши натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса ва судга бу хусусда тегишли далиллар тақдим этилса, Қонуннинг 56-моддаси биринчи қисмига мувофиқ банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилади. Мазкур ҳолатда ЯТТ режани бажара олган ва барча қарзларни қоплаган бўлса, у кейинчалик ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши мумкинлиги ва тўловга қобилиятлилиги тикланганлиги назарда тутилади.

Кредиторларнинг қарзларни узиш режасида назарда тутилган барча талаблари қаноатлантирилмаган ҳолларда, агар қарздор 179-модданинг иккинчи қисми бўйича ишни кўришни кечиктириш тўғрисида ариза бермаса ёки суд 179-модданинг иккинчи қисми бўйича берилган аризани қаноатлантиришни рад этса, хўжалик суди Қонуннинг 179-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

177-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулки

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулки тугатиш массасига кирмайди.

Хўжалик суди қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган ноликвид мол-мулкни ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкни тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу модда қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкнинг умумий

қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бундай мол-мулк рўйхати хўжалик суди томонидан тасдиқланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади, ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Шарҳланаётган модда нималар тугатиш массаси ҳисобланиши, қандай турдаги мол-мулклар тугатиш массасига киритилмаслиги, мол-мулкни тугатиш массасидан чиқариш тартиби ва ЯТТнинг қанча миқдордаги мол-мулки тугатиш массасидан чиқарилиши тўғрисида тушунтириш беради.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулки тугатиш массасига киритилмаслигини белгилайди. Қонунда қарздор-ЯТТнинг тугатиш массаси қандай мол-мулк ҳисобидан шаклланиши белгиловчи қоида назарда тутилмаган. Шу сабабли Қонуннинг қарздор-юримдик шахснинг тугатиш массасини шаклланишини белгиловчи 130-моддаси биринчи қисми қоидаларини аналогия бўйича қўллаган ҳолда, балансда кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар қарздор-ЯТТнинг барча активлари тугатиш массасини шаклланиши учун асос вазифасини ўтайди деб хулоса қилиш мумкин. Худди шу асосда Қонуннинг 130-моддаси иккинчи қисми қоидаларини аналогия бўйича қўллаган ҳолда унда кўрсатилган мол-мулклар турлари қарздор-ЯТТнинг тугатиш массасига кирмайди деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари, шарҳланаётган модда қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк (уй-жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмларга қаратилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ЯТТнинг тугатиш массасига киритилмаслигини белгилайди.

2. Хўжалик суди қарздор-ЯТТнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантилган илтимосномасига биноан қарздор-ЯТТнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган (шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига қаранг) ноликвид мол-мулкни (сотуви катта маблағ келтирмайдиган) ёки реализация қилинишидан келган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга сезиларли таъсир этмайдиган мол-мулкни тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли. Асосланган илтимоснома сифатида ҳажми катта бўлмаган мол-мулкнинг қиймати ҳақида далил (баҳолаш ташкилотининг хулосаси) тақдим этилиши келтириш мумкин.

3. Қарздор-ЯТТнинг ушбу модданинг иккинчи қисми қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкнинг умумий қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик каррасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ушбу қисмнинг қоидаларига мувофиқ тугатиш массасидан чиқарилаётган ЯТТ мол-мулки рўйхати хўжалик суди томонидан тасдиқланади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Мазкур ажрим устидан Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ шикоят берилиши мумкин.

Худди шунга ўхшаш нормалар АҚШнинг Банкротлик тўғрисидаги Кодексида ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра тугатиш массасидан қарздор-жисмоний шахснинг шахсий буюмлари, шунингдек 7500 АҚШ доллари қийматидаги кўчмас мулки, 1200 доллардан қиммат бўлмаган автомобили чиқарилади.

Германиянинг 1999 йилдаги Банкротлик тўғрисидаги Низомида ҳам шундай мазмундаги қоидалар мавжуд. Хусусан, тугатиш массасига қарздорнинг уй хўжалигида фойдаланиладиган (кам қимматли) ашёлар киритилмайди.

178-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркор битимларининг ҳақиқий эмаслиги

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг ўз мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда бериш билан боғлиқ битимлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлардир.

Кредиторнинг талабига биноан хўжалик суди ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг битим предмети бўлган мол-мулкни қарздор якка тартибдаги тадбиркор мол-мулки таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка қаратиш тариқасида қўллайди.

Шарҳланаётган модда ЯТТнинг банкротлигига тааллуқли бўлган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар тушунчасини беради, шунингдек битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги натижасида суд томонидан қўлланиладиган оқибатларни белгилайди.

1. Битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиш асослари ЎЗР ФКда назарда тутилган. Бироқ фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган асосларга қўшимча равишда банкротлик тўғрисидаги қонунчилик битимни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиш асоси сифатида қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилганидан кейин қарздор-ЯТТнинг ўз мол-мулкни

бошқа шахсга ўтказиши ёки манфаатдор шахсларга бошқа усулларда беришини ҳам назарда тутати.

ЯТТнинг битимлари қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:

— биринчидан, мол-мулкка нисбатан ЯТТ мулк ҳуқуқини бекор қилишга қаратилган барча битимлар назарда тутилади. Булар олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари бўлиши мумкин.

— иккинчидан, ЯТТ ва Қонуннинг 17-моддасида санаб ўтилган манфаатдор шахслар шундай битимларнинг тарафлари бўлса.

ЯТТга нисбатан шундай манфаатдор шахс дейилганда унинг хотини (эри), ота-онаси, бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳамда болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, ака-ука ва опа-сингилларининг болалари, неваралари, чеваралари, эваралари, хотинининг (эрининг) ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари тушунилади (Қонуннинг 17-моддаси иккинчи қисми).

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим уни суд томонидан бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 113-моддаси). ЎЗР ФКда белгиланган умумий қоидаги кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин ёки суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

2. Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликка кўра, кредиторнинг талабига биноан хўжалик суди ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатини қарздор-ЯТТнинг битим предмети бўлган мол-мулкни қарздор-ЯТТ мол-мулки таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни манфаатдор шахсларда турган тегишли мол-мулкка қаратиш тариқасида қўллайди.

Бундай оқибатларни қўллашдан кўзланган мақсад кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун тугатиш массасини шакллантириш — ҳажмини оширишдир. Шунинг учун бунинг оқибатлари қарздор-ЯТТнинг мол-мулкни қарздор-ЯТТ мол-мулки таркибига қайтариш тариқасида ёки ундирувни қарздор томонидан манфаатдор шахсларга берилган тегишли мол-мулкка қаратиш кўринишида бўлади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкротлик тўғрисидаги иш доирасида суд томонидан ўзи-ўзидан ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги масала кўрилишини белгиламайди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли Қарорининг 26-бандига мувофиқ, қарздорнинг битимларини ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар банкротлик тўғрисидаги иш доирасидан ташқарида хўжалик суди томонидан ЎЗР ХПКда назарда тутилган умумий тартибда кўрилади.

179-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни хўжалик судида кўриш

Хўжалик суди қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкни хатлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафилик берилган ёки кафолатланган бошқа таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг илтимосномасига биноан унинг мол-мулкни (мол-мулкнинг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Хўжалик суди қарздор-якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришилиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни мазкур тадбиркорнинг аризасига биноан узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркор фуқарога нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

Агар қарздор-якка тартибдаги тадбиркор ушбу модданинг белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битимини тузмаган бўлса, хўжалик суди мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур модда қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суднинг ҳаракатларини белгилаб беради.

1. Хўжалик суди қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда унинг мол-мулкни хатлайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно (Қонуннинг 177-моддасига берилган шарҳга қаранг). Хўжалик суди бу ҳақда ажрим чиқаради ва Қонуннинг 181-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд ижрочисига юбориладиган ижро варақасини беради. Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни бажариш тартиби, яъни қарздор-ЯТТ мол-мулкни инвентаризация қилиш, мол-мулкни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги © ЎзР Олий хўжалик суди, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

Қонуни 53-моддасига мувофиқ суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қарздор-ЯТТ кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган муайян чораларни назарда тутаяди, яъни суд баъзи ҳолларда ЯТТнинг илтимосномаси бўйича қарздорнинг мол-мулки (бир қисмини)ни хатловдан чиқариши мумкин. Бироқ бундай хатловдан чиқаришга ЯТТнинг мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асосли кафиллик берилган ёки мажбуриятлари бажарилишининг бошқа таъминотини тақдим этилган тақдирдагина йўл қўйилади.

ЎЗР ФКнинг 259-моддаси биринчи қисмида келтирилган мажбурият бажарилишини таъминлаш усулларида қарздорнинг мол-мулкини хатловдан чиқариш имконини берувчи усулларга гаров, кафиллик ва кафолат киради. Неустойка, мол-мулкни ушлаб қолиш ва закатат шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбурият бажарилишини таъминлаш усуллари сирасига кирмайди.

2. ЯТТ аризаси асосли ва ЯТТнинг важларини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган ҳолларда хўжалик суди ЯТТни кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни узоғи билан бир ой муддатга кечиктириши мумкин. Мазкур ҳолатда суд ишни кўришни кейинга қолдиришни барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳал этади. Берилган илтимосномани асослаш мақсадида судга тақдим этиладиган ҳужжатлар бўлиб ЯТТ ҳисоб рақамида қарздорликни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлган пул маблағларининг мавжудлигини тасдиқловчи қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан кўчирма, келишув битими лойиҳаси ва бошқалар ҳисобланади. Суднинг ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрими ишни кўришни кейинга қолдиришга асос бўлган сабаблар кўрсатилган ҳолда асослантирилган бўлиши зарур.

ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдириш ҳақидаги илтимоснома Қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган муддатларда яъни, хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда, бироқ иш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар берилиши керак.

Агар бу муддатда қарздор кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганлиги ёки келишув битими тузилганлигини тасдиқловчи далил-исботлар тақдим этмаса, шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқади.

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмида хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритувига қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда муурожаат этишга ҳақли эмаслиги белгиланганлиги сабабли барча кредиторлар талаблари бир марта (бир вақтда) қондирилиши мумкинлиги келиб чиқади.

Келишув битимини тузиш учун бу тўғрида қарор қабул қилиш мақсадида кредиторлар йиғилишини чақириш зарур, чунки Қонунга кўра (10-модданинг бешинчи қисми, 13-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбошиси, 145-модданинг биринчи қисми) келишув битимини тузиш кредиторлар йиғилишини мутлақ ваколати ҳисобланади ва уни тузиш тўғрисидаги қарор кредиторлар умумий сонининг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

3. Қарздор-ЯТТ фуқарога нисбатан мерос очилганлиги тўғрисида маълумот бўлган тақдирда, хўжалик суди мазкур тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритишни мерос тақдири тўғрисидаги масала қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинганга қадар тўхтатиб туришга ҳақли (ЎзР ФКнинг 1146 моддаси — мерос очилгандан сўнг олти ой).

Агар мерос қарздор-ЯТТ томонидан олинса тегишли мол-мулкдан кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланилади.

4. Агар қарздор-ЯТТ ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатда кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботларни тақдим этмаган ва белгиланган муддатда келишув битимини тузмаган бўлса, хўжалик суди мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Келишув битими тузилган ҳолларда суд банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради, кредиторларнинг талаблари қондирилганлигини кўрсатувчи далил-исботлар тақдим этилган ҳолларда суд ЯТТ банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

180-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топишнинг оқибатлари

Хўжалик суди қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан:

қарздорнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади;

қарздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойка (жарима, пеня), фоизлар ҳисоблаш ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар бекор қилинади;

қарздордан барча ижро ҳужжатлари бўйича ундирувлар бекор қилинади, алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Хўжалик судининг ана шундай қарорини юбориш қарздор-якка тартибдаги тадбиркор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан мазкур тадбиркорнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилади.

Хўжалик суди қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини айна шу шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган органга ва лицензияловчи органга юборади.

Қонуннинг ушбу моддаси қарздорни банкрот деб топиллиши натижасида юзага келадиган оқибатларни очиб беради.

1. ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги иш Қонуннинг 49-моддасида белгиланган муддатларда кўрилиши шарт. Хўжалик суди қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан: ЯТТнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади; ЯТТнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойка (жарима, пеня), фоизлар ҳисоблаш ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, шу жумладан бюджетга муддатида тўланмаган солиқлар ва мажбурий тўловлар, бекор қилинади; шахсий хусусиятдаги талаблар бундан мустасно, чунки бундай талаблар ЯТТнинг жисмоний шахс ва фуқаро сифатидаги мақомидан келиб чиқади ва унинг шахсияти билан боғлиқ. Улар фуқаро ЯТТ мақомига эгаллиги билан боғлиқ эмаслиги учун банкрот деб топиллиши билан боғлиқ неустойка, фоизлар ва бошқа молиявий жазоларни ҳисобига ёзиллиши мазкур мажбуриятлар бўйича бекор бўлмайди. Бу ЯТТни банкрот деб топиш оқибатларининг яна бир ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади; ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек (қарздор-
© Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги вазирликлари, 2007/© Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

ЯТТ оила аъзоси сифатида тўлаши керак бўлган) алиментларни ундириш тўғрисидаги ва бошқа шахсий хусусиятдаги талаблар бўйича ижро варақаларидан ташқари бошқа ижро варақалари бўйича ЯТТдан ундирув бекор бўлади.

Қонуннинг 180-моддаси биринчи қисми тўртинчи хатбошисининг мазмуни шундаки, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек (қарздор-ЯТТ оила аъзолари томонидан талаб қилинган) алиментларни ундириш тўғрисидаги ва бошқа шахсий тусдаги талаблар бўйича ижро варақалари мавжуд бўлган ҳолларда мазкур талаблар бўйича кредиторлар тегишли ижро ҳужжати-ни бажарилишини тугатишга доир иш юритувида ҳам амалга оширишлари мумкин. Агар тугатишга доир иш юритувни амалга ошириш таомилида бундай талаблар қопланмаган бўлса ёки қисман қопланган бўлса, кредиторлар талаб қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади ва мазкур суд таомили тугаганидан сўнг уларни ЯТТга тақдим этишлари мумкин (184-модда иккинчи қисм).

2. Қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорда суд томонидан Қонуннинг 124-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ тугатишга доир иш юритув муддати бир йилдан ошмаслиги, шунингдек Қонуннинг 51-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ қарздорни ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ўз кучини йўқотганлиги кўрсатилади. Қарздор-ЯТТ мол-мулки ҳисобидан барча маълум бўлган кредиторларга жўнатиладиган қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорда кредиторлар томонидан улар ўз талабларини тақдим этиш муддати кўрсатилади. Қонуннинг 127-моддаси иккинчи қисми бешинчи хатбоши кредиторлар талабларини тақдим этишнинг белгиланган муддати, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган санадан эътиборан камида икки ой бўлиши шартлигини белгилайди. Шу билан бирга, шарҳланаётган модданинг бу қисми ЯТТ тугатишга доир иш юритишда кредиторларнинг талабларини тақдим этиш муддати икки ойдан ошмаслиги кераклигини белгилайди ва тегишлича хўжалик суди томонидан ЯТТ тугатишга доир иш юритиш жараёнида кредиторларнинг талабларини тақдим этиш муддати қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган санадан икки ойдан ошмаслигининг лозимлиги белгиланади.

Қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги хўжалик суди қарорининг нусхалари суд мажлиси давомида аниқланган, суд иж-рочиси, қарздорга хизмат кўрсатадиган банк томонидан суднинг сўровига кўра тақдим этилган маълумотлар орқали аниқланган бар-ча маълум кредиторларга юборилади. Қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги суд қарорини тарқатиш хўжалик судига юклати-

лади. Почта харажатлари қарздор-ЯТТнинг мол-мулки ҳисобидан хўжалик судининг депозит рақамига ўтказилиши билан қопланади ва бу ҳақда ижро варақаси берилади.

Қонуннинг 127-моддаси биринчи қисми қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш тугатиш бошқарувчиси томонидан ушбу Қонуннинг 52 ва 53-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилишини белгилайди. Мазкур ҳолат ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашга нисбатан ҳам қўлланилади. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича одатда тугатиш бошқарувчиси тайинланмаслиги боис, Қонуннинг 127-моддаси учинчи қисми қоидалари бўйича қарздор-ЯТТнинг ўзи банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни суднинг тегишли қарор қабул қилган санасидан ўн кундан кечиктирмай расмий нашрда эълон қилиш учун юбориши лозим.

3. Хўжалик суди қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилади. ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор, худди юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор каби эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт. Мазкур қарор устидан ЎзР ХПКга мувофиқ олти ой муддат ичида шикоят (протест) берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли Қарорининг 21—22-бандлари).

Тугатишга доир иш юритув яқунланганлиги тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганидан сўнг давлат реестридан чиқарилиши назарда тутилган юридик шахслардан фарқли равишда, Қонуннинг 180-моддаси учинчи қисмига мувофиқ хўжалик суди қарздор ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан эътиборан мазкур тадбиркорнинг ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади. Шу туфайли фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун мазкур тадбиркорга берилган лицензиялар ва ЯТТ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги барча кредиторларнинг талабларини навбат билан қондирган ҳолда ҳам қайта тикланмайди. Шу билан бирга, ЯТТ банкрот деб топилганидан сўнг келишув битими тузилганида ЯТТ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва лицензиялари тикланиши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин, чунки келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрида ЯТТ банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувни бошлаш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслиги кўрсатилади (Қонуннинг 145-моддаси бешинчи қисми). Худди шундай оқибатлар суднинг ЯТТни банк-

рот деб топиш тўғрисидаги қарори бекор бўлган ҳолларда ҳам юзага келади.

4. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкрот деб топилган ЯТТ устидан назорат қилиш механизмларини ҳам назарда тутати. Унга кўра, хўжалик суди қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини айна шу шахсни ЯТТ сифатида рўйхатга олган органга ва лицензияловчи органга юборди.

181-модда. Хўжалик судининг қарорини бажариш

Хўжалик судининг қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг барча мол-мулки сотилиши керак, ушбу мувофиқ тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд нақд пул маблағлари қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

Мазкур модда суд қарорини бажариш тартибини, шунингдек ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг бажарилиши юклатилганлар доирасини белгилайди.

1. Хўжалик судининг қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда шу қарор асосида ундирувни қарздор-ЯТТнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида берилган ижро варақалари қарздорнинг мол-мулкини Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига кўра сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади. Ушбу Қонунга кўра тугатиш массасига кирмайдиган мол-мулкдан ташқари бошқа барча мол-мулк сотилиши керак.

ЯТТга нисбатан банкротликнинг қузатув каби таомили қўлланмаслиги туфайли, зарур ҳолларда хўжалик суди томонидан қарздор мол-мулкини махсус баҳолаш ташкилотлари томонидан мустақил

баҳоланиши ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилади. Қонуннинг 183-моддаси биринчи қисмига мувофиқ баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қарздор зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 54-моддасига кўра рўйхатга олинган мол-мулк суд ижрочиси томонидан баҳоланади. Зарур ҳолларда, суд ижрочиси мол-мулк қийматини аниқлаш учун мутахассисни жалб этади.

2. Қарздор-ЯТТнинг тугатиш массасини ташкил этувчи мол-мулкни сотиш суд ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Қарздор-ЯТТнинг кўчмас мол-мулкни ёки қимматли кўчар мол-мулкни доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди (суд томонидан тугатишга доир иш юритишнинг белгиланган бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатига) ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бундай ҳолларда қарздор ЯТТнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади. Бундай ҳолларда ЯТТнинг мол-мулкнинг сотилиши тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Қонуннинг 183-моддаси биринчи қисмига мувофиқ тугатиш бошқарувчисига тўланадиган ҳақ суд харажатлари билан биргаликда қарздор-ЯТТ мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари равишда қопланади.

Қарздор-ЯТТ мол-мулкни бошқариш зарур бўлган ҳолларда тугатиш бошқарувчиси тайинланади. Юридик шахсларни тугатишдан фарқли равишда қарздор-ЯТТ мол-мулкни бошқариш учун суд ўз ташаббуси билан тугатиш бошқарувчисини тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда тугатишга доир иш юритувни, умумий тартиб бўйича юридик шахсни тугатишга доир иш юритувни амалга оширилишига ўхшаб биринчи, иккинчи ва учинчи тоифа аттестатига эга бўлган суд бошқарувчиси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 54-моддаси учинчи қисмида мажбурий тартибда баҳоланиши шарт бўлган мол-мулклар тугал бўлмаган рўйхати келтирилган: қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари, нодир буюмлар, асл тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари. Санаб ўтилган мол-мулкларни энг қимматли мол-мулклар сирасига киришиш мумкин ва қимматли мол-мулкларни белгилашда Қонуннинг ушбу нормасига асосланиш керак.

3. Қарздор-ЯТТнинг мавжуд нақд пул маблағлари ва унинг мол-мулкани сотишдан тушган пул маблағлари, қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилган қарздор-ЯТТнинг мол-мулкани сотишдан тушган пул маблағлари ҳам қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

182-модда. Кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш

Хўжалик суди ушбу Қонун 180-моддасининг назарда тутилган муддатда кредиторлар томонидан билдирилган талабларни кўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижалари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида ажрим чиқаради.

Шарҳланаётган модда суд томонидан кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатини белгилайди.

Юридик шахс банкротлигида хўжалик суди кредиторларнинг фақатгина Қонуннинг 70 ёки 100-моддаларига мувофиқ эътирозлар билдирилган талабларини кўради. ЯТТларни банкротлигида эса, юридик шахсларни банкротлигидан фарқли равишда махсус тартиб белгиланган бўлиб, унга кўра кредиторлар томонидан билдирилган талабларни бевосита хўжалик суди кўриб чиқади. Хўжалик суди Қонуннинг 180-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилганидек икки ой муддат ичида кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади.

Агар Қонуннинг 181-моддаси иккинчи қисмига кўра суд томонидан тугатиш бошқарувчи тайинланганда ҳам кредиторларнинг талабларини кўриш Қонуннинг 128-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилади, чунки тугатиш бошқарувчиси кўчмас мол-мулкани ёки қимматли кўчар мол-мулкани тасарруф этиш ва бошқариш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 181-моддаси иккинчи қисми).

ЯТТнинг банкротлигида қарздор тугатишга доир иш юритув якунлангандан сўнг, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни ўрнини қоплаш, шунингдек алиментларни ундириш тўғрисидаги ва бошқа шахсий хусусиятдаги талаблардан ташқари, мажбуриятларни бажаришдан озод этилиши боис хўжалик судига ва суд ижрочисига қарздорнинг қарздорлик миқдорини аниқлаш зарур. Шу сабабли ЯТТнинг банкротлиги таомилида ўз талабларини қаноатлантиришни хоҳлаётган кредиторлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз талабларини навбатдан

ташқари ёки белгиланган навбат бўйича қаноатлантирилишидан қатъи назар тақдим этишлари керак.

Бажарилиш муддати ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги иш қўзғатилганига қадар вужудга келган, кредиторларнинг талабларини тақдим этиш муддати ўтгандан сўнг берилган талаблар Қонуннинг 138-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган муддатларда тақдим этилган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг қолган қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан қаноатлантирилади.

Мазкур талаблар суд томонидан ЯТТ банкротлиги тўғрисидаги қўзғатилган иш бўйича кўриб чиқилади ва кредиторларнинг талабларини кўриш натижалари бўйича хўжалик суди кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбати ва миқдори кўрсатилган ажрим чиқаради. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши мумкин эмас, чунки Қонунда ушбу ажрим устидан шикоят берилишини белгилو-чи норма мавжуд эмас.

Юридик шахсларни банкротлигидан фарқли равишда ЯТТ банкротлигида кредиторлар талаблари реестри тузилмайди.

183-модда. Кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби

Хўжалик суди депозитига киритилган пул маблағлари ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қондиришдан олдин қадар банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш ва хўжалик судининг қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади, шунингдек қарздор-якка тартибдаги тадбиркор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, шу фуқаронинг талаблари қондирилади.

Кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбат бўйича қондирилади:

биринчи навбатда — мажбурий тўловлар хусусидаги талаблар, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашга ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар назарда тутилган талаблар;

иккинчи навбатда — кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича қарздорнинг мол-мулки гарови билан таъминланган талаблари;

учинчи навбатда — бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қондирилганидан кейин қондирилади.

Хўжалик судининг депозитида пул маблағлари етарли бўлмаса, бу маблағлар тегишли навбатдаги кредиторлар ўртасида улар талабларининг суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қонуннинг мазкур моддаси кредиторларнинг талабларини қондириш навбатини белгилайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми навбатдан ташқари қаноатлантириладиган талабларни белгилайди ва уларга банкротлик тўғрисидаги ишни қўриш ва хўжалик судининг қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатларни; тугатиш бошқарувчиси тайинланганда суд томонидан бошқарувчига тўланадиган ҳақ миқдори белгиланади ва бунда суд ҳақ миқдорини белгилашда ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан, бажариладиган ишни ҳажмидан, қарздор мол-мулкани қийматидан келиб чиқади. Тугатиш бошқарувчисига тўланадиган ҳақ навбатдан ташқари қопланади.

Таъкидлаш лозимки, етказилган маънавий зарарни қоплаш, ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни ўрнини қоплаш ва бошқа шахсий хусусиятдаги талаблар (шу жумладан, ЯТТдан оила аъзоси сифатида алимент ундириш тўғрисидаги талаблар ҳам) навбатдан ташқари қопланиши мумкин.

Жорий тўловлар бўйича талаблар ҳам навбатдан ташқари қопланади. ЯТТнинг банкротлигида жорий тўловлар сифатида суд томонидан қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилингандан сўнг пайдо бўлган талаблар тушунилади.

Суд ижрочиси Қонуннинг 134-моддаси ва шарҳланаётган моддада назарда тутилган навбат бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга киришади.

ЯТТнинг банкротлигига нисбатан Қонуннинг 133-моддаси қўлланилади ва гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилади.

2. Кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбат бўйича қондирилади:

— биринчи навбатда давлат бюджетига мажбурий тўловлар (солиқ, тўловлар ва давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши шарт бўлган ажратмалар) бўйича талаблар; ЯТТдан алимент ундириш тўғрисидаги талаблар, бунда ЯТТ иш берувчи сифатида мажбур, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашга ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга оид ҳисоб-китоблар назарда тутилган талаблар. Меҳнат шартномаси бўйича ишловчи шахсларнинг ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги талаблари, шунингдек муаллифлик шартномалари бўйича тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда суд томонидан ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган санадаги ҳосил бўлган қопланмаган қарздорлик ҳам ҳисобга олинади;

— иккинчи навбатда қарздорнинг мол-мулки гарови билан таъминланган, лекин Қонуннинг 133-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ қаноатлантирилмаган кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талаблари қаноатлантирилади (бунда гаров билан таъминланган, ammo гаров нарчасини сотилиши ҳисобидан, унинг етарли бўлмаганлиги сабабли, қаноатлантирилмаган талаблар назарда тутилган);

— учинчи навбатда биринчи ва иккинчи навбатда талаблари қаноатлантирилгандан ташқари, бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

3. Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қондирилганидан кейин қондирилади. Олдинги навбат бўйича кредиторлар олдида қопланмаган қарздорлик мавжуд бўлганда кейинги навбатдаги кредиторларнинг талабларини қаноатлантирилишига йўл қўйилмайди, яъни бирор-бир кредиторнинг бошқаларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқига эгаллиги истисно этилиши адолатлилик тамойилининг кафолати ҳисобланади.

4. Хўжалик судининг депозитида пул маблағлари етарли бўлмаса, бу маблағлар тегишли навбатдаги кредиторлар ўртасида улар талабларининг суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

184-модда. Қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни мажбуриятлардан озод қилиш

Банкрот деб топилган қарздор якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин мазкур тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганда кредитор томонидан билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилади, ушбу модданинг назарда тутилган талаблар бундан мустасно.

Кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги, хўжалик судининг қарздор-якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибида қаноатлантирилмаган ёки қисман қаноатлантирилган ёхуд қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётганида билдирилмаган бошқа талаблар ўз кучида қолади ва қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тамомланганидан кейин тегишинча тўла ҳажмда ёки қаноатлантирилмаган қисми ҳажмида тақдим этилиши мумкин.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркор томонидан мол-мулкнинг яширилганлиги ёки унинг ўз мол-мулкни учинчи шахсларга ғайриқонуний тарзда берганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик жараёнида талаблари қондирилмаган кредитор ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш талабини тақдим этишга ҳақли.

Қонуннинг мазкур моддаси ЯТТга нисбатан кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин келиб чиқадиган оқибатларни, ҳамда шахсий хусусиятдаги талабларни (тўлиқ ёки қисман) қондирилмаслиги оқибатлари ва қарздорнинг мулкани яшириш оқибатларини тартибга солади.

1. Банкрот деб тан олинган ЯТТ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин кредитор томонидан билдирилган талабларни келгусида бажаришдан озод этилади, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бундан мустасно, негаки, бу талаблар умумий тартибда билдирилиши мумкин.

Яна шунини таъкидлаш керакки, шарҳланаётган модданинг мазкур қисми билан белгиланган қарздорни мажбуриятларни бажаришдан озод этиш оқибатлари моҳиятига кўра, тугатиш ишлари якунлангандан кейин, мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни истисно этганда, кредиторлар қарздордан тугатиш ишлари юритиш жараёнида билдирилмаган талабларни ҳам, қондиришни талаб қила олмайдилар.

ЯТТни мажбуриятлардан озод этиш уни банкрот деб топилишида ижобий ҳолат ҳисобланади. Банкротлик таомилдан ўтган ЯТТ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунлангандан сўнг, қондирилмай қолган талабларни бажаришдан озод этилади бу ҳақида ЯТТга нисбатан тугатиш ишларини якунлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади. Шахсий тусдаги талаблар истисно этилади.

Қонун, банкрот деб топилган қарздор кредиторлар билан ҳисоб-китобни якунлаганда, хўжалик суди томонидан қандай суд ҳужжати қабул қилишини белгиламаган. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27 январь 2006 йилдаги № 142-сонли Қарори 37-бандида шундай тушунтирилади:

— қарздор-ЯТТ кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва кредиторларнинг барча талаблари тўлиқ қондирилгандан сўнг, хўжалик суди тугатиш ишини якунлаш тўғрисида ажрим чиқаради;

— қарздор-ЯТТнинг мол-мулки кредиторларнинг барча талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, суд ижрочиси ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақасини Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга биноан қайтаради. Ижро варақасини қайтариш тўғрисидаги ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг хўжалик суди тугатиш ишларини якунлаш тўғрисида ажрим чиқаради;

— Қонуннинг 181-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчиси тайинланган бўлса, унда

тугатиш ишлари Қонуннинг 142 ва 144-моддаларида белгиланган қоидалар бўйича юритилади.

2. Кредиторларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблари, алиментларни ундириш тўғрисидаги (қарздор-ЯТТ оила аъзоси сифатида тўлаши лозим бўлган), шунингдек кредиторнинг шахсияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа талаблар, хўжалик судининг қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш тартибида қаноатлантирилмаган бўлса ёки қисман қаноатлантирилган ёхуд банкротлик таомили амалга оширилаётганида билдирилмаган бўлса ўз кучида қолади ва тўлиқ ҳажмда ёки қаноатлантирилмаган қисми ҳажмида ЯТТнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш тугагандан сўнг умумий юрисдикция судларига умумий тартибларда тақдим этилиши мумкин. Аризага хўжалик судининг қарздор-ЯТТни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори ҳамда, тегишинча кредиторлик қарзларини қисман қондирилганини ёки қарзларни қондирилмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

3. ЯТТ мол-мулкининг яширилганлиги ёки ғайриқонуний тарзда учинчи шахсларга берилганлиги фактлари аниқланган тақдирда банкротлик таомили жараёнида талаблари қондирилмаган кредитор умумий даъво муддати мобайнида ундирувни ана шу мол-мулкка қараши талабини тақдим этишга ҳақли.

XI БОБ. БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ

Шарҳланаётган боб соддалаштирилган банкротлик таомилларининг икки кўринишини белгилайди.

Тугатилаётган қарздор-юримдик шахснинг мол-мулки талабларни тўлиқ қаноатлантиришга етарли эмаслигини белгилашда ва тугатиш комиссияси қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундай ҳолат учун қарздор аллақачон тугатиш босқичида бўлиши боис соддалаштирилган таомил назарда тутилган. Соддалаштирилган таомилнинг бошқа кўриниши ҳозир бўлмаган қарздорга тегишли бўлиб, қарздор-ЯТТ (ўзининг фаолиятини тўхтатган) ёки юримдик шахснинг раҳбари (унинг манзилини аниқлашнинг имкони бўлмаганда) ҳозир бўлмаганда, мажбуриятларнинг ҳажми ва муддати кечикканлигидан қатъи назар уни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш мумкинлигини ўрнатади. Ушбу ҳолатда хўжалик суди икки ҳафталик муддатда уни банкрот деб топиш, тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор чиқаради ва тугатиш бошқарувчисини тайинлайди. Тугатиш бошқарувчиси қонунчиликда белгиланган талабларни қондириш навбатига мувофиқ тарзда, билдирилган талабларни қаноатлантиришни амалга оширади.

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилларида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари каби мураккаб таомиллар қўлланилмайди.

1-§. Тугатилаётган юримдик шахс банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

185-модда. Тугатилаётган юримдик шахснинг банкротлиги

Агар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондиди шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юримдик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, бундай юримдик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Ушбу модданинг назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) тугатилаётган юримдик шахсни

банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига муружаат этиши шарт.

Мазкур модданинг мақсади бўлиб, корхонани қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатиш ишлари қачон банкротлик тўғрисидаги қоидалари бўйича ва қачон бошқа норматив ҳужжатлар бўйича амалга оширилишини фарқлаш ҳисобланади.

Юридик шахсларни тугатиш ЎЗР ФКга белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг алоҳида тоифадаги юридик шахсларни тугатиш тартиби белгиланган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 28 июндаги ПФ 2331-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, ЎЗР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан юридик шахсни тугатишга доир норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

1. Ночор (банкрот) деб тан олиниши мумкин бўлган юридик шахсларнинг банкротлигида шарҳланаётган параграфнинг қоидалари умумий ҳолда ва шарҳланаётган модданинг қоидалари хусусан бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларни амалга ошириш билан қўлланади:

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини шакллантирмаганлиги муносабати билан ЎЗР ФКнинг 53-моддасига мувофиқ юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши. Бу икки ҳолатда бўлиши мумкин:

а) юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари)нинг ўзи томонидан ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган органининг юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса. Тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби таъсис ҳужжатлари билан белгиланган;

б) агар хўжалик суди ЎЗР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли Қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амал-

га оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 3.1 бандига мувофиқ (юқорида кўрсатилган шахс ёки орган ЎзР ФКнинг 53-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбошисига мувофиқ, юридик шахсни тугатиш тўғрисида ўзи қарор қабул қилмаганда) юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарса. Мазкур тартиб Низомнинг учинчи бўлимида батафсил белгиланган.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ва тугатиш комиссияси шакллантирилганлиги (тугатувчини тайинланганлиги) ҳақида хабардор қилиниши керак (юқорида кўрсатилган Низомнинг 3.2, 3.3 бандлари).

Юридик шахснинг тугатиш босқичида турганлиги ҳақидаги маълумот юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Қарздор мол-мулкининг қиймати кредитор талабларини қондириш учун етарли бўлганда тугатиш ишлари банкротлик тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда эмас, балки мазкур модда шарҳининг биринчи бандида кўрсатилган норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатилаётган юридик шахснинг сотилиши кредиторларнинг барча талабларини қаноатлантириш имконини берувчи мол-мулкининг етарли эмаслиги факти, бухгалтерлик ҳисоботлари ҳамда мустақил баҳоловчининг тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки қиймати ҳақидаги ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларда, тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига ёки тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиш субъекти бўлиб, ҳам тугатиш комиссияси (тугатувчи) ҳам, солиқ хизмати органлари ҳам бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли Қарорининг 36-банди).

Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, тугатиш комиссияси (тугатувчи) шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келган вақтдан эътиборан бир ой ичида хўжалик судига ариза билан мурожаат этиши лозим.

Қонуннинг 8-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари ҳамда 9-моддаси нормалари императив ҳисобланади. Юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш мажбуриятининг бузилиши юзасидан тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи ушбу Қонуннинг 187-моддасига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигига тортиладилар.

Амалиётда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан тақдим этиладиган аризани бериш Қонуннинг 37, 38-моддалари талабларига мос бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сонли Қарорининг 35-бандига кўра, Қонуннинг 185-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига мурожаат қилинаётганда, аризага қарздорни тугатиш тўғрисидаги қарор ва аризачи томонидан тугатиш бошқарувчилигига кўрсатилган номзод ҳақидаги маълумотлар илова қилиниши лозим.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ва (ёки) ўз устав фондиди шакллантирмаган тугатилаётган корхонанинг бюджет олдида бажармаган қарз мажбуриятлари мавжуд ҳолларда, тугатиш комиссияси ҳўжалик судига ёки тегишли чораларни қўллаш учун солиқ хизмати органларига айнан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ушбу мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш масаласини ҳал этиш учун мурожаат қилиши шарт. Ушбу қисм нормаларига мувофиқ мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришни судга мурожаат қилмасдан ҳам, солиқ органлари орқали ҳал қилиш мумкин, шунинг учун аризачида қаерга мурожаат қилиш, яъни судгами ёки солиқ органигами, уни танлаш ҳуқуқи мавжуд.

Юқорида санаб ўтилган корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган қарзлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тақдимномасига кўра Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси қарори билан ҳисобдан чиқарилади (ЎзР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Қарори).

186-модда. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳўжалик суди тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиб, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди.

Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди.

Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон

чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида унга тақдим этишга ҳақли.

Мазкур модданинг мақсади тугатилаётган юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳамда таомил жараёнини қисқача тавсифлаш ҳисобланади.

1. Тугатилаётган қарздорларнинг банкротлиги тўғрисидаги иш Қонуннинг III, VII бобларида назарда тутилган тартибда, шарҳланаётган моддада белгиланган ўзига хос хусусиятларда кўриб чиқилади.

Тугатилаётган шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинаётганда қуйидаги шартлар бажарилиши керак: қарздор тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган ва қарздор мол-мулкининг қиймати кредиторлар талабларини қаноатлантиришга етарли бўлмаслиги керак. Шу ўринда қарз суммасининг ҳажми аҳамиятга эга эмас, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йил 142-сон Қарори 35-бандида ҳам сўз юритилиб, кредиторлик мажбуриятларининг (Қонуннинг 5-моддаси, иккинчи қисми) миқдори аҳамиятга эга эмаслиги айтилган. Аризани қабул қилиш масаласига мажбуриятларни бажармаслик муддатлари (Қонуннинг 4-моддаси) ҳам таъсир кўрсатмайди.

Таъкидлаш лозимки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг юқорида қайд этилган қарорининг 36-бандига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органларига ёки тугатиш комиссиясига ҳўжалик судининг ЎЗР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарорига мувофиқ чиқарган қарори билан тугатилган корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этишда тугатиш ишлари жараёнида фақатгина бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик аниқланган бўлса, бу аризани ЎЗР ХПКнинг 117-моддаси биринчи қисми биринчи бандига мувофиқ қабул қилиш рад этилади.

Шарҳланаётган модданинг нормалари тугатилаётган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни суд томонидан кўриб чиқиш муддатлари тўғрисидаги қоидаларни назарда тутмайди. Ушбу иш соддалаштирилган таомил бўйича юритилиши боис, ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги (Қонуннинг 189-моддаси биринчи қисми) билан аналогияга мувофиқ, иш ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинган пайтдан эътиборан икки ҳафта ичида кўриб чиқилиши лозим.

Тугатиш комиссиясининг (тугатувчининг) давлат солиқ хизмати органининг аризасини кўриб чиқиш натижаларига кўра, ҳўжалик суди икки қарордан бирини қабул қилади:

— қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юришни бошлаш тўғрисида (Қонуннинг 124, 185-моддалари ва шарҳланаётган модданинг биринчи қисми);

— қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисида (Қонуннинг 54-моддаси).

Хўжалик суди тугатилаётган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорни қабул қилаётганда номзоди аризачи томонидан таклиф қилинадиган тугатиш бошқарувчисини тайинлаши керак. Қоида тариқасида, мазкур ҳолатда 4 тоифа аттестатига эга бўлган шахс, ташқи бошқарувчи этиб тайинланиши мумкин (Қонуннинг 18-моддаси шарҳининг биринчи қисмига қаранг).

Шуни назарда тутиш керакки, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритувини бошлашда тугатиш бошқарувчисининг ваколатларини тугатиш комиссияси раисига (тугатувчига) бериш имконияти истисно этилади, чунки у Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ қарздорга нисбатан манфаатдор шахс ҳисобланади.

2. Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида Қонунда назарда тутилган кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Бу, юридик шахсни (ихтиёрий ёки мажбурий тартибда) тугатиш масаласи банкротлик тўғрисидаги иш доирасида ҳал этилмаслиги ва қарздорнинг фаолиятини тиклашга қаратилган чоралар қўлланилмаслиги боис, фаолиятни давом эттириш имконияти йўқлиги билан тушунтирилади.

3. Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тақдим этиши учун тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан ўта бошлайдиган бир ойлик муддат белгиланган, ваҳоланки умумий таомил бўйича бундай талабларни тақдим этиш учун икки ойлик муддат белгиланган (Қонуннинг 127-моддаси). Талабларни тақдим этиш учун қисқа муддатнинг белгиланганлиги, тугатиш комиссияси банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат этгунга қадар маълум бир ишларни бажарган бўлиши, жумладан кредиторларни аниқланганлиги ва қоида тариқасида кредитор талаблари реестри мавжудлиги билан тушунтирилади. Агар белгиланган бир ойлик муддат ичида янги кредиторлар талабларни тақдим этсалар, улар ҳам кредитор талаблари реестрига Қонунда белгиланган тартибда киритилади.

Кредиторлар талаблари, шу жумладан тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан тақдим этилган ва кўрилган талаблар, мол-мулкнинг баҳолаш ва сотиш, кредиторлар билан ҳисоб-китоблар, тугатиш бошқарувчиси томонидан ҳисоботнинг тақдим этилиши ва уни суд томонидан кўриб чиқиш тартиби Қонуннинг VII бобида назарда тутилган тартибда, XI бобидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

187-модда. Юридик шахсни банкротлик тартибида тугатишни рад этиш оқибатлари

Ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларнинг бузилганлиги юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар бузилишига йўл қўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Мазкур модданинг мақсади тугатиш комиссияси (тугатувчи)нинг ушбу Қонун 185-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга, яъни 185-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган аломатларни аниқлаганда хўжалик судига тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ёки давлат солиқ органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш мажбурияти ҳақидаги талабларга риоя қилмаслигига йўл қўймаслик ва огоҳлантириш ҳисобланади. Айнан мана шунинг учун тугатиш комиссияси раиси ёки тугатувчига нисбатан Қонунда белгиланган талабларни бузганлиги ҳамда юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги ёзувни киритишдан бош тортганлиги учун шахсий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги белгиланган.

1. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига рўйхатга олувчи орган томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ариза ва бошқа ҳужжатларга асосланиб киритилади. Шу билан бирга ЎзР ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аризада юридик шахсни тугатишнинг белгиланган тартибига риоя қилинганлиги, кредиторлар билан ҳисобкитобларнинг яқунланганлиги ва юридик шахсни тугатиш масалалари қонунда белгиланган ҳолатларда тегишли давлат органлари билан келишилганлиги тасдиқланади.

Кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда қаноатлантириш имкониятининг йўқлиги белгилангандан сўнг тугатиш комиссияси (тугатувчи) томонидан хўжалик судига юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисида аризани тақдим этилмагани юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига мазкур юридик шахснинг тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми Қонуннинг 9-моддасидаги умумий норманинг хусусий ҳолати бўлиб, аризани судга тақдим этмаганлик учун жавобгарликни белгилайди, чунки мазкур параграф юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаганида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондиди шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинган юридик шахснинг банкротлигини белгилайди. Судга ариза тақдим этиш ёки давлат солиқ хизмати органига мурожаат қилиш учун жавобгарлик масъулиятини олган субъект фақатгина тугатиш комиссияси унинг раиси тимсолида ёхуд тугатувчи бўлгани учун қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгарликка тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тортилади.

2-§. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги

188-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза беришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўз фаолиятини тугатган қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Мазкур модданинг мақсади ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш ва қабул қилишнинг ҳолатлари ва ўзига хос жиҳатларини белгилаш ҳисобланади.

Ҳозир бўлмаган қарздорга молия-хўжалик фаолиятини ҳақиқатан ҳам тўхтатган, ҳисоб-китоблар бўйича ҳаракати бўлмаган юридик шахсни киритиш мумкин, ушбу шахс таъсис ҳужжатларида кўрсатилган манзилда ва юридик рўйхатга олинган жойда жойлашмаган бўлади ҳамда унинг жойлашган манзилини белгилаш имконсиз деб қаралади.

Агар ҳозир бўлмаган қарздор-ЯТТ бўлса, унда тегишинча жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тўхтатган, яшаш жойида бўлмайди ва турган жойи номаълум бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг №142 Қарори 35-банди тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳозир бўлмаган қарздор деганда, фақатгина бошқарувчининг ҳозир бўлмаслик фактини эмас, балки ҳўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкининг йўқлигини ҳам тушуниш лозим.

Таъкидлаш жоизки, банкротлик тўғрисидаги Қонунда қўлланган «ҳозир бўлмаган қарздор» тушунчаси фуқарони бедарак йўқолган деб топиш институти (ЎЗР ФКнинг 33—35-моддалари) билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги (шу жумладан мол-мулки мавжуд бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги) ариза ҳўжалик судига:

- кредитор томонидан;
- банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари томонидан;
- бошқа ваколатли органлар томонидан;
- прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Қарздорнинг ҳозир эмаслигига далилларга, яъни ЯТТ ёхуд қарздор юридик шахсни ҳозир эмаслигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган манзилини белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга: манзил идораси томонидан берилган доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтганлиги ёки қайд этилгани, ҳудуддан чиққанлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома; рўйхатдан ўтган манзилда яшамаслиги ҳақидаги баённомаларни киритиш мумкин. Қарздорнинг ҳозир эмаслигига далил сифатида яна ўлим ҳолатини ёки шахсни озодликдан маҳрум қилиш жойларида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам киради (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг №142 Қарори 35-банди учинчи қисми).

Қарздор мол-мулкининг ҳозир эмаслиги факти қарздорнинг жойлашган жойи (почта манзили) бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, турар жой ёки нотурар жой бинолари эгалари, ва(ёки) суд бошқарувчиси иштирокида тузилган ҳужжатга ёхуд суд ижрочисининг ижро ҳужжатини қарздорда мол-мулк бўлмаганлиги боис ижросиз қайтариш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Агар аризачи томонидан қарздорнинг ёки унинг мол-мулкининг ҳозир эмаслигига далиллар келтирилмаган бўлса, агар аризачи томонидан аризани умумий тартибда иш юритиш учун қабул қилиш шартларига риоя қилинган бўлса, ҳўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги қоидаларни қўлламай туриб, умумий асосларга

кўра қабул қилиши мумкин. Агар қарздорнинг раҳбари ёки ЯТТ ҳозир бўлса-ю, лекин мол-мулки ҳозир бўлмаса ҳам банкротлик тўғрисидаги иш соддалаштирилган тартибда кўриш учун тегишли бўлади (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 35-банди).

Маълумки, юридик шахс ва ЯТТнинг банкротлиги улар қачонки пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини қаноатлантиришга ва(ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлаш мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой мобайнида қарздор томонидан бажарилмаса вужудга келади.

Бу қоидалар мажбуриятларни бажариш имконияти йўқлиги боис, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш чоғида қўлланилмайди, аини вазият бўйича уч ойлик муддат ичида пул мажбуриятларини ижро этмаслик ва(ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажармаслик тўғрисидаги Қонуннинг умумий талаби қўлланилмайди.

Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ҳўжалик суди томонидан кредиторлик қарзларининг ҳажмидан қатъи назар қабул қилинади (Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 27.01.2006 йилдаги 142-сонли қарори 35-банди).

189-модда. Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш

Ҳўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди.

Ҳўжалик судининг қарори банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарорни олган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида ҳўжалик судига тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этади. Ҳўжалик суди тугатиш бошқарувчисини банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ўзи аниқлаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади, улар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этишлари мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкани аниқлаган тақдирда хўжалик суди мазкур бошқарувчининг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда банкротликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Мазкур модданинг мақсади ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳисобланади ҳамда таомилни кечиши ҳақида қисқача тавсиф, қарздор мол-мулки аниқланганда соддалаштирилган банкротлик таомилидан умумийсига ўтиш тартиби ҳам белгиланган.

1. Қоида тариқасида, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан уч ойлик муддат ичида ишни кўриши ва иш бўйича қарор чиқариши керак (Қонуннинг 49-моддаси). Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан ишни кўришнинг қисқартирилган икки ҳафталик муддатини назарда тутаяди, чунки ҳақиқатда на қарздор ва на унинг мол-мулки мавжуд эмас.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан унга заруриятнинг йўқлиги боис, кузатув таомили жорий этилмайди, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди, чунки қарздорнинг ўзи йўқ.

3. Хўжалик суди томонидан ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, қарор суд томонидан суд ҳужжати олинган кундан бир ҳафталик муддат ичида тугатиш бошқарувчилигига номзод кўрсатиши керак бўлган банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади. Шу ўринда, қарздорнинг устав фондида давлатнинг улуши бор ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Мазкур қисмга мувофиқ ҳозир бўлмаган қарздорнинг тугатиш бошқарувчисини тайинлаш банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан амалга оширилади. Бироқ, амалиётда аризачи (банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ёки давлат солиқ хизмати) ўзи тўртинчи ва ундан юқори даража суд бошқарувчилиги аттестатига эга ўз ходимлари таркиби номзодни кўрсатиши мумкин. Агар кўрсатилган органлар хўжалик суди томонидан белгиланган муддатда ичида тугатиш бошқарувчилигига номзодларни тақдим этмасалар, унда суд ўзи мустақил равишда уларнинг ходимлари таркибидан тугатиш бошқарувчисини тайинлаши мумкин.

4. Тугатиш бошқарувчиси қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги маълумотларни «Банкротлик тўғрисида»ги ЎзР Қонуннинг 127-моддасига мувофиқ эълон

қилади. Эълон қилиш чоғида тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг ўзи аниқлаган барча кредиторларини ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Кўрсатилган кредиторлар бу хабарни олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ўз талабларини тақдим этишлари мумкин. Унинг тугаши билан кредитор талаблари реестри ёпилиши мумкин.

Ҳозир бўлмаган қарздор кредиторлари талабларини қаноатлантириш навбати, ҳажми ва тартиби Қонуннинг 134—138-моддалари билан (юридик шахсга нисбатан) ҳамда 183-моддасида (ЯТТга нисбатан) белгиланган. Ҳозир бўлмаган қарздор кредиторлари талабларининг ҳажмини белгилаш «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 99-моддасида назарда тутилган умумий тартибларда амалга оширилади (Қонуннинг 128-моддаси тўртинчи қисми шарҳига қаранг).

Тугатиш бошқарувчиси тугатиш иши юритиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақиритишга ҳақли. Тугатишга доир иш юритиши таомилини яқунлаш Қонуннинг 144-моддасида назарда тутилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилади.

5. Шарҳланаётган модданинг бешинчи қисмига мувофиқ, агар тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир ишни юритаётганда ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкани аниқласа, унда у судга банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ва банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли бўлади. Шарҳланаётган қисмда қарздор раҳбарининг эмас, балки айнан қарздорнинг мол-мулкани аниқланиши кўрсатилади. Агар раҳбар аниқланса, аммо мол-мулк бўлмаса унда банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарурияти бўлмайди. Бу масаланинг ечими ишнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ бўлади. Бир-бирига боғлиқ равишда, кейин қандай таомил жорий қилинишига мазкур тугатиш бошқарувчиси ўзининг мажбуриятларини бажариш учун қолишига ёки янги суд бошқарувчиси тайинланишига боғлиқ бўлади.

Илтимосномани кўриш натижаларига кўра судга шикоят келтириш мумкин бўлмаган банкротликнинг умумий таомилларига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

ХII БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Шарҳланаётган боб банкротликка олиб келган қандай ҳаракатлар (нафақат жиноий жазога сазовор, балки фуқаровий жавобгарлик ҳам назарда тутилади) ғайриқонуний ҳисобланиши ҳамда бундай ҳаракатлар учун ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини белгилайди.

190-модда. Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар

Банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар дейилганда қарздорга ёки кредиторларга зарар етказган мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг ёхуд кредиторлар ёки бошқа шахсларнинг қасддан қилган ҳаракатлари билан боғлиқ қоидабузарликлар тушунилади.

Ғайриқонуний ҳаракатларга қуйидагилар ҳам киради:

қарздор мол-мулкининг ёки мажбуриятларининг ҳаммасини ёхуд бир қисмини яшириш;

қарздорнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳисобга олишга оид ҳар қандай ҳужжатини яшириш, йўқ қилиш, бузиб кўрсатиш, сохталаштириш;

мол-мулкни (шу жумладан пул маблағларини) яшириш мақсадида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериб юбориш;

бухгалтерия ҳужжатларига зарур ёзувларни киритмаслик;

қарздорнинг кредитга олинган ва ҳақи тўланмаган мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш, йўқ қилиш, гаров сифатида қўйиш;

мансабдор шахсларнинг ёки қарздор мол-мулки эгасининг шахсий манфаатларини ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қарздорнинг тўловга қобилиятсизлигини ошириш;

айланма маблағларни қайтармай бошқа мақсадларга ишлатиш;

кредиторларга зарар етказиш мақсадини кўзлаган ҳолда қасддан банкротликка олиб келиш;

кредиторнинг талабларини бошқа кредиторларнинг зарар кўриши ҳисобига афзалроқ қондириш, шундай қондиришга розилик бериш;

қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятини бажаришдан қочиш мақсадида қасддан ўзини-ўзи тугатиши.

1. Мазкур модданинг мақсади «банкротликка олиб келган ғайриқонуний ҳаракатлар» — тушунчасини аниқлаш ҳисобланади, чунки ушбу қилмишлар қарздор-юридик шахснинг мансабдор шахси ёки

қарздор-ЯТТнинг ҳаракатларида айбнинг мавжудлигини аниқлашда аҳамиятга эга, чунончи амалиётда бу масала юзасидан жуда кўп баҳслар юзага келган.

2. Модданинг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938 сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий но-чорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун ман-сабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фар-монига мувофиқ, хўжалик судлари ишни кўриш вақтида жиноят аломатларини аниқласа, жиноят иши қўзғатишга ҳақли. Юқорида қайд этилган тушунчалар банкротлик тўғрисидаги суд иш юритуви субъектлари томонидан содир этилган гайриқонуний ҳаракатларнинг сифат хоссаларини аниқлаш, ва жиноят таркибини тўғри квалифи-кация қилиш имконини беради.

Бу ҳақда «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 192-моддаси шарҳида батафсил ёритилган.

191-модда. Низоларни ҳал қилиш

Банкротлик жараёнида юзага келган низолар қонун ҳужжатлари-да белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Мазкур модда банкротлик таомилида юзага келган низоларни ҳал этиш тўғрисидаги ҳаволаки нормадан иборат. Банкротлик таоми-лида юзага келган низолар 29.08.1996 йилги ЎЗР ФК ва 30.08.1997 йилги ЎЗР ХПК ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

192-модда. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини буз-ганлик учун жавобгарлик

Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айб-дор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ушбу модданинг мақсади «Банкротлик тўғрисида»ги қонун та-лабларини бузишга йўл қўймаслик ва унинг олдини олишдан ибо-рат.

Модданинг мазмуни ва моҳияти:

Кўришиб тургандек ушбу модданинг мазмуни банкротлик тўғри-сидаги қонунни бузиш тўғрисидаги ҳаволаки нормалардан иборат. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқий жавобгарликни вужудга кели-ши нафақат Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг нормаларини бузишда тахмин қилинади, балки барча

банкротлик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар комплексини (массивини) бузганда жиноий, фуқаролик, интизомий ва маъмурий турдаги жавобгарликка тортилади.

Фуқаролик жавобгарлигининг ҳақида ҳам эслатиб ўтиш зарур.

Хўжалик суди «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ёки санация қилувчи бошқарувчининг, суд санацияси режасини қарздор раҳбари томонидан бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган илтимосномаси асосида қарздор раҳбарини ўз вазифаларини ижро қилишдан четлаштириш кўринишидаги интизомий жавобгарлик чорасини қўллашга ҳақли.

Молиявий ҳолати мониторинги олиб борилаётган корxonанинг мансабдор шахслари бу корxonанинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги материалларни тақдим қилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215-(1) моддасига ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ хўжалик суди маъмурий чора сифатида жарима қўллаши мумкин.

Фуқаролик жавобгарлиги масаласига келсак, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси қарздор раҳбари ва тугатиш комиссияси раҳбарининг жавобгарлигини белгилайди. Умумий қоидага кўра, суд бошқарувчиси ҳам ўз ҳаракатлари билан кредитор ва қарздорга етказилган зарарни қоплаш бўйича жавобгарликка тортилади (Қонуннинг 21-моддаси).

Жиноят қонунчилиги доирасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун нормасини бузиш билан боғлиқ жавобгарлик 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎзР ЖКнинг 180—181-моддаларида кўрсатилган. Масалан, ЎзР ЖКнинг 180-моддаси сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга **кўп миқдорда** зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЎзР 29.08.2001 й. 254—II сон Қонуни таҳриридаги санкция), деб белгилайди.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмай-

ди (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги Қонуни таҳрири).

ЎЗР ЖКнинг VIII бўлимида «кўп миқдор» атамасига тушунча берилган, яъни бу зарар энг кам ойлик иш ҳақининг 100—300 бараваригача қилиб белгиланган.

Хўжалик юритувчи субъектларининг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигини йўқотганлиги ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, ЎЗР ЖКнинг 181-моддасида энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараварини икки юз бараваригача миқдорда жарима ундириш ёки беш йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазolari белгиланган (Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги 254—II сон Қонуни таҳрири). Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.


Айтиш жоизки, ЎЗР ЖПКнинг (1994 йил 22 сентябрдаги) 345-моддасига мувофиқ дастлабки терговни шу моддада кўрсатилгандек жиноят ишини қўзғатган органлар томонидан амалга оширилади. ЎЗР ЖПК 344-моддасига мувофиқ жиноят ишлар бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради ҳамда бевосита прокурорлар ҳам амалга оширади, демак, терговни ҳам мазкур ишни қўзғатган тегишли орган олиб боради. Бу пайтда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки ЎЗР ЖПК 382-моддасининг учинчи қисмига кўра прокурор ишлар ҳажми, мақсадга мувофиқлиги ва хусусиятидан келиб чиқиб ҳар қандай ишни суриштирув органидан олиб терговчига беради, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жиноят ишини қўзғатиш ЎЗР ЖПКнинг 321, 329, 331-моддаларига биноан суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суд ажрими билан ариза, хабар ва бошқа жиноят ҳақидаги маълумотлар қабул қилинган кундан эътиборан уч ва ўн сутка мобайнида расмийлаштирилади. Жиноят ишини қўзғатилишига сабаблар: шахсларнинг аризалари; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ»ГА КЎРА БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ УМУМИЙ СХЕМАСИ



КУЗАТУВ



Кузатув таомили муддати — 3 ойдан кўп бўлмаган муддат (49-м.)

(Муддат суд ажрими билан 2 ойгача узайтирилиши мумкин.)

СУД САНАЦИЯСИ

Суд санацясини жорий этиш ва санацяс килувчи бошқарувчини тайинлаш ҳақидаги суд ажрими (78-м. 1—2-қ.)

Суд санацяс режасини бажариш (83-м. 1—2-қ.)

Қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторлар талабларини қондириш (83-м. 3—4-қ.)

Суд санацясининг муддатидан илгари тамомланиши. (85-м. 1-қ.)

Ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш (85-м. 3-қ. 3-аб.)

Ҳисоботнинг тасдиқланиши (85-м. 3-қ. 3-б.) (87-м. 3-қ. 2-аб.)

Банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш (85-м. 4-қ.) (87-м. 3-қ. 2-аб.)

Суд санацясини тамомланиши (87-м. 1-қ.)

Ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш (87-м. 3-қ. 3-аб.)

Ташқи бошқарувни жорий қилиш (87 м. 4 қ.) (86 м. 5 қ.)

Ташқи бошқарувни жорий қилиш (89-м. 2-қ. 3-аб.)

Суд санацясини муддатидан илгари тугатиш (86-м. 1-қ.)

Кредиторлар йиғилиши томонидан ҳисоботни кўриб чиқилиши (86-м. 3-қ.)

Ҳўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилиши илтимосномасини кўриб чиқилиши (86-м. 4-қ.)

Банкрот деб топиш (87-м. 4-қ.) (86-м. 5-қ.)

Банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш (89-м. 2-қ. 3-аб.)

Легишув битимини тасдиқлаш оқибатида банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш (150-м. 1-қ.)

Қарздор мажбуриятлари таъминотини тақдим этган шахслар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланмайдиган таъминотлар

Суд томонидан қарздор мажбуриятларини бажариш ҳақидаги ажрим чиқарилиши ва муддат белгиланиши (88-м. 1-қ.)

Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан бажарилиши (88-м. 2-қ.)

Суд томонидан ҳисоботни кўриб чиқилиши (89-м. 2-қ.)

Ҳисоботни тасдиқланиши (89-м. 2-қ. 2-аб.)


Банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш (89-м. 2-қ. 2-аб.)

Ҳисоботни тасдиқлашни рад этиш (89-м. 2-қ. 3-аб.)


Суд санацясини муддати — 24 ойдан кўп бўлмаган муддат (76-м. 4-қ.)

Суд санацясини муддати 6 ойгача узайтирилиши мумкин (76-м. 4-қ.)

ТАШҚИ БОШҚАРУВ




ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ



Тугатишга доир иш юретиш муддати — 1 йил (124-м. 1-қ.)
(муддат суд ажрими билан ўзайтирилиши мумкин).

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ БАНКРОТЛИГИ




3 ойгача бўлган муддат (49-м.)

1 йилдан кўп бўлмаган муддат (124-м. 2-қ.)

Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик суди, 2007 © Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), 2007

БАНКРОТЛИКНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛЛАРИ (ТУГАТИЛАЁТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР)



Тугатишга доир иш юритиш мuddати — 1 йилдан кўп бўлмаган мuddат (124-м. 1-қ.) (мuddат суд ажрими билан ўзайтирилиши мумкин).

ҲОЗИР БЎЛМАГАН ҚАРЗДОРНИНГ БАНКРОТЛИГИНИНГ СОДАЛАШТИРИЛГАН ТАОМИЛИ

